


ШУҲРАТ ЭРГАШЕВ

ЖАҲОН

ТАРИХИ

ЯНГИ ДАВР
XVI–XVIII асрлар

I
ҚИСМ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ШУҲРАТ ЭРГАШЕВ

ЖАҲОН ТАРИХИ

ЯНГИ ДАВР
XVI–XVIII асрлар



*Олий ўқув юртлари 5110600 «Тарих ўқитиш методикаси»
таълим йўналиши учун ўқув қўлланма*

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2014

УЎК: 94(419)(075)

КБК 63.3(0)я73

Э-74

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртлари 5110600 «Тарих ўқитиш методикаси» таълим йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.

Ма с ъ ул му ҳ а р р и р л а р:

тарих фанлари доктори, профессор *Раҳмон Фармонов*,

тарих фанлари номзоди *Тулқин Бобоматов*

Та қ р и з ч и л а р:

тарих фанлари номзоди, доцент *Равшан Сиддиқов*,

тарих фанлари номзоди, доцент *Азиз Татибаев*

Ҳозирги замон цивилизациясининг шаклланиш жараёнига Буюк географик кашфиётлар катта туртки бўлди. Нағижада дунёвий фан ва маданият ривожланди, инсоннинг шаъни, кадр-қиммати тушунчалари кенг омма орасида қарор топди, шахснинг ташаббускорлиги ва тадбиркорлиги сингари хусусиятларига кенг йўл очилди, кишиларнинг дунёқараши ва ҳаётида кескин ўзгаришлар юз берди. Бу давр жаҳон цивилизациясининг тезкор тараққиёт даври бўлиб, кейинчалик индустриал цивилизация номини олди.

Ўқув қўлланмада жаҳон тарихининг янги даврини ҳозирги замон цивилизациясининг шаклланиш тарихи сифатида ёритишга ҳаракат қилинган.

ISBN 978-9943-28-170-7

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2014

КИРИШ

Тарихга марксча қараш инқирозга учрагандан сўнг ўтган вақт ичида тарих ва фалсафадан пайдо бўлган адабиётларнинг аксариятида инсоният тарихини циклли динамика ва социогенетика назарияси асосида, нисбатан қисқа цикллардан то кўп асрлик цивилизация цикллари ва минг йиллик катта цикллар асосида қуришга ҳаракат қилинади¹. Бу эса инсониятнинг ўтмиши, бугуни ва келажакини ибтидоий жамоа тузуми деб аталувчи узоқ мавҳумликдан бошланган ва «коммунизм» деб аталувчи бошқа бир ададсиз мавҳумлик билан яқунланган бешта ижтимоий-иқтисодий формацияларга анъанавий ажратишдан воз кечиш, янги, муқобил усулларни жорий қилиш имконини берди.

XX асрнинг биринчи ярмида тарихга цивилизацияли ёндашув фанда кенг тарқалди. Бунда тарих неолитдан бошланган локал цивилизацияларнинг тобора катта тезлик билан даврий алмашилиб туриши сифатида тасаввур қилинади. Моддий ва маънавий маданиятнинг характериға қараб фарқланадиган ҳамда ўз тараққиётида маълум босқичлардан ўтадиган локал цивилизациялар ва унинг яратувчиси – инсон ўрганишининг асосий объекти сифатида қаралади. Бу қараш XVIII асрда шаклланган бўлса-да (асосчиси италиялик олим Д. Вико ҳисобланади), тарихга локал цивилизацияларнинг алмашилиш жараёни сифатида қараш XX асрда Ғарб цивилизацияси мамлакатларида кенг тарқалди ва янада такомиллашди. Бу назарияни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга Н. Данилевский, О. Шпенглер, П. Сорокин, К. Ясперс, А. Тойнби, Л.Н. Гумилев, О. Тоффлер, М. Вебер, Ф. Бродель, С. Хантингтон, М. Хайдеггер каби олимлар катта ҳисса қўшдилар.

Афсуски, ғоявий утилитар доктриналар ҳукмрон бўлган совет мустабид тузуми даврида бу назарияни тан олиш ҳамда жаҳон ва Ватан тарихини ўқитишда қўллаш имконияти йўқ эди. Чунки ижтимоий фанлар коммунистик мафкура манфаатларига хизмат қиларди.

¹ Аслида бу ёндашув фанда янгилик эмас. Масалан, минг йиллик катта цикллар ҳақидаги назария буюк ватандошимиз Абу Райҳон Берунийга тегишли.

Бу тузум ва унда ҳукмронлик қилган догмалар кулаши билан тарихий жараёнларнинг янги парадигмаларини ўзлаштириш учун кенг имкониятлар очилди, мустақиллик туфайли ҳақиқатни англаш омилини шакллантириш ва унинг муқим амал қилишига шароит яратиш имкони пайдо бўлди. Ватанимиз ва жаҳон тарихини ўрганишнинг янги, илмий холисликка асосланган принциплари ишлаб чиқилмоқда.

Франция, Англия, Германия ва Европанинг бир қатор бошқа мамлакатларида янги тарихнинг бошланиш нуқтаси қилиб Буюк географик кашфиётлар, Гуманизм ва Реформация қабул қилинган. Айнан географик кашфиётлар дунёнинг фақат географик эмас, балки иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий кўринишини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Географик кашфиётлар натижасида Ғарбий Европа мамлакатларида «нарх-наво инқилоби»¹ юз бериб, бу воқеа ушбу мамлакатларда капиталистик муносабатларнинг ривожланиши учун катта туртки бўлди ва кейинчалик бир қатор Европа мамлакатларини метрополияга айлантирган мустамлакачилик тизимининг шаклланиш жараёнини бошлаб берди.

Шарқда айнан шу ҳодисанинг ўзи қарама-қарши жараёнларни келтириб чиқарди. Бу ерда турғунлик, иқтисодий ва маданий соҳаларда Ғарбдан орқада қолиш ҳоллари юз бериб, охир-оқибатда қачонлардир юксак тараққиётга эга бўлган Шарқ мамлакатларининг кўпчилиги мустамлака ва ярим мустамлакаларга айлантирилди. Шу тариқа мустамлака тизими ва умумжаҳон бозори вужудга келди. Инсоният тарихида биринчи марта жаҳон халқлари тарихи бир бутунлик касб эта бошлади.

Осиё ва Африка халқларининг янги даври анъанавий равишда ушбу мамлакатларнинг мустамлакаларга айлантирилиш жараёнини қамраб олади. Жаҳон тарихининг маълум даври сифатидаги Янги тарихнинг характерли томонлари Европа учун ҳам, Осиё ва Африка мамлакатлари учун ҳам умумийдир. Аммо бу тарихий даврнинг мазмуни Ер шарининг ушбу турли минтақалари учун мутлақо турлича: Ғарбнинг илғор мамлакатларида капитализм ривожланиб, ҳукмрон муносабатларга айланаётган эди; Осиё ва Африка мамла-

¹ Буюк географик кашфиётлар оқибатида мустамлака империялари шаклланиб, у ердан оқиб кела бошлаган катта бойликлар Европа мамлакатларида нарх-навонинг, биринчи навбатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархининг кескин кўтарилишига олиб келди. Бу ҳодиса олимлар томонидан «нарх-наво инқилоби» деб аталиб, Европада капиталистик муносабатларнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатди.

катлари аксинча, узоқ муддатли инқироз даврига кирдилар ва кейин капиталистик давлатларнинг экспансия манбаига айландилар.

Осиё ва Африка мамлакатлари тарихшунослиги шарқ марказчилиқ ёндошувига асосланган бўлиб, минтақавий хронологик чегараларни белгиламайди. Кўпинча улар ўз мамлакатларидаги аниқ тарихий жараёнларни давр чегараси қилиб белгилайдилар. Масалан, кўпчилиқ Хитой тарихчилари Янги тарихнинг бошланиши деб биринчи «афюн урупи»ни (1840–1842), якуни деб эса Хитой Халқ Республикасининг ташкил топишини (1949) оладилар. Биз на шарқ – марказчилиқ, на европа – марказчилиқ ёндашувларини бир томонлама ёқламаган ҳолда, юқорида кўрсатилган воқеаларнинг (Англия буржуа инқилоби билан Француз буржуа инқилоби ҳам) бирортаси бутунжаҳон миқёсида таракқиёт векторининг кескин бурилишига олиб келган воқеалардан бўлмаганлигини таъкидламоқчимиз. Фақат Христофор Колумб (1492) ва Васко да Гама (1498)лардан бошланган Буюк географик кашфиётларгина дунё харитасининг реал ўзгаришига олиб келган жараёнларга муқаддима бўлди ва бутун дунё халқларининг ҳаётида кескин бурилиш ясади. Буюк географик кашфиётлардан кейин том маънода Янги давр бошланди.

«Янги тарих» термини дастлаб гуманист-тарихчилар томонидан истъмолга киритилди. Улар Европа Уйғониш даврида дунёвий фан ва маданиятнинг ривожланиши, инсоннинг шаъни, қадр-қиммати тушунчаларининг кенг омма орасида қарор топиши, шахснинг ташаббускорлиги ва тадбиркорлиги сингари хусусиятларига кенг йўл очилиши ва булар натижасида кишиларнинг дунёқараши ва ҳаётида кескин ўзгаришлар юз берганлигини янги давр бошланиши учун асос қилиб олдилар. Янги давр, гуманистларнинг фикрича, кишиларнинг табиий тенглиги ғоясини, шахснинг эркинлиги ва шаъни каби демократик тушунчаларни ўзида мужассамлаштирган янгича дунёқарашнинг шаклланиши ва ҳукмрон дунёқарашга айланиши билан ўрта асрлардан фарқ қилади. Янги даврнинг энг характерли томонларидан бири, дунёни янгича тушуниш асосида шахснинг ташаббускорлиги, тадбиркорлиги учун кенг имкониятлар очишда ва шунинг натижасида иқтисодий ҳаётнинг гуркираб ўсишида намоён бўлади.

XVI асрдан XVII асрнинг биринчи ярмигача дастлаб Ғарбий Европа мамлакатларида аста-секин янгича ҳаёт тарзи вужудга кела бошлади. Янги даврнинг шаклланиши мураккаб жараён бўлиб,

борган сари кўплаб халқлар ва мамлакатларни қамраб олди. Жаҳон халқлари тарихи ягона жараён сифатида шакллана борди.

Европаликларнинг ҳаётида кўплаб янгиликлар пайдо бўлиб, уларнинг бир қисми Шарқдан кириб келди. Жамият тараққиётида янги белгилар пайдо бўлди:

– ўрта асрларнинг буюк ихтиролари – компас, порох, китоб чоп этиш ва бошқалар ҳаётга янада кенгроқ татбиқ қилина бошланди;

– энергияни одатдаги манбалардан (сув, шамол) олиш ва уларни механизмлар билан узатишга ёрдам берадиган кўплаб янги ихтиролар қилинди;

– мануфактура ишлаб чиқариши ривожланиб, аста-секин цехларни сиқиб чиқара бошлади;

– металлларга ва ўточар қуролларга ишлов бериш жараёни такомиллашди;

– савдо ривожланди ва пул-товар хўжалиги мустаҳкамланди;

– савдо марказлари бўлган шаҳарлар жамият ҳаётида тобора каттароқ роль ўйнай бошлади;

– аҳолининг таркиби ўзгарди – шаҳарларда буржуазиянинг салмоғи ошди, ёлланма ишчилар тез кўпая борди, зиёлилар сони ўсди;

– буржуазия сонининг ошиши, унинг бойлик тўплаши, инсоний кадр-қиммат туйғусининг ривожланиши бу қатламни ўз озодлиги ва мулки учун, жамиятда ҳукмронликни қўлга олиш учун курашга бошлади;

– деҳқонларнинг шахсий озодликка эришиши қишлоқ хўжалигида ҳам ёлланма меҳнат ва тадбиркорликнинг ривожланишига олиб келди. Кўплаб зодагонлар ҳам энди тадбиркорлик фаолиятига тортилди.

Бундан ташқари янги давр ривожланган шаҳар маданияти, антик давр тарихига бўлган улкан қизиқиш, уни идеаллаштириш, бадиий санъатнинг тез ҳаётийлашуви кабилар билан ҳам характерланади. Аслида, кўпчилик ҳолларда фожиали оқибатларга олиб келган урушлар, кўзғолонлар ва инқилоблар эмас, кишиларнинг яратувчанлик фаолияти, доимий изланиш ва интилиш маънавият ва маданиятда, ижтимоий ҳаётда ва иқтисодий ўсишда катта ижобий ўзгаришларга олиб келди.

Шу маънода гуманистик ғоялар ҳам бирданига ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. У кишилар асрий интилишларининг, тинимсиз яратувчилик фаолиятларининг қонуний маҳсули эди. Ана шу ғоявий

оқим – гуманизм доирасида XV асрдан бошлаб гуманистик тарихшунослик ҳам шаклланди. Бу янги даврда тарихий фикр ривожининг биринчи босқичи бўлди. Гуманистлар тарих фанини диний тасаввур ва афсоналардан холос қилиб, тарихни кишилар фаолиятининг маҳсули деб қарадилар, тарихий воқеаларни рационалистик нуқтаи назардан тушунтирдилар ва шу асосда инсоният тарихини янгича даврлаштиришни ишлаб чиқдилар.

Гуманистларгача Европада тарихни тўртга монархия – Оссурия-Бобил (Вавилон), Мидия-Эрон, Юнон-Македон ва Рим монархиялари бўйича даврлаштириш қабул қилинган эди. Гуманистлар бундай даврлаштириш ўрнига инсоният тарихини «қадимги», «ўрта» ва «янги»га бўлишни таклиф қилдилар. Улар бундай бўлишга маданият характеридаги фарқни асос қилиб олдилар.

Ҳозирги кунда ҳам бир қатор олимлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришларга асосланган марксистик даврлаштиришга нисбатан гуманистларнинг даврлаштиришини ҳаётийроқ деб ҳисоблашади. Албатта, гуманистлардан кейин ўтган давр орасида тарих фани жуда катта ривожланиш йўлини босиб ўтди. Кўплаб янги ғоялар, тарихни тушуниш ва тушунтиришга янгича ёндашувлар пайдо бўлди, тарих фалсафаси шаклланди, тараққиётнинг янги қонуниятлари очилди. Зотан, гуманистлар таклиф қилган даврлаштириш маълум маънода ўз долзарблигини ҳамон йўқотгани йўқ. Қолаверса, марксистик тарихшуносликда янги тарихни даврлаштириш ўтган асрнинг 20–30-йилларида қандай зиддиятли бўлган бўлса, охиригача шундай давом этди. Бу ёндашувнинг асосини ташкил қилган «инқилобдан – инқилобгача» даврлаштириш ўта шартли ва номукамал эди.

Капиталистик муносабатларнинг шаклланишида, қарор топишида ҳам инқилоблар эмас, Гуманизм ва Реформация ғоялари билан боғлиқ янги билимларнинг шаклланиши, Буюк географик кашфиётлар натижасида дунёнинг тузилиши ҳақида янги тасаввурларнинг пайдо бўлиши, янги савдо йўллариининг очилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Бу давр Ғарбий Европада миллатларнинг ва мутлақ монархия кўринишидаги миллий давлатларнинг шаклланаётган даври эди. Юз бераётган ҳар бир ўзгаришда шаклланаётган янги дунёқарашнинг таъсири сезилиб турарди. Энг аввало, бутун ўрта асрларда ҳукмронлик қилиб келган инсонни ақлий, маънавий кам-

ситишга ва жисмоний чеклашга асосланган дунёқараш ўрнига янги, гуманистик дунёқараш шакллана бошлади.

Бошқа даврларда бўлгани сингари бу даврда ҳам инсоният даҳшатли вайронагарчиликлар, қиргинлар ва ижтимоий бўҳронларга олиб келган урушлардан халос бўла олмади. Бунинг устига янги давр Европа халқлари тарихида уларнинг турмуш тарзини, жамиятнинг маънавий асосларини бир неча бор ўзгартириб юборган инқилоблар даври, мустамлакачилик асоратига тушган Америка, Осиё ва Африка халқлари тарихида эса мустақиллик ва озодлик учун тўхтовсиз курашлар даври ҳам бўлди. Аммо ҳаётдаги, ижтимоий муносабатлардаги, маънавият ва маданиятдаги, иқтисоддаги туб ўзгаришларга урушлар ва инқилоблар эмас, одамларнинг доимий яратувчилик фаолияти орқали эришилди.

Буюк географик кашфиётлар, табиий фанлардаги янгиликлар, католик черковига қарши кураш натижасида янгича ҳаёт тарзи шаклланиб борди. Капиталистик муносабатларнинг устувор муносабатга айланиб боргани сари жамиятнинг тобора кўплаб қатламлари ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятига тортилди. Бу давр Европа цивилизациясининг тезкор тараққиёт даври бўлиб, кейинчалик индустриал цивилизация номини олди.

Китобда жаҳон тарихи янги даврини ҳозирги замон цивилизациясининг шаклланиш тарихи сифатида ёритишга, бу жараёнда Осиё, Африка ва Америка халқларининг ҳам ўрнини кўрсатишга ҳаракат қилинган. Миллий давлатларнинг ташкил топиши, дунё харитасининг ўзгаришига сўзсиз катта таъсир кўрсатган географик кашфиётлар, урушлар, инқилоблар, кўзғолонлар сингари тарихий воқеалар билан бир қаторда янгича тафаккур, янгича дунёқарашнинг шаклланишига улкан ҳисса қўшган фан, адабиёт, санъат ва кундалик турмушдаги ўзгаришларга ва, албатта, турли халқларнинг ушбу жараёндаги ролига алоҳида эътибор берилди. Россия ва бошқа бир қатор мамлакатларда сўнгги 15–20 йил ичида нашр қилинган тарих дарсликлари ва ўқув қўлланмаларнинг кўпчилигида янги давр асосан ғарб цивилизациясининг ўрнатилиш жараёни сифатида қаралиб, «асосий эътибор шу цивилизациянинг тарихий тақдирини ёритишга қаратилган»¹.

¹ Қаранг: Всеобщая история / С.В. Новиков, А.С. Маныкин, О.В. Дмитриева. – И.: АСТ: СЛОВО: Полиграфиздат, 2012. – С. 11.

Мазкур қўлланмада, юқоридагилардан фарқли равишда, бутун дунё халқларининг тарихини қамраб олишга ва ҳозирги замон цивилизацияси фақат Ғарб тафаккурининг маҳсули бўлмасдан, кўплаб халқлар тараққиётининг қонуний натижаси эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилинди.

Ўқув қўлланма учун дастуриламал сифатида олинган ғоя – ҳар қандай цивилизация кўндан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва ўзаро самарали таъсирининг маҳсули эканлигини ўқувчига етказишдир.

Ўқув қўлланма асосан олий ўқув юртларининг «тарих ўқитиш методикаси» таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган. У икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм XVI–XVIII асрларни ўз ичига олади. Бу даврнинг асосий хусусияти унинг ўтиш босқичи эканлигидадир. Бу даврда жамиятнинг ижтимоий тизими ва иқтисодий базасида кескин ўзгаришлар юз берди. Иккинчи қисм XIX аср бошидан Биринчи жаҳон урушининг яқунланиши – 1918 йилгача бўлган давр воқеаларига бағишланган. Бу даврда Ғарбий Европа ва Шимолий Американинг илғор мамлакатларида индустриал цивилизация қарор топди.

Янги даврнинг бошланиши, ҳозирги замон цивилизациясининг шаклланиши ўта мураккаб жараён эканлиги, бир китобда барча тарихий воқеаларни қамраб олиш ва уларга ҳаммани қаноатлантирадиган даражада баҳо бериш мумкин эмаслиги аён. Шунинг учун ҳам ушбу воқеаларни баён қилишда умумэътироф этилган нормалардан четга чиқмасликка ҳаракат қилинди.

І БЎЛИМ

ЕВРОПАДА ЯНГИ ДАВРНИНГ БОШЛАНИШИ

І БО Б. БУЮК ГЕОГРАФИК КАШФИЁТЛАР ВА МУСТАМЛАКА ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

XV–XVII асрлардаги Буюк географик кашфиётлар Европада капиталнинг дастлабки жамғарилиш жараёни билан боғлиқ эди. Янги савдо йўлларининг очилиши, кашф этилган ерларнинг ўзлаштирилиши ва у ерлардаги бойликларнинг таланиши бу жараёни тезлаштирди, мустамлака тизимининг шаклланишини бошлаб берди, жаҳон бозорининг таркиб топишига, Европада савдо капиталининг, банк иши ва кредитнинг ривожланишига олиб келди. Қитъалар ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланди, жаҳон савдоси Ўрта Ер денгизидан Атлантик океанига кўчди.

Илк янги даврда Европа ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётининг характери ҳам кўп жиҳатдан географик кашфиётлар билан боғлиқ бўлди. Бу пайтга келиб техник ва иқтисодий тараққиётда эришилган юқори натижалар европаликларга очилган янги ерлардан унумли фойдаланиш имконини берди.

Салиб юришларидан кейиноқ Шарқ билан ўрнатилган жадал савдо алоқалари, натижасида хинд, араб ва форс матолари, заргарлик ва ҳашам буюмларининг Европага оқиб келиши географик кашфиётларнинг иқтисодий асосларини ташкил қилди.

XV асрдаги географик кашфиётлар Пиреней яримороти давлатлари – Испания ва Португалия денгизчилари томонидан амалга оширилди.

Географик кашфиётларнинг биринчи, португал босқичи (1418–1460) шахзода Энрике Денгиз Саёҳатчиси¹ (1394–1460) номи билан боғлиқ. Бу иқтидорли ташкилотчининг денгиз экспедицияларида

¹ Энрике (Генрих) Денгиз Саёҳатчиси – 1394–1460 йиллари яшаган, Португалия шахзодаси, қирол Жуан I нинг ўғли. Португалияликлар томонидан Африканинг истило қилинишини бошлаб берган истилочи, салибчи, олим ва ташкилотчи.

фақат зодагонлар эмас, савдогарлар ҳам иштирок этганлар. Ҳали XV асрнинг 20–30-йилларидаёқ португалияликлар Мадейра оролини, Канар ва Азор ороллари кашф этдилар, Африка қирғоқлари бўйлаб жанубга қараб анча силжишди. Улар Баҳодур бурнини айланиб ўтиб, 1434 йили Гвинея ва Яшил бурун ороллари қирғоқларига, 1462 йили эса Сьерра-Леоне қирғоқларига етдилар. 1486 йили Бартоломео Диаш¹ томонидан Африканинг жанубий қирғоқларида Эзгу Умид бурнининг кашф этилиши Ҳиндистонга экспедиция тайёрлаш учун реал имконият яратди.

Португалиялик денгизчиларнинг кашфиётлари, саёҳат даврида денгизларнинг оқимлари, шамолнинг йўналиши кабилар тўғрисида улар тўплаган билимлар картографиянинг ривожланишига туртки бўлди. XVI аср бошларида тропиклар чизиғи, экватор ва кенгликлар шкаласи акс эттирилган дастлабки хариталар пайдо бўлди.

Ернинг юмалоқлиги ҳақидаги таълимотдан келиб чиқиб, италиялик олим, астроном ва космограф Паоло Тосканелли² дунё харитасини яратди. Унда Осиё қирғоқлари Атлант океанининг ғарбий соҳилларида белгиланган эди. Олим Европа қирғоқларидан ғарбга қараб сузиб Ҳиндистонга бориш мумкин деб ҳисоблайди. У ернинг экватор бўйлаб узунлигини нотўғри тасаввур қилиб, 12 минг км хатоликка йўл қўяди. Кейинчалик буни буюк кашфиётга олиб келган буюк хато деб аташди.

XV аср охирига келиб кемаларни бошқариш асбоблари (компас³, устурлаб⁴) ва санъати анча ривожланиб, уларнинг очик денгиздаги ҳолатини аниқроқ белгилаш имконияти пайдо бўлди. Кемаларнинг янги тури – каравеллалар⁵ пайдо бўлиб, паруслар тизими ёрдамида шамол оқими бўйлаб ва шамолга қарши анча тез – соатига 22 км тезлик билан сузиш мумкин бўлди.

¹ Бартоломео Диаш – 1450–1500 йиллари яшаган, Африкани айланиб ўтиб, Эзгу Умид бурнини кашф этган ва Ҳинд океанига йўл очган португалиялик машҳур денгиз саёҳатчиси.

² Паоло Тосканелли – 1397–1482 йиллари яшаган флоренциялик олим. Астрономияга оид асарлари билан машҳур бўлган.

³ Компас милоддан аввалги III асрдаёқ Хитойда қўлланилган бўлиб, аммо бу туридан денгизда фойдаланиб бўлмасди. Янги турдаги компас XIII асрда араблар орқали Европага кириб келган.

⁴ Устурлаб (астролябия) – денгизда географик кенлик ва узунликни аниқлашда ёрдам берадиган бурчак ўлчайдиган асбоб.

⁵ Каравелла (португалча *Caravela*-кема) – ўртача катталиқдаги елканли кема. Буюк географик кашфиётларда ҳал қилувчи роль ўйнаган.

Европаликлар томонидан Осиёга Ўрта Ер денгизи орқали ўзлаштирилган савдо йўллари, курукликдан ўтувчи карвон йўллари, шу жумладан, Буюк ипак йўли 1453 йили Константинополни забт этган турклар томонидан ёпиб қўйилди. Натижада Европа Шарқдан келадиган товарлардан ажралиб қолди. Матолар, қанд, бўёқлар, мурч, занжабил, гуллар ва зираворлар Европа бозорларига қарийб келмай қўйди. Айниқса, мурчнинг етишмаслиги кундалик турмушга қаттиқ таъсир қилар эди. Зеро, XVI асрда мурч олди-соттида пулнинг ўрнини босиши, келин учун бериладиган сеп сифатида қўлланилиши мумкин эди. Бу ҳол европалик савдогарларни Ҳиндистонга, «Зираворлар ороллари»га ва европаликларга деярли маълум бўлмаган, аммо афсонавий бой деб қаралаётган Япония ва Хитойга янги йўлларни излашга мажбур қилди. Европаликларни ташаббус кўрсатишга мажбур қилаётган яна бир сабаб пул зарб қилишда қўлланиладиган қимматбаҳо металлларнинг етишмаслиги эди. Бу пулларсиз савдо, хусусан, Шарқ билан савдо ҳам жадал ривожланиши мумкин эмасди. Аллақачон бойлик белгиси бўлиб қолган олтиннинг янги захираларини топиш европалик савдогарлар, зодагонлар ва ҳатто хукмдорларни ҳам безовта қилиб қўйганди.

Кишилардаги тадбиркорлик руҳи, бойликка, капитал жамғаришга интилиш, инсоннинг имкониятларига ишонч туйғуси энг дадил режаларни ҳам амалга ошириладиган қилиб қўйди.

Ҳиндистонга ғарбдан йўл очиш фикри шундай дадил режалардан эди. Ўз-ўзича бу ғоя янги эмасди¹, уни антик давр алломаларининг китобларидан, араб-мусулмон олимлари асарларидан ҳам топиш мумкин эди. Хусусан, буюк ватандошимиз Абу Райхон Беруний биринчилардан бўлиб океан ортида ер борлигини тахмин қилган. Ҳиндистонга янги йўлларни топиш европаликлар учун ҳаётий заруратга айланиб қолганида Атлантик океани орқали (денгизчилар уни «Зулмат денгизи» деб аташарди) ғарбга томон сузиб, бу мамлакатга бориш режаси пайдо бўлди. Бу лойиҳани амалга оширишга жон-жаҳди билан киришганлардан бири – генуялик Христофор Колумб² эди. У Португалия, Англия ва Франция киролик уйларига ўзининг Тосканелли томонидан маъқулланган, Атлантик океани-

¹ Батлин маълумотларга қараганда, Америка қирғоқларига Колумбдан 70 йил олдин хитойлик Чжэн Хэ (1371–1435) кемалари етиб борган. Қ а р а н г : А.А. Маслов. Утраченная цивилизация: в поисках потерянного человечества. – Ростов н/Д: «Феникс», 2005. – С. 206.

² Христофор Колумб – 1451 – 1506 йиллари яшаган, 1492 йили Американи кашф этган машҳур денгиз савдогарини.

да ғарбга қараб сузиб, Ҳиндистон қирғоқларига бориш режасини таклиф қилди. Португалияликлар бу даврга келиб Африка орқали Ҳиндистонга йўл очиш арафасида турган эди, шу сабабли қирол Альфонс V Колумбга рад жавобини берди. Франция ва Англия эса экспедиция ҳозирлаш учун етарли флотга эга эмасди, бунинг устига бу мамлакатлардаги ички вазият ҳам экспедиция жўнатиш имконини бермасди. Шу сабабли Колумб Испаниянинг буюк қироллари Изабелла ва Фердинандни¹ янги денгиз йўллари очиш мақсадида экспедиция жиҳозлашга кўндириш учун узоқ йиллар уринди.

Нихоят, 1492 йил 17 апрелда Испаниянинг қироллик оиласи Колумб билан шартнома тузди ва экспедицияга пул ажратди. Шартномага биноан Х.Колумб янги очилган ерларнинг вице-қироли қилиб тайинланиши, адмирал унвонини мерос қилиб олиши, янги очилган ерлардан олинадиган фойданинг 1/10 қисмини, янги ерлар билан қилинадиган савдодан тушадиган даромаднинг эса 1/8 қисмини эгаллаши лозим эди.

1492 йил 3 август куни «Санта Мария», «Пинта» ва «Нинья» кемаларида Колумб экспедицияси йўлга чиқди. Колумбнинг кўплаб қийинчиликларни енгишига тўғри келди: номаълум томонга сузиш учун тайёр турган денгизчиларни топиш осон эмасди, узоқ сузиш вақтида уларда муваффақиятга ишончни сақлаб туриш ҳам қийин эди. Экспедиция бошланганига 70 кун ўтгандан сўнг 1492 йил 12 октябрь куни денгизчилар Гуанахани оролига етиб келдилар. Оролни Колумб Сан-Сальвадор – «Муқаддас Халоскор» деб атади ва испан қиролларининг байрогини ўрнатди. Кейин Гаити ва Куба ороллари кашф қилинди. Денгизчининг бу Ҳиндистон эканлигига ишончи комил эди ва шунинг учун янги очилган ерларнинг аҳолисини «ҳиндулар» деб атай бошладилар.

Колумбнинг кашфиёти португалияликларни безовта қилиб қўйди. 1494 йили Рим Папаси воситачилигида Торресильяс шаҳрида шартнома имзоланди. Унга мувофиқ Азор оролларида ғарбда жойлашган ерларга эгалик қилиш ҳуқуқи Испанияга, шарқда жойлашган ерларга эгалик қилиш ҳуқуқи эса Португалияга берилди.

Колумб эса кейин, 1493–1496, 1498–1500, 1502–1504 йиллари яна учта экспедиция уюштирди. Бунинг натижасида Кичик Антил

¹ Изабелла – 1451–1504 йиллари яшаган, Кастилия ва Леон қироличаси, Фердинанд II – 1452–1516 йиллари яшаган Арагон қироли. Улар 1469 йили турмуш қуришиб, Испанияни бошқаришган. Уларни «Буюк католик қироллар» ҳам деб аташади.

ороллари, Пуэрто-Рико ороли, Ямайка, Тринидад ва Марказий Америка ҳамда Жанубий Американинг шимолий қирғоқлари кашф этилди.

1502–1504 йиллардаги Янги Дунёга тўртинчи экспедицияси вақтида Колумб Ҳинд океанига чиқиш ва дунё бўйлаб сузиш учун имконият очишга ҳаракат қилди. Бу охириги саёҳат давомида Колумб буюк кашфиёт қилди: у Кубадан жанубда қитъанинг қирғоқларини топди ва Кариб денгизи қирғоғи бўйлаб 1500 км ҳудудни тадқиқ қилди. Атлантик океанини «Жанубий денгиз»дан ва Осиё қирғоқларидан куруклик ажратиб турганлиги исботланди. Шундай бўлса-да, адмирал ўзи тасаввур қилганидек, Атлантик океанидан Ҳинд океанига ўтиш йўлини топмади.

Юкатан қирғоқлари бўйлаб сузиш даврида Колумб нисбатан ривожланган қабиаларга дуч келди. Улар рангли мато тайёрлашни билишар, бронза идишлардан ва болталардан фойдаланишар, металл эритишни билар эдилар. Ўша пайтда адмирал бунга эътибор бермайди, бироқ кейинчалик маълум бўлишича, бу ерлар ривожланган маданият мамлакати, Американинг буюк цивилизацияларидан бири – майялар давлатининг ерлари эди.

Колумб сўнги бор Америкадан қайтиб Испания қирғоқларига келгандан икки ҳафта кейин қиролича Изабелла вафот этади. Адмирал ўзининг охириги таянчидан жудо бўлган эди. Колумбнинг янги очилган ерлардан олинадиган фойдадан ўз улушини олиш учун қилган барча ҳаракатлари зое кетди. У 1506 йили ҳамма унутган, қашшоқ ҳолатда вафот этди. Буюк денгиз саёҳатчисининг вафот этганлиги ҳақидаги хабар ҳам 27 йилдан кейин матбуотда эълон қилинди.

Христофор Колумб умрининг охиригача Ҳиндистонга янги йўл очганлигига ишониб яшади.

Ҳиндистонга элтувчи денгиз йўлининг кашф этилиши. Ҳиндистонга элтувчи денгиз йўлини 1498 йили португалияликлар кашф этишди. 1497 йили Португалия қирғоқларидан сузиб кетган Васко да Гама¹ экспедицияси Эзгу Умид буриини айланиб ўтиб, Ҳинд океанига чикди. Африка қирғоқлари бўйлаб шимол томонга сузган португалиялик денгизчилар Мозамбикдаги араб савдо шаҳарларини кашф этишди. 1498 йил май ойида эса араб денгиз-

¹ *Васко да Гама* – 1460–1524 йиллари яшаган, Ҳиндистонга денгиз йўлини очган ва уч марга саёҳат қилган португалиялик машхур денгиз саёҳатчиси.

чиси Аҳмад ибн Мажид¹ кўмагида улар Ҳиндистоннинг Калькутта портига етиб келдилар. Европада сотиш учун кўплаб молларни юклаган экспедиция 1499 йили Португалияга қайтиб келди. Қарийб икки йил давом этган саёҳат ниҳоятда оғир кечди. Йўлда экипаж аъзоларининг 2/3 қисми ҳалок бўлди. Лекин шунга қарамасдан, Васко да Гама экспедициясининг муваффақияти Европага катта таъсир кўрсатди. Европа савдогарлари, биринчи навбатда, португалияликлар Шарққа қараб отландилар. Португалияликлар Ҳиндистон билан савдо қилувчи арабларни бу ердан сиқиб чиқаришди ва бу савдони Португалия қиролининг монополияси деб эълон қилдилар. Лиссабонга зираворлар ва ширинликлар олиб келган савдогарлар 800 фоизгача фойда олардилар.

Савдо йўлларининг Ўрта Ер денгизидан океанларга кўчиши натижасида Голландиянинг Антверпен шаҳри жаҳон савдосининг янги марказига айланиб, Европа бозорларидаги нархни белгилайдиган бўлди.

1500 йили Ҳиндистон ва Антверпенда зираворлар нархидаги фарк қуйидагича эди.

(грамм кумуш ҳисобида)²:

	Ҳиндистонда	Антверпенда
1 кг. Занжабил	0,9	22,1
1 кг. Зира	2,6	38,5
1 кг. Қалампирмунчок	3,5	47,0

Португалияликлар арабларга нисбатан ўта қаттиққўллик билан Ҳиндистоннинг қирғоқ бўйи аҳолисини, кейин эса Малакк ва Индонезия аҳолисини эксплуатация қилди. Улар ҳинд рожаларидан араблар билан ҳар қандай савдони тўхтатишни, араб аҳолисини ўз ҳудудларидан қувиб чиқаришни талаб қилдилар. Португалияликлар арабларнинг ва маҳаллий савдогарларнинг кемаларига хужум қилиб, уларни талар, экипаж аъзоларини эса қириб ташлардилар.

¹ Аҳмад ибн Мажид ибн Муҳаммад ал-Саадий – тахминан 1421–1500 йиллари яшаган, араб денгизчиси, географи ва ёзувчиси, Васко да Гама экспедициясида қатнашган. Унинг «Фойдалар китоби» ўз даврида машҳур бўлган.

² Всемирная история. Весь школьный курс в таблицах / сост. М.Ю. Дуда. – Минск: Современная школа: Кузьма, 2011. – С. 216.

Айиқса дастлаб эскадра командири, кейин Ҳиндистоннинг вице-қироли бўлган Альфонс д'Албукерке¹ золимлиги билан машҳур бўлди. У португалияликлар бутун Ҳинд океани қирғоқлари бўйлаб мустаҳкам жойлашиши, араб савдогарлари учун океанга чиқадиган барча йўллар ёпилиши керак, деб ҳисоблар ва Арабистоннинг жанубий қирғоқларидаги ҳимоясиз шаҳарларни талар эди. Арабларнинг Ҳинд океанидан португалияликларни қувиб чиқариш учун қилган ҳаракатлари муваффақият қозонмади. Улар 1509 йили Ҳиндистоннинг шимолий қирғоғидаги Диу яқинида қаттиқ мағлубиятга учрадилар.

Ҳиндистон билан савдони монополия қилиб олган португалияликлар бу бой мамлакатга ғарбий йўлни излашда давом этдилар.

XV аср охири – XVI аср бошларида флоренциялик денгизчи ва астроном Америго Веспуччи² португалияликлар экспедицияси таркибида Бразилия қирғоқларини тадқиқ этди ва Колумб очган ерлар Ҳиндистон қирғоғи эмас, янги материк деган хулосага келди. Эндликда янги материк Америка³ деб атала бошланди. 1515 йили янги ерларни Америка деб атаган биринчи глобус Германияда пайдо бўлди. Кейин шу номдаги атлас ва хариталар ҳам чиқарилди.

Ҳиндистонга ғарбий йўлнинг очилиши. Колумб очган ерлар Ҳиндистон эмас, янги материк эканлигини англаш ҳам денгизчиларнинг Ҳиндистонга ғарбий йўлни очишга бўлган қизиқишини сўндира олмади. 1513 йили Васко Нуньес Бальбао отряди Панама бўғозини кесиб ўтгандан сўнг улкан океан борлиги маълум бўлди. Бальбао уни Жанубий денгиз деб атади. 1519 йил 20 сентябрда португалиялик тажрибали денгизчи Фернандо Магеллан (Магайльянн)⁴ бошчилигидаги экспедиция Испания қиролининг байроғи остида энг узок ва фожиали сафарга жўнаб кетди. У кўпчилик хали ҳам Ҳиндистон деб атаётган янги қитъани жанубдан айланиб ўтиб, ғарбга йўл очниш вазифасини олдига қўйган эди. Бир

¹ *Альфонс д'Албукерке* – 1453–1515 йиллари яшаган. Португалия мустамлака империясининг яратувчиларидан бири, Буюк Албукерке ҳам деб аташган.

² *Америго Веспуччи* – 1454–1512 йиллари яшаган, Американинг биринчи батафсил тавсифини яратган италиялик машҳур денгиз саёҳатчиси. «Америка» унинг шарафига шундай деб аталган.

³ Янги очилган ерларни А. Веспуччи «Янги Дунё» деб аташни таклиф қилади. Аммо лотарингиялик картограф М. Вальдземюллер таклифига биноан 1507 йилдан «Америка» деб атала бошланди. 1538 йилдан бу атама Шимолий Америкага ҳам тағбиқ этилди.

⁴ *Фернандо Магеллан* – 1480–1521 йиллари яшаган, биринчи бўлиб Ер шарини айланиб сузган испаниялик машҳур денгиз саёҳатчиси.

йилдан сўнг, яъни 1520 йил ноябрда экспедиция Америка қитъаси билан Оловли Ер орасида сувнинг мураккаб кўтарилиш ва тушиш тизимига эга бўлган бир бўғозни айланиб ўтиб (кейинчалик у Магеллан бўғози деб аталди), нотаниш улкан океанга чиқди. Магеллан бу океанда сузган уч ой давомида об-ҳаво қулай келиб бирон марта ҳам бўрон турмади. Океаннинг бошқа пайтларда бўронли бўлишини билмаган Магеллан унга – Тинч деб ном берди. Экипаж аъзолари сувсизлик, очлик ва касалликдан нобуд бўлдилар. Улар фақат 1521 йил 6 март куни Мариан ороллари гуруҳига кирувчи кичик бир оролга етиб келдилар ва озиқ-овқат ҳамда сувни ғамлаб олиш имкони туғилди. Ғарбга қараб сузишни давом эттириб, Магеллан Филиппин оролларига етиб келди ва шу ерда маҳаллий аҳоли билан бўлган жангда ҳалок бўлди. Экспедициянинг қолган аъзолари д'Элькано бошчилигида сузишни давом эттирдилар ва Молукк оролларига етиб келдилар. У ердан зираворлар ва ширинликлар юклаб олдилар.

1522 йил 6 сентябрь куни Магеллан экспедициясининг тирик қолган аъзолари Испаниянинг Сен-Лукар портига етиб келади (улар шу портдан кетишган эди). Экспедициянинг 253 аъзосидан фақат 18 киши омон қолган эди. Аммо энди Ер юмалоқ эканлиги ва уни айланиб сузиб ўтиб, дастлабки портга қайтиб келиш мумкин эканлиги амалда исботланди. Бундан ташқари, кема кундалик дафтарида маълум бўлдики, доимий ғарбга қараб сузган денгизчилар уч йилда 1 кунини «тежаб қолдилар», бу эса Ернинг ўз ўқи атрофида айланишини ҳам исботлади.

Янги ерларнинг очилиши Испания билан Португалия ўртасидаги зиддиятларнинг янада кучайишига олиб келди. Узоқ тортишувлардан сўнг 1529 йили бу икки давлатнинг Тинч океанидаги таъсир зоналарини белгиловчи Сарагосс шартномаси имзоланди. Унга биноан Испания Молукк оролларига бўлган ўз даъвосидан воз кечди, аммо Филиппин ороллари устидан ўз ҳукмронлигини сақлаб қолди. Бу ороллар испан тахтининг вориси, шаҳзода Филипп шарафига (у кейинчалик қирол Филипп II) шундай атала бошланди. Аммо яна узоқ вақт Магеллан саёҳатини қайтаришга ҳеч ким журъат қилмади ва Тинч океани орқали Осиё қирғоқларига очилган йўл амалий аҳамиятга эга бўлмади.

Қариб ҳавзасидаги испан мустамлакалари. Мексика ва Перунинг забт этилиши. 1500–1501 йиллари испан экспедиция-

лари Жанубий Америка қирғоқларини шимол томон тадқиқ этиб, Флорида ва Мексика кўрфазига етдилар. Бу даврга келиб испанлар Катта Антил ороллари: Куба, Ямайка, Гаити, Пуэрто-Рикони; Кичик Антил ороллари: Тринидад ва Тобаго, Барбадос, Гваделупа ва бошқаларни ҳамда Кариб денгизидаги майда ороллارни эгаллаган эдилар. Испан мустамлакачилари ва ҳукумати, айниқса, Кубага катта эътибор қаратдилар. Улар Кубани «янги дунёнинг эшиги» деб билишар эди. Бу ерда қалъалар, кўчиб келувчилар учун кўрғонлар, йўллар қурила бошланди, пахта, шакарқамиш экинзорлари пайдо бўлди. Куба ва бошқа Антил оролларида хўжаликни шакллантириш жараёнида одамларнинг шафқатсиз эксплуатация қилиниши ва Европадан олиб келинган касалликлар туфайли маҳаллий аҳолининг сони кескин камайиб кетди. Шу сабабли XVI аср ўрталаридан бошлаб Антил оролларида Африкадан қуллар олиб келиш бошланди.

1510 йилдан бошлаб Американинг ички ҳудудларини ўзлаштиришга киришилди. XVII аср ўрталаригача давом этган бу жараён конкиста (босиб олиш) деб номланади. 1510 йили материкдаги дастлабки кўрғонлар қурилиши бошланди. 1519 йили Америка қитъасида европаликлар қурган биринчи шаҳар – Панамага асос солинди.

1517–1518 йиллари Юкатан қирғоқларига ҳиндуларни қул қилиш учун келган Эрнан де Кордлоба ва Хуан Грихалва¹ отрядлари Колумбгача бўлган цивилизацияларнинг энг қадимгиси – майялар давлатига дуч келдилар. Ҳайратдан қотиб қолган конкистадорлар олдида қалъа деворлари билан ўралган ажойиб шаҳарлар, эҳромлар қатори, деворларига худолар ва муқаддас ҳайвонларнинг суратлари ўймакорлик усули билан ишланган саройлар намоён бўлди. Саройларда испанлар кўплаб тақинчоқлар, ҳайкалчалар, олтин ва мисдан ясалган идишлар, жанглар ва қурбонликлардан лавҳалар ўйиб ишланган олтин лаганлар топишди. Саройларнинг деворлари нозик дид билан ишланган, рангларга бой ажойиб расмлар билан безатилган эди. Умрларида от кўрмаган ҳиндуларга конкистадор суворийлар жуда кўрқинчли, баҳайбат махлуқ бўлиб кўринар эди. Уларни, айниқса ўточар қуроллар даҳшатга солади.

¹ Эрнан де Кордлоба – 1485–1547 йиллари яшagan, испан конкистадори, Мексикани забт этишда ва ацтеклар давлатини йўқ қилишда қатнашган, кўпроқ Эрнан Кортес номи билан машҳур. Хуан Грихалва – 1489–1527 йиллари яшagan, испан конкистадори, Мексика ва Кубани ишғол қилишда қатнашган, Марказий Америкада маҳаллий ҳиндулар томонидан ўлдирилган.

Майялар – Колумбгача бўлган Америка халқлари ичида ўз ёзувига эга бўлган ягона халқ эди. Уларнинг ёзуви, тадқиқотчи олимларнинг тасдиқлашича, Қадимги Миср, Шумер ва Аккад ёзувларига ўхшаб кетади. Майялар анчагина бой кутубхонага, ўзларининг қуёш тақвимига эга бўлишган. Уларда астрономик билимлар ҳам шаклланган бўлиб, Қуёш ва Ойнинг тутилишини олдиндан айтиб бера олишган. Испанларнинг қурол-аслаҳадаги устунлиги ва майя шаҳар-давлатлари ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар бу ерларда испан ҳукмронлигининг ўрнатилишини тезлаштирди. Шунга қарамасдан Мексиканинг забт этилиши узоқ йилларга чўзилди. Майяларнинг охириги макони 1679 йили, яъни Юкатанга юриш бошланганидан 173 йил кейин испанлар томонидан эгалланди. Бу давр мобайнида кўплаб иқтисодий қийинчиликлар, урушлар, ҳаёт тарзининг ўзгариши сабабли маҳаллий аҳолининг сони кескин камайиб кетди. XVI асрнинг дастлабки 50 йилида улар сони 4,5 млн дан 1 млн гача камайди.

Мексиканинг забт этилиши билан бир вақтда конкистадорлар Жанубий Америка қирғоқларида афсонавий бой мамлакат Эльдорадони излашни ҳам давом эттирдилар.

1524 йили ҳозирги Колумбия ҳудудини забт этиш бошланди. Конкистадор Хименес Кесада¹ Магдалена дарёсининг юқори оқида чибча-муиска қабиласининг ерларига дуч келди. Бу қабила-ларда ерларни омов билан ҳайдаш, кулолчилик ва тўқимачилик, мис, олтин ва кумушга ишлов бериш анча тараққий этган эди. Айниқса чибчалар мохир заргарлар бўлиб, идишларга олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошлардан безак беришарди. Хименес Кесада 1536 йили Санта-Фе де Богота шаҳрига асос солди.

XVI асрнинг 30–40-йилларида ҳозирги Эквадор, Перу ва Боливия, кейин эса Чили ва Аргентина ҳудудлари забт этилди. Бу ерларда кечуа ва инк қабилаларининг анчагина тараққий этган давлатлари мавжуд бўлиб, улардан баъзилари конкистадорларга катта матонат ва жасурлик билан қаршилик кўрсатдилар. Масалан, Перунинг забт этилиши 40 йилдан зиёдроққа чўзилди.

Дастлаб конкистадорлар олдинги даврларда йиғилган қимматбаҳо металлларни қўлга киритиш билан шугулланган бўлса, XVI асрнинг 30-йилларидан бошлаб бой руда конларини мунтазам экс-

¹ *Хименес Кесада* – 1509–1579 йиллари яшаган испан тарихчиси, шоир ва ёзувчи. Американи забт этишда иштирок этган.

плуатация қилиш бошланади. Перу, Боливия ва Чили ҳудудида топилган олтин ва кумуш конлари, Перудаги мис конлари XVI аср ўрталарига келиб дунёда қазиб олинаётган қимматбаҳо металлнинг ярмини бера бошлади.

Шу даврдан бошлаб мустамлакачиликнинг моҳияти ўзгаради. Конкистадорлар босиб олинган ерларни хўжалик юритиш мақсадида ўзлаштиришдан воз кечадилар. Энди кўчиб келган испанлар учун зарур ҳамма нарса «Янги Дунё»нинг олтини ва кумуши эвазига Европадан келтириладиган бўлди.

Европадан Америкадаги мустамлака ерларга фақат бойишни мақсад қилган зодагонлар кўчиб кела бошладилар. 1503 йилдан 1660 йилгача Америкадаги испан мустамлакаларидан Испанияга 300 тонна олтин ва 25 тонна кумуш ташиб кетилди¹.

Янги босиб олинган ерлар испан қиролларининг мулки деб эълон қилинди. 1512 йилдан бошлаб маҳаллий ҳиндуларни қулга айлантиришни тақиқловчи қонунлар чиқарилади.

XVI асрнинг биринчи ярмида Америкадаги испан мустамлакаларини бошқаришнинг умумий тизими вужудга келди. Иккита вице-қироллик ташкил қилинди: Янги Испания вице-қироллиги (Мексика, Марказий Америка, Венесуэла ва Кариб денгизидаги ороллар); Бразилиядан ташқари деярли бутун Жанубий Америка ҳудудини эгаллаган Перу вице-қироллиги вужудга келди. Вице-қироллар испан зодагонларининг олий табақасидан тайинланиб, улар мустамлакаларга уч йил муддатга жўнаб кетар эдилар. Вице-қироллар ўзи билан оила аъзоларини олиб кетиши, у ерда кўчмас мулк сотиб олиши ва тадбиркорлик билан шуғулланиши мумкин эмасди. Вице-қиролларнинг фаолиятини «Ҳиндистон кенгаши» деб аталувчи орган назорат қилиб боради. Бу кенгашнинг қарори қонун кучига эга бўлган.

Мустамлакалар билан савдо «Севилья савдо палатаси» (1503) назорати остида эди. Бу палата барча юкларни божхона назоратидан ўтказар, бож йиғар ва эмиграция жараёнини назорат остида ушлаб турарди. Испаниянинг бошқа шаҳарлари Севильядан ўтиб Америкадаги мустамлакалар билан мустақил савдо қилиш ҳуқуқидан маҳрум эдилар. Вице-қироллар эса ўз ҳудудларида тўлиқ ҳарбий ва суд ҳокимиятига ҳам эга эдилар.

¹ Қ а р а н г: История мировых цивилизаций: учебное пособие / коллектив авторов; под науч. ред. Г.В. Драча, Т.С. Попиотовой. – М.: КРОНУС, 2012. – С. 248.

Мустамлака шароитида ҳинду этник гуруҳлари ва қабила иттифоқларининг йўқолиб кетиши, улар тилининг эса испан тили билан алмашиши юз берди. Бундан ташқари испанларнинг маҳаллий ҳиндулар билан аралашиб – метислашиб жараёни ҳам жадаллашди, метисларнинг сони тез ортиб борди. XVII аср ўрталарида кўплаб районларда европаликлар билан негрларнинг никоҳидан тугилган кўп сонли мулатлар гуруҳи ҳам пайдо бўлди. Бу Кариб денгизи қирғоқлари, Куба ва Гаитига хос бўлган жараёнлар эди. Иркий-этник гуруҳлар ўртасидаги ижтимоий ва ҳуқуқий фарқ кейинчалик Испания қонунларида ҳам ўз аксини топди.

Португалия мустамлакалари. Португалияликларга қарашли ҳудудлардаги мустамлакачилик тизими бир оз ўзига хослиги билан ажралиб турарди. 1500 йили португалиялик денгиз сайёҳи Педру Алвариш Кабрал¹ Бразилия қирғоқларига тушиб бу ҳудудни Португалия қиролининг мулки, деб эълон қилди. Бу пайт Бразилияда бир неча қирғоқ бўйи ҳудудларидан ташқари ерларда ўтроқ аҳоли йўқ эди. Уруғчилик тузуми даражасида яшаётган кам сонли ҳинду қабилалари мамлакатнинг ичкари ҳудудларига қувиб юборилди. Бразилия ҳудудида қимматбаҳо металлларнинг қазилма бойликлари йўқлиги, ўтроқ аҳоли бўлмаганлиги сабабли меҳнат ресурсларининг танқислиги бу ерда мустамлака тузумининг ўзига хослигини белгилаб берди. Бошқа бир омил савдо капиталининг анчагина ривожланганлиги бўлиб, бу ҳам мустамлака тузумининг характериға таъсир кўрсатди. Бразилияни фаол ўзлаштириш 1530 йили бошланиб, у қирғоққа яқин ҳудудларда хўжалик юритиш билан бошланди. Бу ерларда феодал ер эгаллиги шаклини ўрнатишга ҳаракат қилинди. Қирғоққа яқин ҳудудлар 13 та капитанийга бўлиниб, бутун ҳокимият шу ерга эгалик қилувчиларнинг қўлида жамланган эди. Португалиянинг ўзида ҳам ортиқча аҳоли кўп бўлмаганлиги сабабли Бразилияни хўжалик учун ўзлаштириш жуда секин амалга оширилди. Кўчиб келувчиларнинг орасида деҳқонларнинг деярли йўқлиги ва маҳаллий аҳолининг кам сонлилиги туфайли феодал ер эгаллигини жорий қилишга уринишлар яхши натижа бермади. Африкадан келтирилган негр-қулларни эксплуатация қилишга асосланган плантация шаклини жорий этган ҳудудлар эса анча тез ривож-

¹ Педру Алвариш Кабрал – тахминан 1467–1520 йиллари яшаган португалиялик денгиз сайёҳчиси. Васко да Гама очган йўлдан иккинчи Ҳиндистон экспедициясига бошчилик қилган.

ланиб борди. Шунинг учун XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Африкадан кулларни олиб келиш авж олади. 1583 йили мустамлакада 25 минг оқ танли кўчкинчилар ва миллионлаб куллар яшарди.

Испан мустамлакаларидан фарқли ўларок, бу ерда аҳолининг аралашув жараёни жуда секин кечди; португал маданиятининг маҳаллий аҳолига таъсири ўта сезиларсиз эди; португал тили ҳукмрон тил бўла олмади. Португаллар билан ҳиндулар тилининг аралашмасидан иборат «ленгуа жерал» деб аталувчи тил асосий мулоқот тили бўлиб қолди. Бу тилдан бразилияликлар яна икки юз йил давомида фойдаландилар.

Испания ва Португалиянинг мустамлакачилик сиёсати

Испания	Португалия
Американинг забт этилиши: зўравонлик ва алдовнинг барча воситалари қўлланилди. Мексика, Перу, Чили, Янги Гренада (Колумбия), Аргентина, Боливия босиб олинди. Ҳиндулар куллик ва ўлимга маҳкум қилинди.	Ҳинд океанида қароқчилик билан шуғулланилади. Ҳиндистоннинг қирғоқ бўйида кучли химояланган факториялар қурилди. Маҳаллий аҳолига ҳужум қилинди, таланди.

Мустамлакачилик ва католик черкови. Американи мустамлакага айлантиришда католик черкови ҳам катта роль ўйнади. Черков мустамлака аппаратининг муҳим қисмига айланган эди.

Американинг кашф этилиши ва мустамлакага айлантирилиши-ни папалик янги салиб юриши деб қарайди ва маҳаллий аҳолига христиан динини сингдириш мақсад қилиб қўйилади. Шу муносабат билан испан қироллари мустамлакалардаги черков ишларини бошқариш, миссионерлик фаолиятига раҳбарлик қилиш, черков ва монастырлар қурдириш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Мустамлакаларда черков жуда тезлик билан энг катта мулкдор – ер эгасига айланиб борди. Конкистадорлар эса маҳаллий аҳоли устидан ҳукмронлик ўрнатишда бу аҳолининг христиан динини қабул қилиши айни муддао бўлишлигини яхши тушунар эдилар. XVI асрнинг биринчи ярмидан бошлаб ҳар хил монахлик орденларининг вакиллари Америкага кела бошладилар. Улар жойларда ўз кўрғонларини барпо қилишиб, христианликни тарғиб қилиш, ҳинду болалари учун мактаблар очиш ишлари билан шуғулландилар.

Христианлаштириш сиёсатининг биринчи босқичида конкистадорлар ва миссионерлар маҳаллий аҳолининг фақат диний қарашларини эмас, уларнинг маданияти, тили, маънавий қадриятларини, тарихий ёдгорликларини, умуман тарихий хотирасини йўқ қилиб ташламоқчи бўлдилар. Шунга қарамасдан, ҳиндулар маданияти йўқолиб кетмади, у испан маданиятининг таъсири остида ўзгарди, холос. Аста-секин испан ва ҳинду маданиятларининг синтези асосида янги маданият шаклланиб борди.

Католик миссионерлар ҳам бу жараёнга кўмаклашдилар. Улар кўпчилик ҳолларда ҳиндуларнинг вайрон бўлиб кетган ибодатхоналари ўрнида черковлар бунёд қилдилар, маҳаллий аҳолининг айрим диний тимсолларидан фойдаландилар. Масалан, Мехико шаҳридан унча узоқ бўлмаган жойда, вайрон бўлган ҳиндулар ибодатхонаси ўрнида муқаддас Мария Гваделупская черкови қурилади ва ҳиндуларнинг саждагоҳига айланади. Бу ерда ишланган расмларда Муқаддас Мария «кизил танли аёл» қилиб тасвирланган.

Тинч океани ҳавзасидаги географик кашфиётлар. XVI асрнинг иккинчи ярми – XVII аср бошларида испан денгизчилари Перу худудидан Тинч океани ҳавзасига бир нечта экспедиция уюштирдилар. Бу экспедициялар давомида Соломон ороллари (1567), Жанубий Полинезия (1595) ва Меланезия (1605) кашф этилди. Ҳали Магеллан саёҳати давридаёқ «Жанубий қитъа» мавжудлиги тўғрисида ғоя пайдо бўлиб, янги очилган Жануби-Шарқий Осиё ороллари бу қитъанинг бир қисми деб қаралди. Бу тахмин XVII аср бошларидаги географик асарларда дадил илгари сурилди ва харитага «Терра инкогнита Аустралиа» (номаълум жанубий ер) номи билан киритила бошланди. 1605 йили Перудан йўлга чиққан экспедиция Жануби-Шарқий Осиё қирғоқларидаги ерларни кашф этди. Экспедиция бошлиги П. Кирос¹ шу ороллардан бирини янги қитъа деб тахмин қилиб, бу ҳақда хабар бериш учун Испанияга жўнаб кетди. Сузишни давом эттирган экспедициянинг қолган аъзолари тезда Кирос қитъа эмас, номаълум ороллар гуруҳини кашф этганлигини тушунишди. Бу Янги Гибрид ороллари эди. Экспедиция бошлиги Л. Торрес² сузишда давом этиб, бу ороллардан жанубда ҳақиқий янги қитъа –

¹ *Педро Фернандес Кирос* – тахминан 1565–1614 йиллари яшаган испан денгизчиси, Соломон ва Маршалл оролларидаги бир қисмини очган.

² *Луис Ваз де Торрес* – 1560–1614 йиллари яшаган испан денгизчиси, Янги Гибрид ороллари, бир қанча бўғозлар ва Австралияни кашф этган.

Австралияни кашф этди. Янги Гвинея ва Австралия оралиғидаги бўғоз Торрес бўғози деб атала бошланди. Янги қитъани ўзлаштириш учун иқтисодий имкониятга эга бўлмаган Испания ҳукумати Торрес кашфиётини қарийб 100 йил сир сақлаб келди.

Торрес билан деярли бир пайтда, 1606 йили голландиялик денгизчи Биллем Янзонсон экспедицияси Австралия қирғоқларига сузиб келади. Аммо иқтисодий имкониятлари чекланганлиги сабабли Голландия ҳам қитъани ўзлаштиришга шошилмади. Фақат XVII аср ўрталарида голландияликлар Австралия қирғоқларини тадқиқ эта бошладилар. 1642 йили А. Тасман¹ Индонезия қирғоқларидан шарққа томон сузиб, Австралияни жанубдан айланиб ўтди ва кейинчалик Тасмания деб аталган ороллари кашф этди.

Торрес саёҳатидан 150 йил кейин, Етти йиллик уруш (1756–1763) даврида Манилани эгаллаган инглизлар у ердаги архивлардан Торрес кашфиёти тўғрисидаги ҳужжатларни топишди. 1768 йили инглиз денгизчиси Ж. Кук² Океания ороллари тадқиқ қилиб, Торрес бўғозини ва 1770 йили Австралиянинг шарқий қирғоқларини иккинчи бор кашф этди. Кейинчалик биринчи деб Торрес кашфиёти тан олинди. Аммо Кук экспедициясидан кейин инглизларнинг қитъани ўзлаштириши бошланди. 1788 йил 26 январь куни Янги Жанубий Уэльсга капитан Артур Филипп жамоаси келиб тушди ва кейинчалик Сидней деб аталган шаҳарга асос солдилар. 26 январь ҳар йили миллий байрам – Австралия куни сифатида нишонланади. XIX асрда қитъага европаликларнинг оммавий кўчиб келиши бошланади.

* * *

XV–XVII асрлардаги географик кашфиётлар дунё тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатди. Маълумки, илгари ҳам европаликлар Америка қирғоқларига етиб боришган, Африка қирғоқларига ҳам денгиз саёҳатлари уюштиришган, лекин фақат Колумбнинг кашфиётигина Европа ва Америка ўртасидаги доимий алоқаларга асос солди, жаҳон тараққиётида янги босқични бошлаб берди.

¹ *Абель Тасман* – 1603–1659 йиллари яшаган нидерландиялик денгизчи ва савдогар. Европаликлар ичида биринчи бўлиб Янги Зеландия, Того ва Фиджи оролларига етиб борган.

² *Жеймс Кук* – 1728–1779 йиллари яшаган инглиз ҳарбий денгизчиси, тадқиқотчи, картограф. Уч марта дунё бўйлаб саёҳат қилган. Шимолий Америка, Янги Зеландия, Австралияни, Тинч, Ҳинд ва Атлантик океанларини тадқиқ қилган. 1779 йили Гавай оролларида маҳаллий аҳоли томонидан ўлдирилган.

Буюк географик кашфиётлар европаликларнинг олам ҳақидаги тасаввурларини бойитди, бошқа материклар ва у ердаги халқлар тўғрисидаги ёлғон тасаввурларни бузиб ташлади.

Янги билимлар дастлаб Европада, кейин бошқа қитъаларда ҳам саноат ва савдонинг ривожланиши учун катта туртки бўлди. Молия тизими, банк ва кредит ишларининг янги шакллари пайдо бўлди. Асосий савдо йўллари Ўрта Ер денгизидан Атлантик океанига кўчди ва бу савдонинг характерини тубдан ўзгартирди.

Янги ерларнинг очилиши ва мустамлакаларга айлантирилишининг энг муҳим натижаларидан бири «нарх-наво инқилоби» бўлиб, у Европада дастлабки капиталнинг жамгарилишига катта туртки бўлди, капиталистик хўжалик укладининг шаклланишини тезлаштирди.

Буюк географик кашфиётларнинг натижалари

Савдо мисли кўрилмаган даражада кенгайди, қитъалар ва мамлакатлар ўртасида муҳим савдо алоқалари ўрнатилди.	Савдо йўллари Ўрта Ер денгизидан океанларга кўчди. Антверпен жаҳон савдосининг янги марказига айланди.
Европанинг ривожланган мамлакатларида устахона эгалари ва савдогарлар бойиб кетди.	Осиё, Африка ва Америка халқларини эзиш ва мустамлакачилик жараёни бошланди. Жаҳон мустамлака тизими шаклланди.

Бироқ янги ерларнинг очилиши мустамлака ва метрополиялар халқлари учун бир хил аҳамият касб этмади. Мустамлакачиликнинг натижаси фақат янги ерларни ўзлаштириш бўлмасдан, бўйсундирилган халқларни даҳшатли эксплуатация қилиш, уларни қуллик ва қирилиб кетишга маҳкум қилиш билан қўшиб олиб борилди. Забт этиш жараёнида қадимги цивилизацияларнинг кўплаб ўчоқлари йўқ қилинди, бутун бошли қитъа тарихий ривожланишининг табиий одими бузилди, мустамлака мамлакатлар халқлари шаклланаётган капиталистик бозор муносабатларига зўрлик билан жалб қилиндилар ва ўз меҳнатлари билан Европада капитализм ривожланиши жараёнини тезлаштирдилар. Шу тариқа янги индустриал цивилизация шаклланишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Буюк географик кашфиётлар туфайли глобал цивилизациянинг асослари яратилди. Энг узоқ қитъалар ўртасида алоқалар кенгайиб, жаҳон савдоси ривожлана бошлади.

I боб бўйича саволлар

1. Ҳиндистонга ғарбдан йўл очиш нима сабабдан XV асрда европаликлар учун ҳаётий заруратга айланиб қолди?
2. Американинг кашф этилиши европаликлар ҳаётида қандай ўзгаришларга олиб келди?
3. Американинг туб аҳолиси маданияти ҳақида нималарни биласиз?
4. Буюк географик кашфиётлар Американинг туб аҳолиси тақдирида қандай роль ўйнади?
5. Цивилизациялар тўқнашуви натижасида Америка халқларининг маданиятида қандай ўзгаришлар юз берди?
6. Янги ерларнинг очилиши муносабати билан Испания ва Португалия ўртасидаги зиддият қандай якун топди?
7. Тинч океани орқали Осиёга очилган йўл қандай амалий аҳамиятга эга бўлди?
8. Американинг ва Тинч океани ҳавзасидаги бошқа ерларнинг очилиши Европанинг иқтисодий ривожланишида қандай аҳамият касб этди?
9. Тинч океани ҳавзасидаги географик кашфиётлар натижасида қандай ерлар очилди?
10. Европада капиталистик муносабатлар шаклланишида «нарх-наво инкилоби» қандай роль ўйнади?

II БОБ. ЯНГИ ДАВР БОШЛАРИДА ЕВРОПАНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҚИЁФАСИ

XVI асрнинг биринчи ярмидан бошлаб бир қатор Ғарбий Европа мамлакатларида ишлаб чиқарувчи кучларнинг сезиларли ривожланиши юз берди ва аста-секин капиталистик муносабатларнинг шаклланишига олиб келди.

Ички миграцион жараёнлар. Жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг асосий таркибий қисми одамлар ҳисобланади. Шунинг учун ишлаб чиқарувчи кучлар ривож тарихида демографик жараёнлар алоҳида ўрин тутди. Ҳар қандай жамият аҳоли кўпайишининг ўзига хос қонуниятларига эга. Шаклланган ижтимоий муносабатлар эса жамиятда аҳоли ўсишининг маълум даражасини таъминлайди. Аммо аҳолининг кўпайиш жараёни денгиз сатҳининг ўзгариши, юқумли касалликларнинг тарқалиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархининг ошиши, технологиялар ва пулнинг мавжудлиги каби кўплаб факторларнинг таъсирига боғлиқ. Аҳолининг кўпайишига юқоридагилардан ташқари қишлоқ хўжалиги учун

яроқли ерларнинг миқдори ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Шу сабабли ботқоқ ерларни қуритиш ишлари дастлаб Европанинг аҳоли энг зич жойлашган ҳудуди – Голландияда кенг кўламда олиб борилди. 1600 йили Англияда қабул қилинган Drainage Act (ерларни қуритиш тўғрисида акт) юз минглаб арк ерларни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш имконини берди. Юқоридаги омиллар Янги давр бошларида Европа мамлакатларида аҳолининг тез ўсишига олиб келди. Аммо туғилиш билан бирга ўлим, айниқса шаҳарларда, болалар ўртасида жуда юқори эди. Шаҳарлар аҳолиси асосан қишлоқдан ёки кам тараққий этган кичик шаҳарчалардан кўчиб келганлар ҳисобига кўпаярди. 30–40 ёш «кексалик» ҳисобланарди. Шаҳарларда аёллар сони эркакларга нисбатан 20–30 фоизга кўп эди.

XVI–XVII асрлар Европа халқлари тарихида ўтиш даври, янги капиталистик муносабатларнинг шаклланиш даври бўлди. Бу даврда майда ишлаб чиқарувчиларнинг оммавий экспроприация қилиниши, ишсиз дайдиларнинг кўпайиши, умумий нобарқарорлик никоҳ ёшининг ошишига ва туғилишнинг камайишига сабаб бўлди.

Бу даврда демографик ҳолатга бевосита таъсир кўрсатувчи яна бир омил – бу урушлар эди. Ўттиз йиллик уруш умумевропа миқёсида олиб борилган биринчи уруш бўлиб, у фаол жанг ҳудудларида шаҳар аҳолисининг 33 % га, қишлоқ аҳолисининг эса 40 % га камайишига олиб келди. Умуман XVII асрда Европа мамлакатларида урушда ҳалок бўлган ва ярадорлар сони 2 млн кишини ташкил қилган¹. Бу аҳоли йиллик ўсишининг 1/3 қисмига тенг эди. Бундан ташқари ички можароларда, масалан, Нидерландиядаги инқилоб ва озодлик учун уруш жараёнида кўплаб аҳоли ҳалок бўлди. Умумий ҳолат анча мураккаб ва зиддиятли эди.

Аҳолининг кучайиб бораётган миграция жараёнлари турли йўналишда юз бераётган бўлса-да, асосан кам тараққий этган мамлакатлардан тез ривожланаётган мамлакатларга, шаҳарларга, пойтахтларга кўплаб кўчаётганлиги кўзга ташланади. 1584–1621 йиллари Жанубий Нидерландиядан 150 минг иммигрант, жумладан, савдогарлар ва мануфактурачиларнинг кўчиб келиши Бирлашган Провинциялар республикасини жадал иқтисодий ривожланишга олиб келди. Аҳолининг зичлиги Европанинг ривожланган мамлакатларида 1 кв км га 30–35 кишини ташкил қилди. 1514 йили Голландия аҳолисининг 15% и шаҳарларда яшарди. Европа аҳолиси

¹ Қаранг: Урланис Б. Войны и народонаселения Европы. – М., 1960. – С. 45.

1450 йили 55 млн га яқин кишини, 1650 йили эса 100 млн кишини ташкил қиларди. Аҳолининг йиллик ўсиши 6,2% га тенг эди.

Баъзи Европа мамлакатларида 1500–1800 йиллари аҳолининг кўпайиш жараёни (миллион киши ҳисобида) ¹:

Йиллар	Англия	Швеция	Голландия	Франция	Германия	Россия	Италия	Испания	Европа (жами)
1500	–	–	1,0	–	–	–	9,0	–	84
1550	3,0	–	1,3	19,5	–	–	11,5	5,3	97
1600	4,1	–	1,5	19,6	–	–	13,5	6,7	111
1650	5,2	–	1,9	20,3	–	–	11,7	7,0	112
1700	4,9	1,37	1,9	22,6	16	16	13,6	7,4	125
1750	5,8	1,78	1,9	24,6	17	25	15,8	8,6	146
1800	8,6	2,35	2,1	29,3	24,5	39	18,3	10,6	195

Баъзи Европа мамлакатларида 1500–1800 йиллари шаҳар аҳолисининг миқдори (умумий аҳолига нисбатан % ҳисобида) ²

Мамлакат	1500	1550	1600	1650	1700	1750	1800
Англия	3,1	3,5	5,8	8,8	13,3	16,7	20,3
Голландия	15,8	15,3	24,3	31,7	33,6	30,5	28,8
Германия	3,2	3,8	4,1	4,4	4,8	5,6	5,5
Франция	4,2	4,3	5,9	7,2	9,2	9,1	8,8
Испания	6,1	8,6	11,4	9,5	9,0	8,6	11,1
Италия	12,4	12,8	14,6	14,0	13,4	14,2	14,4
Португалия	3,0	11,5	14,1	16,6	11,5	9,1	8,7

Иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг асосий йўналишлари. Янги давр бошларидаги хўжалик ҳаёти ва иқтисоднинг характерли жиҳати – янги ва анъанавий усулларнинг биргаликда мавжудлиги эди. Моддий маданият (меҳнат қуроли, технологиялар, кишиларнинг қишлоқ хўжалик ва ҳунармандчиликдаги

¹ *Ливи Баччи М.* Демографическая история Европы / Серия «Становление Европы» / Пер. с итал. А.Миролюбовой. – СПб.: «Александрия», 2010. – С.18.

² *Ливи Баччи М.* Демографическая история Европы / Серия «Становление Европы» / Пер. с итал. А.Миролюбовой. – СПб.: «Александрия», 2010. – С. 56.

маҳоратлари) ўрта асрчилик қолдиқларини сақлаб қолаётган эди. XVI асрда техникада ёки энергиянинг янги манбаларини олишда ҳақиқий инқилобий силжишлар ҳали юз бермади.

Бошқа томондан, Европа иқтисодиётида янги технология ва меҳнатни ташкил қилишнинг янгича шакллари қўлланилаётган, тезкор ривожланаётган бир қанча соҳалар ажралиб чиқди. Йирик сармоялар киритиш ҳисобига амалга оширилаётган тоғ-кон ва металлургия саноатларидаги ривожланиш темир, чўян ва пўлат ишлаб чиқаришнинг ҳажмини ошириш имконини берди. Саноат ривожланди. Юз йил ичида (1551–1651) Англияда кўмир қазиб чиқариш 14 марта ўсиб, 3 млн тоннага етди. Бу Европада қазиб чиқарилган умумий кўмирнинг 4/5 қисмига тенг эди. Темир руда қазиб олиш ҳам 3 марта ошди, кўргошин, мис, қалай ва туз ишлаб чиқариш 6–8 марта кўпайди. Саноатнинг анъанавий соҳаларидан Англияда мовут ишлаб чиқариш тез ривожланди. Масалан, XVI аср ўрталарида четга 32 минг қоп жун ва тахминан 5 минг тўп мовут чиқарилган бўлса, XVII аср ўрталарига келиб 122 минг тўп мовут ва фақат 5–6 минг қоп жун четга чиқарилди. 1614 йили эса жун экспорт қилиш бутунлай тақиқланди¹. Бу Англия саноатининг товар ишлаб чиқаришга йўналтирилган саноатга айланишини белгилаб берди.

Саноатдаги муваффақиятлар савдонинг ривожланишига ҳам катта таъсир кўрсатди. Кемасозлик ҳам жадал ривожланди: техник жиҳатдан мукаммаллашган каравеллалар ва галеонлар европаликларнинг денгиздаги устунлигини таъминлади.

XVI–XVII асрларда Европа мамлакатлари ва шаҳарлари коммуникация алоқаларининг зич тармоқлари билан ўзаро боғланган эди. Савдонинг ва алоқа воситаларининг ривожланиши давлатларнинг ички ва умумевропа бозори шаклланишига, Африка, Осиё ва Америка мамлакатлари билан мунтазам алоқалар ўрнатилиши эса жаҳон бозорининг вужудга келишига, товар айланмасининг ошишига олиб келди.

XVI асрда ўрта аср ярмаркаларидан катта фарқ килувчи бозорлар пайдо бўлди. Янги давр бозорлари фақат курилиши билан эмас бозор иштирокчилари билан ҳам ажралиб туради. Бунда энди фақат сотувчи ва харидор эмас, ҳаммоллар, мардикорлар, жарчилар, паттачилар, хуллас турли касб ва табақа вакиллари бозорда аралашиб

¹ Қ а р а н г : *Фортунатов В.В.* История: Учебное пособие. Стандарт третьего поколения. Для бакалавров. – СПб.: Питер, 2012. – С. 131.

кетган. Одатда шаҳар бозорлари ҳафтада бир ёки икки кун бўларди, чунки деҳқонларга сотиш учун маҳсулотларини тайёрлаб олишга вақт ва шаҳарга бориш учун бўш пайт топиш керак эди. Аста-секин, шаҳарлар ўсиб боргани сайин бозорлар ҳар куни ишлай бошладилар. XVII асрдан ёпиқ бозорлар ҳам қурила бошланди. Энг катта бозорлар шаҳар ҳокимиятлари томонидан Лондон ва Парижда қурилган эди.

XVII асрнинг охирларидан бошлаб бозор савдоси билан дўконлар рақобат қила бошлайди. Катта шаҳарларда ҳар иккала тарафида дўконлар чўзилиб кетган кўчалар мавжуд бўлиб, уларда ҳамма нарса – гўштдан тортиб зебу зийнат буюмларигача сотилар эди.

Сайёр савдо, яъни атторлик ҳам фаоллашди. Атторларни йирик Европа шаҳарларининг кўчаларида кўриш мумкин эди.

XVII асрда ярмаркаларнинг аҳамияти пасайиб кета бошлади. Шаҳарлар ўсиши билан энди ҳар-ҳар замонда бўладиган ярмаркалар шаҳар аҳолисининг талабини қондира олмас, кундалик савдо керак эди.

Савдо-сотикнинг ривожланиши *савдо компаниялари* ёки савдо жамиятлари сонининг ошишига олиб келди. Савдогарларнинг ҳаёти хавф-хатарга тўла, улар ҳар куни мол-мулкани ва ҳатто ҳаётини ҳам хавфга қўйишар эди. Худди ана шу хавф-хатар савдогарларни бирлашишга ундарди.

Дастлаб бундай компания ўзаро ҳамма нарса – меҳнат, хавф-хатар, пулни бўлишадиган яқин қариндошлардан иборат бўлган. Кейинчалик компаниялар ўз таркибига меҳнати ва пулини қўшишга рози бўлган бегоналарни ҳам қабул қила бошладилар. Компания аъзолари унинг фаолияти натижаси учун ўз мол-мулклари билан жавоб берардилар. Акционерлик жамиятлари¹ ана шу тарзда ташкил қилинар эди.

Эркин бозор одатларини бузиб юборган монополияларнинг² пайдо бўлиши ҳам янги давр белгиси эди. XVII асрдаёқ халқаро монополиялар вужудга келди. Бу иш анча мураккаб ҳисобланар, ақл, куч, чаққонлик ва энг асосийси катта пул талаб қиларди. Голландияликлар ҳаммадан кўп монополияларга эга эдилар.

¹ *Акция* – акционерлик жамияти чиқарган ва унинг эгасига акционерлик жамияти фойдасидан даромад олиш ҳуқуқини берувчи қимматбаҳо қоғоз. Акционерлик жамияти – маблағи акциялар сотиш йўли билан ташкил қилинадиган капиталистик корхонанинг ташкилий шакли

² *Монополия* – ишлаб чиқариш, савдо қилиш, қондан фойдаланишнинг бир шахсга, шахслар гуруҳи, давлатга бериладиган имтиёзли ҳуқуқи.

Дунё савдо-сотифининг марказида Голландиядан ташқари Англия ҳам турар, бу эса Буюк географик кашфиётларнинг натижаларидан бири эди.

Англияда энг йирик бўлган Лондон портларида улкан елканли кемалар зич турарди. Денгизлар оша савдо қилиш инглиз савдогарларини савдо компанияларига бирлашишга мажбур қилди. Бундай компаниялар сони катта тезлик билан ортиб борди.

1600 йилда Ост-Индия компанияси ташкил қилинган бўлиб, мамлакатга мурч ва қалампир олиб келиш ҳуқуқи фақат шу компанияга берилган эди. 1607 йилда компания ўз аъзоларига қўшган маблағларининг 500% миқдориди дивиденд тўлади. Мамлакатга пахтани фақат «Левантий» компанияси олиб келиши мумкин эди. Улар Ўрта Ер денгизи мамлакатлари билан савдо қилишдек имтиёзли ҳуқуқни ҳам қўлга олгандилар. Россия билан машҳур «Московия» компанияси савдо қиларди.

Савдодан келадиган фойданинг ўта тенгсиз тақсимланиши, саноат ва савдони монополиялаштириш сиёсати, ички бозорнинг кам тараққий этганлиги капитализм ривожланишига ғов бўлиб, қиролнинг иқтисодий сиёсати билан капиталистик тараққиёт эҳтиёжлари ўртасида кескин қарама-қаршилиқлар келтириб чиқарди.

XVII аср бошларига келиб инглиз савдо компаниялари Эрондан Шимолий Америкагача, Швециядан Ҳиндистон ва Цейлонгача бўлган жуда катта ҳудудни ўз таъсирларига олган, Ҳиндистон ва Америкага тобора кўпроқ кириб бораётган эди. 1640 йилга келиб Англия ташқи савдо айланмасининг ҳажми XVII аср бошларидагига қараганда икки баробарга ошди.

XVII асрга келиб Европанинг қарийб ҳар бир савдо шаҳри ўз биржасига¹ эга бўлди. *Замондошларнинг фикрича биржа – бу «банкирлар, савдогарлар, негоциантлар², биржа даллоллари ва банк агентлари, комиссиянерлар ва бошқа шахслар учрашадиган жойдир».* Даставвал биржалар кўча ва майдонларда жойлашиб, махсус биноларга эга бўлмаган, лекин XV асрдаёқ шаҳар ҳокимиятлари бу мақсад учун махсус бинолар қура бошладилар.

¹ Биржа – товарлар ва қимматбаҳо қоғозлар олди-сотдиси бўйича келишувга эришилдиган жой.

² Негоциант – асосан бошқа мамлакатлар билан савдо ишлари олиб борадиган кўтарачи савдогар, коммерсант.

Барча биржасалар одамларнинг улкан тўдаси тўпланганлиги билан бир-бирига ўхшаб кетарди. Амстердамда туш пайтига бориб биржада 4500 гача одам тўпланарди. Лондон биржаси энг йирикларидан бири эди.

Ҳар бир негоциант фойдали келишувга эришиши ва осиб қўйилган эълонлардан савдо кемаларининг келиши ёки сузиб кетиши ҳақидаги хабарни билиш мақсадда то тушгача биржада бўлишни ўзининг мажбурияти деб билар эди. Обрули савдогар биржага келмадими – унинг ишлари ёмон аҳволдалиги ҳақида миш-мишлар тарқала бошларди.

Албатта, биржа ўйинларида кимдир бойиб кетиб, бошқаси эса хонавайрон бўлган ҳолатлар ҳам кўплаб учраб турарди. Ўша давр кишиларидан бири: «Сельд балиги олдиндан, маълум бир санага, ҳали у ушланмасдан олдин сотилар, дон ва бошқа товарлар ҳали дон пишиб улгурмасдан, товарлар эса етиб келмасдан олдин сотиларди», – деб ёзади. Биржасалар кўтара ва халқаро савдода бош ролни ўйнар, пулнинг курсини ўрнатишига таъсир қилар, қимматбаҳо қозғалар муомаласини йўлга қўярди.

Биржасалар билан бир қаторда замонавий банкларнинг пайдо бўлиши ҳам янги давр цивилизациясининг буюк ютуғи бўлди. Ўрта асрларда Европада банклар родини пул майдалайдиган саррофлик дўконлари бажарар эди. XV асрда замонавий кўринишдаги илк банк – Генуядаги муқаддас Георгий банки пайдо бўлди. XVI – XVII асрларда Шимолий Италия ва немис шаҳарларидаги савдогарлар гильдиялари ўзларининг доимий мижозларига хизмат кўрсатадиган махсус жиробанклар (gìro италянча – доира, айлана) ташкил қиладилар. Металл пулларнинг етишмаслиги ва айланиш учун ноқулайлиги XVII асрда векселлар ва дастлабки банкнотларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу даврдаги банклар тўртта асосий функцияни бажаради:

Кредитда воситачилик қилиш;

Тўловларда воситачилик қилиш;

Омонатлар ва пул даромадларини сафарбар қилиш орқали уларни капиталга айлантириш;

Пул айланишини енгиллаштирувчи кредит воситаларини (банкнот, чек) яратиш.

Бу омиллар йиғилиб, пировардида банк тизимида катта ўзгаришларга олиб келди. Фақат хусусий эмас, балки давлат банк-

лари ҳам тузила бошлади. XVII асрда Амстердам ва Англия давлат банклари фаолият кўрсатарди. XVIII асрда юксак банк фаоллиги айниқса Амстердам, Лондон, Париж, Женевада кузатилади.

Банклар савдогарларга, саноатчиларга, давлатларга йирик кредитлар берарди. Банклар қанчалик тараққий этмасин, банкирлар эҳтиёткорлик қоидаларига риоя қилишлари лозим, чунки банк иши ҳали ҳам катта таваккалчилик билан боғлиқ эди. 1789 йили Францияда рўй берган инқилоб туфайли ҳукумат алмашди ва голланд банклари зарбага учраб, уларнинг кредитлари йўққа чиқди, кўпчилиги хонавайрон бўлди.

Бироқ савдо ва саноатнинг ривожини энди банкларнинг иштирокисиз бўла олмас ва улар куч йиғар, ўсар, бойир, жамиятда қудратли кучга айланиб борар эди. Масалан, 1523 йилда Яков Фуггер (1459–1525) деган киши «Муқаддас Рим империясининг» императори Карл V га ёзган эди: «Маълум ва кўриниб турибдики, Сиз жаноби олийлари менинг ёрдамимсиз Рим тахтига эга бўлишингиз мумкин эмасди». Ҳақиқатда ҳам Карл V ўзини сайлаган князларни сотиб олиш учун 850 минг гульден сарфлаган бўлса, шунинг учдан икки қисмини у Фуггерлардан қарз олган. Габсбургларнинг урушлари ҳам ана шу оиланинг пуллари эвазига олиб борилган.

Банклар энди молиявий қудрат билангина чекланиб қолмасдан, сиёсий таъсирга ҳам эга бўлиш учун кураша бошладилар.

Капиталистик муносабатларнинг шаклланиши. Янги даврда Европа давлатлари иқтисодий ўсишининг муҳим омили капиталистик муносабатларнинг вужудга келиши бўлди. У бозор шароитида майда товар ишлаб чиқариш жараёни эволюциясининг қонуний натижаси эди. XV аср охирига келиб Ғарбий Европада деҳқонларнинг катта қисми шахсан озод бўлиб, шаҳар ҳунармандлари сингари, хўжалик юритиш мустақиллигига эга эдилар. Аммо майда ишлаб чиқарувчининг хўжалиги ўта нобарқарор эди: доимий бозор учун ишлаб чиқарганлиги сабабли ё бойиб кетиб йирик хўжаликка айланади, ёки касодга учрайди. XVI – XVII асрларда ёлланма меҳнат ва иш ҳақи кенг тарқалган шаҳар ва қишлоқларда ана шу йўналиш кўзга ташланади.

Феодал иқтисодиётнинг аста-секин капитализмга ўсиб ўтиши жараёнини «капиталнинг дастлабки жамғарилиши» жараёни тезлаштирди – бу тарихий омиллар, бир томондан, майда ишлаб чиқарувчиларни экспроприацияси қилишни жадаллаштирди (ма-

салан, Англияда деҳқонлар ерларини зўрлик билан эгаллаб олиш, «нарх-наво инқилоби», солиқ юкини оширувчи давлат қарз тизими). Бошқа томондан, улар савдогарлар ва тадбиркорлар қўлида йирик капиталнинг тўпланишини осонлаштирди: бу омилларга Янги Дунёдаги мустамлакалар билан тенг бўлмаган савдо алоқаларини, савдогарларнинг бойиб кетишига олиб келган давлат протекционистик сиёсатини, Европа бозорларига озиқ-овқат ва хомашё етказиб берувчиларга катта фойда келтирган «нарх-наво инқилоби»ни киритиш мумкин.

Цехларнинг тўсиқлик қилишига қарамасдан капитализм шаҳар иқтисодига жадал кириб келди. Мулкӣ ва ижтимоӣ табақалашув цех хунармандларини – Ўрта аср бюргерлигининг асосини қамраб олди. Цехлар ўртасидаги ўзаро қураш уларнинг бир қисмини тенг ҳуқуқли ҳолатдан маҳрум қилди. XVI асрда нарх-навонинг ўсиши озиқ-овқат ва хомашёни сотиб олувчи шаҳарликларнинг ижтимоӣ табақалашув жараёнини тезлаштирди. Шаҳарларда касодга учраган усталар, «абადий шогирдлар» ва иш излаб келган деҳқонлар ҳисобига ошиқча ишчи кучи бозори шаклланди. Бу йирик ишлаб чиқариш – *мануфактуралар* ташкил қилиш имконини берди.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши асосан ижтимоӣ меҳнат тақсимоти орқали юз берди. XVI асрда хунармандчиликнинг 100 дан ортиқ асосий тури мавжуд бўлса, XVIII асрда улар сони 250 тага етди. Тармоқ ичидаги меҳнат тақсимоти ҳам анча кенгайди, фақат тўқимачиликнинг ўзида 20 дан ортиқ мутахассисликлар пайдо бўлди. Жадал ривожланиш ўрта аср цехчилик анъаналарига эга бўлган соҳалар – техник ва маданий жиҳатдан энг муҳим янгиликлардан бўлган Иоганн Гутенбергнинг китоб чоп қилиш усулида (1445) ҳамда қоғоз, шиша, совун, ойна ва матолар ишлаб чиқаришда кузатилади. Айни пайтда денгиз савдосининг ривожланиши, океан орти аҳолисининг ўсиб бориши, Янги Дунёдан олтин ва қумуш оқимининг келиши оқибатида Европада хунармандчилик маҳсулотларига талаб ҳам ортиб боради.

Товарларга ўсиб бораётган талабни қондириш учун йирикрок корхоналар қуриш зарурати туғилди. Аммо устахоналарнинг катта-кичиклиги, унда ишлаётган уста ва шогирдлар сони, маҳсулотларнинг сони ва сифати цех низомларида қатъий кўрсатиб ўтиларди. XVII асрга келиб бу чеклашлар саноатни ривожлантиришга тўсиқ бўлиб қолди.

Йирик корхоналарга зарурат эса йилдан-йилга ортиб борарди. Шундай қилиб, янги типдаги корхоналар – мануфактуралар пайдо бўла бошлади. Бу корхоналарда энди янгича меҳнат тақсимоти йўлга қўйилган бўлиб, уларда ёлланма ишчилар меҳнат қиларди. Маҳсулотлар ҳали ҳам қўлда тайёрланарди. «Мануфактура» логин тилидан таржимада «қўлда ясалган буюм» («manus» – қўл, «factura» – буюм) деган маънони англатади.

Дастлаб ҳар бир ишчи ўз уйида меҳнат қиларди. Бундай мануфактура *тарқоқ мануфактура* деб номланган. Бироз кейинроқ иш берувчилар, шунингдек, бой усталар махсус бинолар кура бошладилар, унда бир том остида турли хил мутахассисликдаги ёлланма ишчилар меҳнат қиларди. Уларнинг ҳар қайсиси фақат битта ишни бажарар, бу эса ишни тезроқ ва сифатли қилиб бажариш имкониятини берарди. Бундай мануфактурани *марказлашган* деб атадилар.

Капиталистик мануфактура ана шундай пайдо бўлди. Унда устахонанинг, корхонанинг эгаси савдогар-капиталист ёки капиталист-тадбиркор бўлиб, у капиталга ва ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилади. Демак, мануфактура – бу қўл меҳнати ҳукмрон бўлган, меҳнатни алоҳида ишлаб чиқариш жараёнига тақсимлаш мавжуд бўлган ва ёлланма ишчиларнинг меҳнати қўлланиладиган йирик корхона. Капиталистик мануфактура майда ишлаб чиқаришдан йирик саноат ишлаб чиқаришига ўтишни бошлаб берди.

Марказлашган мануфактуранинг тузилиши

	Бозор	
	Мануфактура эгаси	
Ёлланма ишчилар ишлайдиган йирик марказлашган корхона		

Тарқоқ мануфактуранинг тузилиши

Бозор		
Олибсотар		
Ҳунарманд	Ҳунарманд	Ҳунарманд

Меҳнатни тақсимлаш бир вақт бирлигида кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини берди, меҳнат унумдорлигини оширди, сарф-харажатларни камайтирди ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш имконини берди. Фақат сифатли ва арзон маҳсулот ишлаб

чиқарган корхонагина кучайиб бораётган рақобатга бардош бера оларди.

XVII асрда Англияда, Нидерландияда хўжалик юрителининг янги шакли устувор эди, Францияда эса энди ривожланиб бораётганди. Хўжалик юрителининг янги шакли ойна, қанд, қоғоз, шойи, мато ишлаб чиқариш соҳаларида кенг тарқалди. Англияда мануфактура ишлаб чиқариши айниқса мовут тўкишда кенг қўлланилар эди.

Мануфактура капиталистик ишлаб чиқариш корхонаси бўлиб, унинг эгаси бўлган капиталист битта гоё – кўпроқ фойда олиш гоёси билан банд бўлган. Мануфактура ишчилари ўта ғайриинсоний усулларда ҳам эксплуатация қилинган. Тадбиркорлар фақат меҳнатни жадаллаштириб қолмасдан, иш кунини узайтириш ва иш ҳақини камайтириш билан бирга дайдиларни ўз корхоналарида мажбурий ишлаганишга рухсат берувчи «қонли қонунларни» ҳам қўллар, болалар ва аёлларни ҳам оғир меҳнатга жалб қиларди.

Мануфактура ижтимоий ишлаб чиқаришни тўлиқ қамраб олмади ва олиши ҳам мумкин эмасди. Капиталистик мануфактура Англия, Голландия ва Францияда айниқса кенг тарқалди ва катта аҳамиятга эга бўлди.

Капиталистик ишлаб чиқаришнинг шаклланиши

Капиталистик ишлаб чиқариш қуйидагиларини талаб қилади:	
Меҳнат қуролига эга бўлмаган, пул эвазига ёлланиб ишлашга тайёр турган, эркин кишилар	Йирик корхоналарни очиш учун зарур бўлган бойликнинг тўпланганлиги
Ёлланма ишчилар	Буржуазия

Қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар. Мануфактура ишлаб чиқаришининг ривожланиши қишлоқда ҳам кескин ижтимоий табақаланишга олиб келди: бой деҳқонлар, ўз қўлларида кўплаб ер-мулкларини бирлаштирган йирик хўжаликлар эгалари, сеньорлардан катта ерларни арендага олган бой арендаторлар ажралиб чиқди. Улар ўз хўжаликларида кунлик иш ҳақи оладиган ёлланма ишчилардан фойдаланар, бу эса улар хўжалигининг илк буржуача характерида далолат беради. Бундай хўжаликлар кўпаяётганлигига қарамасдан қишлоқда ишчиларга талаб унча катта эмасди. Еридан айрилган деҳқонларнинг кўпчилиги қашшоқ гадейларга айланар эди.

Шу тариқа Ғарбий Европада XVI – XVII асрларда шаҳарлардаги сингари қишлоқларда ҳам капиталистик муносабатлар шакллана бошлади. Аммо қишлоқда меҳнат курулларининг такомиллашуви, ижтимоий меҳнат тақсимоти, феодал ишлаб чиқариш муносабатларининг емирилиши нисбатан секинлик билан юз берди. Шу сабабли қишлоқда капиталистик муносабатларнинг шаклланиши ҳам секинлик билан амалга ошди.

Бу жараён бошқаларга нисбатан шиддат билан ўтказилган жой Англия бўлди, чунки бу ерда деҳқонларни экспроприация қилиш ўта қатъият билан амалга оширилди.

XVII аср ўрталарида Англия типик аграр мамлакат бўлиб, аҳолининг 4/5 қисми қишлоқларда яшарди ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланар эди. XVI–XVII асрлар Англия тарихининг ўзига хос томони шундаки, бу ерда, масалан, Франция ва Германиядан фарқли равишда, капиталистик муносабатларнинг шаклланиши қишлоқда шаҳардагига нисбатан олдинлаб кетди. Шу сабабли Англия қишлоғидаги ўзгаришлар фанда «аграр инқилоб» номини олган. Англия буржуа инқилобининг ҳам муҳим иқтисодий шарт-шароитларидан бири деҳқонларнинг табақалашув жараёни бўлди.

Бу жараённинг мазмуни шундаки, анъанавий ҳуқуқга кўра ерга эгалик қилаётган деҳқонлар барча воситалар билан, жумладан куч ишлатиш йўли билан ҳам ўз ерларидан сиқиб чиқарилди, уларнинг ўрнини йирик арендаторлар эгаллади. Ички ва ташқи бозорда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талабнинг юқорилиги капиталистик ташкиллаштирилган деҳқончилик ва чорвачиликни юқори фойда келтирадиган соҳага айлантирди. Ер капитал киритишнинг фойдали соҳасига айланиб қолди, лордлар юқори рента тўловлари шартига катта-катта ерларини арендага бера бошладилар.

Натижада инқилобдан олдинги Англияда ер ва рента учун кураш жамятда юз бераётган можароларнинг асосини ташкил қилди. Энг оғир аҳволда кичик ер эгаларининг кўпчилигини ташкил қиладиган деҳқонлар – копигольдерлар қолди. Уларнинг ерга эгалиги маълум муддатга бўлиб (одатда 21 йилга), ушбу муддат тугаши билан лордлар рента ҳақини ошириши мумкин эди. XVII аср ўрталарига келиб копигольдерлар тўлайдиган рента ҳақи XVI асрдагига нисбатан Сеффока ва Эссексда 4 марта, Уорвикширда – 3 марта, Ноттингемширда – 6 марта, Уилтширда – 8 марта оширилди.

Мамлакатнинг шимоли ва шимоли-ғарбида қадимги аслзодалар – зодагон-феодаллар кўпроқ эди. Дехқонларнинг тўловлари – пул ва натура солиқлари уларнинг асосий даромадларини ташкил қиларди. Бундай помещиклар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бозорда камдан-кам сотардилар. Улар бойиб кетган савдогарлар орасидан чиққан янги зодагонларга нафрат билан қарарди.

Англияда тўқимачилик саноатининг тез ривожланаётганлиги хомашё – қўй жунига бўлган талабни ҳам ошириб юборди. Натижада дехқонлардан тортиб олинган жуда катта ер майдонлари ўтлоқларга айлантирилди. Илгари минглаб дехқонлар меҳнат қилган ерларда энди битта чўпон минглаб қўйларни боқиб юрарди. Бу ҳолни машҳур гуманист-ёзувчи Томас Мор образли қилиб, Англияда «қўйлар одамларни еб юборди», дея таърифлаган эди.

Европада капиталистик укладнинг шаклланиш жараёни нотекис кечди. XVI аср охирига келиб капиталистик муносабатлар Англия ва Нидерландия иқтисодида етакчи бўлиб олди, Франция ва Германияда, бир оз кейин Швецияда ишлаб чиқаришнинг айрим соҳаларида муҳим роль ўйнай бошлади. Айни пайтда буржуа муносабатлари бошқалардан олдинроқ пайдо бўлган Италияда иқтисодий ва сиёсий конъюнктуранинг ноқулайлиги сабабли ортга чекиниш ҳолатлари юз берди. Испания ва Португалияда эса янги муносабатларнинг барбод бўлишига давлатнинг калтабин сиёсати сабаб бўлди.

Германиянинг Эльба дарёсидан шарқдаги ерларида, Болтик бўйи, Марказий ва Жануби-Шарқий Европада илк капитализм ривож топмади. Бу минтақаларни бозор муносабатларига жалб қилиш тескари жараёнга – иқтисоднинг қайта феодаллашуви ва дехқонлар шахсий қарамлигининг энг оғир шакллари қайта тикланишига олиб келди.

Илк капиталистик муносабатлар ўзининг нотекис ривожланишига қарамасдан, XVI – XVII асрларда пул ва товарларнинг умумий бозорига, шаклланган халқаро меҳнат тақсимотига эга бўлган Европа иқтисодий тизимига жиддий таъсир кўрсата бошлади.

Ижтимоий табақалашув. Аҳолининг янги қатламлари. XVI – XVII асрларда юз берган иқтисодий ўзгаришлар натижасида жамиятнинг ижтимоий тизими ҳам мураккаблашди. Аввалги тоифалар доирасида даромадининг манбаи ва даражаси, психологик ҳолати ва ижтимоий ориентирлари бўйича фарқланувчи гуруҳлар пайдо бўлди.

Кишлоққа ҳам бозор муносабатларини дадил олиб кирган ишбилармон кишиларни *янги зодагонлар* деб атай бошладилар. Ёлланма меҳнатни қўллаб, улар кишлоқ тадбиркорларига айландилар. Бу уларнинг яшаш тарзини ҳам ўзгартирди. Улар буржуазия билан яқин муносабат ўрнатдилар: ўз қўرғонларида саноат корхоналари ташкил қилдилар, савдогарлар билан бирга савдо билан шуғулландилар, бой буржуазия оилалари билан кариндошлик алоқаларига киришдилар.

Янги хўжалик тарзи мулкдор деҳқонларни ҳам ўзига бўйсундирди. Катта ер эгаларига айланган деҳқонлар камбағал қўшнилларини қарзга кўмиб ташлар ва хонавайрон қилар, уларнинг жамоа далаларидаги ерларини сотиб олар, ишлаш учун батракларни ёллар эдилар. Уларнинг далаларида мукаммаллаштирилган меҳнат қуроллари – икки ғилдиракли оочлар, уруғ экиш мосламалари, тупроқ майдалагичлардан фойдаланиларди. Бундай деҳқонларни *фермерлар* дейишади. Янги зодагонлар ва фермерлар – XVII аср бошларида инглиз кишлоқларида фаол ривожлантирилган янги, капиталистик муносабатларга асосланган турмуш тарзининг маҳсули эди. Айни пайтда, отамерос ерларидан қувилган минглаб деҳқонлар ерни ижарага олиш ёки ҳеч бўлмаганда бирор тасодифий иш топиш илинжида кишлоқма-кишлоқ изғиб юардилар.

Савдонинг ўсиши шаҳар аҳолиси ўртасида *буржуазия* сонининг кўпайишига олиб келди. «Буржуа» сўзининг ўзи Францияда XII асрдаёқ пайдо бўлганди ва шаҳарнинг «хурматли» фуқароларини англатарди. Судьяларга, адвокатларга, нотариусларга, врачларга, дорихоначиларга ана шундай мурожаат қилишарди. Жамият «хурматли одам» бойликка эга бўлишини, шаҳар ташқарисида ери бўлишини ва ўз уйида яшаб, ўзини муносиб тутишини талаб қиларди.

XVII аср ўрталарида буржуазиянинг юқори қисмини савдогар-негоциантлар ва банкирлар ташкил қиларди.

Молиячи-банклар буржуазиянинг алоҳида гуруҳи саналарди. Улар ўз банклари ва компанияларидаги ишларидан ташқари давлат молияси билан ҳам шуғулланар, қироллик хизматини ҳам ўтардилар. Улардан кўпчилиги бу машғулотларни сармоячилик фаолияти билан бирга олиб борарди.

Шаҳар аҳолисининг бир қисмини «қуйи табақа» вакиллари ташкил қилар эди. Жамиятда бойлик ошиб борган сари у билан ёнма-ён қашшоқлик ҳам ошиб, қашшоқлар сони кўпайиб борарди. Ўша пайтларда ҳар бир шаҳар ўз қашшоқларига эга эди ва фақат ўз

меҳнати билан кун кўрадиган ёки ёлланиб ишлаётган ҳар бир киши уларнинг сафига тушиб қолиши ҳеч гап эмасди. Бунинг сабаблари жуда кўп эди, масалан, касаллик, ишдан айрилиш, ойлик маошнинг камайиши, эр-хотиндан бирининг вафоти, болалар кўп бўлганда нон нархининг ошиши... Бу кулфатларнинг ҳар бири қашшоқлик ва гадоликка олиб келарди. «Ўз қашшоқларига» шаҳарлар бирор ёрдам беришга ҳаракат қилар, улар ҳақида қайғуришга уринарди. Масалан, Венецияда ҳокимият уларга махсус ҳужжат ёки жетон (Авлиё Марк белгиси) беришар, улар қашшоқларга шаҳарда яшаш ва ҳатто черков ёнида, бой маҳаллаларда ва бозорларда садақа сўрашга руҳсат берарди. Қашшоқларга ачинишар, лекин нафратланишмас, чунки инсонни очиқ осмон остига ҳайдовчи хонавайронлик ҳаммага хавф солиб турарди.

Қадимги даврларда бойнинг остонасида турган гадо худонинг элчиси ҳисобланарди. Христианлар бу қиёфада Исо пайғамбарнинг ўзи ҳам келиши мумкинлигига ишонишар эди. Бироқ XVI асрга келиб бундай одамларга ачиниш ҳисси қарийб йўқ бўлиб кетди. Айниқса янги бойларнинг кўпчилиги дайдилардан нафратланишарди. Дайдиларни касалликлар қулатар, ўлим изма-из юрар, аммо улар барибир камайиб қолмас эди.

Ҳокимият дайдилар ҳақида қонунлар қабул қилади, шаҳар кўчаларида садақа сўрашни тақиқлайди, уни бузганларни аёвсиз жазолайди. Германиянинг Кёльн шаҳрида уч марта «қонунсиз» садақа сўрашда қўлга тушган дайди осиб ўлдирилишга ҳукм қилинарди. XVI асрда Англияда дайдиларга қарши шундай шафкатсиз қонунлар қабул қилиндики, халқ уларни «конли» деб атади: хоҳлаган киши дайдини мажбуран ўз ишчисига айлантириши мумкин эди. Қочиб кетган, лекин қўлга тушган дайдига тамға босишарди. Бу аҳволдан чиқиш йўли бормиди? Ҳар ким насибасини изларди. Баъзилари талончилик, қароқчилик билан шуғулланувчи тўдаларга бирлашардилар. Бошқалари ҳарбий хизматга кирар ёки хизматкорликка ёлланишар эдилар. Бойлар кўп эди ва улар хизматкорсиз яшай олмасди. Фақат биргина француз шаҳри Лионда XVI асрда аҳолининг чорагини хизматкорлар ташкил қиларди. Кўпгина усталар, ҳунармандлар, ўзига тўқ деҳқонлар ҳам хизматкорга эга эдилар.

Шундай қилиб, улар йўл четида яшашар, кўпчилиги шу жойда туғилар, шу жойда ўлардилар.

Дехқонлар. Ўрта асрлардагидек XVI – XVII асрларда ҳам Европа аҳолиси жуда секин кўпайди. Дехқонлар бутун аҳолининг 88 фоизини ташкил қиларди. Шаҳарларнинг деярли бутунлай ўсмаётганлигининг сабабларидан бири қишлоқ хўжалигини юри-тишнинг қолоқ усуллари эди.

Масалан, Францияда ерни қўлда ёғоч омов билан ёки кадимий чўкич билан ҳайдашарди. Ҳатто XVIII асрда ҳам темир омов камдан-кам, асосан бой дехқон хўжалигида қўлланарди. Темир қиммат эди. Ёғоч омовдан сўнг ерни бороналаб чиқишар, кейин экишарди. Буғдой пишганда уни қўл ўроқ билан ўришарди, чунки ўт ўришга мўлжалланган бел ўроқ (чалғи) билан буғдой ўришга одат йўл қўймасди. Қишлоқларда хурофот ҳукм сурарди. Далани буғдой ёки арпа билан ва ёқилган шам билан уч марта айланиб чиқмагунларича ҳайдашни бошламас эдилар. Уруғни фақат 30 та тешикли (кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас) бўри терисида сепишарди. Битта шаҳарликни боқиш учун маҳсулотнинг шунақа миқдори талаб қилинардики, уни фақат ерда ишлаётган 8-9 дехқонгина етиштира оларди. Эҳтимол тақдир юборган синовлар дехқонларда шароитга мослаша олиш қобилияти, қарор қабул қилишда имиллаш, ҳар қандай янгилик киритилишидан қўрқиш, кун кўриш манбаларини излашда ўжарлик каби хислатларни пайдо қилгандир. Шимолий Европа дехқонлари, масалан, кончи ҳам, темирчи ҳам, тўқувчи ҳам, юк ташувчи ҳам, каботаж¹ сузувчи ҳам, ёлланма ишчи ҳам эдилар. Қўшимча даромадсиз яшашнинг иложи йўқ эди.

Асрлар давомида дехқон қул ҳам, крепостной ҳам, ернинг эркин эгаси ҳам, буйруқни бажарувчи ва ижарачи ҳам бўлиб кўрди. Агар ўрта асрларда дехқонлар асосан шахсан қарам бўлган бўлсалар, янги давр бошларига келиб кўпчиликлари шахсий эркинлик қанчалар муҳим бўлмасин, у тўқ ҳаётни кафолатлай олмаслигини яхши тушунишарди.

1676 йили Юқори Австриядан бир руҳоний ўз даврини шундай шарафлайди: «Худога шукроналарким, энди округимизда крепостнойлар йўқ ва бугун ҳар бир киши ўзи хоҳлаган ерда яшаши мумкин!» Ҳа, дехқон эркин, лекин аввалгидай ер сеньорга тегишли, давлат солиқ олади, черковга ўндан бирини бериш керак, сеньорга эса улушини. Бундай эркинликда очликдан ва огир меҳнатдан ўлиб қолмасликнинг иложини қилиш жудаям қийин эди.

¹ *Каботаж* – бир денгизнинг ёки бир давлатнинг портлари орасида қирғоқ бўйлаб кемаларда сузиб юриш.

Янги даврда янгича турмуш тарзининг белгилари намоён бўлади, савдо ривожланади, меҳнат тақсимотиغا асосланган мануфактура ишлаб чиқариши пайдо бўлади ва ривожланади, техника аввалгидан тезроқ мукаммаллашади.

Аҳоли турли қатламларининг ҳолати ва машғулоти ўзгаради: буржуазия ўсиб ва бойиб боради, зодагонлар янги хўжалик ҳаётига тортилади, деҳқонлар аста-секин шахсий қарамликдан озод қилинади, ёлланиб ишлаётган кишилар сони ўсиб боради.

Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ижтимоий табақалашуви, юқорида айтилганидек, ўрта асрлардаги бюргерлар (шаҳарлик) ва деҳқонларнинг қатлам сифатида барҳам топишига олиб келди. Бюргерлар орасидан чиққан алоҳида гуруҳни шаҳар зиёлилари: юристлар, врачлар, ўқитувчилар, талабалар ва эркин касблар эгалари (шоирлар, рассомлар ва ҳ.к.) ташкил қиларди.

Юқорида айтилган силжишлар натижасида янги ижтимоий стратификация¹ юз бера бошлади: турли қатламларга мансуб гуруҳларнинг кўшилиши натижасида буржуа жамиятининг янги синфлари шакллана бошлади. Дастлабки буржуазия таркибига қишлоқ ва шаҳар тадбиркорлари – янги зодагонлар, савдогарлар, мануфактура эгалари, шаҳар зиёлилари ва бой деҳқонлар кўшилди. Еридан айрилган деҳқонлар, касодга учраган ҳунармандлар ва шаҳар камбағаллари пролетариат синфини шакллантирди.

Янги ихтиролар. Технологик тараққиётда муҳим ютуқларга эришган жамиятнинг жадал ривожланиши илмий инқилобни амалга ошириш учун ҳам имконият яратди. Ўточар куруллар ва порохнинг қўлланилиши, океан кемаларининг яратилиши европаликларга ер юзининг катта қисмини тадқиқ қилиш ва харитага киритиш имконини берди, китоб чоп қилишнинг ихтиро қилиниши эса ҳар қандай илмий янгиликнинг Европа бўйлаб тез тарқалишини таъминлади. XVI асрдан бошлаб жамият, фан ва техника ўртасидаги алоқалар янада жадаллашди, зеро, фаннинг бир соҳасидаги ютуқлар бошқа соҳаларнинг ҳам ривожига туртки бўлди.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, шаҳарларнинг ўсиши, фан ва техника ривожланишини рағбатлантирувчи қудратли омилга айланди. Айниқса механика, астрономия, математика каби фанлар жадал ривожланди. XVIII асрда химия, ботаника, физиоло-

¹ *Ижтимоий стратификация* – социологиянинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, жамиятнинг ижтимоий қатламлашуви белгилари ва мезонлари тизимини билдиради.

гия, геология каби фанлар мустақил фан сифатида пайдо бўлади. Шу аср охиридаги саноат инқилоби теплотехника ва электр соҳасидаги тадқиқотлар учун катта имконият яратди.

Саноатнинг тез ривожланиши ишлаб чиқаришга тез жорий қилиниши мумкин бўлган янги ихтироларга эҳтиёжни оширди. Шу сабабли ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган техник ихтироларга катта эътибор қаратилди. Зотан, XVI – XVII асрлар – янги ихтиролар даври бўлди. Одамлар энергия манбаларини излар эдилар, чунки уларсиз ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг иложи йўқ эди.

XVI асрдаёқ ихтирочилар энг оддий механизмларни яратдилар. Улар анъанавий энергия манбалари – сув ва шамол кучи билан ҳаракатга келарди.

Энергиянинг кенг тарқалган манбаларидан бири шамол тегирмонлари эди. Уларсиз XVI асрдаги Нидерландиянинг кўринишини тасаввур қилиш мумкин эмас. У ерда ҳатто минорасининг тепаси айланиб турадиган алоҳида турдаги тегирмонлар ҳам кенг тарқалганди. Бироқ, агар шамол бўлмаса, тегирмон ишламас эди. XVI асрда тегирмонларга аррани улаб қўя бошладилар ва уларни ҳам шамол ҳаракатга келтирарди. Тегирмон ғилдираги берадиган энергия ёрдамида қоғоз массасини тайёрлашар, териға ишлов беришар, рудани майдалашар ва бошқа ишларни бажарар эдилар¹.

Ўша даврда яратилган техник ихтироларнинг жуда кўпчилиги винтни қўллашга асосланган. Аввал винтни ёғочдан, кейинчалик эса металлдан ясай бошладилар. XVI асрда токарлик станогини ихтиро қилингандан ва бронзадан винт қуйишни ўрганишгандан сўнг винтларни ясаш ва ишлаб чиқаришда қўллаш кескин ошди. Винтли прессни китоб чоп қилиш ва танга зарб қилишда ҳам қўллай бошладилар.

Кўпгина ихтиролар тоғ-кон саноати билан боғлиқ эди. Шахта ва конлардан сувни чиқариб ташлаш учун насосларни қўллаш зарурати бор эди (бундай насосларни «помпа» деб аташарди). Шахталарнинг чуқурлиги тобора ошиб борар, 200 метрдан 800 метргача етар эди. Бундай чуқурликдаги шахтани қуритиш учун 600 дан кўпроқ ишчини сувни чиқариб ташлашга жалб қилиш талаб қилинарди. Бу ишда ёқа деб аталувчи мосламанинг ихтиро қилиниши ҳақиқий инқилоб бўлди.

¹ Ғарб мамлакатларида тегирмон тушунчаси кенгроқ бўлиб, ундан фақат буғдойни ун қилишда эмас, бошқа мақсадларда ҳам фойдаланилган.

XVI аср ўрталарида диаметри 10 метр бўлган ғилдираклар қўллана бошланди. Ғилдирак сув билан ҳаракатга келарди. Унинг ёрдамида ёғоч идишларда рудани, тери халталарда сувни навбат билан кўтаришарди. Бундай ғилдиракка 2 киши хизмат кўрсатарди, холос. Бу машиналар от ёки сув кучи билан ҳаракатга келтириларди.

XVI асрда рудани майдалаш, куйдириш, ювиш ва ёйиб чиқиш жараёнлари битта корхонада – мануфактурада олиб борилар ва бу олинадиган металлнинг сифатини яхшиларди. Лекин XVI асрнинг ўрталаридан бошлаб мустамлакалардан кела бошлаган арзон қумуш ва мис Европадаги кўплаб конларнинг узок вақтга ёпилишига олиб келди.

Металл ва металл қоришмаларини иқтисодиётга жорий қилиш янада жадалроқ бўлиши ҳам мумкин эди. Бироқ жуда кўп металл ҳарбий эҳтиёжларга сарф қилинарди. Бронза танқислиги туфайли ўқ отар тўпларни ҳам чўяндан қуя бошладилар ва бу ўз навбатида, қуролсозликнинг юксалишига, артиллерия ва ўточар қуролларнинг янги турлари пайдо бўлишига олиб келди. XVI асрда дунёда Европа қуролларига тенг келадигани йўқ эди. Бу даврда тўп ясаш ишларида ўзгариш юз берди. Техниканинг ривожланиб бориши билан ўйиб ясалган қуроллар ўрнини мустаҳкамроқ, бронзадан қуйилганлари эгаллай бошлади.

Артиллериянинг ривожланиши қалъа деворларининг ўзгаришига олиб келди. Баланд деворлар ядролар зарбидан қуларди ва шу сабабли энди шаҳарлар улкан тунроқ уюмлари билан ҳимоялана бошладилар.

Артиллерия фани ҳам ривожлана борди. Италиян математиги Тарталья¹ снарядларнинг учиш йўлини ҳисоблаб чиқди ва қуювчи усталарга маслаҳатлар берди. Шу тариқа тўплар такомиллашиб борди, аммо улар ҳали мукамал эмасди ва тўпчиларнинг ўзига ҳам душманга соладиганидан кам хавф солмасди. Тўплар оғзидан ўқланар, ноқулай эди, ўқ отиш пайтида тез-тез нили портлаб турарди.

Шу даврда қўлда ўқ отиш қуроллари ҳам тараққий этди. XVI аср ўрталарида мушкетлар деб аталувчи пиликли милтиқлар яратилади. Мушкетлар билан қуролланган аскарлар мушкетёрлар деб аталарди

¹ *Никколо Тарталья* (асли фамилияси Фонтана) – 1499–1527 йиллари яшаган италиян математиги. Назарий математика, амалий механика, баллистика ва топография масалаларига бағишланган асарлар ёзган.

ва даставвал улар фақат пиёдалар эдилар. Мушкетнинг тепкисида чўғланиб турган пилик бўлиб, тепки пастга тортилганда пилик порохни олов олдирадди.

Биринчи кремнийли милтиқлар ҳам XVI асрда пайдо бўлди (бунда пилик ўрнига кремнийли ўт олдиргич қўлланарди). Ўша даврлардаёқ стволларда тўғри излар очила бошланган, бироқ бунақа милтиқлар жуда қиммат турар ва камёб эди.

Ўқ отиш қуролининг роли ортиб бориши билан рицарларнинг роли пасая бошлади. Энди рицарлик жасурлик белгиси бўлмай қолди. Натижада ҳарбий ишда катта бурилиш ясалди, рицарларнинг огир қуролланган қўшинидан енгил кавалерия ва аркебузлар (пилтали милтиқ) билан қуролланган пиёда қўшинларга ўтилди. Феодал лашкарларнинг ўз аҳамиятини йўқотиши уруш тактикаси ва стратегиясининг тубдан ўзгаришига олиб келди.

XVII асрда шахталарда рудани портлата бошладилар, руданинг ўзини эса ёғоч излардан юривчи кичик вагонларда таширдилар. Руда қазиб олишнинг кўпайиши, қимматбаҳо металлларга ишлов беришнинг яхшиланганлиги, керакли қоришмаларни ола билиш қурол ва уй анжомлари тайёрлашни, тангалар зарб қилишни такомиллаштирди.

Яна бир янгилик кўмирдан фойдаланиш билан боғлиқ. Узок вақтлардан буён европаликлар ёғоч ўтинлардан фойдаланишга ўрганиб қолган эдилар. Тоғ-кон саноати ва металлургия районларида XVI асрга келиб ўрмонлар майдони кескин камайиб кетди. Ҳокимият янги кўчатлар ўтказа бошлади, бироқ бу ёқилги масласини ҳал қила олмасди ва шунда, XVI асрда, кўмир қазиб олиш ва қўллашни ўргандилар.

XVII аср бошларида кўмирни тозалашни ўрганиш ва ундан фойдаланиш ишлаб чиқаришнинг юксалишига олиб келди. Кўмир қазиб чиқаришнинг маркази Англия бўлиб қолди. У ерда юз йил давомида, 1540 йилдан 1640 йилгача уни қазиб чиқариш 250 минг тоннадан 1,5 млн тоннагача ошди.

Янги ихтиролар китоб чоп қилишнинг кўпайишига олиб келди. Китоблар суратли бўлиб чиқа бошлади, уларга талаб кўпайди. Техник адабиётлар ҳам чиқарила бошланди. Тоғ-кон ишларининг билимдони бўлган гуманист-профессор Георгий Агриколанинг (1490–1555) китоблари энг машҳур асарлар бўлиб қолди. Агриколанинг асарларидан бири «Кон ишлари ва металлургия ҳақида

ўн икки китоб» деб аталади. Хоҳловчилар энди турли хил механизмларнинг тузилиши ҳақидаги гравюралар «қўлланмалар» сериясини сотиб олишлари мумкин эди. Бироқ барибир кўпгина ихтиролар шаҳар цехлари қаршилигига дуч келиб, ҳаётга татбиқ қилишда тўсиқларга учрар эди. Цех хунармандлари нима учун қаршилик қилардилар? Биринчидан, рақобатдан қўрққанларидан. Лекин иккинчи сабаб ҳам бор эди. Турли хил асбобларни қўллаш ўрта аср кишисининг онгига, унинг оталар ва боболар анъаналари бўйича ишлаш лозимлигига бўлган ишончига мос келмас эди. Улар ўзининг оғир жисмоний меҳнати эвазига келмаган бойликни гуноҳ ҳисоблардилар. Бу ерда ўрта асрдаги «адолат» тушунчаси ҳам, тўлиқ мулккий тенгликни англаш сифатида аралашиб кетган эди. Бу тушунчалар Европада XVII асрнинг ўрталаригача ҳукмронлик қилди.

Кундалик ҳаёт. Сиз Европа мамлакатларининг янги давр бошларидаги иқтисодий ва сиёсий ривожланиши билан, монархлар ва зодагонлар, савдогарлар, хунармандлар, деҳқонлар ҳаёти билан танишдингиз. Лекин сиз улар қандай шароитда яшаганлигини, ўша пайтларда одамлар қанча умр кўрганлигини, нималарни истеъмол қилганлигини, қандай касалликларга дучор бўлганлигини, нималардан қўрққанликларини ва Худодан нимани тилаганлигини биласизми?

Ўрта асрлар ва янги давр бошларидаги воқеалардан маълумки, деҳқонлар сеньорларга қарши кўп мартаба кўзғолон кўтаришган, ҳақиқий урушлар олиб боришган. Бироқ бу унчалар ҳам тез-тез бўлиб турган эмас. Одатда улар қийинчилик билан бўлса ҳам бири-бири билан келишишган. Ҳатто ўзларининг шахсий эркисизликлари ва кўплаб мажбуриятларини ҳам деҳқонлар зарурий деб қабул қилганлар. Феодаллар ҳам, ҳатто ёмон тинчлик ҳам яхши жанжалдан маъқулроқ эканлигини тушунганлар. Деҳқонларнинг ҳақиқий душманлари эса вабо, очлик ва урушлар эди.

«Эй, Худо! Бизларни вабо, очлик ва урушдан ўзинг асрагин!», – XVII асрда деҳқонларнинг илтижолари ана шундай бошланар эди.

Ҳам ташқи, ҳам ўзаро доимий урушлар XVI – XVII асрларда Европа аҳолисининг кенг оммасида ишончсизлик ва қўрқув туйғуларини уйғотарди. Урушлар вайроналик, талон-тороғ, зўравонлик олиб келар ва ўлим даҳшатини соларди. У даврларда уруш ўзини ўзи боқарди ва аскарлар ҳимоясиз шаҳарликлар ва

Энг аввало, курул тақиб юриш хуқуқидан махрум қилинган бечора деҳқонлар ҳисобидан кун кўрар эдилар.

Қишлоқ ва шаҳарлар аҳолиси ишончсизлиги ва кўрқувининг яна бир сабаби очлик ва унинг даҳшати эди. Очлик Европада тез-тез такрорланиб турарди (бу паст ҳосилдорликнинг оқибати эди). Масалан, Германияда 1660–1807 йиллар оралиғида ўртача ҳар тўрт йилдан биттасида очарчилик рўй берган.

Ва ниҳоят эпидемиялар, энг аввало, вабо ва ўлат кўрқув келтирарди. Ўрта асрларнинг қирғин келтирувчиси бўлган вабо янги давр бошларида ҳам одамларни тинч қўймади. Масалан, Парижда 1612, 1619, 1631, 1638, 1662 ва 1688 йилларда авжига чиқди. Фақат XVII асрда олти марта эпидемия тарқалган. XVIII асрда бироз енгиллик бўлди, лекин барибир 1720 йили Тулон ва Марселда вабонинг даҳшатли эпидемияси бўлиб ўтди. Тарихчиларнинг ёзишига қараганда, эпидемия натижасида Марсель аҳолисининг ярми қирилиб кетган, кўчалар жасадга тўла бўлган, уларни йиғиб олишга одам бўлмаган. У даврда ҳали ўлат ва терлатма (тиф) каби касалликларни ҳам даволай олмаганлар. XVIII асрда ҳар 100 кишидан 95 таси ўлат билан касалланган, ҳар еттинчи бемор эса вафот этган. Терлама XVII ва XVIII асрларда айниқса кўп бўлган. Шундай эпидемиялардан бирида бу касаллик юзлаб бечора парижликларни қабрга олиб кетди. Гўрковлар ўлганларнинг жасадини кўмиб улгурмас эдилар.

XVIII асрда Европада кенг тарқалган яна бир касаллик чечак бўлди. Ундан айниқса ёш болалар катта жабр кўрарди. Бу касаллик ҳам миллионлаб одамларни қабрга олиб кетди. Кўрқув ва эртанги кунга ишончсизлик руҳи бу кулфатларнинг кети кўринмаганидан келиб чиқарди. Аҳоли эпидемиядан ўзини ўнглаб олишга улгурмасдан қаҳратон киш бошланади, сўнг ҳосил яхши бўлмайди ва шундай офатларнинг охири йўқдай туюларди. Фақат XIX асрга келиб (1798 йили Женнер томонидан эмлаш усули кашф қилингандан сўнг) европаликлар бу даҳшатли жараёндан чиқа олдилар.

Бундай шароитда Европа аҳолиси секин кўпайди, баъзан эса бутунлай кўпаймади ҳам. Айниқса янги туғилган чақалоклар орасида ўлим кўп эди. Камдан-кам болалар улғайишга улгурарди. Масалан, XVIII асрнинг II ярмида Францияда туғилган ҳар 1000 нафар боладан 273 нафари 1 ёшга етиб борган. Бу кўрсаткич Англияда – 165, Швецияда – 200, Данияда – 191 нафарни ташкил

қилган¹. Қирқ ёшдагилар кекса, қария саналган, камдан-кам одамлар 70 ёшгача яшардилар. Ўртача умр 30-34 ёш ҳисобланарди.

**Баъзи Европа шаҳарларида XVIII асрда чечакдан
ўлган аҳоли миқдори²**

Шаҳар	Йил	Чечакдан ўлганлар. (Барча ўлганларга нисбатан % ҳисобида)
Лондон	1710–1739	8,2
Дублин	1715–1746	18,4
Копенгаген	1750–1769	8,8
Берлин	1782–1791	9,1
Вена	1752–1753	10,2

Фақат XVIII асрга келиб аҳоли сонининг камайиши тўхтади ва аста-секин унинг кўпайиш жараёни бошланди. Европа аҳолиси 1500 йилдаги 84 миллион кишидан 1800 йилга келиб 195 миллион кишигача ўсди. Аҳолининг йиллик ўсиши 6,2% ни ташкил қилди. (Ер юзи аҳолиси эра бошида 150–200 млн киши, 1700 йили – 600 млн, 1800 йили эса – 950 млн кишини ташкил қилган).

Уқубатга тўла бўлган бундай ҳаёт шахснинг шаклланишига ҳам таъсир қиларди. Бундай ҳолатда ўлим одатий ҳодисага айланар, уни ҳар доим кутиб яшаш керак эди.

Сон-саноксиз урушлар бўлганига қарамасдан эркаклар узоқроқ яшардилар.

Аёллар умри айниқса қисқа эди. Кўпинча улар энди кучга тўлган пайтларида – йигирма билан қирқ ёшлар оралиғида вафот этардилар. Даладаги ва уйдаги оғир, уқубатли меҳнат, туғиш пайтида тиббий ёрдамнинг йўқлиги, доимий ташвишлар ўз кучини кўрсатарди. XVI асрда Европа мамлакатларининг учдан икки қисмини эркаклар, фақат учдан бир қисминигина аёллар ташкил қиларди.

Шахсий гигиенанинг паст даражаси ва тиббий ёрдамнинг қарийб йўқлиги касалликларнинг кучайишига имкон яратарди. XVIII асрда яшаган бир киши: «қичима ва бошқа барча тери касалликлари етарли тоза юрмаслик оқибатида келиб чиқарди, ўтган замонларда эса фақат ички кийимнинг йўқлиги туфайлигина шунчалар кўп тарқалиб кетган эди», – дея ёзиб қолдирган.

¹ *Ливи Баччи М.* Демографическая история Европы / Серия «Становление Европы» / Пер. с итал. А.Миролюбовой. – СПб.: «Александрия», 2010. – С.164.

² Шу асар, 129-бет.

Ички кийим европаликлар турмушига XVIII асрда кириб келди. Агар XIV – XV асрлардаги ўрта аср шаҳарларида ҳаммомлар жуда кўп бўлиб, аҳоли жон-жон деб уларга борган бўлса, XVI – XVIII асрларда эса ҳаммомлар қарийб йўқ бўлиб кетди ёки «даволадиган жой» сифатидагина сақланиб қолди. Чунки эпидемиялар кучайиши билан улар касаллик тарқаладиган жойга айланиб қолди, одамлар ҳаммомга боришдан кўрқишарди. 1800 йили Лондонда бирорта ҳам ҳаммом йўқ эди. Ванна хоналари ҳатто бой хонадонларда ҳам камдан-кам бўларди.

Канализациянинг йўқлиги ҳам эпидемия тарқалишининг сабабларидан бири эди. Бу йирик шаҳарлар учун айниқса катта муаммо бўлган. Парижни тоза сақлаш масаласи билан ҳатто Франция Фанлар академияси шуғулланган. У даврларда европаликларнинг овқати йилнинг фаслига ва иқлим шароитига, энг муҳими оиланинг иқтисодий аҳволига боғлиқ эди.

XVI – XVIII асрларда асосан ўсимлик маҳсулотларини истеъмол қилишарди, аслида улар ҳам етишмас эди. Кўпайиб бораётган аҳолини таъминлаш асосан экиладиган майдонларни кенгайтириш ҳисобига юз беради. XVI асрдан XVIII асргача қарийб уч баробар кўпайган Европа аҳолисини боқиш учун ер майдонларининг ҳам шунча кенгайиши талаб қилинар эди. Буғдой, гуруч, маккажўхори (Америка кашф қилингандан сўнг) танқис эди. Оқ нон то XVIII асргача ноёб, бойлик белгиси бўлган ва то шу давргача европаликлар қора нон ва атала билан кун кечиришган. XVIII аср бошларида ҳам европаликлар қишлоқларда арпа, сули, жавдар ейишар эди¹.

Фақат 1750–1850 йиллар оралиғидагина оқ нон «инкилоби» рўй берди, бу пайтга келиб буғдой бошқа дон экинларини (энг аввало Англияда) сиқиб чиқарди.

Картошканинг ҳам европаликлар дастурхонига келиши қийин кечди. Картошкага узок вақт ишонқирамай қарашди. Фақат XVIII – XIX асрлар чегарасига келиб бу таом узил-кесил овқат ҳисобланди. Қанчалар ажабланарли бўлмасин, унинг дастурхонга келишига урушлар ва очлик сабаб бўлди, чунки фақат бир кишини буғдой билан боқа оладиган ер парчаси, картошка экилганда икки ки-

¹ Бир қатор европалик олимларнинг (В. Абель, Г. Шмоллер, М.Л. Баччи) таъкидлашича, Ўрта асрларда Европада гўшт истеъмол қилиш анча юқори бўлган. Масалан, Германияда аҳоли жон бошига йилига ўртача 100 кг гача бўлган ва фақат янги даврда 14 кг гача тушиб кетган. (Таққослаш учун: ҳозирда Люксембург, Австралия, Янги Зеландия, Испания каби мамлакатларда ўртача йилига 110–130 кг ни ташкил қилади).

шини бокиши мумкин эди. Картошка камбағалларнинг овқати ҳисобланарди.

XVIII асрда Голландияда камбағал кишиларнинг асосий овқати шолғом, қовурилган пиёз, курук нон бўлган. Шаҳарликлар дастурхони камбағалроқ эди. Кечқурунги овқат асосан сутга бўктириб олинган нон ушокларидан иборат бўлган.

Европа мамлакатларининг аҳолиси гўштни жуда кам истеъмол қилишган¹. Масалан, XVIII асрда гўшт истеъмол қилиш бир кишига бир йилда ўртача 22 кг ни ташкил қилган (Париж бундан мустасно эди, у ерда бу рақам 72 кг ни ташкил қиларди). Гўштни ҳафтада бир марта, шунда ҳам тузлаб қўйилганини ер эдилар. Англияда ҳам, Германия ва бошқа давлатларда ҳам шундай эди. Ана шундай ғарибона дастурхонга муҳим қўшимча балиқ ҳисобланарди. Қирғоқбўйи шаҳар ва қишлоқларида балиқ истеъмол қилиш яшаш ва болаларни ўстиришга ёрдам берди. Дин ҳам балиқ ейишга йўл қўярди. Христиан таквимида 150 дан ортиқ рўза кунлари белгиланган. Сешанба, жума, шанба – рўза кунлари. Бу кунларда ҳатто бой одамлар ҳам гўшт ея олмас эдилар, балиқни эса тановул қилиш мумкин эди. Бу кунлари ҳатто бозорларда ҳам гўшт билан ёғ сотиш мумкин эмасди.

Бой кишиларнинг уйларида овқат хилма-хил ва кўпроқ бўларди. Кунлик ейиладиган таомларнинг қувватини ҳисоблашга уриниб, олимлар камбағал оилаларда у 2,5 минг, бой оилаларда 6–7 минг калория ўртасида ўзгариб туришини аниқладилар².

XVIII асрда Европада янги ичимликлар – чой, қаҳва ва шоколад ича бошладилар. Ўша замон кишиси 1782 йилда: «Сизга қаҳва таклиф қилмайдиган бирорта ҳам буржуа хонадони йўқ. Нонуштага сутли қаҳва ичмайдиган биронта ҳам сотувчи, ошпаз ёки хизматкор аёл топилмайди», – деб ёзган.

XVI–XVII асрларда Европада қанд истеъмол қилиш кўпайди. XVI асрдаёқ Англия ва Германияда қанд пишириш билан шуғулланадиган корхоналар бор эди, XVII асрда эса бу соҳа Голландияда ривож топди.

XVI асрдаёқ таом пишириш китоблари мавжуд эди. Ошпазлик касби юксак баҳоланарди. Таом тайёрлаш йўриқномасига қараганда

¹ XVII асрда нондан олинishi мумкин бўлган 1000 калория қувват агар гўшгдан олинса 5-17 марта, балиқдан олинса 55 марта, тухумдан олинса 7 марта, қантдан олинса 10-20 марта қиммат бўлган.

² Олимларнинг айтишича, оғир жисмоний меҳнат қилганда овқатнинг қуввати 4-4,5 минг калория бўлиши керак.

нинг ноёб овқатларни гўштан, балиқ ва сабзавотдан тайёрлашган. Овқатга кўпгина зираворлар ва ўтлар қўшилди. Мева ва сабзавотларни уй шароитида узок вақт сақлаш усуллари ҳам ривожланганди.

Бой шаҳарликларнинг уйларида озик-овқат захираларини сақлаш учун ертўла ва омборхоналар бўлган. Оилалар озик-овқат ва бошқа биринчи зарурат молларини сотиб олишни қайд қиладиган махсус дафтарлар тутар эдилар. Уй хўжалигини юритиш муҳим иш деб ҳисобланиб, оиланинг ҳар бир аъзоси ўз хизматиغا эга эди.

Бой хонадонларда ошхонани жиҳозлашга катта эътибор бериларди. Уйда бир нечта ошхона бўлиши мумкин эди, жуда ҳам бой хонадонларда ошхона учун алоҳида бино қуриларди. Турли катталикдаги ва турли мақсадда ишлатиладиган идиш-товоклар, коса, товаларсиз ўзига тўқ оиланинг ошхонасини тасаввур қилиб бўлмасди.

Янги давр бошларида шаҳарлар. XVI асрда Европадаги энг йирик шаҳар Лондон эди. Ҳатто Франция, Германия, Италия ва Испания аҳолисига нисбатан Англия аҳолиси камайиб қолган XVII аср охирида ҳам Лондон Европанинг энг катта шаҳри бўлиб қолаверди. 1700 йили бу ерда мамлакат аҳолисининг ўндан бир қисми, тахминан 550 минг киши яшарди. XVIII аср ўрталарига келиб лондонликлар сони 675 минг кишига етди. Вабо ва бошқа касалликлардан ўлим жуда юқори бўлишига қарамасдан шаҳар кенгая борди.

Англия шаҳарларининг аксарияти катта эмасди. Бир нечта шаҳарлардагина 10–20 минг аҳоли яшарди.

Англиянинг пойтахти бир неча қисмдан иборат эди: Сити шаҳарнинг ишбилармонлик маркази; Вэстминстерда қирол, парламент ва бойлар истиқомат қиларди; Темза соҳили бўйлаб оддий халқ яшайдиган кварталлар чўзилиб кетган, дарёнинг чап қирғоғида тор кўчали Саутйорк жойлашган бўлиб, унда баъзи бир театрлар ҳам бор эди (1630 йилга келиб Лондонда улар 16 та эди, шу даврда Парижда эса битта театр бор эди).

Лондон нимадан қурилганди? XV асрнинг бошларидан буён гишт кенг қўлланди, айниқса, шаҳарнинг учдан бирини йўқ қилган 1666 йилги буюк ёнғиндан сўнг шундай бўлди.

Лондон йирик савдо маркази сифатида ривожланди ва ўзининг бозорлари билан машҳур эди. Уларнинг сони кўп эди. Айниқса, 1666 йилги ёнғиндан кейин қайтадан қурилган Лондон усти ёпик бозори ўзининг катталиги билан машҳур эди.

Тарих Англия пойтахтида ҳар йили ўтказилиб туриладиган ярмаркалар ҳақида ҳам хотира сақлаб қолган. Ёмғирдан кейинги

кўзикориндай дўконлар пайдо бўларди. Агар 1663 йили шаҳарда фақат 50–60 та дўкончалар бўлган бўлса, 1700 йилда уларнинг сони 300 тадан 400 тагача етди. Уларнинг кўпчилиги зеб бериб безатилган эди. 1728 йилда Лондон дўконларининг кўринишидан хайратга тушган бир француз сайёҳи ёзган эди: «Бизнинг Францияда нима йўқ, ойна йўқ, одатда улар жуда чиройли ва тиниқ бўлади. Бу ерда дўконлар ойна билан ўраб ташланган ва уларнинг ортига товар кўйилади, бу уларни ҳам чангдан асрайди, ҳам йўловчиларга кўриниб туради ҳамда дўконларга ҳамма тарафдан чиройли кўриниш беради».

Ўша даврдаги Лондонни кўчаларда у ёқдан-бу ёққа изғиб юрган сайёр савдогарларсиз тасаввур қилиш қийин. Бўйнига осиб олинган қутиларга товар жойлашган бўларди. Сотиш мумкин бўлган барча нарсани таклиф қилишарди.

Инглиз жамияти хилма-хил табақалардан иборат эди. Ҳамма ўз даромадига яраша кун кечирар, даромад эса турлича эди. Бой кишиларнинг уйлари ҳар беш, ўн йилда яна ҳам хашаматлироқ бўлиб кетар, чиройли сувоқ билан безатилар, дарахтларнинг қимматбаҳо навларидан ясалган ҳашамли мебель билан жиҳозланарди. Хоналарни безашда ёғоч панеллар, мато ва гулли қоғозлар ишлатила бошланди. XVII асрдаёқ тураржой биноларига камин қура бошладилар. Камин ёрдамида хонани иситишнинг иложи йўқ, лекин кишнинг совуқ кунлари унга яқин ўтирилса, исиниш мумкин.

У даврларда ҳали уйларда даҳлизлар қуришмас, хоналар бир-биридан алоҳида эмас, ҳатто ётадиган хонадан ҳам бошқа хоналарга ўтиларди. Энди деразалар ҳажми катталашди, бу эса хоналарни анча ёруғроқ қилди.

Камбағалларнинг истиқомат жойлари ташландиқ, хароб, канализация ҳақида у ерда эшитишмаган ҳам эдилар, лекин очлик ва касаллик ҳамма ерда ҳозир у нозир эди.

Камбағал оилалар кўпинча биттагина хонада тиқилиб яша-шарди. Сал бойроқ бўлганлари икки хонали квартирага эга эдилар. Бечораларда мебель қарийб бўлмас эди. Уларнинг мулклари кўпинча стол ва стуллардан, ёстиқли қилиб қурилган ёғоч кроват, кулфланадиган сандиқ ва ошхона анжомлари кабилардан иборат эди. Энг камбағаллари полга ёйиб кўйилган похол устида ухлашар эди.

Гўзалликнинг янги мезони. Ҳаётдаги ижобий ўзгаришлар юриш-туриш ва кийинишда ҳам янгиликларга олиб келди. Гўзалликнинг янги ғояси янги давр бошларида Италияда пайдо

бўлди, у ерда инсон шахсига қизиқиш уйғонган эди. Уйғониш даври одамлари юз ва қомат гўзаллигининг янги қоидаларини ўрнатдилар. Баланд бўй, кенг елкалар, ингичка бел, чиройли оғиз, оппоқ тишлар гўзаллик идеалига айланди.

Оқиш сочлар модага кирди ва аёллар бўянишга ёки париклардан фойдаланишга мажбур бўлдилар. Бундан ташқари пешона кенг бўлиши керак эди ва шунинг учун манглай устидаги сочларнинг бир қисмини қириб юришга, қош ва киприкларни теришга тўғри келарди.

Гўзалликнинг бу идеали Уйғониш даври рассомлари чизган портретларда мужассамлашган. Кийимлар готика¹ давридагига нисбатан кенгрок бўлди. XVI асрда янги фасонга кўра энглар қиркила бошлади. Кесилган жойлардан оқ рангдаги ички кийим кўриниб турарди – оқ мато энг қимматбаҳо ҳисобланарди. Энглари елкадаги кўйлакка ленталар билан маҳкамланарди. Энгнинг фасони энди одамнинг у ёки бу табақага мансублигини кўрсатиб турарди.

Эркаклар модасида каштали матодан тикилган плащлар оммавийлашиб кетди. Кекса кишилар, олимлар, зиёлиларнинг вакиллари узун, ерга етадиган плащ кийиб юришарди – бундай кийим обрўли, «муносиб» ҳисобланарди. Ҳозир ҳам бунақа плащлар бир қатор мамлакатларда университет кийими сифатида сақланиб қолган.

Энг модали бош кийимларидан бири патлар билан безатилган берет ҳисобланарди. Аёллар кўйлаклари кўплаб кашталар, олтин занжирлар ва бошқа қимматбаҳо зеб-зийнатлар билан безатиларди. Йўғон ва узун сочлар аёлларнинг энг илғор модадаги соч турмаклари ҳисобланарди. Олий табақа хонимларининг соч турмаклари олтин ва кумушдан ясалган нозик тўрчалар билан безаларди.

XVI асрда Испаниянинг юксак иқтисодий аҳволи Европа ҳаётининг олдинги ўрнига Испания қироллик уйининг мода ва ахлоқини олиб чиқди. Испан модасига тақлид қилишарди, у афсонавий гўзал ҳисобланарди.

Қомат гўзаллигини кўрсатишга интиладиган Италия Уйғониш даври модасидан фаркли равишда, испан модаси геометрик шакллар таъсири остида қолган эди. Костюмни қимматбаҳо бахмал ва парчадан тикишар, олтин ва кумуш ипларни ишлатишар, қимматбаҳо тошлар, олтин занжир ва белбоғлар билан безатишарди (Америка

¹ Готика – (итал. Gotiko – готларга хос) – XII асрнинг 2-ярми – XV асрлар Фарбий Европа санъатига хос услуб. Уйғониш даври гуманистлари ўзларидан олдинги санъатнинг «ёввойи» характерини таъкидлаш учун шундай аташган.

очилгандан сўнг мамлакатда қимматбаҳо тошлар ва олтин етарли эди), шунингдек, жуда қиммат бўлган мовий ранг ҳалқалардан ҳам фойдаланишарди.

Испан модаси коматнинг табиий шаклини сунъийси билан алмаштиради, бунга қалин матолар тикиб қўйиладиган эркаклар куртқалари (уларни «ғоз корин» дейишарди), корсетлар ва аёллар қўйлагидаги металл пластинкалар ёрдам берарди. Аёлларнинг кийимлари қаттиқ ва ҳаракатсиз бўларди. Эркаклар кийими рицарларнинг костюмини эслатарди.

Испан костюмлари тикувчилик санъати намунаси бўлиб, испан модаси бутун Европада шуҳрат қозонган эди.

XVII асрнинг иккинчи ярмида абсолютизм гуллаб-яшнаган даврда мода маркази Францияга кўчди. Шу даврдан бошлаб Европа модасини Париж белгилайдиган бўлди.

Эркаклар парчадан тикилган камзул, ички нимча ва тиззагача торшим кийиб юрардилар. 1640 йилга яқин Францияда қайрилма га-жакли эркаклар париги модага кириб, узоқ муддат сақланиб қолди. Аёлларнинг соч турмақлари ҳам мураккаб эди, улар симдан ясалган каркаслар билан ушланиб турардилар. Аёллар қўйлақлари парча ва шоҳидан тикилар, қўшлаб кашталар билан безатиларди. Аёллар кийимини тўқилган рўмоллар, елпиғичлар, тугмалар, тўғноғичлар тўлдириб турарди. Оёқ кийими кумуш қадагичлар билан безатиларди. Белбоғларга (корсет) талаб алоҳида эди. Битта белбоққа бир килограммгача кит мўйлови сарфланарди. Ана шу қаттиқ «кийим»ни белга тортиб боғлашарди, чунки моданинг талабига кўра бел «ариникидан йўғон бўлмаслиги» керак эди. Лекин кийимнинг яна бир вазифаси бор эди, у кишининг маълум бир аҳоли қатламига мансублигини кўрсатиб туриши керак эди. Дехқон ёки шаҳарликнинг пули бўлган тақдирда ҳам у юқори жамият вакиллари каби кийинишга ҳақли эмас эди.

Пули бор оддий кишилар бойлардай кийинишни хоҳлардилар, бироқ ҳокимият эгалари кийимларга тааллуқли «тақиқловчи» қарорлар чиқарган эдилар.

1548 йилда Карл V чиқарган буйруқда кийимлар «князни графдан, графни барондан, баронни бюргердан, бюргерни дехқондан фарқлашга» ёрдам бериши кераклиги ёзилган. Ҳатто Мартин Лютер ҳам кўзғолон кўтарган дехқонларнинг мовутдан плашч кийиш талаблари ҳақида ғазаб билан ёзган эди.

Шундай килиб, кийим факат совукдан, ёмғирдан ёки куёшдан химояланиш воситасигина эмас ёки факат инсоннинг ўз дидини кўрсатишга интилишигина эмас экан. Кийим тарихий даврни, унинг дунёқарашини ҳам ифодалайди.

Даврлар ўзгаради. Даврнинг дунёқараши, урф-одати, кишиларнинг орзу-умидлари ва ўй-хаёлларини ўзида яққол акс эттирган мода ҳам ўзгариб боради.

* * *

Илк янги даврнинг хўжалик ҳаёти ва иқтисодиётидаги ўзига хос жиҳатлар – янги ва анъанавий усулларнинг ҳамжиҳатликда мавжуд бўлиши эди. Қишлоқ хўжалигида анъанавий усуллар устивор бўлса, саноатда, масалан, тўқимачиликда янги усуллар жадал кириб келаётган эди. Европа иқтисодининг қатор соҳалари жадал ривожланиш йўлига тушиб олганлиги сезилиб турарди. Натижада ижтимоий стратификация жараёни кўзга ташлана бошлайди: турли қатламларга мансуб гуруҳларнинг ўзаро бирикиши оқибатида буржуа жамиятининг янги синфлари шакллана бошлади. Илк буржуазия таркибига қишлоқдаги ва шаҳардаги тадбиркорлар – янги зодагонлар, савдогарлар, мануфактура эгалари, шаҳар зиёлилари ва бой қишлоқликлар қўшилдилар. Янги жамиятнинг ижтимоий таркиби шаклланиши билан янгича урф-одат, ахлоқ нормалари ва буржуача кадриятлар тизими ҳам қарор топиб борди.

II боб бўйича саволлар

1. Янги давр бошларида Европада ички миграцион жараёнларнинг кучайишига нималар сабаб бўлди?
2. Кундалик турмуш ва ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар кишилар дунёқарашининг шаклланишига қандай таъсир кўрсатди?
3. Европада дастлабки капиталистик мануфактураларнинг пайдо бўлиши ишлаб чиқариш ва ижтимоий меҳнат тақсимоотида қандай ўзгаришларга олиб келди?
4. Ишлаб чиқаришдаги янгиликлар савдонинг характерида қандай ўзгаришларга олиб келди?
5. Капиталистик ишлаб чиқаришнинг шаклланишида янги техник ихтиролар қандай роль ўйнади?
6. Халқаро ва ички савдонинг ўсиши қандай ижтимоий ўзгаришларга олиб келди?
7. Янги давр бошларида аҳолининг ижтимоий қатлами ва кундалик ҳаётида қандай ўзгаришлар юз берди?

Ш БОБ.

УЙҒОНИШ ДАВРИДА ЕВРОПА МАДАНИЯТИ

Янги давр бўсағасида. Юз йиллар давомида итальян деҳқонлари ерларини экишга тайёрлаётиб, қачонлардир оппоқ ҳайкал бўлган мрамор парчаларини топиб олишарди. Аксарият ер эгалари бунга эътибор беришмас, уларни кераксиз нарса деб ҳисоблашарди. Баъзилари, онглироқ ёки тажрибалироқлари, бу номаълум ижод маҳсулларини қадимшунослик ишқибозларига сотишга ҳаракат қилардилар. Варварлардан ва шафқатсиз вақт зарбасидан ажиб бир тарзда қутулиб қолган, антик давр тарихида бутунлай йўқолиб кетгандек туюлган бу «излар» энди янги цивилизация ўрнатилишида муҳим роль ўйнаши керак эди.

XV аср охири – XVI аср бошларида Ғарбий ва Марказий Европанинг кўпгина мамлакатлари мисли кўрилмаган юксалишни бошидан кечираётган эди: ҳаммаёқда мануфактуралар пайдо бўлар, улар турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарар, савдо жонланаётган, савдогарлар ва саёҳатчилар энг чекка ерларга ҳам бориб етган, йирик савдо уюшмалари ва компаниялар пайдо бўлаётган эди.

Кўпгина фанларнинг муваффақиятлари ва Буюк географик кашфиётлар одамларнинг олам ҳақидаги тасаввурларини ўзгартириб юборди, маданий алоқаларни кенгайтиришга имкон берадиган янги уфқлар очилди. Аслида, жамият ҳаётининг эски феодал анъаналарида ўзгариш юз бермаган бирон-бир соҳа қолмади, ҳисоб.

Фалсафа ва санъатда улкан тўнтариш содир этилди. Идеал излаб, тақлид қилиш учун сўнгги ўрта асрлар одамлари Қадимги Юнон ва Рим маданиятига мурожаат қилишарди. Антик меросга қизиқиш шунчалар кучли эдики, унутилган китоб жовонларидан, монастир кутубхоналаридан эски қўлёзмаларни, қадим муаллифларнинг асарларини юзлаб олимлар иштиёқ ва ғайрат билан ўрганишди, ҳайкаллар, тангалар, вайроналар, барельефлар излаб уларни тасвирлашга киришдилар, баъзан эса ҳаётларини хавф остига қўйиб уларни асраб қолдилар.

Шундай қилиб, ўрта асрлар охирида аввал унутиб юборилган қадимий маданият қайта туғилди ва шу билан биргаликда янги давр – Уйғониш бўсағасида турган жамиятнинг ўзини ҳам маънавий янгиланишга олиб келди.

Ўрта асрлардан – Уйғонишга. Уйғониш (Ренессанс)нинг ватани Италия бўлди. Тақдирнинг ўзи унга Қадимги Греция ва Римнинг ажойиб цивилизацияси меросхўри бўлишни белгилаб берди. Қатор Европа мамлакатлари сингари Италияда ҳам капиталистик бозор муносабатлари шакллана бошлади. Бой савдогарлар, мануфактураларнинг эгалари, банкирлар ўз кунларини дуо ўқиш билан эмас, саёҳатлар, савдо келишувлари, илмий суҳбатлар билан тўлдирдилар. Улар ўзларининг кундалик ҳаётларини ҳаракатчан, фойдали ва чиройли қилишга уриндилар, ўлимдан кейинги мангу саодатни кутмай, ердаги ҳаётнинг қувончларидан баҳраманд бўлишга шошилдилар.

Кўп сонли буржуазия саводли эди, фақат пулни эмас, илмни ҳам баҳолай оларди, санъатни тушунар ва қувватларди. Бойларнинг буюртмаси билан маҳобатли қурилишлар барпо этилди, тураржой ва жамоатчилик бинолари саройларга ўхшарди, суратлар, девор безаклари, ҳайкаллар билан безатиларди. Мулкдор фуқаролар ноёб буюмлар ёки санъат асарларини йига бошладилар.

Италия шаҳарларининг ҳукмдорлари ҳам ўзларини маданият ҳомийлари деб ҳисоблашарди. Улардан баъзи бирлари тасвирий санъат билан шуғулланишар, шеърлар ёзар, олимлар, рассомлар, шоирлар, муסיқачиларга ҳомийлик қилишарди. Ҳатто оддий одамлар ҳаётида ҳам санъат катта аҳамиятга эга эди. Янги чизилган ажойиб суратни ёки ҳайкални халқ шаҳар кўчаларидан тантана билан олиб ўтарди.

Кишиларнинг ҳаёти ва турмуши таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Энди кўнгил очишлар, халқ сайллари, князларнинг чиқишлари, очикдан-очик ўйнаб кулиш ва бойлигини кўз-кўз қилиш имкониятини берадиган театрлар муҳим роль ўйнай бошлади. Иш кунлари ва байрамларда қуёш чиқиши биланок кўп сонли дўконлар очилар ва эгалари ўткинчиларга товарларини мақташарди. Дўконларда ҳамма нарса бор: ажойиб мебель ва қимматбаҳо идиш-товоклар, денгизорти ширинликлари ва Шарқдан келтирилган заргарлик безаклари, бебаҳо қуроллар ва гиламлар – ҳаммаси сотиладди. Шаҳарлик ўзига тўқ оиладан чиққан, модани севувчи жаноблар ва хонимлар ўз кўринишлари ва хулқи билан ўрта аср аскетизмидан¹

¹ *Аскетизм* – туйғу, истакларни ўз хоҳиши билан чеклаш ёки бостириш, жисмоний азобларни ўз истаги билан тортиш, ҳаёт қувончларидан воз кечиш.

воз кечганликларини кўрсатиб, турлича товланувчи қимматбаҳо матолардан тикилган ажойиб кийимларда сайр қилишарди.

Гуманизм. Ўрта асрларнинг охирига келиб кўп ўқийдиган, саёҳатга борадиган, бир неча тилда гапира оладиган, фалсафа, тарих, санъат билан қизиқадиган саводли ва маълумотли кишилар сони кўпайди. Улар бу дунёдаги ҳаёт қувончларини қадрлашга ўргандилар, табиатга, жамиятга, инсонга янгича қарайдиган бўлишди. Теварак оламга илоҳий, черковчасига эмас, дунёвий, инсоний қараш тарафдорлари ўзларини гуманистлар (лотинча *humanus* – инсоний) деб атадилар.

Бироқ диний урф-одатлар, феодал тартибларни қўриқловчи черков улар билан доимий ва аёвсиз кураш олиб борди. Олимлар таъқиб қилинди, улардан энг жасурлари динсизликда айбланиб, гулханларда ёқилди, китоблар куйдирилди, санъатнинг буюк асарлари жиноий ва гуноҳкор деб эълон қилинди. Гуманистларнинг қандай қарашлари бундай ғазабга сабаб бўлди?

Асосий баҳс инсоннинг шахси атрофида олиб борилди. Ўрта асрларда христиан руҳонийлари ердаги ҳаётни «уятли», одамларни эса нотавон ва бечора деб билишарди. Инсоннинг танаси унинг мангу барҳаёт қалби учун фақатгина сиртқи қобиқ, «чумолилар учун озиқ» холос, ундан уялиш, бошқаларнинг кўзидан яшириш керак. «Абадий нарсалар ҳақида ўйла. Осмонларга интилиб яша», – деб ёзганди ўрта аср шоири.

Уйғониш даврида инсонга нисбатан буюк бурилиш юз берди. Ҳали ҳеч қачон тарихда инсон шахси шунчалар юксакликка кўтарилмаган эди. Гуманистлар ердаги ҳаётни куйлайдилар. Улар оддий ҳаётни унинг барча қувонч ва ташвишлари билан гўзал деб аташади.

Йирик шаҳарларда эркин фикр тарқалади, диний қолоқ тушунчалар эса тез-тез маълумотли кишиларнинг масхарасига дуч кела бошлайди. Кўчаларда черков хизматчилари шаънига айбловлар эшитиш мумкин эди.

Албатта, кўпчилик аҳоли ҳам, гуманистларнинг ўзлари ҳам динга ишонувчи бўлиб қолавердилар, аммо улар учун муқаддас китоблар инсон донолигининг хазинаси, маънавий тажриба, ажойиб фалсафий асарлар эди.

Гуманистлар инсон ҳақидаги ўрта асрчилик тасаввурини вайрон қилар экан, замондошларининг кизиқишини қиёфасиз «авлиёлар»га

эмас, реал кишиларга қаратди, ҳар бир шахснинг ноёблигини ва кадрини кўрсатишга уриндилар. Уларнинг олдида Уйғониш одамлари кучли, гўзал ва ҳаракатчан кўринишда пайдо бўлди. Улар вақтни қадрлай оладилар: уларнинг куни меҳнат билан, атрофдаги оламни тушуниш ва ўзгартиришга уриниш билан тўлдирилган.

Гуманистлар ақлнинг қудрати ва инсоннинг жисмоний гўзаллигини улуғлайди, у нимани истаса ўшанга эриша олишига ишонади. «Инсон ер ва осмонни ўлчайди... Осмон ҳам инсон учун жуда баланд бўлиб кўринмайди, ернинг маркази ҳам унчалар чуқур туюлмайди...» – дейилган XV аср қўлёзмаларида.

Уйғониш даврида саводлилик юксак баҳолана бошланди. Мулкдор одамлар грек тилини биладиган олимларни ўз болаларига яхши маълумот бериш учун таклиф қилишарди. Машхур савдогар Жованни Морелли ўз ўғиллари учун «Ёзувлар» ёзган. Уларда ҳаётда нима қилиш кераклигини билиб олиш учун қадимги муаллифларнинг асарларини ўқиш ва таълимотлар устида бош қотиришни маслаҳат беради. Ахир билим ақлга кўп ёқимли ва таскин берувчи онлар ҳада этадики, бошқа ҳеч нарса бундай қила олмайди, фан эса «сен махлуқ эмас, одам эканлигинингни англаш»га имкон беради.

Гуманистлар инсоннинг оламда тутган ўрни ҳақида ҳам кўп фикр юритишди. Флоренциялик бир олим «Инсон кадри ҳақида нутқ» деб аталган китобида ёзадики, худо инсонни яратиб унга шундай дебди: «Мен дунёда нима борлигини кўриш қулай бўлиши учун сени оламнинг марказига қўяман».

Флоренция – гуманизм ўчоғи. XV аср ўрталарига келиб Италиянинг кўплаб мустақил вилоятлари ичидан қудратли Тоскана олдинга чиқди. Ям-яшил ўтлоқлар, чиройли адирлар орқали Арно дарёси ўзининг лойқа сувли тўлқинлари билан оқиб ўтади. Унинг қирғоқларида Тоскананинг қадимий пойтахти Флоренция жойлашган.

Ўз номига монанд Флоренция (лотинча – «гуллаётган») бой ва гуллаб-яшнаётган шаҳар эди. Аҳолиси «ориқ» ва «семиз» халққа бўлинарди. Биринчисига майда хунармандлар, ёлланма ишчилар, шаҳар камбағаллари кирар эди. Иккинчисига банкирлар, савдогарлар, мануфактураларнинг эгалари, юристлар кирарди. Жун газламалар ишлаб чиқариш, савдо, банк ишларининг яхши йўлга қўйилганлиги шаҳар буржуазиясига катта бойлик тўплаш имконини берди. Банклар ҳамшаҳарларига, денгизорти савдогарлари-

га ва, ҳатто Рим папасининг ўзига ҳам пул қарз беришарди. Улар инглиз қироли Эдуард III га Франция билан урушга тайёрланиш учун жуда катта маблаг қарз бериб ёрдамлашишган эди.

Шаҳардаги энг бой ва обрўли оилалардан бири, асли аждодлари шифокорлар (медик) бўлган медичилар эди (фамилиялари ҳам шундан келиб чиққан). Медичилар кейинроқ банкирлар уйига асос солдилар. Улар сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиб, узоқ йиллар Флоренцияда ҳукмронлик қилдилар ва флоренцияликларнинг муҳаббат ва ҳурмати қозона олдилар. Улардан бирининг вафотидан кейин «У ҳеч қачон оддий фуқароларга хос бўлган камтарлик чегарасини босиб ўтмаган, чунки доимий кўз-кўз қилинган ҳашам ҳақиқий бойликдан кўра одамларнинг каттароқ ҳасадига сабаб бўлишини тушунар эди...», – деб айтишган эди.

Флоренциянинг «Ажойиб» деб ном олган ҳукмдори Лоренцо Медичи¹ ўзини гуманистларнинг издоши ва шогирди деб ҳисобларди. Уффици шаҳри суратлар галереясида унинг портрети сақланиб қолган. Озгинроқ, хунук бир одам санъат асарлари орасида томошабинга қайғули ва ўйчан қараб турибди. Унинг бутун қиёфасида хотиржамлик, ўз қадрини ҳис қилиш туйғуси, ўткир ақлни пайқаш мумкин. Лоренцо жуда саводли, грекча ўқир ва гапирар, шеърлар ёзарди. Ўз ҳовлисидаги боғда у рассомлик ва ҳайкалтарошлик мактабини ташкил қилган ва антик асарлар коллекциясини йикқан эди. Унинг шогирдлари орасида келажакда машҳур архитектор, ҳайкалтарош ва рассом, Уйғониш даҳоларидан бири Микеланжело ҳам бўлган.

Лоренцо ўзи шаҳар кўчаларида ташкил қиладиган, бир неча кун давом этадиган байрам сайлларини, қувноқ томошаларни севарди. Шоир ва мусиқачиларнинг чиқишларини қўллаб-қувватлар, баъзан ўзи ҳам оломоннинг шодон қийқириқлари остида бу мушоираларда чиқиб турарди. У ўз шеърларининг бирида замондошларини ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасидан баҳраманд бўлишга чорлайди:

*О, ёшлик, гўзалсан,
Бир он, дақиқа. Куйлагин,
Эртани кутма, ўйнагин!
Бахтли бўл, сен шунга лойиқсан!*

¹ Лоренцо Медичи – 1449–1492 йиллари яшаган, Флоренциянинг давлат арбоби, Флоренция республикасининг раҳбари, маданият ва поэзия ҳомийси.

Медичиларнинг ҳаммаси санъат асарларини тўплар, жамоат курилишларига пул эҳсон қилишарди. Уларнинг ўз саройлари (Плаццо Медичи) гуманистик маданиятнинг ҳақиқий марказига, бадиий қадриятлар коллекциясининг ноёб маконига айланганди. Саройнинг ўзи ҳам ҳақиқий меъморий асар эди. Қўпол, ишлов берилмаган тошдан қилинган бинонинг пастки қисми ўрта аср қасрларига ўхшатиб турарди. Бироқ бинонинг нозик мутаносиблиги, деразаларнинг кўплиги, эшикларнинг зеб бериб безатилганлиги ва учинчи қават устидаги кенг карниз унга байрамона кўриниш бахш этади. Ички ҳовли колоннадалар билан ўраб олинган, кираве-ришда наслий герб: текис майдонда олтига шар (дори) аждодларининг шифокорлик касбига ишора эди.

Шаҳар бойларининг фойдали, қиммат буюртмалари Флоренцияга машҳур меъморларни жалб қиларди. XV аср ўрталарида Рим Папаси Лев X (бу ҳам Медичи авлодидан) Микеланжелого наслий черковнинг эски биносига капелла – оила аъзоларини кўмадиган бино кўшишни топширди. Медичилар капелласининг унча катта бўлмаган биноси гумбазли қилиб қурилган. Ички деворлар бўйлаб – қабрлар, меҳробнинг рўпарасига Ажойиб Лоренцо кўмилган. Замондошлари Микеланжелонинг фақат меъморий ечимларигагина эмас, қабрларни безаб турган ғаройиб ҳайкалларига ҳам қойил қолишган. Қабрлардан бирининг қопқоғида у Кундузнинг (кучга тўлган паҳлавон қомати) ва Туннинг (гўзал, қариётган аёл) аллегорик тасвирини жойлаштирди. Флоренцияликлар Тун тасвирида тез ўтиб кетадиган гўзаллик тимсолини ва аста-секин ўз маънавий таъсирини йўқотиб бораётган ўз шаҳарлари рамзини кўрдилар.

XV аср охири – XVII асрнинг биринчи ярмида

Ғарбий Европа санъати

Дастлабки утопиялар. Ўрта асрлар поёнига етиб борарди. Европа устида инквизиция гулханларининг тутуни тобора сийракроқ ёйила бошлади. Билимлилик ва эркин фикрлаш, ҳатто тождор кишилар саройларида ҳам ўзига жой эгаллайверди. Таъқиб ва чеклашлардан сўнг ниҳоят санъат диний тақиқдан чиқиб, ёругликка, ердаги ҳаётнинг қувончларига юз тутди.

XIV асрдаёқ Италияда ёзувчилар инсоннинг жисмоний гўзаллигини ва унинг бахтга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи, руҳий мукамаллигини улуғловчи асарлар яратишганди. Кейинроқ бошқа мамлакатларда ҳам итальян гуманистларининг издошлари ва тарафдорлари пайдо бўлди.

Англияда уларнинг гоёлари доно сиёсатчи ва қиролнинг биринчи вазири Томас Морга¹ (1478–1535) кучли таъсир кўрсатди. Томас Мор Оксфорд университетида ўқиган, бир неча тилни билар, тарих, фалсафа, адабиёт билан шуғулланар эди. XVI аср бошида у «Давлатнинг энг яхши тузуми ва янги утопия фани» ҳақида қанчалар ёқимли бўлса, шунчалар фойдали ҳам бўлган «Олтин китоб»ни ёзди ва чоп эттирди. Ғайриодатий бу асар китобхонларни лол қолдирди.

Асарнинг биринчи қисмида Томас Мор давридаги Англия тасвирланади. Муаллиф очлик, даҳшатли турмуш шароити ва инглиз деҳқонларининг ҳуқуқсизлиги, камбағалларга қарши қонунларнинг адолатсизлиги ҳақида қайғу ва ачиниш билан ёзади. Еб тўймас қўйлар (албатта рамзий) «ҳагто одамларнинг ўзларини ҳам ютиб юборишади, далаларни, уйларни, шаҳарларни вайрон ва пайҳон қилади», – деган машҳур гап ҳам айнан Томас Морга тегишли. Англиядаги барча бахтсизликларнинг манбаини ёзувчи хусусий мулкда, деб билади.

Асарнинг иккинчи қисмида Утопия оролидаги кишиларнинг ажойиб ҳаётлари ҳикоя қилинади. Ороликлар – деҳқонлар ва ҳунармандлар муттасил меҳнат билан ўз оролларини ер юзидаги энг обод ва гўзал жойга айлантирганлар. Атрофда ҳаммаёқ экинзор, далалар, гуллаб ётган боғлар.

Жамоа мулки ўрнатилган – мулк ва ер барчаникидир. Жамиятда тартиб ҳукмрон, жиноятлар йўқ ҳисоби. Камбағал ҳам, бой ҳам йўқ, барча керакли нарсаларни эса ороликлар махсус омборлардан бепул оладилар. Орол аҳолиси бир-бирига ҳасад қилмайди ва ҳар 10 йилда бир марта нимага эга бўлсалар, ўша нарсаларни ўзаро алмашадилар. Санъат ва фан билан шуғулланиш умумхалқ ҳурматиға сазовор.

Муаллиф фуқаролар турмуш тарзининг энг майда томонларини ҳам ўйлаб, ҳал қилиб бўлинган идеал давлатни тасвирлайди. Аммо бу орзун қандай ҳақиқатға айлантиришни у билмасди, шунинг учун ҳам бу ер юзидаги жаннатни оролга кўчирди ва уни «Утопия»

¹ Томас Мор – 1478–1535 йиллари яшаган, инглиз мутафаккири, ёзувчи, гуманист.

деб атади, таржимада у «мавжуд бўлмаган ер» маъносини англа-тади. Ўшандан буён келажакдаги адолатли жамият тасвирланган асарларни «утопия» деб аташади.

Томас Морнинг замондоши, француз ёзувчиси Франсуа Рабле (1494–1553) чекка бир шаҳарчада туғилди, болалигини фермада ўтказди. Ўсмирлигида у жуда диндор эди ва монастирга ўқишга кирди, лекин унда узоқ қолмади, қувноқ характер ва қизиқувчанлик монастир қоидалари билан келиша олмасди. Кейинчалик у фан билан кўп шугулланди, машҳур врач ва ўз замонасининг энг билимли кишиларидан бири бўлди. Рабле тарихни, тилларни яхши билар, бутун Францияни кезиб чиққан, уч марта Римда бўлган эди. У кузата олар ва ёдда саклаб қоларди, ажойиб ҳикоячи ва ижодкор эди. Рабле 20 йилга яқин «Гаргантюа ва Пантагрюэль» романи устида ишлади. Асар қаҳрамонлари – халқ афсона ва эртақларида учрайдиган до-нишманд улкан қироллар. Рабле уларнинг ҳаётини, ҳазил ва кулги аралаш хилма-хил таомларнинг ақлга сиғмайдиган миқдорини та-новул қилувчи қувноқ базмларини юмор билан тасвирлайди. Лекин Рабленинг қаҳрамонлари жуда нотинч оламда яшайдилар, уларнинг ҳукмдорлари «фақат ўз кишиларига ёмонлик қилишга ва ўзларининг разил манфаати учун оламини урушлар билан ғазаблантиришгагина қодир». Шунда оққўнгил улканлар душман қўшинини яхшигина тепки ёрдамида ёки бутунлай ғайриодатий – «тили билан бутун бошлиқ қўшинни босиб» енгадилар.

Бироқ агар китоблардаги ёвузлик фақат афсонавий куч билан енгилса эди, Рабле ўз замонасининг – гуманизм гуллаб-яшнаган даврининг кишиси бўлмас эди. Улканлар билан бирга унинг романи саҳифаларида одатдаги бўйли қаҳрамонлар ҳам пайдо бўлади: эзилганлар ҳимоячиси оғайни Жак Вайранчи, оддий кишиларнинг соғлом фикрлари рамзи бўлган дайди Панург. Қувноқ дўстлар дунёнинг чеккасига саёҳатга жўнайди ва кўпгина хайратланарли ерларда бўлишади. Уларнинг орасида Рим папасига ҳурматсизларча муносабатда бўлганлиги учун қўшнилари папаменлар (католиклар) томонидан вайрон қилинган пажфиглар ороли ҳам бор. Ер юзининг турли бурчакларидан келадиган ўлпонни еб кун кечира-диган очофат қўшнилари ороли ҳам тасвирланган. Қафасда инда-масдан ўтирган Папего қуши тартибни назорат қилади. Рим папа-си ва унинг тарафдорларига ишора қилинаётганини пайқаш қийин эмас.

Романда масхарабозлар халқни қувонтириб, ҳукмрон мулкдорларнинг аҳмоқлиги, очкўзлиги, такаббурлиги устидан кулги қўзғатиб халқ сайлларининг қадимий анъаналарини уйғотарди. Олим, файласуф ва гуманист Рабленинг қувноқ ва панд-насихатга тўла китоби ўз замондошларига манзур бўлди.

«Инсон – табиатнинг ажойиб мўъжизаси!» Йироқ Англияда Уйғонишнинг бошқа бир титани Уильям Шекспирнинг (1564–1616) юлдузи балқиди. Шоир ва драматург ўсмирлик йилларини Эйбол дарёси бўйидаги Стрегфорд деган кичик чекка шаҳарчада ўтказди, кейинчалик мудроқ ва бир маромдаги ҳаётдан шовкин-суронли Лондонни афзал билди. Шекспир театрга муҳаббат қўйган, у баъзан актёр сифатида сахнага чиқар, пьесалар ёзарди. Ўраб турган оламни у сахна деб, одамларни эса актёрлар деб тасаввур қиларди. У замондошлари учун театр тақдир зарбалари остида букилмасликни, сотқинлик ва иккиюзламачиликдан нафратланишни, тубанликка қарши туришни ўргатадиган мактаб бўлиб қолишига астойдил ишонарди.

Шекспир асарларида кўплаб ажойиб, доно ва мағрур кишилар бор. Қаҳрамонлар севади ва азоб чекади, хато қилади, ҳафсаласи пир бўлади, ўз бахти учун курашади ва кўпинча бу курашда енгиледи. Энг яқин кишилари хиёнат қилган бахтсиз Офелия ҳалок бўлади, тухматга ишониб Отелло Дездемонани ўлдиради, заҳарланган ханжар Ҳамлетни нобуд қилади, қирол Лирни ўз қизларини дайдиб юришга ва гадоликка маҳкум этади. Ҳар бири ёвузлик билан рўбарў келиб, нима қилиш керак, деган саволга ўз жавобларини излашади:

*Шу дилозор фалакнинг тақдирларига
Шикоятсиз-шиқвасиз чидаб турмоқми?
Йўқса, унга рад-бадал бериб қўзғалмоқ,
Қурол олиб ё енгмоқ ё маҳв бўлмоқми?*

Ёш Ромео ва Жульеттага бутун олам қарши. Феодал жаҳолат оқибатида севишганлар ҳалок бўлишади. Лекин ҳеч нарса уларни эркин ва бахтли қилган юксак ва ёруғ туйғулардан воз кечишга мажбур қила олмайди. Шундай қилиб, мағлубият ва ўлимга қарамасдан, Шекспирнинг «Инсон – табиатнинг ажойиб мўъжизаси!», – деган фикри тасдиқ топади.

Испания йўллари бўйлаб кезиб юриб, кимки ожиз ва бахтсиз бўлса, барига ёрдам бериб келаётган дайдиб юрувчи рицарь Дон Кихот ва унинг содиқ хизматкори Санчо Панчо ҳам руҳнинг ана шундай кучига ва жасоратига эгадир. Бу ажойиб образлар испан ёзувчиси Мигель де Сервантес (1547–1616) қаламига мансуб.

Сервантес камбағаллашган зодагон оиласидан бўлиб, университет таълимини олди ва ҳарбий хизматга кирди. Денгиз жанглари-дан бирида у бир қўлидан айрилади, уйга қайтиш пайтида эса йўлда қароқчилар қўлига тушиб қолади ва беш йил Жазоирда асирлик азобини тартади. Улкан маблағ эвазига оиласи уни сотиб олиш ва ваганига қайтаришга муваффақ бўлади. Шу ерда Сервантеснинг ҳаётидаги энг муҳим давр бошланади – у ёзувчи бўлади. «Дон Кихот» ёзувчи томонидан ўрта аср рицарлик романларига пародия сифатида ёзилган эди.

...Баланд бўйли, озгин, ғамгин қиёфали рицарь нимжон қирчанғига ўрнашиб олиб, эски, гижимланиб қолган либосларини ва картон соябонли шляпасини кийиб, саёҳат қилишга отланади. Атрофда турли хил адолатсизлик: батракка маошини тўламаётган хасис хўжайин, шафқатсиз суд томонидан ҳукм қилинган сургундагиларнинг уқубатлари – унинг олийжаноб қалбини газабга тўлдиради. Ҳақиқий рицарь сингари Дон Кихот қуролини яланғочлаб, хўрланганлар ҳимоясига ташланади, чунки «эркинлик учун худди шон-шараф учун қилинганидек, жонни хавфга қўйиш керак». У тез-тез ноқулай аҳволга тушиб қолади. Бир куни шамол тегирмонларини баҳайбат ёвузлар деб ўйлаб, уларга найза билан ташланади, бошқа бир сафар душман қўшини билан жангга киришади, аслида бу қўшин қўйлар тўдаси бўлиб чиқади.

Бироқ диққат билан кузатган ўқувчи Сервантес қаҳрамони устидан кулишга шошилмасди. Ташқаридан қараганда кулгили туюлган Дон Кихотнинг ақлсиз ҳаракатларида донолик, олийжаноблик ва инсонийликни кўрган бўларди. Ўз хизматкори кузатувида адолатсизлик оламидаги сўнгги олийжаноб рицарь, одамларнинг озроқ яхши бўлишларига ёрдамлашиш учун йўлларда ҳамон кезиб юрганга ўхшайди.

Уйғониш даврининг охиригача Ғарбий Европа мусиқа санъати черков билан боғлиқ бўлиб қолди. Мусиқа диний маросимнинг асосий қисмини ташкил қиларди, диндорларга сўздан кўра кучлироқ таъсир қилиб, уларга илоҳий кайфият бахш этарди.

Минг йиллар давомида черков қоидадан салгина четга чиқишга йўл қўймасдан, муסיкий асарлар ижро этилишини сергаклик билан кузатиб келди. Лекин XVI аср охирига келиб жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар таъсири остида муסיқа аста-секин ўзгара бо-ради. Худди рассомлик ва ҳайкалтарошликдаги диний сюжетга гу-манистлар томонидан инсоний позициядан қаралганидек, муסיқада ҳам диний асарлар инсон туйғуларига қаратиладиган бўлди. Дунёвий асарлар кенг тарқала бошлади. Оддий одамлар оғир меҳнат шароитида, турмушда эрмак бўладиган қўшиқларни айтишарди. Байрам карнаваллари кунларида кўчадаги сайиллар пайтида қувноқ рақс куйлари жаранглар эди. Халқ байрамлари учун бу куйларни Ажойиб Лоренцо басталаганди.

Дунёвий муסיқа маданиятини кўп сонли гуманистик муסיқа тўғараклари тарғиб қилар эди. Энди муסיқа ижоди фақат саройда-гилар эмас, балки кўплаб илмли кишилар ҳаётининг бир қисмига айланди. Яхши хулқ-атвор қоидалари ўзига тўқ оилаларнинг фар-зандлари муסיкий асбобларни чала олишларини тақозо этарди. Италиян рассоми Караваджо лютня торларини секингина чертиб, орзу қилиш кайфиятига берилган ўсмирнинг суратини чизган.

Уйғониш рассомларининг суратларида тез-тез оилавий муסיқа тинглаш сахналарини кўриш мумкин. Номаълум муаллифнинг су-ратида учта муסיқачи аёл ноталар бўйича тиришқоқлик билан куй чалишяпти. Нота белгиларини муаллиф шундай аниқ чизганки, уларга қараб ўша куйни гўёки ҳозир ҳам чалиш мумкиндай.

Мадригалларнинг – аксарияти ўз замонасининг машҳур шоир-лари шеърларига басталанган лирик вокал асарларни куйлаш ва яратиш санъати юксак баҳоланар эди. Мадригаллар кенг аудитория учун куйланар ва операнинг издоши саналар эди.

Уйғониш муסיқаси черков қоидаларининг торгина доирасидан чиқиб, XVII–XVIII асрларнинг ўлмас муסיкий асарларига йўл очди ва бошқа дунёвий санъатлар қаторидан муносиб жой эгаллади.

Уйғонишни кўпинча титанлар даври деб ҳам аташади. Ҳақиқатан ҳам табиат ҳар бирини кўп киррали қобилият билан сахийлар-ча сийлаган бунча генийларнинг асарлари билан характерланган бошқа даврни Европа тарихида топиш қийин.

Улардан бири Леонардо да Винчи (1452–1519) эди. Унинг ниҳоятда қобилиятлилиги замондошларини ҳайратга соларди. Леонардо рассом, шоир, меъмор, ҳайкалтарош, муסיқачи эди – «илоҳий

куйларди», физика, математика, астрономия, тарих, фалсафага кизиқар, механика ва ҳарбий ишни биларди.

Леонардо да Винчини билган одамларнинг ёзишларича, у ўзининг ташқи кийёфаси билан ҳам энг юксак гўзалликнинг намунаси эди: бўйи баланд ва қомаги келишган, жуда кучли (ўнг қўли билан девордаги темир ҳалқани ёки тақани худди кўрғошиндек эгарди), ҳамма вақт олифталардай кийинган, суҳбати мафтункор эди.

Леонардонинг ўлимидан сўнг етти минг саҳифа ёзув, суратлар, чизмалар мерос бўлиб қолган. У расм чизишни афзал кўриб, уни санъатлар маликаси, деб ҳисоблаган бўлса ҳам, ундан суратлар жуда кам қолган.

Буюк рассом бир пайтнинг ўзида зехнли тадқиқотчи ҳам эди. Математик ҳисоб-китоблар унга суратларда кенгликнинг беҳадлигини, узоклигини кўрсатишга ёрдам беради. Узок муддатли тажрибалар буюк рассомга ҳажми жуда нозик товланиш, ёруғлик ўйини билан тасвирлашни ўргатди.

Леонардо ўз асарларининг қаҳрамонлари этиб худолар ва авлиёларни эмас, оддий одамларни олди. «Чақалок кўтарган Мадонна» ана шундай асардир. Ёруғлик ва соянинг юмшоқ оқимларида кўкрагига гўдагини босиб турган она. Қўлларининг авайлаб кучоклаши, енгилгина ярим табассум – Ер Онасининг ўз гўдагига чексиз муҳаббатини англаиб турибди. Мадоннанинг ортида ажойиб пейзаж кўриниб турган иккита дераза. Гўё келгуси авлодларга топишмоқ қолдиргандек, Леонардо ерни улкан баландликдан тасвирлаган. Ҳали одамлар ҳавога кўтарилишни орзу ҳам қила олмаган даврда фақат ҳақиқий даҳогина оддий инсоннинг хаёли ета олмайдиган дунёни тасвирлай олади.

Мона Лизанинг (Жоконда) – бой флоренцияликнинг хотини портретида ҳам бундан кам сир яширинмаган. У креслода хотиржам ва улуғвор ўтирибди, кўзлари томошабинга тикилиб қарайди, лабларида сезилар-сезилмас табассум, «шунчалар ёқимлики, бу портретни кўриб инсонийликдан кўра кўпроқ илоҳий озик оласан...», – деб ёзган эди рассомнинг биографи. Мона Лизанинг юзи ва қомагини сезилмас тутун қоплаган, у чизиқларни юмшатади. Бу аёлда бизнинг замондошларимизни ҳам ҳаяжонга соладиган қандайдир алоҳида сир бордай туюлади.



Суратли асарларидан ташқари Леонардонинг бир нечта йирик деворий расмлари ҳам қолган. «Махфий кеча»нинг тасвири бой Милан монастирини беаган. Инжилдаги афсонага кўра Исо пайғамбар ўлимидан олдин шогирдларини сўнгги бор тўплаган. Ҳозиргина унинг «Сизлардан бирингиз мени сотасиз», – деган ба-шорати айтилган. Шогирдлар даҳшатли сўзлардан қотиб қолишган. Улардан ҳар қайсисининг муносабати такрорланмас: ҳайрат, кўрқув, ғазаб, ишончсизлик, Исо Масих хотиржам ва қайғули, фақат унинг столда ётган ҳолсиз қўллари тақдирга бўйсунганликни, сўзсиз ҳалокатнинг муқаррарлигини ифодалайди.

Умрининг охирини Леонардо ватанидан йироқда, унга сарой рассоми ўрни таклиф қилинган Францияда ўтказди. Рассом даҳоси барчанинг ҳайрат ва олқишига сазовор бўлди, унинг ўлими барча-ни қайғуга солди, чунки замондоши ёзганидек, «рассомлик санъа-тига шунчалар шуҳрат олиб келган инсон илгари ҳеч қачон бўлган эмас...».

Леонардо да Винчидан унинг санъатдаги доимий рақиби Мике-ланжелло Буанаротти (1475–1564) қарийб ярим аср кўпроқ яшади. Флоренцияни беаш ва медичилар авлодини улуғлаш учун жуда кўп ишлар қилган буюк Микеланжелонинг қабр тошини учта аллего-рик фигура: рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик беаб ту-рибди. Лекин у ўзини ҳайкалтарош уста деб билар, уни «санъатлар ичида биринчи», – деб ҳисоблар, инсонни, унинг гўзаллигини ҳамма нарсадан яхшироқ шарафлайди, деб ўйларди.

Микеланжелло мрамар харсангга табиатнинг ўзи ҳайкални со-либ қўйган, муаллиф фақат ортиқчасини йўниб ташлаши керак, деб ҳисобларди. У бир сонетида шундай ёзган эди:

*Мрамар ўз бағрида сақлайди кўп сир,
Ортигин қўшолмас юксак даҳо ҳам.
Фақат онгга тўлиқ бўйсунгани дам
Уни қўллар ясай олади бир-бир...*

Ҳали ҳаёт пайтидаёқ Микеланжелло энг моҳир уста сифатида шуҳрат қозонди. Унга бир куни Флоренция черковларидан бири-нинг ҳовлисида ажойиб мрамар ётганлигини хабар қилишди. Бу тош устида аввал ҳам бир неча ҳайкалтарошлар ишлаган ва уни бутунлай бузиб қўйишган эди. Черков ҳокимияти ҳамма нарсага

қўл силтаган, харсанг эса узоқ йиллардан буён шундайлигича ётар эди. Микеланжело ниҳоятда баланд – 5,5 метрлик ҳайкал яратиш ништиёқида ёнарди. Мармар бўлагини яна бир марта ўлчаб кўриб, у ўйлаб қўйган ишига киришди.

Тугалланган асар замондошларини ҳайратда қолдирди. Микеланжело ажойиб ўсмирнинг ялангоч қоматини яратган эди. Инжил афсонасига кўра ёш чўпон Давид даҳшатли девсифат Голиаф билан жангга тушишга журъат қилади ва палахмондан отилган тош билан уни қулатади. Ҳайкалтарош жанг олдида турган Давидни тасвирлади. Унинг юзи ғазабга тўлиқ, кучли қўллари палахмонни қисиб турибди. Ҳайкал ҳажми ва гўзаллиги билан барча маълум асарларни ортда қолдирди, ҳагто грек ва рим ҳайкалларидан ҳам ўзиб кетди. Замондоши «Давид» ҳақида шундай деганди: «Монументнинг очилиши халқ тантанасига айланиб кетди. Флоренцияликлар ҳайкални шаҳар ҳокимияти биноси олдидаги майдонга, ҳокимлар шаҳарни адолатли бошқарсинлар ва уни жасурлик билан ҳимоя қилсинлар», деб ўрнатдилар.



Замондошларидан жуда озчилик Микеланжело ўзини яна бир соҳа – поэзияга бағишлаганини билишарди. У бутун умр шеърлар ёзди, лекин унинг шеърляти ўлимидан қарийб юз йил кейин дунё юзини кўрди. Бунинг устига ношир ўқувчи яхши қабул қилади ва тушунади деб ўйлаб унинг кўплаб шеърларини қайта кўчириб, ишлаган. Микеланжелонинг ҳақиқий поэзиясини инсоният фақат XIX асрдагина кашф этди. Унинг шеърлари ўзининг ақл бовар қилмас даражадаги кучи, тошдан ясалган улуғвор қоматларга ўхшашлиги билан барчани лол қолдирди. Шеърларнинг машқларини расмлар чизилган варақда кўриш мумкин. Уларда бўйсунуш қийин бўлган материални бўйсундиришга ўрганган тош йўнувчининг кучи кўриниб туради. «Йўнилмаганлиги» поэзияга такрорланмас ўзига хослик бахш этади.

Кўпчилик гуманистлар катори Микеланжело ҳам муҳаббат лирикасига кўнгил қўйди. Сонетлар цикли шоирнинг гўзал севгилисига ҳақида ҳикоя қилади. Унинг муҳаббати жавобсиз бўлса ҳам, муаллиф ўзининг маҳбубасида табиатнинг энг яхши асарини кўради:

*Барчасин яратган бўлагу бутун,
Ва сўнг энг аълосин саралаб олган.
Ўз юксак ҳукмига муносиб бўлган,
Муъжизасин унда кўрсатмоқ учун...*

Лекин шоирни фақат дунёвий гўзалликкина хаяжонлантириб ва илҳомлантириб қолмайди. Шеърлар ўз ижодкоридан умри жуда узоқ бўладиган, санъатнинг мукаммал гўзаллиги ҳақидаги фикрларга тўлиқ:

*Тирикликдан, борликдан кўра
Санъатнинг қисмати буюқдир ҳар дам,
Уни енга олмас ўлим ҳам, вақт ҳам...*

Ижодкор умрининг сўнгги йиллари меҳнат ва ёлғизликда ўтди. У 89 ёшида, юқори шуҳрат чўққисига эришиб вафот этди. Қабрга қўйиш куни Флоренциянинг кўплаб шоирлари буюк инсонга таъзим учун келишди ва хилхона эшигига лотин ва итальян тилларида шеърларни нақшлаб кетишди.

Итальян Уйғонишини Рафаэль Санти (1483–1520) ижодисиз тасаввур қилиш қийин. Бу даҳо фақат 37 йил умр кўрди, холос. У кўп сонли дўстлари ва шогирдларини доғда қолдириб, кучи ва шуҳрати яшнаётган пайтда бу дунёдан кетди. Табиат Рафаэлга меҳнатсеварлик, камтарлик ва хушахлоқ ато этган эди. Одамлар унга алоҳида меҳр қўйишарди. Унда очикқўнгиллик ажойиб ақл ва ноёб истеъдод билан бирлашиб кетганди. Балки шунинг учун ҳам Рафаэлнинг суратларида олам мукаммал ва гўзал, муштарак ва хотиржамдек туюлади.

Рафаэль ҳар хил ишларни бажарарди. Папанинг буйруғи билан Ватиканда хоналарни ва тантанали маросим залларини безатди, Римда Авлиё Пётр черковининг лойиҳасини чизди, черков меҳроблари ва аслзодалар саройларини безади. Папа Юлий II нинг топширигига кўра унинг шахсий хоналарини расмлар – станслар билан безади. «Рафаэль станслари» деб ном олган бу ажойиб расмлар рассомнинг номини абадийлаштирди. 1508–1517 йиллари у учта хонани фрескалар билан безади.

Улар ичида энг машҳурлари «Афина мактаби», «Илиадорнинг қувилиши» ва «Боргода ёнғин» асарлари. Айни пайтда Рафаэль кўплаб картиналар ҳам яратди. Ижодкорнинг санъатида аёллар обра-

зи алоҳида ўрин тутади. «Мадонна Конестабиле» аёллик латофати ва оналик муҳаббатининг мужассамлигидир. Рафаэль унинг коматини кўл атрофидаги унча баланд бўлмаган кирларнинг майин кўланкаси фонида жойлаштирган. Нозик дарахтлар, тиниқ ҳаво хаёлчанлик ва енгил фироқ туйғусини пайдо қилади. Мадонна бошининг зўрға илғанадиган оғиб туриши, тананинг айлана чизиклари ўғлига нозик муҳаббатини таъкидлайди. Фақат Мадонна ва гўдакнинг бошлари узра ёлқин камалакгина уларнинг илюҳийлигини эслатиб туради.

Рафаэль муқаддас Сикст монастири учун меҳробнинг бош образи – «Сикстин мадоннаси»ни яратди. «Шу хилдагиларнинг ягонаси», деб баҳолашган эди уни санъат билимдонлари. 1513–1514 йиллари яратилган бу асар ҳақиқатан Рафаэль ижодининг чўққиси ҳисобланади.

Оҳиста, гўё ялангоёқлари билан булутларни босмаётган, уларнинг устида учиб юргандай бўлиб, Биби Марям ўз қисматига пешвоз чиқмоқда. Ҳали гўдак Исо Масихнинг нигоҳлари катталарникидек жиддий. У гўё келажакдаги азоблар ва ўлимни олдиндан сезаётгандай. Онанинг қарашларида ҳам қайғу ва хавотир бор, у олдинда нима бўлишини билади ва шунга қарамасдан ўғлининг ҳаёти эвазига Ҳақ йўллари очиладиган одамлар томон олдинга интилади.



Ҳақиқат тасвирчилари. Италиян

Уйғонишининг гуманистик ғоялари Ғарбий ва Марказий Европа мамлакатлари санъатига таъсир кўрсатди. Уларнинг орасида ўзаро рақобат қилаётган феодал католик Испания ва унинг хукмронлигидан қутула олган кичкина Голландия ҳам бор эди. Голландияда капиталистик муносабатларнинг ўрнатилиши протестантизмнинг¹ тарқалиши билан бир пайтда рўй берди.

Протестантлар² дабдабали диний маросимлардан воз кечдилар, ўз черковларини тасвирий санъат асарлари билан безатмадилар. Суратларнинг буюртмачиси черков эмас, шаҳар бойлари бўлиб қолди. Улар учун тасвирчилар тарихий ва афсонавий суратлар билан барча пейзаж, натюрмортлар, портретлар, турмуш сахналарини ҳам чиздилар.

¹ *Протестантизм* – черковни ислоҳ қилиш учун ҳаракат.

² *Протестант* – черковни ислоҳ қилиш тарафдорлари.

Голландия санъати ўзининг энг юксак тараққиётига Рембрандт Харменс ван Рейн (1606–1669) ижодида эришди. У тегирмончи оиласида, Рейн дарёси irmoғи яқинида туғилди, шунинг учун ҳам оила фамилиясига «ван Рейн» қўшилган. Рембрандт яхшигина маълумот олди ва ота-онаси уни амалдор қилмоқчи бўлишди. Аммо ўсмир ўзига рассомликнинг мураккаб йўлини танлади.

Рембрандт ҳеч қачон Италияда бўлмаган, лекин нусха ва гравюралардан Уйғониш титанлари санъатини тинимсиз ўрганарди. Кейинчалик, машҳур бўлиб кетганидан сўнг, у уйида тасвирий санъат коллекциясини тўплади. Унда итальян рассомлари ижодига катта ўрин ажратилган. Бу юк голландияликка уларнинг ҳаётга муҳаббати, инсонга ҳурмати, ижодни ўрта асрчилик диний чекловларидан озод қилишга интилишлари яқин ва тушунарли эди.

Ижодкорни доимо инсон, унинг ички дунёси қизиқтиради. Рембрандт одамларни диққат билан кузатади, уларни тушунишга, англашга ва уларнинг фикрларини, руҳий ҳолатларини суратларда акс эттиришга уринади.

Рембрандт машҳур портретчи эди. Обрўли бюргерлар, врачлар, амалдорлар бирин-кетин рассомнинг олдида қиёфасини чиздириш шарафига муяссар бўлиш учун ҳаракат қилардилар. Бу юртмачилар фақат тасвирда берилган шоҳи ва бахмал, қимматбаҳо тақинчоқ ва безаклар жилосининг енгиллигинигина эмас, рассом одамларнинг ўзига хослигини, уларнинг характерли ишора ва ҳолатини таъкидлаш қобилиятини ҳам қадрлашарди.

Йиллар ўтиши билан Рембрандт инсон руҳи қаърига янада чуқурроқ кириб боришга муваффақ бўлди. Бу мулкдор одамларга ҳаммавақт ҳам ёқавермади ва шунда Рембрандт оддий шаҳарликлар, камбағал ҳунармандлар расмини чиза бошлади. «Қизил кийинган чол портрети», – оғир ўтган умр ҳақидаги фожиали қиссадир. Ёруғлик оқими қоронғиликдан чол қоматини олиб чиқади. Озгина эгилган елкалар, тугунсимон қон томирлари бўртиб чиққан қадоқ қўллар, оппоқ соқол, тиришган пешона ва қора кўзларнинг нигоҳи сурат қаҳрамониغا Инжил донишмандлари қиёфасини бахш этади. Ижодкорнинг ўзи ҳам изланиш ва надоматларга тўла ҳаётни яшаб ўтган. Такдир Рембрандтни аяб қўймади, шон-шуҳрат ва омад, тан олмаслик ва тўлиқ унутиш билан алмашди. Севимли хотини вафот этади, қарзлар ошиб боради, уй, мебель, Рембрандтнинг ўзи чизган расмлари ва не-не

машаққатлар билан йиғилган коллекция сотилади. Бироқ кундалик турмуши қанчалик оғирлашмасин, тасвирий санъатга шунча кўп куч бериларди. Сўнгги асари – «Адашган ўғилнинг қайтиши» энг оғир даврда – ўғлининг ўлиmidан сўнг яратилган.

Инжилда оиласини ташлаб кетиб, узоқ вақт санғиб юрган, кўп йиллардан сўнг эса, ортга қайтган ўғил кечирилади ва ота уйига қабул қилинади. Рембрандт учрашув пайтини тасвирлаган. Адашган ўғил уй остонаси ёнида тиз чўкиб турибди. Йиртиқ кийим ва сочсиз бош ўтган умрнинг кулфатларини шундоққина айтиб турибди. Кексайиб, кута-кута кўр бўлиб қолган отанинг бармоқлари ўсмирнинг елкасига тегаяпти. Қўл ҳаракатидан қарийб умидини узган одамнинг ёрқин қувончини ва чексиз муҳаббатни англаймиз. Сурат жозибали нур билан, майин жимирлаш билан тўлдирилган, олтинранг жилолар қаҳрамоннинг руҳий янгилинишини таъкидлаб, ҳатто адашган ўғилнинг жулдур кийимларида ҳам товланади.

Голландиядан фарқли ўлароқ, Испания XVII асрда ҳам ўрта аср қолдиқлари ва инквизиция мамлакати бўлиб қолаверди. Бу ерда янги, гуманистик маданият куртаклари қийинчилик билан чиқаётган эди. Босқинчилик урушлари халқни аслзодаларнинг ялтироқ ҳаётлари билан таққослаганда янада даҳшатлироқ кўринадиган муҳтожликка маҳкум этди. Бу фарқни қиролнинг сарой рассоми Диего Веласкеснинг (1599–1660) санъати ўзида намоён қилди.

Веласкес зодагонларнинг ва қирол Филипп IV нинг портретларини чизарди. Ўз қаҳрамонларининг ички дунёсини очиб берар экан, у ҳеч қачон буюртмачиларига ёқмаган. Веласкеснинг тасвирий санъати сарой амалдорларининг жиддий юзлари, совуқ нигоҳи, улуғвор қиёфасини ўзида ифодалайди. Испанлар ҳукмдорининг ўзи ҳам худди шундай: оғир жағ ва йирик бурунли, хунук юз, кўзлари бепарво ва ғамгин тикилади. Портретнинг тантанавор намоёишкороналиги ва байрамоналиги ҳукмдорнинг қуруқ ва қобилятсиз эканлигини яшира олмайди.

Қиролнинг қудратли меросхўри граф Оливерсни рассом қора либосда тасвирлаган. Оқ, қайирилган ёқа устида каттакон калла, унинг қиёфасида шафқатсизлик, бепарволик, ақл ва заковат аралаш манманлик акс этиб турибди.

Дехқонлар, ҳунармандлар ва аскарлар ҳаётидан унча катта бўлмаган саҳналарни чизаётганида Веласкесни бутунлай бошқача кайфият чулғаб оларди. «Нонушта» суратида майхонадаги қувнок

сахнача тасвирланган. Икки ёш йигит гадо қарияни камтарона таомларига таклиф қиляпти. Рассом ёш йигитларнинг ифодали ҳаракати ва ёқимли табассумини тасвирлаган. Босиқ ва ҳаётда тобланган қария уларнинг гапларига қулоқ соляпти. Ўз талантининг бутун кучи билан рассом меҳнат кишиларига муҳаббат ва ҳурматини ифодалайди.

Веласкеснинг энг салмоқли асарларидан бири, ҳаётининг охирида чизилган «Йигирувчилар» (Арахна ҳақида миф) полотно-сидир. Тасвирда гобеленлар устахонаси. Бу ерда тўқувчи аёллар қўли билан ажойиб гиламлар яратилади. Чиройли ва ўз кадрини биладиган, оғир меҳнатни бажараётган бу аёлларнинг қўллари чакқон, ҳаракатлари эпчил. Оддий ишчи аёлларнинг олийжаноблиги ва латофатини таъкидлар экан, муаллиф уларнинг қобилияти ва меҳнатсеварлигига таъзим қилади.

Табиатнинг энг яхши маҳсули – инсонга Веласкес ўз асарларида асосий ўрин ажратади. Унинг ҳайкали пойига иккита сўз, «Ҳақиқат тасвирчиси» деб ёзиб қўйилган.

Мангу шаҳар бўйлаб саёҳат. Шаҳарлар ҳар бир даврнинг энг яхши ифодаси эканлиги азалдан маълум. Уйғониш давридаги Рим бўйлаб қисқа саёҳат қилиб, бунга ишонч ҳосил қилишга уриниб кўрамиз. XVI асрга келиб Рим католик дунёсининг маънавий пойтахти – гуманизм марказига айланади, сўниб бораётган Флоренциянинг ўрнини эгаллайди. Шаҳарнинг янги мақомига унинг қиёфаси ҳам мос келиши керак эди.

XV асрда Рим қайта қурила бошланган эди. Аввалига кўчаларни кенгайтириб, Ватиканга, папа қароргоҳига олиб борувчи йўللарга кўприклар қурадилар. Европа шаҳарлари орасида биринчи бўлиб Римда музей барпо қилинади. Аввал папага қарашли бўлган антик даврга оид ҳайкалтарошлик намуналари коллекцияси Капитолий тепалигида кўпчилик томоша қилиши учун қўйилган.

XVI асрда Римни қайта лойиҳалаш давом этади. Шаҳарнинг савдо марказига олиб борадиган йўллар пайдо бўлади, майдонлар ободонлаштирилади. Тўғри Ватиканга элтувчи кўчалар қурилади, улар фавворалар ва қазिशмалар пайтида топилган қадимий ҳайкаллар билан безатилади.

Бу даврнинг энг салобатли қурилиши, деб Ватикандаги янги черков – Сикстин капелласини (бу номда буюртмачи папа Сикст IV абадийлаштирилган) ҳисоблаш мумкин. Капелланинг улкан зали

Энг муҳим черков маросимларига мўлжалланганди. Сикстин капелласини безатиш Уйғониш даврининг энг машҳур рассомларига топширилган эди. Уларнинг орасида бир ўзи, ёрдамчисиз тўрт йил давомида 600 кв.м шифтни Инжил афсоналари руҳидаги расмлар билан безаган Микеланжело ҳам бор эди. Улардан бири – «Одам атонинг яратилиши». Яратувчи – Худо кўлини ерда ётган биринчи одамга чўзиб турибди, ана шу кўл тегизиш унга ҳаёт ато қилади.

Шаҳарнинг марказида эски Сан Пьетро черкови ҳовлисида меъмор Браманте мўъжаз ибодатхона – Темплеттони куради. Бино антик қурилишларни эслатади, ротанда шаклига эга ва дорик услубидаги ўн олти колонна билан ўраб олинган. Унча катта бўлмаган ибодатхонага бунинг барчаси улуғвор кўриниш бахш этади. Замондошлари унда мутаносиб тузилган оламнинг моделини кўрдилар.

Римнинг ва бутун Европанинг бош католик черкови Авлиё Пётр собори бўлиб қолди. Уни яратишда (собор 100 йилдан ортиқроқ вақт ичида қурилган) турли хил меъморлар қатнашган. Қурилишни 70 ёшдан ошган Микеланжело тугатди. У деярли тайёр бўлиб қолган бинони танқид қилди ва 15 кун ичида унинг лойдан ясалган янги моделини яратди. Ҳаётининг сўнгги йилларини у ўз лойиҳасини амалга оширишга сарфлади. Черковнинг асосий беагаги қилиб Микеланжело улуғвор гумбазни ясади, у кўпгина Европа черковлари учун намуна вазифасини ўтади.

Авлиё Пётр собори олдига қачонлардир цирк аренасида турган қадимий ёдгорликни тиклашди. Афсонага кўра ўша ерда Авлиё Пётр қатл қилинган экан. Ёдгорликнинг чўққисига эса хоч ўрнатилди.

Қайта лойиҳалаш улкан микёсда давом этарди, ҳатто Колизейни бузиб ташлаш режаси ҳам бўлиб, унинг ўрнига кенг кўча қуришмоқчи эди. Яхшиямки, бу режа амалга ошмади ва Колизей абадий шаҳарнинг ўтмиши ва бугунини боғлаб, ҳали ҳам Римни безаб турибди.

XVI–XVIII асрларда фандаги тараққиёт

Инсоннинг уни ўраб турган оламга қизиқиши ортиб бориши янги давр хусусиятларидан бири бўлиб қолди. Оламнинг эски, ўрта асрдаги образи бузила бошлади. Олам чегаралари сурилди. Олимлар Ернинг Қуёш атрофида айланишини исбот қилдилар. Жордано Бруно оламнинг чексизлиги ҳақидаги назариясини яратди.

У ишонч пойдеворини бузди. Фромборкдаги ибодатхонани ўраб турган қалъа деворида жойлашган мўъжазгина минорада 30 йил ёлғиз ва хокисор одам – буюк поляк астрономи Николай Коперник (1473–1543) яшади. Айнан у минг йиллар давомида қабул қилинган Ернинг ҳаракатсизлиги ҳақидаги таълимотдан воз кечиб, фанда улкан тўнтаришни амалга оширди.

Николай Коперник ҳар томонлома маълумот олди, Краков ва Италия университетларида ўқиди. Тасвирий санъат, математика, фалсафа, грек тили, астрономия, ҳуқуқ, тиббиёт ва бошқа фанларни ўрганди. Худди ана шу йиллар уни Оламнинг ривожланиш қонунларини ўрганишга интилаётган тадқиқотчига айлантирди.

24 ёшида у ватанига қайтиб келиб, каноник¹ бўлди. Энди унда яшашга маблағ ва вақт бор эди. Оддий мосламалар ёрдамида у 30 йил осмон жисмларини кузатди. Мураккаб ҳисоб-китоблар унга, Ер Қуёш ва ўз ўқи атрофида айланади, деган гелиоцентрик хулоса чиқаришга ёрдам берди.

Ерни ҳаракатсиз деб ҳисоблайдиган оммага бу ҳақда айтиш у пайтларда хавфли эди. Шунга қарамасдан у буни айтишга қарор қилди, чунки ўз билимини одамларга қолдириш кераклигига ва ўзининг ҳақлигига шубҳаси йўқ эди. 1543 йили «Осмон жисмларининг айланиши ҳақида» деб номланган китоби чоп қилинди. Олип шу пайтда ўлим тўшагида эди. 1543 йил 23 май куни дўстлари китобни олиб келганларида, у беҳуш ётарди.

Николай Коперникнинг қабри қаерда эканлигини ҳалигача ҳеч ким билмайди, лекин ундан ёдгорлик бўлиб китоб қолди. Узок йиллик таълимот эса ўз издошларини топди.

«Диний ишонч ва ақиданарастлик душмани». 1600 йили Римда, Гуллар майдонида «черков оталари» буйруғи билан Жордано Бруно (1548–1600) гулханда ёқилди. У Италиянинг кичик бир шаҳри Нолада туғилди, 17 ёшида доминикан монастирида тингловчи бўлди. Барча уни Жордано Бруно – нолалик деб чақирарди. Монастирда ажойиб кутубхона бўлиб, у жуда кўп ўқир, кенг доирада илм оларди. Аммо Бруно қанча кўп билгани сари, диний таълимотнинг ҳаққонийлигидан шунча кўп шубҳаланарди. Унга, айниқса, Коперникнинг китоби кучли таъсир кўрсатди. Унинг таълимотини ривожлантира бориб, Жордано: «Оламнинг чеки йўқ,

¹ *Каноник* – епископ ёки кафедрал собор қошидаги руҳонийлар коллегияси аъзоси (католик ёки англикан черковларида).

у ҳадсиз ва сўнгсиз», – деган хулосага келди. У марказга эга эмас, Ер ҳам, Қуёш ҳам оламнинг маркази эмас. Олам – бу сон-саноксиз юлдузлар ва ҳар бир юлдуз – бу йироқдаги қуёш, уларнинг ҳар бири атрофида ўз сайёралари айланади. Олам абадий мавжуд ва у йўқ бўла олмайди.

28 ёшида у Римдан қочишга мажбур бўлди – инквизицияга ҳуфийа хабарлар бориб турарди. Сарсонликдан иборат ҳаёт бошланди. Ҳамма ерда у ўз таълимотини тарғиб қилар, лекин жуда кам одам уни тушунишга қодир эди.

Бруно афсунгарлик илми билан ҳам жиддий шугулланади. Қадимги яҳудийларнинг «Каббала»сини ўрганади ва рухнинг кўчиб ўтиши ғоясига ишонади.

Женевада кальвинистлар Брунони худосиз сифатида қамоққа ташладилар ва гулханда ёқишларига озгина қолди. У Парижда аввал обрў қозонди ва, ҳатто, қиролга дарс бера бошлади. Бироқ олим саройда ҳам ўз қарашларини ҳимоя қилди. Кейин Англияда олимлар билан баҳсга киришди. Уни яна тушунмадилар ва устидан кулдилар. Яна Франция, сўнгра Германия... Ҳамма ерда қувғин, ҳамма ерда ғазабланган оломон. Аммо мияда: «Динга ишониш онг билан келиша олмайди», – деган фикр тобора аниқроқ жаранглайди. Жордано Бруно бир марта ён беришга йўл қўяди – илмсиз, оми халқ учун диннинг зарурлигини тушуниб, тан оларди.

Ватан соғинчи уни тинч қўймайди – у Италияга қайтиб келади. Ёлғон чақув билан уни инквизиция қамоққа олади. Айбловлар аҳмоқона ва исботсиз, улар учун жиддий жазо берилиши мумкин эмас. Фақат кутиб туриш керак. Аммо Бруно қамоқхонада ҳам худога ишониш ҳақида баҳслаша бошлайди.

Буюк донишманд саккиз йил қамоқда ўтирди ва черков унинг ўз ғояларидан воз кечишини шунча йил орзу қилди. Аммо у ўз таълимотидан воз кечмади. Инквизиция суди алломани гулханда ёқиб ўлдиришга ҳукм қилди. Уни тонгда ёқдилар... Орадан юз йиллар ўтиб гулхан ўрнида унга ҳайкал қўйдилар. Ҳайкал остига: «У барча халқлар учун фикр эркинлиги, дея ўз овозини кўтарди ва ана шу эрк йўлида ўлимга борди», деб ёзиб қўйилди.

«Ноёб иродали, ақлли ва жасоратли одам!..» Галилео Галилей (1564–1642) буюк олим, астроном, физик, шоир, комедиялар муаллифи эди. Галилейнинг атроф оламни англашга қўшган ҳиссаси ғоятда улкан. У осмонни телескоп билан кузатган европалик биринчи олим эди.

Галилео Галилей камбағал оиладан чикқан машхур инсон эди. У Флоренция ва Пиза университетларида тахсил олган. Ёш профессорнинг номи тезда машхур бўлиб кетади.

Галилей гелиоцентрик назарияни асослашга жуда катта ҳисса қўшди. У осмон жисмларини 32 марта катталаштириб кўрсатадиган телескоп ясади. Шу телескоп ёрдамида Галилей Қуёшдаги доғларни ва илгари маълум бўлмаган бир қанча юлдузларни кашф этди. Фақат уларни «Медичи юлдузлари» деб аташга тўғри келди. Маълум бўлдики, Сомон Йўли кўнлаб юлдузларнинг жамланмасидан иборат, Ойнинг юзи тоғлар ва кратерлар туфайли нотекис, Юпитер эса тўртта йўлдошга эга. Телескоп ёрдамида қилинган барча кашфиётлар Коперникнинг таълимотини тасдиқлади ва Оламнинг тузилиши ҳақидаги тасаввурларда тўнтариш бўлишини англатди.

Галилей фақатгина янги оламларни кашф қилиб қолмади, жисмларнинг эркин тушиши, маятникнинг ҳаракати қонунларини ва физиканинг бошқа бир қанча қонунларини ҳам шакллантирди. Ўзининг астрономия соҳасидаги кузатувларини олим «Юлдузлар ахбороти»да баён қилди. Инквизиция унинг ишларини қоралади. 1616 йилда Коперникнинг таълимотини расман тақиқладилар. Шунда олим айёрликка борди – у Муқаддас ёзув ва табиат ҳақида таълимот билан чиқди. «Оламнинг икки тузилиши ҳақида диалоглар» Галилей ҳаётининг асосий китоби бўлиб қолди. Ватикан ғазабга тўлди. Папа Галилейни Римга чақирди. 70 ёшли олим муқаддас инквизиция суди олдида жавоб бериши керак эди. Кекса, касалманд одамнинг иродасини синдириш мақсадидаги сўрок беш ой давом этди. «Буюк инсоннинг хўрланиши узок ва тўлик бўлди. Бу хўрликлар олимнинг буюк ғояларидан воз кечишига ва укубатлардан енгилган одамнинг азобланишига олиб келди...» – деб ёзган эди Галилейнинг француз биографларидан бири.

1633 йил 22 июнда Муқаддас Миневра монастирида суднинг барча аъзолари иштирокида ҳукмга бўйсуниб, тавба қилаётган гуноҳкор кийимида Галилей тиз чўкиб воз кечиш сўзини ўқиди. Бироқ яна ўн йил кўрди ва бемор Галилей инквизиция назоратида бўлди. Унга китоб ёзиш ман қилинганди.

Кейинчалик одамлар воз кечиш сўзидан сўнг, ўрнидан туриб олим: «У эса барибир айланади!» – дея хитоб қилганлиги ҳақида афсоналар тўқиди. Бу эса одамларнинг фанни бўғиб, йўқ қилиш мумкин эмаслигига ишончидан далолат эди.

«Яшаш, эркинлик ва мулк ҳуқуқи». Фалсафани ривожлантиришда Англияда катта муваффақиятларга эришилди. Айниқса, Жон Локк (1632–1704) ғоялари XVIII аср файласуфларига кучли таъсир кўрсатди.

Жон Локкнинг асосий хизмати шундан иборатки, у инсоннинг табиий, туғма ҳуқуқлари: яшаш, эркинлик ва мулк ҳуқуқлари ҳақидаги таълимотни яратди. Локк, шунингдек, «ҳокимиятни бўлиш» – ижро ҳокимиятини қонун чиқарувчи ҳокимиятдан ажратиш ҳақидаги таълимотни ҳам ишлаб чиқди. Локк томонидан олға сурилган ҳокимиятнинг бўлиниш принципи кейинчалик француз маърифатпарварлари томонидан ривожлантирилди ва ҳозирги замон давлатчилигининг асосий принципларидан бирига айланди. Олим «Тарбия инсон тафаккурини шунчалар бойитиши керакки, одамлар сиёсий ҳаётга ва амалий фаолиятга қодир бўлсинлар» дея таъкидлаб, педагогикага ҳам ўз улушини қўшди. Бу ғоялар абсолютизм ва феодал муносабатлар ҳукмронлигини асослайдиган назариялар устивор бўлган XVII асрда олға сурилган эди.

Аниқ фанлар даҳолари. Янги аср бошларида Европа фанининг қудратли юксалиши учун буюк инглиз олими Исаак Ньютон (1642–1727) ва немис олими Готфрид Вильгельм Лейбниц (1646–1716) пойдевор қўйдилар.

Болалигида Исаак Ньютон юввош, кўзга ташланмайдиган, ҳаёлчан, инжик бола бўлган. Уни мактабга кеч беришган, синфда у қобилиятсиз ўқувчи ҳисобланган. 14 ёшга кирганида илмга қизиқа бошлайди. Шу пайтдан бошлаб илм унинг ҳаётидаги асосий машғулоти бўлиб қолади.

1661 йили Ньютон Кембрижда ўқишни бошлади, кейин шу ерда математика кафедрасини очди. У университетдаги энг ёш профессор эди. Унинг энг муҳим илмий муваффақиятлари шундаки, Ньютон механика ва астрономиянинг назарий асосларини яратди, бутун олам тортишиш қонунини кашф этди, дифференциал ва интеграл ҳисоб асосларини ишлаб чиқди, кўзгули телескопни ихтиро қилди.

1671 йилдаёқ Ньютон шиша линзали энг катта телескоплардан кўра осмон жисмларини анча яхшироқ кўрсатадиган кичкина кўзгули телескопни ясади. Шу тарзда у юлдузлар дунёсини одамларга яқинлаштирди. Фанни ривожлантиришдаги хизматлари учун ҳайратга тушган замондошлари уни 1672 йили Лондон Қироллик жамияти аъзоси этиб сайладилар, 1673 йилдан

унинг президенти бўлди. Металларнинг хусусиятини яхши билганлиги сабаб, 1695 йилдан зарбхона назоратчиси, 1699 йилдан эса директори бўлган. Ньютон ҳали 30 ёшга кирмасдан академик бўлганди. У Париж Фанлар академиясининг хорижий аъзоси этиб сайланди. Илмий муваффақиятлари учун унга дворянлик инъом этилди.

Готфрид Лейбниц математикани «ёкимли эрмак» деб ҳисобларди. У ажиб бир инсон эди – тарих ва сиёсат билан шуғулланарди, дипломат ва сайёҳ, юрист ва педагог ҳам эди. 15 ёшида университет талабаси, 19 ёшида бакалавр унвонига талабгор бўлди. Майнц шаҳрида, князь саройида хизмат қилар экан, у «Инсон тафаккури борасида янги тажрибалар» деб номланган китобини ёзди ва унда «Ойдан қандайдир машиналар ёрдамида» келиб қолган жонзотларнинг ҳукуқи ҳақида фикр юритади. Мисрга экспедиция уюштириш лойиҳаси ҳам Лейбницга тегишлидир. У Париж Фанлар академияси аъзоси этиб сайланган, Пётр I билан хатлар ёзишарди.

Ньютон «буюк» деб атаган олим – Христиан Гюйгенс (1629–1695) ўзининг барча улкан кашфиётларидан амалий фойда излади. У кўплаб телескоплар, шу жумладан, 70 метрликларини ҳам қурди, Сатурннинг сирли ҳалқасини очди, механик планетарий яратди, ёруғликнинг иккиланган синиши ҳодисасини тушунтирди, бошқа планеталар оламини тасвирлади, маятникли соат ясади. У бутун умр физик ва математик изланишлар устида ишлади, инсоннинг оламини англаш уфқларини кенгайтди.

Икки минг йилдан ортиқроқ вақтдан буён римлик врач ва табиатшунос, милoddан аввалги II асрда яшаб ўтган Клавдий Галеннинг меҳнатлари тиббиётда сўзсиз обрў ва ҳурматда эди. Унинг таълимоти, гўёки артерия ва вена қонлари – турли хил суюқлик, «иссиқлик ва ҳаёт»ни фақат артериал қон тарқатади, венаники эса «органларни озиклантиради» деб даъво қиларди.

Бу қарашларнинг ҳукмронлигига Уильям Гарвей (1578–1657) барҳам берди. У илмий физиология ва эмбриологияга асос солди. Унинг кашфиётлари инсон организмнинг тузилиши ҳақида кўп нарсаларни билиб олиш имконини яратди. Ўз даврининг энг илмли кишиларидан бири бўлган Гарвей қирол табиби эди (Яков I ни ва Карл I Стюартни даволаган). У 1607 йилдан умрининг охиригача Қироллик врачлар коллегияси аъзоси, айнаи вақтда Варфоломей касалхонасининг бош врач ва жарроҳи сифатида хизмат кўрсатди.

Уни жуда ёшлигиданоқ табиий фанлар ўзига тортарди. Беш йил у Европа бўйлаб саёхат қилди. Гарвей кўп жойларда машхур профессорларнинг маърузаларини тинглади.

1628 йилда Гарвейнинг «Ҳайвонларнинг юрак ҳаракати ва қони ҳақида анатомик тадқиқотлар» китоби чоп қилинди, мана шу 72 саҳифали рисола Гарвейнинг номини абадийлаштирди.

Гарвей қон айланишининг сирини очди. У биринчи бўлиб ҳайвон танасида қон (одамнинг ҳам) ёпиқ йўл бўйлаб бир хил миқдордаги айланишини исбот қилди. Бу жараёнда юрак асосий роль ўйнашини кўрсатиб, юракдан қон артериялар орқали чиқиб, веналар билан қайтишини аниқлади, юрак ҳар гал қисқарганда чиқадиган қон миқдорини белгилади. Умрининг охириги йилларида ҳайвонларнинг индивидуал ривожланишини ўрганди. Эпигенез назариясини¹ биринчи бўлиб таърифлаб берди.

Европанинг барча тиббиётшунослари Гарвейга қарши чиқдилар, уни тухматлар, ҳақоратли хатлар таъқиб қилди. Гарвей ўз тадқиқотларини тўхтатмади. Уни гўдакнинг ривожланиш муаммолари қизиқтирарди. «Барча тирик – тухумдан», – деб ифодалади у ўз назариясини.

Инсон ҳаётининг икки сири – унинг туғилиши ва юрак ҳамда қоннинг аҳамияти шу тариқа кашф этилди. Ҳаёт Гарвейга кўплаб синовларни юборди: ҳамкасбларининг душманлиги, ҳомийси – Карл I нинг қатл қилиниши, фуқаролар уруши унга кўплаб кулфатлар келтирди. Ниҳоятда қариб қолгандагина унинг хизматлари тан олинди.

Фандаги муваффақиятлар

Олим номи	Асосий кашфиёти
Коперник	Ер ва бошқа барча сайёраларнинг ўз ўқи ва Қуёш атрофида айланишини кашф қилди.
Бруно	Оламнинг чексиз, ўлчамсиз ва абадийлигини асослади.
Галилей	Коперник тизимини илмий асослади, механиканинг дастлабки асосини яратди, Қуёшдаги доғларни ва қатор юлдузларни кашф қилди.

¹ Эпигенез назарияси – (юноча genesis – келиб чиқиш) – эмбриогенезда органлар, дастлаб структурасиз бўлган эмбрион массасидан аста-секин шаклланади деб тушунтирувчи назария.

Лейбниц	Монадлар ҳақида таълимотни яратди, математик анализни бошлади.
Ньютон	Классик механикага асос солди, бутун олам тортишиш қонунини яратди, математик анализни бошлаб берди.
Гарвей	Илмий физиология ва эмбриологияга асос солди. Қон айланишининг сирини очди. Эпигенез назариясини таърифлаб берди.
Локк	Ҳокимиятнинг бўлиниши принципини ишлаб чиқди.

Буғ машинасининг «отаси». Буғ машинаси ихтирочисининг номини айтиш қийин, чунки унинг модели турли даврда ҳар хил мамлакатларда пайдо бўлган. Тугилаётган саноатга содда, арзон ва қувватли двигатель зарур эди. Шунинг учун Жеймс Уаттнинг (1736–1819) кашфиёти нафақат буюк, балки узоқ кутилган ҳам эди.

Жеймс Уатт Шотландиянинг Гринюк шаҳридаги обрўли хонадонда нимжон ва касалманд бола бўлиб ўсди. Унинг бобоси математика ва денгизчилик санъати ўқитувчиси, отаси эса омадли тadbиркор эди. Жеймснинг математикага қобилияти 13 ёшида намоён бўлди. 1784 йили Уатт универсал буғ двигателига патент олди.

Тақдир Ж. Уаттга ақлли ва уддабурон шерикни рўпара қилди. Унинг иши билан йирик саноатчи, ихтиросини биринчи бўлиб баҳолаган Мэттью Болтон (1712–1809) қизиқиб қолди. Яхши таъминланган устахоналарда юксак малакали ишчилар томонидан янги машиналар ясаладиган Болтоннинг заводларида ихтирочининг ғояси текшириб кўрилди.

Ўзининг саноат лидери бўлишида ва «дунё устахонаси» деб ном олишида Англия кўп жихатдан Болтон ва Уатт компаниясидан миннатдор бўлмоғи лозим. Уатт ҳаётининг сўнгида кўп саёҳат қилди, Шотландиядаги қадрдон ерларни бориб кўрди, ёш ихтирочиларга ўз маслаҳатлари билан ёрдам берди.

* * *

XVI–XVIII асрлар янги даврнинг бошланиши, фаннинг қизгин ривожланиш даври бўлди. Инсоннинг эркинлик, бахт, ўз қобилиятини намоён қилиш ва ривожлантириш, муносиб маънавий ва маиший ҳаёт кечириш ҳуқуқи ғоялари пайдо бўлди. Айнан шу даврда Англия буржуа инқилоби, Шимолий Америкада

мустақиллик учун кураш ва айниқса Буюк француз инқилоби жараёнида пайдо бўлган кишиларнинг озодлик ва тенглик ғоялари яна узок вақт кўплаб халқлар курашининг мазмунига айланиб қолди.

III боб бўйича саволлар

1. Европада Уйғониш (Ренессанс) жараённинг бошланишига нималар сабаб бўлди?
2. Европа Уйғониши даврида Осиёда маданият ва фаннинг ривожланиш даражаси қандай эди?
3. Уйғониш даври Европа санъати ва адабиётида қандай йўналиш ва оқимлар устивор эди?
4. Уйғониш даври Европа санъатида инсон мавзуининг моҳияти нимада?
5. Уйғониш даври фан тараққиётида қандай ўзгаришлар юз берди?
6. Европада табиий фанлар ривожланишининг иқтисодий тараққиётга таъсири қандай бўлди?
7. Гуманистик ғоялар кейинчалик Европа жамиятидаги қандай ўзгаришларга асос бўлди?
8. Янги техник ихтиролар ишлаб чиқаришни ташкил қилишда қандай ўзгаришларга олиб келди?

IV БОБ. XVI–XVII АСРЛАРДА ҚИРОЛЛИК ҲОКИМИЯТИНИНГ КУЧАЙИШИ. АБСОЛЮТИЗМ

*Абсолютизм*¹. «Худонинг иродаси шулким, ҳар қандай қарам бўлиб туғилган ўйлаб ўтирмасдан бўйсунмоғи лозим». Бу жумла XVI–XVII асрлардаги сиёсий ҳокимиятнинг мазмунини ифодалайди.

Абсолютизм – шундай бошқарув шаклики, унда олий ҳокимият ҳеч чекланмаган ҳолда бир кишига – монархга тегишлидир. Барча-барчага қарши жанг қилган феодал тарқоқлик даврини эсланг. Ўзаро урушлар Европа давлатлари аҳолисига, биринчи навбатда, ҳеч қандай ҳимояга эга бўлмаган деҳқонларга қанчалар кулфат келтиргани маълум.

Абсолютизм даврини қандай баҳоламоқ керак? Келинг, бу саволни давлат манфаатлари ва «оддий одам» – деҳқон, хунарманд, ёлланма ишчи, буржуа ва бошқалар нуқтаи назаридан кўриб чиқайлик.

¹ Абсолютизм, абсолют монархия атамалари билан бирга Ғарбда «янги», «ренессанс», «шахсий» монархия атамалари ҳам кенг тарқалган.

Абсолютизм даврида чекка ҳудудларнинг қўшиб олинishi давом этади, эски феодал аслзодаларнинг ўз мустақиллигини сақлаб қолишга уринишларига барҳам берилади. Масалан, Францияда юз йиллик уруш тугагандан кейин Нормандия, Бургундия ва бошқалар уларнинг мустақиллигини таъминлайдиган эски ҳуқуқларидан айрилдилар ва киро́л ҳокимиятига бўйсундирилди.

Англияда Генрих VIII Тюдор (1491–1547) ҳали ҳам баъзи бир мустақиллигини сақлаб қолган айрим шимолий графликлар ва Уэльсга қарши юриш қилди, уларни Лондонга бўйсундирди. Бу ҳудудларни бошқариш учун махсус давлат органлари – Шимол Кенгаши ва Уэльс Кенгаши тузилди.

Абсолютизм ўз давлати чегарасида «барча-барчага қарши» деб номланган, мамлакатнинг барча аҳолисига бахтсизлик келтирган, вайронали урушларни тўхтатишга қодир бўлди. Йорклар билан Ланкастерлар ўртасидаги ўзаро жанглар каби қонли воқеаларнинг такрорланмаслиги учун Тюдорлар сулоласидан чиққан янги қиро́ллар феодал қўшинларни тарқатиб юборди, кўзғолон қилаётган феодалларнинг кўргонларини ер билан яксон қилди, бўйсунмаган аслзодалар исёнларини бостирди. Исёнчиларнинг ерлари тортиб олинди ва қиро́ллик мулкига қўшилди. Қалъа деворлари, тупроқ кўргонлар ва сув билан тўлдирилган чуқур хандақлар ҳам шаҳарларга ўз эркинлигини сақлаб қолишда ёрдам бера олмадилар. Уларнинг ҳам ҳуқуқлари анчагина чеклаб қўйилди.

Абсолютизм даврида тоифавий-вакиллик органлари (инглиз парламенти, испан кортеслари, Франциядаги Генерал Штатлар) ўзларининг аввалги аҳамиятини йўқотади. Монархларнинг асосий орзуси – улардан бутунлай қутулиш эди. Вакиллик органларини йўқ қилишнинг иложи бўлмаганлиги сабабли монархлар уларнинг аҳамиятини камайтирадиган ҳар хил йўллари ихтиро қиладилар.

Англияда Тюдорлар парламент билан ҳисоблашишга мажбур эди. Қадимий одатга кўра инглиз қиро́ллари парламентнинг розилигисиз солиқ йиғиш ҳуқуқига эга эмасди. Парламент билан муносабатда Тюдорлар ўзларининг уста дипломат эканликларини кўрсатдилар. Генрих VIII ҳукмронлик қилган 37 йил давомида парламент 21 марта тўпланди. Черковни ислоҳ қилиш учун кураш бошлаган Генрих VIII ўз режасини амалга оширишда парламентдан яхши фойдаланди.

XVII аср бошларида Англияда Стюартлар (шотландияликлар) ҳукмронлик қила бошладилар. Қиро́л ва парламент ўртасида зид-

дият кучайиб борди. Янги сулоланинг биринчи қироли Яков I Стюарт (1566–1625) ўзининг парламентга нафратини очикдан-очик намойиш қилди. «Тушуна олмайман, – деди у бир куни испан элчисига, – менинг аждодларим қандай қилиб бунақа ташкилотга йўл қўйди экан. Мен нимадан қутула олмаётган бўлсам, ўша билан келишишга мажбурман». Аммо инглиз қироллари «вето» ҳуқуқига эга эди ва парламентнинг ҳар қандай қарорини тақиқлай оларди.

Ўзининг биринчи парламентини 1604 йилда тўплаган Яков I унга нутқ билан мурожаат қилди: «Менинг қиёфамда худо сизларга ўз июнатини юборган. Мен эрман, бутун орол эса менинг қонуний хотиним. Мен бошман, орол эса менинг танам, мен подачи, орол аҳолиси эса менинг подам».

Таркибини монарх белгилайдиган махфий кенгаш марказий маъмурий ва ижро органи бўлиб қолди. XVI асрдаёқ у давлат сиёсатининг ички ва ташқи йўналишларини белгиловчи, молия ва мудофаа масалалари билан шуғулланувчи доимий ишлайдиган ижро органига айланганди.

Францияда мутлақ монархия XVI асрда шакллана бошлади. Валуа сулоласидан бўлган қирол Франциск I (1515–1547) ўз ҳуқуқларига ва ўз ҳукмронлигининг чекланмаганлигига шунчалар ишонар эдики, бирон марта ҳам Генерал Штатларни чақирмади. У ўз буйруқларида: «Менинг иродам шундай», деб ёзар ва янги қонунни тасдиқлашга шу етарли деб ҳисобларди, «чунки биз шуни хоҳлаймиз», – дерди у.

Инглиз парламентида фарқли равишда Франциянинг Генерал Штатлари доимий ишловчи органга айланмади. Улар жуда камдан-кам, кучли зарурат туғилгандагина чақирилар эди. 1614 йилдан бошлаб бутун XVII аср давомида Генерал Штатлар бирор марта ҳам тўпланмади.

Суд тизими. Суд тизимининг ташкил қилиниши ҳам абсолютизмни мустаҳкамлашга хизмат қилди. Англияда суд ишларининг катта қисми қироллик судлари ихтиёрига ўтказилар, бу эса жойлардаги зодагонларнинг мустақиллигига путур етказарди. Қироллик судлари иккита эди – Қироллик суди ва Умумий судлар. Исёнкор асл-зодалар билан курашиш учун ҳали биринчи Тюдорлар томониданок «Юлдуз палатаси» тузилган бўлиб, у Англиядаги барча судлов тизимини кузатиб борар эди.

Давлат хизматчилари Англияда унча кўп эмас, 1000 кишидан 1500 кишигача эди. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам қиролдан маош олмасди. Қолганларига илтимос қилиб келувчилардан пул олишга рухсат берилган, демак амалдорларни халқнинг ўзи боқарди.

Францияда амалдорлар анча кўп – XVI асрда 8 минг ва XVII асрда 46 минг киши мансабдор эди. Мансаблар мерос бўлиб ўтар, шунингдек, сотилар ҳам эди. Одамнинг шахсий фазилатлари бундай тартибда ҳал қилувчи роль ўйнамас, ҳаммаси пул бор ёки йўқлигига боғлиқ эди. Бу ерда ҳам Англиядаги каби амалдан келадиган асосий даромад ойлик маош эмас, халқнинг амалдор хизмати учун берадиган ҳақи эди.

Жамият ҳаётининг ҳамма жабҳалари монарх назорати остида турарди. Маҳаллий ҳокимият устидан ҳам кучли назорат ўрнатилган эди. Англияда қирол тайинлайдиган амалдорлардан ташқари сайланадиган лавозимлар ҳам бор эди. Халқ судьялари алоҳида имтиёздан фойдаланишарди. Графликларни бошқаришда асосий роль уларга тегишли эди, улар графлик зодагонлари мажлисларида «энг ҳурматли ва муносиб рицарлар» орасидан сайланарди. Аммо бунақа мустақиллик одатда юзаки бўларди, чунки ҳукумат сайловларни диққат билан кузатиб борар ва маъқул бўлмаган номзод бу мансабга умуман ўта олмасди. Шундай ҳам бўлардики, Махфий Кенгаш кимни сайлаш кераклиги тўғридан-тўғри кўрсатилган хатларни графликларга жўнатар эди.

Халқ судьялари орасида қадимги, олийнасаб аслзодаларнинг ҳам, янги зодагонларнинг ҳам вакиллари бўларди. Халқ судьяларини тахтнинг «кўзи ва қулоғи» деб аташарди. Улар фақат суд жараёнларини олиб боришларигина эмас, фитналарни фош қилиш, деҳқонлар ва паст табақадаги шахарликлар исёнларини бостириши, солиқларни йиғиши, дайдиларни таъқиб қилиш, камбағалларга ёрдам бериш учун пул йиғишни ташкил қилиш ва ҳоказоларни ҳам бажаришлари керак эди. Бундан аёнки, халқ судьяларининг роли жуда катта бўлган.

Францияда ҳам Англиядаги каби ҳукумат бошлиғи бутун ҳокимиятга тўлиқ эга бўлган қирол саналарди. Унинг қошида ҳукумат ҳисобланмиш кенгаш бор эди. Қиролнинг ўзи кенгаш аъзоларини тайинлар ва барча масалаларни ўзи ҳал қиларди. Ҳукумат аъзолари олийнасаб шахзодалар, олий руҳонийлар, молиячилар, юристлардан иборат бўларди. Амалда мамлакатда қиролнинг шахсий ҳукмронлиги

ўрнатилган эди. Жойларда, чекка ўлкаларда ҳокимиятни губернаторлар бошқарар, лекин уларни ҳам олий табақа вакилларидан қиролнинг ўзи тайинларди. Ҳаммадан кўра Францияда қироллик ҳокимиятига парламентлар халақит берарди. Жойлардаги олий суд органлари устидан шикоят килиш ҳуқуқи айнан ўша парламентларга берилган эди. Бундай парламентлар мамлакатда 17 та (XVII асрда) ва Париж парламенти энг катта таъсирга эга бўлиб, унинг фаолияти мамлакат ҳудудининг учдан бир қисмига тарқаларди.

Парламентлар фақат суд эмас, балки баъзи бир сиёсий ҳуқуқларга ҳам эга эдилар. Париж парламенти агар қирол жуда ёш бўлса, регентни (давлатнинг вақтинча ҳукмдорини) тайинларди, қиролнинг шартнома ва буйруқларини кўриб чиқар ва шу каби бошқа ишлар билан ҳам шуғулланарди. Париж парламенти билан Людовик XIV (1638–1715) анча кескин муносабатда эди. Унинг: «Сиз, давлат – бу бизлар, деб ўйладингизми? Давлат бу – мен», – деган машҳур ибораси ҳам Париж парламентига қарага айтилганди. Кейинроқ у парламентдан бир қатор ҳуқуқларни олиб қўйди ва кўпгина парламент аъзоларини сургунга жўнатди. Бу ҳақда 1652 йили эълон қилинган «Қирол декларацияси»да шундай дейилади: «Биз ҳозир ва бундан кейин Париждаги бизнинг парламент палатамизни ташкил қилувчи шахсларга давлат ҳаётининг умумий масалалари ва бизнинг молиямизни бошқариш масалаларини кўриб чиқишни, шунингдек, ниманидир кўрсатма беришни ва биз кимга бошқаришни топширган бўлсак, ўшаларга нима биландир мурожаат қилишни қатъиян тақиқлаймиз, номи кўрсатилган палата бизнинг ушбу буйруғимизга қарши шу пайтгача қандай қарор қабул қилган бўлса, барчасини куч ва аҳамиятини йўқотган деб эълон қиламиз ва бизнинг барча аҳолимиз ҳам у қарорларга ҳеч қанақа эътибор бермасликларини талаб қиламиз».

XVI асрда абсолютизмнинг зарурлигини асословчи таълимот шакллана бошлади. Қирол ҳукмронлиги келиб чиқиши жиҳатидан илоҳий эканлиги овоза қилинди. Диний таълимотга дунёвий таълимот ҳам қўшилди. XVI–XVII асрларда Францияда давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги фан анча ривожланган эди. Унинг асосий қоидаларидан бири, барча олий қонуний ҳокимият монархнинг қўлида мужассамланиши лозимлиги ҳақидаги қоидадир.

XVI–XVII асрларда қирол саройидаги ҳаёт қатъий тартибга солинганлиги ҳам қирол нуфузининг ошишига ёрдам берди. Фран-

цияда XVII аср ўрталарида олий насаб оилаларнинг қарийб бир ярим минг вакили сарой хизматида эдилар. Сарой ҳаёти асосининг мазмунини қирол шахсини илоҳийлаштиришдан иборат бўлган ахлоқ ташкил қилади.

Людовик XIV даврида қирол қароргоҳи Версалга кўчирилди. Людовик Парижда – бу ифлос, шовқин-суронли, тор ва кийшиқ кўчалари бўлган, чидаб бўлмас даражада сасиб ётган, халқи эса аллақачон баррикадалар куришни ўрганиб олган ўжар шаҳарда яшашни хоҳламади.

Кечаю кундуз Париждан Версалга минглаб одамлар ва юзлаб от қўшилган файтонлар, ун, гўшт, кўкат, балиқ ортилган аравалар ҳаракатланарди. Аелзодаларнинг файтонлари жуда тез чопишарди, улар почта имтиёзига эга эдилар – ўз вақтида четга чикмаган бечораларни жазосиз босиб кета олишарди.

Версаль кишида ажойиб таассурот қолдирарди. Улкан бинолар, катта майдонлар ва боғлар – буларнинг ҳаммаси француз қиролининг буюклигига ишора эди. Ҳатто боғдаги ҳайкаллар ҳам унинг буюклигини эслатиб турмоғи лозим – Юпитер ҳайкали ҳам Людовик XIVнинг ўзига ўхшатиб ясалган эди.

Ҳар куни саройда бўладиган спектаклларда барча «қиролни ўйнамоғи» керак эди. Людовик XIV ҳафтасига икки-уч марта овга чиқарди. Ов бўлмаган кунлари кечкурун саройда маскарадлар, концертлар, қарта ўйини ташкил қилинарди. Бундай ҳаёт тарзи қиролга айёр ва хавфли аслзодалар вакилларининг «қўл остида», «кўз ўнгида» бўлишини таъминларди.

1715 йили 72 йил тахтда ўтирган Людовик XIV вафот этди. Уни замондошлари «Қирол – Қуёш», буюк деб аташган. Шу куни Қуёш сўнди, буюклик ҳам кетди. Унинг узок йиллик фаолиятига кўмиш маросимида сўзлаган руҳоний битта жумла билан якун ясади:

– Фақат Худо буюк!

Бу сўзлар фоний дунёнинг буюклик даъво қилаётган барча хукмдорларига қарата айтилганга ўхшайди.

Қирол ва черков. Абсолютизм XVII асрнинг иккинчи ярмида Францияда энг ривожланган шаклга кирди. Барча Европа монархлари Людовик XIV га тақлид қилишга уринишар эди. Мутлақ монархлар хукмронлиги шунчалар кучли эдики, улардан баъзилари ҳатто черков ва монастир мулкига кўз олайтиришни ҳам ўзларига эп кўрдилар, черков ташкилотларини бўйсундиришга ҳаракат

қилдилар. Рим папасига «қўлқопни ташлаш»¹га журъат қилган биринчи монарх Англия қироли Генрих VIII бўлди.

Баъзи бир европалик монархлар, аксинча, папа уларнинг ҳам ҳокимиятини мустаҳкамлайди, деб ҳисоблаб, католик динини мустаҳкамлаш учун курашардилар. Улар мамлакатда ўзбошимчалик авж олишидан, ички низолардан қўрқишарди.

Германия ва Италияда XVI асрда ҳали марказлашган давлат ташкил бўлмаган эди. Бу ерларда кичик, бир-бири билан доимий жанг қилаётган давлатлар бўлиб, уларда чекланмаган ёки қарийб чекланмаган ҳокимият монархлар қўлида эди. Бу давлатлар расмангина «Муқаддас Рим империяси»га бўйсунарди. Венеция, тоғли Швейцарияда ва Нидерландияда республика тузуми мавжуд эди.

Абсолютизм ва шахс. Давлат, одатда қироллик ҳокимияти мустаҳкамланишидан манфаатдор. Оддий одам уруш ва ўзаро киргинлардан камроқ жабр кўради. Лекин бундай давлатда инсон шахсий ҳуқуқларга эга бўлмайди. Буни ҳаёт «Битта монарх, битта қонун, битта дин» принципи бўйича ривожланган Франция мисолида яққол кўриш мумкин.

Ўша пайтлар амалда бўлган қонунларга кўра тенгсизлик, жинс, миллат, дин, касб-хунар, жамиятдаги ўрни каби белгиларда мавжуд эди. Хотин-қизларнинг аҳволи оғир, уларнинг шахсий ҳуқуқлари деярли йўқ эди. Масалан, улар отаси ва ака-укаларига кулоқ солиши, эрга теккач эса эрнинг ҳукмронлиги остида қолиши керак эди. Аёллар ўз мулкларига хўжайинлик қила олмас эди. Болалар ҳам ҳуқуқсиз саналарди.

Оилада отанинг ҳуқуқи катта эди. Ота болаларининг мулкига ва даромадига улар билан бирга яшаган пайтлари тўла хўжайинлик қиларди. Француз қонунларига кўра ота ўғилларини қаматиши, жазолаши мумкин эди. Фақат судьянинг олдига боришга эринмаслик ва ўғлини «тузатишга олишлари»ни сўраш кифоя эди, холос. Қонуннинг ана шу моддаси бўйича қамокхоналарда ўттиз яшар ўғилларни, уларнинг орасида руҳонийларни ҳам учратиш мумкин эди. Отанинг иродаси оилада қонун ҳисобланарди.

Диний мансублик асосида ҳам тенгсизлик мавжуд эди. Людовик XIII (1601–1643) Францияни католиклар мамлакати деб эълон

¹ «Қўлқопни ташлаш» – Ўрта аср рицарларида бир-бирини дуэлга чақириш усули. Қўлқопни юзга отиш дуэлга чақириш учун етарли асос ҳисобланган. Бу ерда қарши чиқиш маъносида келтирилган.

қилган, демак, бошқа динлар мавжуд эмас, деган хулоса чиқарди. Бундай шароитда протестантлар, яҳудийлар ўртасидаги никоҳлар ҳам ҳақиқий эмасдек бўлиб қолади, чунки давлат фақат католик руҳонийлари ўтказган никоҳ ва чўқинтиришларнигина тан олади.

Миллий тенгсизлик ҳам Европага кўп кулфатлар келтирди. Айниқса, яҳудийларнинг аҳволи оғир эди. Масалан, Элъзасда никоҳдан ўтиш учун улар шахсан қиролнинг рухсатини олишлари керак эди. Уларга ер сотиб олиш тақиқланганди, агар улар ерни ижарага олсалар, унга ишлов беришда христиан хизматкорлардан фойдаланмасликлари шарт эди. Яҳудийларни атайлаб улар савдо фаолияти ва банк ишлари билан шуғуллансинлар деб, яъни даллоликка ундаб, ердан қувиб чиқаришган. Ижтимоий тенгсизлик мавжуд эди, унда зодагонлар ва руҳонийлар имтиёзларга эга бўлиб, қолган аҳоли эса ундан маҳрум эди.

* * *

Янги давр аниқ миллий чегараларга ва битта ҳукмрон динга (монархнинг динига), битта «ерли» миллатга эга бўлган мустаҳкам абсолютлик давлатлар мавжудлиги билан характерланади. Ўз давлати доирасида абсолютизм аҳолининг барча қатламларига азобуқубат келтирувчи «барча-барчага қарши» деб ном олган вайрон қилувчи урушларни тўхтатиш имкониятини яратди.

IV боб бўйича саволлар

1. Абсолютизм қандай бошқариш шакли эди?
2. Давлат бошқарувининг яна қандай шакллари биласиз?
3. XVI–XVII асрларда Европада абсолютизмнинг кучайиши жамиятда қандай ижобий ҳодисаларга олиб келди?
4. Абсолютизм даврида Европада черковнинг роли қандай эди?
5. Абсолютизм шароитида давлат ва шахс муносабатлари қандай принципларга асосланган эди?
6. Абсолютизм шароитида кишиларнинг шахсий ҳаётига давлатнинг аралашуви қай тарзда юз беради?
7. Англия ва Францияда қирол билан табақавий вакиллик органи ўртасидаги муносабатларда қандай ўхшашлик ва фарқлар бор эди?
8. Францияда ўша пайтдаги қонунларга кўра кишилар ўртасидаги тенгсизлик қандай белгиларга кўра мавжуд эди?

У БО Б. РЕФОРМАЦИЯ ВА ЕВРОПАДА АБСОЛЮТИЗМНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИ

Германияда Реформациянинг бошланиши

XVI аср ва XVII асрнинг биринчи ярми Европада Реформация¹ черковни қайта қуриш учун кураш байроги остида ўтди. Бу ҳаракат барча Европа мамлакатларини, жамиятнинг барча қатламларини қамраб олади.

XVI аср бошларида католик черкови. Ҳар бир диндорнинг орзуси худонинг ердаги жонли мужассаами ҳисобланмиш Рим папаси яшаётган муқаддас шаҳар – Римни кўриш эди.

Юз минглаб кишилар барча Европа мамлакатларидан ва жамиятнинг барча қатламларидан ўз орзуларига етиш учун йироқ Италияга, Римга зиёратга жўнашарди. Аммо кўпинча бу зиёрат диндорларнинг ҳафсаласини пир қилар эди.

Тунаш учун деҳқонларнинг уйларида ёки йўл ёқасидаги меҳмонхоналарда тўхтар эканлар, зиёратчилар папа ва кардиналлар яшаётган ҳашаматли уйларни, уларнинг очкўзлиги, худонинг хизматкорларига сира ҳам мос келмайдиган ҳаёт тарзини афсус ва надоматлар ила ғазаб билан бир-бирларига айтишарди.

Папанинг қудрати фақат унинг худога чуқур ва сидқидилдан ишончи билангина эмас, черковнинг бойлиги билан ҳам изоҳланарди.

Оддий деҳқондан тортиб то қудратли князгача ҳамма ўз даромадларининг ўндан бирини черковга беришлари керак эди. Папа хазинасига олий диний лавозимлар – епископ ва аббатларни тайинлаш ҳам катта фойда келтирарди. Папа амалдорларининг сон-саноксиз армияси ҳаёсизларча юлгичлик билан шуғулланишарди. Папа амалдорларига пора бермасдан папалик идораларида бирорта ҳам ҳужжатни олиб бўлмасди. Қимматбаҳо совгаларсиз Римга бориб ўтирмасдилар – порани фақат кардиналлар эмас, папанинг ўзи ҳам оларди.

Шу даврда айниқса индульгенциялар – гуноҳлардан кечиш ҳақидаги папа ёрлиқлари билан савдо қилиш кенг тарқалади. Черков фақат содир этилган гуноҳнигина эмас, қилинажаги мумкин бўлганини ҳам кечирар эди!

¹ *Реформация* – XV асрда Германияда пайдо бўлган ва Европанинг кўплаб мамлакатларига ёйилган, католик черкови таълимотига ўзгариш киритиш ташаббуси остида ўтган ижтимоий ҳаракат.

XVI асрда индульгенцияларни сотиш католик мамлакатларда бутунлай хаёсиз характерга эга бўлди. Уларни ҳар бир бурчакда сотишарди, айниқса монахлар бу иш билан фаол шуғулланишарди. Халқ тўпланган ҳамма жойда уларга индульгенцияларни сотиб олишни, «ўз номига тўлдириш ва қиёмат кунда руҳини қутқариш»ни таклиф қилишарди.

XVI аср бошларида католик руҳонийлари ва Рим папасидан норозилик аҳолининг кенг қатламларини қамраб олди. Князлар ўз ишларига руҳонийларнинг аралашаётганидан (улар ҳам черков ерларидан бир қисмини ўзиники қилиб олишга йўқ дейишмасди), шаҳарликлар – шаҳар ҳудудида жойлашган монастирларнинг юлғичлигидан, деҳқонлар – черков мулкларининг кўпайиб бораётганидан ва катта диний солиқлардан норози эдилар.

Католик черковининг сиёсати, айниқса, тарқоқ Германияда кучли норозилик уйғотарди, чунки баъзи бир ерларга руҳоний ҳукмдорлар бошчилик қилар ва, масалан, Франциядаги каби ўз фуқароларини ҳимоя қила оладиган кучли императорлик ҳокимияти йўқ эди.

Марказлашган давлат ва марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш йўлидан кетган давлатларда Рим папасининг даъволари қироллик ҳокимияти томонидан кучли қаршиликка учради. Тарқоқликни бошдан кечираётган Германияда эса папа ҳамон катта ҳокимият даъво қилаётган эди. Тўғри, баъзи бир немис князлари ҳали XVI асрдаёқ ўрта бўғин руҳонийларни ўз ҳокимиятига бўйсундирган эди. Ҳатто князлардан бири ўз ерида ўзи папа эканлигини ҳам айтган. Бирок асосий ҳудудларда руҳонийлар анчагина катта дунёвий ҳокимиятга ҳам эга эдилар. Немис ерларидан жуда катта миқдордаги пуллар руҳоний – князлар ва турли хилдаги солиқ йиғувчилар орқали папа хазинасига тушаётган эди. Шу каби сабабларга кўра Германия Реформациянинг ватани бўлиб қолди. Уни князларнинг бир қисми, шаҳарликлар, деҳқонлар қўллаб-қувватларди.

Европада Реформациянинг ривожланишига Мартин Лютернинг (1483–1546) таълимоти катта таъсир қилди. М. Лютер Саксониянинг Эйслебен шаҳрида – мис саноатининг ўша пайтдаги йирик марказларидан бирида тугилган. Унинг отаси ўзига тўқ тадбиркор – мис эритиш корхонаси ва мис конларининг эгаси эди. Кон ишларини бошқариш князларга тегишли бўлиб, олинган анчагина қисм мис ҳам князларга бериларди. Бу ҳол кон ишлари билан шуғулланувчи

ўртаҳол бюргерларнинг доимий норозилигига сабаб бўларди. Шундай қилиб, Лютер ўзининг ҳолатидан норози бўлган, католик руҳонийларига нисбатан муҳолифат кайфияти шаклланган бюргерлар доирасида улғайди.

18 ёшида Лютер Эрфурт университетига ўқишга кирди. Бу ерда у гуманистларнинг радикал тўғараги аъзолари билан танишди ва бир қанча вақт улар таъсири остида бўлди. Бироқ университетни тамомлагандан сўнг Лютер августичилар монастирига хизматга кирди ва унинг дунёқараши шу ерда тўлиқ шаклланди. Монахлар ордени уни Саксониянинг Виттенберг шаҳрида ташкил қилинган университетга дарс бериш учун юборди. Лютер тез орада илоҳиёт доктори илмий даражасини олди.

Реформация учун кураш қандай бошланди? Лютер билан Рим ўртасида ажралиш қандай рўй берди?

1517 йилнинг 31 октябрида Мартин Лютер черков эшигига бир неча варақ қоғозни ёпиштириб қўйди. Бу машҳур «95 тезис» – индულгенцияларни сотишга қарши эътирозлар эди. Аслида фақат илмий мунозара учун мўлжалланган ушбу тезислар лотинчадан немис тилига таржима қилиниб, бутун Германияни тўлқинлантириб юборди. Кенг муҳокамалар давомида Лютернинг қарашлари ва позицияси аниқ бўлиб борди.

1520 йил 15 июнда папа Лев X (1475–1521) Лютерни черковдан ҳайдашга таҳдид қилувчи булла¹ эълон қилди. Папа вакиллари булла матнини Германия бўйлаб тарқатиб, Лютер асарларини ёқишни ташкил қилди. Бунга жавобан Лютер ўз талабалари ёрдамида черков китоблари ва булла матнини ёқади. 1521 йил бошида Лютер ва унинг тарафдорлари черковдан ҳайдалди.

Лютер Рим судига боришдан бош тортди ва 1521 йилда уни Вормс шаҳридаги императорлик судига чақиришди. Бундан икки йил олдин – 1519 йили немис князлари Муқаддас Рим империясининг императори қилиб, буюк католик қироллар Фердинанд ва Изабеллаларнинг набираси испан қироли Карл I (1500–1558)ни сайлашган эди.

Янги император энди Карл V деб аталарди. Испания ҳақида, «бу – қуёши ҳеч қачон ботмайдиган империя», дейишарди. Ўз бошида бир неча тожларни йиққан Карл V Испания, Нидерландия,

¹ Булла – Рим папаси томонидан қабул қилинадиган алоҳида муҳим қарорлар шундай аталади.

немис ерлари, Неаполь ва Сицилия, Янги Дунё мустамлакаларига хукмронлик қиларди.

Карл V ҳақида уни «ватани йўқ қирол» дейишарди. Нидерландияда туғилиб, у ерда 17 ёшгача яшади. Ўсмирлигида Карл ҳар томонлама маълумот олди, фламанд, испан, немис, француз ва италян тилларини биларди. Карл V чиройли ва келишган қоматли киши эди. У ишда чарчамас, ўз мақсадига етишишда тиришқоқ, ҳар қандай тўсиқларни енга оларди. Бироқ ўз характерининг дадиллигига қарамасдан у камгап, ўжар ва муғомбир ҳам эди. Карл V дунё христианларининг католик мамлакатини тузишни орзу қиларди.

Лютернинг дўстлари, унинг ҳаёти учун хавотирланиб, Вормсга бормасликни маслаҳат берадилар. «Мендан ҳамма нарсани кутинглар, фақат қочишни ва воз кечишни эмас. Мен қочмайман ва энг сўнгги кунимгача тан оладиганим, ўз таълимотимдан воз кечмайман!», – бу жасур инсон ўз тарафдорларига ана шундай жавоб берди.

Вормсга борадиган йўлда унга тантанали учрашувлар уюштирилди, кўплаб халқ тўпланди ва у ўз дуоларини ўқиди. Вормс сейми унинг учун энг шарафли онлар бўлиб қолди. Шаҳар кўчалари ва майдонларини халқ оқими тўлдириб юборди.

Император Лютердан ўз таълимотидан воз кечишни талаб қилди, лекин у папага бўйсунушдан ва индульгенцияларнинг сотилишини маъқуллашдан бош тортди. Йиғилганларга мурожаат қилиб, Лютер ўзининг машҳур сўзларини айтди: «Мен шу сўзимда турибман. Ва бошқача бўла олмайман. Худо менга кўмаклашади. Омин». Унинг нутқи давомида залдан маъқуллаган хитоблар эшитилиб турди.

Суддан кейин кўпчилик Лютерни ҳам Ян Гуснинг (1369–1415) тақдири кутаяпти, деб ўйлаганди. Аммо Саксония курфюрсти Фридрих III Донишманд (1463–1525) унинг қочишига ёрдам берди, Лютерни ўз қасрларидан бирига яшириб қўйди. У ерда Лютер рицарь Георг номи билан яшади ҳамда Инжил ва бошқа диний ёзувларни немис тилига таржима қилди.

У қасрда яшар экан, бу вақтда Виттенбург ва бошқа ерларда католицизмнинг қулаши бошланди. Реформация бошланди. Германия йўллари бўйлаб халқни фақат Рим папалари эмас, балки дунёвий князлар ҳокимиятини ағдариб ташлашга чорловчи саёқ жарчилар изғиб юришарди.

Лютер бу чақирикларни қабул қила олмас эди. У ўз тарафдорларига кескин қарши чиқди ва князларни черков устидан ўз хукмронликларини ўрнатишга чақирди. М. Лютернинг 1525 йил май ойида «Босқинчи ва қароқчи деҳқон тўдаларига қарши» нутқида шундай дейилади: «Бу деҳқонлар мана уч йилдирки худого ва одамларга қарши даҳшатли гуноҳларни ўзларига олишибди, шунинг учун ҳам улар бир неча карра ҳам жисмонан, ҳам маънан ўлимга лойиқдирлар.

Биринчидан, улар ўз хўжайинларига содиқликка ва вафодорликка, итоаткор бўлишга қасам ичганлар. Иккинчидан, улар кўзголон қилишар экан, ўзларига тегишли бўлмаган монастыр ва қасрларни шаккоқларча талон-торож қилар ва ўғирлаб кетишар экан, улар йўллардаги қароқчи ва қотиллар мисоли фақат шунинг ўзи учунок икки карра тана ва рух ўлимига маҳкумдирлар. Қилмиши тасдиғини топган ҳар қандай исёнкор худо ва император қаҳрига учрадики, ундай одамни бошқалардан олдин янчиб ташлаган ҳар қандай киши адолатли ва яхши иш қилган бўлади... Чунки исён шунчаки қотиллик эмас, мамлакатни алангага ташлайдиган ва вайронага айлантирадиган улкан ёнғинга қиёсдир... Шунинг учун ҳам, деҳқонларни кимнинг қўлидан келса, ўша уриши, бўғиши, санчиши керак, бу ишни ошкора ёки махфий қилиши мумкин ва ёдда сақлаши керакки, исёнкордан кўра заҳарлироқ, зарарлироқ, шайтонроқ ҳеч нарса бўлиши мумкин эмас. Уни худди қутурган итдек ўлдириш керак...»

Лютеран черкови ва Лютер таълимоти. Лютер таълимотининг асосий моҳияти шундаки, инсон «қалбини қутқариш»га, «гуноҳлардан фориғ бўлиш»га черков ва унинг маросимлари орқали эмас, инсонга худо томонидан инъом этилган эътиқод орқалигина эришиш мумкин. У инсон эътиқодини унинг худо билан алоқасидаги ягона восита деб билади. Бу билан Лютер руҳонийларнинг жамиятдаги имтиёзли ҳолатини инкор этади ва князлар ҳамда бюргерларнинг умумий хоҳиш иродасини ифода этади.

Католик черковининг таълимотига қарама-қарши ўлароқ, Лютер черков ва руҳонийлар инсон билан худо ўртасида воситачилик қила олмайди, деб эълон қилди. Рим черковининг одамлар «гуноҳларини кечириш»га бўлган даъвосини эса тўғридан-тўғри ёлғон деб атади. Бу, албатта черковнинг мутлақо кераги йўқ, дегани эмас, у бошқача бўлиши керак, холос. Руҳонийлар диндорларга Инжилни тушунтирсинлар, уларга муқаддас китобларни ўқишни ўргатсинлар.

Лютер руҳонийлар ҳам уйлана олишлари, одатдаги кийимларни кийиши, оддий одамлар қандай бўлса, шундай бўлиши керак, деб ҳисобларди. Черков ҳам «арзон» бўлиши керак – узоқ чўзиладиган маросимлардан озод бўлиши, руҳонийларнинг қимматбаҳо кийимидан, бой ички безаклардан воз кечмоги керак. Лютеран черкови эса дунёвий ҳокимларга – князлар ва императорларга бўйсунмоғи керак. Бундай таълимот князларнинг ҳам манфаатларини ифодаларди. Черков ислоҳоти шиори остида монастирларнинг ерларини тортиб олиш ҳоллари учрай бошлади.

1529 йили Карл V князларга монастир ва черков мулкини олиб қўйишни таққлади. Шунда Лютернинг тарафдорлари унга норозилик билдирдилар. «Протестант» сўзи ана шундай пайдо бўлди. Черков ислоҳотчиларини протестантлар деб атай бошладилар.

«Мамлакат кимники бўлса, дин ўшаники...» Карл V католик черковини ҳимоя қилишга уринди. Ўзи ашаддий католик бўлгани учун эмас, папага қарши курашнинг изидан дунёвий ҳоконларга ҳам қарши кураш бошланиб кетиб, деҳқонлар ҳосилнинг ўндан бирини тўламай қўядилар – князь ва императорларга солиқ бермайдилар, деб қўрққанлиги учун ҳам шундай қилди.

Бироқ Реформация ҳаракатини тўхтатишнинг иложи йўқ эди. Кейин лютеранлик дунёвий ҳокимлар учун унчалик даҳшатли эмасди, ахир улар черковни князларга бўйсундириш тарафдорлари эди. Узоқ йиллар давомидаги курашлардан сўнг Карл V князларга ўзлари эътиқод қилган динни ўз ерларида ўрнатиш ҳуқуқини берадиган қонун чиқарди.

Германиянинг шимолий ва шимоли-шарқий ерлари, шунингдек, Марказий Германиянинг ҳам баъзи бир князликлари лютеранликни қабул қилдилар, жануб эса католиклигича қолди. Кейинчалик бу диний урушларга олиб келди.

Халқ Реформацияси доҳийси. Халқ Реформациясининг доҳийси Томас Мюнцер (1493–1525) бўлди. Иккита университетни тугатган юқори билимли инсон нега бундай йўлни танлади? Руҳоний бўлгани учун Мюнцер доимо оддий одамлар билан муомала қиларди. Реформациянинг дастлабки йилларида у Лютерни ёқлади, кейин эса уларнинг йўли ажралиб кетди. Князлар манфаатини кўзлаган Реформация унинг қарашларига тўғри келмас эди. Мюнцер «ҳокимият оддий халққа берилиши керак», чунки худонинг иродаси шундай, дер эди. Ўз насиҳатларида у ўз қавмига, худо ҳақиқий диндор-

лар билан, танланганлар билан гаплашади ва халқ попларга эмас худога кулоқ солмоғи керак, дейди.

Мюнцер халқни «ўз хукмини ўтказишга» – ҳокимларни ағдаришга чақирди. Натижада «кучлилар хор бўлиб, заифлар улуғланур», «Худо подшолиги» пайдо бўлади, ерда – адолатли жамият ўрнатилади. «Барча нарсалар умум мулки бўлмоғи даркор... ҳар бир кишига унинг эҳтиёжига қараб моддий ва маънавий бойлик берилмоғи керак», – деб ҳисобларди у. Қачон кўрғон ва монастырлар ҳамда «бойлар ва камбағаллар душманлари» йўқолса, хусусий мулк бўлмаса, ўшандагина Германия бахтли бўлади, дейди Мюнцер.

Бундай нутқлар таъсирида шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси ҳаяжонга тушди. Улар черковларни ёпиб қўйиб, католик руҳонийларни ҳайдаб юбордилар.

Дехқонлар урушининг сабаблари. 1524 йили Германия бўйлаб хавотирли хабар тарқалди – мамлакат жанубида дехқонлар кўзғолон кўтардилар. 1525 йили бутун герман ерларини тарихчилар «Буюк дехқонлар уруши» деб атаган ҳаракат қамраб олди. Бу кутилган воқеа эди, албатта.

XV аср ўрталаридаёқ кардиналлардан бири Рим папасига черков ва феодаллар томонидан қилинаётган ишлар Германия дехқонларининг ғазабини келтираётганини етказган эди ва «Бу қонунсизликлар барча раҳбариятга нисбатан халқнинг ғазабини келтирмоқда ва агар улар тўхтатилмаса, унда халқ руҳонийларга қарши гусчилар қабалида иш қилади, деб хавотирланиши керак. Бу руҳдаги нўписалар аллақачон аниқ эшитилмоқда», деб ёзган эди.

Дехқонлар урушларининг асосий сабаблари нимада?

Герман ерларида Европанинг қолган қисмидаги каби қишлоқ аҳолиси орасида озод кишилар, ер бўйича қарамлар, шахсан қарам дехқонлар бор эди. Ер бўйича қарам дехқонлар ҳам эркин ҳисобланарди, бироқ улар феодалнинг ерларида яшар ва шунинг учун турли хил мажбуриятларни бажарар эдилар.

Товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан зодагон ва князлар зебу зийнат буюмларига эга бўлиш мақсадида кўпроқ пул топишга ҳаракат қилишарди. Феодаллар жамоа ерларини олиб қўя бошладилар ва дехқонларнинг ерларини қисқартирдилар. Дон, гўшт, жун, каноп – барчаси шаҳарга сотиш учун кетарди. Дехқонларга ўрмондан шох-шабба йиғишга, ов қилишга, ҳовузлардан балиқ ов-

лашга рухсат берилмас эди. Хўжайинлар қарам деҳқонлардан олин-надиган тўловларни оширдилар.

Деҳқонлар нарх ошишидан қийналарди. Янги Дунёдан олтин ва кумушнинг оқиб келиши «нарх-наво инқилоби»ни юзага келтирди – пул қадрсизланиб, товарларнинг нархи ошди. Князга, сеньорга ва черковга солиқ тўлагандан сўнг деҳқонларда ҳеч нарса қолмас ва кўпчилиги судхўрларга мурожаат қилишга мажбур бўлар эди.

Бунинг устига деҳқонлар шахсий ҳуқуқларга эга эмас эди ва сеньорлар устидан шикоят қила олишмасди. Улар ўз депутатларини империя сеймига жўнатишни талаб қилган ҳолатлар ҳам бўлган. Аммо зодагонлар ва руҳонийларнинг фикрича, деҳқонлар ўз вакилларини тоифавий вакиллик органига юбориш ҳуқуқига эга эмасдилар.

Мамлакатнинг жанубий-ғарби кўзғолончиларнинг асосий ҳаракат ҳудуди бўлиб қолди. 40 минг киши дунёвий ва диний феодаллар зулмига қарши кураш олиб борди. Улар феодал қарамлик ёзилган ҳужжатларни ёқар, монастир ва қасрларни вайрон қилар, сеньорларнинг молларини бўлиб олишар ва жамоа ерларини қайтаришарди.

Кўзғолончиларнинг талаблари ҳақида уларнинг дастурлари – мақсад ва талабларини ўқиб чиқиб, тасаввурга эга бўлиш мумкин. Деҳқон отрядларининг раҳбарлари дастур туздилар ва уни «12 модда» деб атадилар. Унда шундай дейилади: «Биринчидан, бизнинг тинч сўров ва истакларимиз, бизнинг умумий ирода ва фикримиз – бундан буён бутун жамоа бўлиб ўзимизга руҳоний сайлаш, у ўзини керагича тутмаган пайтда уни алмаштириш ҳуқуқига эга бўлмоқ...

Иккинчидан, биз адолатли ўндан бир дон солигини беришга розимиз, бироқ лозим бўлганидай беришга. ... Бундан буён бу ўндан бирини жамоа қўядиган бизнинг черков оқсоқолимиз йиғишини истаймиз ва йиғилган маҳсулотлардан бутун жамоа сайлаган руҳонийга, унга ва унинг яқинларига яшашга етарли миқдорда жамоа қарори билан берилишини истаймиз.

Учинчидан, то ҳозиргача бизни «қарам» одамлар деб ҳисоблаш одат эди, агар Исо Масих ўзининг муқаддас қонини тўкиш билан бизнинг барчамизни, чўпондан тортиб энг юксагимизгача, ҳеч кимни қолдирмай, озод этганлигини ҳисобга олсак, бу одат ачинарлидир. Шунинг учун биз озод бўлишни исташимиз ва шундай бўлишимиз Унинг ёзганларига мос келади.

Тўртинчидан, шу пайтгача кишлоқ одами кушларни овлаш, оқаётган сувдан балиқ тутиш ҳуқуқига эга эмаслиги одатий ҳол эди. Бизнинг фикримизча, бундай бўлиши тўғри эмас...

Бешинчидан, биз ўрмондан фойдаланишда ҳам қийналиб қолганмиз. Чунки, бизнинг хўжайинларимиз барча ўрмонларни ўзлариники қилиб олишган. Мана бизнинг фикримиз: ўзлаштирилган, лекин сеньорлар ва даллоллар томонидан сотиб олинмаган ерлар яна жамоага қайтарилиши керак.

Олтинчидан, биз кундан-кун кўпайиб ва ортиб бораётган солиқлардан жуда қийналаяпмиз. Истардикки, бу ишда бизга етарлича эътибор берсалар ва бизни бунчалар қаттиқ қийнамасалар.

Еттинчидан, бундан буён биз сеньорга ўзимизни қийнашга йўл кўйишни хоҳламаймиз, сеньор ерни қандай қилиб деҳқонга ижарага берган бўлса, у ҳам деҳқон билан сеньорнинг келишувига қараб шунга мос равишда ерни олмоғи керак. Сеньор бундан ташқари уни ҳеч нарсага, ҳеч қанақа ҳовли ишларига ёки бошқа бирор хизматга мажбур қилмаслиги керак.

Саккизинчидан, биз, кимнинг ери бўлса, ҳаммамиз шундан қийналамизки, ана шу ернинг ўзи ижара ҳақини тўлашга етмайди ва ана шунақа ерда деҳқон ўзини ўзи йўқотаяпти ва ўз кадр-кимматини хўрлаяпти. Жаноблар, бу ерларни обрўли одамлар кўриб чиқишини буюрсалар ва ижара ҳақини адолат юзасидан шундай ўрнатсинларки, деҳқонларнинг қилган меҳнатлари зое кетмаса, чунки ҳар қандай меҳнат тақдирланишга лойиқдир.

Тўққизинчидан, биз ҳаддан зиёд жарималардан қийналаяпмиз, чунки кўпинча иш билан эмас, душманлик ёки хушомад юзасидан муттасил янги қарорлар чиқаришади ва бизни жазолашади. Бизнинг фикримиз шундай: бизларни илгари чиқарилган қарорларга кўра, ишнинг аҳволига қараб жазолашса, зулм қилмасалар.

Ўнинчидан, биз баъзи бировлар ўзлари жамоага тегишли ўтлоқлар, шунингдек, ҳосилдор ерларни ҳам ўзлаштириб олганлигидан қийналаяпмиз. Бу ерларни биз яна умум бўлиб фойдаланишимиз учун қайтариб берилишини истардик.

Ўн биринчидан, биз ўлимдан сўйигги тўлов, деб аталган одатнинг бутунлай бекор қилинишини хоҳлаймиз.

Ўн иккинчидан, мана бизнинг қарор ва яқуний фикримиз: агар бу ерда худонинг сўзига мос келмайдиган битта ёки бундан кўпроқ

модда бўлса, агар муқаддас ёзувлар асосида шуни тушунтирсалар, биз улардан воз кечишга тайёрмиз».

1524–1525 йиллардаги деҳқонлар кўзғолони уларнинг мағлубияти билан якунланди. Кўзғолончилар орасида бирлик йўқ эди – ҳар бир вилоятда деҳқонлар алоҳида ҳаракат қилардилар. Энг яхши ташкил қилинган ҳаракат, деҳқонларга тоғ-кон ишчилари ва шаҳар кашпоқлари ҳам қўшилган, кўзғолонга эса Томас Мюнцер бошчилик қилган Марказий Германиянинг Тюрингия вилоятида бўлди.

Лютер кўзғолонни маъқулламади, ўзининг «Босқинчи ва карокчи деҳқон тўдаларига қарши» (1525) асарида деҳқонларнинг ҳаракатларини қоралади. Князлар эса, ҳатто Реформацияни маъқуллаганлари ҳам ўз феодал ҳуқуқларидан ажралишни исталмас эдилар.

Зодагонлар деҳқон отрядларини бирма-бир бостирдилар. Тюрингияда, Франкенхаузен шаҳри яқинида Мюнцернинг 8 минг кишилиқ тўдаси тор-мор қилинди. Унинг ўзи ярадор ҳолида асир тушди. Уни қатл қилдилар. Мағлубиятга учраган деҳқонларни князлар аёвсиз жазоладилар. Ҳаммаси бўлиб 100 мингга яқин киши қатл қилинди.

Деҳқонларнинг урушдаги мағлубияти мамлакатда феодал тартибларнинг сақланиб қолишига олиб келди, баъзи ерларда яна уч юз йил деҳқонларнинг шахсий қарамлиги сақланиб қолди. Сиёсий тарқоқлик ҳам давом этди. Бу ҳолатлар каниталистик муносабатларнинг ривожланишига тўсик бўлди.

Германияда деҳқонлар уруши

Реформация иштирокчилари	Мақсад ва талаблари	Деҳқонлар урушидаги роли
Деҳқонлар	Крепостной ҳуқуқнинг бекор қилиниши, феодал зулмнинг сусайтирилиши.	Асосий ҳаракатлантирувчи куч.
Бой шаҳарликлар	«Арзон черков» жорий қилиш, черков мулкларини эгаллаб олиш.	Қисман деҳқонларга қўшилди, кейин феодаллар томонга ўтиб кетди.
Йирик феодаллар	Черков ерлари ва бойликларини эгаллаб олиш, Рим папаси ва императордан тўлиқ мустақилликка эришиш.	Деҳқонларнинг чиқишларини бостирди.

Европада Реформациянинг тарқалиши.

Католик черковининг Реформацияга қарши кураши

Кальвинистик черков. Реформация бутун Европа бўйлаб дадил тарқала бошлади. У Англия, Франция, Дания, Норвегия, Нидерландия, Швейцарияга кириб келди.

XVI асрга келиб Швейцария иттифоқига Базель, Шаффхаузен ва Аппенцелль қўшилиб, кантонлар сони ўн учтага етди. Аср охирларида мамлакат аҳолиси 1 млн кишига яқинни ташкил қилар эди. Швейцария иттифоқи доимий марказий ҳокимиятга, умумий пулга, армияга, байроқ ва муҳрга эга эмасди. Олий органи Тагзатцунг (парламент) ҳисобланар, аммо кантонлар ҳукуматлари Тагзатцунг қарорларини ҳар доим ҳам бажаравермасди. Кантонларнинг иқтисодий манзараси ҳам бир хил эмасди. Цюрих, Базель ва Берн каби кантонлар бошқалардан анча илгарилаб кетганди. XVI аср бошларидан бой шаҳарлар ўз қишлоқ округларига таъсирини кучайтириб, уларнинг маъмурий суд соҳасидаги ҳуқуқларини анча камайтиради. Кантонларда ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ҳоллари кўпайди. Кантонлар ҳокимиятларининг черковга босими ҳам кучайди ва бундай ҳолатдан норози қатламлар сони ортиб борди.

Ана шундай бир шароитда Швейцария яна битта протестантлик таълимоти – кальвинизмнинг ватани бўлди. Таълимотнинг асосчиси Жан Кальвин (1509–1564) асли француз бўлиб, Пикардияда собор прокурори оиласида туғилган. У Парижда ва Орлеанда таълим олди, Буржеда университетнинг ҳуқуқ факультетини тамомлади, гуманистик доираларга яқинлиги бўлиб, теологияни чуқур ўрганди. 1534 йилдан у тақдирини Реформация билан боғлади: диний таъқиблардан дастлаб Страсбургга, кейин эса Базелга қочди, шу ерда 1536 йили унинг илоҳиятга бағишланган асосий китоби – Христианликка оид ўғитлар босилиб чиқди. Шу йили у йўл-йўлакай Женевада тўхтади ва Фарелнинг маслаҳатига кўра бу ерда умрининг охиригача ушланиб қолди. Бу ерда у «Женева папаси» лақабини олди.

Ўз даври учун ажойиб маълумот олган бу одам, эски католик таълимотни қулатишга интилди. Кальвин ўз таълимотида Реформация учун умумий бўлган қоидалардангина фойдаланиб қолмасдан, уларни ўз гоёлари билан тўлдирди, олдинги ислоҳотчилар қўйган саволларга ўз позициясидан туриб жавоб берди. Худо томонидан

тақдирнинг олдиндан белгилаб қўйилганлиги ҳақидаги таълимотни умумий кўринишда Лютер ва Цвингли¹ шакллантирган эдилар. Кальвин асосий урғуни бу ғоянинг мутлақлигига ва муқаррарлигига қаратади. Ҳали олам яратилмасдан олдин худо ҳар бир кишининг тақдирини олдиндан белгилаб қўйган: бировларга – абадий лаънат, бошқаларга, сайлаб олинганларга – абадий фароғат. Бироқ ўлганидан сўнг айнан қаерга тушишини тириклардан ҳеч ким олдиндан билмаганлиги сабабли ҳамма сабр-тоқат билан ва нолимасдан меҳнат қилишлари лозим. Худонинг қудрати чексиз бўлганлигидан одам унинг ҳукмини ўзгартиришга қодир эмас. Бироқ агар у ўз ишларида муваффақият қозонса, унда бу ўз вазифасини тўғри бажараётганига худонинг ишорасидир. Агар, аксинча, инсон йўқотиш ва зарарлар кўрадиган бўлса, бу худо ундан юз ўгирганлигидан гувоҳлик беради, дейилади Кальвин таълимотида.

Кальвиннинг таълимоти қайноқ ҳаётий курашга, шу жумладан, тадбиркорликка ҳам тайёр бўлган шахснинг ривожланишига кўмаклашади. Меҳнат, тежамкорлик, ҳисоб-китоблиликни Кальвин яхши фазилатлар деб ҳисоблайди.

Реформациянинг тақдири учун Кальвиннинг янгича черков тузилишини киритганлиги катта аҳамиятга эга бўлди. Черков жамоаси ўзининг раҳбарларини – руҳоний ва оқсоқолларни (просвитерлар – грекчадан «энг кексалар») сайлар ва назорат қиларди. Шунинг учун кальвинистик черков баъзан просвитериан черкови (масалан, Англияда ва Шотландияда) деб ҳам аталарди. Умумий ишларни ҳал қилиш учун черков жамоасининг вакиллари кенгашларга – синодларга йиғилишарди. Бундай черков буржуазия учун ҳам, шаҳар-коммуналар учун ҳам, кучли қиролликлар учун ҳам қулай эди.

Кальвин фуқароларнинг ҳукмдорни ўзгартириш ҳуқуқини тан оларди, лекин шу шарт биланки, агар у худо ўрнатган қонунларни бузган бўлса.

Кальвиннинг фан билан кураши. Католиклардан ҳам даҳшатлироқ душман, бу олим-файласуфлар эди. Кальвин уларни шундай деб атарди. Кальвин ўз таълимотига қаратилган танқидни тан олмасди. Испан олими Мигель Сервет² ана шундай «гуноҳ» қилган

¹ *Ульрих Цвингли* – 1484–1531 йиллари яшаган, швейцариялик черков ислохотчиси, христиан гуманисти, файласуф.

² *Мигель Сервет* – 1509–1553 йиллари яшаган испан мутафаккири, врач, инсон организида қоннинг айланиши муаммоси билан шугулланган.

дин ва шунинг учун у «Женева папаси» буйруғи билан 1553 йили ёкиб юборилганди.

«*Дуо ўқи ва ишла!*» Кальвин Женевада қатъий тартиб ўрнатди. Аввалги халқ байрамлари, карнаваллар қайтмас бўлиб унутилиб кетди. Йил давомидаги байрам кунлари қисқартирилди. Ҳамма «*Дуо ўқи ва ишла!*» деган қатъий буйруққа бўйсунуши шарт эди. Француз ёзувчиси Вольтер XVIII асрда «Кальвин монастир эшикларини у ердан монахларни қувиб чиқариш учун эмас, бутун дунёни у ерга қувиб киритиш учун очган», деган эди.

Бундай бир маромдаги ҳаёт кўпгина женеваликларга ёкмади ва улар Кальвинни шаҳардан қувиб чиқаришди. Тўғри, бир неча йилдан сўнг уни яна орқага қайтариб шаҳарга киритишди.

Тежамкорлик ғоялари ўсиб бораётган бир пайтда мулк йиғиш буржуазия синфи учун жуда ҳам ёқимли иш эди. Кальвинизм протестантлик диний таълимоти сифатида бутун Европага ёйилди. Реформация Англияда англикан черковининг ўрнатилишига олиб келди ва черков тепасида қиролнинг ўзи турарди, Францияда эса протестантлар католикларга қарши кураш олиб боришарди.

Барча протестантларни Рим папаси динсизлар деб эълон қилди.

Кальвинизмнинг асосий оқимлари

Оқимнинг номи	Пайдо бўлган жойи	Пайдо бўлган йили
Англиканлик	Англия	1558 йил
Баптистлар	Англия	1611 йил
Гугенотлар	Франция	1546 йил
Квакерлар	Англия	1650 йил
Пресвитерианлик	Голландия	1618–1619 йиллар
Пуританлик	Англия	1563 йил

Иезуитлар. Католицизм Уйғониш ва Реформацияда ўз аксини топган диний норозилик билан келиша олмас ва буни хоҳламасди.

Реформация билан курашиш учун Рим папаси 1540 йили «Иисус жамияти» ёки иезуитлар (Иисус – лотинча «Иезус») орденини тасдиқлади.

Иезуитлар олдида аниқ вазифа – «адашган оломонни черков бағрига қайтариш» турарди. Орден низомида жумладан шундай дейилади: «...Бизнинг бутун жамиятимиз ва демакки унга кира-

ётган ҳамма ва ҳар бир киши бизнинг муқаддас отамиз Папага ва унинг барча ворисларига ишонч ва ҳақиқат билан бўйсунуш мажбуриятини олади ва фақат шу шарт билангина худо учун меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўладилар... Бизнинг жамиятимизнинг умуман буюк итоатини ва унинг ҳар бир аъзосининг тўлиқ ўзлигидан кечишини кўрсатиш учун бутун халқ олдида ўз шахсий иродамиздан қатъий воз кечганлигимизни исботлаш учун биз алоҳида итоаткорлик қасамини ичмоғимиз керак... Исо Масихнинг жангчилари бўлишга қатъий қарор қилгандан кейин улар (орден аъзолари) кун ва тун қиличларини қўлдан қўймасликлари ва ҳар бир соат ўз вазифаларини бажаришга тайёр туришлари шарт.

Ҳамма ва ҳар бир киши орден Низомига тааллуқли нарсалар бўйича орден генералига шак-шубҳасиз бўйсунушга қасам ичмоғи лозим».

«Иисус жамияти»нинг асосчиси испан зодағони Игнатий Лайола (1491–1556) эди. Лайола ҳарбий обрў қозонишни орзу қилар ва Карл V нинг Францияга қарши урушларида иштирок этганди. Жангларнинг бирида ядро унинг оёғини мажақлаб кетди ва у бир умрга чўлоқ бўлиб қолди.

Узоқ давом этган даволаниш даврида Лайола кўп, асосан авлиёлар ҳаётига бағишланган китобларни ўқиди. Аста-секин унда ўзини диний қахрамонликлар билан машҳур қилиш истаги пайдо бўлди. 1523 йили Лайола Қуддус шахрига ҳаж қилди. Европага қайтгандан сўнг у диний маълумот олишни яқунлаш учун Парижга келди. У садақа билан кун кўриб, жуда ҳам қашшоқ яшарди, лекин диний ўрганишни тарк этмади.

Фанни эгаллаш осон бўлмади: Лайола катта қобилият эгаси эмасди. Аммо барча қийинчиликларни у мисли йўқ бир ўжарлик билан енгиб ўтарди. Бу эрта қариб қолган одам хотиржам, эътиборли эди, ҳаммаша ўйлаб ва шошилмасдан, кескин ва қатъий гапирарди. У дўстларини ўз таъсирига бўйсундирди ва янги орден – иезуитлар орденига асос бўлган кичик тўғарак тузди.

Орденнинг низоми Рим папаси ҳукмронлигини кенгайтириш мақсадини «Иисус жамияти» олдига қўйган эди. Иезуитлар ордени аввалги монахлик орденларига ўхшамасди. Иезуит бўлиш – ҳаётдан кетишни англатмас эди. Аксинча, улар жамият орасида қолишлари ва ўз ғайратларини ҳукмдорлар ва аъёнлар эътиборига эга бўлишга, уларнинг ҳокимияти ва пулларидан черковни мустаҳкамлаш учун

фойдаланишга қаратмоқлари лозим эди. Баъзи бирлари қироллар, князлар, катта амалдорларнинг руҳонийлари бўлишди. Тавба қилиш пайтида олинган сирлар шу заҳотиёқ Римга жўнатилар, тавба сирлари ана шундай «сақланарди».

Кўпгина бой кишиларни иезуитлар орден фойдасига васият қолдиришга кўндирар олдилар. Орден бойиб борди. У ерларнинг, корхоналарнинг, савдо кемаларининг, Янги Дунёдаги колонияларнинг мулкдорига айланди.

Иезуитлар яхшигина миссионерлар ҳам эдилар. Керак бўлган ерда улар пул сарф этиб, ҳомийлик ҳам қилишарди. Иезуитлар мактаблар очишди, ўсмирлар улардан бепул маълумот олардилар. Олимлар билан улар илмий баҳслар олиб боришарди, оддий халқни эса ажойиб диний маросимлар ва қизиқарли насиҳатлар билан жалб қилардилар, уларнинг тадбирлари ҳеч қачон зерикарли бўлмасди.

«Бу дунё зўрлари» бўйсунмаган ҳолатларда иезуитларда ҳамма вақт заҳар ва ханжар тайёр эди. Қотил гуноҳкор ҳисобланмасди – орденнинг лавозим бўйича катта амалдори иезуитлар орденининг кичик аъзоси амалга оширган жиноят учун маънавий гуноҳни ўз бўйнига оларди. Иезуитлар орденининг «Ҳамма нарса худони шарафлашга!» деган шиори бу ерда жуда қўл келарди. Иезуитлар орденининг: «Агар бизга оқ бўлиб туюлган нарсаларнинг қора эканлигини черков аниқласа, биз дарҳол уни қора деб тан олишимиз шарт», деган қондасини билишарди. Орден Римнинг кўлидаги итоаткор қурол эди.

Папаликнинг Реформацияга қарши кураши. Европанинг бир қатор мамлакатларида ўз ҳукмронлигини йўқотиш Римни шошилтириб қўйди. XVI асрнинг 40-йилларидаёқ папалар йўқотилган мавқеларини, энг муҳими ўз бойликларининг манбаи – ҳосилнинг ўндан бири солиғини қайтаришга уринадилар. Контрреформация (Реформацияга қарши кураш) даври бошланди. Бу курашда папаларга иезуитлар ёрдам бердилар. «Дин софлиги»ни инквизиция¹ ҳам ҳимоя қилиб чиқди, у айниқса Италия ва Испанияда авж олди.

Бўлиб ташланган Италия католик реакциянинг барча оғирлигини ўзида ҳис қиларди. Инквизиция гулханлари бутун мамлакат бўйлаб, ҳеч кимни, айниқса олимларни аямай ловуларди. 1600 йилда буюк

¹ *Инквизиция* – қидирув, суд ва жазо функцияларини бажарувчи католик черкови трибунали. 1229 йили Тулуза шаҳрида тузилган. 1233 йили Рим папаси Григорий IX нинг махсус булласи билан инквизициянинг қарори барча католиклар учун мажбурий бўлди.

олим Жордано Брунони гулханда ёкишди. Шундай қисмат Галилео Галилейга ҳам насиб бўлишига озгина қолди.

Черков илғор илмий ва фалсафий фикрга қарши ташланди. Папа ёкиб юборилиши лозим бўлган, тақиқланган китоблар рўйхатини эълон қилди. XVI асрнинг иккинчи ярмида Реформацияга қарши курашга қирол Карл V нинг ўғли Испания қироли Филипп II (1556–1598) бошчилик қилди.

Паст бўйли, кўкраги бўртиб чиққан Испания қироли касалманд киши кўринишига эга бўлса-да, бироқ бу ногирон танада енгилмас руҳ мужассам эди. Филипп II яхшигина маълумотли ва давлат арбобининг ажойиб қобилиятига эга эди — акс ҳолда у қандай қилиб узоқ ўн йилликлар давомида ўз давлатини бошқарган? Унинг империяси улкан эди: унга Испания, Португалия, Италиянинг бир қисми, Жанубий Америка ва Африкадаги мустамлакалар кирарди. У буюк католик қирол сифатида дунёда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш орзусида эди.

Филипп II нинг буйруғи билан Мадрид яқинида Эскориал аталмиш ажойиб меъморий мажмуа қурилди, унга сарой, ибодатхона ва монастир кирарди. Бу ерга қирол қароргоҳини кўчирдилар, у бу ерда мамлакатдаги энг яхши кутубхонани ташкил қилди, шу ердан у мамлакатни бошқарди. Табиатан камгап ва унча ҳам хушмуомала бўлмаган Филипп II ўз саройидан қарийб чиқмасди, ўзининг кўп сонли фармонларини эса сарой идораси орқали ёзма равишда эълон қиларди.

Бу дин мутаассиби Англия, Германия ва Франциядаги католикларга, уларнинг протестантларга қарши курашида ёрдам берди. Филипп II даврида мамлакатда юз мартадан зиёд аутодафелар бўлиб ўтди. «Мен диндан қайтган фуқароларим бўлганидан кўра, умуман фуқаром бўлмаслигини маъқул кўраман», деган эди у. Ҳар бир испаниялик унинг аждодлари тўрт авлод олдин ҳам «соф» испанлар ва «хуш хулқли католиклар» бўлганлигини исбот қилиб бериши керак эди. Авлодлари чўқинган мавр ёки яҳудий бўлганларни эса қирол динсизлар деб ҳисоблаб, қатлга жўнатар эди. Кўплар ҳалок бўлдилар, баъзилар қочиб қолишди. Бундан ташқари, Филипп II ниҳояси кўринмайдиган урушлар олиб борди ва фақат Туркия устидан ғалаба қозонди. Динсизлар билан кураш ва урушлар пул талаб қиларди. Солиқлар ошиб борарди. Дехқонлар, савдогарлар, мануфактураларнинг эгалари хонавайрон бўлишди. «Дин софлиги

учун» кураш билан Филипп II мамлакатни қашшоқ аҳволга солиб кўйди.

XVII асрда Испанияда Янги Дунёдан мамлакатга жуда кўп миқдорда олтин ва кумуш келиб турганига қарамасдан иқтисодий танглик бошланди. Мамлакатни дунё католиклари империясига айлантириш ва динсизликни йўқ қилиш каби амалга ошмайдиган вазифа Испанияни заифлаштирди, уни иккинчи даражали давлатга айлантирди.

Протестантизм билан курашни Филипп II Нидерландияга ҳам кўчирди. У мамлакатдан диний сабабларга кўра қочиб кетган барча кишиларнинг мол-мулкани мусодара қилишга буйруқ берди. Мамлакатда инквизиция кутурарди.

XVI асрда Европа олами маънавий маданиятнинг юксак парвози, хўжалик юритишнинг янги, бозор муносабатларига асосланган услубининг тугилиши, шахснинг эркинлик ва мустақилликка кўпроқ интилиши билан тайёрланган диний исёндан ларзага келди. Реформация даври – бу католик черковининг инқирози давридир. Католицизм протестантизмнинг йўлини тўсишга муваффақиятсиз уринар эди. Папа ҳукмронлиги остидан Скандинавия, Англия, Шотландия, Шимолий Германия, Голландия, Франциянинг бир қисми чиқиб кетди.

Реформация тарихда чуқур из қолдирди, Европа жамиятининг маънавий, сиёсий ва иқтисодий характерини ўзгартириб юборди. Реформация, шунингдек, феодал тартибларга ҳам қарши қаратилган оммавий халқ ҳаракатларини пайдо қилди.

Реформация натижасида миллий черковлар пайдо бўлди, дунёвий ҳокимият мустаҳкамланди, миллий давлатлар ривожини учун шарт-шароитлар яратилди.

Англияда қироллик ҳокимияти ва реформация

Денгизда ҳукмронлик учун кураш

Қизил ва Оқ гулларнинг 30 йиллик уруши Англия аҳолисининг қарийб тўртдан бирини олиб кетди. Унда қироллик династиясининг 80 аъзоси ҳалок бўлди, аъёнларнинг жуда катта қисми ўлди, норманнларнинг авлодлари қарийб тўлиқ қириб юборилди. Эски аъёнлар ўрнига янгилари келди. Ланкастерлар билан Йорклар шунчалар заифлашдики, ҳатто, сиёсий сахнадан тушиб кетишди.

Курашда ғалаба қозонган Ланкастерларнинг узок қариндоши Генрих Тюдор Йорклар сулоласидан бўлган қиролнинг қизига уйланди. Ҳаёт-мамот учун жанг қилган икки «гул» шу тариқа Англиянинг янги қироллари бўлмиш Тюдорлар гербида чирмашиб кетдилар.

XVI аср Тюдорлар асри бўлди (Тюдорлар сулоласидан бўлган қироллар Англияни 1485 йилдан 1603 йилгача бошқаришди).

Шу даврда инглиз монархияси бошқа Европа монархияларидан куйидаги учта алоҳида жиҳати билан фарқланади:

1. Жойларда бюрократик аппарат кучсиз эди. Маҳаллий бошқарув, табақали монархия давридаги сингари, ўз аҳамиятини сақлаб қолди – у қирол сиёсатини амалга оширади. Графликлар ва шаҳарларда муҳим лавозимларни жентрилар билан шаҳар буржуазиясининг имтиёзли юқори қатлами вакиллари эгаллагандилар.

2. Ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун Тюдорлар парламентдан ҳам фойдаландилар, чунки, асосан майда ва ўрта зодагонлардан ҳамда шаҳар бошлиқларидан ташкил топган куйи палата кучли қирол ҳокимиятини қўллаб-қувватлар, асосан аристократия вакилларидан ташкил топган юқори палата ҳам Тюдорлардан катта-катта ерлар олганлиги учун қиролга тобе эдилар.

3. Англиядаги абсолютизмнинг яна бир ўзига хос томони мунтазам армиянинг йўқлиги эди. Давлатнинг географик жойлашуви сабабли Тюдорлар асосий эътиборни флотни мустаҳкамлашга қаратди, армия эса эски халқ лашкари характерини сақлаб қолди. Шунингдек, бу юз йилликда Англия тарихи бўйлаб уч асосий ғоя ўтади: Реформация, абсолютизмнинг кучайиши ва денгизда ҳукмронликни эгаллаш.

«Дин ҳимоячиси». Англияда Реформациянинг бошланиши Тюдорлар династиясидан бўлмиш иккинчи қирол Генрих VIII (1491–1547) номи билан боғлиқ. Қирол ўз ҳукмронлигининг бошланғич даврида Рим папаси ва католик черковига қарши курашни ваъда қилмади. Шаҳзода Генрих қиролнинг иккинчи ўғли эди ва уни диний амал олишга тайёрлашганди, отасининг хоҳишиги кўра у Кентерберий архиепископи бўлиши керак эди. Шаҳзода лотин тили ва теологияни ўрганганди. Бироқ ҳаёт ўзича қарор чиқарди – қиролнинг катта ўғли вафот этди, Генрих қирол бўлиб қолди.

Тож кийгандан кейин унга «дин ҳимоячиси» деган ҳурматли унвон берилди, Рим папасининг алоҳида эътиборига сазовор

бўлди. Гап шундаки, Генрих VIII 1521 йили Лютер таълимотига қарши қаратилган рисола ёзди. Жавоб ўрнига Лютер ёш қиролга даҳшатли сўқиниш билан ташланди, у пайтларда сўқиниш баҳсда исбот ўрнини босарди. Ана шунда Лев X Генрих VIII га «ҳақиқий дин»ни ҳимоя қилганлиги учун миннатдорчилик ҳисларига тўла хат жўнатди.

Шундай қилиб, Генрих ким шаккокликка мойил бўлса ўшани таъқиб қилиб «Реформациянинг шахсий душмани»га айланди.

Диний ислоҳотчи. Бирдан ҳаммаси ўзгариб, қирол католик дини ҳимоячисидан диний ислоҳотчига айланди. Реформация «пастан» – халқнинг талаби билан эмас, «юқоридан» – қиролнинг хоҳиш ва иродаси билан амалга оширилди.

Нима учун Генрих VIIIнинг позицияси ўзгарди? Бу тушунарлироқ бўлиши учун унинг характери ҳақида бироз фикр билдириш керак. Замондошлари Генрихни золим, туйғулари жиловланмаган, осонгина жазаваси тутиб кетадиган шахс сифатида таърифлашган. Ўз шахсий хоҳишларини қирол ҳамма нарсдан юқори қўярди. Айнан шахсий сабаблар уни Рим папаси билан ажралишга ундади.

Бу қиролнинг шахсий ҳаёти тартибсиз бўлиб, бир никоҳ ортидан иккинчиси келарди (ҳаммаси бўлиб у олти марта уйланишга улгурган). Унинг олтинчи хотини ундан кўпроқ яшади, қолганларининг қисмати эса ачинарли бўлди: иккитаси билан ажралишди, иккитасини, уларни эр-хотинликка, бир йўла давлатга ҳам хиёнат қилишда айблаб қатл эттирди. Фақат олтинчи хотини тирик қолди, аммо у ҳам Генрих ҳаёт пайтида эрталаб ўрnidан турар экан, янги кун унга нима тайёрлаб қўйганини билмас эди. Қиролнинг хулқи ана шундай ўзгарувчан эди.

Генрих VIIIнинг биринчи хотини испан маликаси Екатерина Арагонская эди. Бироқ қирол у билан ажралишга ва гўзал фрейлин Анна Болейнга уйланишга қарор қилди. Рим папаси ажралишга розилик бермади. Генрих VIII ажралиш учун қанақа сабаблар келтириб кўрмади (шу жумладан, эркак жинсидаги меросхўр йўқлигини ҳам). Иш яна шу билан мураккаблашар эдики, Екатерина Арагонская испан қироли Фердинанд ва Муқаддас Рим империясининг императори ҳамда испан қироли Карл Vнинг холаси қиролича Изабелланинг қизи эди ва Рим папаси буюк католик империяси бўлган Испания билан муносабатларини кескинлаштиришни истамас эди.

Бирок барибир Генрих ўз айтганини қилди. У Англияда Кентербрий архиепископидан ажрим олди, унинг ўзи қиролни Анна Болейн билан никоҳлаб қўйди (уч йилдан сўнг «севимли» эр уни оилавий хиёнатда, жазонинг адолатлилиги яна ҳам ишончлироқ бўлиши учун – давлат хиёнатида ҳам айблаб, қатлга юборди).

1534 йили парламент қиролни ва унинг ворисларини Англия черковининг бошлиғи деб эълон қиладиган қарор чиқарди. Бу қарор барча аҳолига етиб бориши учун эса 1535 йилдан ҳар якшанба ва байрам кунлари ибодатхоналар ва мактабларда қирол Англия черковининг ҳам бошлиғи эканлиги айтиладиган ва шундай фотиҳа ўқитиладиган алоҳида фармон чиқарилди.

Биринчи кадамдан кейин иккинчиси келди. Энди черковни унинг бойликларидан – ер ва бошқа мулкларидан жудо қилиш ҳамда бир йўла давлат хазинасини бойитиш, шу йўл билан қирол ҳокимиятини мустаҳкамлаш керак эди.

Уч мингта монастир ёпилди. Монастир ерларининг бир қисмини қирол ўз тарафдорларига бўлиб берди, бир қисмини сотиб юборди, қолганлари эса давлат ихтиёрида қолди, монастирлар мулкининг тўққиздан бир қисмини 38 та пэрлар олишди. 1547 йилга келиб, черковдан олинган мулкнинг учдан икки қисми сотилган эди. 1554 йилга келиб сотишдан тушган умумий даромад бир миллион икки юз олти миш минг фунтни ташкил қилди.

«Юқоридан» Реформация ўтказишнинг услублари қирол деспотизми ва террори эди. Аввалига Генрихнинг Екатерина Арагонская билан ажримини ва унинг иккинчи никоҳи қонунийлигини тан олишни хоҳламаган барчани қатл қилишди. Қатл қилинганлар орасида машҳур гуманист Томас Мор ҳам бор эди. Черковни ислоҳ қилиш учун курашда Генрих VIIIнинг содиқ ва ҳормас-толмас ёрдамчиси – канцлер Томас Кромвель (1485–1540) ажралиб турарди. У ўзининг «Инглиз руҳонийларига йўл-йўриқ»ларида қирол ҳокимиятининг устунлигини ҳимоя қилиб, қирол ўз ерида худодан пастда турувчи олий ҳукмрон эканлигини ва унга итоат қилиш ҳар бир соф виждонли кишининг бурчи эканлигини уқтиради. Шунинг учун уни «монархлар болғаси» деб аташади.

Шу тариқа Англияда реформаторлик черковини яратишга асос солинган эди. Черков бошлиғи қирол бўлиб қолди, папалик инкор қилинди, католик черковидан барча бойликлари тортиб олинди. Буларнинг барчаси абсолютизмнинг мустаҳкамланишига кўмаклашди.

Аммо жараён якунланмаган ва ҳали халқ онгида чуқур илдиз отиб улгурмаган эди. Бир қисм камбағалларнинг аҳволи ёмонлашди, чунки монастирлар ёпилгандан сўнг энди «бечора ва ғариб»ларни ҳимоя қилолмас эди, монастир ерларини олган ёки сотиб олган зодагонлар эса у ерлардан деҳқонларни ҳайдаб юбордилар ва экинзорларни қўй боқиладиган яйловларга айлантирдилар. «Қадимий – сахий Англия»нинг йўлларида тобора кўпроқ уйсизлар пайдо бўла бошлади ва кўпчилик учун Англия энди мутлақо сахий эмасди.

Қонли Мария. Контрреформацияга уриниш. Генрих VIII ва Екатерина Арагонскаянинг қизи Мариянинг ҳукмронлик даврида (1553–1558) реформаторлик черкови бошига жиддий синовлар ёғилди. Англия тарихида у католик Мария сифатида маълум. Унга халқ берган бошқа бир лақаб – Қонли Мария ҳам кенг тарқалган. Мариянинг ҳукмронлик йиллари – контрреформацияни ўтказишга уринишдир. Қиролича протестантликни шаккоклик деб биларди. Бундан ташқари, Екатерина Арагонскаянинг қизи протестантлик унинг онаси ва ўзига келтирган азобларни эсидан чиқармаганди.

Бу пайтга келиб Англияда протестантлик ҳали илдиз отиб улгурмаган, чунки у «юқоридан» киритилган, яна бунинг устига юмшоқ ва нисбатан енгил усуллар билан киритилган эди. Католицизм мамлакатда ҳали ҳам катта эътиборга эга эди. Бу шароитда қиролича ўзининг черков бошлиғи эканлигидан католик черковини тиклашда фойдаланди. Шу мақсадда барча воситалар ишга солинди: парламентга сайловлар ҳукумат таъсири остида ўтди ва депутатликка номзодлар Мария тарафдорлари эдилар. Лордлар палатасидан эса ислоҳ қилинган черков епископларини ҳайдаб юбордилар. Аста-секин барча черков ўзгаришлари, масалан, руҳонийларнинг уйланиш ҳуқуқи бекор қилина бошланди. 1554 йили Мария Карл V нинг ўғли Филипп II га турмушга чиқди. Энди унинг ортида қудратли католик қирол турарди. Тўйдан кейин тезда қиролича шаккокликни тугатиш учун махсус комиссия ташкил қилди. Мария парламентда Англия устидан папа ҳокимиятини қайта тиклаш ҳақида қарор қабул қилинишига эришди. Шаккокликка қарши ўрта асрлар қонунлари қайта тикланди. Қатл қилишлар бошланди. Бутун мамлакат бўйлаб гулханлар ловуллади – католицизм душманларини ёкишарди. Черков судлари кечаю-кундуз ишлашарди, жосуслик ва чақимчилик авжига чиқди. Ҳалок бўлган Реформация тарафдорлари орасида Ин-

жилни англиз тилига таржима қилган муаллифлардан бири Рожерс ҳам бор эди.

Кўпгина протестантлар қитъага – Германия ва Швейцарияга қочиб ўтишди ва у ердан Қонли Марияга қарши қаратилган варақалар юбордилар. Мамлакатда католик-қиролича ҳукмдорлигидан норозилик кучайиб борарди, бу норозиликни Англияга Испаниянинг таъсири ортишидан қўрқаётган доиралар ҳам қўллаб турарди. Черковга ўз ерларининг бир қисмини қайтариб бериш ҳақидаги қарорни қиролича парламентдан ўтказишга муваффақ бўлди. Бу мамлакатда католицизмдан норозилик кучайишига олиб келди, Генрих VIII ва Анна Болейнларнинг қизи Елизаветани қиролича қилиш кераклиги ҳақида овозлар тез-тез эшитила бошлади. Елизаветани таъқиб қилишлар бошланди. Шундан сўнг Мария ўзига рақиб бўлиши мумкин бўлган туғишган синглисини ҳам қатл қилиши мумкин эди. Протестант суиқасдларидан бири очилгандан сўнг Елизаветани сўроқ қилишиб Тауэрга қамадилар. Католик-фанатлар унинг бошини талаб қилишарди.

Қонли Мария фарзандсиз ўтди. Унинг эри Филипп II Англия қонунлари бўйича тахтга ўтириш ҳуқуқига эга эмасди ва тож Елизаветага (1558–1603) ўтди. Елизавета I буюк подшолиги ана шундай бошланди.

Елизавета I ҳукмдорлигининг бошланиши. Англикан черковининг мустақамланиши. Елизавета ҳукмронлиги йилларида Англия савдо ва денгизчиликнинг ривожланишида улкан ютуқларга эришди, Реформация яқунланди, доимий рақибни Испания устидан ғалаба қозонди.

Қиролича ажойиб шахсий сифатларга, кучли ирода, давлат арбоби қобилятига эга бўлиб, характерининг бу белгилари маликанинг болалик ва ёшлик йиллари қандай ўтганлиги билан боғлиқ эди. Онаси қатл қилингандан сўнг қизча мушкул аҳволда қолди. Генрих VIII ўзининг Анна Болейнга бўлган нафратини гўдакка қаратди. У қизидан воз кечди ва уни тахт меросхўри деб тан олмади. Тўғри, Елизаветани саройда қолдиришди ва қироллик оиласининг бошқа болалари билан бирга ўқитишди. Ўқишда у ўзининг барча қобилятини намоён қилди, бир неча тилда эркин гапирар ва ўқир, ажойиб рақс тушар ва мусиқа асбобларини чала оларди. Унинг тахт ҳуқуқини охиригача тан олмаган отаси ўлганида, Елизавета 15 ёшда эди. Бу даврга келиб у қаҳрли ҳаёт мактабини ўтаганди. Яшаб қолиш учун

у босиқликни, ҳаракатларини ҳисоб-китоб қила олишни, ҳамма билан тил топишиш ва турланишни ўрганишига тўғри келди. 25 ёшида Елизавета қиролича бўлди.

Елизавета тахтга чиққандан сўнг қилган биринчи иши протестантликни давлат дини деб эълон қилди. Англияда протестант черкови барча томондан қиролга бўйсунгани учун англикан черкови деб атала бошлади. Елизавета «черков ва дунёвий ишларнинг олий ҳукмдори» унвонини олди. Барча черков раҳбарлари, давлат амалдорлари, олий мансабдор шахслар янги қонунга садоқат ҳақида қасамёд қилдилар. Қасамёд қилишдан бош тортган епископлар янгилари билан алмаштирилди. Черков миллийлаштирилди, диний маросимлар энди халқнинг аксариятига тушунарли бўлмаган лотин тилида эмас, инглиз тилида олиб бориладиган бўлди, черков устидан папа ҳукмронлиги ва индульгенция, мўл-кўл зиёфатлар ва кўп сонли байрамлар бекор қилинди.

Унинг даврида англикан черковининг рамзи («39 модда» деб аталувчи) охири таҳрирда ишлаб чиқилди ва 1571 йили парламент томонидан қабул қилинди. Епископлар қирол ҳукмронлигига бўйсунушарди ва уларни руҳонийлар мажлиси сайласа ҳам қирол ёрлиғи кимни сайлаш кераклигини кўрсатар эди.

Нима учун Елизавета протестанизмни қўллади? Унинг бошқа иложи бўлмагани учун бўлса керак. Католиклар унинг отаси ва онаси ўртасидаги никоҳни қонуний деб тан олишмаган. Уларнинг нуқтаи назарида, унинг тахтга ҳам ҳаққи йўқ эди. У эътиқоди бўйича протестант эдими? Ҳеч ким бу ҳақда ишонч билан айта олмайди. Елизавета I христиан бўлиб, протестант ёки католик фанатизми унга ёт эди.

XVI аср ўрталарига келиб, кўплаб эътиқодли протестантлар пайдо бўлди, улар англикан черковини католиклик қолдиқларидан тозаламоқчи эдилар. Бу кишиларни пуританлар (инглизча «pure» – тоза) деб аташарди. Аксарият пуританлар Жан Кальвин таълимотига мансуб эдилар. Елизавета I уларни қирол ҳукмронлигига қарши чикувчи фанатлар деб ҳисоблар ва пуританларни ҳам худди католиклар сингари таъқиб қиларди.

Қироличанинг асосий вазифаларидан бири мамлакат яхлитлигини мустаҳкамлаш, келишмовчилик ва жанжалларга йўл қўймаслик эди. У қийин бир муаммони ҳал қилишга ўз қариндоши, инглиз тахтига даъвогарлик қилувчи шотланд қироличаси – католик Мария

Стюартни (1542–1587) қатлга маҳкум қилиши керак эди. Бу қарорни қабул қилиш осон иш эмасди – монархнинг муқаддас қонини қандай тўқиш мумкин, ахир? Бироқ бутун мамлакатни қамраб олиши мумкин бўлган ўзаро уруш даҳшати олдида Елизавета I бунга журъат қилди. Шафқатсиз қатл Англияни диний урушдан халос қилди. 45 йиллик ҳукмронлиги даврида Елизавета парламентни 13 мартагина чақирди, холос. Қиролича тежамкор бека эди, қироллик хазинасини тўлдиришга ҳаракат қилди, хазина аввалги монархлар томонидан анча сарф қилиб қўйилган эди. Ўз сарой харажатларини камайтириш учун у баъзан барча сарой аъёнларини олиб қайсидир бой ва таниқли аслзоданикига меҳмонга жўнарди. Ҳафталаб, баъзан ойлаб меҳмондорчиликда бўлишарди, ундан кейин меҳмондўст хонадон эгаси батамом хонавайрон бўларди. Аммо Англиянинг мутлоқ ҳукмдори бўлган қироличага йўқ, деб бўлармиди?

Елизавета қатъий ва аёвсиз ҳукмдор эди, айбдор бўлган сарой хизматчилари кўпинча қиролича кўлининг қаттиқлигини ўз чаккаларида сезардилар. Баъзи бирлари эшафотга жўнатилиши ҳам мумкин эди.

Елизавета саноат ва савдога ҳомийлик қиларди ва ўзи ҳам савдо компанияларининг пайчиси эди, у корсарлардан ҳам ўз улушини олишдан жирканмасди (корсарлар ва коперлар – қирол хизматидаги денгиз қароқчилари). Англияда копер кемаларини жиҳозловчи савдо компаниялари ҳам бор эди ва қиролича улар билан ҳам улушдош эди. Бу махфий фаолиятдан олинган даромад Елизавета I га Англиянинг давлат қарзларидан қутулиш имконини берди.

Энг машҳур денгиз қароқчилари – Хоукинсни¹ қиролича дворянлик унвони билан сийлади, Дрейкни² эса қироллик флотининг вице-адмирали ҳам қилиб тайинлади.

Испания билан денгиз ҳукмронлиги учун кураш. Англиянинг ашаддий душмани ва рақиби католик Испания эди. Филипп II кучайиб бораётган шаккок қироличага нафрат билан қарарди.

Елизавета Испания зулмига қарши бош кўтарган Нидерландларга очикдан-очик ёрдам берарди.

¹ *Жон Хоукинс* – 1532–1595 йиллари яшаган кемасоз, корсар, қул савдоси билан шуғулланган.

² *Френсис Дрейк* – 1540–1596 йиллари яшаган инглиз денгизчиси, вице-адмирал, корсар. Инглизлар ичида биринчи бўлиб дунё океани бўйлаб сузган.

Мария Стюартнинг қатл қилиниши католицизмнинг Европадаги катта мағлубияти бўлди. Папа Пий V ўзининг махсус булласи билан барча католикларни Англияга қарши урушга чорлади.

Испан қироли Филипп II рақиби Елизаветани жазолашга қарор қилди ва Англияга бостириб киришга тайёрланди. 1588 йили Филипп улкан эскадра тайёрлади ва уни «Енгилмас армада» деб атади. Унинг мақсади Англияни босиб олиш эди.

Армадада 134 кема бўлиб, кемаларда 20 минг матрос, тўпчи, ошқакчи, мушкетёрлар, аркебузирлар ва бошқа аскарлар бор эди ва худди шу кемаларга керакли озиқ-овқатлар, отлар ва отбоқарлар, 2500 та дала артиллерияси ва қамал тўплари ҳам ортиб олинганди. Бундан ташқари шу флот Нидерландияда жойлашган 17 минг кишилик испан корпусини ҳам ўзига қўшиб олиб, Лондондан унча узок бўлмаган ерда, Темза бўйида лангар ташлаши лозим эди. Испанлар уларнинг ҳужуми инглиз католиклари томонидан қўллаб-қувватланишига умид қиларди.

Англия флоти 200 дан ортиқ жанговар ва юк кемаларидан иборат эди. Буларнинг аксариятини Англиянинг турли шаҳарлари томонидан юборилган савдогарлар ва қароқчилар кемалари ташкил қиларди. Куруқликдаги армия умуман йўқ – оролда у нимага керак деб ҳисоблашарди.

Мамлакат мустақиллигини йўқотиш хавфи олдида турарди. Буни барча инглизлар тушунарди. Бой кишилар ўз пулларига кема жиҳозлай бошладилар, шаҳарликлар испан десантини қарши олиш учун кўнгилли отрядларга ёзилдилар. Қироличанинг буйруғи билан Лондон атрофида ва Темза қирғоқлари бўйлаб тупрок кўрғонлари қурилди. Елизавета отга миниб олиб ўз аскарларини айланиб чиқар, ё ғалаба қилиш, ё улар билан бирга ўлишга ваъда берарди. Лекин тақдир Англияни қутқарди. «Енгилмас армада»нинг омади чопмади. Кемалар бўронга дуч келишди, флотнинг бир қисми халок бўлди, қолганларини инглизлар чўктириб юбордилар.

Инглиз флоти испанларникидан фарқли равишда, асосан енгил кемалардан ташкил топган ва улар яхшигина қуроллар билан жиҳозланган эди. Бундан ташқари инглизлар катта тўқнашувдан қочиб, ўз флотининг енгил кемалардан иборатлигидан фойдаланиб, испан кемаларини битталаб чўктирдилар. Инглизларга Голландия флоти ҳам ёрдам берди.

«Барча румблар¹ бўйича тор-мор қилинди ва тарқатиб юборилди», – вице-адмирал Фрэнсис Дрейк «Енги́лмас армада» такдири ҳақида шундай деб ахборот берди. Бу зарбадан Испания ўзи сирира ўнглаб ололмади. Англия Европанинг буюк давлати, денгиз ҳукмдорларидан бирига айланди. Бу ғалаба Англияга ўз мустамлакаларини янада кенгайтириш имкониятини яратди. 1596 йили инглиз кемалари Кадис кўлтиғида испан флотини тор-мор қилди. 1600 йили ташкил қилинган Ост-Индия компаниясининг флоти Молукк ороллари (Зираворлар ороли деб ҳам аталарди) ҳамда Ҳиндистоннинг ғарбий қирғоқларидаги Сурат портига етди ва Англия билан Ҳиндистон ўртасида доимий савдо алоқаларини бошлаб берди.

Бироқ Елизаветанинг ўз фуқароларига «миннатдорчилиги» жуда қимматга тушди: «Енги́лмас армада» устидан қозонилган ғалабадан кейин денгизчиларни хизматлари эвазига ҳақ тўламасдан кемалардан бўшатиб юбордилар; дайдиларга қарши қонунлар («қонли қонунлар») қабул қилинди; гадоларни қамчи билан савалашарди ва тамға босишарди; «Ижарага яшаш қонуни»га мувофиқ уй эгалари квартира ҳақидан қарздор бўлиб қолганларни кўчага ҳайдаб чиқариш ҳуқуқига эга эди.

Халқ ўз кироличасидан ҳафсаласи пир бўлди. Энди Елизаветанинг фойтунини шоду хуррамлик билан оломон кузатиб юрмас эди. Унга ўз вақтида Филипп II, Иван Грозний ва Франция шахзодаси Франсуа Анжуйскийлар совчи қўйган бўлсалар ҳам турмушга чиқмади – чет элликларнинг Англия ишларига аралашини ис-тамади. Елизавета 70 йил умр кўрди ва гумондор ҳамда ёлғиз аёл бўлиб вафот этди. Елизавета I нинг ўлими билан Тюдорлар сулоласи тугалланди.

Англия учун XVI аср ана шундай яқунланди. Мамлакатда кироличанинг мутлақ ҳукмронлигини мустаҳкамлашга кўмаклашган Реформация ўз ниҳоясига етди. Давлат қудратли бўлиб, хўжалиқни ривожлантиришда ва денгиз савдосида муваффақиятларга эришилди. Денгизларда ҳукмронлик аста-секин, кучли денгиз мамлакатига, «денгизлар маликаси»га айланган Англияга ўтди.

Елизаветанинг ўлиmidан кейин Англия тахти Стюартлар сулоласидан бўлган Яков I (1603–1625) га ўтди. Бу даврда ҳали Елизавета ҳукмронлиги замонидаёқ бошланган абсолютизмнинг инқирози

¹ Румб – компас доирасида чизилган бўлақлар.

кучайди, буржуа инкилобининг иктисодий, сиёсий ва ғоявий асослари шаклланди. Бу 1640 йили бошланган Англия буржуа инкилобининг ибтидоси эди.

Францияда диний урушлар ва абсолют монархиянинг мустахкамланиши

1598 йили Францияда Нант эдикти¹ чоп қилинди ва 1685 йилгача мамлакатда диний сабр-тоқат тантана килди. Эдиктда, жумладан, шундай сатрлар бор: «Худонинг иродаси билан Франция ва Наварра қироли Генрих, барча ҳозир бўлганлар ва иштирок этганларга салом! Бу абадий ва бекор қилинмайдиган эдикт билан биз қуйидагиларни айтдик, эълон қилдик ва буюрдик:

VI. Бизнинг фуқароларимиз орасида жанжал ва тўполонга ҳеч қандай сабаб қолдирмаслик учун биз ислоҳ қилинган деб аталаётган динга эътиқод қилувчиларни бизнинг қироллигимиздаги барча шаҳарлар ва жойларда, бизга тобе вилоятларда қувғин, сиқув ва дин ишларида уларнинг виждонига қарши бирон иш қилинишига зўрлаш бўлмайди, уларнинг қарашлари учун ўзлари яшаётган уйларда ва жойларда таъкиб қилинмайдилар деб марҳамат қилдик ва марҳамат қиламиз...

IX. Биз, шунингдек, номи айтиб ўтилган динга эътиқод қиладиган барчага бизнинг шаҳарларимизда ва бизга тобе вилоятларда эътиқод қилишда давом этишларига рухсат берамиз.

XXII. Буюрамизки, айтилган динга нисбатан ўқувчиларни университетларга, коллеж ва мактабларга, касал ва камбағалларни эса госпиталлар, жамоат шафқати ташкилотларига қабул қилишда ҳеч қанақа камситиш бўлмасин.

XXVII. Биз эълон қиламизки, ислоҳ қилинган дин деб аталаётган динга эътиқод қиладиган ёки эътиқод қиладиган барча кишилар барча жамоат мансабларини, қироллик, сеньорлик ёки шаҳар мансабларини бизнинг қироллигимизда ва бизга бўйсунувчи вилоятларда, ерлар ва сеньорликларда, бунга зид бўлган барча қасамёдларга қарамасдан эгаллаш ва бажариш ҳуқуқига эга ва биз томонимиздан фарқламай қабул қилинадилар, ишлашларига йўл қўйиладилар...

Нантда, 1598 йилнинг апрелида, бизнинг қироллигимизнинг тўққизинчи йилида берилди».

¹ Эдикт – қиролнинг алоҳида муҳим фармони.

Бир қиролликда икки мазҳаб. XVI асрга Франция ўзининг ҳудудий бирлашувини яқунлаган ҳолда кириб келди. Бургундия герцоглиги, Прованс ва Бретань графликлари қироллик таркибига қўшиб олингандан сўнг Франция ҳудуди ва аҳоли сони жиҳатидан Ғарбий Европадаги энг катта давлатга айланди. Мамлакатда 15 миллион киши яшарди.

XVI аср бошларида Францияда Лютер таълимотига мос келадиган ғоялар тарқалади. Айниқса, оғир солиқлардан ва меҳнат шароитидан қийналаётган шаҳар аҳолисининг бир қисми учун Реформация ғоялари ижтимоий норозиликнинг бир кўринишига айланди. Мамлакатда Инжилнинг французча таржималари пайдо бўлди, ибодатхоналарда она тилида дуолар ўқиладиган бўлди.

Францияда қироллик ҳокимияти мустақамланганидан норози бўлган, ўз мустақиллиги пайтларини эслаб юрадиган эски аслзодаларнинг вакиллари бор эди. Сарой амалдорлари, уларнинг хизматида турган зодагонлар ҳам, табиийки, ана шундай фикрда эдилар. Кўпгина қашшоқлашган зодагонлар Германиядаги сингари черков бойликларини қўлга олишга ҳозир эдилар.

Солиқлар ставкаси баландлигидан шаҳарликлар жуда қийналарди, ахир Франция Карл V билан – Муқаддас Рим империяси ва Испания қироли билан қажатқич урушлар олиб борарди. Солиқларнинг катта қисмини шаҳарликлар тўлаётган эдилар.

Жанубий Франциянинг эркин фикрлашга мойил кўпгина шаҳарликлари, биринчи буржуа тадбиркорлари кальвинистлар бўлиб қолдилар. Кальвинизм феодал ва черков тўловларига қарши норозилик ғоялари сифатида деҳқонлар орасига ҳам кирди.

Ўрта асрлар даврида мавжуд тартибларга қарши қаратилган ҳар қандай норозилик диний кўринишда ифодаланарди. Янги давр бошларида ҳам шундай эди.

Натижада XVI асрнинг биринчи чорагига келиб, Франция иккита душман лагерга – католиклар ва протестантлар лагерларига бўлиниб қолди. Францияда протестантларни «гугенотлар» деб аташарди (Швейцарияда «ўртоқлар», «умумий қасам ичганлар» маъносини англатади).

Валуа сулоласидан бўлган француз қироллари католикларни қўллашарди, бироқ черков бўлиниши рўй бериб, мамлакат яхлитлигига хавф солади деб хавотир олишарди. Амалда мамлакат бир-бирига қарши турган икки лагерга аллақачон бўлинган эди. Шимол

ва қирол хонадони католиклар томонида қолдилар, Жанубий Франция протестантларники бўлиб қолди.

Гугенотлар ўзларини фаол тутишарди. Улар ҳаммани «ҳақиқий» динга тортишни ўзларининг бурчи деб билардилар. Аввалига гугенотлар махфий мажлисларга тўпланишар, диний мадҳияларни куйлашар, дуо ўқишарди. Кейин улар Рим папаси ва унинг епископларига қарши фаол курашга ўтдилар. Гугенотларнинг шаҳардаги биринчи жамоалари кичик ва тарқоқ бўлса ҳам, улар ишга жонжаҳдлари билан киришдилар. Гугенотлар Швейцариядаги Кальвиндан адабиётлар олишарди, ўзлари ҳам махфий босмаҳоналар ташкил қилиб, варақалар чоп этардилар ва уларни бутун мамлакат бўйлаб тарқатишарди. 1534 йили бундай варақаларни, ҳатто Луврдаги қирол қароргоҳидан ҳам топишган. Гугенотлар бутун мамлакат бўйлаб ўз руҳонийлари – пасторларни юборишарди.

Францияда Реформация уч босқичга бўлинади. Биринчи босқич – XVI асрнинг 20–30-йиллар бошларини ўз ичига олиб, лютеранликнинг мўътадил тарқалиш даври ҳисобланади. Франция қироли бу ҳаракатда қатта хавф бор деб ҳисобламайди ва ҳозирча диний бағрикенглик позициясини эгаллайди. Иккинчи босқич – (1534–1559) янги мазҳаб тарафдорларининг қатъий ҳаракатлари, бидъатчиларнинг сони кўпайиши ва Реформациянинг ижтимоий базаси кенгайиши билан характерланади. 1534 йили Реформация тарафдорлари томонидан тузилган чақириқ варақасини Луврдаги қирол саройи деворларига ҳам осиб кетишади. Бундан ҳақоратланган қирол Франциск I диний бағрикенглик позициясидан қайтиб, янги мазҳабдагиларга қарши жиддий чоралар қўллай бошлайди. 1535 йили 35 нафар даҳрий ёқилиб, 300 га яқини қамоққа олинди. 1560 йилдан Реформациянинг учинчи босқичи бошланади. Бу босқичда ҳаракатга зодагонларнинг қўшилиши натижасида унинг таркиби кенгайди ва шунинг ҳисобига Реформациянинг характери ўзгарди. Натижада қирол яна диний мурасосозлик позициясини эгаллади: у фуқароларга диний танлаш эркинлигини, руҳонийларга оила қуришни ва черков маросимларини миллий тилда ўтказишга руҳсат бермоқчи эди. Бундай ислоҳот қиролликнинг моддий манфаатларига зид эмасди, бироқ папанинг обрўсига путур етказарди. Шу сабабли бундай ислоҳотга папа розилик бермади. Натижада 1560 йилдан Францияда Реформациянинг энг давомли учинчи босқичини ташкил этган фуқаро ёки диний урушлар даври бошланди.

Реформация Францияга ана шундай кириб келди.

Диний урушларнинг бошланиши. Ўша даврда Францияда қироллик ҳокимияти муқим ва кучли эмасди. Тахтда Валуа сулола-сининг сўнгги вакиллари бир-бирини алмаштирарди, бироқ улар-нинг орасида давлатни бошқариш даражасидаги ақл-заковат эгаси йўқ эди.

Конфессиал бўлинган зодагонларнинг икки қарама-қарши гуруҳлари ўртасидаги зиддият мамлакатда фуқаролар уруши-га туртки бўлган 1560 йилги Амбуаз фитнасида ўз аксини топ-ди. Фитна Бурбонлар томонидан уюштирилган бўлиб, тепасида шахзода Конде¹ турарди. Ёш Франциск II ҳукмронлиги даврида (1559–1560) қиролнинг тажрибасизлигидан фойдаланиб, Кон-де Гизларни ҳокимиятдан четлатмоқчи ва Генерал Штатларни чақириб, Бурбонларнинг ҳуқуқини ва протестантларнинг эркинли-гини таъминламоқчи бўлди. Фитначиларнинг асосий таянчи каль-винистик руҳдаги жануб зодагонлари эди. Бироқ фитна фош этилиб, унга қўшилган кўплаб зодагонлар қатл қилинди, Антуан Бурбон ва шахзода Конде қамоққа олинди. Фақат кутилмаганда қиролнинг ва-фотигина уларни муқаррар ўлимдан қутқариб қолди. Фитна икки лагерь ўртасидаги тангликни янада кучайтирди.

Шундай шароитда қиролларнинг қариндоши, католикларнинг раҳнамоси Герцог Гиз 1562 йилнинг мартада қатта қўриқчилар гуруҳи билан Шампань вилоятидан ўтаётиб, Васси деган жойда ўзларининг йиғинларига тўпланишган гугенотларга дуч келади. Протестант гимни куйланганлигини эшитиб, Гизнинг одамлари гугенотларни тарқатишга уриниб кўришди, бироқ қаршиликка дуч келдилар. Шунда герцогнинг одамлари қўлларидаги қурол билан тинч гугенотларга ташланишди. 20 дан ортиқ киши ўлдирилди ва 100 га яқин киши яраланди. Парижда Гизни худди қаҳрамонлардек кутиб олишди. Вассидаги воқеа бутун Францияни ларзага келтир-ди ва ўттиз йилдан ортиқ давом этган (1562–1594) диний урушлар-нинг бошланишига олиб келди. Бу курашда гугенотлар Англиядан ва Германиядаги протестант князлардан, католиклар эса Испания-дан ёрдам олиб турадилар. Агар католиклар билан гугенотларнинг ҳуқуқий аҳволи солиштириладиган бўлса, ҳуқуқсиз томон гугенот-

¹ Конде, Людовик I Бурбон, шахзода – 1530–1569 йиллари яшаган, гугенотларга етакчи-лик қилган. 1569 йили Жарнак ёнидаги жангда асир олинган ва герцог Анжуйский буйруғи билан барон де Монтеस्कью томонидан ўлдирилган.

лар эди. XVI асрнинг 20-йилларидан бошлаб улар қаттиқ таъкиб қилинарди. 1523 йилдаёқ биринчи бор кальвинист – руҳоний ёқиб юборилган эди. Католиклар тарафида қирол, Париж ва мамлакат аҳолисининг асосий қисми бор эди (кўпгина оддий одамлар гугенотлар орасида зодагонлар кўп бўлганлиги учун уларга ишонмасдилар). 1560 йилдан 1574 йилгача Францияда Валуа сулоласидан қирол Карл IX ҳукмронлик қилди. У иқтидорли эмасди, давлат ишлари ҳам уни унча қизиқтирмасди. У ҳали кичик ёшда бўлган йилларда унинг онаси ўта мағрур, айёр ва жанжалкаш аёл қиролича Екатерина Медичи ҳукмронлик қилди. Шу даврда Антуан Бурбоннинг ҳам саройдаги таъсири кучаяди.

Диний урушлар мамлакатни кулфат гирдобига тортди. Ёвузлик ва жаҳолат кучайди. Католиклар ўз ташкилотларини тузар, сонсаноксиз юришлар ташкил қилар, гугенотларни ўлдиришарди. Улар аёлларга ҳам, болаларга ҳам шафқат қилмадилар. Гугенотларнинг мол-мулклари ёқиб юборилди. Бунинг ҳаммасини католиклар гуноҳ ҳисобламас, зеро гугенотларни бидъатчилар деб ҳисоблашарди, шунинг учун уларни йўқ қилиш керак эди.

Гугенотлар унчалик шафқатсиз эмасдилар. Одатда қўлга киритилган шаҳарларда улар черковларни вайрон қилар, авлиёларнинг ҳайкалларини, иконаларни синдирардилар. Улар руҳоний ва монахларга шафқат қилишмас эди. Аёллар ва болаларга эса одатда тегишмасди.

Диний урушлар пайтида протестантлар қирол ҳокимиятини ён беришга мажбур қилдилар. 1570 йилда Сен-Жерменда келишувга эришилди ва қирол ярашиш эдиктига имзо чекди. Гугенотлар католиклар билан бир қаторда, давлат мансабларини эгаллаш ҳуқуқига эга бўлдилар. Протестантларнинг диний маросимларига ҳамма ерда рухсат берилди. Гугенотлар тўртта қалъани, шу жумладан ғарбий қирғоқдаги Ларошель портини ҳам ўз қарамоғига олдилар. Бирок тинчлик узокқа чўзилмади.

Франциядаги ўзаро урушга Англия, Испания, Нидерланд гёзлари, немис аскарлари, италян, испан ва швейцар ёлланма жангчилари аралашдилар.

Гугенотларнинг раҳбарлари адмирал Колиньи¹ ва Генрих Наварра эдилар. Карл IX католиклар ва гугенотларни яраштириш

¹ *Гаспар де Шатийон, граф де Колиньи* – 1519–1572 йиллари яшаган, 1569 йилдан гугенотлар етакчиси, Карл IX нинг яқин маслаҳатчиси. Муқаддас Варфоломей тунида Генрих Гиз буйруғи билан ўлдирилган.

мақсадида Генрихга ўз синглиси Маргаритани турмушга беришга қарор қилди. Тўйни 1572 йилнинг августига белгиладилар. Шунинг учун ҳам Парижга гугенотларнинг барча йўлбошчилари ўз одамлари билан келдилар. Католикларнинг раҳбарлари ва Екатерина Медичи гугенотларнинг ва Генрих Наварра таъсири кучайишига йўл қўйишни хоҳламас эдилар. Улар протестантларнинг барча йўлбошчилари Парижга тўпланишидан фойдаланиб, уларни йўқ қилишга қарор қилдилар.

Энг аввало, гугенотларнинг йўлбошчиларидан бири адмирал Колинъига суиқасд қилинди. Уни панадан отилган ўқ билан ярадор қилишди, лекин у тирик қолди. Екатерина Медичи гугенотларнинг қасд олишидан қўрқиб (Парижда 20 мингдан ортиқ гугенот йиғилган эди), зарба беришга қарор қилди. Унинг бахтига Париж аҳолиси ҳам Екатерина Медичи тарафида эди. Заиф характерли Карл IX ни бу «мангу исёнчилар»ни йўқ қилиш зарурлигига ишонтиришди.

1572 йил 24 август – Муқаддас Варфоломей байрами арафасидаги тунда Париж савдогарлари оқсоқоли тузган қотиллар тўдалари гугенотларни калтаклашни уюштирдилар. Гугенотлар жойлашган уйларни хоч билан яширинча белгилаб чиқдилар. Сен-Жермен аббатлигида қўнгироқ чалинди, бу биринчи чақириқ эди. Муқаддас Варфоломей туни бошланди. «Оқ қўнгил католиклар»нинг оломони герцог Генрих Гиз раҳбарлигида гугенотларнинг уйларига бостириб кирдилар. Аксариятини тўшакда ушлаб олдилар, бечоралар ҳеч нарсадан шубҳаланишмаган эди. Уйларни таладилар, гугенотларни ўлдирдилар. Аёлларни ҳам, гўдакларни ҳам аямадилар. Адмирал Колинъини ўлдириб, жасадини кўчалардан судраб ўтдилар, сўнгра дорга осиб қўйдилар, қиролнинг ўзи ҳам сарой деразаси ёнида туриб бу бахтсиз одамларга ўқ узди. 24 август тушгача 2 минг гугенот ўлдирилди. Қотиллик бир неча кун давом этди. Замондошлар ҳаммаси бўлиб 30 минг киши ўлдирилди, деб ҳисоблаганлар.

Генрих Наварра ва шаҳзода Конде католик динига ўтганлиги учунгина тирик қолишди. Шу воқеалардан кейин протестантизм Францияда тақиқланди.

Муқаддас Варфоломей тунидаги қотиллик билан фуқаролар урушининг 1560–1572 йилларни ўз ичига олган, нисбатан мўътадил биринчи даври яқунланди.

Мадридда ва Римда Варфоломей туни ҳақидаги хабарни қувонч билан кутиб олишди ва тантанали байрам қилдилар. Папа Григо-

рий XIII бир томонда ўзининг портрети ва иккинчи томонида кўлида хоч ушлаган ва гугенотларни ўлдираётган фаришта тасвирланган медаль тайёрлашга буйруқ берди. Испания қироли хат жўнатиб Карл IX ни шундай ажойиб онаси борлиги билан, Екатерина Медичини эса унинг шундай «ғаройиб» ўғли борлиги билан табриклади.

Сен-Жермен эдикти йўқ қилинди. Бироқ урушлар давом этди. Энди Ларошель ва бошқа шаҳарларнинг аҳолиси исён кўтардилар, уларга зодагон-гугенотлар кўшилдилар.

Диний урушлар Франция учун улкан фожиа бўлди, диний мутаассиблик ва фанатизм ўн минглаб французларнинг ўлимига сабаб бўлди.

Мутаассиблик ва фанатизмнинг қурбонлари сафида Валуа сулоласининг сўнгги қироли Генрих III ва католиклар сардори Генрих Гиз ҳам бор эдилар.

Уч Генрих уруши. 1574 йили Карл IX вафот этганидан сўнг тахт ака-укаларнинг энг кичиги Генрихга тегди. Генрих III мамлакатни 15 йил (1589 йилгача) бошқарди, аммо бу вақтии французлар учун бахтли давр деб бўлмайди. Замондошлари Генрихнинг енгилтаклик, майдакашлик, ўзига ортиқча бино кўйиш, безакка мойиллик каби сифатларини таъкидлаб ўтишган. Мамлакатда фуқаролар уруши давом этарди, французлар французларни ўлдиришаётганди. Бу пайтга келиб, гугенотлар мамлакатни бўлиб ташлашга қарор қилишди. Реформациянинг иккита – буржуа ва дворян йўналишлари бирлашиб, 1575 йили конфедерация ташкил қилишди. Улар мамлакат жанубида катта ерларни (Дофинэ ва Лангедокдан Сентонжгача) бирлаштириб, ўзларининг яхши курулланган армияси, солиқ ва бошқарув тизими билан «давлат ичида давлат»ларини туздилар. Протестантликка қайтган Генрих Наварра ва шахзода Конде уларнинг раҳнамолари бўлишди. Аини шу пайтда Франция тахтига яна бир даъвогар Генрих Гиз ҳам католик лигани – ҳарбий тартибли омавий ҳаракатни тузди. Амалда Генрих Гизнинг ҳокимияти Генрих III никидан кўпроқ эди. Гизни «Парижнинг тож киймаган қироли» деб бекорга айтишмасди. Ҳамма нарсадан кўра католикларни тахт ворислиги масаласи хавотирлантирарди. Ака-ука Валуаларнинг ҳеч бири эркак ворис қолдирмаган ва агар Генрих III вафот этган тақдирда тахт ака-ука Валуаларнинг қариндоши – Генрих Наварра, ўша «гугенот» ва «бидъатчи»га ўтарди. Ўта фанатик бўлган

католиклар орасида фитна пишиб етиларди, қиролни олиб қочиш, мажбуран монах қилиб сочини қирқтириш, француз тожини эса ўзларининг севимли кишиси – Генрих Гиз бошига кийдириш лозим эди.

Католик лиганинг таъсиридан кўрқиб кетган Генрих III Париждан қочиб чиқди ва Генрих Гизни ўз ёнига чақирди. 1588 йилнинг декабрида эҳтиёт бўлмасдан қиролнинг буйруғини бажарган Генрих Гиз ўлдирилди. Қотилга буйруқни Генрих III нинг ўзи берди. Қирол лиганинг бошқа раҳбарлари билан ҳам шундай йўл тутди, кимлардир ўлдирилди, кимдир қамоқхонага ташланди.

Парижликлар Генрих III ни бунақа иш учун кечира олишмасди. Ўлдирилганларни «шаҳид бўлган авлиёлар» деб эълон қилишди. Париж бўйлаб мотам маросими давом этарди. Католиклар ёниқ шамларни олиб юришарди, кейин уларни пуфлаб ўчириб, «Худо Валуалар сулоласининг номини ўчирсин!» деб кичқиришарди.

Католик руҳонийлар диндорларга қирол соғлиғи учун дуо ўқишни ман қилдилар, диншунос олимлар эса барча фуқаро Генрих III га содиқлик қасамёдидан озод қилинганликларини эълон қилдилар.

1589 йилнинг ёзида монах Жак Клеман (1567–1589) қиролни оғир ярадор қилди. Пичоқ урилгандан сўнг Генрих III яна бир неча соат яшади ва Францияни бошқаришга Генрих Наваррани ёрлақди, лекин бу орада Париж гугенотни қабул қилмаслигини ҳам айтиб ўтди.

Эҳтиёткор ва айёр сиёсатдон Генрих Наварра ҳам мамлакат протестант-қиролни қабул қилмаслигини тушунарди.

«Париж мессага¹ арзийди», – деди француз қироли Генрих IV (1553–1610) бўлиб олган Генрих Наварра. У иккинчи марта католик мазҳабига ўтди. 1594 йилнинг 27 февраль куни Генрих Шартр ибодатхонасида тож кийди, 22 мартда эса Париж қиролга ўз дарвозаларини очди.

Генрих IV ўзининг барча кучи, таъсири, қобилиятидан католиклар билан гугенотлар ўртасида мурасага эришиш йўлида фойдаланди. У католик амалдорларни таъқиб қилиб ўтирмади, аксинча, уларни эҳсонларга кўмиб ташлади. Диний урушларни тўхтатиш ва мамлакат яхлитлигини таъминлаш Генрих IV сиёсатининг асоси бўлиб қолди. Шу мақсадда 1598 йили Испания билан тинчлик

¹ Месса – католиклар ибодати шундай дейилади.

шартномаси имзоланди ва католикликни давлат дини деб эълон қилган Нант эдиктини чиқарди. Бу эдикт католик мазҳабини давлат дини деб эълон қилинган бўлса ҳам, гугенотларнинг сиёсий ва диний ҳуқуқларини тартибга солди, мамлакатда диний мурасасозликка эришилди.

Генрих IV янги даврда бирлашган қудратли давлат тузиш вазифасини диний муаммодан устун қўйган биринчи кучли қирол бўлди.

Генрих IV французлар хотирасида «ажойиб», «шонли» қирол сифатида қолган. Ҳатто қўшиқ ҳам айтиб юришарди: «Анри тўртинчи яшаган экан, у ажойиб бир қирол экан».

Унинг даврида Франция Испания билан жанг қилишни тугатди, у деҳқонлардан тўғридан-тўғри солиқни (таляни) пасайтирди. Қашшоқ деҳқонларга эга бўлган мамлакат кучли армия туза олмаслигини қирол яхши тушунар эди. У қарзи учун деҳқонларни қамокқа олиш ва молини олиб қўйишни тақиқлади. Генрих IV саноатни ва савдони ривожлантиришга ҳомийлик қилди. Унинг даврида кўплаб қироллик мануфактуралари очилди. Англиядаги Елизавета давридаги сингари савдо компаниялари тузилди. Айтишларича, у қашшоқ деҳқонларга якшанба кунлари уларнинг қозонида тушликка товук гўшти қайнайди, деб ваъда қилган. Бу ваъда бажарилмади, лекин диний уруш ва Испания билан уруш тугалланди, солиқлар бирмунча камайди, халқнинг яшаш тарзи яхшиланди. Шунинг учун у халқ хотирасида «ажойиб қирол» бўлиб қолди.

Генрих IVнинг сиёсатини амалга оширишда унинг биринчи министри Сюллининг¹ хизматлари ҳам катта бўлди. Генрих IVнинг қироллик пайтида унинг ҳаётига йигирма мартадан кўп суиқасд қилинди. Католик лиганинг собиқ сардорлари ва иезуитлар хотиржам бўлмадилар. 1610 йили қирол католик-фанатик Франсуа Раваляк (1578–1610) ханжари зарбидан ўлдирилди. Ўлимидан сўнг Генрих IVнинг шуҳрати янада ошди, у ҳақда афсоналар тўқилди, уни католиклар ҳам, гугенотлар ҳам шарафладилар. Абсолютизм ғалаба қилди, қирол ички тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб қолди.

Генрих IVнинг ўлимидан сўнг феодал аъёнлар қирол ҳокимиятини заифлаштиришга уриниб кўришди. Тахт Генрих IVнинг

¹ Сюлли, Максимилиен де Бетюн, барон Рони, кейин герцог Сюлли – 1560–1641 йилларда яшаган француз давлат арбоби, Генрих IV даврида Франция ҳукумати бошлиғи бўлган.

Ўғли Людовик XIII ва унинг онаси, Генрих IVнинг иккинчи хотини Мария Медичига ўтди. Мария Медичи регент эди. Сарой аъёнларининг таъсирига дош беришга унинг иродаси етишмади. Улар ўзларига яхши ўринларни беришга, қимматбаҳо совғалар қилишга уни кўндирдилар. Хазина бўм-бўш бўлиб қолди ва мамлакат даҳшатли жар ёқасида турарди. Лекин Людовик XIII бошқарган айнан ўша йиллари қиролнинг биринчи министри бўлиб Арман Жан дю Плесси – кардинал Ришельё¹ ҳукумат тепасига келди. Францияда абсолютизмнинг мустаҳкамланиши айнан Ришельёнинг номи ва хизмати билан боғлиқ.

Кардинал Ришельё ислохотлар йўлини тутди ва улардан мақсад нималигини шундай ифодалади: «Менинг биринчи мақсадим қиролнинг улуғворлиги эди, иккинчи мақсадим давлатнинг қудратлилигидир».

Биринчи министр гугенотларнинг давлат ичидаги давлатини йўқотиш вазифасини қўйди. Қироллик армияси Ларошелни қўлга киритди. Гугенотлардан уларнинг қалъалари, шаҳарлари, қўрғонлари олиб қўйилди. Аммо кардинал уларнинг диний эркинлигини чекламади, Нант эдикти ўз кучида қолди.

Ришельё ўзбилармонлик қилганларни аёвсиз жазолар ва амалдорларни вазифасидан олиб ташларди. У зодагонлар ўртасида дуэлни ман қилди – қонни қирол учун тўкиш керак, дерди кардинал. Жойларда ҳокимият амалдорлар, интендантларга берилди. Улар ҳукумат томонидан тайинланар ва унга бўйсунитарди. Хазинани тўлдириш учун Ришельё саноатни, савдони, кема қатновини қўллаб-қувватлади. Унинг даврида Франция ўттиз йиллик (1618–1648) урушга тортилди. Француз армияси Европада энг кучли армияга айланди, бу ҳақда унинг ғалабалари ва Францияга янги ерлар – Эльзас ва Лотарингиянинг қўшиб олиниши айтиб турибди.

Герцог де Ришельё қиролнинг биринчи министри бўлиб, 18 йил Франция сиёсатини ўз қўлида ушлаб турди ва 150 йил – 1789 йилги Буюк француз инқилобигача сақланиб қолган сиёсий тузумни яратди.

Ришельё Генрих IVнинг мамлакатни мустаҳкамлаш ва бирлаштириш йўлини давом эттирди, унинг даврида диний таъқиблар

¹ Арман Жан дю Плесси, кардинал Ришельё – 1585–1642 йиллари яшаган француз давлат арбоби, Рим-католик черкови кардинали, янги Франциянинг қурилишига улкан ҳисса қўшган шахс.

тўхтатилди. Мамлакатда диний можароларга чек қўйиш мақсадида у «гугенотлар ҳам, католиклар ҳам менинг кўз олдимда бир хил французлардир», «менинг давлат душманларидан бошқа ғанимларим йўқ», деганди.

Францияда Реформация ва диний урушлар ўзининг алоҳида хусусиятларига эга эди, уларда зодагонлар ва шаҳарликлар энг кўп иштирок этдилар. Мамлакат диний муросага ва абсолют монархияни куришга эришиб, кулфатлар йўлагидан чиқиб олди. Франция Европанинг энг қудратли давлатига айланди.

Нидерландиядаги инқилоб

Тўрт юз йил аввал халқ ҳаракатлари катта ва қудратли давлатда эмас, кичик, лекин ажойиб давлатда – Нидерландияда катта муваффақиятга эришди. Бу ерда инқилоб эски тартибларнинг янги-си билан алмашинишига, одамлар ҳаётидаги туб ўзгаришларга олиб келди. Бу қандай мамлакат? XVI аср ўрталаридаги Нидерландияга назар ташлаймиз.

Капиталистик муносабатларнинг шаклланиши. Кема қатнайдиган Шельда, Маас ва Рейн дарёларининг қуйи оқимида ўрта асрларда Нидерландия деб аталган мамлакат жойлашганди (Нидерландия «қуйида жойлашган ерлар» маъносини англатади). Ўн еттита нидерланд вилоятлари XVI асрда ҳозирги Бельгияни, Франциянинг бир қисмини, Люксембург ва Голландияни қамраб оларди. Бу ерда 3 миллионга яқин аҳоли яшарди. 300 шаҳар ва 6500 қишлоқ бор эди. Нидерландияда шаҳарликлар асосан савдо билан шуғулланишарди. Мамлакатнинг иқтисодий ва савдо маркази Антверпен шаҳри эди.

Антверпен Нидерландияни дарё орқали Германия ва Франция билан, денгиз орқали Англия билан боғлаб турадиган қулай йўл устида жойлашган эди. Антверпен кўчаларидан ҳар куни камида 2 минг савдо фургонлари ўтарди. Бу ерда банкнинг улкан биноси виқор билан турар ва итальян, португал ҳамда турк савдо уюшмалари бор эди. Ҳар куни ер юзининг барча мамлакатларидан келган юзлаб кемалар портга кириб-чиқиб туришарди. XVI асрда Антверпен Европанинг энг муҳим савдо маркази бўлиб қолганди. Бу мамлакат бой эди. У пайтлар Нидерландия нима билан шуҳрат қозонган бўлса, – моҳир усталар тайёрлаган нозик матолар, ўша пайтларда энг йирик бўлган Наюмр ва Льеж заводларида эритилган металл, Гаага ва Амстердам верфларида қурилган тезюрар ва яхши жиҳозланган кемалар,

Антверпен ва Лейден босмахоналарида чоп этилган китоблар – буларнинг барчаси мамлакат меҳнаткашларининг қўли билан яратилган эди. Асрлар давомида Нидерландия аҳолиси қирғоқ бўйи ерларини ўзлаштирди, уларни қуритди ва тўғонлар билан ўраб олди.

Нидерландияда янгича, капиталистик тартиб тез ривожланди. Бироқ бу илғор, ривожланган мамлакатда энг асосий ҳуқуқ – мустақиллик йўқ эди.

Нидерландия Испания ҳукмронлиги остида. XVI аср ўрталарида Нидерландия Испаниянинг – феодал тартиблар ҳукмрон бўлган давлатнинг қўл остида эди. Испания монархияси Нидерландияда ўзининг қолоқ бошқарув тизимини ўрнатди. Аҳолига жуда юқори солиқлар солинарди. Шунини айтиш етарлики, нисбатан кичкина Нидерландиядан испан хазинаси улкан денгиз орти мустамакчаларига қараганда 4 марта кўп маблағ оларди. Испан феодалларининг зулми мамлакат хўжалигини ривожлантиришга тўсқинлик қиларди. Солиқ йиғувчилар камбағаллардан сўнгги тийинларини ҳам тортиб олардилар. Қишлоқларда испан аскарлари ҳаддидан ошарди.

Нидерландияда кальвинистик дин аллақачон тарқала бошлаган эди. Бу ерда бидъатни йўқ қилиш учун испан қироли Филипп II юқори диний лавозимларга испанларни тайинлай бошлади ва Нидерландияда испан инквизициясини киритишга тайёрланарди.

Черков судлари мамлакат бўйлаб кезиб юрар ва ўзини католик деб ҳисоблашни хоҳламаганлар ҳамда католик ибодатхонасига бормай юрганларни қўлга олишни буюришарди.

Қўзғолоннинг бошланиши. Қонли қонунлар ҳам, оммавий қатл қилишлар ҳам Филипп II нинг шафқатсиз сиёсатидан нидерланд халқининг аксариятида ўсиб бораётган норозиликни тўхтага олмасди. Аксинча, Нидерландияда халқ ҳаракати кенгая борди, унга шаҳарликлар, ҳунармандлар, деҳқонлар, савдогарлар ва, ҳатто зодагонлар ҳам жалб қилинди.

1566 йилнинг августида испан ҳукмронлигига қарши тарқок чиқишлар оммавий халқ ҳаракатига айланиб кетди. Бунга испанлар зулми ва қимматчиликдан ташқари 1565–1566 йиллардаги очарчилик ҳам сабаб бўлди. Қуролланган халқ католик руҳонийларнинг билимсиз ва ахлоқсизлигини фош қилаётган, черковни ислоҳ қилишга, испанлар зулмига ва инквизицияга чек қўйишга чақираётган гапга чечан нотикларнинг чиқишларини тинглашга тўпландилар. Бир

неча ҳафта ичида Нидерландиядек кичик бир мамлакатда беш ярим мингдан зиёдроқ черков ва монастирлар тўлиқ вайрон қилинди. Исёнчилар католик руҳонийларни ва испан амалдорларини қувиб юбордилар.

Филипп II бўйсунмаганларни бир зарба билан енгишга қарор қилди. 1567 йил ёзида Нидерландияга герцог Альба¹ бошчилигида сараланган қўшин юборилди. Альба Нидерландиянинг якка ҳокими бўлиб қолди. Жоҳил ва чекланган, лекин темир иродали моҳир жангчи, фақат битта туйғу – шаккоқларга нафрат туйғусига эга бўлган герцог Альба ана шундай одам эди. Нидерландияда герцог Альбанинг диктаторлик режими ўрнатилди.

Нидерландиянинг пойтахти Брюсселга келибоқ, Альба ҳокимиятни ўз қўлига олди. У бошқаришнинг фақат битта усулини – куч, аниқроғи террорни тан олар, фақат битта воситани – жаллоднинг қиличи ва инквизиция гулханини биларди.

Унинг Нидерландиядаги ҳукмронлик даврида фуқароларнинг барча ҳуқуқлари, адолат, қонунчилик йўқ бўлиб кетиши бежиз эмасди. Биринчи навбатда, Альба ёвузлиги туфайли халқ орасида «қонли кенгаш» деб ном олган исёнлар бўйича кенгашни тузди. «Қонли кенгаш»да золимлик ҳукм сурарди. Альбанинг ҳукмронлик даврида бу ёвузлик қурбонларининг сони 8 мингдан ошиб кетди. Бутун мамлакат дор билан қопланди. Дорлар етишмаганлиги учун тўғридан-тўғри дарахтларга, шаҳар деворларининг чиқиб турган тўсинларига осиларди. Шаҳар кўчаларида ўнлаб бидъатчилар ёндирилган гулханларнинг нафасни бўғувчи тутуни сузиб юрарди. Бундай террор фақатгина бидъатчиликни тугатиш учунгина эмас, испан ҳокими хазинасини тўлдириш ва жангчи ҳамда амалдорларга маош тўлаб туриш мақсадида нидерланд зодагонлари ва буржуазиясини талаш мақсадига ҳам эга эди.

Герцог Альба «ўндан бир» деб аталувчи янги солиқ турини киритди, ҳар қандай савдо битимидан ўндан бир қисми испан ҳукмронларига берилиши керак эди.

Минглаб аҳоли денгиз ортига – Англия ва Германияга қочиб кетди, бир неча юзлаб кишилар ўрмонларда паноҳ топдилар. Лекин эрксевар нидерланд халқи ўзини тиз чўктиришга йўл қўймади.

¹ Альба Фернандо де Толедо – 1507–1582 йиллари яшаган испан давлат арбоби ва саркардаси, Карл V нинг юришларида фаол иштирок этган. 1567–1572 йиллари Нидерландия диктатори.

Альбанинг зулмидан норози бўлган дехқонлар, хунармандлар, майда дўкандорлар кичик-кичик партизан отрядлари туздилар ва ўрмонларда яшириниб юриб, испанларга зарба беришарди. Партизанларни ўрмон гёзлари деб аташарди («гёзлар» – нидерландчада гадолар, қашшоқлар дегани, бу номни мағрурлик билан олиб юрган халқ қасоскорларини душманлари ана шундай аташган). Болта, арбалет, қилич, паншаха ва ўроқлар билан қуролланган гёзлар курашни ғалабагача олиб боришга қарор қилишган эди. Улар испанларнинг кичик отрядларига хужум қилишар, душман фойдасига жосуслик қилувчи католик руҳонийларига ҳам шафқат қилишмас эди.

Шимол кўзғолони. Мамлакат шимолида кўплаб ишчилар Голландия ва Зеландиянинг катта савдо флотида матрос бўлиб хизмат қиларди. Савдо тўхтаб қолгандан кейин денгизчилар қирғоқ бўйи ерларни талаб ва вайрон қилиб, Испания билан денгиз уруши олиб бордилар. Улар кечасию кундузи душманни излаб денгиз кездилар. Испан кемалари ловуллаб ёнар ва чўкарди. Матрослар шафқатсиз, душманни асир олишмас эди. Бу партизан – денгизчиларни «денгиз гёзлари» деб аташарди.

1572 йили денгиз гёзлари жасорат билан Бриль шаҳрини эгалладилар. У барча шимолий вилоятларда тарқалган гёзчилик ҳаракатининг таянч даргоҳига айланди. Шаҳзода Виллем ван Ораньени (1533–1584) шимолий ҳудудлар ҳукмдори деб эълон қилдилар. У энг йирик ва энг обрўли заминдор бўлиб, Испания ҳукмронлигидан норози нидерланд зодагонларига бошчилик қиларди.

Испан қироли Карл V саройида улғайган Виллем ван Ораньени жуда эрта дипломатик хизматга тайинлашди. Император унга катта умид боғлар ва тўлик ишонарди. Ҳатто ўзининг тахтдан воз кечиш пайтида ҳам у 22 ёшли Виллем ван Ораньегга суяниб олган эди. Бироқ янги қирол Филипп II (1527–1598) ўзини мустақил тутар ва Виллем ван Ораньени ёқтирмас эди. Шаҳзода очик суҳбат олиб бора олса ҳам «индамас» лақабини олди. Ҳақиқатан ҳам Виллем ван Оранье сукут сақлашни билар ва ўз сирларини бегоналардан асрай оларди. У ёлланган аскарлар тўплади ва уларни испанларга қарши урушга юборди, лекин ёлланма аскарлар ёмон жанг қилишарди. Шаҳзода уларга бошчилик қилиб, кўп марта муваффақиятсизликка учради. Бироқ Альба ҳам ўзининг олти йиллик ҳукмронлик даврида

сезиларли муваффақиятга эриша олмади. Кўшинни сақлаб туриш қимматга тушар, тортиб олинган бойликлар сарф қилиб бўлинган, мамлакатдаги қаршилик ҳаракати эса кучайиб борарди. Альба ундан Мадриддагилар норози эканлигини билар, шунинг учун истеъфога чиқаришини сўрарди. 1573 йили герцог Альба Нидерландияни тарк этди.

Альба кетганидан сўнг испанлар Лейден шахрини камал қилдилар. Олти ойдан сўнг Лейден чорасиз ҳолатда қолди. Очлик бошланди, вабо тарқалди. Шунда исёнкорлар дадил қарор қилдилар – шахарни сув билан бостириш керак. Лейден қирғоқдан бир неча километр нарида, денгиз сатҳидан паст бўлган текисликда жойлашганди. Ҳимоя дамбаларини бузиб юборишса, денгиз ёрдамга етиб келар, шахарга гёзларнинг кемалари кира олар эди. Испанларнинг таслим бўлиш ҳақидаги таклифига очлик ва камалдан азоб чекаётган Лейден аҳолиси «Еримизни йўқотгандан кўра сув бостириб юборган маъқул», – деб жавоб бердилар. Шахарликлар тўгонлар қурдилар. Қутурган офатнинг даҳшатли тўлқинлари испанлар устига хужумга ташланди. Испан аскарлари қочиб қолишга мажбур бўлдилар.

Альбадан кейин Испан қироли томонидан тайинланган ҳокимлар баъзи бир енгилликлар, ён беришлар зарурлигини Филипп II га уқтирдилар. Хазинада пул йўқ эди, аскарларга маош тўлаш тўхтатилди. Испан аскарлари мамлакатни талай бошладилар. 1576 йилда Антверпен шахрининг таланиши жуда даҳшатли бўлган эди. Шахарда 7 минг киши ўлдирилди.

Испанларнинг Антверпендаги ваҳшийлиги жанубдагиларни шимолий вилоятлар билан қўшилишга мажбур қилди. Исён кўтарган халқ фақат испанларни ўлдирибгина қолмай, монастирларни ҳам вайрон қилдилар, зодагонларнинг уйларини таладилар. Инқилобдан кўрқиб кетган нидерланд феодаллари жанубдаги исённи бостиришда испанларга кўмаклашдилар. Улар испан қиролига бўйсунушга тайёр эканликларини билдиришди. Филипп II Жанубий Нидерландияни ўз қўлида сақлаб қола олди.

Голланд Республикасининг ташкил топиши. Бунга жавобан еттита шимолий вилоятлар 1579 йилда Утрехт унияси деб номланган ҳужжатни имзолаб, иттифоқ туздилар. Улар «худди битта вилоят каби абадий бирлашиш»га ва испанларга қарши биргаликда жанг қилишга ваъда бердилар.

Шундан сўнг тез орада улар Филипп II ни тахтдан туширилган деб эълон қилдилар. «Худо одамларни, – дейилган эди хужжатда – ҳукмдор учун эмас, аксинча, ҳукмдорни одамлар манфаатлари учун яратади. Агар ҳукмдор ўз фуқаролари манфаати учун қайғурмас экан, у энди ҳукмдор эмас, бўйсунуш лозим бўлмаган золимдир». Шимолий Нидерландияда пайдо бўлган янги давлат «Бирлашган провинциялар» деб аталувчи иттифоқни ташкил қилган етти вилоятдан энг аҳолиси кўпи ва энг қудратлисининг номи билан содда қилиб «Голландия Республикаси» деб атала бошланди. Республика ўз мустақиллиги учун яна узоқ вақт Испания билан жанг қилишга мажбур бўлди. Фақат 1609 йилдагина Испания Голландияни тан олганлиги ҳақидаги шартномага қўл қўйди.

Шундай қилиб узоқ вақт давом этган ва қизғин кураш натижасида мағрур ва эрксевар халқ Шимолий Нидерландиянинг мустақиллигига эришди, лекин бўлиб ўтган воқеаларнинг тарихий аҳамияти фақат шундангина иборат эмас. Бу кураш оқибатида Шимолий Нидерландияда феодал тартиблар барҳам топди ва Голландияда ҳокимият тепасига буржуазия келди, янги капиталистик муносабатлар жадал қарор топиш йўлига ўтди.

* * *

Иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг ривожланиши натижасида XVI–XVII асрларда бир қатор Европа мамлакатларида капиталистик тузум шакллана бошлади. Бу тузумнинг асосий жиҳатлари шундан иборат эдики, инсон озодлиги, қадр-қиммати ва эрки каби янги демократик қадриятлар асосида унинг тадбиркорлиги, ташаббускорлиги учун кенг йўл очилди, яхши яшашга интилиш, меҳнат қилиш, тежамкорлик каби хислатлар шаклланди.

Ишлаб чиқариш ва савдода вужудга келган нисбатан эркинлик саноатнинг тез суръатлар билан ривожланиши учун имконият яратди. Фан ва техника шиддат билан ривожланди, янги ихтиролар натижасида машиналар қўл меҳнاتини ишлаб чиқаришдан сиқиб чиқара бошлади.

Буларнинг барчаси Европада жамиятнинг қиёфасини ўзгартириб, янги, индустриал цивилизациянинг шаклланиши учун асос яратди.

V боб бўйича саволлар

1. Реформация қандай жараён, унинг мақсади ва вазифалари нималардан иборат эди?
2. М. Лютер ва Т. Мюнцер таълимотларининг моҳияти ва фарқлари нималардан иборат эди?
3. Католик черкови реформацияга қарши қандай кураш олиб борди?
4. Кальвин таълимотининг моҳияти нимада?
5. Англияда Реформация жараёни қандай кечди ва нималарга олиб келди?
6. Францияда диний урушлар қандай оқибатларга олиб келди?
7. Нидерландия инқилобининг сабаблари нимада?
8. Ришельёнинг қандай тадбирлари Францияда абсолютизмнинг мустаҳкамланишига олиб келди?

II БЎЛИМ

ЕВРОПАДА ИНДУСТРИАЛ ЦИВИЛИЗАЦИЯНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

VI БОБ. XVII–XVIII АСРЛАРДА АНГЛИЯ

Англия буржуа инқилоби

Янги, капиталистик муносабатларга асосланган тартибларнинг ўрнатилиши учун XVII аср ўрталаридаги инқилобда инглиз буржуазиясининг ғалабаси катта аҳамиятга эга бўлди. Бу инқилоб эълон қилган принциплар фақат Англияда эмас, бутун Европада капиталистик муносабатларнинг ҳукмрон тартибга айланиши эҳтиёжидан келиб чиққан эди. Айтиш лозимки, инқилобнинг ўзи ҳам шу янги муносабатлар ривожининг қонуний маҳсули бўлди.

Англия инқилоб арафасида. XVI аср Англия учун муваффақиятли яқунланди. Саноат тез ривожлана бошлади: юз йилда (1540–1640) кўмир қазиб чиқариш 8 марта кўпайди; ишқор, кўрғошин ва туз ишлаб чиқариш 6–8 марта, темир рудаси қазиб олиш эса 3 марта ортди. «Енгилмас армада»нинг мағлубиятидан кейин мамлакат денгизда ҳукмронликни қўлга киритди. Денгиз савдоси ривожланди: Москва, Марокаш, Ост-Индия ва бошқа бир қатор савдо компаниялари Эрондан Шимолий Америкагача, Швейцариядан Ҳиндистон ва Цейлонгача бўлган катта ҳудудда жуда фаол ҳаракат қилдилар; Стюартлар давридаги монополия тизими натижасида ташқи савдони, асосан лондонлик бойлар эгаллаб олди. Натижада Лондонда жуда қудратли савдо олигархияси вужудга келди.

Ички савдо ҳам ривожланди. 1600 йили Лондонда дастлабки биржа фаолият кўрсата бошлади. Мамлакатнинг 4/5 қисм аҳолиси қишлоқларда яшаганлиги сабабли, аграр соҳадаги ўзгаришлар Англияда ислохотлар ривожининг ўзига хос томонини ташкил қилади. Қишлоқ хўжалигига ҳам бозор муносабатлари шиддат билан кириб борди.

Фаол ташқи сиёсат юргизилиб, бўлғуси Британия мустамлакачилик империясининг асослари яратила бошланди. Америкадаги биринчи мустамлака – Виржинияга асос солинди.

Санъат ва фан соҳасидаги муваффақиятлар ҳам салмоқли эди. Бэкон¹ ва Шекспир номлари бутун дунёга машҳур бўлди. Кўпгина жентрилар² ва савдогарлар ўз бойликларига кўра лордлар билан беллаша олардилар. Англияда бой ва кучли ўрта табақа шаклланган эди. Бу табаканинг аксарият вакиллари диний эътиқодлари ва ҳаёт тарзига кўра пуританлар³ эди. Кальвинизмнинг бу издошлари англикан черковини мўл-кўлчилик билан ўтадиган диний ибодатлардан «тозалаш»га уриндилар. Пуританлик кейинчалик инқилобий ҳаракатнинг мафкуравий асосига айланди. Пуританлар орасида кўплаб янги зодагонлар, бой савдогарлар, усталар, мануфактура эгаларининг, ўзига тўқ деҳқонларнинг вакиллари бор эди. Бу одамлар пулнинг қадрини яхши билишарди.

Пуританларнинг ўзлари қонунларни қаттиқ ҳурмат қиларди ва худонинг иродасини тушунишни истаганлари учун муқаддас ёзувларни ҳафсала билан ўқишарди. Улар киро́л ҳукмронлиги ҳам худо иродасининг маҳсули эканлигига ишонишарди, лекин бу ҳукмронлик қадимий инглиз одатларига риоя қилса ва парламент билан ҳисоблашсагина улар учун қонуний эди. Парламент ҳам худонинг иродаси билан яратилганлигига пуританлар сидқидилдан ишонишарди.

Буржуача ахлоқнинг шаклланиши. Фақат ташқи дунёни эмас, ўз қудратини, кадр-қимматини англаган, яхшилик ва ёмонликни тушунишга уринган инсоннинг ички дунёси ҳам ўзгариб боради.

Инжилнинг инглиз тилига таржима қилиниши ва она тилида ибодат қилишнинг киритилиши жамиятда муқаддас ёзувларга қизиқиш уйғотди. Инжилни ибодатхоналарда тинглаш ва оилада мутолаа қилиш одат тусига кирди.

Пуританлик кишиларнинг шахсий хулқига ҳам таъсир кўрсатди. Пуритан учун бурч туйғуси асосий мезон эди. Улар жамиятда ўзларининг хулқ-атворларига катта эътибор берар, сабр-тоқатли

¹ *Фрэнсис Бэкон* – 1561–1626 йиллари яшаган инглиз давлат арбоби, тарихчи ва файласуф, эмпиризмнинг асосчиси, барон, виконт унвонларига эга бўлган.

² *Жентри* – инглизча «gentry» – кичик ер эгаси, маълумотли зодагонлар.

³ *Пуританлик* (инглизча «pure» – «тоза») – христиан динидаги мазҳаблардан бири. Бир неча йўналишлари бўлиб, барчасини англикан черковига салбий муносабат бирлаштириб туради.

бўлишга уринардилар. Пуританларнинг ҳаёт тарзи тартибли эди, улар эрта туришар ва ҳеч қачон инсиз қолишмасди.

Пуританларнинг дунёқараши буржуазия ғояларига ҳам тўлик мос келарди. Асосини пуританлик ташкил қилган буржуа ахлоқи шундай ривожланди, асосий кадрияти тежамкорлик, меҳнатсеварлик ва изланувчанлик бўлган буржуача ҳаёт тарзи ана шундай шаклланиб борди.

Мамлакатнинг ютуқлари инглизларни уларнинг ҳаракатлари тўғри эканлигига ишонтирди, буржуача ҳаёт тарзи, миллий ғурур ва инсоний кадр-қимматнинг шаклланишига кўмаклашди.

Инқилобнинг сабаблари. Стюартларнинг янги қироллик сулоласи инглиз парламенти ва пуританлик черковига қарши курашга киришиб кетди. Вужудга келган қарама-қаршилик инқилобнинг асосий сабабига айланди.

Қирол Яков I Стюарт парламент билан ҳисоблашишни хоҳламас эди ва епископлар англикан черкови учун зарур деб ҳисоблар эди. Эски тартибларни ҳимоя қилиб Яков I ва унинг ҳукумати цех чекланишларини сақлаб турарди, маҳсулот сифати ёмонлашади, деган баҳона билан янги ихтироларни қўллаш тақиқланганди.

Ҳукмрон доираларда хазинани ўғирлаш ва порахўрлик одатий ҳолга айланган, қиролдан тортиб то оддий судьягача ҳамма пора оларди. Баъзи товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш учун рухсатномани қиролнинг ўзи сотар, савдогарлар эса харажатларини қоплаш учун нархларни оширишга мажбур бўларди. Бирор кишининг монополиясига айланмаган товарни топиш қийин эди.

Яков I нинг ташқи сиёсати ҳам катта норозиликка сабаб бўлаётган эди. Айниқса, инглиз буржуазиясининг мустамлакаларни босиб олишдаги асосий рақиби бўлган католик Испанияси билан муросазозлиги ҳеч кимга маъқул эмасди. Бунинг устига Яков I пуританларни таъқиб қилишни ҳам давом эттирди. Кўпчилик пуританлар мол-мулкларини сотиб, ҳали номаълум Америка томон отландилар.

1625 йили Яков I вафот этди. Унинг вориси 25 ёшли Карл Уэльсский қирол Карл I номи билан (1600–1649) тахтга келди. Бутун инглиз жамияти янги қирол ўзгаришлар зарурлигини тушунади деб умид қиларди. Аммо Карл I га нисбатан ишончсизлик унинг Франция қироли Людовик XIII нинг синглиси, католик мазҳабидаги Генриетта Марияга уйланганидан сўнг айниқса кучайди. Қатъиятсиз Карл I Генриетта Мариянинг таъсирига тушиб колган эди.

Шу тариқа Карл I билан парламент ўртасида низо бошланди. Келишмовчиликка қиролнинг Франциядаги каби чекланмаган ҳокимиятга интилиши ва инглиз жамиятида рўй бераётган ўзгаришларни тушуниш ва қабул қилишни истамаслиги сабаб бўлди. 1628 йили бир йўла учта давлат – Франция, Испания ва Австрия билан уруш олиб бораётган ҳукуматнинг қийинчиликларидан фойдаланиб парламент қиролни «Ҳуқуқлар тўғрисида билль»¹ ёки «Ҳуқуқлар тўғрисида петиция»²ни имзолашга мажбур қилди. Бу ҳужжатларнинг муаллифлари «Эркинликнинг буюк хартияси»³га асосланиб, парламентнинг розилигисиз бирорта ҳам солиқ жорий қилинмаслигини кўрсатди, суднинг рухсатисиз ҳар қандай қамоққа олишлар қонунсиз эканлигини эълон қилдилар. Карл I биллни бузишга уриниб кўрганда парламент норозилик билдирди. Шунда қирол парламентни тарқатиб юборди ва муҳолифат қатнашчиларидан етти кишини қамоққа ташлади, улардан айримлари ўлдирилди.

Англияда ўрнатилган Карл I нинг шахсий ҳукмронлиги 11 йил давом этди. Бу даврда савдогарлар, янги зодагонлар, хурфикр диндорлар давлат ишларидан бутунлай четлатилди. Қиролнинг кўрсатмаси билан пуританларни таъқиб ва қувғин қилиш кучайди, гайриқонуний солиқлар жорий қилинди, цензура кучайди, мавжуд сиёсий режим билан келиша олмаганларга қарши суд таъқиби олиб борилди.

Яна нарх ошишига олиб келадиган монополия билан савдо қилиш чекланмаган кўринишга эга бўлди. Савдогарлар, янги зодагонлар, оддий кишилар – барча қирол тартибларидан жабрландилар. Эмиграция кучайди. Буларнинг ҳаммаси савдо ва саноат ривожланишининг секинлашувига олиб келди.

Инқилобнинг бошланиши. Узоқ муддатли парламентнинг ислоҳотлари. 1640 йилнинг бошига келиб хазина бўшаб қолди, ҳеч ким қарзга пул бермай кўйди. Мамлакатда очлар кўзғолонлари, Лондонда эса кўча тартибсизликлари бўлиб турарди. Англияга қарши ҳарбий ҳаракатларни Шотландия бошлади.

Қиролга парламентни чақириш талаб қилинган норозилик хатлари кетма-кет жўнатилиб турилди. 1640 йил 3 ноябрда янги парламент йиғилди. Бу парламент салкам 13 йил тарқатилмаганлиги

¹ *Билль* – қонун лойиҳаси.

² *Петиция* – жамоа бўлиб берилган ариза.

³ «*Эркинликнинг буюк хартияси*» – 1225 йили Англияда қабул қилинган қонун.

учун «Узоқ муддатли парламент» номи билан тарихга кирди. Бу инқилобнинг бошланиши эди.

Парламент ишга киришганда қиролни ва унинг сиёсатини, асосан, феодал анъаналар кучли бўлган ҳамда кўпчилик католик мазҳабига эътиқод қиладиган энг қолоқ ҳудудларнинг вакиллари қўллаб-қувватлаши маълум бўлди. Жамоа палатасининг кўпчилигини эса пуританлар ташкил қиларди. Улар икки партия – мўътадил пресвитерианлар ва радикал индепендентлардан иборат эди.

Узоқ муддатли парламент бир қанча муҳим ислоҳотларни амалга оширди: фавқулодда судлар – «Юлдузлар палатаси» билан «Юксак комиссия»ни йўқ қилди; Шимол ва Уэльс ишлари бўйича кенгаш тарқатилди; монополиялар қонундан ташқари деб эълон қилинди; черков судини руҳоний бўлмаган шахсларни жазолаш ҳуқуқидан маҳрум этди; қироллик яширин кенгашининг олий суд вазифасини бажариш ҳуқуқини бекор қилди; қамоқда сақланаётган пуританларни озод қилди; мамлакатни парламентсиз бошқаришда қиролга бош маслаҳатчи ҳисобланган Стаффорд¹ қамоққа олинди ва суд қарори билан 1641 йил 12 май куни қатл қилинди; матбуотнинг амалда мустақиллигини ўрнатди; епископлар ва полиция цензурасини йўқ қилди. 1641 йил 15 февралда қабул қилинган «Уч йиллик билль» қиролнинг хоҳишидан қатъи назар, парламентнинг камида ҳар уч йилда чақирилишини, Жамоа палатаси фақат унинг ўз розилигисиз тарқатилиши мумкин эмаслигини ўрнатган энг муҳим қонун эди. Унда: ушбу билан қирол бизнинг черков ҳукмдоримиз томонидан парламентда мажлис қилувчи лордлар ва жамоа розилиги ва ҳукми билан қарор ҳамда эълон қилдиларки, шу ҳақдаги парламент қарорисиз бошқа бирор йўл билан тарқатилмайди, шунингдек, ушбу парламент шу мақсадда махсус ўтказилган кенгашнинг қарорисиз исталган пайтда унинг чақирилиш муддати орқага чўзилиши мумкин эмас ва пэрлар палатаси унинг ўзи томонидан ва ўз қарорига кўра фақат ушбу парламентнинг фаолияти давомида муддати ўзгартирилиши мумкин; ушбу қарорга зид келадиган, қабул қилинган ёки қабул қилинажак ушбу парламентни тарқатиб юбориш ёки муддатини чўзиш учун қилинган ҳар қандай восита ёки қарор ғайриқонуний ҳамда ҳақиқий эмас деб эълон қилинади,

¹ *Стаффорд Томас Вентворт (Уэнтиорт)* – 1593–1641 йиллари яшаган инглиз давлат арбоби, граф.

дейлади. Қонунсиз тўлов ва жарималар ҳам тўхтатилди. Узоқ муддатли парламентнинг абсолютизмга қарши қаратилган дастлабки қарорларидан бири, қирол министрларининг судга тортилиши бўлди. Кўпгина юксак амалдорлар, епископлар, судьялар Тауэрга жўнатилди.

Аслида Узоқ муддатли парламент томонидан амалга оширилган ўзгаришлар ўз моҳиятига кўра Англия давлат тузумида юз берган инқилобий тўнтариш эди.

1642 йилнинг январида қирол билан парламент ўртасида ҳал қилувчи ажралиш рўй берди. Карл I исёнкор парламентни жазолашга ва шахсий ҳукми билан муҳолифат раҳбарларини қамашга қарор қилди. Бу пайтда Лондоннинг 100 минг аҳолиси парламентни ҳимоя қилиш учун кўчаларга чиқди. Яқин қишлоқлардан янги зодагонлар 5 мингта қуроқланган деҳқонларни бошлаб келдилар. Шунда қирол чекинди: у пойтахтдан йирик феодаллар ҳимоясига умид қила оладиган шимолга қараб қочди. Мамлакатда фуқаролар уруши бошланди. Бундай инқилобий шароитда парламент 1641 йил 22 ноябрда «Буюқ ремонстрация»¹ деб номланган ҳужжатни қабул қилади. У 204 моддадан иборат бўлиб, жумладан, шундай дейлади: «Барча кулфатларнинг илдизи деб биз асосий қонунларни йўққа чиқаришга бўлган ёвуз ниятли бадқирдор уринишларни ҳамда инглиз қироллигининг дини ва адолати кўмиб ташланган бошқарувнинг асосларини ҳисоблаймиз.

43. Канцлер суди, хазинадорлик суди, феодал йиғимлар палатаси, шунингдек, бошқа инглиз судлари ҳам ўз юрисдикцияси² чегараларини зарарли оширишга йўл қўйдилар...

54. Бу шунчалар кулфат келтирди ва хавотирга солдики, кишиларнинг анчагина миқдори қашшоқликдан қутулиш мақсадида қиролликдан бирлари Янги Англияга ва Американинг бошқа қисмларига, бошқалари эса Голландияга кетиб қолдилар...

115. Барча монополиялар йўқ қилинди, чунки улар мавжудлиги туфайли бир тўда одамлар аҳолига зарар келтира оларди...

132. Епископ ва улар судларининг ҳаддан зиёд ҳукмронлигига юксак комиссия судини бекор қилиш ҳақидаги биллнинг қарорлари билан чек қўйилди...

133. Судларни тартибга солиш ва суд ишларидаги сансалорлик ҳамда қимматчиликни йўқ қилиш лозим...

¹ Ремонстрация – норозилик ҳужжати.

² Юрисдикция – суд ўтказиш ҳукуқи.

195. Қиролликдаги қонун ва эркинликларни яхшилаб қўриқлаш учун барча ғайриқонуний суиистеъмол қилишлар ва талаблар судланадиган ва жазоланадиган бўлмоғи керак...

197. Ҳар иккала палатанинг ҳурмат билан қилган илтимосларига мувофиқ жаноби олийлари барча маслаҳатчилар, элчилар ва бошқа мансабдор шахслар ўз уйларида ҳамда чет элларда иш олиб бориши учун тайинлансинлар, уларга парламент ишонч билдирган бўлсин, уларсиз биз жаноби олийларига субсидиялар бера олмаймиз».

Қирол билан парламент ўртасида фуқаролар уруши. 1642 йил август ойининг охирида Карл I Ноттингель қасри устида қироллик штандартини ўрнатди. Бу қирол ўз вассалларини бурчларини бажаришга чақираётганини англатарди. Бироқ шаҳар бўйлаб сукунат ҳукмрон эди. Одамлар кулфат яқинлашаётганлигини ҳис қилаётган эдилар. Англия икки бир-бирига душман лагерга: қирол тарафдорлари – «кавалерлар»¹ ва парламент тарафдорлари – «юмалоқ бошлилар»² га бўлиб ташланган эди.

Парламентни савдогарлар, тадбиркорлар, янги зодагонлар қўллаб-қувватладилар. Эски тартибларнинг ҳукмронлигидан манфаатдор бўлганларнинг барчаси – йирик ер эгалари бўлган аслзодалар ва уларга қарам деҳқонлар, сарой амалдорлари, англикан черкови қирол байроғи остида бирлашдилар.

1643 йилнинг охирига келиб мамлакат ҳудудининг тўртдан уч қисми қирол ҳукмронлиги остида эди, парламент эса халқни жангга чорлашга қўрқарди. Парламент қўшинининг ҳарбий қўмондонлари иродасизлик қилдилар. Бироқ тез орада Шотландия қиёфасида парламентнинг янги иттифоқчиси пайдо бўлди. Шотланд армияси Англия ҳудудига кириб келди ва шотландлар билан парламент тарафдорларининг бирлашган қўшини қирол қўшини устидан ғалаба қозонди. Бу ғалабада Оливер Кромвель қўмондонлиги остидаги отлик аскарлар асосий роль ўйнадилар. Бироқ, умуман олганда, аҳвол ўзгармади. Қирол аскарлари ҳатто Лондонга ҳам хавф солиб турардилар.

1645 йили жамоа палатаси парламент армиясини мустаҳкамлаш бўйича чоралар қабул қилди. Тарқок отрядлар ўрнига ягона қўшин

¹ «Кавалерлар» – шаҳарликлар, аслзодалар вакилларини пахмоқ париклари ва шойи ҳамда бахмал кийимлари туфайли шундай аташган эдилар. Фуқаролар уруши даврида бу ном салбий характерга эга бўлди.

² «Юмалоқ бошлилар» – деб аслзодалар қашшоқ ва оддий одамларни масхара қилиб атардилар, чунки шогирдлар ва устахона хизматчиларида қисқа соч олдириш урф эди.

тузилди ва кўмондон қилиб қобилиятли лашкарбоши лорд Томас Ферфакс¹ тайинланди. Янги зодагонлар сафидан чиққан ҳамда генерал-лейтенант унвонини олган Оливер Кромвель янги армиянинг жонкуярига айланди. Ана шу тарзда «янги турдаги» армия, кўнгиллилар, асосан, деҳқонлар, хунармандлар ва мануфактура ишчиларидан иборат бўлган ҳақиқий инқилобий армия ташкил қилинди. Кўпгина офицерлар зодагон эмасдилар. Полковниклар сафида этикдўз Хьюстон, извошчи Прайд, ўт ёқувчи Фокс ва бошқалар бор эди. Кўмондонлик таркибини тузишда лашкарбошиларнинг ёшига эътибор беришмас эди. Кўпгина полковник ва подполковниклар ҳали жуда ёш йигитлар эди. Армия ўзини «қиролликни золимликдан озод қилувчи» деб билар ва қирол армиясидан яхши маънода, айниқса, интизоми билан фарқ қиларди. Натижалар дарҳол ўзини кўрсатди. 1645 йилнинг 14 июнида Нейзби қишлоғи яқинида қирол ва парламент кўшинлари ўртасида ҳал қилувчи жанг бўлиб ўтди. Шиддатли жангда «юмалоқ бошлилар» ғалаба қозонди. Қирол ва унинг ортидан бутун армияси қочиб қолди.

Ғолиблар кўлига рақибнинг бутун артиллерияси ва жуда кўп ҳарбий захиралари, шунингдек, 10 мингта чет эл ёлланма аскарлардан фойдаланиш ҳақида, ирландлардан ва Франция қиролидан ёрдам сўраш, католикларга қарши аввал қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ҳақида қиролнинг режалари ёзилган шахсий махфий ёзишмалари ҳам тушди.

Армиянинг қолдиқлари баъзи бир шаҳар ва қишлоқларда, асосан, мамлакат ғарбидагина қаршилик кўрсатишга қодир эди, холос. Деҳқончасига кийиниб олган қирол яширинча Оксфордга, шотландлар олдига қочиб кетди. 1646 йили 24 июнда Оксфорднинг таслим бўлиши биланоқ уруш парламентнинг тўлиқ ғалабаси билан яқунланди.

Оливер Кромвель ва «янги тартиб»даги армиянинг ташкил қилиниши. Қишлоқ зодағони Оливер Кромвель 1599 йил 25 апрель куни унча катта бўлмаган чекка шаҳарчада дунёга келди. Реформация йилларида бир қатор монастырларнинг ерлари Кромвель авлодлари кўлига ўтган эди. Оила пуританлик қоидаларига риоя қиларди. Бўш вақтлар кўпинча черковга ва Инжил ўқишга бағишланарди. 1619 йили Кромвель ҳуқуқни ўрганиш учун Лондонга кетди. Бир

¹ Томас Ферфакс, барон Камерон, лорд, граф Оксфорд – 1612–1671 йиллари яшаган, Англия буржуа инқилобининг намоёндаларидан бири.

йилдан сўнг у лондонлик бой савдогарнинг қизига уйланди ва уйига қайтиб, хўжалик ишлари билан шуғулланади.

1628 йил Оливер Кромвелнинг тақдирини кескин ўзгартириб юборди. У парламентга сайланди. 1640 йил 3 ноябрда Узоқ муддатли парламент тузилган пайтда Кромвелни муҳолифатдагилар орасида кўриш мумкин эди. У сиёсий курашчининг барча сифатларига эга ва Узоқ муддатли парламент лидерлари орасида алоҳида ўрни бор эди. Фуқаролар уруши даврида 43 ёшли Оливьер Кромвель ўз ҳаётининг янги саҳифасини бошлайди. У ажойиб ташкилотчи ва кўмондон эканлигини ҳам намоён қилди.

1642 йилнинг сентябрида Оливер Кромвель пуритан-мазҳабдошлари орасидан танлаб олинган 60 та кўнгилли отлиқ аскарлар гуруҳини бошқарди. Пайти келиб, эски тартибларни ёмон кўрадиган бу одамлар гуруҳи машҳур «темир биқинли» отлиқ аскарлар отрядига айланади. Кромвель кучи ва вақтини аямасдан аскарларга таълим берди. Унинг аскарлари чидам ва интизоми билан машҳур эди. 1643 йилнинг охирига келиб Кромвелнинг отлиқ аскарлари 1100 кишидан иборат 14 эскадронга эга эди. Улар янги армиянинг негизига айландилар. Жанг олдидан Кромвель узоқ вақт ибодат қилар, ибодатдан сўнг эса «Худодан умид қил, лекин порохни куруқ сақла!» – дерди.

Парламент ислоҳоти. «Кавальерлар» армиясининг тор-мор қилиниши парламентга муҳим ўзгартиришлар қилиш имкониятини берди. Зодагон ер эгаларини тахт фойдасига бериладиган феодал тўловлардан озод қилдилар. Энди ер уларнинг тўлиқ хусусий мулкига айланди. Савдогарлар эндиликда савдо юритишга рухсатнома сотиб олмайдиган бўлдилар. Черковни парламентга бўйсундирдилар, қирол, унинг тарафдорлари ва епископларнинг ерлари эса мусодара қилинди.

Парламентда ҳокимият лордлар ва савдогарлар кўлига ўтди. Фуқаролар урушида ўз жасоратлари билан галабани кўлга киритганлар эса нимага эга бўлдилар? Парламент дехқонларнинг феодал қарамлигини бекор қилмади. Улар солиқларни ва черковга «ўндан бир»ни ҳамон тўлашлари керак эди. Мусодара қилинган ерлар қатта майдонлар ҳолатида сотилар, фермерлар ва ижарачилар уларни сотиб ололмас эдилар. Бу ерларнинг фақат 9 фоизигина ўзига тўқ дехқонларга теги, қолганлари буржуазия ва янги зодагонларники бўлди.

Янги зодагонлар ва буржуазия учун инқилоб 1646 йилнинг охирига келиб якунланган эди. Улар қиролни ҳам иззат-хурмат билан қабул қилишга тайёр эдилар, фақатгина у черковнинг пуританча тузилишига қарши бўлмаса ва парламент киритган ўзгаришларни ўз кучида қолдиришга рози бўлса бўлгани эди.

Жон Лильберн ва левеллерлар. Парламент фаолиятдан шаҳарлик, аксарият майда мулкдорлар норозилигининг ифодачиси – левеллерлар (инглизчадан – тенглаштирувчилар) эди. Уларнинг орасида Жон Лильберн (1614–1657) ажралиб турарди: Оливер Кромвель каби у ҳам унвонсиз зодагонлардан бўлиб, пуританлар оиласида тарбия топганди. Адолатга интилиш Лильбернни аввал абсолютизм билан, кейин эса парламент билан ҳам курашишга мажбур қилди.

Инқилобга қадар ҳам Жон Англияда пуританлик гоёларини тарқатиш учун кўп иш қилганди. Бунинг учун у 1637 йилда судга берилди. «Юлдузлар палатаси»нинг ҳукми билан 500 фунт стерлинг миқдорида жаримага, қамчи билан савалашга ва шармандалик устунни ёнига турғизиб қўйишга маҳкум этилди. Фуқаролар уруши бошланиши билан у пиёда қисмининг капитани унвонида асосан лондонликлардан – шогирд ва устахона хизматчиларидан иборат бўлган гуруҳи билан «кавалерлар»га қарши жанг қилди. Лильберн Кромвель билан ёнма-ён Марстон-Мур ёнидаги урушда ҳам иштирок этди.

Лильберннинг кейинги ҳаёти фожиали бўлди. Унинг қарашлари аввал парламент билан, сўнгра сайлаш ҳукуқининг кенгайтирилишига қарши бўлган ва ҳокимиятни янги зодагонлар ҳамда йирик буржуазия кўлида сақлаб қолишга интилаётган Кромвель билан ҳам чуқур зиддиятларга олиб келди.

Ўзи озод бўлиб туғилган ва бир умр бошқаларнинг ҳам озодлиги учун курашган Жонни қамокқа ташлашди, мамлакатдан қувиб чиқаришди, оиласидан ажратишди. У 1657 йил 29 август куни ўзининг севимли хотини ва ҳамкори Элизабет кўлида жон берди. Уни 400 га яқин киши чуқур қайғу билан сўнгги йўлга кузатдилар.

Левеллерларнинг асосий талаблари уларнинг дастурида (1646) баён қилинган эди: 1. Қирол ҳокимиятини ва лордлар палатасини йўқотиш. 2. Жамоалар палатаси ҳокимиятининг устуворлиги. 3. Бу палатанинги ўз сайловчилари – Англия халқи олдида масъул эканлиги. 4. Парламентга ҳар йили сайлов ўтказилиши. 5. Чекланмаган

виждон эркинлиги. 6. Барча одамларнинг туғилишидан берилган тенг табиий ҳуқуқларини тан олиш.

Левеллерларнинг дастури Ж. Лильберн, У. Уолвин ва Р. Овертонларнинг кўплаб памфлетларида тўлиқ ифодаланган эди. Масалан, Ж. Лильберн ўзининг «Эркинликни, эркин одамни ҳимоялаш» памфлетида шундай ёзади: «Худо инсонни қалб ва онг билан ҳамда ўз шахсий сиймосига монанд қилиб яратган... Улардан ҳеч бири ўз табиатига кўра бошқалар устидан қандайдир ҳукмронлик, хўжайинлик қила олмайди ва ҳокимиятга ҳам эга эмас».

Қиролнинг қатл қилиниши. Парламент иттифоқчилари бўлган шотландлар қароргоҳига тушиб қолган қирол Карл I уларни ўз тарафига оғдиришга уриниб кўрди. Лекин бу ҳеч қанақа натижа бермади. Амалда шотландлар асирни парламентга сотдилар. 1647 йилнинг феввалида қирол Нейзби яқинидаги қалъага қўриқланган ҳолда жойлаштирилди. Парламент депутатларининг аксарияти, шунингдек, Кромвелнинг ўзи ҳам фақат қирол ҳокимиятининг чекланишини хоҳлардилар. Бироқ ўз характерининг кучи ва дунёқараши туфайли Карл келишишга кўнмади.

Бу орада кўшиндаги аскарлар «... қонли Карл Стюартни у тўккан қон учун ва худонинг ишига ҳамда бу талон-торож қилинган мамлакат аҳолисига келтирган зарар учун жавоб беришга тортилиши»ни талаб қила бошладилар. Бу талабга парламент депутатларининг бир қисми ҳам қўшилди. Жамоалар палатаси ҳар иккала палатадаги юристлар, зобитлар, амалдорлардан тузилган 150 кишидан иборат «собик қирол Карл Стюарт» устидан ҳукм чиқарувчи фавқулодда суд ташкил қилди.

Қирол устидан суд 1649 йили 20 январь куни бўлиб ўтди. Қора кўйлак кийган қўриқчилар – ўн икки аскар қуршовидаги Карл I суднинг қонунийлигини тан олмаслик белгиси сифатида шляпасини бошидан олмади. У ўзини устун тутар ва келишувга эришишга уринмас ҳам эди.

Бир неча кунлик қизғин баҳслардан кейин Карл I айбдор деб тан олинди ва «золим, хоин, қотил ва давлат душмани» сифатида қатл этилишга ҳукм қилинди. Прокурор Кук: «У ўлиши, у билан бирга монархия ҳам ўлиши керак», – деди.

1649 йилнинг 30 январь куни Карл I Стюарт саройдан қатл майдонигача бўлган йўлни аскарлар билан суҳбатлашиб, пиёда босиб ўтди. Қатл супасидаги сўнгги сўзида у ўз фуқароларига улар қирол

билан бирга давлатни бошқармоқчи бўлганлигини таъна қилди. Унинг хулқ-атворида пушаймонликнинг сояси ҳам кўринмас, ўзини тутишида кўркувдан асар ҳам йўқ эди. Қатлига бир неча дақиқа қолганда ҳам Карл I абсолют монархия тузумини химоя қилишда давом этди.

Армия тантана қиларди, лекин мамлакат аҳли воқеаларнинг бундай бурилишига тайёр эмас эди. Қатл пайтида иштирокчилар орасида сидқидилдан йиғлаганлар, қиролга ачинганлар ҳам оз эмасди.

Қиролнинг қатл этилиши ҳақидаги хабар Европа монархларининг саройлари бўйлаб даҳшат тўлқини мисол калқиб ўтди.

Инқилобнинг яқунланиши.

Англиянинг конституцион монархияга айланиши

Республиканинг ўрнатилиши. Парламентнинг 1649 йил 17 мартдаги қарори билан қироллик ҳокимияти «кераксиз, халқ фаровонлиги учун зарарли ва хавфли» бўлгани учун йўқотилди. Қарорда: «Бу мамлакатда ва Ирландияда қироллик унвонининг қайсидир бир шахсга тегишли бўлиши фойдасиз, қийин ва эркинлик учун, жамият хавфсизлиги ҳамда халқнинг ошқора манфаатлари учун хавфли эканлиги аниқланганлигини ва тажрибада исботланганлигини эътиборга олиб, ушбу парламент ва унинг ҳукми билан қарор ва эълон қилинадиким, инглиз миллатининг қироли унвони бундан буён қайсидир бир шахсга тегишли бўлмаслиги ва амалга оширилмаслиги керак...» дейилади.

Икки кундан кейин унинг тақдирига лордлар палатаси ҳам шेरлик бўлди.

19 май куни Англияда республика эълон қилинди. «Бундан буён, – дейилади Декларацияда, – Англия парламентдаги халқ вакиллари томонидан бошқарилади». Бой савдогарлар, тадбиркорлар ва янги зодагонлар ҳукумат тепасига келдилар. Бутун қонуний ҳокимият тўлалигича аъзолари ўзларини «инглиз озодлиги»нинг асровчилари деб атайдиган Узоқ муддатли парламентнинг жамоа палатаси тимсолидаги бир палатали парламентга ўтди. Пресвитерианлар парламентдан қувилгандан сўнг у ерда 100 нафар аъзо қолган бўлиб, парламент йиғилишларига шундан 50–60 киши қатнашар эди. Бу аслида парламент деб аталган ташкилотнинг қолдиғи эди, холос. Ижро ҳокимияти Оливер Кромвель бошчилигидаги ҳарбий

мансабдорлар раҳбарлик қилаётган 41 кишилик Давлат кенгашига топширилди. Амалда Англияда «республика либосидаги» ҳарбий диктатура ўрнатилди.

Шаҳарлик қашшоқлар ва деҳқонлар ҳаётида қарийб ҳеч нарса ўзгармай қолди. Фуқаролар уруши мамлакатни вайронага айлантirdи ва бу уларга очлик ва мусибат келтирди.

Халқ ҳаракатларининг бостирилиши. Левеллерлар аскарларга чақириқ билан мурожаат қилдилар: «Худди бир кишидек сизнинг ишончларингизни алдаган ва ҳар куни сизларни кул қилишга интилганларга қарши ўз эркингиз учун курашга отланинг...» Бу чақириққа жавобан кўшинларда жонланиш бошланди.

Кўшиндаги левеллерларнинг кўзғолонини бостиришга Кромвелнинг шахсан ўзи бошчилик қилди. Энди, тадбиркорлар ва янги зодагонлар ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олганидан кейин, тўқимачилар ва деҳқонлар билан иттифоқ уларни ортиқ қизиқтирмасди. Кромвель кўшинни барча ўзгача фикрловчилардан тозалади. Бунинг учун парламент унга «чин қалбдан ташаккур» эълон қилди, Лондондаги Ситилик бойлар эса қимматбаҳо совға – олтин коса ва идишлар ҳадя қилди.

Кромвелнинг буйругига биноан диггерларнинг Жерард Уинстенли бошчилигидаги ҳаракати ҳам бостирилди.

Жерард Уинстенли 1609 йили Ланкаширда дунёга келган, унинг ўлган вақти номаълум. У қаттиққўл пуритан оиласида тарбия топди, ёшлигида жуда кўп ўқиди. 12 ёшидаёқ Жерард Лондонда савдо фирмасида шогирд бўлиб ишлади. Ўз ҳаётида у оғир меҳнат ва умидсиз муҳтожликни кўрди. Бу унда фақат сиёсийгина эмас, мулкий тенглик ҳам бўладиган жамият ҳақида орзу уйғотди... 1649 йил апрелда Уинстенли бир тўда маслакдошлари билан Лондон яқинидаги муқаддас Георгий тепалигидаги бўш ётган ерда колония ташкил қилиб, ерга ишлов беришни бошладилар. Уинстенли халқни бўш ерларни эгаллаб олишга (уларнинг номлари ҳам шундан келиб чиққан: «диггер» – қазувчи, ковлоччи) ва бойлар учун эмас, ўзлари учун меҳнат қилишга даъват қилди. Уинстенлининг асосий ғояси – ерга бўлган хусусий мулкчиликдан воз кечиш эди. Бу ҳақда диггерларнинг Уинстенли томонидан ёзилган манифестида шундай дейилади: «...Биз адолатли ишлашимиз ва ерни ҳамма учун – бой учун ҳам, камбағал учун ҳам умумий хазинага айлантиришимиз лозим. Мамлакатда тугилган ҳар бир киши уни ўстирган

она ерда яратишни бошқарган онгга мувофиқ кун кўра олсин, лекин ҳамма бирга, бир отанинг болаларидек ишлаб, бир оила аъзоларидек бирга овкатлансинлар ҳамда ҳеч бири бошқаси устида ҳукмрон бўлмасин...

...Бу хусусий мулкнинг лаънатли эканлиги эса ерни сотаётганлар ва сотиб олаётганлар лендлордлар бўлишини, уни ёки зулм, ёки ўғрилик билан олганликларини ва барча лендлордлар еттинчи ва саккизинчи оятлардаги «ўлдирма» ва «ўғирлама» деган даъватларга риоя қилмай яшаётганларини аниқ ифодалайди.

Билингики, токи ерсиз қашшоқлар жамоа ерларини ҳайдаш ва ишлов беришга рухсат олмас экан ва токи ўраб олинган қўрғонларда яшаётган лендлордлардек мўл-кўлчиликда яшамас эканлар, Англияда озод халқ бўлмайди».

Диггерлар ҳаракати ўзининг тинч характериға қарамасдан Давлат Кенгашининг эътиборини жалб қилди. Лендлорлар ҳам бу ҳаракатда ўзларининг ерга эғалик ҳуқуқлари учун катта хавфни кўрдилар. Барча мулкдорларни ташвишга солаётган ушбу муаммони Кромвель ўз нутқларидан бирида шундай ифодалайди: «Зодагонлар, жентльменлар, йоменлар, улар ўртасида фарқ мавжуд; бу фарқ миллат учун жуда муҳим. Аммо тенглик принциғига амал қилувчилар томонидан миллатнинг ана шу табиий ҳолати вайрон қилинмадими? Уларнинг мақсадлари деҳқонларни ҳам лендлорлар синғари эркин қилиш эмасми?»

Шундай нутқдан сўнг лендлорларнинг диггерларға қарши ҳаракати бошланганлиғи ҳеч ажабланарли эмас. Лендлорларға Ферфакс аскарлари ҳам ёрдамға келдилар.

Ирландия ва Шотландиянинг забт этилиши. «Янги тур»дағи армиянинг қайта тугилиши. Армияда левеллерларнинг тор-мор қилиниши Кромвелнинг қўлларини бўшатди ва у энди Ирландия масаласи билан шуғулланиши мумкин эди. Бу пайтға келиб Ирландия Англиядан тўлиқ ажралиб чиққан эди. Ирландиянинг вице-қироли маркиз Ормонд Карл I нинг вориси бўлган Карл II байроғи остида тарқоқ элементларни бирлаштира олди. «Яшил орол» роялистлар фитнасининг асосий майдониға айланди. Бир йўла иккита лавозимға – Ирландия ҳукмдори ва экспедицион армия Бош қўмондони лавозимларига тайинланган Кромвель ирландларни тор-мор қилиш режасини туза бошлади. 1649 йил 13 августда яхши қуролланган 10 минг аскарни бўлган 132 кемадан иборат қўшин Англия қирғоқларини

тарк этди ва икки кундан кейин Ирландияга етиб келди. Бу юриш бир неча вазифани бажариши керак эди: «яшил орол»ни Англия мустамлакасига айлантириш; ирланд ерларини аскар ва зобитларга бўлиб бериш ва шу билан кўшиндаги инқилобий кайфиятни бостириш.

Ирландияга етиб келган Кромвель «Худонинг хоҳиши билан биз бу ерга инглиз эркинлигининг шон-шуҳратини қўллаш учун келганмиз, бу эркинликда ирланд халқи ҳам унинг барча имкониятларига шерик бўлиши, инглизлар билан биргаликда эркинлик ва мулкдан баб-баробар фойдаланиши мумкин», – деб эълон қилди. Ирландиядаги уруш мисли кўрилмаган аёвсизлик билан олиб борилди. Масалан, 3000 кишилик Дрогеда гарнизонидан 30 га яқин киши тирик қолди, Уэксфорд қалъасини олиш пайтида 2000 киши ўлдирилди. Фақат катта ваҳшийликлар эвазига Ирландия эгалланди. Мамлакат аҳолисининг 1/3 қисми ҳалок бўлди. «Ирландиянинг тузилиши ҳақида статут»га биноан кўлига қурол олиб Кромвелга қарши курашган барча ирландияликларнинг ерлари мусодара қилинди. Кўпгина зобит ва генераллар, шу жумладан Кромвель ҳам улкан ер майдонларининг эгалари бўлиб олдилар. Ерларидан айрилган ирланд деҳқонлари очликдан ўлимга маҳкум эдилар. Аҳолининг катта қисми ўлиб кетди. «Қашшоқлар галаси бу мамлакатнинг барча қисмларида изғиб юришарди... баъзилари кўпинча от гўшти ва ўтўлан истеъмол қилардилар, бошқалари эса очликдан ўлардилар... Ота-онасини йўқотган бечора болалар тақдир ҳукмига ҳавола қилинарди, улардан баъзи бирлари бўриларга ем бўларди...», – деб ёзишганди ўшанда. Минглаб ирландлар ўз ватанларини «кўнгилли бўлиб» тарк этдилар, бошқа давлатлар кўшинига аскар бўлиб ёлландилар, Америкадаги мустамлакаларга «оқ қуллар» сифатида олиб борилар эди. Ирланд ерларининг учдан икки қисмини босқинчилар эгаллаб олди, кейин эса уларни бой зодагонлар, савдогарлар, тадбиркорлар сотиб олди. Натижада кўшин қўмондонлари ва бой савдогарлар инглиз лендлордларининг янги қатламини ташкил қилди.

«Янги тур»даги инқилобий армия шу тарзда босқинчи армияга айланди. Шундан кейин Кромвелнинг кўшинлари Карл I нинг ўғли Карл II ни қирол деб эълон қилган Шотландияга бостириб кирди ва уни босиб олди. Шотландиянинг мустақиллиги тугатилди. Янги зодагонлар ва буржуазия назарида Кромвелнинг орзуси амалга ошди. Парламент уни совғаларга кўмиб ташлади.

Кромвелнинг протекторати. Армиядаги олий мансабли зобитлар томонидан ишлаб чиқилган «Бошқарув қуроли» деб атаувчи янги конституцияга мувофиқ давлат ҳокимияти унинг бошлиғи – лорд-протектор, парламент ва Давлат Кенгаши ўртасида тақсимланди. Ўрнатилган юқори сайлов цензи (йиллик даромад 200 фунт стерлинг ва ундан кўп) парламентдаги ўринларнинг 2/3 қисми катта мулкдорлар томонидан эгалланишини таъминлади. Бу билан катта ер эгалари вакилликнинг кучайишига эришилди. Бироқ Кромвелнинг сиёсати мамлакатда барқарорликни ўрнатмади. Дехқон ижарачилар ерни ололмадилар, уларга жамоа ерларини ҳам бермадилар. Республика оммавий ишсизлик ва қимматчиликка қарши курашиш учун ҳам ҳеч нарса қилмади. Узоқ муддатли парламент ўз таъсирини йўқотди. Бой мулкдорлар тартибсизликларга барҳам бера оладиган кучли якка ҳокимият ўрнатиш керак, деган хулосага келдилар. Бунинг учун мос келадиган номзод армия доҳийси Оливер Кромвель эди. Эски парламентни тарқатиб юбордилар, Кромвель эса «озод давлат Англия, Шотландия ва Ирландиянинг Лорд-протектори»¹ бўлди. Мамлакатда ижро ҳокимияти тўлиқ протекторга тегишли эди. У барча қуроли кучларнинг олий бош қўмондони, парламентни чакиради ва тарқатиб юборади, ички ва ташқи сиёсатни бошқаради, қонун кучига эга бўлган фармонлар чиқаради.

Аслида 1653 йили ҳарбий диктатура кўринишидаги Кромвель протекторати ўрнатилган аксилинқилобий тўнтариш рўй берганди. Протектор ҳокимияти инқилобгача қироллик қилган Стюартларникидан анча катта эди. У қирол саройига кўчиб ўтди, у ерда тез-тез қабуллар уюштирар, диний кийиниб олиб, тахтда ўтирарди. «Худо, қиролни ўзинг асра!» деган дуони «Худо, протекторни ўзинг асра!» дуоси билан алмаштиришди. Кромвель Узоқ муддатли парламентнинг янги зодагонлар ва буржуазия манфаатларини ҳимоя қилувчи барча қарорларини тасдиқлади. 1655 йил ёзида мамлакат 11 та округга бўлиниб, уларга протектор томонидан тайинланадиган генерал-майорлар бош бўлди. Уларга ҳарбий губернаторларнинг фавқулодда ваколатлари берилди. Мамлакатда байрамлар ва кўнгилочар йиғинлар тақиқланди. Ҳар қандай халқ йиғинлари исён деб баҳоланиб, унинг қатнашчилари қамоққа ташланди-

¹ *Протектор* – ҳомий, ҳимоячи. Протекторат республика тепасида умрбод лорд-протектор турадиган бошқарув шакли.

лар. Шунингдек, «жаноби олийлари»га (протекторга) билдирилган ҳурматсизлик учун ҳам қамоққа олинар эди. Якшанба кунига риоя қилиш ҳақидаги махсус фармон шу куни ишлашни тақиқлар ва ибодат қилиш ҳамда муқаддас китоблар ўқишни буюрарди. Аввалгидай черковга ҳосилнинг «ўндан бир»ини солиқ сифатида тўлаш сақланиб қолди. Гадо ва дайдиларнинг кўпайиб бораётган тўдаларидан кутулиш учун Кромвель уларни қотиллар ҳамда кароқчилар билан бирга Вест-Индия мустамлакаларига олиб бориб ташлашни буюрди. Улар Британия плантацияларида бепул ишлашлари керак эди.

Лорд-протекторнинг асосан инглиз буржуазияси манфаатларига мос ташқи сиёсати сўзсиз муваффақиятли бўлди. Шотландия ва Ирландиянинг Англия билан битта давлатга сиёсий бирлашуви юз берди. 1654 йили Кромвель Англиянинг денгиз савдосидаги асосий рақиби бўлган Голландияга қарши урушни ғалаба билан якунлади. Голландия 1651 йили Англия республикаси томонидан қабул қилинган «Денгиз катнови акти»ни тан олди. Унга кўра Англияга денгиз орти товарларини олиб кириш ҳуқуқига фақат инглиз кемаларигина эга эди. Дания ва Швеция билан қулай савдо шартномаларининг имзоланиши Англия учун Болтиқ денгизига эркин йўл очиб берди. Португалия билан тузилган савдо шартномаси эса бу мамлакатда Англиянинг савдо устунлигини таъминлади. Денгизда ҳукмронлик учун курашда Испания устидан ҳам ғалаба қозонилди. «Қитъанинг калитлари унинг белида осифлик турибди», дейишарди протектор ҳақида. Ҳатто қиролнинг ўлими учун Кромвелни кечира олмаган абсолютизмнинг буюк ҳимоячиси ёш Людовик XIV ҳам бир сафар, агар Кромвелни ўзига тенг деб тан олишга тўғри келса, у шундай қилишини айтган ва «Кромвель Европада энг кучли одам», деб кўшиб ҳам кўйган эди.

Кромвель Англиянинг янги даврдаги мустамлакачилик сиёсатига ҳам асос солди. У Эспаньола (Куба) ни босиб олиш мақсадида Вест-Индияга ҳарбий экспедиция жўнатди. Куба билан бирга Ямайка ҳам забт этилди.

Виждон эркинлигининг тан олинганлиги ҳам Кромвелнинг хизматидир. У мамлакатга диний эркинликни киритди – католиклар ва яҳудийлар ўз динларига эътиқод қилаверишлари мумкин эди. Кромвелнинг ўзи жуда диндор бўлиб, парламент кўшинларининг ғалабасини худонинг иродаси деб тушунтирарди.

Англиянинг ташқи кудратига протекторат тузумининг ички заифлиги ҳеч ҳам мос келмас эди. Протекторатнинг молиявий аҳволи ҳалокатли даражага етди. Давлатнинг қарзи ошиб, жуда катта миқдор – 2 миллион фунт стерлингни ташкил қилди. Шаҳарликлар Кромвелга арзимаган қарзни ҳам бермай қўйишди. Солиқлар тушуми ҳам тўхтаб қолди.

Бу орада протектор 58 ёшга кирди, унинг соғлиги заифлашди, юришидаги дадиллик йўқолди, қўллари қалтираб, қарийб ёза олмай қолди. У ўзини ёлғиз ҳис қилар, давлат арбобларидан ҳеч кимга ишонмасди. 1658 йили ёзда Оливер Кромвель касал бўлди ва шу йили 3 сентябрда вафот этди. Уни инглиз қиролларининг қадимий мақбараси – Вестминстер аббатлигида дафн қилдилар. Протекторлик унинг ўғли Ричард Кромвелга (1626–1712) ўтди. Ричард на ақли ва на иқтидори билан эгаллаган лавозимига мос эмасди. Армия уни тан олмади. Кечагина отаси олдида тиз чўкишга тайёр турганлар ҳам унга бўйсинишни хоҳламадилар. Ричард бир неча ой ҳокимият тепасида бўлиб, 1659 йил май ойида истеъфога чиқди.

Англия буржуа инқилобининг асосий босқичлари

1640–1649 йиллар	Монархиянинг ағдарилиши ва фуқаролар уруши.
1649–1653 йиллар	Республика бошқаруви.
1653–1658 йиллар	Ҳарбий диктатура – Кромвель протекторати.
1659–1660 йиллар	Монархиянинг тикланиши.

Монархиянинг тикланиши. 1688 йилги тўнтариш. Ричард Кромвелнинг истеъфосидан сўнг расман республика тикланди. Парламент билан армиядаги икки қарама-қарши гуруҳ ўртасида унча узоқ давом этмаган курашдан сўнг ҳокимиятни Шотландиядаги инглиз армияси қўмондони генерал Монк¹ эгаллади. Кромвелнинг ўлиmidан сўнг янги зодагонлар ва буржуазия инқилоб пайтида ўрнатилган тартибни ҳимоя қилувчи монархияни қайта тиклашга қарор қилишган эди. Уларнинг ушбу қарори Монкнинг ҳаракатлари билан мос тушарди. Генерал Монк Лондонда ўз полкини жойлаштириб, давлат тўнтаришини амалга оширди ва тахтни қатл қилинган қиролнинг ўғли Карл II Стюарт (1630–1685) эгаллади. Республика ўз умрини якунлади.

¹ *Жорж Монк* – 1608–1670 йиллари яшаган инглиз саркардаси, генерал, уни Англияда қироллик ҳокимияти реставрациясининг архитектори деб ҳисоблашади.

1660 йил 14 майда Карл билан Монк ўртасидаги музокаралар натижаси – «Бред декларацияси» имзоланди. Унга биноан қирол инқилоб пайтида янги зодагонлар ва буржуазия қўлга киритган барча имтиёзларни тан олди. Шундай қилиб, Англияда Стюартлар сулоласининг реставрацияси (қайта тикланиши) рўй берди. Бироқ бу энди аввалгидек абсолют монархия эмасди. Қирол парламент билан ҳисоблашишга мажбур эди. Шунга қарамасдан, инқилобгача бўлган тартиблар шакл жиҳатдан тўлиқ тикланди. Лордлар палатаси ҳокимият тизимида яна ўз ўрнини эгаллади. Англиканлик аввалгидай давлат дини сифатида қараладиган бўлди. Тахт ва черковнинг сотилган ерлари яна ўзларига қайтарилди. Инқилоб даври гўёки тарихдан ўчириб ташланди: инқилоб даврида қабул қилинган барча қонун ҳужжатлари бекор қилинди. Инқилоб йиллари қабул қилинган қонунларнинг ҳатто, Реставрация томонидан маъқулланганлари ҳам парламентда қайта тасдиқдан ўтиши керак эди. Лекин қувғин йиллари Стюартларнинг ақлини киритмаганди. Тез орада Карл II ўз мажбуриятларини унутди. Инқилоб иштирокчилари қувғинларга дучор қилина бошланди, баъзи бирларидан қирол ерларини олиб қўйди, ҳокимиятни англикан черкови епископларига қайтариб берди. Қирол тез-тез парламентни тарқатиб турди ва бир неча йиллаб уни чақирмади. Йиллар ўтиши билан Карл II католицизмга мойиллик билдира бошлади. У мустамлака ерлар учун курашдаги Англиянинг энг йирик рақиби Франция билан шартнома имзолади. Таъқиқни бузиб, Карл II ҳатто кучли ёлланма армия ҳам тузди.

1685 йили Карл II нинг ўрнига укаси, католик мазҳабига мансуб герцог Йорк Яков II (1633–1701) номи билан тахтга келди. У тезда парламентни тарқатиб юборди ва Англияда католицизмни тиклашга киришди. 1687 йили 2 апрелда «Диний бағрикенглик ҳақида декларация»ни янгидан қабул қилди. Бу ҳужжат амалда католицизмни давлат динига айлантирар эди. Бу ҳолат жамиятда унга қарши улкан норозиликни келтириб чиқарди ва турли қатламларнинг католицизм хавфига қарши бирлашишига олиб келди.

Парламент раҳбарлари Яков II ни инглиз тахтидан маҳрум қилишга, тахтга эса Яков II нинг қизи Марияга уйланган Голландия ҳукмдори Виллем ван Ораньени (1650–1702) ўтқозишга қарор қилдилар. Виллем ва Мария протестантлар эдилар ва бу мамлакатда

католицизм кучайиши хавфини бутунлай баргараф килиши керак эди.

1688 йилнинг кузида Виллем ван Оранье инглиз портида кирғоққа тушди ва ўз армияси билан Лондонга йўл олди. Яков II яширинча Францияга қочди. «Шарафли инқилоб» деб ном олган бу сарой тўнтариши парламент билан қироллар ўртасидаги курашга чек қўйди.

Виллем ван Оранье Вильгельм III номи билан тахтга парламент қўйган шартлар бўйича эга бўлди. Парламент қирол Вильгельм III га парламентнинг (қонунчилик ҳокимияти) ҳамда қирол ва унинг министрларининг (ижро ҳокимиятининг) ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустақамланган «Ҳуқуқлар декларацияси»ни, кейин «Ҳуқуқлар ҳақида билль»ни тақдим қилди. Бундан буён қирол армия ва суд устидан бўлган ҳукмронликдан маҳрум бўлди ва мамлакат молияси парламент ихтиёрига ўтди. Депутатлар учун сўз эркинлиги ва парламентга норозилик хати (петиция) бериш ҳуқуқи эълон қилинди. Алоҳида қонун билан ҳукмрон англикан черковига мансуб бўлмаган шахс ва секталар учун диний эркинлик ўрнатилди. «Ҳуқуқлар декларацияси»да халқ номуносиб қиролни тахтдан ағдариш ва ўрнига бошқасини қўйиш, тахт ворислиги тартибини ўзгартириш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилганди.

Парламент билан қироллар ўртасидаги кураш парламент ғалабаси билан яқунланди. Шундай қилиб, Англияда кучли парламентли чекланган монархия тузуми – парламентли монархия¹ ўрнатилди.

Вильгельм III голландиялик эди ва унга «бегона юртда қирол бўлиш» осон эмасди. У олийжаноб ва софдил инсон бўлиб, ташқи кўринишдан жаҳлдор бўлиб туюларди. Виллем ван Оранье Европада иқтидорли кўмондон сифатида шухрат қозонганди. Лекин кўпгина инглизлар уни бегона ҳисоблашар ва унчалик ёқтирмасди. 1689 йили шимолий Шотландиядаги бир қисм ер эгалари Яков II ни ҳимоя қилиб Вильгельм III га қарши бош кўтардилар. Қўзғолон шаҳарликлар ёрдамида жуда тез бостирилди ва Вильгельм III Шотландиянинг ҳам қироли деб тан олинди.

¹ *Парламентли монархия* – шундай бошқарув тартибики, унда ҳукумат қиролга эмас, парламентга ҳисоб беради.

Англияда парламентли монархиянинг ўрнатилиши

Парламент	Монарх
Армия ва судни назорат қилади.	Давлат бошлиғи.
Қонунлар қабул қилади.	Инглиз черкови бошлиғи.
Давлат хазинасини назорат қилади.	Меросий ваколатлар эгаси.
Ҳукуматни сайлайди.	Ҳукуматни тасдиқлайди.
Барча учун эътиқод эркинлиги ўрнатилди.	

Англия буржуа инқилобининг натижалари ва тарихий аҳамияти. Англия буржуа инқилоби абсолютизмни йўқ қилди. У феодал мулкчиликка зарба берди, аммо тугалланмай қолди, чунки деҳқонларни ернинг тўлиқ эгаларига айлантормади ва уларнинг феодал қарамлигини йўқотмади.

Умуман олганда, инқилоб Англияда капиталистик муносабатларнинг бундан кейинги ривожда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Ҳокимият тепасига келган зодагонларнинг бир қисми янги зодагонлар ва буржуазия билан яқин боғланган эди. Парламент орқали улар янги, буржуача турмуш тарзининг ривожланишига кўмаклашувчи бир қатор қонунларни киритдилар. Парламент савдогарлар манфаатларидан келиб чиқиб, савдо ривожига халақит берувчи тўсиқларни олиб ташлади. Ундан кейинги йилларда саноат тараққиётини тўхтатиб турган хунармандларнинг цех бирлашмалари ҳам йўқ қилинди.

XVII асрдаги Англия буржуа инқилобининг ғалабаси натижа-сида кишлоқ хўжалигида ҳам капиталистик муносабатлар тез ривожлана бошлади, саноат ишлаб чиқаришида тўнтариш бошланди. Жамиятда ҳам ўзгариш рўй берди – саноат буржуазияси ва ишчилар синфи ривожлана борди.

Мамлакатда ҳуқуқий давлат¹, фуқаролик жамияти² таркиб топа бошлади. Англия буржуа инқилоби, унинг республика тузуми, халқ бошқаруви, барчанинг қонун олдида тенглиги каби ғоялари бошқа Европа мамлакатлари ривожига катта таъсир кўрсатди. Инқилоб эъ-

¹ *Ҳуқуқий давлат* – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда уларнинг ҳимояси амалда таъминланган давлат.

² *Фуқаролик жамияти* – озод, мустақил ва тенг ҳуқуқли инсонлардан ташкил топган жамият.

лон қилган сиёсий тамойиллар ва ўрнатган иқтисодий тартиб янги индустриал цивилизацияга асос солди.

XVIII асрда Англия

XVIII асрда Англиянинг давлат тузуми. XVIII асрда ҳокимият тўлалигича икки палата – лордлар палатаси ва жамоа палатасидан иборат парламент кўлида эди. Жамоа палатаси аҳоли томонидан сайланса-да, мамлакатнинг 5,5 млн аҳолисидан фақат 250 минг кишигина сайлов ҳуқуқига эга эди. Кўпгина йирик саноат шаҳарлари парламентда ёки бутунлай ўз депутатларига эга эмас ёки депутатлар сони жуда кам эди. Масалан, 500 минг аҳолига эга бўлган Лондон шаҳри 4 та депутатлик ўрнигагина эга эди. Аср охирига келиб қиролнинг парламентда кўпчилик ўринга эга бўлган партиялар вакилларидан вазирларни тайинлаши одат тусига кирди. Бу пайтда парламентда ўринга эга бўлган асосий партиялар иккита – тори ва виги эди. Улар бир-биридан нимаси билан фарқ қилар эди?

Торилар қиролнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳамда мавжуд тартибларнинг бузилмаслигини қувватларди. Вигилар эса парламент ҳуқуқларини фаол ҳимоя қиларди ва мамлакат ҳаётида муҳим иқтисодий ва сиёсий ислохотлар ўтказилишининг тарафдорлари эдилар. Аср бошларида бу партияларнинг энг кўзга кўринган арбоблари герцог Мальборо¹ (виг) ва виконт Болингброк² (тори) эди. Кўпчиликнинг қувватлашидан маҳрум бўлган партия ҳокимиятга бўлган ҳуқуқини ҳам йўқотар ва ҳукумат истеъфога чиқар эди.

1707 йили парламент Англия билан Шотландия ўртасидаги унияни қонунлаштирди. Энди мамлакат Буюк Британия деб атала бошлади. Шотландия парламенти тугатилиб, унинг депутатлари Англия парламенти таркибига қўшилди.

1716 йили парламент ваколатининг уч йиллик муддати ўрнига олти йиллик муддат ўрнатилди. Бу билан мамлакатни идора қилишда профессионал бошқарувчилар қатламининг шаклланишига кенг йўл очилди.

1714 йили Англия тахтида турган Оранье сулоласининг охириги вакили вафот этди. 1701 йили қабул қилинган «Тахт ворислиги

¹ *Мальборо, Жон Черчилль*, герцог, 1650–1722 йиллари яшаган, инглиз давлат арбоби.

² *Болингброк, Сент-Жон Генри*, виконт, 1678–1751 йиллари яшаган, инглиз давлат арбоби.

тўғрисида билль» Стюартларнинг тахтга қайтиши учун имконият қолдирмаган эди. Билль Яков II нинг қизи Аннани тахт вориси деб эълон қилди ва унинг вафотидан сўнг (агар у фарзандсиз бўлса) тахт Яков I неварасининг авлодлари бўлган ганноверликлар сулоласига ўтиши тартибини ўрнатди. Судьяларни тайинлаш ва ишдан олиш парламент ихтиёрига ўтди. Қиролдан ташқари яна бир вазир (одатда қонун лойиҳасини парламент муҳокамасига киритган вазир) томонидан ҳам имзоланган қонун актларининг ҳақиқийлиги белгилаб қўйилди. Вазирларнинг парламент олдида масъуллиги принципи киритилди. Шундай қилиб, давлат сиёсатининг муҳим масалаларини ҳал қилиш бўйича амалда парламент устуворлиги ўрнатилди.

Яков II Стюартнинг тахтга келишидан кўрқиб (у католик эди) ва юқорида айтилган «Тахт ворислиги тўғрисида билль»га асосланиб парламент ганноверлик немис князлари сулоласидан, Яков I нинг аждоди Георг I (1660–1727) ни Англия тахтига таклиф қилди. Ганноверликлар протестантлар эди ва инглиз тахтини бутун XVIII аср давомида ва XIX аср бошларигача эгаллаб турдилар. Бу сулоладан бўлган дастлабки қирол Георг I инглизча сўзлашмас ва давлат ишларига аралашмас эди. Ганноверликларни виглар қўллаб-қувватлаганлиги туфайли Георг I ҳам, Георг II (1683–1760) ҳам шу партияга суянардди. Амалда ҳокимият виглар партиясининг Роберт Уолпол¹ сингари йўлбошчилари қўлида эди. Р. Уолпол 20 йилдан ортиқроқ (1721–1742) виглар партиясига, парламентга, ҳукумат ва мамлакатга бошчилик қилди. Унинг тимсолида вигларнинг характерли томонлари ўз аксини топди: бебурдлик, тадбиркорлик, устмонлик ва иқтисодий фаоллик. Уолпол олиб борган нисбатан тинч ташқи сиёсат вигларнинг асосан мустамлакалар ҳисобига бойиб бораётган қисмини қаноатлантирмас эди. Улар янги ерларни босиб олишни, янги бозорларни эгаллашни талаб қиларди. Мухолифатга Катта Уильям Питт² бошчилик қилди. У мустамлакалар талончилари оиласидан эди. Уолпол ҳукуматнинг сиёсати парламентни қаноатлантирмай каттик танқидга учрай бошлаганда бутун кабинети билан истеъфога чиққан биринчи бош министр бўлди. 1756–1761 йиллари бош министр лавозимини Катта Питт эгаллаб турди.

¹ Роберт Уолпол, граф, 1676–1745 йиллари яшаган, инглиз давлат арбоби.

² Уильям Питт (катта), граф Четэм, 1708–1778 йиллари яшаган, инглиз давлат арбоби.

1760 йили ҳокимиятга келган Георг III (1738–1820) отаси ва босидан фаркли ўларок, ҳокимиятни амалда бошқаришга ҳаракат қилди. У вазирларни шахсан тайинлаш ҳукукидан фойдаланиб, бу лавозимларга қиролга содик ва асосан, бўйсунувчи кишиларни танлади. Бу кишилар «қиролнинг дўстлари» номини олиб, 60–70 йиллар уларнинг сиёсий террор ва бошбошдоқлик йиллари бўлди.

Георг III нинг сиёсатини ториларнинг ҳам бир қисми қувватлайди, чунки бу пайтга келиб ториларнинг асосий қисмини ҳали ҳам сквайрлар ташкил қилаётган бўлса-да, иқтисодий ўзгаришлар туфайли улар фаолиятининг характери бир қадар ўзгарган, яъни уларнинг кўпчилиги фойда олишнинг буржуача усулларини ўзлаштириб олган эдилар.

1773 йили ҳукуматга Кичик Питт¹ бошчилигидаги янги торилар келди. Кичик Питтнинг парламентни ислоҳ қилиш борасидаги ҳаракатлари депутатларнинг қаршилигига учради. Шунда Кичик Питт парламентни тарқатиб юборди ва янги сайловлар эълон қилиб, унда ғалаба қозонди. Бироқ Кичик Питтнинг парламент ислоҳоти қирол ва виглар қаршилиги туфайли амалга ошмади. Кейин эса бошланиб кетган Француз инқилоби ва унинг оқибатлари ислоҳотга тўсқинлик қилди...

Ташқи сиёсат. Англиянинг ташқи сиёсатида иккита бош йўналиш бор эди: биринчидан, қитъадаги бирон-бир давлатнинг кучайиб кетишига йўл қўймаслик ва иккинчидан, янги мустамлакаларни эгаллаш. Англиянинг бу йўлдаги бош рақиби Франция эди. Иккала давлат ўртасидаги испан тахти учун бўлган уруш (1701–1714) Англия учун фойдали бўлган Утрехт сулҳи билан яқунланди. Англия Гибралтар, Минорка оролига, Францияга қарашли бўлган Гудзон кўрфази қирғоқларидаги кенг ерларга, испан мустамлакалари билан савдо қилиш ҳукукига ҳамда Америка мустамлакаларига қуллар етказиб бериш ҳукуки – «асиенто»га эга бўлди.

Аввалроқ Англия Португалиянинг иқтисодий ва сиёсий тобелигига эришган эди. Испаниядан Ямайка оролини ҳали протекторат пайтидаёқ тортиб олди, Испания ва Голландия билан рақобат ҳам Англия фойдасига ҳал бўлди.

Бутун XVIII аср давомида Англия Франция билан қизғин кураш олиб борди. Ўша давр кишилари бу курашни «иккинчи юз йиллик уруш» деб атадилар. 40-йилларда савдо рақобати Америкага кўчиб,

¹ Уильям Питт (кичик) – 1759–1806 йиллари яшаган, инглиз давлат арбоби.

Канада учун очик урушга айланди. 1760 йилга келиб инглизлар Франциянинг Канададаги асосий таянч пунктлари – Дюкен, Квебек ва Монреални эгаллаб олдилар, 1763 йили эса французларни Канададан умуман сиқиб чиқардилар.

Ҳиндистондаги кураш эса шиддатлироқ бўлиб, узоқроқ давом этди. Англиянинг Ост-Индия компанияси ҳали XVII асрдаёқ Бомбей (Мумбай) ни эгаллаб, бир нечта мустаҳкамланган портларни барпо қилдилар. Французлар ҳам бир нечта денгиз базалари ва мустаҳкамланган пунктларни қурдилар. Бобурийлар империяси қулагандан сўнг пайдо бўлган ҳинд князликлари ўртасидаги зиддиятдан фойдаланиб, иккала давлат ҳам уларнинг ички ишларига фаол аралаша бошлайди. Французлар билан инглизлар ўртасида очик уруш XVIII аср ўрталарида бошланиб, инглизлар Ҳиндистоннинг шимоли-шарқи – Бенгалияни тортиб олди. Кейинчалик эса Бенгалия, Бихар, Мадрас ва бошқа бир қатор вилоятлар ҳам инглизлар қўлига ўтди. Қатор йирик ҳинд князликлари Англияга қарам бўлиб қолдилар. Франция эса Ҳиндистонда бешта пунктни, уни ҳам мустаҳкамламаслик шарти билан қўлда ушлаб қолди.

Шундай қилиб, XVIII асрнинг 60-йилларидаёқ Буюк Британия кўпгина мустамлакаларга эга бўлди: Шимолий Америкада 13 штат, Канада, Ньюфаундленд ороли, Кариб денгизидаги ороллар, Ҳиндистоннинг бир қисми ва Африкадаги факториялар шулар жумласидан эди.

Шу тариқа Буюк Британия мустамлакачилик империясига асос солинди. Англия «денгиз хукмрони»га айланди.

Қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар. Англияда икки юз эллик йил ичида юз берган «аграр инқилоб» оқибатида ерлар йирик мулкдорлар қўлида тўпланди, деҳқонлар йўқолди, қишлоқ хўжалигида ёлланма ишчилар асосий куч бўлиб қолди. XVII аср 70-йилларига келиб анъанавий ер эгалари – деҳқонлар қарийб қолмади.

Қироллик ерларини ва ирланд деҳқонларининг ерларини сотиб олган янги мулкдорлар ижарачиларни жуда юқори ижара нархи билан сиқиб қўйдилар. Лендлордларнинг ўзлари эса хўжалигини юритишмас эди. Ерни улар энди йирик тадбиркорларга ижарага берар, улар эса ёлланма ишчилар меҳнатини фаол қўллар эди. Ўша даврдаги инглиз қишлоғи учун характерли бўлган пирамида – лендлорд, ижарачи фермер, батрақлар – шаклланиб келаётган эди.

XVIII асрдаги Англия кишлок хўжалиги шаҳарларни ва саноат кўрғонларини муваффақият билан боқарди.

Йирик ер эгалигининг шаклланиши дон ишлаб чиқаришни ошириш учун шароит яратди, бу эса дон нархининг тушишига олиб келди. Шаҳар аҳолисининг ўсиши чорва маҳсулотларига, хусусан, гўштга бўлган талабни оширди ва фермерлар чорвачилик билан фаол шуғуллана бошладилар. Озиқ-овқат учун ишлатиладиган ва қумлок ерларда ҳам яхши ўсадиган экинлар экила бошлади ва бу авваллари ташландик бўлиб ётган ерларнинг ҳам ўзлаштирилишига олиб келди. Марказлашган мануфактураларнинг сони ошиб, шаҳар билан кишлок ўртасида савдо ривожланди. Ҳатто, савдо янгиликларини ёритадиган газеталар ҳам пайдо бўлди. Тобора фойдали бўлиб бораётган савдо манфаатлари учун мамлакатда ариқлар қазилди, янги йўллар ва тош кўприклар қурилди.

Саноат тўнтариши. XVIII аср ўрталарига келиб Англияда саноат тўнтариши учун, яъни мануфактура ишлаб чиқаришидан машиналар кенг қўлланиладиган фабрика ишлаб чиқаришига ўтиш учун шароит етилди. Бу ҳол мамлакатнинг бутун олдинги ривожини билан тайёрланган эди. Бу биринчидан, яқунланган аграр инқилоб жуда кўп бўш ишчи кучлари захирасини яратди. Аҳолининг ўсиши тезлашди. 1700 йили мамлакат аҳолиси 6 миллион, 1790 йили эса 8,2 миллион кишини ташкил қилди. Ортиқ ишчи кучининг ҳаммаси саноатда ёлланиб ишлашга тайёр эди. Иккинчидан, маҳсулотни сотиш бозори шаклланди. Шаҳарлар сони ва аҳолиси ўсиб борди. Кишлоқлардаги бой ижарачиларнинг асбоб-ускуна ва ўғитга бўлган эҳтиёжи ҳам ошиб борди. Учинчидан, мамлакат ичкарисида ер олди-сотдиси, мустамлакаларни талаш ва қул савдоси натижасида савдогар ва тадбиркорлар қўлида фабрикалар қуриш ва машиналар харид қилиш учун зарур бўлган катта маблағлар пайдо бўлди. Машиналар ихтиро қилиш эса жамиятнинг ўзига хос иқтисодий эҳтиёжига айланди. 1761 йили «Санъат ва саноатни рағбатлантириш жамияти» томонидан йигирув машинаси кашф этган кишига катта мукофот ваъда қилинган эди.

Саноат тўнтариши дастлаб тўқимачиликда бошланди. Бунинг сабаблари тўқимачиликда ишлаб чиқаришни чегаралайдиган цехларнинг йўқлиги, арзонлиги ва чидамлилиги жиҳатидан ҳинд матолари билан беллаша оладиган маҳсулотга эҳтиёжнинг ошиб бораёт-

ганлигида эди. Бу эҳтиёжни кондиришга фақат машиналар ёрдамидагина эришиш мумкинлигини кўпчилик яхши тушунарди.

Тўқувчи ва механик Жон Кей (1704–1764) 1733 йили тўқув дастгоҳи ихтиро қилди. Авваллари тўқувчининг ўзи ғалтак иплари орасидан ўрмакни ўтказиб туришга мажбур эди. Энди ўрмак оёқ қурилмасини босиш орқали ўтказиладиган бўлди. Бу ихтиро тўқиш жараёнини 2 марта тезлаштирди, лекин энди йигирилган ип танқислиги пайдо бўлди.

1765 йили ланкаширлик тўқувчи Жеймс Харгривс (туғилган йили номаълум – 1778) бир йўла 15–18 йигиргич ишлайдиган механик урчук ихтиро қилди. У бу урчукни ўз қизининг номи билан «Женни» деб атади. Машина арзон, қурилиши жуда содда эди ва шу сабабли тезда бутун дунёга тарқалди.

1767 йили дурадгор Хейс сув ғилдираги (чарх) билан ҳаракатга келтириладиган машина яратди. Бундай машина юксак унумдорлиги билан ажралиб турарди. Йигирувдаги ютуқлар механик тўқув дастгоҳлари яратилишини келтириб чиқарди. Эдмунд Картрайтнинг (1743–1823) янги дастгоҳи тўқувчилик ишлаб чиқариши унумдорлигини 40 мартага оширди.

Фабрикалар – машинали ишлаб чиқаришнинг бутун бир тизими пайдо бўла бошлади. Сув двигателларидан фойдаланиш фабрикаларни фақат дарё бўйларидагина қуришга мажбур қиларди. Жеймс Уатт¹ томонидан универсал буғ машинасининг яратилиши эса бошқа ерларда ҳам фабрикалар қуриш имкониятини берди.

XVIII аср охирлари бошқа муҳим ихтиролар билан ҳам ажралиб туради. 1784 йили металлург Корб² прокат стани³ни ихтиро қилди, Модсли⁴ эса токарлик дастгоҳини яратди.

Янги техника саноатнинг янгидан ташкил этилишига олиб келди. Мануфактура ўрнини фабрика эгаллади. Саноат тўнтариши меҳнат унумдорлигини улкан юксалишга олиб келган ҳақиқий саноат инқилоби эди.

Натижада XVIII аср охирига келиб саноат ишлаб чиқаришининг кескин даражада ўсиши юз берди. Чўян ишлаб чиқариш 1740 йил-

¹ *Жеймс Уатт* – 1736–1819 йиллар яшаган, шотланд муҳандиси, ихтирочи-механик, Қироллик жамияти, Париж Фанлар академияси аъзоси. Кучланиш ўлчов бирлиги Уатт унинг номидан олинган.

² *Генри Корб* – 1740–1800 йиллари яшаган, инглиз муҳандис-ихтирочиси.

³ *Прокат стани* – металлни ёйиб, шаклга солувчи қурилма.

⁴ *Генри Модсли* – 1771–1831 йиллари яшаган, инглиз муҳандиси, саноатчи-тадбиркор.

ги 17350 тонна ўрнига 1796 йили 125079 тоннани ташкил қилди, кўмир қазиб олиш 1700 йили 2,6 млн тонна бўлса, 1795 йили 10 млн тоннага етди. Янги саноат районлари пайдо бўлди. Ланкашир тўқимачилик саноатининг марказига, Йоркшир, Уэльс, Шотландия – кўмир қазиб олиш марказларига айланди.

Ишчиларнинг аҳволи. Фабрика ишчилар ҳаётини ижобий томонга ўзгартирдими? Кўпинча фабрикада бутун оила – отаси, онаси, болалари бирга ишлашарди. Аёллар ип йигирувчи бўлиб ишлашарди, болаларга эса ипларнинг узилган жойларини улаш ёки чиқиндиларни чиқариш топшириларди. Эркаклар ҳам шу ернинг ўзида ишлардилар – улар йигирав ёки машиналарни созлашарди.

Фабрика оила аъзоларини бир-бирдан ажратмаган ҳолда уларнинг ҳаёт тарзини ўзгартирди. Тарихда биринчи бор иш вақтининг аниқ жадвали пайдо бўлди. Душанбадан шанбагача фабрика кўнғироғининг эрталаб соат 6 ёки 7 да жаранглаши иш куни бошланганидан дарак берарди. Сув ғилдираклари ва машиналар тушгача олти соат ва тушдан кейин олти соат айланарди. Қиш ва кузнинг совуқ кунларида эрталаб ишни кечроқ бошлаш имконияти йўқ бўлди; сешанбадан шанбагача гайрат қилиб ишлаганлик учун бериладиган яна бир дам олиш куни – «муқаддас душанба» ҳам бекор қилинди.

Ишчилар қандай шароитда яшар эдилар? Фақат баъзи бир фабрика эгалари, масалан, Ричард Аркрайт¹, ишчилар учун уйлар қурдирди. Лекин бу жуда камдан-кам учрайдиган ҳол эди. Ишчилар уйларини оммавий қуриш, асосан XVIII аср иккинчи чорагидан бошланди.

Кўмир шахталари яқинида қурилган янги фабрика шахарларида оилалар катта эски уйлардан бир-икки хонани ижарага олишар ёки муттаҳам пудратчилар қурган юпқа деворли ва зах полли, арзон уйлардан бирига кўчиб ўтардилар. Бу уйларда шароит жуда ёмонлиги сабабли улар халқ орасида «ишчилар учун Бастилия» номини олган.

Корхона хўжайинларининг аксарияти фабрикаларда қатъий қоидалар зарурлигига сидқидилдан ишонишарди. Кўплаб жарималар бор эди – кечиккани учун, сўқиниш учун, хунук кўриниши учун. Лекин фабрикантларнинг камдан-камигина ишчиларига оғир ҳаётларини енгиллатишда ёрдам берарди. Ўша Аркрайтнинг худди

¹ Ричард Аркрайт – 1732–1792 йиллари яшаган, тўқимачилик соҳасида йирик тадбиркор, ишчиларга ҳомийлиги билан машҳур бўлган.

ўзи ишчиларига унча катта бўлмаган ижара ҳақи эвазига ер майдонлари ажратди, энг яхши ишчиларига эса мукофот тарикасида соғин сигирлар берди. Айни пайтда фабрикаларда аёллар ва болалар меҳнатидан фойдаланиш оммалашади. 1788 йили Англиянинг тўқимачилик саноатида 26 минг эркак, 31 минг аёл ва 35 минг болалар меҳнат қилган. Иш куни 14–17 соат давом этарди. «Ёрдамчи ишчилар» деб ҳисобланадиган болаларга одатда қўпол муомала, сифатсиз овқат ва оғир меҳнат тегарди, холос. Улар 5–8 ёшларидан ишлай бошлашарди. Ишчилар, айниқса, болалар ўртасида ўлим даражаси жуда юкори эди.

Ёмғирдан кейинги кўзикориндай кўпайиб бораётган фабрикаларда ишчилар соғлиги ва меҳнатининг ҳеч қандай муҳофазаси мавжуд эмасди.

Янги ихтиролар. XVIII асрда Англияда чўян олишнинг янги усулларини, куйиш ишини, дастгоҳлар ихтиро қилишни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган фабрика эгаларининг бутун бир сулоалари пайдо бўлди. Улар орасида Дарбилар ва Уилкинсонлар сулоласи айниқса машҳур эди.

Абрахам Дарби (1677–1717) мураккаб шаклдаги буюмларни, масалан, тувакларни куйиш имконини берадиган чўян куйишнинг янги услубини ихтиро қилди. У тошкўмрдан кокс олиш усулини ҳам яратди. Тошкўмир уюми токи майда, ялтироқ, қаттиқ зарраларга айланмагунча секин қиздирилади. Бу худди ўша темир рудаси билан бирга домна печига киритиладиган «кокс» (коксли қолдиқ) эди. Кокс ёғоч кўмирга ўхшаб уқаланиб кетмас ва печга кўпроқ руда ортиш имконини берарди. Дарби печнинг ҳажмини ва ҳаво оқимини оширди. Натижада печда юксак ҳарорат ҳосил бўлиб, чўян суюқроқ бўлар ва уни мураккаб шаклларда куйиш мумкин бўларди. Дарбининг буюмлари: туваклар, дазмоллар, печка ва каминлар учун қисмлар бутун мамлакат бўйлаб тарқалди.

Абрахам Дарбининг ўлимидан сўнг иш унинг ўғли Абрахам Дарби II га (1711–1763) ўтди. У Ньюкомен машинаси¹ ёрдамида домна печининг паррақларини ҳаракатга келтирувчи сув чархи устида жойлашган завод ҳовузига сув чиқарди. Бу, ҳатто ариқлар куриб қолганда ҳам, печга доимий ҳаво берилишини таъминлади. Фабрика марказий графликларда талаб катта бўлган сифатли қўйма пўлат ишлаб чиқарарди.

¹ Ньюкомен машинаси – шахталардан сувни чиқаришда ишлатиладиган буг машинаси.

Абрахам Дарби III (1750–1791) заводни 1768 йилдан 1781 йилгача бошқарди. Унинг даврида дунёдаги биринчи чўян кўприкнинг қисмлари қуйилди. 1779 йили кўприкнинг қисмлари мурватлар билан мустаҳкамланди ва кўприк Айронбриж яқинидаги Северн дарёсининг икки қирғоғини бирлаштирди.

Жон Уилкинсон (1728–1808) чўян қуйиш заводларини бошқарди. 1774 йили у чўян бўлаги марказида курулнинг ўқ чиқарадиган тешигини очиш имконини берадиган токарлик дастгоҳини ихтиро қилди. Келгуси йили Англия билан унинг Америкадаги муштамлакалари ўртасида жанг бошланиб кетганида, тўпларни ана шу усулда ясай бошладилар.

1775 йили Жеймс Уатт ўзининг буғ машинасини ихтиро қилди ва бу двигателлар учун цилиндрларни Уилкинсоннинг қуйиш заводларида ясай бошладилар.

Уилкинсоннинг ўзи ҳам ўз ишхонаси учун бир неча буғ машиналарини сотиб олди. 1788 йили у Парижнинг сув таъминоти учун қуйилган чўян қувурларни тайёрлаб берди (қувурларнинг узунлиги 40 миль эди).

Англияда Уилкинсонни «чўян жинниси» дейишарди, чунки у чўянни қўллайдиган янгидан-янги соҳаларни тинимсиз изларди. Уилкинсон чўян кема ясашга уриниб кўрди, унинг қиёфаси туширилган чўян тақинчоклар марказий графликларда танга сифатида қўлланарди. Уилкинсон 1808 йили вафот этди. Васиётига кўра уни чўян тобутда кўмишди.

Луддчилик ҳаракати. Ишчилар ҳар доим ҳам янги турмуш тарзи ва саноат инқилоби пайтида ташкил топган меҳнат шароитини итоат билан қабул қилган эмас. Уларни хўжайинлар зулмидан ҳимоя қиладиган қонунлар йўқ эди. Шунинг учун улар ўз кураш воқитларини қўллашга мажбур бўлди. Аҳолининг ўсиши ва ёлланма меҳнатнинг жорий қилиниши натижасида ишсизлик ортиб, ишчиларнинг сиёсий онги ҳам ўсиб борди.

Саноат тўнтариши даврида ишчиларнинг биринчи оммавий ҳаракати – машина ва дастгоҳларни бузувчилар ҳаракати пайдо бўлди. Бу йилларда маошлар қисқариб кетди, ишсизлик кўпайди. Кўпгина ишчилар ўз кулфатларига, ўзларининг ачинарли аҳволларига машиналарни айбдор деб ҳисоблардилар. Шу сабабли машиналарни бузиш ҳаракати кенг кўламда авж олди. Бу ҳаракат

иштирокчилари гўёки биринчи бўлиб дастгоҳ тузган афсонавий ишчи Нэд Лудд номи билан ўзларини луддчилар деб атадилар.

Тобора кенг қулоч ёйиб ва авж олиб кетаётган луддчиликдан қўрқиб кетган тадбиркорлар парламентдан ҳимоя қилишини талаб қилди ва парламент 1769 йили машиналарни бузганлик учун ўлим жазоси бериш ҳақида қонун қабул қилди. 40 нафар луддчи қатл қилинди.

Буюк инглиз шоири Жорж Байрон бу воқеалар хусусида афеус билан ёзган эди:

*Ажабмасми, очлик меҳмонга келиб,
Қашишоқ жон ҳолатда фарёдлар урса.
Дастгоҳ синдирганнинг суяги синиб,
Ҳаёт пайпоқдан ҳам арзонроқ турса.*

Инглиз халқи учун қишлоқ хўжалиги ва саноатдаги тараққиёт, савдодаги биринчилик жуда қимматга тушди.

* * *

Шу тариқа Англияда юз берган инқилоб туфайли ҳокимият феодаллар қўлидан буржуазияга ўтди, феодал муносабатлар ва уларнинг қолдиқлари йўқ қилинди. Капитализм тараққиёти учун шарт-шароитлар пайдо бўлиб, ишчиларнинг шахсий озодлиги, капиталнинг тўпланиши, ички бозорнинг ривожланганлиги, мустамлакалардан кўплаб бойликларнинг ташиб келиниши, мануфактурадан фабрика ишлаб чиқаришига ўтиш, четга капитал чиқаришнинг бошланиши кабилар жамиятнинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Янги техник ихтиролар одамларнинг меҳнат шароитларини яхшилашга, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига олиб келди. Кишиларда бойлик йиғиш, муносиб ҳаёт кечириш ҳисси кучайди.

XVIII аср охирига келиб Англия дунёнинг биринчи саноат мамлакатига айланди.

VI боб учун саволлар

1. Инқилоб арафасида Англия тараққиётининг ўзига хос томонлари нималарда намоён бўлди?
2. Англия буржуа инқилобига қандай ижтимоий омиллар сабаб бўлди?

3. Англия буржуа инқилобининг қандай мафкуравий таянчи мавжуд эди?
4. Англияда республиканинг ўрнатилиши. Кромвель протекторати қандай бошқарув шакли эди?
5. Англияда монархия тикланишининг сабаблари нимада? Парламентли монархия қандай бошқарув шакли?
6. Англия буржуа инқилоби туфайли қишлоқ хўжалигида қандай ўзгаришлар юз берди?
7. XVIII аср Англия тараққиётининг асосий босқичлари нималарда номоён бўлади?
8. Англия буржуа инқилобининг халқаро аҳамияти нимада эди?

VII БОБ. МАЪРИФАТЧИЛИК АСРИ

Ижтимоий-сиёсий ғоялар ривож

XVIII аср Европа тарихига Маърифатчилик асри номи билан ҳам кирди. Илгари фақат тор доирадаги олимларнинг имтиёзи бўлган илмий билимлар университет ва лабораториялар чегарасидан чиқиб, кенг жамоатчиликнинг мулкига айланиб борди.

Энг прогрессив кайфиятдаги, маълумотли ёзувчилар, рассомлар, файласуфлар инсонни эзаётган, унинг қобилятини чеклаётган ва кадр-қимматини оёқ ости қилаётган ҳамма ҳолатларни кескин танқид қилиб чиқдилар. Улар черков таълимоти ва умуман, диннинг ўзини танқид қилишди, абсолютизмга ва барча феодал тартибларга қарши чиқдилар, феодал турмуш тарзининг умрини ўтаб бўлган барча иллатларига қарши кураш бошладилар. Маърифатпарварлар эътиқодни онг, динни эса фан фойдасига чеклашга, ахлоқни дин қобигидан озод этишга, «онгнинг табиий нури»ни жамиятни мукаммаллаштиришнинг асосий воситаси деб эълон қилишга интилдилар. Улар инсоннинг онгини, фикрини уйғотиш лозим, ақлни фаол ишлашга мажбур қилиш керак, деб ҳисоблашарди. XVIII аср донишмандларини инсоннинг туганмас куч ва имкониятларига буюк ишонч, оммани кенг миқёсда маърифатли қилиш заруратини тушуниш ҳисси ажратиб турарди.

Маърифатчилик ғояларида кучайиб бораётган ва мустаҳкамланаётган буржуазиянинг рухий изланишлари ва фалсафий қарашлари ифода этилганди. Маърифатчилик даврнинг буюк ғоявий ҳаракати эди. Унинг катнашчилари тарихда «маърифатпарварлар»

номини олдилар. Улардан энг машхурлари Вольтер, Монтеस्कье, Руссо ва Смит эди.

Вольтер. Вольтер тахаллуси билан ёзган Франсуа Жан Мари Аруэ (1694–1778) ажойиб файласуф олим, публицист, шоир, драматург ва сиёсий арбоб эди. У Парижда ўргача амалдор оиласида дунёга келди. Ўз асарлари учун бир неча марта (1717 й. ва 1725 й.) Бастилияга қамалди, Франциядан Англияга кетишга мажбур бўлди.

Ўзининг ажойиб асарлари билан Вольтер зулмат ва феодал тартибларнинг мурасасиз душмани сифатида майдонга чиқди. Донишманд энг адолатли тузумни инсоннинг эркинлиги, тенглиги ва мулк ҳуқуқи билан боғлади.

Бундай адолатли жамиятни қандай қуриш керак? Қирол ҳокимияти ўтказадиган ислохотлар орқали жамиятни тинч йўл билан қайта қуриш – мана «онг ҳукмронлиги»га олиб борадиган йўл, дер эди у. Вольтер «яхши қирол самодан ерга берилиши мумкин бўлган энг ажойиб совға» деб ҳисобларди. «Одамлар учун энг катта бахт, – деган эди у, – ҳукмдорнинг файласуф эканлиги». Вольтер маърифатли монархия тарафдори эди. Маърифатли монарх фақат хоҳласа бўлди, жамиятда эркинлик, тенглик ва хусусий мулк ҳукмрон бўлади, деб ўйларди у. Шунинг учун ҳам Вольтер Фридрих II, Екатерина II, Швеция, Дания ва Польша қироллари билан хат ёзишар ва дўстона муносабатга эга эди. Қироллар эса унинг машхурлигидан ва номидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга уринишарди. Людовик XV Вольтерни ўзининг воқеанависи қилиб тайинлаган эди.

Вольтернинг черков билан муносабатлари ҳам мураккаб эди. «Алдовнинг эски биноларини вайрон қилинг!», «Лаънатини янчиб ташланг!» – деб чорларди Вольтер, католик черковини назарда тутиб. Аммо донишманд черковни фош этар экан, Худонинг мавжудлигини ва диннинг халқ учун зарурлигини тан олар эди. «Агар Худо бўлмаса эди, уни ўйлаб топиш лозим бўларди», – деб ёзган эди Вольтер.

Ўлими олдидан донишманд католик одати бўйича дуо ўқиш ва тавба қилишни истади, аммо черков уни диний расм-русум билан кўмишга рухсат бермади. Дўстлари уни яширинча чекка қишлоқлардан бирида кўмишга мажбур бўлишди.

Француз инқилоби йилларида Вольтернинг хоки Франциянинг буюк кишилари кўмилган мақбара – Пантеонга кўчирилди ва қабр

тошига «Инсон онгини шарафлаган ва уни озод бўлишга ўргатган шоир, тарихчи, файласуф» – деб ёзиб қўйилди.

Вольтердан фалсафий қисса ва романлар, «Диний бағрикенглик ҳақида рисола», «Фалсафий луғат» асарлари мерос бўлиб қолди ва уни маърифатчиликнинг бош ғоявий раҳнамосига айлантирди.

Монтескье. Шарль Луи де Секонда барон де Монтескье (1689–1755) француз халқи фахрланадиган маърифатчилар қаторида ўз салоҳияти жиҳатидан энг олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Бой оиладан чиққан, ўз даври учун ажойиб маълумот олган Монтескье 30 ёшга ҳам тўлмасдан Бордодаги парламент президенти бўлди.

Орадан 10 йил ўтгач у бу вазифадан истеъфога чиқди ва 3 йилни Европа бўйлаб саёҳатларда ўтказди. Ватанига қайтиб келгач, Монтескье фан билан шуғулланди ва адабий машғулотларга берилди.

Монтескье деспотизмнинг барча кўринишларига қарши муросасиз кураш олиб борди. У эркинликнинг оташин тарафдори эди. Лекин унинг фикрича, эркинлик дегани кўнгили истаганини қила олиш имконияти эмас. Эркинлик қонунда тақиқланмаган барча нарсаларни қила олиш ҳуқуқидир. Бунинг учун эса ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига қатъий ажратилиши зарур, деб ҳисоблайди Монтескье. У монархнинг асосий иши қонунлар ижросини таъминлаш, ижро ҳокимиятини амалга оширишдан иборат дейди. Қонун чиқарувчи ҳокимият эса мулкдор кишиларнинг вакилларига тегишли бўлиши керак. Суд ҳокимияти қиролдан ҳам, парламентдан ҳам мустақил бўлиши шарт.

Монтескье ғоялари Францияда ҳам, бошқа мамлакатларда ҳам кенг тарқалди ва сиёсий фикрнинг кейинги тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Унинг «Форс иомалари» фалсафий романи, «Қонунлар руҳи ҳақида» деб номланган бош асари ўша даврдаёқ кўплаб тилларга таржима қилинди ва Монтескье номини дунёга машҳур қилди.

«Женева фуқароси» ва унинг асосий ғоялари. Бу одамнинг ҳаёт йўли фавқулодда мураккаб бўлди. Ўсмирлик йилларидан бошлаб у қувончсиз меҳнат, муҳтожлик, хўрликни кўрди. Европа бўйлаб, кўпинча пиёда, дайдиб юрди. Касбларини алмаштириб кўрди, лекин бирортаси унга пул ҳам, шуҳрат ҳам келтирмади. Китоблар ёзди, улар ҳукмдорларнинг буйруғи билан ошқора ёкилди, унинг ўзи эса таъқиблардан яшириниб юрди. Бироқ сўнгги кунларигача

осудаликка эришмаган бу инсон умрининг охирларида бутун француз ёшлари фикрининг ҳукмдори бўлди. Женевалик (Швейцария) соатсоз оиласида дунёга келган бу донишманднинг номи Жан Жак Руссо (1712–1778) эди.

Бундай оммавийликнинг сабаби нима? Албатта, Руссо шунчалар мағрур ҳимоя қилган унинг ғоялари эди.

Донишманд хусусий мулкнинг пайдо бўлиши инсониятга тенгсизлик, қуллик ва бошқа кулфатлар келтирганини исбот қилди. «Жамиятнинг бундан кейинги барча ривожланиши, – дейди Руссо, – қашшоқларнинг бойлар, ожизларнинг кучлилар томонидан эзилишини туғдирадиган тенгсизликнинг бундан буёнги ўсиб боришидир». Бироқ Руссо хусусий мулкни йўқотиш лозим деб ҳисобламас эди ва фақат унинг миқдорини камайтиришни истарди.

Бойлик ва камбағалликнинг чегараларини тенглаштириш – Руссонинг фикрича қонунчининг вазифаси ана шу. «Агар сиз, – деб ёзарди у, – давлатни мустаҳкам қилмоқчи бўлсангиз, унда бойлик ва камбағаллик чегараларини имкони борича яқинлаштиринг: чексиз бойликка ҳам, чексиз камбағалликка ҳам йўл қўйманг».

Олий ҳокимият фақат халқники бўлиши керак, деб ҳисобларди Руссо. Шунинг учун ҳам, донишманднинг идеали – ҳар бир оила ўзига керакли барча нарсаларни ўзи етиштирадиган майда мулкдорларнинг демократик республикаси эди.

Республикани талаб қилиш, ҳокимият бутун халққа тегишли эканлиги ҳақидаги таълимот 1789–1799 йиллардаги француз инқилоби даврида ўзининг тарафдорларини топди.

Энциклопедистлар. 1715 йили Францияда машҳур «Фан, санъат ва ҳунарлар энциклопедияси»нинг дастлабки томлари нашрдан чиқди. Нашрнинг бошида файласуф Дидро¹ ва математик д'Аламберлар² турардилар. «Энциклопедия»да Вольтер, Руссо ва бошқа буюк олимлар иштирок этди.

«Энциклопедия»нинг аҳамияти нимадан иборат эди? Нима учун иезуитларнинг талаби билан унинг икки томи қирол буйруғига кўра тақиқланди, 7 йилдан кейин эса бутун нашрга тақиқ тамғаси қўйилди?

¹ Дени Дидро – 1713–1784 йиллари яшаган француз ёзувчиси, маърифатпарвар-файласуф ва драматург.

² Жон Лерон д'Аламбер – 1713–1783 йиллари яшаган. Файласуф, математик ва механик.

Гап шундаки, «Энциклопедия» жанговар характерга эга эди. Дидро ва д'Аламбер XVIII аср ўрталаригача тўпланган барча билимлар йиғиндисини бир тизимга келтириб, католик динига қарши муросасиз уруш эълон қилишди. Улар феодал тузумнинг ўрнатилишини аёвсиз танқид қилдилар. Замондошлари «Энциклопедия»ни бекорга қадим Францияни штурм қилиш учун курол олинадиган улкан аслаҳа омбори деб аташмаган.

Жан Мелье – феодал зулмга қарши курашчи. XVIII асрда Францияда коммунистик назарияларни яратган маърифатчилар ҳам бўлган. Улардан бири руҳоний Жан Мелье (1664–1729) эди.

Ота-онасининг талабига кўра руҳонийликка ўқиган бу тўқимачининг ўғли ўзининг бутун ҳаётини қишлоқдаги ибодатхонада ўтказди. Фалсафий баҳслар ўтказаятган, маълумотли ва эркин фикрловчи кишилар тўгараги йиғиладиган пойтахт ҳақида у орзу ҳам қилолмасди.

Бунинг ўрнига Мелье ҳар куни маросимлар ўтказиши, ўзи нафратланган динга хизмат қилиши ва ўзи ишонмайдиган эътиқодга бошқаларни даъват этиши керак эди. Бундай иккиюзламачиликни енгишга ўзида етарли куч топа олмаган Мелье ўз жонига қасд қилди.

Ўлимидан сўнг Мельедан унинг «Васияти» қолди, унда ўзининг барча азоблари, гумонлари, мажбурий ёлғони учун тавбаларини ифодалаган эди. Бутун умри бўйи ёзган ижод маҳсулида у Худога, қиролга ва бойларга уруш эълон қилди. «Мен истардимки, – деб ёзади Мелье, – бу даҳшатли махлукни йўқ қилиш учун Геркулес кучига эга бўлсам...». Мелье барча кулфатларнинг манбаи хусусий мулк деб ҳисоблар ва уни бекор қилиш тарафдори эди.

Мельенинг фикрича, дунёвий ва диний князлар кучига халқ ўзининг кучини қарши қўйиши лозим. «Бирлашсангчи ахир, халқ, агар сенда соғлом ақл бўлса..., бундай олийжаноб, дадил ва муҳим ишга бир-бирингизни чорланг, ҳаммангиз! Бир-бирингизга ўз фикр ва истакларингизни яширинча айтишдан бошланглар!» – чорларди Мелье.

Мельенинг оқибат мақсади қанақа эди? У ернинг бойликларини хусусий қилиб эгаллаб олишни билмайдиган ва ҳеч қандай истисносиз барча одамларга бахт ато этадиган янги жамият куришдан иборат эди.

Адам Смит ва Жак Тюрголарнинг иқтисодий таълимоти. XVIII аср маърифатчиларининг юксак сафларида тенгсиз янги

иқтисодий таълимот яратган алломалар – инглиз Адам Смит (1723–1790) ва француз Жак Тюрго (1727–1781) ҳам шарафли ўрин эгаллайди.

«Маълум илмийлик ва фуқаролик жасорати». Унинг ташқи кўринишида ҳеч қандай буюклик йўқ эди: бўйи ўртачадан бир оз баландрок, текис юзли, қора-кўкимтир кўзлар, йирик тўғри бурн. Жуда оддий кийинган. Умрининг сўнгигича парикда юрган. Елкасида бамбук таёқчаси билан юришни яхши кўрган. Ўзи билан ўзи гаплашиш одати бор эди. Бир сафар кўчада савдо қилувчи аёл уни ақлдан озган деб ўйлайди ва кўшнисига шундай дейди: «Эй, худо, бечорага қара! Яхшигина кийинган!» Бу одам Европанинг машҳур кишиси эканлигини у қаёқдан ҳам билсин. Лондон ва Париждан, Берлин ва Петербургдан келган саёҳатчилар у билан танишишга интилардилар. Унинг исми Адам Смит. У ўзидаги фикрлаш қобилиятини, ҳикоячилик маҳорати билан қомусий илмлиликни чинакам олийжаноблик ва илмий софлик билан бириктирган эди.

Смитнинг бу фазилатлари жамият аҳлида иқтисодиётга қизиқиш уйғонишига кўп жиҳатдан таъсир қилди. Смитнинг фаолияти саноат тўнтариши даврига тўғри келди. Ўзининг асосий илмий асари «Халқ бойлигининг табиати ва сабаблари ҳақида тадқиқот»да (1776 й.) капиталистик тузумни халқ фаровонлигини ва давлатнинг гуллаб-яшишини таъминловчи «табиий тартиб» деб баҳолайди.

Смит одамларнинг ўз иқтисодий аҳволларини яхшилашга уринишлари жамиятни тўкин-сочинликка олиб келишга қодир деб ҳисобларди. «...Давлатни қолоқликнинг энг пастки поғонасидан ободончиликнинг юксак поғонасига кўтариш учун, – деган эди Смит, – фақат тинчлик, енгил солиқлар ва бошқаришда сабр-қаноат керак, холос. Бошқа барчасини воқеалар табиий оқимининг ўзи ҳал қилади. Воқеаларни мажбурий бошқа йўлга бурган ёки жамият ривожини тўхтатиб қолишга уринаётган барча ҳокимиятлар – ғайри табиийдир».

Смитнинг фикрича, жамиятни ривожлантиришда рақобат қага роль ўйнайди, уни ҳатто врачларга, университет профессорларига ва руҳонийларга ҳам қўллаш мумкин. У ерни сотиш ва сотиб олиш эркинлигини ёқларди ҳамда ер ундан иқтисодий фойда оладиган мулкдорлар қўлига ўтиши керак, деб ҳисобларди. Смит халқ ободончилигининг асосий манбаи меҳнат деб таъкидларди. Смитнинг

асарлари ва фаолияти капиталистик иқтисод назариясининг шаклланишида катта роль ўйнади.

Янги молия вазири. XVIII аср ўрталарида Францияда ўзгаришлар зарурати ҳар қачонгидан ҳам ортиқроқ ҳис қилинди. Молия Бош назоратчиси (вазири) лавозимига амалда мамлакатнинг барча ички ишларига раҳбарликни ўз зиммасига оладиган янги одам керак эди. Бунинг устига у сарой доиралари билан боғланмаган бўлиши лозим. Шундай одам қадим норманд зодагонлари оиласидан чиққан Жак Тюрго эди. Тюрго физиократлар (грекчадан *physis* – табиат ва *cratos* – ҳокимият дегани) мактабининг Кенэ сингари йирик намояндалари билан бир сафда туради. Унинг йўли инсоний жасорат ва дадил ислохотлар йўлидир. Бироқ бу йўл эски тартибдаги барча кучларнинг қатъий қаршилигига учради. Тюрго истеъфога чиқишга мажбур бўлди.

Тюрго нимага эришмоқчи эди? Энг аввало у инсоннинг табиий ҳуқуқлари – шахсий эркинлик ва хусусий мулк ҳуқуқларини поймол қилаётган мавжуд эски феодал тартибларни танқид қилди. Тадбиркорлик ва хўжалик ташаббуси эркинлигининг чекланишида у «табиий ҳуқуқ»нинг ҳалокатли бузилишини кўрди. Фақат тўлиқ рақобат эркинлиги, хўжалик ҳаёти ташаббусининг чекланмаган кенглигигина, унинг нуқтаи назарида, «табиий ҳуқуқ»ларга мос келади. Шунинг учун ҳам Тюрго нон савдоси эркинлигини сўзсиз ҳимоя қилди. Давлат назоратидан озод қилинган савдогарлар аҳолини нон билан таъминлаш масаласини энг маърифатли маъмуриятчидан кўра дурустроқ ҳал этишига унинг ишончи комил эди.

Саноат соҳасида Тюрго цех тизимига қатъиян қарши чиқди. Цехлар фақатгина саноатнинг ривожланишига халақит берар, ишчининг ташаббусини сиқиб кўяр, ишлаб чиқаришда майдакашликни мустаҳкамларди. Тюрго ишчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини цехлар томонидан чекланишининг бекор қилинишини талаб этди.

Инсон онгининг қудратига, унинг фаровонлиги учун меҳнат шароитини яратадиган фаннинг имкониятларига чексиз ишонч маърифатчилик асрининг асосий ғоясини ташкил қилади. Маърифатчилар байроғига «Фан ва тараққиёт» деган шиор ёзиб қўйиш мумкин бўларди. Инсон онгининг яратувчанлик кучига доимо ишонар эканлар, аксарият маърифатчилар, феодал тартиблар билан курашнинг инқилобий усулларига салбий муносабатда бўлдилар. Улар маърифатнинг ривожланиши ўз-ўзидан мавжуд тартиблар-

нинг ўзгаришига олиб келиши мумкин, деб ҳисоблар эдилар. Эски назариялар ва ғояларга қарама-қарши тарзда маърифатчилар прогрессив ва ўз даври учун инқилобий бўлган янги ғояларни илгари сурдилар.

Маърифатчилик даври ижтимоий-сиёсий ғоялари

Табиий ҳуқуқ назарияси	Халқ суверенитети назарияси	Ҳокимиятнинг бўлиниши назарияси
------------------------	-----------------------------	---------------------------------

Маърифатчилик асри бадиий адабиёти

Робинзон ва Гулливернинг гаройиб саргузаштлари. Болаликдан севимли бўлган қаҳрамон – Робинзон Крузо Маърифатчилик асрида дунёга келган. Шотландиялик денгизчи Александр Селькиркнинг кимсасиз Мас-а-Тьерра оролидаги 4 йилу 4 ойлик саргузаштлари инглиз ёзувчиси Даниель Дефонинг (1660–1731) романида 29 йиллик гаройиб саргузаштлар баёнига айланди. Дефо кўп марталаб бошидан тақдир ўйинларини ўтказди: хавфли жанжалларга аралашди, қашшоқлашди, бойиди, яна қашшоқ бўлди, яна бойлик тўплади. У савдогар, денгизчи, журналист, жосус, сиёсий арбоб касбларини синаб кўрди, 59 ёшида ёзувчи бўлди.

Робинзон ҳақидаги роман катталар учун ёзилган, лекин мутлақо уларга эрмак, кўнгил очиш учунгина эмас. Дефо ўз қаҳрамонини ишбилармон, меҳнатсевар, ўз кучига ишонувчи қилиб яратди. Робинзон кимсасиз оролда қандай тиришқоқлик ва ўжарлик билан уй қургани, идиш-товоқ тайёрлагани, уй жиҳозлари ясаганини, хайвонларни ўргатгани ва кўпайтирганини эслайлик. Ўз кунларини меҳнат билан ўтказар экан, Робинзон бошқаларни ҳам ишлашга мажбур қила олади, ўлимдан қутқариб олинган ёввойи Жумавойни у ўз хизматкори қилиб олади. Робинзон қиёфасида буржуа белгиларини, учинчи табақа вакилининг уддабуронлигини ва соғлом фикрлашини осонгина билиб олиш мумкин. «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва гаройиб саргузаштлари» романи меҳнат, аниқ инсоний фикр, тиришқоқлик ва жасорат мадҳияси бўлиб қолди.

Қишлоқ руҳонийси, кейинроқ эса Ирландиядаги Дублин ибodatхонаси раҳбари Жонатан Свифт (1667–1745) маърифатчиларнинг олийжаноб ғоялари одамларни ўзгартирмаганлигини, буржуа

жамияти ҳам феодал жамият сингари мукамалликдан анча йироқ эканлигини кўриб турарди.

1726 йили унинг «Гулливернинг саёҳати» романи пайдо бўлди. Свифтнинг қаҳрамони билан Робинзон – замондош, Маърифатчилик асри одамлари, лекин Гулливернинг қарашлари чуқурроқ. Балки шунинг учун ҳам унинг йироқ мамлакатларга қилган саёҳатлари шундай қувончсиз бўлгандир.

Лилипутлар мамлакатини «Оламнинг қувончи ва даҳшати» деб аталувчи ушоқдеккина бир махлук бошқаради. Лилипутия ёзувчига замондош бўлган инглиз конституцион монархиясига карикатура эканлигини ўқувчи англаб олиши қийин эмас. Улканлар мамлакатининг маърифатли монархи XVIII аср файласуфлари ўлчами билан «бичилган». Доно, сахий кирол-олим урушни қоралайди, санъатни севади, фанларга ҳомийлик қилади, ақлли тартиб ўрнатишга ҳаракат қилади. Бироқ у ҳам ўз одамларининг кўпчилигидаги аҳмоқлик, очкўзлик, сурбетликни енга олмайди.

Онгли отлар мамлакатада Гулливер кутилмаганда нафратли йехуларни учратиб қолади. Бу махлуклар «кучли ва чаққон, лекин шу билан бирга қўрқоқ ҳамки, бу уларни муттаҳам, олчоқ ва ёвуз қилади». Йехулар қачонлардир кема ҳалокати натижасида оролга чиқариб ташланган одамларнинг авлодлари эканини қаҳрамон даҳшат ичра билиб қолади.

Муаллиф ана шу қайғули нуқтада ҳикоясини тўхтатади. Лекин Свифтни аччиқ ҳақиқатни гапиришга инсон табиатини бепарво кузатиш эмас, одамларга сидқидилдан ачиниш, уларга инсонийликни сақлаб қолишда кўмаклашиш, ёввойилашиб кетишдан огоҳлантириш истаги мажбур қилган эди. «Инсон сиз ўйлагандан кўра кадрлироқ». Свифтнинг ақл ёлқини ва қобилият кучи Маърифатчилик асрини сўнмас нур билан ёритиб туради. Аммо бу асрда буюкликда ундан кам бўлмаган сиймолар ҳам анчагина эди. Улар орасида Пьер Бомарше (1732–1799) ўзига хос ўрин тутарди.

Зодагонлик унвонини сотиб олган, кирол саройига йўл топган бу парижлик соатсознинг ўғли «бу дунё зўрлари»нинг нархини яхши биларди. Унинг «Фигаронинг уйланиши» комедиясининг қаҳрамони – чаққон, ёқимтой хизматкор. Фигаро ҳам ўзининг яратувчиси каби «аҳмоқларни масхара қилиб ҳазиллашар, жаҳлдорлар олдида кўркмас, ўз қашшоқлигидан куларди, лекин ҳеч қачон ўз инсоний қадрини сотмас» эди. Муаллифнинг фикрига кўра, Фигаро –

«миллатнинг энг кулдирувчи одами». Бомарше қахрамонининг ўтқир сўзларини Париж театр ишқибозлари шаҳар бўйлаб тарқатишди. Улар сўзлашув нутқига кирди, улар билан аслзодаларни масхара қилдилар. Қирол Людовик XVI ғазаб билан: «Буни сахнада қўйиш учун Бастилияни вайрон қилиш керак», – деб хитоб қилган бўлса ҳам, комедия барибир сахнада қўйилди. Бир неча йилдан кейин эса қиролнинг нафратли зиндони – Бастилия кулади.

1789 йил 14 июлда Франциянинг бош қамоқхонасини штурм қилишга борган одамлар учун Фигаро умумий эркатой бўлган бўлса, у адабий қахрамонлар дунёсида ҳам ёлғиз эмас эди. «Фигаронинг уйланиши» билан қарийб бир пайтда Фридрих Шиллернинг (1759–1805) пьесалари ҳам дунё юзини кўрди. Чегара устунлари билан уч юзтадан ортиқ майда князликларга бўлиб ташланган Германия улардан маърифат алифбосини ўрганди. Театр немислар учун ўз тақдири ва бутун миллат тақдирининг ойнаси эди. Театр ўриндиқларини тўлдириб ўтирган одамлар ёқиб қолган қахрамонлари билан бирга зулмдан озод бўлишни орзу қилар, обрўли муттаҳамларнинг айёрлигидан ғазабланар, ёш севишганларнинг ҳалокатига аччиқ-аччиқ йиғларди.

Пьесалардан бирида зодагон Фердинанд ва оддий муסיқачининг қизи Луиза ўз ўлимлари билан муҳаббатини ҳимоя қиладилар, чунки ҳақиқий севги аждодларнинг беш юз йиллик имтиёзларидан юксакроқ эди. Карл Маор ўзи яшаётган дунёнинг сохта беазаги ва пасткашлигига уруш эълон қилади: «Менга худди ўзимдай бир неча жасур кишиларни беринглар ва Германия республика бўлади...». Маркиз Поза инсоннинг эрки ва кадр-кимматини қизғин ҳимоя қилади:

*... инсон қадрлироқ сиз ўйлагандан,
Асрлик уйқунинг йўлин бузиб у
Ўзининг ҳуқуқин сўрар қайтадан.*

Ўз асрини, онг ва ёруғлик асрини ифодалайдиган қахрамон излаб бошқа бир буюк немис шоири Иоганн Вольфганг Гёте (1749–1832) доктор Фауст ҳақидаги қадимий афсонани қайта ёзди. Яратилишига 60 йил сарф қилинган фалсафий драма ўз гоёлари учун Инсон курашининг буюклигини тасдиқлаш билан Маърифат асрини яқунлайди. Кексайиб қолган Фауст мангу ҳақиқатни англашга етиб келади:

*Узоқ ҳаёт йўлин ўтдим-у босиб,
Олам ҳикматини айладим якун:
Фақат шу муносиб ҳаёт ва эркка,
Ким ҳар кун улар-чун курашга кирса!*

Тасвирий санъат. XVIII асрнинг биринчи ярмида Европа тасвирий санъатида ҳали ҳам сарой аҳлининг нозиктаъб санъати гуллаб-яшнади. Бу давр «киролнинг биринчи тасвирчиси», афсонавий ва пастораль¹ саҳияларнинг ажойиб устаси Франсуа Буше даври (1703–1770) эди. Рассом томонидан оққўнгил подачи эркак ва аёллар кўринишида тасвирланган жаноблар ва хонимлар бепарво суҳбатлашади, қувонишади ва рақсга тушишади. Рассом тасвирлаган табиат баҳаво ва ажойиб, кичкина ариқчанинг қирғоғи, ёғоч кўприкча, чўққи томли бино ва бир неча одамлар («Бове атрофи пейзажи») – ҳамма нарса нозик ва мутаносиб, ҳақиқий ҳаётдан чексиз йироқда бўлган Буше суратлари аристократик саройларга ажойиб безак бўла оларди.

Антуан Ваттонинг (1684–1781) санъати анча чуқурроқ. Унинг полотнолари энг нозик хис-туйғуларни, қахрамонларнинг кўз илғамас кайфиятларини ифодалайди. Ватто дунёси – шоирона ҳаёллар, маскарад ва базмлар дунёси. Юмшоқ, тарқоқ нур нарсаларнинг сояларини яширин кўрсатаётгандай бўлади. Ўта нозик колорит гўё энг сара мусикадай жаранглайди.

Ваттонинг машҳурлиги улкан эди. Россия қироличаси Екатерина II учун атоқли санъаткорларнинг бир нечта полотнолари сотиб олинди. Уларнинг орасида «Қийин таклиф» ҳам бор эди. Унча кўп сонли бўлмаган жамоа боғда жойлашган. Хонимлардан бири билан унинг йигити ўртасида гина-кудурат чиққан ва бу гўзал тезда кетиб қолмоқчи. Яшириб бўлмайдиган қизиқиш ва киноя билан яқин орада жойлашиб олган ўсмир уларнинг гапларига қулоқ солиб турибди. Мураккаб бўлмаган бу саҳнанинг давоми томошабиннинг ихтиёрига ҳавола этилган.

Ваттонинг бошқа бир полотноси – «Бепарво» – расмдан кўриниб турган номи шундай, ёш йигит рақс ҳаракатларини аста-секин ва чиройли қилиб бажармоқда. Бу туганмас ҳаёт байрами иштирокчисининг юзида бепарволик ва зерикиш ифодаланган.

¹ *Пастораль* – чўпон ҳаётини, табиат тасвирини ёки қишлоқ турмушини ифодаловчи опера, пантомима, балет ёки мусика асари.

«Учинчи табақа куйчилари». XVIII аср 50-йилларининг ўрталарида қарийб ҳар бир инглиз дўкончаси ва китоб дўконидан арзонгинага Уильям Хогартнинг (1697–1764) гравюраларини сотиб олиш мумкин эди. Хогарт ҳақида унинг антиқа автопортрети ҳар қандай биографдан яхшироқ гапириб бера оларди: бу – картина ичидаги картина. У жиддий ва улуғвор боқади, ақл тўла кўзларнинг қарашлари ўйчан. Суратда бир тўда китоб, улардан бири – Свифт асари. Ёнгинасида сурат чизиш асбоблари ётибди. Улар Хогартнинг кўлларида инглиз буржуа жамиятининг ақлга сиғмайдиган томонларини фош қилувчи даҳшатли қуролга айланади. «Сайловлар» сериясидаги гравюраларда муаллиф парламентга сайловлар тарихини кўрсатган. Мана сайловчиларни жалб қилиш учун ташкил қилинган сайловолди базми – умумий ароқхўрликнинг жирканч манзараси. Мана айёрроқ фермер – сайловчининг сотилиши. Мана энди, ниҳоят, «энг муносиб» депутатнинг ғалабаси. Бундан буён маърифатчиларнинг мамлакатни «адолатли» бошқариш ҳақидаги орзуларини у ифода этади.

Ўз-ўзидан тушунарлики, томошабинлар ва муаллифнинг ҳис-туйғулари сиёсий найрангбозлар ва мутғаҳамлар тарафида эмас. Хогартнинг қалбига оддий одамлар ёқимлироқдир, улар кадр-қиммат ҳақидаги ўз тушунчаларини тўлароқ сақлаб қолганлар. Рассом ўзининг энг яхши ва энг самимий асарларида уларга мурожаат қилади.

Маърифат асрининг замондоши ва гувоҳи, француз рассоми Жан Батист Симлон Шарден (1699–1779) бўлди, у «учинчи табақа куйчиси» деган ном олганди. Кундалик турмушга диққат билан боқиб, одатий предметларни кузатиб, Шарден одатийликдан юксак поэзияни кашф эта олди. «Бозордан қайтган аёл» – санъаткорнинг энг мукамал асарларидан бири.

Шарден тасвирий санъатнинг қадим анъаналарини бузмайди, лекин унинг расмлари енгилтак сарой санъатига қарши чақириқ эди. Петербург санъат Академиясининг конференциялар зали учун яратилган «Санъат атрибутлари билан натюрморт» ана шундай асардир.

Юмшоқ қоронғуликдан санъаткорнинг столи кўринади: марказда ҳайкалгарошлик рамзи бўлган Меркурий ҳайкалчаси. Меъморий чизмалар, режалар асбоблар билан, рассомлик эса – палитра ва мўйқалам билан ифодаланган. Суратлар билан тўла папка, кўза,

бир нечта китоб, ёнида эса – Муқаддас Михаил ва медаллар, санъаткорнинг мукофотлари. Шарден ҳайратга лойиқ санъаткорлик билан мраммарнинг текислигини, шоҳи лентанинг ялтироқлигини, тери папкаларнинг гижимларини бера олган. Биз рассом ва маърифатчи Шарден дунёсини ана шундай кўрамиз.

Қаҳрамон излаб. Маърифат асрини кўпинча Вольтер асри ҳам дейишади. Файласуфнинг энг ишончли образини Жан Антуан Гудон (1741–1823) яратган. Узоқ умри давомида ҳайкалтарош буюк замондошларининг 200 дан зиёд портретини ясади. Муаллифнинг ўз сўзларига кўра у «ўз халқининг шуҳрати ва бахтини ташкил қиладиган кишиларнинг ўзгармас образларини» асраб қолиш ва яратишга уринган.

Вольтер 1778 йили, ўлимидан сал олдин, Парижга сўнгги бор келганида Гудонга ўз тасвирини яратиш учун туриб берган. У креслода ўтирган ҳолда тасвирланган. Рўпарамизда кекса бир чол. Гудон ҳеч нарсани: кексалик ажинларини ҳам, тишсиз, шалвираб қолган жағларни ҳам яширмаган ва безаб кўрсатмаган. Лекин биз расмда шафқатсиз кексаликни эмас, қалбнинг буюклигини ва мўъжаз жуссадаги қувват ва кучни кўрамиз. Чуқур нигоҳида ва кинояли табасумида инсон онгининг тантанаси акс этган.

Ўз даврининг қаҳрамонини излаб Жак Луи Давид (1748–1825) антик тарихга шўнғиди, замонавий воқеаларга ҳамоҳанг мавзулар излади. 1784 йили рассом «Горацийлар қасамёди» деган улкан полотнони тугатди. Уч ака-ука бир хил жасорат билан отасига ғалаба қилиш ёки республика учун жон беришга қасамёд қиляпти. Муаллиф ватан йўлидаги жасоратнинг гўзаллигини оташин тасвирлаган.

Замондошларининг гувоҳлик беришларича, суратни кўриш учун юзлаб одамлар келаверган, келаверган. Шаҳар ҳокимияти, ҳатто чиқиши мумкин бўлган тартибсизликнинг олдини олиш чораларини ҳам кўриб қўйган.

Француз инқилоби бошланиши билан рассомнинг фикрлари қадимги тарихга қаратилмади. Замонавий ҳаётда у мавжуд тартиботни ўзгартиришга уринаётган қаҳрамонларни бутун борлиги билан кўра олди. Давид ўша воқеаларнинг энг оташин иштирокчиларидан бири Марат билан таниш эди. Унинг вафотидан сўнг бу яқобинчининг хотирасини абадийлаштириш рассомнинг маънавий бурчига айланди. Бу бурч «Маратнинг ўлими» сурати устида ишлаш учун туртки бўлди. Камгина предметлар: ванна, стол сифати-

да хизмат қилган ёғоч яшик, сиёҳдон, қотиллик амалга оширилган пичоқ – фожиани ҳаққоний қайта тиклайди. Маратнинг оқарган юзи жонсиз ва хотиржам.

Европанинг муסיқий чорраҳалари. Немис композитори Иоганн Себастьян Бах (1685–1750) ҳаёт даврида машҳур эмасди. Дунёвий жамиятга унинг асарлари ўта жиддий туюларди, черков эса худодан кўрқиш оҳанглариининг етарли эмаслиги учун унинг муסיқаларини ёқтирмас эди. Ҳатто муסיқачининг ўғиллари ҳам отаси ижодини умидсиз, эскириб қолган деб ҳисоблашарди. Уларга мерос бўлиб қолган Бах кўлёмаларининг анчагина қисмини йўқотиб юборишган.

Бир сафар Бах ўзининг 55 та аждодини белгилай олган авлодлар шажарасини тузади. Унинг катта отасининг отаси новвой бўлиб, хамир тайёр бўлгунча цитра¹ чалгани маълум. Бахлар авлодида муסיқага муҳаббат авлоддан-авлодга ўтган.

Ёшлигидан композитор Германия бўйлаб кўп саёҳат қилади, скрипка ва орган чалади, сарой оркестрига раҳбарлик қилади. 1723 йилдан оиласи билан Лейпцигда яшай бошлайди. Бу ерда у ўзининг энг яхши асарларини яратди. Уларнинг аксариятига Бах халқ кўшик ва рақсларини киритишдан кўрқмаган, бу эса мураккаб муסיқани оддий одамлар учун тушунарлироқ қилишга ёрдам берган.

Хор, солистлар ва оркестр учун ёзилган улкан асари – «Матфей айтган укубатлар» Исо Масиҳнинг шогирди евангелист² Матфей ҳикоя қилиб берган Исо укубатларини, ҳис-ҳаяжонини ифодалайди. Инжил афсонасини Бах одамларни кутқариш учун ўзини қурбон қилган қахрамон ҳақидаги халқ драмаси сифатида баён қилади.

XVIII аср муסיқа санъатининг бундан кейинги йўли Австриянинг чиройли қадимий шаҳарчаси Зальцбург орқали ўтади, бу ерда Ғарб муסיқасининг генийларидан бири Вольфганг Амадей Моцарт (1756–1791) дунёга келади.

Замондошлари Моцартни XVIII асрнинг ҳақиқий мўъжизаси дейишади. Унинг ҳаёти қисқа, қашшоқлик, хўрлик ва ёлғизликка тўла бўлса-да, унда буюк қувонч ҳам муҳаббат, бахт, ижод ҳам мавжуд эди.

¹ Цитра – муסיқа асбоби.

² Евангелист (инжилчи) – Инжилнинг тўртта афсонавий муаллифларидан ҳар бири шундай деб аталади.

У уч ёшидан бошлаб музикани ўргана бошлади, 4 ёшида ўзининг биринчи концертини ёзди, 12 ёшида ёзган операсининг премьераси Милан театрида кўйилди, 14 ёшида Моцарт Италиядаги энг обрўли музика академиясининг академиги бўлди. Ҳаётининг сўнгги ўн йилини Моцарт Венада ўтказди. Композиторнинг орзулари театрга қаратилган, лекин операга буюртма йўқ эди. Ниҳоят мос келадиган мавзу топилди, айнан халқни жалб қиладиганининг худди ўзи – Бомаршенинг «Фигаронинг уйланиши». Премьера 1786 йилда кўйилди. Муваффақият жуда улкан эди. Кўшиқчиларни томошабин бир неча марта сахнага чақиради. Операнинг куйлари ҳамма ерда: кўчаларда, майдонларда, ошхоналарда жаранглайди, уни, ҳатто дайдиб юрувчи музикачилар ҳам ижро этардилар.

Композиторнинг сўнгги асари – «Реквием»ни (лотинча requiem – «тинчлик», «ором» маъносини билдиради) черковларда марҳумларнинг хотирасига бағишлаб ижро этишарди. Моцартга у аноним тарзда, бой музика ихлосманди томонидан буюртма берилганди, лекин композиторга музикани ўзи учун ёзаётгандай туюлди. Бу ҳаёт ва ўлим ҳақидаги, инсоннинг бу дунёдаги қисмати ҳақидаги асар. Унинг биринчи ижросигача яшаш Моцартга насиб қилмади.

Ўзини буюк композиторнинг вориси деб ҳисоблаган Людвиг ван Бетховен (1770–1828) ҳақида Моцарт: «Вақти келади ва у ҳақда бутун дунё гапирари», – деган эди. Бу амалга ошди.

22 ёшидан бошлаб Бетховен Венада яшайди. У ёш, кучга тўла, машҳур, ноширлар унинг асарларини жон деб нашр қилишади. Лекин даҳшатли касалликнинг (у ёшлигида тинит – қулоқ шамоллаши билан касалланган) хуружи тобора кўпроқ такрорланарди: «Менинг эшитиш қобилиятим тобора заифлашмоқда, қулогимдаги даҳшатли шовқин на кечаси, на кундузи бир нафас ҳам тинмайди. Мен аянчли ҳаёт кечираяпман», – деб ёзганди у. Бироқ композитор таслим бўлмади. Бетховен ўзи билан ўзи шиддатли кураш олиб борган йилларида кучи ва гўзаллиги билан ҳайратга соладиган асарлар яратди.

«Фантазия йўлида соната» («Ойдин») – композиторнинг бахтсиз муҳаббати ҳақидаги асар. «Қаҳрамонона» симфонияси эса XVIII аср охиридаги инқилобий воқеалар руҳи билан йўғрилган. Унда – кўча ва майдонлар шовқини, жанг ҳаяжонлари. Даставвал симфония Наполеонга бағишланган эди. У ўзини император деб эълон қилинганини билиб қолган композитор асарини бундан кейин унинг номи билан боғламади ва «Қаҳрамонона» деган янги ном берди.

Симфония марказида – бўйсунмас исёнкор образи, тақдирнинг ҳеч қандай зарбалари синдира олмайдиган жасур, кўркмас инсоннинг қиёфаси намоён бўлади. «Аппассионата»да ҳам ана шу мавзу жангларга эришди.

Умрининг сўнгги кунларигача Бетховен онгни, ёрқин кучлар тантанаси ва ғалабасини шарафлашга бағишланган асарлар яратиш орзуси билан яшади.

Маърифатчилик асри даҳолари

Фалсафа	Адабиёт	Тасвирий санъат	Музыка
Вольтер Монтескье Руссо Смит Дидро	Дефо Свифт Бомарше Шиллер Гёте	Буше Ватто Шарден Гудон Давид	Бах Моцарт Бетховен

* * *

XVIII аср тарихга Европадаги табақавий жамият асосларига, монархларнинг абсолют ҳокимиятига қарши маънавий даъват сифатида чиққан Маърифатчилик асри сифатида кирди. Маърифатчилик гоялари кишиларнинг онгини эгаллаб, Европа цивилизациясининг қиёфасини ўзгартириб юборган моддий кучга айланди.

Маърифатчиларнинг гоялари фақат аср охирига келиб нисбатан тўлиқ амалга ошиш имкониятига эга бўлди. Бу гоялар Шимол-Америкада мустақиллик учун уруш йиллари, Буюк француз инқилоби даврида оммавий характер касб этди. Маърифатчилик даврининг кўплаб гоялари XIX, айниқса, XX асрда демократик мамлакатлар сиёсий амалиётининг, ҳуқуқий нормалар базасининг асосига айланиб, жамиятнинг кенг қатламлари орасида тан олинди.

VII боб бўйича саволлар

1. Маърифатчилик асрининг асосий белгилари нимада?
2. XVIII асрда Европада ижтимоий-сиёсий гояларнинг қандай асосий йўналишлари мавжуд эди?
3. Маърифатчилик асри бадий адабиёти ва санъатининг қандай асосий йўналишлари ва гояларини биласиз?

4. Маърифатчилик даврида шаклланган қандай асосий қадриятларни биласиз?
5. Маърифатли абсолютизм ғоясининг XVIII асрда Европада тарқалишини қандай изоҳлай оласиз?
6. Маърифатчилик даврининг қандай илмий кашфиётларини биласиз?
7. Маърифатчилик ғоялари Европада сиёсий тузумнинг ривожланишига қандай таъсир кўрсатди?

VIII Б О Б. XVII–XVIII АСРЛАРДА ФРАНЦИЯ

Тараққиётнинг асосий йўналишлари

XVII асрда Франциянинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тараққиёти зиддиятли характерга эга эди. Капиталистик муносабатларнинг кириб келиши натижасида юз берган иқтисодий ўсиш, абсолютизмнинг мустаҳкамланиши, солиқларнинг ошиши, халқ оmmasи аҳволининг ёмонлашуви ва доимий халқ кўзғолонлари билан қўшилиб кетди. Янги иқтисодий муносабатлар, айниқса, қишлоқда жуда қийинчилик билан ўзига йўл очаётган эди.

XVI аср охири – XVII аср бошларида Франция иқтисодий ўсиш даврини бошдан кечиради. Бунга қирол Генрих IV даврида (1589–1610) солиқларнинг камайтирилиши, мануфактуралар учун қулай молиявий шароитнинг яратилиши, ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи бож солиқларининг жорий қилиниши, техник қулайликларнинг қўллаб-қувватланиши орқали эришилди. Қирол билан буржуазия ўртасидаги иттифоқ мустаҳкамланиб, халқнинг норозилиги ҳам пасайди. Натижада мухолифатнинг ҳаракати учун ижтимоий асос ҳам анча қисқарди.

1610 йили Генрих IV ўлдирилгандан сўнг Қирол Людовик XIII нинг ёшлиги сабабли ҳокимият унинг онаси Мария Медичи қўлига ўтди. Аслида мамлакатни бева қироличанинг маъшуқи флоренциялик Кончини, кейин эса Люинь бошқарди. Бу даврда шахзодалар ва қирол оиласининг кўп сонли бошқа аъзолари қироличага ўз ҳуқуқларини даъво қилиб 1614–1620 йиллари мамлакатда бошбошдоқликни вужудга келтиришга қаратилган ҳаракатни амалга оширди. Бу ҳаракат на буржуазия, на дехқонлар томонидан қувватланмади. Францияда абсолютизмнинг узил-кесил мустаҳкамланиши кардинал Ришельё биринчи министр бўлган йилларга (1624–1642) тўғри келади. Кардинал Ришельё ҳукумати абсолютизмни янада мустаҳкамлаш сиёсатини олиб борди: гуге-

ногларнинг сиёсий автономияси йўқ қилинди, 1632 йилги феодал зодагонларнинг исёни бостирилди, маҳаллий ҳокимиятларнинг ҳуқуқлари провинциялар интендантлари¹ фойдасига қисқартирилди.

Франциянинг ички ривожланиши ва марказий ҳокимиятнинг мустақамланиши фаол ташқи сиёсат олиб бориш имкониятини яратди. Америкадаги француз мустамлакаларига асос солинди. Ўттиз йиллик урушнинг (1618–1648) охири босқичида Франция Габсбургларга қарши коалицияга бошчилик қилди ва 1648 йилги Вестфаль тинчлик сулҳига биноан Эльзаснинг анчагина қисмини қўлга киритди. Аммо ҳарбий харажатларнинг оғирлигидан норози халқ қатор кўзғолонлар кўтарди. XVII асрдаги шундай кўзғолонлардан энг йириги Фронда (1648–1653) номини олган йирик ҳаракат бўлди. Бу ҳаракатнинг бошида қиролнинг абсолют ҳокимиятидан норози бўлган феодал-зодагонлар бўлиб, Фронда бостирилгандан сўнг улар Францияда фаол сиёсий куч сифатида барҳам топди.

XVII асрнинг иккинчи ярми, айниқса 1665–1685 йиллари Франция саноатида сезиларли ўсиш юз берди. Тошкўмир қазиб чиқариш бошланди, металлургия маҳсулотлари кўпайди, ишлаб чиқаришнинг кўплаб соҳаларида тарқоқ мануфактура ва хунармандчилик ўрнига марказлашган мануфактура кела бошлади. Мануфактура ташаббусини қўллаб-қувватлаш айниқса савдо, саноат ва молия бош назоратчиси Жан Батист Кольбер (1619–1683) даврида ҳукуматнинг асосий иқтисодий сиёсатига айланди. Бироқ саноат ва савдодаги муваффақиятлар олдида қишлоқ хўжалигидаги турғунлик, айниқса, кўзга ташланарли эди. XVII асрнинг сўнги эллик йилида ўнга яқин кургоқчилик йиллари бўлиб, очлик умуммамлакат миқёсида росткам офатга айланди. Очлик ва касалликдан минглаб одамларнинг қирилиши натижасида Франция аҳолиси 1650 йили 20 млн дан 1710 йили 16–17 млн кишигача камайиб кетди.

Ички зиддиятларга қарамасдан XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрнинг бошларида Франция фаол ташқи сиёсат олиб борди. Людовик XIV даврида (у 1643 йили тахтга келиб, 1661 йилдан 1715 йилгача 54 йил мустақил бошқарган) француз абсолютизмининг юқори чўққига эришганлиги ҳам шундай ташқи сиёсат юргизиш

¹ *Провинциялар интендантлари* – (французча *intendant* – бошқарувчи) XVII–XVIII асрларда Францияда мавжуд бўлган, провинцияларни бошқариш учун марказдан тайинланган махсус лавозимли шахс.

учун имконият яратди. 1667–1668 ва 1672–1678 йиллари Испания ва Голландия билан бўлган урушлардаги ғалаба Францияга Франш-Конте, Фландриянинг бир қисми, Лотарингияни қўшиб олиш ва Европада сиёсий гегемонлигини ўрнатиш учун шароит туғдирди. Бироқ Англия билан рақобатда (1701–1714 йиллари Испания тахти учун бўлган урушда) Франция енгилди.

XVI–XVII асрларда француз миллатининг шаклланиши юз берди. Ички бозорнинг вужудга келиши, вилоятлараро аҳолининг эркин кўчиши, матбуотнинг кенгайиши бутун мамлакат бўйлаб шимолий француз тилининг тарқалишига олиб келди. XVII асрда орфография ва синтаксисни тартибга солиш бўйича ислохотлар ўтказилиб, бу ислохотлар ҳозирги замон француз тилини яратиш бўйича муҳим қадам бўлди. 1631 йил 30 майдан мунтазам чиқа бошлаган умум-миллий газета («Газет») ҳам бу ишда муҳим роль ўйнади. Кардинал Ришельё ташаббуси билан 1635 йил 10 февраль куни ташкил қилинган Франция Фанлар академияси эса миллий-маърифий ишларнинг марказига айланди.

Ички бозорнинг кенгайиши аҳолининг ўсишига олиб келди. Инқилоб арафасида Франция аҳолисининг сони 20 млн кишидан кўп эди. XVIII аср ўрталаридан бошланган ташқи сиёсатдаги муваффақиятлар Франциянинг ички зиддиятлари билан қўшилиб кетди. Австрия тахти учун бўлган урушдаги (1740–1748) маглубият ва, айниқса, 1756–1763 йиллардаги етти йиллик уруш оқибатида Франциянинг Канададан ва Ҳиндистондаги асосий мустамлакаларидан ажралиши халқ олдида (айниқса, буржуазия олдида) ҳукуматнинг обрўсини тушириб юборди. Бунга 1774–1776 йиллари Бош назоратчи А.Р. Тюрго ислохотларининг имтиёзли қатламлар қаршилиги туфайли амалга ошмай қолиши қўшилиб, сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг абсолютизм билан сиғишмаслигини кўрсатди. Жамиятда ижтимоий зиддиятлар кучайиб, мамлакатни инқилобий бўҳрон ёқасига олиб келди.

Франция XVIII асрда. Буюк француз буржуа инқилобининг сабаблари ва бошланиши

Сўл кучлар томонидан Буюк деб аталган бу инқилоб фақат Франциядаги эмас, балки бутун Европадаги эски тартибларни ҳам бузиб ташлади. У халқаро аҳамиятга эга бўлиб, бутун XIX аср унинг таъсири остида ўтди.

«Одамлар озод ва тенг ҳуқуқли бўлиб туғиладилар!» – бу сўзлар 1789 йили Францияда жаранглади ва қарийб икки аср бошқа китъаларда ҳам акс садо берди.

Қишлоқ хўжалиги. Деҳқонлар ва зодагонлар. XVIII асрнинг 70-йилларига келиб ҳам Франция аграр мамлакат бўлиб қолаверди. 25 миллионли аҳолисидан 22 миллионини деҳқонлар ташкил қиларди.

Бу пайтга келиб, деҳқонларнинг асосий қисми шахсан эркин бўлсада, ҳали яна бир ярим миллион деҳқонлар монастирларга қарашли эди. Деҳқонлар яшаётган ва ишлаётган ерлар феодалларнинг мулки ҳисобланарди. Бунинг учун улар сеньорлар фойдасига бир қатор тўловлар (пул ёки мол билан) тўларди. Кўпинча деҳқонлар ердан фойдаланганлиги учун ҳосилнинг тўртдан бир қисмини беришга мажбур эдилар. Шунингдек, яна сеньорлар фойдасига деҳқондан йўл, кўприк, ярмарка тўловлари, тутун пули (уйида олов ёқиш ҳуқуқи учун) олинарди. Тегирмон, новвойхона, узум эзувчи босқонлардан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам фақат сеньорларга тегишли эди. Деҳқонлар балиқ овлай олмас, ўрмонда ов ҳам қила олмасдилар. Сеньор суд ҳокимиятига ҳам эга эди.

Католик черковига деҳқонлар ҳамон ҳосилнинг «ўндан бир»ини берарди. Улар давлатга жон боши солиғидан ташқари бошқа солиқлар ҳам тўларди.

Қишлоқларнинг камбағаллашиши одатий ҳол бўлиб қолди. Кўпгина деҳқонлар тиланчи ва дайдиларга айланиб кетдилар. «Нон исёнлари» ва солиқ зулмига қарши кўзғолонлар ҳам тез-тез бўлиб турарди.

Саноат ва савдо. Францияда ҳукмрон бўлган эски тартиб саноат ва савдонинг ривожини ҳам тўхтатиб турарди. Агар деҳқон камбағаллиги учун ҳеч нарса сота олмаса, унда унинг сотиб олишга ҳам пули бўлмас эди. Бу эса ички бозорни торайтирарди.

Кўмир, металлургия, тўқимачилик соҳалари баъзи бир ютуқларга эришдилар. Безак буюмларини ишлаб чиқариш эса гуллаб-яшнади, бой французларга қимматбаҳо матолар, чинни ва заргарлик буюмлари керак эди.

Францияда цех тизими қисқарган, лекин мамлакатнинг муҳим шаҳарларида у ҳали сақланиб қолганди. Қирол ҳокимияти йирик мануфактуралар қурилишини қувватларди.

Мамлакатнинг энг йирик молиявий ва саноат маркази Париж эди. XVIII аср 80-йилларига келиб у ерда 60 та банк очилди. Мануфактураларни ишчи кучи билан таъминлаш мақсадида ҳукумат махсус ишчилар уйи ёки госпиталлар ташкил қилди. Иш куни қуёш чикқундан то ботгунга қадар давом этарди, жарималар, ойликдан ушлаб қолиш одатий ҳол эди. Мануфактураларнинг ишчилари корхонанинг ўзида яшашарди, уларга фақат якшанба куни дуо ўқиб келиши учунгина дарвозадан чиқишга рухсат бериларди. Аёлларга эркакларга тўланган ҳақнинг ярми бериларди, холос. Болалар меҳнати ундан ҳам арзон турарди.

XVIII аср охирида Франция ҳали саноат тўнтаришини бошидан кечирмаган, машиналар камдан-кам қўлланиларди. Масалан, 1789 йили Франция тўқимачилик саноатида 900 та «женни» типигаги машиналар мавжуд бўлса, шу пайтда Англияда улар сони 20 мингдан зиёд эди. Турли хил тўсикларнинг мавжудлигига қарамадан XVIII асрда Францияда ишлаб чиқаришнинг ўсиши кузатилади. Имтиёзли (қиролга қарашли) мануфактуралар сони 1715 йилги 135 та ўрнига 1789 йили 532 тага етди. 1722 йили суюқ чўян олиш усули ўзлаштирилди. 1720 йили Анзен яқинида кўмир конлари очилиб, 1734 йили уни қазиб олиш бошланди. Шу йили Францияда биринчи буғ машинасидан фойдаланилди. Аср ўрталарига келиб такомиллаштирилган тўқув станокларини ясаш йўлга қўйилди (1747, Вокансон).

Ички савдони божхона чегаралари сиқувга оларди. Бир вилоятдан бошқасига маҳсулот ўтказилганда ҳам бож олинарди. Сеньорлар уларнинг ер мулкларидан ўтаётган савдогарлардан йўл солиғи талаб қиларди. Шунга қарамадан ички йўлларнинг қурилишига катта эътибор берилади. 1789 йилга келиб мамлакатда 12 минг лье янги йўллар қурилади.

XVIII асрда Франция йирик денгиз ва мустамлакачилик давлати бўлиб, катта ҳарбий ва савдо флотига эга эди. Айниқса денгиз савдосининг кенгайиши янги географик кашфиётлар ва техник мукамалликларни талаб қиларди: 1734 йили Бугер ўзининг кемасозлик назариясини эълон қилди, 1748 йили Леруа очик денгизда аниқ кузатувлар учун зарур бўлган хронометрни яратди. Француз денгиз саёҳатчиларининг кашфиётлари олимларни Ернинг юзасини ўлчаш фикрига олиб келди. Бунинг натижасида 1735–1745 йиллари эква-

торга, Лакондамин ва Лапландияга Мопертюи¹ (1734–1737) экспедициялари уюштирилиб, ўз даврида астрономик билимларнинг ривожланишига катта туртки бўлди.

Бутун XVIII аср давомида ташқи савдо тўхтовсиз ўсиб борди. Савдогарлар Янги Дунё билан, Шимолий Африка, Ўрта Ер денгизи давлатлари билан савдо юргизар эди. Француз савдогарлари мустамлакаларда плантацияларга, кулларга, заводларга эгалик қилишарди, кул савдоси билан шуғулланарди. Қисқа вақт ичида улар улкан бойлик тўпларди. Аммо мавжуд эски тартиблар янги, капиталистик муносабатларнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган эди. Барча – буржуазиянинг кенг қатламлари ҳам, хунармандлар ҳам, ёлланма ишчилар ҳам, илғор зодагонлар ҳам, деҳқонлар ҳам ўзгаришларни кутаётган ва улардан манфаатдор эди.

Шаҳарлар тез ўсиб борди. XVIII аср ўрталарига келиб пойтахт Парижнинг аҳолиси 1 миллион кишидан ошиб кетди. Айниқса, Париж XVIII аср иккинчи ярмида тез кенгайди ва қайта қурилди.

Аҳоли сонининг ошиб боришига қарамасдан XIX аср ўрталарига қадар Парижда туғилиш ўлимдан ортиқ эмасди. XVIII аср 80-йилларида ҳар йили ўртача 20 минг одам вафот этади. Айниқса, чақалоқлар ўлими юқори бўлиб, туғилган ҳар 1000 та чақалоқдан 273 таси ўларди². Бунинг устига 1870 – йиллари Парижда 30 минг чақалоқдан 7 ёки 8 минги ташлаб кетилган болалар бўларди. Бундай болаларни касалхонага олиб келишнинг ўзи бир хунар бўлиб қолди.

Табақа тизими. Ўрта асрлардаги каби монархия жамиятнинг уч табақага: биринчиси – руҳонийлар, иккинчиси – зодагонлар, учинчиси – аҳолининг қолган барча қатламлари – бўлинишини ўрнатган эди.

Қадимий бир формула ҳар бир табақанинг ҳаётдаги ўрнини аниқ белгилаб берарди: «Руҳонийлар қиролга дуолари билан хизмат қилади, зодагонлар – қиличи билан, учинчи табақа – мол-мулки билан». Биринчи ва иккинчи табақалар имтиёзли ҳисобланарди. Улар солиқ тўламасди ва ерга эгалик қилишарди. Руҳонийлар ва зодагонлар биргаликда мамлакат аҳолисининг 4 фоизини ташкил қиларди (130 минг руҳонийлар ва 350 минг зодагонлар). Черковнинг олий

¹ Мопертюи, Пьер Луи Моро – 1698–1759 йиллари яшаган француз олими, Париж Фанлар академияси аъзоси, математик, геодезист.

² Ливи Баччи М. Демографическая история Европы / Серия «Становление Европы» / Пер. с итал. А. Миролюбовой. – С. Пб. : «Александрия», 2010. – С. 165.

мансабларига фақат зодагонлар, одатда, олий насаб оиланинг кенжа фарзандлари тайинланарди. Кўпинча епископ ва архиепископлар дунёвий турмуш тарзида яшардилар, улар ўзларини ҳашамлар билан ўраб олардилар.

Зодагонларнинг юқори унвондагиларини 4 минг оила ташкил қиларди. Бу одамлар қиролнинг совға ва нафақалари ҳисобига кун кўрардилар. Масалан, Маркиз де Отишан тўртта нафақа оларди: биринчиси, ёзувда кўрсатилишича, «марҳум отасининг хизматлари учун, иккинчиси, ўшанинг ўзи учун, учинчиси худди яна шу асосда, тўртинчиси худди шу сабабларга кўра».

Зобитлик лавозимига ҳам фақат зодагонлар тайинланар эди. 1781 йилги Низомга кўра зобитлар ўз аждодларининг тўрт поғонаси зодагонлар бўлганлигини ҳужжатлар билан исботлашлари керак эди. Саройда турмайдиганлар ва муҳим лавозимларни эгалламаганлари эса тобора камбағаллашиб борарди.

Энг оғир тақдир учинчи табақанинг чекига тушганди. Унинг таркиби олақуроқ дехқонлар, оддий шаҳарликлар, ҳунармандлар, савдогарлар, саноатчилардан иборат бўлиб, ана шулар барча солиқларни тўлар, лекин мамлакатни бошқаришга яқинлаштирилмас эди.

Буржуазия орасида бой кишилар жуда кўп эди, улар миллионлаб маблағга эга эдилар. Улардан баъзи бирлари, ҳатто қироллик саройига ҳам қарз берарди. Лекин улар сиёсий ҳуқуқларга эга эмасдилар.

Имтиёзларни йўқотишга, шахс эркинлигига интилиш абсолют монархияни йўқотиш заруратига олиб келди. Илгаригидек XVIII асрда ҳам француз қироллари абсолют ҳокимиятга эга эдилар. «...Миллатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари – бари шу ерда, менинг қўлимда, қироллик ҳокимияти эса фақат менинг шахсимда мужассамлашган», – деган эди 1776 йили Людовик XVI Париж парламентида.

Людовик XIV нинг вафотидан кейин унинг 5 ёшли чевараси Людовик XV (1715–1774) қирол бўлди. У вояга етгунга қадар герцог Филипп Орлеанский регент деб эълон қилинди, мамлакатни у 8 йил бошқарди, ёш қирол эса рақс тушди ва ов қилди. Қирол саройи яна ҳам байрамона мўл-кўлчиликда бўлди, хазина эса тобора бўм-бўш бўлиб борарди. Людовикнинг ташвиши битта эди – мамлакатдан сарой ҳашаматлари учун маблағ ундириб олиш. У «Биздан кейин не бўлса бўлар» қабилида яшар ва мамлакатни бошқарар эди, шу-

нинг учун ҳам давлатни тўла хонавайронликка олиб келди. Барча оғохлантиришларга у «Менинг давримга етади, ўрнимга келадиган ворисим эса ўзи билганича иложини қилсин», – деб жавоб берарди. Унинг ташқи сиёсати ҳам мамлакат учун ҳалокатли бўлди. У Франция манфаатлари учун аралашган барча урушлар бой берилди.

Халқаро майдонда Франциянинг обрўи тушиб кетди. Уруш ва солиқлардан қийналиб кетган халқнинг аҳволи тобора оғирлашмоқда эди. Буржуазия ва зодагонларнинг бир қисми қиролнинг сиёсатидан ғазабланардилар. Франция инқилобга яқинлашарди.

1774 йилнинг май ойида Людовик XV вафот этди ва унинг набираси, ёш, тажрибасиз, катъиятсиз, ов қилишни ва чилангарлик ишини севадиган Людовик XVI (1774–1793) қирол бўлди. Касалманд, инжиқ ёш қирол давлат масалаларини ҳал қилишга ожизлик қиларди. Унинг хотини Мария Антуанетта Австрия императорининг кизи эди. Қувноқ, гўзал, дадил бу аёл ўз эрига катта таъсир ўтказарди. Мария Антуанетта сарой кўнгилхушлиқларининг ташкилотчиси ва қалби эди.

Франция эса ўзгаришлар кутарди ва қирол ҳам уларни ўтказишга мойил эди: у тахтга ўтириш маросимида совға сифатида келтирилган 24 млн ливр пулдан воз кечди; барчанинг лаънатига учраган канцлер Мопа билан аббат Террени ишдан бўшатиб, Париждан сургун қилди; Париж парламентини тиклади; молия бош назоратчиси лавозимига иқтисодчи олим Робер Тюрғони тайинлади. Тюрго бу лавозимга тайинланганлиги учун Людовик XVI га миннатдорчилик билдираётди, шундай деди: «Мен ўзимни қиролнинг қўлига эмас, софдил инсоннинг қўлига топшираётирман». Бунга Людовик XVI: «Ва сиз адашмайсиз», – деб жавоб берди. Бироқ орадан йигирма ой ўтгандан кейин вазир истеъфога чиқди.

Тюргонинг дастури мамлакатни ислохот йўли билан инкироздан чиқаришга қаратилган эди. У қўшимча солиқларни киритмасликни таклиф қилди, донга қатъий нархни бекор қилди, цехли тизимни йўқота бошлади, зодагонлар ва черковнинг феодал ҳуқуқларини тугатмоқчи эди. Афсуски, 1774 йил ҳосилсиз бўлди, доннинг нархи кескин кўтарилиб кетди. Бу «ун уруши»ни келтириб чиқарди.

Парижда, уйларнинг қурумдан қорайиб кетган деворларида қўлда ёзилган афишалар пайдо бўлди: «Агар нон арзонлашмаса, вазирни алмаштирмаса биз қиролни ва бутун Бурбонлар авлодини кириб ташлаймиз». Тюрго истеъфога жўнатилди, унинг қарорлари

бекор қилинди. Ислохот қилишга биринчи уриниш ана шундай муваффақиятсизликка учради.

Мамлакатда тартибсизликлар давом этарди. Хазинага пул керак эди, парижлик банкирлар эса энди қарз беришмасди. Шунда молия бош назоратчиси лавозимига женевалик бой банкир Жак Неккер (1732–1804) тайинланди, у ислохотлар тарафдори эди. Лекин Неккернинг ҳам истеъфога чиқишига тўғри келди, ҳар қандай ақлли сиёсат сарой аслзодаларининг қаршилигига дуч келарди. Франция боши берк кўчага кириб қолди. Мамлакат бўйлаб деҳқонларнинг норозилик чиқишлари бўлиб турарди.

Шаҳарларда ишчилар иқтисодий талабларни олға сурардилар, қиролга петициялар билан мурожаат қилишар, иш ташлашлар ўтказишар, машиналарни бузишарди. Корхоналар ёпилар, ишсизлар сони ошиб борарди. Булар ҳам етмаганидек, мамлакатга қурғокчилик ва совуқ ҳам хужум қилди. Очлик авжга чиқдики, бунақаси ҳеч бўлмаганди.

Людовик XVI ўз ожизлигини намойиш қилаётган бир пайтда, унинг хотини бошчилигидаги сарой аҳли тўхтовсиз ўйнаб-қуларди ва пулларни совурарди. Франциянинг қарзлари 140 миллион ливрга етди, бошқа қарз олишнинг эса иложи йўқ эди. Бундай аҳволдан вақтинча бўлсада чиқишнинг йўли битта – имтиёзли табақаларга солиқ солиш эди. Шунда Людовик XVI 1694 йилдан буён йиғилмаган Генерал Штатларни чақиришга қарор қилди.

Қиролнинг қарорини билиб бутун Франция ҳаяжонга тушди. Учинчи табақага эски тартиблар ўзгаришидан умид қилиш имкони тугилди. Барча табақалардан Генерал Штатларга сайловлар пайтида уларга талаблар қўйиш ва топшириқлар беришга рухсат этилди. Шаҳарликлар ва деҳқонлар биринчи марта ўз шикоятларини ёзма тарзда баён қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

1789 йил 5 май куни Версаль саройида қирол Генерал Штатларни очди. Рухонийлар ва зодагонлар саройга олтин ва кумуш ишлар билан тикилган шоҳи ва бахмал либосларда кириб келдилар. Зодагонлардан 270 депутат, рухонийлар вакилларида 291 депутат ва қора кийим кийиб олган, учинчи табақадан сайланган 600 депутат ўз ўринларини эгалладилар. Қирол тахтга ўтириб шляпасини кийганида рухоний ва зодагон депутатлар ҳам одат бўйича шляпаларини кийдилар, бироқ шу пайт қутилмаган воқеа рўй берди, учинчи табақа депутатлари монархнинг сўзини тинглашганда бош кийим-

сиз, тиззалари букилган ҳолда туриш ўрнига, улар ҳам шляпаларини кийдилар ва тиз чўкдилар.

Людовик XVI янги солиқларни тасдиқлашни буюрди. Қиролнинг нутқи учинчи табақа вакиллари – буржуазия, олимлар, юристларнинг ғазабини кўзғатди. Табақалар ўртасида депутатлар қандай овоз беришлари керак, умумийми ёки ҳар бир табақа алоҳидами? – деган баҳс қизиқ кетди. Учинчи табақа депутатлари имтиёзли табақалар ўз иродасини ўтказиши мумкин бўлган овоз бериш тартибига кўнмадилар.

Бу орада париждликлар тўдалари депутатлардан қатъий қарорлар талаб қилиб, Версаль томон кела бошладилар. 17 июнь куни учинчи табақа депутатлари ўзларини бутун миллат вакиллари, қарорларини, ҳатто қирол ҳам бекор қила олмайдиган Миллий мажлис деб эълон қилдилар. Биринчи ва иккинчи табақа депутатларидан ислоҳот тарафдорлари бўлганлари халқ депутатларига қўшилдилар. Улар абсолютизмни тугатишга тайёр эдилар.

Ғазабланган қирол мажлислар залини ёпиб қўйишни буюрди. Шунда учинчи табақа депутатлари тўп ўйналадиган залда тўпландилар ва Франция учун Конституция тузмагунларича кетмаслик ҳақида машҳур қасамёдларини қабул қилдилар.

Учинчи табақа қарашларининг ифодачиси Фабриэль де Мирабо (1749–1791) бўлди. У бой ва машҳур оиладан чиққан, тажрибали ҳамда доно сиёсат арбоби эди. Ҳали инқилоб арафасидаёқ бутун мамлакат бўйлаб унинг золимликни йўқотиш ҳақидаги талаблари маълум бўлди. Мирабо учинчи табакани бирликка чақирди.

Бу қорачадан келган, калласи катта, қуюқ қора сочли, мағрур одам ўзгаларнинг нигоҳларини тортар, кўзларида ғазаб чакнар, юзида куч уфуриб турарди.

Ўша пайтда ҳеч ким Мирабо каби шундай ишонарли қилиб ва куч билан Франция олдида турган вазифаларни баён қилиб бера олмасди. Мирабо муваффақиятларининг сири ана шунда эди. Унинг ҳар бир нутқи мисли кўрилмаган олқишларга қўмилиб кетарди. Ёшлар унинг экипажидан отларини ечиб олишар ва уни қўлда кўтариб кетишарди. «Яшасин, Мирабо – Ватан отаси!» деб кичкиришарди, улар.

1789 йил 9 июлда Миллий Кенгаш ўзини Таъсис мажлиси деб эълон қилди. Париж газеталари, инқилоб бир томчи ҳам қон тўкилмасдан яқунланди, деб ёздилар. Аммо Париж хотиржам эмасди.

Бастилиянинг олинishi – инқилобнинг бошланиши. Шу пайтда қирол саройи қўшинларни Парижга яқин олиб кела бошлади, Людовик XVI эса Миллий кенгаш талабларига мойиллик билдирган вазирларни истеъфога чиқарди.

Ҳукумат қўшинлари Бастилияга тўшланган ва унинг тўплари шаҳарга қаратилган, деган миш-мишлар Париж бўйлаб тарқала бошлади. Ҳамма жойда митинглар бошланиб кетди. 1789 йил 12 июнь куни туш пайтида одамлар уларни қуролланишга чорловчи нотикларни тинглашарди. Санкюлотлар¹ қурол дўконларига бостириб кирдилар, халқ қуроллана бошлади. Бутун тун бўйи шаҳар тўла ёритилган, кўчада патруллар юришарди, улар қуролланган фуқаролардан тузилган эди.

Қурол омборларини эгаллаб олган парижликлар Бастилияни штурм қилишга тайёрланардилар. Барча табақалар қирол зулмининг рамзи бўлган Бастилияга нафрат билан қарашарди.

1789 йил 14 июлда қуролланган тўдалар қамоқхонани камал қилдилар. Гарнизонга таслим бўлишни таклиф қилишди. Аммо гарнизондагилар парламентёрларни тўп ўқлари билан кутиб олдилар. Шунда ғазабга келган халқ кўтариб қўйиладиган кўприкларнинг занжирларини узиб, қалъага бостириб кирди. Гарнизоннинг таслим бўлишига тўғри келди, қалъа коменданти Маркиз де Лонени ўзлари суд қилишди. Инқилоб биринчи кунданок оддий халқнинг ана шундай шафқатсиз террори² билан бошланди.

14 июлдан 15 июлга ўтар кечаси Людовик XVI га Бастилиянинг олинганлигини хабар қилдилар. «Ахир бу исёнк-у!», – дея хитоб қилди у. «Йўқ жаноб, бу инқилоб!», – деб жавоб беришди қиролга.

Людовик XVI қўзғолончиларга «бир томчи ҳам халқ қони тўкилмаслиги учун» ён беришга қарор қилди.

Қирол Таъсис мажлисининг қонунийлигини тан олди. Пойтахтда ҳокимият шаҳар кенгашига (Париж Коммунаси) ўтди.

Инқилоб Франциянинг янги байрогини ўрнатди. Учинчи табақанинг қизил ва кўкиш рангларига бурбонларнинг оқ ранги қўшилди. Бу уч ранг учинчи табақанинг қирол билан ярашганлигини англатарди.

¹ *Санкюлотлар* – Буюк француз инқилоби давридаги ватанпарварлар, инқилобчиларнинг номлари, калта иштон (кюлот) кийган шаҳар қашшоқларининг масхараомуз лақабидан келиб чиққан.

² *Террор* – қўрқитиш чораси.

Қирол шахсан Парижга келди ва ўз шляпасига унинг уч рангли рамзини қадаб қўйди. Унга тантанали қабул уюштиришди. Бир неча ой ичида парижликлар ўзлари ёмон кўрадиган қалъани бутунлай вайрон қилишди, ҳосил бўлган майдонда эса «Бу ерда ракс тушадилар» деган сўзлар ёзилган хотира ёдгорлиги ўрнатилди. Ҳар йили Францияда 14 июль куни француз халқининг миллий байрами сифатида нишонланади.

Ҳукмрон доираларнинг эски феодал тартиблар келтириб чиқарган зиддиятларни ўз вақтида ҳал қила олмаганлиги ёки ҳал қилишни хоҳламаганлиги шу тарзда инқилобга олиб келди. Абсолют монархия кулади.

Буюк француз инқилобининг асосий сабаблари

Феодал уклад билан ривожланаётган капитализм ўртасидаги зиддиятлар.
Табақалар ўртасидаги зиддиятлар.
Мамлакатда сарой сиёсатидан норозилик.

Буржуазия ҳокимият тепасида

Инқилоб бутун мамлакатни қамраб олди. Париждаги галаба бутун мамлакат бўйлаб инқилобнинг тарқалишига туртки бўлди. Бастилиянинг олинишидан кейин икки-уч ҳафта ичида қиролнинг эски маъмурияти чеккага чиқариб қўйилди. Йирик буржуазия Париж коммунасини ўз қўлида сақлаб турарди. Бошқа шаҳарларда ҳам худди шу аҳвол эди. Ўзига тўқ фуқаролардан Миллий гвардия тузилди. Маркиз Жильбер де Лафайет (1757–1834) унинг бошлиғи бўлди.

Лафайет йирик задагон оиласида дунёга келди. 17 ёшида у кавалерия капитани унвонига эга эди. Ҳали коллежда эканлигидаёқ у Руссо, Монтескье, Рабле асарлари билан танишган, «инеоннинг табиий ҳуқуқлари» ҳаётга татбиқ этилган жамиятни орзу қиларди. Англиянинг Шимолий Америкадаги мустамлакаларида мустақиллик учун кураш бошланганида адолат туйғуси уни мустақиллик учун курашаётганларга мойилликка ундади. Кейинроқ Лафайет шундай деб ёзади: «Менинг олдимда «Америка» сўзи айтилиши биланок уни севиб қолдим: у ўз озодлиги учун курашаётганлигини билганим захотиёқ менда унинг учун қонимни тўкиш истаги пайдо бўлди...».

Ёш зобит Лафайет ўзининг жасурлиги ва кўркмаслиги туфайли Вашингтоннинг ҳурмати, конгресснинг ишончи ва аскарларнинг муҳаббатини қозонди. У ўз пулларига унга ишониб топширилган дивизияни кийинтирди ва қуроолантирди. Унинг жасорати Францияда машҳур бўлди ва Лафайетни Вольтер «Янги Дунё қахрамони» деб атади. Парижга қайтиб келиш беқиёс тантанавор бўлди: қирол унга фельдмаршал унвонини инъом қилди (бу пайтда Лафайет 24 ёшда эди). У Америка инқилобининг тирик рамзи, миллий қахрамон бўлиб қолди.

Хавотирли кунларда Лафайет Парижда тартиб ўрнатди. Уни оқ от минган ҳолда Парижнинг барча жойларида учратиш мумкин эди.

Абсолютизмнинг қулаши билан мамлакатда тинчлик ўрнатилмади. Бутун мамлакатни деҳқонлар кўзголонлари қамраб олди. Қуроолланган деҳқонлар мажбуриятларини бажаришдан бош тортди, озиқ-овқат омборларини эгаллаб олдилар, қасрларга ўт қўйдилар.

Айниқса, июлнинг охири ва августда тўполонлар жуда кучайди. Таъсис мажлиси «имтиёزلарни йўқотиш ҳақида декрет»¹ қабул қилишига тўғри келди. Иккинчи даражали феодаал мажбуриятлар ҳеч қандай тўловсиз бекор қилинди. Асосий мажбуриятларни сотиб олишлари керак эди. Амалда деҳқонлар ўрнатилган бу тўловларни ҳеч қачон тўламаганлар.

Декретнинг биринчи қаторида шундай ёзилганди: «Таъсис мажлиси феодаал тартибларни тўлиқ бекор қилади» ва шундан кейин деҳқонлар сеньорлардан ҳеч нарсадан қарз эмасмиз, деган қарорга келдилар.

«Озодлик, Тенглик, Биродарлик!». «Барча одамлар озод ва тенг ҳуқуқли бўлиб туғиладилар», – дейилади 1789 йил 26 августда Таъсис мажлиси томонидан қабул қилинган «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси»да. Ҳокимиятнинг ягона манбаи халқ деб эълон қилинди. Феодаал ва табақа имтиёзлари бекор қилинди. Декларация сўз, матбуот, қонун қабул қилишда иштирок этиш эркинликларини ҳамда хусусий мулк ҳуқуқининг «бузилмас ва муқаддас»лигини эълон қилди.

Декларация Францияда ҳуқуқий давлат қурилишига асос солди. Мажлисида депутатлар ўз қарорларига кўра иккига бўлиндилар. Келишув ва тартиб тарафдорлари ўнгда ўтирдилар – уларни «ўнглар» деб атадилар. Чап томонда ўзгаришлар тарафдорлари – «сўллар»

¹ Декрет – қонун.

ўтирдилар. Ўшандан буён «ўнглар» ва «сўллар» терминлари ана шундай маънода қўлланилади.

Бироқ бу пайт Парижда очлик ҳукмрон эди. Нон қимматлашар ва етишмасди. Нон дўкончаларида навбат катта, баъзан муштлашувлар бўлиб турарди. Ишсизлар сони ошиб борарди, ёпилган мануфактураларнинг ишчилари, Париждан кетиб қолган аристократларнинг хизматкорлари, ишсизлар қаторини тўлдирарди. Навбатларда туришдан ҳаммадан кўп азият чеккан аёллар орасида қиролни Парижга қайтариш учун Версалга юриш қилиш гоёси пайдо бўлди. Бунинг устига Людовик XVI қочмоқчи эмиш, деган гап тарқалди. «Сахий қирол»га болаларча ишониш Людовик Парижга қайтса, озик-овқатлар ҳам пайдо бўлади, деган умид туғдирарди.

5 октябрь куни эрталаб аёлларнинг катта тўдалари бутун тун бўйи дўконлар олдида бекорга навбатда тураверишдан ғазаби жунбишга келиб, Ратушани «Нон беринг! Версалга!» деган қичкириқлари билан ўраб олишди. Ноғоралар чалинди. Тушга яқин асосан аёллардан иборат бўлган 6–7 минг кишилик оломон милтиқ, найза, тўшпонча ва, ҳатто, иккита тўп билан қуролланиб, Версал йўлига тушишди. Уларнинг изидан Коммуна Кенгашининг буйруғи билан Лафайет бошчилигидаги Миллий гвардия ҳам Версалга қараб юрди. Унинг вазифаси қиролни ҳимоя қилиш эди. Кундуз соат 16.00 га яқин оломон «Яшасин қирол!» деган қичкириқ билан Версалга кирди. Людовик XVI аёллар делегациясини қабул қилди ва нон таъминотини яхшилашга ваъда берди. Унинг пойтахтга қайтиб келишига тўғри келди, Таъсис мажлиси ҳам ўша ёққа кўчиб ўтди. Шу воқеалардан кейин зодагонларнинг чет элларга қочиб кетишлари кўпайди.

Қиролнинг қочиши. Таъсис мажлисидаги овозларнинг кўпчилиги бой буржуазияга тегишли эди. Улар Оттон епископи Ш. Талейран ишлаб чиққан ҳужжат асосида черков ерларини «миллий мулк» деб эълон қилишди ва сотувга қўйишди. Иш ташлашларни тақиқлаш ҳақида қарор қабул қилинди, қиролнинг ҳуқуқлари чекланди.

Кўпгина зодагонлар чет элларга «оқ байроқни асраб қолиш» учун (Бурбонларнинг байроғи) қочишди, шунинг учун эмиграцияни «оқ эмиграция» деб атадилар. Улар қирол ўзларига қўшилади, деб умид қиларди. 1791 йил 20 июнда у оиласи билан хизматкор кийимини кийиб олиб, саройни яширин тарк этади. Бегона ҳужжатлар

билан қирол оиласи фойтунда шарқий чегаралар томон йўл оладилар. Лекин икки кундан кейин монархии таниб қолдилар ва ушлаб Парижга жўнатдилар.

1791 йилги Конституция. Қонун чиқарувчи мажлис. Инқилобий урушларнинг бошланиши. 1791 йилнинг сентябрида Кенгаш Франция тарихида биринчи марта Конституция қабул қилди. 25 ёшга етган 4,3 миллион эркаклар сайлаш ҳуқуқига эга бўлдилар. Овоз ҳуқуқи камбағалларга берилмади. Бож солиғи бекор қилинди, цех тизми, провинцияларга (мамлакатни 83 департаментга бўлгандилар) бўлишлар ҳам бекор қилинди. Феодал мажбуриятларни бекор қилиш масаласи ҳал қилинди. Конституцияни қабул қилган Таъсис мажлиси тарқалди.

1791 йилнинг 1 октябрида янги қонун чиқарувчи мажлис ўз ишини бошлади. Унда Жиронда департаментидан депутатлар кўп эди – уларни «Жирондачилар» деб аташди ва улар аввалги Кенгаш раҳбарларидан кўра қатъийроқ эдилар. Жирондачилар ўз таъсири-ни мустақкамлашни истар ва бу ишда уларга Франция инқилоби душманларига қарши ғолибона уруш ёрдам бериши мумкин, деб ҳисобларди.

1792 йил 20 апрелда қирол ва Қонун чиқарувчи Мажлис Австрияга уруш эълон қилди. Бироқ фронтда французларни муваффақиятсизликлар кутарди. Француз кўшинлари Бельгия худудига кирди, бунга жавобан австрияликлар ва прусслар Францияга бостириб кирдилар ҳамда бир неча қалъаларни эгалладилар. Франция душманларига Англия ҳам қўшилди.

Парижликлар орасида қиролнинг қатъиятсизлигидан норозилик ошиб борарди. 1792 йил 20 июнда халқ тўдаси Тюильри қасрига ёпирилиб кирди. Людовик XVI қизил фригий (чўққили) қалпоғини кийди ва деразага яқинлашди. У нима учун бундай қилди? Қизил қалпоқни Қадимги Римда озод қилинган кулнинг бошига кийдиринган ва қирол бу билан халққа озодлик бериш тарафдори эканлигини кўрсатмоқчи эди.

1792 йилнинг июлида Қонун чиқарувчи Мажлис халққа «Ватан хавф остида» чақириги билан мурожаат қилди.

Халқ ўз бошидан кечираётган ватанпарварлик ҳисси машҳур «Марсельеза»да («Марселликлар мадҳияси») ўз ифодасини топди. Унинг сўзи ва мусикасини ҳарбий муҳандис, шоир ва композитор Клод Жозеф Руже де Лиль (1760–1836) ёзган. «Олға, Фран-

ция! Гўзал юрт ўғлонлари, шуҳрат онлари келди!», деб куйларди бутун Франция. Парижга эса бу сўзларни Марсель батальонининг кўнгиллилари олиб келди.

1792 йил 10 августдаги қўзғолон. Монархиянинг ағдарилиши.

Оғир ҳарбий аҳвол халқда қирол ва бойлар томонидан сотқинлик қилинганлиги ҳақида фикри тугдирди. 10 августда Миллий гвардия ва кўнгиллилар батальонлари йиғила бошлади. 20 мингга яқин кўнгиллилар қирол саройини қуршаб олдилар. Қирол оиласи билан Тюильрини тарк этди ва Қопун чиқарувчи мажлис биносида яширинди. Мажлислар залига кирибоқ Людовик XVI: «Мен бу ерга оғир жиноят – инқилоб рўй берилмаслиги учун келдим ва мен ҳамма вақт миллат вакиллари орасида ўзимни ва оиламни хавфсизликда деб ҳисоблайман», – деди.

Бу пайтда эса саройни штурм қилиш давом этарди. Жанг қисқа, лекин қонли бўлди. Ғалаба қилган халқ вакиллари, Миллий кенгашни қиролни ҳокимиятдан маҳрум қилиш ва янги олий ҳукумат органи – Миллий конвент (кенгаш) чақириш ҳақида қарор қабул қилишга мажбур қилди. Людовик XVI қўлга олинди ва Темпль камоқхонасига жойлаштирилди.

Монархия ағдариб ташланди ва инқилобнинг янги даври бошланди.

Ҳокимиятдагилар Конституцияни қайта кўриб чиқиши лозим бўлган Конвентга сайлов тайинладилар. Париж кўчаларида эса халқ қиролнинг бюст ва ҳайкалларини ағдариб ташлади.

Кўпгина монархистик газеталар ёпиб қўйилди, собиқ вазирлар камоққа олинди. Мулкий ценз бекор қилинди ва 21 ёшга тўлган барча эркакларга сайлаш ҳуқуқи берилди. Кенгаш француз мустамлакаларининг Франция Қонун чиқарувчи органида вакиллик ҳуқуқини тан олди.

Якобинчиларнинг инқилобий клуби. Инқилоб пайтида партиялар ўрнини босган сиёсий клублар мамлакатда пайдо бўлди. Уларнинг орасида Якобинчилар клуби муҳим ўрин тутарди. Унинг аъзолари ўз мажлисларини Муқаддас Яков (Якоб) монастирининг кутубхонасида ўтказарди ва шунинг учун уларни якобинчилар деб аташарди.

Улар асосан буржуа табақасининг вакиллари эдилар, чунки юксак аъзолик бадаллари унга оддий одамлар учун киришнинг йўлини ёпиб қўйганди.

Клубда Максимилен Робеспьер (1753–1794) катта таъсир кучига эга эди. У адвокатлар оиласидан чиққан бўлиб, ўз ватанида, Аррасе шаҳрида адвокатлик иши билан шуғулланарди. Бу иш унга бойлик келтирмади, аммо Робеспьер ўз камбағаллиги билан ғурурланарди. У ўзи меҳнат қиладиган барча одамларни камбағал ҳисобларди. Робеспьер одамнинг келиб чиқиши ва пуллари инсон ҳуқуқлари учун ўлчов бўла олмайди, деб ҳисобларди.

Клуб аъзолари орасида, шунингдек, Жан Поль Марат (1743–1793) ва Жорж Дантон (1759–1794) ҳам ажралиб турардилар. Марат Париждаги санкюлотлар орасида жуда машҳур эди. Маълумоти бўйича врач бўлган Марат ўзини инқилобга бағишлади. Мамлакатдаги аристократия ва феодал тартибларни танқид қилар экан, шу билан бирга у: «жамиятни адвокат ҳам, судья ҳам бўлган диктатор бошқариши керак», – дерди. Диктаторга ҳокимият вақтинча берилиши керак. Парламентдаги баҳсларни у йўқотилган вақт дер ва халқ ўз душманларини шунчаки кириб ташлаши керак, деб ҳисобларди. Парижда «Халқ дўсти» газетасини нашр этаётгани унга катта шуҳрат келтирди. Уни ана шундай, Халқ Дўсти деб атай бошладилар. Марат одамлар қобилияти, меҳнатга муносабати, фаоллиги, кучи жихатидан ҳар хил бўлиб туғилдилар деб ҳисоблаб, мулкый тенглик ғоясини тан олмас эди.

Мудофаанинг ташкил қилиниши. Вальми яқинидаги галаба. Франциядан австрияликлар ва прусслар кўшинларини кувиб чиқариш лозим эди. Кўнгиллиларнинг оммавий сафарбарлиги эълон қилинди. Ҳамма ерда «Фуқаролар, қуролинг!», – деган чақирик жарангларди. Якобинчи Дантон: «Халққа у ўзининг бутун кудрати билан душманга ташланиши кераклигини айтиш вақти келди... Душманни енгиш учун бизга жасурлик ва яна жасурлик керак», – дейди. 1792 йили 20 сентябрда Вальми қишлоғи яқинидаги жангда француз кўшинлари прусс армияси ҳужумларини қайтарди, у чекинишга мажбур бўлди. Бу мамлакатни босқинчилардан озод қилишнинг бошланиши эди.

Республиканинг эълон қилиниши. Конвентга 750 нафар депутат сайланди ва 1792 йил 21 сентябрда ўз ишини бошлади. «Ўнлар» – жирондачилар Конвентнинг пастки ўриндиқларида ўтирдилар. «Сўллар» – якобинчилар юқоридаги ўриндиқларни эгалладилар ва уларни «Тоғ» деб аташди. Бироқ депутатларнинг аксарияти, 500 га яқини «ўнлар»га ҳам «сўллар»га ҳам тегишли эмасди. Улар-

ни масхара қилишиб «текислик» ёки «ботқоқлик» деб, депутатларнинг ўзларини эса «ботқоқлик бақалари» деб атадилар.

Конвентда якобинчилар билан жирондистлар ўртасида қизғин кураш кетарди. Якобинчилар қиролни дарҳол суд ва қатл қилишни, республика эълон қилинишини, қишлоқда феодал қарамликни тугатишни, чет эл босқинчилари билан курашишни талаб қилардилар, Париж санкюлотлари таъсири остида улар ноннинг эркин савдосини бекор қилиш зарурлиги ҳақида ҳам айтдилар.

Жирондачилар эса инқилоб тугади деб ҳисоблардилар. Улар Франциянинг республика деб эълон қилинишига рози эдилар, лекин қиролни қатл этишга кўнмасдилар. Савдо эркинлигини ёқласалар ҳам жирондачилар нонга қатъий нарх қўйишга қарши эдилар.

Барча баҳсларга қарамасдан, Конвент депутатлари бир овоздан иккита декретни қабул қилдилар: хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва республиканинг ўрнатилиши.

Людовик XVI нинг қатл этилиши. Париж Коммунасининг на-
мояндалари орасида қиролни суд қилиш ва қатл этиш тарафдорла-
ри кўпроқ эди. Конвент аъзоларини ўта шафқатсизликдан сақлаб
қолишга америкалик гуманист ва мустақиллик учун уруш иштирок-
чиси Томас Пейн¹ уриниб кўрди. Парижда халқ тўпланиб, «Капет-
ни гильотинага!»² деб митингларда қичқираётган бир пайтда Пейн
Конвентда сўзга чиқиб, «Менинг монархиядан нафратланишим ва
жирканишим кўпчиликка маълум... Бироқ бошига кулфат тушиб
қолган одамга у хоҳ дўст бўлсин, хоҳ душман, менинг ачинишим
ҳам шундай жонли ва чин дилдандир...» деди. Пейн ўлим жазосини,
монархия тузумининг бу шафқатсиз қолдигини бекор қилишни так-
лиф этди. У Конвент кимни бўлмасин, ўлдиришга ҳаққи йўқлигини
айтиб ўтди. Пейннинг сўзлари чин дилдан ва ишонарли эди. Аммо
кўпчилик овоз билан Людовик XVI га ўлим жазоси белгиланди
(овоз бериш очик ва номма-ном бўлди). 1793 йилнинг январида
Людовик XVI қатл қилинди.

Бу воқеаларни француз тарихчиси Жан Жорес мана бундай тас-
вирлайди: «Париж хотиржам ва бирмунча қайғули эди. Одамлар
унча кўп тўпланмади, ҳаракат катта эмасди... Эшафот Миллий гвар-

¹ Томас Пейн (1737–1809) – инглиз-америка ёзувчиси, файласуф, публицист, АКШнинг «оталари»дан бири.

² Гильотина – бошни кесадиган машина. Францияда 1792 йили врач Ж. Гильотен так-
лифи билан жорий қилинган.

диянинг бир неча батальони билан қуршаб олинганди. Халқ занжирларнинг ортида турарди... Людовик чакмонини ва ёқасини ўзи ечди... Бирдан у эшафотнинг чап томонига юрди ва қип-қизариб кетиб, халққа қараб гапира бошлади... «Мен бегуноҳ ўлаяшман, – деди у қаттиқ ва аниқ овозда, – мен ўз душманларимни кечираман ва истайманки, менинг қоним французлар фойдасига тўкилсин ва худонинг ғазабини тинчлантирсин...».

Бирок... ноғоралар гумбурлади ва унинг сўзларини босиб кетди. Соат 10 дан 10 дақиқа ўтганда унинг боши узилди. Қиролнинг жа-садини Мадлен қабристонига олиб боришди ва сўндирилмаган оҳак қатламига кўмишди».

Қиролни қатл қилганлар монархия билан республика ўртасида абадий девор ўрнатишни ўйлагандилар. Лекин қироллар ҳали қайтиб келади. Қатл эса Людовик Капетга ачиниш ҳиссини туғдирди.

Инқилоб шундай ривожланди. Франция республика деб эълон қилинди. Феодал табақавий тенгсизлик бекор қилинди. Мамлакат шиори «Эркинлик, Тенглик, Биродарлик!» бўлиб қолди.

Якобинчилар диктатурасининг туғилиши ва ҳалокати

Республика хавф остида. Людовик XVI нинг қатл қилиниши Англия ва Испанияни Францияга қарши урушга чорлади. 1793 йили баҳорда Австрия армияси ҳужумга ўтди. Француз қўшинлари мағлубиятларга учрай бошлади. Якобинчилар ва оддий халқ бунда жирондачиларни айблардилар.

Уруш, солиқларнинг ошиши, хўжалик алоқаларининг бузилиши французларнинг аҳволини ёмонлаштирди. Якобинчилар нархларни чеклаш ҳақидаги талаблари билан оддий халқнинг ихлосини қозонганди.

Жирондачилар судсиз жазолашларни тўхтатишга уриндилар. Улар, ҳатто Маратни ва яна бир ашаддий якобинчи – Жак Эберни (1757–1794) қамокқа олишга қарор қилдилар. Уларнинг ҳар иккаласи нафрат оловини ёқишарди.

Эбер халқ учун чиқариладиган «Le pure Ducheshe» («Отахон Дюшен») газетасининг муҳаррири эди. Газетанинг ҳар бир сонисида Эбер жирондачиларни фoш қилар ва қатл қилишга чақирарди.

Норозилик тўлқинлари ичра жирондачилардан «кутурган» деган номни олган ташвиқотчилар гуруҳи ҳам кўриниб қолди. Уларнинг

рахномаси руҳоний Жак Ру эди. «Қизил руҳоний» (Руни шундай ата-шарди) чайқовчилик учун ўлим жазоси қўлланишини талаб қилди. «Кутурганлар»нинг орзуси – ҳар бир киши ўз даласи, дўкони, устахонасига эга бўлган майда ҳунармандлар жамияти эди.

Айни шу найт Франциянинг жанубида аксилинкилобий исёнлар авж олди. Исёнчиларнинг асосий қисмини ерларни шаҳар буржуазияси сотиб олаётганидан норози бўлган деҳқонлар ташкил қиларди. Бунинг устига, деҳқонлар художўй эдилар ва худонинг ердаги сояси бўлган қиролнинг қатл қилинишини жиноят деб ҳисоблашарди. Қўзғолонлар айниқса, Нормандия ва Вандейда қучли бўлди. Саводсиз ва мутаассиб бўлган халқ ўз газабини шаҳар аҳолисига қаратди. Паншаха, найза, қилич, милтиқлар билан қуролланиб олиб, шаҳарларга ёпирилиб киришар ва Миллий гвардияни тумтарақай қилар, бой шаҳарликларнинг уйларини талар, амалдорларни ўлдиришарди.

1793 йил 31 май – 2 июнь қўзғолони. Парижда «кутурганлар» ва яacobинчиларнинг фаоллари Конвентга петиция туздилар, унда шундай дейилганди: «Барча шубҳалилар қўлга олиниши керак... Биз ҳар бир шаҳарда инқилобий қўшин тузилишини талаб қиламиз... Халқни очликдаи қирмоқчи бўлаётганларнинг даҳшатли фитналари мавжуд...».

2 июнга ўтар кечаси Миллий гвардия Конвентни ўраб олди. Тўпларнинг огзи бинога қаратилган эди. Ўққа тутилиш хавфи остида Конвент ўз таркибидан жирондачиларни ҳайдаш ҳақида қарор қабул қилди. Уларнинг бир қисми қамоққа олинди.

Францияда ҳокимият яacobинчиларга ва уларнинг доҳийлари – Робеспьер, Марат, Дантонларга ўтди.

Яacobинчилар диктатурасининг ўрнатилиши. Яacobинчилар инқилобий бошқарув эълон қилдилар. Унинг мақсади қандай қилиб бўлмасин инқилобни сақлаб қолиш эди. Бунинг учун улар инқилобий террор (инқилобий диктатуранинг фавқулодда кўриниши) ўрнагдилар.

Конвент олий қонун чиқарувчи орган бўлиб қолаверди. Унга 11 кишидан иборат ҳукумат – Робеспьер бошчилигидаги жамоат қутқарув қўмитаси бўйсунар эди.

Фавқулодда судлар – инқилобий трибуналлар янги куч билан ишлай бошлашди. Янги ҳукуматнинг аҳволи оғир эди. 83 департаментдан 60 тасини исёнлар камраб олганди.

1793 йилнинг ёзида ёш зодагон аёл Шарлотта Корде Маратни ўлдирди. Судда, нима учун ўлдирганлиги ҳақидаги саволга Шарлотта: «Мен юз минглаб бошқаларни сақлаб қолиш учун бир одамни ўлдирдим, бегуноҳларни сақлаб қолиш ва ўз Ватанимга дам бериш учун мен ярамасни, қутурган ёввойи ҳайвонни ўлдирдим», – дейди. Уни ўлимга ҳукм этдилар.

Якобинчиларнинг энг муҳим тадбирлари. 1793 йилда Конвент Францияни республика деб эълон қилувчи ва кенг демократик эркинликлар берувчи янги Конституцияни қабул қилишига қарамай, мамлакатда фавқулодда ҳолат ҳукм сурарди. Бироқ энг муҳими – Конвент феодал карамлик ва тўловларнинг барчасини бекор қилиш ҳақидаги машҳур Декретни қабул қилди. Дехқонлар ўз ерларининг озод эгалари бўлиб қолдилар. Уч ойлик муҳлат ичида собиқ сеньорларнинг феодал ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар ёқиб юборилиши шарт эди. Уларни гулханга отганларида дехқонлар «Марсельеза»ни куйлашар ва «Яшасин, республика!», «Яшасин, Тоғ!» деб қичқирардилар. Бу Декрет француз инқилобининг аграр қонунчилиқ соҳасидаги чўккиси бўлди.

Чет элларга кетиб қолганларнинг ерлари майда бўлақларга бўлиниб, сотиб юборилди. Дехқонлар энди тўловни 10 йилга кечиктирган ҳолда ўзларига шахсий ер майдони сотиб олишлари мумкин эди.

Қишлоқ жамоасининг махсус Декрети билан дехқонларга помещик сеньорлар инқилоб арафасида тортиб олган ерларини қайтариб берди. Янги ҳокимиятга қишлоқдаги эски тартибни йўқ қилиш учун ҳаммаси бўлиб икки ой кифоя эди. Лекин барибир ҳамма дехқонлар ҳам ер олишган эмас. Кўпгина оилалар шунчалар қашшоқ эдиларки, ер олишнинг мутлақо иложи йўқ эди.

Санкюлотларнинг таъсири остида якобинчилар биринчи зарурат буюмларига қатъий нархлар ўрнатди. Париж атрофи тантанга қиларди. Полиция назоратчиси шундай ахборот беради: «Бутун санкюлот халқи савдогарлик ва хасисликка тўсиқ қўйилганидан жуда миннатдор». Бироқ қатъий нархлар қўйилган заҳотиёқ дўконларнинг пештоқлари бўм-бўш бўлиб қолди. Савдогарлар ўз молларини яширинча ва уч баробар қимматга сота бошладилар. Ҳаёт учун энг керакли маҳсулотларни энди фақат «қора бозор»дангина олиш мумкин эди. Бунинг орқасидан ойлик маошнинг энг кўп миқдорини ўрнатувчи Декрет қабул қилинди. Бунга

жавобан ишчиларнинг иш ташлашлари бошланди, уларни якобинчилар қатъийлик билан бостиришди. Ҳали ҳам 1791 йилги ишчи ташкилотлари ва бирлашмаларини тақиқловчи қонун ўз кучида эди.

Фронтларда ва ичкарида аҳвол кескинлашган сари санкюлотлар сафида қатъий террор ўрнатиш гоёси мустаҳкамлана борди. 1793 йил 17 сентябрда Конвент шубхали кишилар ҳақида қонун қабул қилди. У барча «шубхалилар»ни то тинчлик ўрнатилгунча қамокқа олиш ва саклашни кўзда тутарди. Ўзининг қирол тарафдори эканлигини сездиришган, Конвент комиссарлиги лавозимидан олиб ташлашган, чет элга кетганларнинг қариндошлари ана шундай ҳисобланарди.

Конвентда қолган 73 та жирондачилар қамокқа олинди. 9 октябрь куни биринчи депутат қатл этилди. Қамокқа олинган жирондачилардан бири суд ҳукмидан кейин: «Халқ ухлаб ётгани учун бизлар ўлаяпмиз, сизлар эса у уйғонгани учун ўласизлар!», — дея хитоб қилади. Қатл пайтида ҳукм қилинганлар «Марсельеза»ни куйлашарди.

Жойлардаги инқилобий кўмиталар бу қонунни бажаришга жонжаҳдлари билан киришдилар. Қамокхоналар «шубхалилар» билан тўлиб кетди. Шов-шувли сиёсий жараёнлар бирин-кетин бўлиб турарди. 14 октябрда собиқ қироличани суд қилишди, 16 октябрда эса Мария Антуанетта қатл қилинди. Кейин жирондачиларнинг раҳбарларини қатл этишди. Гильотинани шарафловчи мақолалар чоп этилди.

Жамоат қутқаруви кўмитасининг раҳбари Робеспьер инқилобни қўллаб-қувватламаганларнинг ҳаммасини душманлар сафига кўшарди ва уларнинг ўлдирилишини оқларди. Ўзини эса, Робеспьер, ким «соф» фуқаро, ким эса йўқ эканлигини ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлган судья деб ҳисобларди.

Конвентнинг вакиллари бўлган комиссарлар Франция шаҳарларида «тартиб ўрнатишарди».

Оммавий инқилобий армиянинг тузилиши. Конвент армияни мустаҳкамлади. У армияда интизомни мустаҳкамлаш ва исёнчилар билан курашиш учун комиссарларни жўнатди. Кўпгина аскарлар юпун кийинган ва ялангоёқ эдилар. Шундай факт маълумки, депутат Сен-Жюст Страсбург шаҳри аслзодаларидан 10 минг жуфт этикни мусодара қилишни ва уларни армияга жўнатишни буюрган.

Кўпчилиги дехқонлар бўлган республика аскарлари фақат душманнинг тор-мор этилишигина уларнинг феодал қарамликдан озод этилганлигини мустаҳкамлаши мумкинлигини тушунишарди. «Ғалаба ёки ўлим!» уларнинг шиори бўлиб қолди.

1794 йилнинг бошларида уруш душман худудларига ўтказилди. Марсель олинди. Инглизлар босиб олган Тулонни камал қилиш бошланди. Ёш артиллерия капитани Наполеон Бонапарт душманга кучли артиллерия зарбасини берди ва республика армиясига шаҳарни олишда ёрдамлашди. Вандейдаги кўзғолон ҳам бостирилди.

Нихоят, 9 октябрда исёнчилар узоқ вақт хўжайинлик қилган Франциянинг катталиги жиҳатдан иккинчи шаҳри Лион олинди. Бироқ Лиондаги ўч олишлар Конвентга обрў келтирмади. Конвентнинг бу ҳақда қабул қилган қароридан шундай дейилганди: «...3. Лион шаҳри вайрон қилинади, бойларнинг барча тураржойлари бузилади, фақат камбағалларнинг уйларигина қолади... 4. «Лион» номи республика шаҳарлари рўйхатидан ўчирилади. 5. Омон қолган уйларнинг умумий номи бундан буён «Озод қилинган коммуна» деб аталади. 6. Лион вайронлари устида бу шаҳарда роялистларнинг жиноятлари ва жазоларидан авлодларга ҳикоя қилиб берувчи минора ўрнатилади ва унда : «Лион озодликка қарши курашди – Лион энди йўқ» дея ёзиб қўйилади».

Яхшиси камбағалларни яхши уйларга кўчириб ўтказиш кераклиги уларнинг хаёлига ҳам келмади.

Шаҳарни суд қилишга юборилган Кутон (у майиб эди) ўзини майдондаги бинолардан бирига олиб боришни буюрди, уни болға билан уриб, деди: «Сени қонун жазолайди». Бинолар бузилмай қолди, Кутон ўз номини булғашни истамади ва ишчи кучи етишмаслигини баҳона қилди. Террор тарафдорлари ғазабландилар ва Кутонни чақириб олиб, Лионга бошқа яacobинчиларни жўнатди. Шаҳарни варварларча ва маъносиз бузиш бошланди. Энг яхши биноларни миналаштирдилар ва портлатдилар. Аксилинқилобчиларни эса қамоқлардан шаҳар ташқарисига олиб чиқдилар ва отиб ташладилар. Инқилобчиларнинг шафқатсизлиги чегарасиз, аёвсиз ва маъносиз эди.

Дехристианлаштириш. Янги тақвим. 1793 йилнинг октябрида Конвент «Инқилобий тақвим»ни киритди./«Жаҳолат ва ёлғон билан булганган» йил ҳисоби республика йили ҳисоби билан алмаштирилди. Янги даврнинг бошланиши, деб 1792 йилнинг 22

сентябри (республика ўрнатилган биринчи кун) эълон қилинди. Ой учта декадага бўлинди, ойлар кишлоқ хўжалик ишлари ва об-ҳаво шароитига қараб ном олди (мессидор – ҳосил ўриш ойи, мивоз – қор ойи ва ҳоказо). Францияда инқилобий йил ҳисоби 12 йил давом этди.

1793 йилнинг октябрида ҳукумат черков ҳудудидан ташқарида барча диний маросимларни тақиқлади, мотам маросимларига дунёвий тус берди. Қабристонларнинг кираверишига «Ўлим бу – абдий уйқу» деган ёзув қўйилиши буюрилди. Кейин Конвент ҳар бир алоҳида коммуна католик маросимларга риоя қилишдан воз кечиш ҳуқуқига эгаллиги ҳақида қарор чиқарди. Шу пайтдан бошлаб дехристианлаштириш жараёни тезлашиб кетди.

1793 йилнинг ноябрида Париждаги барча динларнинг черков ва ибодатхоналарини ёпиш ҳақида Париж Коммунаси қонун чиқарди. Ҳукумат руҳонийларга маош тўлашни тўхтатди. Черков амалда давлатдан ажратилган эди.

Энди бир йилда бешта байрам мавжуд бўлиб, булар Даҳо куни, Меҳнат, Ҳаракат, Муқофотлаш ва Фикр, кабиса йилида эса яна бир байрам – Инқилоб куни мавжуд эди.

Республикада Онгга сиғиниш кенг тарқалди, бироқ тезда уни Озодлик жафокашларига сажда қилиш билан алмаштирдилар. Ибодатхонадаги файласуфларнинг бюстлари ўрнига аксилнқилобчилар қўлида ҳалок бўлган инқилоб арбобларининг бюстлари ўрнагилди.

Якобинчилар ўртасидаги ажралиш. Якобинчилар атрофида аҳолининг турли қатламлари жипслашдилар. Бу иттифок ташқи душманларга ва ички исёнларга қарши биргаликда кураш зарурати туфайли сақланиб турарди. Фронтдаги ғалабалардан ва исёнлар бостирилгандан кейин аксилнқилобий хавф камайди ва дарҳол якобинчилар ўртасида келишмовчиликлар бошланиб кетди. Халқнинг куйи табақалари ислохотни янада чуқурлаштиришни талаб қиларди. Буржуазияга, ҳатто инқилобий буржуазияга ҳам бунинг кераги йўқ эди.

Энди якобинчилар «санкюлот демократияси»ни бостира бошладилар. «Кутурганлар» биринчи қурбон бўлди. 1793 йил 5 сентябрда Жак Ру якобинчилар клубига келиб, хусусий мулкка қарши навбатдаги нутқи билан чиқди ва «талончилик»ка чақираётган «шубҳали» шахс сифатида қамокқа олинди. Иш инқилобий трибуналга берилди. Қамокхонада Ру ўзини ўзи ўлдирди.

1794 йилга келиб Конвентга «бойлар синфи»нинг зулмини тугатиш талаблари қўйилган жуда кўп халқ петициялари келиб турди.

Судья Клемансо шундай деб ёзади: «Менинг принципим – саройларга уруш, капаларга тинчлик, барча ҳақиқий санкюлотларни ерга эгалик қилиш, демакки, барча собиқ зодагонларнинг ерларини бўлиб беришдир». Клемансо «эмигрантларнинг барча ерларини кичик фермаларга бўлишни» ва «ҳар бир республикачи учун ана шундай кичик фермаларнинг биттасидан зиёд ерга мулкдор ёки ижарачи бўлишни» тақиқлашни маслаҳат берганди.

Бошқа бир петицияда бундай ёзилганди: «... ҳеч ким ўта бой ҳам, ўта камбағал ҳам бўлмаслиги, ҳамма-ҳамма нарсага етарлича эга бўлиши керак».

Бу ғояларни Париж Коммунаси кенгашида ва инқилобий клубларда «ўта» якобинчилар – Эбер ва Шоммет ташвиқот қиларди. 1794 йилнинг мартада улар ва кўпгина уларнинг тарафдорлари камокка олинди. Суд уларни француз халқининг эркинлигига қарши фитна уюштиришда, монархияни қайта тиклашга уринишда айбдор деб топди ва ўлим жазосига ҳукм қилди.

«Ашаддий» якобинчилар қатл қилингандан ва Париж Коммунаси заифлашгандан кейин, Робеспьер бошчилигидаги жамият қутқарув кўмитаси Конвентда лидери Дантон бўлган «ювошлар» ёки «шафқатлилар» деб аталмиш гуруҳнинг таъсири ошиб кетишдан хавотирда эди. Дантон қобилиятли юрист ва ажойиб нотик эди. У жуда кўп вақт мамлакатда конституцион монархияни сақлаб қолиш керак, деган фикрда эди, лекин аста-секин бу қарашлардан йироқлашди, якобинчиларга яқинлашди ва 1792 йил 10 августдаги кўзғолонни маъқуллади.

Ички сиёсат соҳасида Дантон ўзаро кураш олиб бораётган партияларнинг келишиш тарафдори эди. У барча партиялардаги яхши ниятли кишиларнинг иттифоқини тузиш йўли билан келишмовчиликларни тугатиш ва кучли ҳукмрон партия тузиш лозим деб ҳисобларди. У пулнинг, олтиннинг кучига ишонар ва инқилоб йилларида ўзига катта бойлик тўплаган эди. Озодлик ва мулк унинг идеаллари эди.

1793 йилнинг кузидан бошлаб Дантон ва унинг тарафдорлари инқилобий диктатурани тўхтатишни, Конституцион тартибга қайтишни, террор сиёсатидан воз кечишни ва шу кабиларни талаб

қила бошладилар. Амалда бу демократия ўрнатишга, ҳуқуқий давлат тузишга интилиш эди.

Робеспьер ва унинг атрофидагилар «шафқатлилар»ни тугатишга қарор қилдилар. 30 мартга ўтар кечаси хавотирли хабар тарқалди. Эрталаб Дантон ва унинг тарафдорлари қамокқа олинганлиги маълум бўлди.

Қамокхонада Дантон афсусланиб қамокдагиларга деди: «Жаноблар! Мен тез орада сизнинг ҳаммангизни бу ердан озод қиламан деб умид боғлагандим, бироқ мана мен ўзим ҳам шу ердан ва бунинг бари нима билан тугаши номаълум».

Суд жараёнида Дантоннинг овози ҳамманикини босиб кетарди. Унинг нутқи самимийлиги билан барчани ларзага соларди. Суд ташкилотчилари шошардилар. Ҳатто қамокқа олингандан сўнг ҳам Дантон хавфли эди. Ҳукмда шу куниёқ қатл қилинсин дейилганди. Қатл пайтида Дантон ўзини мағрур тутди, сафдошларини тинчлантирди. Унинг сўнгги сўзлари жаллодга қаратилган эди: «Сен менинг бошимни халққа кўрсат, у шунга муносиб».

Бу қатллар яacobинчилар диктатураси тарихидаги сўнгги, фожиали даврни очиб берди.

«Халқсиз яacobинчи» – Робеспьер фожиаси. Яacobинчилар диктатураси халқнинг қувватлашидан тобора айрилиб борарди. «Ўта» яacobинчиларнинг қатл қилиниши халқнинг паст табақасини улардан узоқлаштирди, «шафқатлилар»нинг ўлдирилиши эса юмшоқроқ сиёсат позициясида турган буржуазияни хушёр торттирди ва яacobинчилардан узоқлаштирди.

Робеспьерчиларга қарши «янги бойлар» (инқилоб пайтида пайдо бўлган, аввал аристократларга ва черковга қарашли бўлган ерларни сотиб олган, савдогарликдан ва армияни таъминлашдан бойиб кетган буржуазия) чиқдилар. Авваллари химояга муҳтожлиги учун «янги бойлар» Робеспьер ва унинг тарафдорларига бўлган муносабатларини яшириб келишарди. 1794 йилги ҳарбий ғалабалар уларнинг аҳволини мустаҳкамлади. Улар орасида Робеспьернинг ёвузлиги ҳақида тез-тез гапирила бошланди.

Ер олган деҳқонлар инқилоб якунланди деб ҳисоблар, ер ололмаганларининг эса яacobинчилардан ҳафсаласи пир бўлганди. Санкюлотлар энг юқори ойлик маош ҳақидаги қонундан норози эдилар. Ниҳоят, яacobинчилар террорининг даҳшатларидан ҳамма чарчади.

Сиёсий курашда Робеспьер қонли усуллардан фойдаланди. Ўз душманларини йўқотар экан, у ўз шахсий ҳалокатини тайёрлади. Халқ республикани ёмон кўриб қолди. Унинг барча душманлари битта иттифоққа бирлашдилар.

9-термидор тўнтариши. Конвентда Робеспьер ва унинг тарафдорларига қарши фитна етилиб борарди. 1794 йил 27 июлда (инқилобий тақвим бўйича республиканинг 11-йили термидор ойининг 9-куни) Робеспьер Конвентда нутқ сўзламоқчи бўлганида, уни гапиртирмадилар. Конвент «янги золимлар»га бундан буён тоқат қилишни истамайди, деб қичқирдилар. Гулдурос қарсақлар остида Робеспьерга қарши айблов декрети қабул қилинди ва у қамоққа олинди.

Конвентдаги воқеалардан хабар топган Коммуна раҳбарлари Париждаги маҳаллаларда кўзголон ташкил қилишга уриниб кўрдилар. Лекин 48 маҳалладан фақат 16 таси ратушага Миллий гвардия отрядларини юбордилар. Қолганлари Конвентга кўшилдилар. Коммуна раҳбарлари Конвентга хужум бошлашга журъат қилолмай турар ва вақтни йўқотардилар. Якобинчилар клуби ҳам ўзини орқага тортиб турарди. Кечкурун Конвент Робеспьер ва унинг тарафдорларини қонундан ташқари деб эълон қилди, бу эса судсиз қатл деган гап эди.

«Ҳали ҳеч қачон Париж кўчалари ана шу куннинг тўрт соати каби одамга тўлган эмасди. Суд биносидан инқилоб майдонига қадар тўлиқ халқ девори турарди. Барча деразалардан, туйнук ва айвонлардан қизиқувчан ва ҳайратли кўзлар қувонч билан боқиб турарди. Барча нигоҳлар Робеспьернинг аравасига қаратилганди, у эса яқин қолган қасосни кутиб ўтирарди. Жандармлар халқ Робеспьерни билсин деб, калта қиличлар билан унга ишора қилардилар. Эшафот олдида навбат кутиб, уни ерга туширишади. Уни кўтаришганда яна кўзларини очди ва нигоҳлари қонга ботган тўнкага тушди. Самсон (жаллоднинг исми) унинг камзулини ечиб олди. Шунда Робеспьернинг кўксидан бир қичқирик... ана шу томошанинг ўзидай даҳшатли қичқирик отилиб чикди». Бир дақиқадан сўнг оломоннинг майдон узра «Яшасин республика!» деган ҳайқириғи янгради.

Ҳаммаси бўлиб юзга яқин киши қатл қилинди, улар асосан Париж Коммунаси аъзолари эдилар. Коммунанинг ўзини шу ердаёқ бекор қилдилар.

Инқилобнинг яна бир даври ана шундай яқунланди. Феодал тартиблар йўқотилди. Дехқонлар ер олди. Лекин халқ муҳтожлик, уруш ва террордан чарчаганди. Якобинчилар диктатураси кулади.

Инқилобнинг яқунланиши.

Буюк француз буржуа инқилобининг тарихий аҳамияти

Термидорчилар реакцияси. Термидорчилар – 9-термидор ойида ҳокимият тепасига келганларни ана шундай деб атай бошладилар. Улар мулкни ва эркинликни, тadbиркорликни ҳимоя қиладиган республика тарафдорлари эдилар. Оддий халқнинг қўллаб-қувватлашига эришиш учун аввал террор сиёсатини юргизганларни энди улар ҳам қамай бошладилар. «Шубҳалилар»ни қамоқлардан чиқардилар. Террор йўқ бўлиб кетмади, фақат уни энди якобинчиларга қарши қаратдилар. Кўпларни қамоққа ташладилар, аксариятини қатл қилдилар.

Кўчаларда «олтин ёшлар» тўдалари, безорилик қилаётган роялистлар бандалари пайдо бўлди. Калтаклар билан курулганиб олиб, улар якобинчиларни ҳақиқий ов қилдилар, уларни калтакладилар, якобинчиларга қарашли қаҳвахоналарни буздилар. Тирик қолган жирондачилар Конвентга қайтдилар. Якобинчилар клубини, халқ жамиятларини ёпдилар ва Париж Коммунасини тарқатиб юбордилар.

Термидорчилар савдодаги чеклашларни бекор қилдилар. Савдо эркинлиги бошланди, нархлар бир неча бор кўтарилиб кетди. Пул қадрини йўқотди, деҳқонлар ва савдогарлар жарангдор тангаларни талаб қилишар ва қоғоз пулларни олмасдилар.

Ахлоқнинг ўзгариши. Меҳнаткаш халқ оч қолаётган бўлса, «янги бойлар» ниҳоят ўтаётган вақтни бой бермасликка ва ҳаёт кайфини суришга ошиқарди. Агар кўтаринкилик йилларида кўшлар ўз бойлигини яширишга мажбур бўлишган бўлса, энди уни бемалол намоиш қила бошладилар. Буржуа жамиятининг юқори қатламида аслзодалар ахлоқи қайта туғила бошлади. «Террор қувиб юборган гўзаллик ва кулги Парижга қайтиб келди», – деб ёзган эди буржуа газеталаридан бири.

Санкюлотларнинг кийимлари калта иштонлар, блуза (яктаксимон уст кийим) ва қизил қалпоқ модадан чикди. Энди чиройли, дид билан кийина бошладилар. Банкирлар, савдогарларнинг хотинлари

ярим ялтироқ матолардан тикилган қисқа грекча туникани модага киритдилар. Грекча сандаллар кийган оёқларининг бармоқлари очик қолар, уларни тақинчоқлар билан безатишарди.

Париж ўзгариб кетди, у супурилган ва ёритилган эди. Кўчаларда экипажлар, ясаниб олган извошчилар пайдо бўлди. Зеб-зийнат чанқоғи ҳаммани қамраб олди. Ажойиб қабул маросимлари, зиёфатлар, баллар уюштирилди. «Қурбонлар хотираси»га балл уюштириш урф бўлди, уларга фақат эшафотда ўлдирилган кишиларнинг қариндошлари, яқинларигина киритиларди. Бу балларга худди жаллод учун тайёрлангандек энсаси очиб қўйилган махсус соч турмаклаш расм бўлди. Бўйинларига қизил ипча тақиб олишарди. Бир-бирига «сен» деб мурожаат қилиш тақиқланди. «Месье» ва «мадам» деган мурожаатни «гражданин» ёки «гражданин хоним» билан алмаштиришди.

1795 йилнинг баҳоридаги халқ кўзғолонлари. Инқилобий ўзгаришлар тугади. Конвент депутатларини энди халқнинг аҳволи қизиқтирмас эди. 1795 йили парижликлар икки марта Конвент ишига таъсир кўрсатишга уриниб кўрдилар.

Париж атрофида норозилик кучайиб борарди. Уйларнинг деворларида «Халқ, уйғон! Пайт келди!», – деган ёзувлар пайдо бўлди.

Конвентга очликдан ва «ватанпарвар»ларнинг қувгин қилинаётганидан газабга келган одамлар тўдаси келиб турарди. Кўзғолон 1795 йилнинг апрелида бошланди. Уни ҳеч ким тайёрлаган эмасди. Шу куни эрталаб Париж чеккаларида яшовчи халқ тўплана бошлади. Аёллар кўп эди. «Нон беринг! 1793 йилги Конституцияни беринг!», – деган хитоблар эшитилиб турарди.

Тезда Конвентни 10 мингта қуролсиз санкюлотлар ўраб олдилар, кўриқчиларни қувиб юбордилар ва бинони эгалладилар. Улар депутатлардан нон ва 1793 йилги конституцияни талаб қилардилар, лекин ҳеч нарса ололмасдилар.

Кечга бориб, Конвент Миллий гвардия билан ўраб олинди, халқни эса қувиб юборди. Париж қамал ҳолатида деб эълон қилинди. Май ойида бу воқеалар такрорланди. Сент-Антуан атрофидаги барча аҳоли кўзғалди. Оломон «Нон ва 1793 йил Конституцияси!», – деб қичқирарди. Кўпчиликнинг шляпаларига, кўкракларига, енгларига ана шу шиорлар бўр билан ёзиб қўйилганди. Санкюлотлар қўлларида найза ва милтиқлар, байроқ ва шиорлар ушлаб олган эдилар. Заставалар ёпиқ эди. Кундуз соат 15⁰⁰ да кўзғолончилар Конвентни

эгалладилар. Одамлар оқими барча биноларни тўлдириб юборди. Икки кун давомида ғазаб алангаси авж олди. Иккинчи кун охирига келиб, санкюлотлар тор-мор қилинди ва куролсизлантирилди, уларнинг йўлбошчилари – сўнгги якобинчилар ўзларини ўлдирдилар, кимлар шундай қила олмаган бўлса, гильотинага борди. Кўшлар камокқа ташланди, сургун қилинди.

Бу кўзғолон Буюк француз инқилоби давридаги санкюлотларнинг сўнгги оммавий чиқишлари эди.

1795 йилги Конституция ва биринчи Директория. 1795 йилнинг августида Конвент янги Конституция қабул қилди, у Францияда республика тузумини мустаҳкамлади, лекин умумий сайлов ҳуқуқини бекор қилди. Энди қонунчилик ҳокимияти икки палатадан – Беш юзлар кенгаши ва Оксоқоллар кенгашидан иборат бўлган қонунчилик корпусига берилди. Ижро ҳокимияти Оксоқоллар кенгаши тайинлайдиган, беш кишидан иборат Директорияга¹ топширилди. Шу билан бирга, 1795 йилги Конституция инқилобнинг барча антифеодал ютуқларини, энг муҳими эса эмигрантларнинг, черковнинг ва тахтга қарашли ерларнинг сотилиши қонунийлигини тасдиқлади.

Янги Конституция монархия тарафдорларини қутуртириб юборди ва улар Конвентни тарқатиб юборишга уриниб кўрдилар, лекин муваффақиятсизликка учрадилар. Артиллерия ёрдамида исёнчиларни тор-мор қилган генерал Бонапарт Конвентнинг халоскорига айланди.

Наполеон Бонапарт Тулонни олгани учун ҳам якобинчилар ундан қарздор эдилар. Бу воқеалардан кейин уни бирданига дивизия генерали даражасига кўтаришди ва «Франциянинг ички ҳарбий кучлари қўмондони» этиб тайинладилар.

Тенглик йўлида фитна. Янги ҳокимиятнинг сиёсатини банкирлар ва «янги буржуазия» белгилаб берди. Тўғри, Парижда ва бошқа йирик шаҳарларда ҳали ҳам оддий халққа арзонлаштирилган нон беришарди, лекин бу оч қоладиган даражада кам эди. Бойлар бойирдилар, камбагаллар аҳволи эса тобора оғирлашиб борарди.

Ана шу шароитда ташкилотчиси Гракх Бабёф (1760–1797) бўлган «тенглик йўлида фитна» пайдо бўлди. Бабёф ва унинг дўстлари тўлиқ тенглик ҳақида орзу қилардилар. Бунинг учун улар хусусий мулкни йўқотиш ва мол-мулкнинг умумийлигини ўрнатиш,

¹ Директория – француз инқилоби йилларида ҳукумат шундай аталган.

биргаликда меҳнат қилиш ва меҳнат маҳсулини тенг бўлиб олиш керак, деб ҳисобларди. Бироқ фитна фoш этилди, унинг раҳбарлари эса қатл қилинди.

Директория давридаги урушлар. Генерал Бонапарт. Ҳокимият тепасига келган йирик буржуазия ўзга юртларни босиб олишдан манфаатдор эди ва Директория давридаги Франциянинг урушлари босқинчилик характериға эға бўлди) Рейннинг сўл қирғoғи ва Бельгия аллақачон Францияға қўшиб олинганди, Голландия эса қарам республикаға айлантирилганди. Босиб олинган ерларда французлар феодал тартибларни йўқ қилдилар. Бироқ Парижға ҳарбий ўлжа сифатида озиқ-овқатлар ва санъат асарлари юкланган карвонлар келиб турарди.

Санкюлотларнинг ва армиянинг обрўси ошиб борар, айникса, Наполеон Бонапартнинг обрўси жуда катта эди. Наполеон Бонапарт 1769 йили 15 августда Корсика оролида майда мулкдор бўлган зодагон оиласида, французлар Корсикани эгаллаганларидан сўнг уч ой ўтгач дунёға келганди. Оилада болалар кўп, пул эса оз эди. Отаси Наполеонни ҳарбий билим юртиға ўқишға беради. Ўқиш даврида Наполеон математика, тарих ва географиядан ажойиб муваффақиятларға эришди. 1785 йили у кичик лейтенант унвони билан артиллерияға жўнатилди. Инқилоб бошланганда у 20 ёшда, ватанпарвар, республикачи, якобинчиларнинг ва Конвентнинг тарафдори эди.

Тулон ёнидаги муваффақият уни машҳур қилди ва тезда бригада генерали бўлди. Термидор унинг ҳаётини кескин ўзгартириб юборди. Ҳарбий лавозими ҳам хавф остида қолди, уни вазифасидан озод қилдилар ва якобинчилар билан алоқаси учун қамоққа олдилар (тўғри, 15 кундан кейин озод қилинди ва унвони қайта тикланди). Бир қанча вақт Бонапарт омади чопмай юрди, лекин 1795 йилда Конвентнинг топшириғи билан пойтахтдаги роялистлар кўзғолонини бостирди ва генерал ҳамда армиянинг қўмондони бўлди.

Австрия қўшинлари эгаллаб турган Шимолий Италияға юриш қилиш учун қўмондон лавозимига номзод керак бўлганда, Директория ўз нигоҳини яна Бонапартға қаратди.

Ўз армияси билан учрашар экан, Наполеон тартибға тушириши лозим бўлган бир гала жулдурвоқиларни кўрди. Бунинг устиға армияда ҳаммаси бўлиб 30 минг одам ва 30 та тўп бўлиб, бу душманниқидан 7 марта кам эди. Армия инқилоб йилларида тузилган

бўлса ҳам, унда демократик тартиблар йилдан-йилга камайиб бораётганди. Аллақачон зобитларни, ҳарбий судларни сайлаш бекор қилинганди. Аскарларнинг инқилобий кайфияти ҳам сўниб борарди.

26 ёшдаги генерал ана шу армияни жанговар, қобилиятли қилиши керак эди. Наполеон бу вазифанинг уддасидан чиқди. Наполеон авлиё эмасди, у аскарларнинг ўлжа олиш иштиёқидан ҳам унумли фойдаланди. Директория замонида бойиб қолиш иштиёқи ҳаммани, шу жумладан аскарларни ҳам қамраб олганди.

Шимолий Италияга юриш олдидан Наполеон қўшинга шундай деб мурожаат қилди: «Аскарлар, сизлар яланғочсизлар ва қорнингиз ҳам тўқ эмас. Мен сизни дунёнинг энг ҳосилдор текисликларига олиб бораман. Бой вилоятлар ва катта шаҳарлар сизнинг ҳукмингизда бўлади, сиз у ерларда ҳурмат, шон-шараф ва бойлик топасиз». У урушда армия ўзини ўзи боқиши керак, деб ҳисобларди. Лекин бойиб кетиш иштиёқидан ҳам кўра кўпроқ барчани – бош қўмондон ва генераллардан тортиб то энг сўнгги ноғора чалувчи болага қадар – инқилобий туйғулар қамраб олганди. Айни шу пайтда Австрия ва Пьемонт қўшинларининг кайфияти паст эди, аскарлар урушишни хоҳламас, маҳаллий аҳоли уларни ёмон кўрарди. Бутун Шимолий Италияни инқилоб руҳи қамраб олган, Наполеон эса «халоскор» деб ном чиқарганди. Бунинг устига у италияликларга шундай мурожаат қилади: «Италия халқлари! Француз армияси, сизнинг занжирларингизни узгани келди. Француз халқи барча халқларнинг дўсти! Унга пешвоз чиқинглар. Сизнинг мулкингиз, урф-одатларингиз ва динингиз дахлсиз бўлиб қолаверади. Биз олийжаноблик билан ва фақат сизларни куллиқда ушлаб турган золимларга қарши жанг қиламиз».

Биринчи тўқнашувларнинг ўзиёқ француз қўшинларига ажойиб ғалабалар келтирди, аскарларнинг руҳини кўтарди ва Бонапартнинг обрўйини оширди. Зобитлар ва генераллар унинг устунлигини тан олишар, авваллари ёшлиги учун бош қўмондонларига унча ишонқирамаган аскарлар, энди уни тантанавор олқишлар эди. 1796 йил 10 майда Лоди яқинидаги жангда Австрия армияси устидан қозонилган йирик ғалабадан кейин энг жасур аскарлар кенгаши Наполеон Бонапартга капрал унвонини берди (унинг аскарлар орасида узок вақт сақланиб қолган лақаби «кичкина капрал» ана шундан эди) ва ҳар бир янги ғалабадан кейин аскарлар унга навбатдаги унвонни бериб борди.

Наполеон 1796 йил 28 апрелда Пьемонтни эгаллаб, Миланга қараб юриш бошлади. Бир қатор герцогликлар Бонапартга бўйсундишларини изҳор қилдилар.

Тўртта армия тор-мор қилинди ва 1797 йил 17 октябрда Бонапарт Кампо-Формио деган жойда Австрияни Франциянинг галабасини тан олишга ва сулҳ тузишга мажбур қилди. Кейинчалик Италия ҳудудида Францияга қарам бўлган бир нечта республикалар ташкил қилинди. Швейцарияга ҳам худди шундай тақдир насиб этди.

Рус саркардаси А.В. Суворов бу Италия юришининг таъсири остида дунёнинг учта энг буюк қўмондонлари деб Цезар, Ганнибални ва Наполеонни атади. «О, бу ёшгина Бонапартнинг қадам ташлашини кўринг! У қахрамон, у мўъжизавий баҳодир, у афсунгар!», — дея қойил қолганди унга Суворов.

Бонапартнинг жасурлиги афсонавий эди. Италия учун жангларда у минган 19 та от ўлдирилди, Арколь ёнидаги жангда эса, қўлида байроқ билан австрияликлар ўқи остида аскарлари олдига тушиб Арколь кўприги томон ташланганди.

Босиб олинган ерларда Наполеон феодал қарамликни йўқ қилди, черков ва ибодатхоналарни баъзи бир йиғимлардан маҳрум этди, қайсидир даражада инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлайдиган янги қонунлар киритди. Шимолий Италиядан босқинчиларча контрибуция олар экан, унинг бутун оғирлиги бойларга тушишини талаб қилди. Шу йўл билан контрибуция ҳисобига ва ундан ошириб ҳам у банкларнинг, музейлар, сарой ва черковларнинг қимматбаҳо буюмларини олар ва «Франция халқи ва ҳукуматига» совғалар сифатида аравалар билан Парижга жўнатарди. Шу билан бирга, Бонапарт ва унинг генераллари ўз манфаатларини ҳам унутмасди. Унинг бир ярим йил Италиядо бўлиши Наполеон Бонапартни тирик афсонага айлантирди.

1797 йил 7 декабрда Бонапарт Италиядан Парижга триумфатор сифатида кириб келди. Директория уни Люксембург саройида кутиб олди, сарой атрофида эса қаёққа назар ташлама, охири йўқ оломон етиб келаётганди.

Наполеоннинг ғалабалари энди кўпчилик ички сиёсий масалаларни ҳал қилиш қобилиятига эга бўлган куч сифатида қараётган армиянинг обрўйини оширди. Ўзининг айтган сўзларига қараганда, айнан Италиядо у ўзини шунчаки генерал деб эмас, халқнинг тақдирига таъсир ўтказишга қодир одам деб ҳис қилган.

бўлса ҳам, унда демократик тартиблар йилдан-йилга камайиб бораётганди. Аллақачон зобитларни, ҳарбий судларни сайлаш бекор қилинганди. Аскарларнинг инқилобий кайфияти ҳам сўниб борарди.

26 ёшдаги генерал ана шу армияни жанговар, қобилиятли қилиши керак эди. Наполеон бу вазифанинг уддасидан чиқди. Наполеон авлиё эмасди, у аскарларнинг ўлжа олиш иштиёқидан ҳам унумли фойдаланди. Директория замонида бойиб қолиш иштиёқи ҳаммани, шу жумладан аскарларни ҳам қамраб олганди.

Шимолий Италияга юриш олдидан Наполеон кўшинга шундай деб мурожаат қилди: «Аскарлар, сизлар яланғочсизлар ва қорнингиз ҳам тўқ эмас. Мен сизни дунёнинг энг ҳосилдор текисликларига олиб бораман. Бой вилоятлар ва катта шаҳарлар сизнинг ҳукмингизда бўлади, сиз у ерларда ҳурмат, шон-шараф ва бойлик топасиз». У урушда армия ўзини ўзи боқиши керак, деб ҳисобларди. Лекин бойиб кетиш иштиёқидан ҳам кўра кўпроқ барчани – бош қўмондон ва генераллардан тортиб то энг сўнгги ноғора чалувчи болага қадар – инқилобий туйғулар қамраб олганди. Айни шу пайтда Австрия ва Пьемонт кўшинларининг кайфияти паст эди, аскарлар урушишни хоҳламас, маҳаллий аҳоли уларни ёмон кўрарди. Бутун Шимолий Италияни инқилоб руҳи қамраб олган, Наполеон эса «халоскор» деб ном чиқарганди. Бунинг устига у италияликларга шундай мурожаат қилади: «Италия халқлари! Француз армияси, сизнинг занжирларингизни узгани келди. Француз халқи барча халқларнинг дўсти! Унга пешвоз чиқинглар. Сизнинг мулкингиз, урф-одатларингиз ва динингиз дахлсиз бўлиб қолаверади. Биз олийжаноблик билан ва фақат сизларни қулликда ушлаб турган золимларга қарши жанг қиламиз».

Биринчи тўқнашувларнинг ўзиёқ француз кўшинларига ажойиб ғалабалар келтирди, аскарларнинг руҳини кўтарди ва Бонапартнинг обрўйини оширди. Зобитлар ва генераллар унинг устунлигини тан олишар, авваллари ёшлиги учун бош қўмондонларига унча ишонқирамаган аскарлар, энди уни тантанавор олқишлар эди. 1796 йил 10 майда Лоди яқинидаги жангда Австрия армияси устидан қозонилган йирик ғалабадан кейин энг жасур аскарлар кенгаши Наполеон Бонапартга капрал унвонини берди (унинг аскарлар орасида узоқ вақт сақланиб қолган лақаби «кичкина капрал» ана шундан эди) ва ҳар бир янги ғалабадан кейин аскарлар унга навбатдаги унвонни бериб борди.

Наполеон 1796 йил 28 апрелда Пьемонтни эгаллаб, Миланга қараб юриш бошлади. Бир қатор герцогликлар Бонапартга бўйсундишларини изҳор қилдилар.

Тўртта армия тор-мор қилинди ва 1797 йил 17 октябрда Бонапарт Кампо-Формио деган жойда Австрияни Франциянинг ғалабасини тан олишга ва сулҳ тузишга мажбур қилди. Кейинчалик Италия ҳудудида Францияга қарам бўлган бир нечта республикалар ташкил қилинди. Швейцарияга ҳам худди шундай тақдир насиб этди.

Рус саркардаси А.В. Суворов бу Италия юришининг таъсири остида дунёнинг учта энг буюк қўмондонлари деб Цезар, Ганнибални ва Наполеонни атади. «О, бу ёшгина Бонапартнинг қадам ташлашини кўринг! У қахрамон, у мўъжизавий баходир, у афсунгар!», — дея қойил қолганди унга Суворов.

Бонапартнинг жасурлиги афсонавий эди. Италия учун жангларда у минган 19 та от ўлдирилди, Арколь ёнидаги жангда эса, қўлида байроқ билан австрияликлар ўқи остида аскарлари олдига тушиб Арколь кўприги томон ташланганди.

Босиб олинган ерларда Наполеон феодал қарамликни йўқ қилди, черков ва ибодатхоналарни баъзи бир йиғимлардан маҳрум этди, қайсидир даражада инсон ҳуқуқларини мустақамлайдиган янги қонунлар киритди. Шимолий Италиядан босқинчиларча контрибуция олар экан, унинг бутун оғирлиги бойларга тушишини талаб қилди. Шу йўл билан контрибуция ҳисобига ва ундан ошириб ҳам у банкларнинг, музейлар, сарой ва черковларнинг қимматбаҳо буюмларини олар ва «Франция халқи ва ҳукуматига» совғалар сифатида аравалар билан Парижга жўнатарди. Шу билан бирга, Бонапарт ва унинг генераллари ўз манфаатларини ҳам унутмасди. Унинг бир ярим йил Италияде бўлиши Наполеон Бонапартни тирик афсонага айлантирди.

1797 йил 7 декабрда Бонапарт Италиядан Парижга триумфатор сифатида кириб келди. Директория уни Люксембург саройида кутиб олди, сарой атрофида эса қаёққа назар ташлама, охири йўқ оломон етиб келаётганди.

Наполеоннинг ғалабалари энди кўпчилик ички сиёсий масалаларни ҳал қилиш қобилиятига эга бўлган куч сифатида қараётган армиянинг обрўйини оширди. Ўзининг айтган сўзларига қараганда, айнан Италияде у ўзини шунчаки генерал деб эмас, халқнинг тақдирига таъсир ўтказишга қодир одам деб ҳис қилган.

Кейин Мисрға қилинган афсонавий юришнинг навбати келди. Ҳали 1797 йилнинг ёзида Бонапарт Италиядан Директорияга ёзган хатидаёқ: «Биз Англияни енгиш учун Мисрға эга бўлишимиз кераклигини тушунадиган вақтимиз узоқ эмас», – деб айтганди. Энди у юришнинг режасини тақдим қилди ва ҳукумат уни тасдиқлади. Юриш кагта ҳафсала билан тайёрланди. Бонапарт Шарқни ўрганиш учун ўзи билан бирга юзта олимни олиб кетишни ҳам мўлжаллади.

1798 йил 19 майда Наполеоннинг 38 минглик қўшини 350 кема ва баркаларда (юк ташийдиган ясси дарё кемаси) Тулондан Мисрға қараб сузди.

Миср расмий равишда Туркиянинг мулки эди, аммо амалда уни маҳаллий ҳарбий-феодал мулкдорлар бошқарар эди.

Франция армияси Александрия яқинида қирғоққа тушди ва бу бой шаҳарни эгаллади. Кейин Француз армияси Нил бўйлаб юқорига, Қоҳирага қараб юриш бошлади. Эҳромлар олдида Наполеон ўзининг машҳур сўзларини айтди: «Аскарлар! Сизларга бугун бу эҳромлар юксаклигидан қирқ аср қараб турибди!». Кейин Бонапартнинг армияси Қоҳирани эгаллади.

Наполеон ғалабани тантана қилаётган бир пайтда, инглиз флоти кўмондони адмирал Нельсон Бонапартнинг флотилиясини Абукир қўлтиғида йўқ қилди. Наполеон ва унинг армияси Франциядан ажралиб қолди. Лекин, бу вақтдан ҳам мамлакатни бошқаришнинг илғор тизимини ташкил қилиш учун фойдаланилди, олимлар эса Мисрнинг 24 томлик тавсифини тузишди.

Ўзининг Мисрдаги ҳокимиятини мустаҳкам деб ҳисоблаб, Наполеон яна Шарққа қараб, Сурияга йўл олди. Яффа ва Хайфа ёнида турклар французларни тўхтатишга уриниб кўрдилар, лекин қалъалар жанг билан олинди. 10 минглик қўшин билан Наполеон Акко кўрғонига – Сурия подшоси пойтахтига яқинлашди. Французлар кун сайин ҳужумини кучайтиришига қарамасдан ҳали салибчилар томонидан қурилган қалъани осонликча эгаллай олмадилар. Бунинг устига қалъадагилар денгиз томондан инглизлар ёрдамини олиб турарди. Наполеон қўшинини яна Қоҳирага олиб кетди. Кейин ғаройиб бир тарзда Абукир олинди. Шундай қилиб, бутун Миср эгалланди ва Наполеон шон-шуҳратга бурканди.

Шундай бир пайтда Наполеон тўсатдан Францияга қайтишга қарор қилади. Бунинг сабаби Францияга қарши янги иттифок ту-

зилганлиги ва А.В. Суворов қўмондонлигидаги рус кўшинлари Шимолий Италияда эришаётган ғалаба ҳақидаги хабарнинг Бонапартга етиб келганлиги эди. Халқ орасида обрўси тушиб кетган Директория ҳукуматини алмаштириш, ҳокимиятни эгаллаш учун фурсат етганлигини англаган бўлса ҳам ажаб эмас, чунки Наполеоннинг Францияга қайтиш сабаблари ичида шундай тахмин ҳам йўқ эмас. Хуллас, 1799 йилнинг августида Париж ғолиб қўмондонни олқишлар билан кутиб олди.

18-брюмер¹ давлат тўнтариши (1799 йил 9 ноябрь). Айтиб ўтилгандек, Директория ҳокимияти халқ орасида обрўга эга эмасди, «янги бойлар» ҳам Директорияни ёқтиришмас эди. Газеталар «Кучли ҳокимият ўрнатиш!» талабини биринчи саҳифаларида ёрита бошлади. Шундай шароитда ҳокимиятга қарши фитна пишиб етилди. Фитначилар Мисрдан қайтган Наполеондан асосий куч сифатида фойдаланишга қарор қилдилар, Бонапарт ҳам бунга розилик билдирди. 18-брюмерда (9 ноябрь) ҳарбийлар тазйиқи остида ҳукумат бошлиғи истеъфога чиқди. Эртаси куни, 19-брюмерда Париж яқинидаги Сен-Клу деган жойда йиғилиш ўтказаяётган Оқсоқоллар кенгаши ва Бешюзлар кенгаши 4–5 минг кўшин томонидан ўраб олинди. Қўрқиб кетган Оқсоқоллар кенгаши таклиф қилинган идора усули – Консулликни² дарҳол тасдиқлашди. Бешюзлар кенгашидан залда қолган 25–30 депутат ҳам (қолганларини гренадёрлар қувиб чиқарган эди) бу қарорни тасдиқлади. Консуллик уч кишидан иборат ижроия ҳокимияти бўлиб, улардан ҳар бири «Француз республикасининг консули» унвонига эга бўлдилар. Сайланган уч консулдан³ бири Наполеон Бонапарт эди.

Консуллар республикага садоқат тўғрисида қасамёд қабул қилдилар.

«Биз инқилоб романини охиригача олиб бордик, энди унда реал нима борлигини кўриш керак» – деган эди Наполеон 18 брюмер тўнтариши ҳақида.

¹ 1793 йил Францияда қабул қилинган Республика тақвими бўйича ойнинг номи. Тақвим 1806 йили Наполеон томонидан бекор қилинган.

² Консуллик – консуллар ҳукмронлиги даври.

³ Консуллар – Қадимги Римда бир йилга сайланувчи олий лавозимдаги иккита шахс, улар олий фуқаролик ва ҳарбий ҳокимиятга эга бўлган.

Буюк француз буржуа инқилобининг босқичлари

1-босқич	1789–1792 йиллар	Конституцион монархистлар ҳокимияти даври
2-босқич	1792–1793 йиллар	Жирондачилар демократик республикаси даври
3-босқич	1793–1794 йиллар	Якобинчилар террори даври
4-босқич	1794–1795 йиллар	Термидорчилар реакцияси даври
5-босқич	1795–1799 йиллар	Директория даври
6-босқич	1799–1804 йиллар	Консуллик даври

* * *

Шундай қилиб, Франциядаги буржуа инқилоби ниҳоясига етди. Инқилоб эски тартибларни йўқ қилиб ташлади: феодал қоидалар ва абсолютизм тугатилди; Франция республика деб эълон қилинди. Агар Англиядаги инқилоб буржуазия ва зодагонларнинг келишуви билан яқунланган бўлса, Францияда буржуазия зодагонларни енгди, эски жамият ва давлат тузумини тўлиқ бузиб ташлади. Сиёсий ва иқтисодий ҳокимият буржуазияга ўтди. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шаклланиши учун асос солинди. Буржуа мулкчилиги ўрнатилди ва саноат тўнтариши учун шароит яратилди.

Қишлоқда йирик ер эгалиги мустаҳкамланиб, феодал табақа қолдиқлари йўқотилди. Лекин деҳқонларнинг кўпчилиги ерсиз ва оғир аҳволда қолаверди.

Буюк француз инқилоби бутун дунё тарихи учун ҳам маълум маънода бурилиш нуқтаси бўлди. У олға сурган ғоялар – Озодлик, Тенглик, Биродарлик фақат Европанинг эмас, балки бошқа қитъалар халқларининг ҳам кейинги ривожига арзигулик таъсир кўрсатди.

Шунингдек, инқилоб тарихи кўплаб халқлар учун катта сабоқ ҳам бўлди. Унинг аёвсиз қирғинлари, барча муаммоларни ҳал этишнинг воситаси сифатида террорнинг қўлланилиши, сиёсий мухолифларнинг жисмоний йўқ қилиниши кабилар ҳам инқилоб келтирган даҳшатли реаллик бўлди.

VIII боб бўйича саволлар

1. Буюк француз инқилобининг асосий босқичлари ва уларнинг характери томонлари нимада?
2. «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси»нинг қабул қилиниши қандай аҳамиятга эга бўлди? Декларациянинг асосини қандай ғоялар ташкил қилди?
3. Қандай ички ва ташқи факторлар инқилобий жараёнларнинг чуқурлашишига кўмаклашди?
4. Инқилоб туфайли қишлоқ хўжалиги ва саноатда қандай ўзгаришлар юз берди?
5. Инқилоб олдинга сурган қайси ғоялар барча халқлар курашининг мазмунига айланди?
6. Якобинчилар диктатураси сиёсатидаги қайси жиҳатлар уларнинг ҳалокатига олиб келди?
7. Якобинчилар ҳалокатининг тарихий ўғитлари нимада?
8. Буюк француз инқилобининг оламшумул тарихий аҳамияти нимада?

III БЎЛИМ

ЯНГИ ДАВРДА ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ

IX БОБ. XVI–XVIII АСРЛАРДА ГЕРМАНИЯ

Иқтисодий тузум. XVI аср бошларида Германия¹ аҳолисининг асосий қисмини қарам деҳқонлар ташкил қилар эди. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тўлиқ хўжайинларининг иродасига боғлиқ ҳисобланарди. Шаҳарларда, жумладан, йирик шаҳарларда ҳам, цех ишлаб чиқариши хунармандчиликнинг асосини ташкил қиларди. Цех магистратларига патрицийлар хонадонининг аъзолари ва бой бюргерларнинг вакиллари кирар эди.

XVI аср охири – XVII аср бошларида ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиши ва меҳнат тақсимоти халқаро савдо алоқаларининг сезиларли ривожланишига олиб келди. Савдо йўлларида жойлашган Германия жаҳон савдосида марказий ўринни эгаллаб турарди. Тўғри, голланд ва инглиз савдогарлари рақобатига бардош бера олмаган шимолий герман ерлари, хусусан, Ганза XV аср охирларидан таназулни бошидан кечиради, Буюк географик кашфиётлар эса жаҳон савдосининг тез орада Атлантик океани қирғоқларига силжишидан далолат берарди. Шунга қарамасдан, XVI аср ўрталаригача Шимолий Италиянинг ва унинг воситачилигида бутун Шарқнинг Ғарбий Европа бозорлари билан алоқалари герман ерлари орқали ўтарди. Немис шаҳарлари, айниқса, Аугсбург, Нюрнберг ва Рейн бўйи ҳамда юқори Дунайдаги бошқа баъзи шаҳарлар Европа савдосининг йирик марказлари бўлиб қолаверди. Немис савдогарлари Европанинг савдо портларида имтиёзга эгалигидан ва жаҳон савдосининг янги йўналишидан ҳам яхшигина фойда олишарди. Германиянинг халқаро иқтисодий роли шунда ифодаланардики, ўша пайтда у мис қазиб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринда турарди, мис эса савдодаги асосий восита ҳисобланарди. Америка олтини ва кумушининг Европага оқиб келиши фақат XVI аср ўрталаридан сезила бошлайди.

¹ Германия – Буюк Карл империясига кирган шарқий ерларнинг шартли номи.

Савдо йўлларидаги қулай жойлашув ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ошиши ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг ўсишига олиб келди. Бу ҳол, айниқса, XVI аср бошларида яққол кўзга ташланади. Шимолий немис шаҳарлари гуллайди, бойлик ва зеб-зийнатлар мужассамлигининг ифодасига айланади. Аугсберглик Фуггерлар хонадони тўғрисида, улар уруш ва тинчлик тақдирини ўз қўлларида ушлаб турганлиги ҳақида олдинги бобларда сўз юритилган эди. Фуггерлар, Вельзерлар ва бошқа шу каби хонадонлар ўша давр ўлчами бўйича ҳақиқий жаҳон савдосини олиб боришар, кўплаб мамлакатларда ўзларининг доимий идораларига эга эдилар. Йирик жанубий герман фирмаларига эга мамлакатда ва бошқа давлатларда бой тоғ-конлари уларга тегишли эди.

Кўплаб немис шаҳарлари қулай жойлашуви ва савдо алоқалари билан машҳур эди. Машҳур немис гуманисти Яков Вимпфелинг ўша пайтдаги Кёльн ҳақида шундай деб ёзади: «Бу шаҳар ўзининг кенг савдоси ва беҳисоб бойликлари билан Рейн шаҳарларининг шоҳи саналди». Нюрнберг – металлга ишлов бериш саноатининг йирик маркази – XVI асрда 20 мингга яқин аҳолига эга эди. Эльзас шаҳарлари ичида Страсбург ўзининг савдо алоқалари билан, Майн бўйидаги Франкфурт эса Голландия, Фландрия, Англия, Польша, Чехия, Италия ва Франциядан савдогарларни йиғадиган ярмаркаси билан машҳур эди. XV аср охирида Германия шарқидаги Лейпциг ярмаркаси катта аҳамият касб эта бошлайди. Кичикроқ шаҳарлар – Ульм, Констанц, Ревесбур ва Аугсбурглар тўқимачилик марказлари ҳисобланар, ўз маҳсулотларини фақат маҳаллий бозор эмас, балки Италия ва Испания бозорларига ҳам олиб чиқар эди. Дунай бўйида жойлашган немис шаҳарлари орқали Жануби-Шарқий Европа билан савдо олиб бориларди.

Ишлаб чиқариш ва савдонинг ўсиши, катта бойликларнинг тўпланиши XV аср охирлариданоқ герман шаҳарларида бозор муносабатларининг шаклланишига олиб келди, тарқоқ мануфактура ривожланди. Айни пайтда кўп куч ва маблағ талаб қилинадиган соҳаларда (масалан, босмахона) марказлашган мануфактура ҳам ривожланди. Айниқса тоғ-кон саноати, хусусан, қимматбаҳо металллар казиб олиш тез таракқий этди.

XVI аср биринчи ўн йиллигида Германия тоғ-кон саноатида камида юз минг киши банд эди. Германияда Европанинг қолган

кисмидан кўпрок мис казиб олинарди. 1670–1730 йиллари Германия иқтисодий жиҳатдан Европанинг энг илғор мамлакатига айланади ва Реформация деб аталган диний инқилобнинг маркази бўлиб қолади. Реформация ва ундан кейинги Дехқонлар уруши Германия тарқоқлигини янада авж олдирди.

XVI–XVII аср биринчи ярмида Германия. Дехқонлар уруши мағлубиятга учраган бўлса-да, мамлакатда бир қатор ўзгаришларга олиб келди. Жанубий Германияда феодалларнинг дехқон хўжаликларини тортиб олиш ҳоллари тўхтади. Кўзголоннинг қайтарилиш хавфи остида бир қатор йиғимлар ва қарамлик турлари бекор қилинди. Рицарларнинг юзлаб қасрлари ва монастирлар йўқ қилингани ҳам дехқонларнинг аҳволини бироз яхшилади. Аммо умуман Дехқонлар урушидан кейинги аҳвол, Германиянинг халқаро сиёсий ва иқтисодий мавқеининг ўзгариши мамлакат хўжалик тараққиёти суръатларининг сусайишига олиб келди. Бунинг устига XVI аср иккинчи ярмидан бошлаб Буюк географик кашфиётларнинг таъсири сезила бошлади. Шимолий Италия ва Германия шаҳарлари орқали ўтган савдо йўли илгариги мавқеини йўқотди. Шимолий герман шаҳарларининг Ганза иттифоқи ҳам халқаро савдонинг Атлантик океани қирғоқларига кўчганлигидан таназзулга юз тута бошлади. Нидерландиядаги инқилоб туфайли испан ҳукмронлигидан озод бўлган голланд савдогарлари немисларни Болтик бўйи савдосидан ҳам сиқиб чиқара бошлади. Бу пайтга келиб Голландия ташқи савдо бўйича дунёда биринчи ўринга чиқиб олган эди.

XVI аср бошларида Германияда вужудга келган мануфактура ишлаб чиқариши ва эркин бозор муносабатлари ривож топмай қолди. Илгари жадал ривожланган Саксония, Гарц ва Тюрингиядаги тоғ-кон саноати оғир тушкунликка учради. Немис шаҳарларининг оғир аҳволи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ички бозорни қисқартирди. Энди қишлоқ хўжалигининг фақат чет элларга чиқариладиган маҳсулотларигина харидоргир бўлиб қолди. Булар асосан дон ва чорвачилик маҳсулотлари эди.

XVI аср иккинчи ярмидан Германияда бошланган иқтисодий инқирознинг сабаби фақат савдо йўлларининг Атлантик океани қирғоқларига кўчиши ва униинг оқибатида бозорларнинг йўқотилиши, немис савдосининг турғунлиги эмасди, Дехқонлар уруши бостирилгандан сўнг немис саноати бошқа мамлакатлар саноати билан рақобатга бардош бера олмаганлигида ҳам эди.

Мануфактуранинг муваффақиятли ривожланиши учун унинг шаҳар доирасидан чиқиб, қишлоққа ҳам ёйилиши лозим эди. Аммо Германия шароитида бу деярли мумкин бўлмади.

Германия тоғ-кон саноатидаги инқироз ҳам асосан деҳқонлар урушининг мағлубияти билан боғлиқ эди. Князь ҳокимиятининг кучайиши, бу соҳадаги тадбиркорлик фаоллигини тўхтатиб қўйди.

Герман империясида Австриянинг ҳолати. Сиёсий кураш. Империянинг энг йирик князлари австриялик Габсбурглар эди. Уларга XVI асрда Юқори ва Қуйи Австрия, Тироль, Жануби-Гарбий Германиянинг қатор ҳудудлари, Штирия, Кариндия ва Крайна каби славян ерлари қарашли эди. Шу даврдаёқ Чехия ва Венгриянинг бир қисми қўшиб олиниб, кўпмиллатли Австрия монархиясига асос солинди. Аммо 1564 йили монархия ерлари тахтга даъвогарлар, Фердинанд I нинг ворислари ўртасида бўлинганлиги сабабли Австрия анча кучсизланиб қолди. Империя тахти расман Максимилиан II (Фердинанднинг катта ўғли) да сақланиб қолган бўлса-да, энди айрим немис князликлари, айниқса, XVII аср бошларида кучайган Бавария Габсбурглар билан рақобат қила бошлади.

Ўттиз йиллик уруш. XVII аср бошларида Германияда Реформацияга қарши бўлган кучларнинг фаоллиги кучайди. Улар, айниқса, мамлакатнинг шимоли-гарбий ва жанубий қисмларида муваффақият қозондилар. Бир қатор герцоглик, графлик ва шаҳарларда қайтадан католик черковининг ҳукмронлиги ўрнатилди. Протестантларнинг ўз мавқеларини йўқотиши фақат Германияда эмас, бутун Европада норозиликка сабаб бўлди. Айниқса, 1607 йили империянинг Донаувёрте шаҳрида протестантлар билан католиклар ўртасида бўлиб ўтган тўқнашув ва унинг оқибатида Максимилиан Баварский қўшинлари томонидан шаҳарнинг забт этилиши ҳамда Баварияга қўшиб олиниши протестантларнинг ғзабини келтирди.

Рейхстагдаги протестантлар 1608 йили Аугсбург диний сулҳига – Германиядаги католиклар билан протестантлар ўртасида 1555 йили имзоланган келишувга тўлиқ ҳажмда риоя қилинишини талаб қилдилар. Католиклар, ўз навбатида, 1555 йили олиб қўйилган (секуляризация қилинган) черков ерларининг қайтарилишини талаб қилдилар. Келишувнинг иложи бўлмади, бир қисм протестантлар рейхстагни ташлаб чиқиб кетдилар. 1608–1609 йиллари иккала томон ҳам ўзларининг ҳарбийлашган ташкилотларини – Евангелие унияси ва Католик лигасини туздилар. Ҳар иккала томон ҳам чет

эллардаги маслакдошларидан ёрдам олиб турди. Натижада Германиядаги иккала лагерь ўртасида ҳарбий можаро ва Германия ишларига бошқа Европа давлатларининг фаол аралашуви хавфи туғилди.

Германиядаги диний-сиёсий ҳолатнинг кескинлашувига фақат ички сабаблар эмас, Габсбурглар билан Франция ўртасида Европада гегемонлик учун рақобатнинг кучайиши ҳам сабаб бўлди. Германиядаги воқеалар Европадаги кучлар нисбатининг ўзгаришига олиб келиши мумкин эди. Шу сабабли бир томондан Франция, иккинчи томондан Габсбурглар, учинчи томондан Голландия, Дания, Швеция ва позицияси охиригача номаълум бўлган Англиянинг ташқи сиёсатида муҳим ўзгаришлар юз берди. Хуллас, етилиб келаётган можаро диний сабабга эга бўлса-да, ундан ҳар бир давлат ўзининг сиёсий ва иқтисодий манфаатини кўзлаб сиёсат юргизаётган эди.

Урушга бевосита баҳона 1618 йил май ойидаги Прага воқеалари бўлди. Чехларнинг XVI асрдаёқ кафолатланган ва XVII асрда императорнинг махсус ёрлиги билан тасдиқланган диний ва сиёсий ҳуқуқларини поймол қилиб, Габсбурглар ҳукумати протестантлар ва миллий мустақиллик тарафдорларини қувғин қила бошладилар. Бунга жавобан қуролланган оломон Прагадаги эски қирол саройига бостириб кириб, Габсбурглар томонидан тайинланган икки ҳукумат аъзосини ва котибни деразадан улоқтириб ташлади. Бу акт Чехия билан Австрия ўртасидаги сиёсий узилиш деб қабул қилинди. Фердинанд ҳокимиятига қарши «ўз фуқаролари»нинг ҳаракати урушга туртки бўлди.

Урушнинг биринчи (чех) босқичи (1618–1624). Чехлар сейми томонидан сайланган янги ҳукумат мамлакат ҳарбий кучларини мустаҳкамлади, ундан иезуитларни хайдаб чиқарди, Моравия ва бошқа яқин ҳудудлар билан Нидерландия Қўшма провинциялари типигаги федерация тузиш борасида музокаралар бошлади. Бир томондан иттифоқчи Трансильвания князлигининг қўшинлари Вена томон юриб, Габсбурглар армиясига қатор зарбалар беришди. Фердинанднинг чех тахтига ҳуқуқини тан олмасдан сейм Евангелие униясининг раҳбари Фридрих Пфальцскийни (1596–1632) қирол этиб сайлади. Кўзғолон раҳбарлари шундай қилсак немис протестантларидан қуролли ёрдам оламиз, деб ўйлашган эдилар. Аммо Ф. Пфальцскийнинг гаплари ёлғон бўлиб чиқди: у на катта маблағ ва на катта қўшинга эга эмасди. Императорга эса Католик лига

катта маблағ билан ёрдам кўрсатди. Бу маблағ ҳисобига Австрияга ёрдам учун испан кўшинлари ёлланди.

Натижада, 1620 йил 8 ноябрь куни Прагага юриш бошлаган империянинг бирлашган кўшинлари Оқ Тоғ ёнидаги жангда чех кўшинларини тор-мор келтирди. Чехия, Моравия ва қироликнинг бошка ҳудудлари империя кўшинлари томонидан эгалланди. Мамлакатда даҳшатли қирғин бошланди. Ўн минглаб протестантлар ўз ерларидан қувилиб, уларнинг мулклари немис ва маҳаллий католикларга берилди. 1627 йилги «Дафн қилиш» деб аталган сейм Чехия ўз миллий мустақиллигини йўқотганлигини тасдиқлади. Энди Чехия барча илгариги имтиёзларидан маҳрум қилинди.

Урушдан кейин ҳарбий ҳолат фақат Чехияда эмас, балки бутун Марказий Европада Габсбурглар фойдасига ўзгарди. Урушнинг биринчи босқичи якунланди, аммо унинг кенгайиш хавфи етилган эди.

Урушнинг иккинчи (Дания) босқичи (1625–1629). Урушнинг янги иштирокчиси Дания қироли Кристиан IV бўлди. У ўз ерларининг хавфсизлигидан хавотирланиб ҳамда ғолиб чиқса уларни кенгайтириш мақсадида Англия ва Голландиядан катта миқдорда олинган пулга армия ёллаб, Эльба ва Везер дарёлари оралиғида жойлашган, Тила кўмондонлигидаги Габсбурглар армиясига қарши ҳужум бошлади. Шимолий герман князлари ҳам Кристиан IV ни қўллашди. Оғир аҳволда қолган Фридрих II ни император хизматидаги ёлланма кўшин кўмондони, тажрибали саркарда Альбрехт Валленштейн (1583–1634) бу ҳолатдан қутқарди. У ўзига ва императорга қарашли ҳудудлардан ёлланма кўшин тузди. 1630 йили А. Валленштейн кўшинларининг сони 100 минг кишига етган эди. Муваффақиятли уруш ҳаракатларидан сўнг 1629 йили Любек тинчлик сулҳи имзоланди. Дания ҳудудий йўқотишларсиз Германия ишларига аралашмаслик шарти билан сулҳни имзолади. Император протестантларга яна бир кучли зарба берди. А. Валленштейн эса бутун бошли князлик – Мекленбург герцоглигини императордан совға сифатида олди. Аммо кўп ўтмасдан Валленштейннинг кучайиб кетаётганлигидан хавфсираган император уни истеъфога чиқариб, кўшинларини тарқатиб юборди.

Урушнинг иккинчи босқичида протестантлар мағлубиятининг энг асосий натижаси шу бўлдики, император 1629 йили Любек сулҳидан салгина олдин Реституцион эдикт деб номланган ҳужжат қабул қилди. Бу ҳужжат 1552 йилдан бери протестантлар томонидан

эгалланган (секуляризация қилинган) ерларга католик черковининг ҳуқуқини тиклашни кўзда тутарди. Императорнинг бу қарори империяда умумий норозиликни келтириб чиқарди.

Урушнинг учинчи (швед) босқичи (1630–1635). 1630 йил ёзида Польшани тинчлик сулҳи тузишга мажбур қилиб, Франциянинг ёрдамига таянган швед қироли, жасур саркарда **Густав II-Адольф** (1594–1632) ўз қўшинлари билан Померанияга тушиб, Германияга қарши уруш бошлади. Унинг армияси жуда катта бўлмаса-да, жангларда чиниққан ва қатор янгиликларни жорий қилган армия эди. Густав II-Адольф Германияга протестантларни зулмдан ҳалос қилиш шиори остида келди. Протестантлар яшайдиган немис ерларининг қувватлашига эришган Густав II-Адольф 1631 йил сентябрида Лейпциг яқинидаги **Брейтенфельд қишлоғида** бўлган жангда Тилли армиясига ҳалокатли талафот етказди. 1632 йил баҳорида Аугсбург ёнидаги жангда эса император қўшинларини тор-мор қилди. Шу жангда ярадор бўлган Тилли ҳалок бўлди. 1632 йил май ойида Густав II-Адольф қўшинлари Бавариянинг пойтахти **Мюнхенни** эгаллади. Урушдаги бундай бурилишдан кўрқиб кетган Фердинанд II Валленштейнга мурожаат қилиб, армия қўмондонлигини таклиф қилди. Маълум шартлар асосида таклифни қабул қилган Валленштейн армияни мустаҳкамлашга муваффақ бўлди.

Бу пайтга келиб швед армиясининг ҳам таркиби ўзгариб, илгариги жанговарлигини йўқотган эди. Шунга қарамасдан **1632 йил ноябрь** ойида Лейпциг яқинидаги **Люцен** шаҳри остонасида шведлар ғалаба қозонишди, Валленштейн Чехияга чекинишга мажбур бўлди. Аммо жангда Густав II-Адольф ҳалок бўлди. Валленштейн императорни огоҳлантирмасдан Швеция, Франция ва Саксония билан музокаралар олиб борди. Уни сотқинликда гумон қилган Фердинанд II қўмондонликдан четлатди. 1634 йили Валленштейн императорга содиқ зобитлар томонидан ўлдирилди.

1634 йил кузида жанговарлигини йўқотган швед армияси **Нердлинген** ёнидаги жангда қаттиқ мағлубиятга учради. Айни пайтда император Саксония курфюрсти билан ҳам шартнома тузиш учун музокаралар олиб борди. Шартнома **1635 йил Прагада** имзоланди. Унга кўра император Саксония ҳудудида Реституцион эдиктнинг жорий қилинмаслигини эълон қилди. Натижада шимолий протестант князликлари ҳам тинчлик сулҳига қўшилишди. Бу яна Габсбурглар учун қулай сиёсий ҳолатни вужудга келтирди.

Урушнинг тўртинчи (франко-швед) даври (1636–1648). Барча кўшимча имкониятлар тугаганини сезган Франция урушга ўзи киришга қарор қилди. У Швеция билан иттифокни тиклаб, барча йўналишлар бўйича фаол дипломатик ҳаракатларни бошлаб юборди. Бирлашган Провинциялар республикаси Испанияга қарши ўзининг халоскорлик урушини давом эттирди ва қатор муваффақиятларга эришди. Мантуя, Савойя, Венеция ва Трансильвания князлиги франко-швед иттифоқини қувватлади. Польша нейтрал, аммо Францияга дўстона позицияни эгаллади. Россия имтиёзли шартлар билан Швецияни арпа, селитра (порох тайёрлаш учун), каноп пояси ва кема қуриладиган ёғоч билан таъминлаб турди.

Урушнинг охири даврида томонларнинг кучлари, ҳам молия, ҳам одам ресурслари тугаб бораётгани сезила бошлади. 40-йилларга келиб французлар ва шведларнинг устунлиги кўриниб қолди. Аммо Швеция билан Дания рақобати натижасида улар ўртасида бошланган уруш (1643–1645) иттифоқчиларнинг шароитини оғирлаштирди. Вафот этган Ришельё ўрнига келган Жулио Мазарини (1602–1661) Швеция билан Дания ўртасидаги можарони ҳал этиш учун анча куч сарфлади.

Айни пайтда, 1646 йили иттифоқчилар кўшинлари Жанубий Чехиядаги Янкове яқинидаги жангда император ва Бавария кўшинларини тор-мор қилиб, Прага ва Венага хавф сола бошлади. Император Фердинанд III (1637–1657) урушнинг бой берилганлигини тушунди.

Ўттиз йиллик урушнинг бориши

1618–1624 йиллар Чех босқичи	1618 йил 1620 йил 1621 йил	Прага аҳолиси империянинг католик-ноибини ўлдирди. Католиклар Чехияга бостириб кирдилар. Император Пфальцни бошқаришни католик-князга топширди, уруш маҳаллий можародан умумимперия тўқнашувига айланди.
1625–1629 йиллар Дания босқичи	1625 йил 1629 йил	Дания протестантлар томонда урушга кирди. Шимолий Германияда католиклар протестантларни тор-мор қилдилар, Дания урушдан чиқарилди.

1630–1635 йиллар Швед босқичи	1630 йил	Швеция протестантлар томонда урушга кирди.
	1632 йил	Швед қўшинлари католикларни тор-мор қилиб, Германиянинг катта худудини эгаллади.
	1634 йил	Шведлар Жанубий Германиядан қувиб чиқарилди.
	1635 йил	Протестантларнинг асосий қисми католиклар билан Прага тинчлик сулҳини имзоладилар.
1635–1648 йиллар Франко-швед босқичи	1636 йил	Шведлар католикларга катта зарба бердилар.
	1637 йил	Прага тинчлик сулҳига деярли барча католиклар қўшилдилар.
	1638 йил	Франция Швеция тарафда урушга кирди.
	1645 йил	Протестантлар католикларни тор-мор қилиб, Венага яқинлашдилар.
	1648 йил	Католиклар армияси тўлиқ йўқ килинди.

1644 йили Мюнстерда конгресс бошланиб унда император билан Франция ўртасида музокаралар олиб борилди.

1645 йил Вестфалиянинг яна бир шахри – Оснабрюкда Германия – Швеция музокаралари бошланди. Айна пайтда борган сари мақсадсиз бўлиб бораётган уруш давом эттирилди.

Вестфаль тинчлик сулҳи. Чехияда бошланган уруш бутун Марказий Европани камраб олиб, ўттиз йил давом этди. 1648 йил Вестфалиянинг Мюнстер ва Оснабрюк шаҳарларида имзоланган тинчлик шартномаси фақат ўн уч йиллик урушга сиёсий яқун ясамасдан, Реформация кучлари билан уларнинг душманлари ўртасидаги қарама-қаршиликнинг бутун бир даврини ҳам яқунлади. Тинчлик сулҳи иккала томоннинг ҳам мажбурий келишувининг маҳсули бўлиб, Европа давлатлари тизимига ва Германиядаги ҳолатга анчагина ўзгартишлар киритди.

Вестфаль сулҳига биноан Швеция бутун Фарбий Померанияни (Штеттин порти билан), Шаркий Помераниянинг кичик қисмини, Рюген ва Волин ороллари, шунингдек, Померан бўғозини атроф-қирғоқдаги шаҳарлар билан қўшиб олди. Швед қироли Померан герцоги сифатида империя ишларига тўғридан-тўғри аралашиб имкониятини ҳам қўлга киритди. Империядан товон тариқасида Бремен архиепископлиги ва Ферден, Мекленбургдаги Висмар шахри ва

катта миқдордаги пул ҳам Швецияга берилди, Шимолий Германиянинг йирик дарёлари Везер, Эльба ва Одер Швеция назорати остига тушди. Швеция Европанинг буюк давлатига айланди ва Болтиқ денгизида хукмрон бўлишдек мақсадини амалга оширди.

Франция мамлакатда парламент фронтасининг бошланганлиги сабабли урушнинг умумий сиёсий натижаси билан қаноатланиб, империя ерларидан бир қисмини қўшиб олиш билан чекланди. Унга Эльзас (Страсбургдан ташқари), Зундгау, Хагенау ерлари қўшилди, учта Лотарингия епископликлари – Мец, Туль ва Верден устидан ўз ҳуқуқи яна бир бор таъкидланди. Империянинг 10 та шахри Франция ҳомийлиги остида қолди.

Қўшма Провинциялар Республикаси ўз мустақиллигининг халқаро эътирофини қўлга киритди. Мюнстер шартномасига биноан унинг суверенитети, ҳудуди ва Антверпен шахри мақоми ҳал этилди.

Швейцария иттифоқи ҳам ўз суверенитетининг эътирофига эришди. Германиянинг майда князликлари ҳисобига ўз ерларини кенгайтириб ҳам олди. Вестфаль сулҳи яна икки юз йилга Германиянинг сиёсий тарқоқлигини белгилаб берди.

1648 йил 24 октябрда Мюнстерда имзоланган тинчлик шартномаси Германия тарихида энг узок давом этган ўттиз йиллик урушга яқун ясади.

Уруш Германия учун ҳақиқий миллий халокат бўлди. У халқнинг силласини қуритди ва ривожланишни узок вақт ортга сурди. Уруш хали 1525 йили дехқонларнинг маглубияти билан ва савдо йўлларининг ғарбга силжиши туфайли бошланган Германиянинг иқтисодий, сиёсий ва маданий таназулини чуқурлаштирди ва тезлаштирди. Уруш оқибатида мамлакат вайронага айланган, бутун бошли вилоятлар мутлақо аҳолисиз қолган, бошқалари эса аҳолисининг ярмини ва, ҳатто, ундан ҳам кўпроғини йўқотган эди. Иқтисодий инқироз маданиятнинг умумий пасайишига, ахлоқнинг қўполлашувига олиб келди. Ҳаммадан кўпроқ қишлоқ аҳолиси зарар кўрди. Шимолий ва Шимоли-Шарқий Германияда ҳайдаладиган ерларнинг ярмидан кўпроғи ташландик бўлиб қолди.

Эльба дарёсидан шарқда экин экилаётган ерларда дехқонлар крепостнойликка маҳкум қилинди. Дехқонлар кўплаб мажбуриятларни бажаришар, энг оғири – ҳафтасига беш-олти кунгача етаётган баршчина, яъни хўжайиннинг ерида ишлаб бериш эди.

Германиянинг ғарбий ҳудудларида деҳқонлар помещчикнинг мулкига айлантирилмади. Бу ерларда рентанинг асосий шакли пул билан тўланадиган оброк эди. Деҳқонларнинг кўпчилиги маълум ерга эга бўлиб қолаверди.

Ўттиз йиллик уруш мобайнида саноат ва савдонинг кескин пасайиши немис шаҳарларининг сиёсий мавқеини ҳам тушириб юборди. Урушдан сўнг муҳим дарёлар – Одер, Везер ва Эльба устидан ҳукмронликнинг Швецияга ўтиши мамлакатнинг иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатди. Шаҳарлар ўртасида савдо алоқалари қийинлашди. Чет эл товарларининг Германияга кўплаб келтирилиши эса саноатнинг ўсишига катта путур етказди. Немис савдогарлари инглиз ва голланд савдогарларининг воситачисига айланиб қолди. Кўпчилик шаҳарлар князларнинг мулки бўлиб қолди ва ўз эгаларининг мавқеига мос тарзда ривожланди. Янги типдаги шаҳарлар – князларнинг қароргоҳлари пайдо бўлди. Улар ичида Берлин (Бранденбург), Мюнхен (Бавария), Дрезден (Саксония) кабилар бошқа шаҳарларга нисбатан тез ривожланди. Ўттиз йиллик урушнинг оқибатлари то XVIII асргача сезилиб турди.

XVII аср иккинчи ярмида Германиянинг сиёсий ҳолати. Вестфаль тинчлик сулҳидан кейинги Германиянинг сиёсий харитаси жудаям ранг-баранг эди: дунёвий ва диний ҳукмдорларнинг ерлари, озод шаҳарлар ва империя рицарларининг сони Ўттиз йиллик урушдан олдингига нисбатан анча кўпайди. Ўша пайтда, йилда қанча кун бўлса, Германияда шунча давлат бор дейишарди. Аслида эса давлатлар сони бундан ҳам кўп эди. Уч юздан зиёд князликлардан ташқари яна юзлаб рицарларнинг майда мустақил ёки ярим мустақил ерлари мавжуд эди.

Германиянинг бирлиги номигагина эди, холос. «Герман миллатининг муқаддас Рим империяси» деб аталувчи бу давлат, Вольтер сўзлари билан айтганда муқаддас ҳам эмас, империя ҳам эмасди ва герман миллатини бирлаштирмади ҳам. Бу фуқароларсиз империя эди. Саксония, Бавария ва Франкфуртнинг фуқаролари бўлган бир пайтда герман империясининг фуқаролари йўқ эди. Бу ҳокимиятсиз империя эди, Габсбурглар хонадонидан бўлган император ўзининг Австриядаги ерларидан ташқарида ҳеч қандай реал ҳокимиятга эга эмасди. Бу империянинг давлат ташкилотлари ҳам йўқ эди. Империя сейми ёки рейхстаг ҳеч қандай якуний қарорлар қабул қилмас, қабул қилганда ҳам унинг қарорлари мажбурий эмасди.

Император Венада, рейхстаг – Регенсбургда, империя суди эса Вецдарда жойлашган эди. Бундай шароитда майда князликлар нафақат ички, балки ташқи сиёсатда ҳам мустақилликка интилишарди. Улар ўз иқтисодий мустақилликларини мустаҳкамлаш учун ҳар қандай усулни лойиқ ҳисоблашарди. Масалан, XVII аср охириги эллик йилида немис князликлари Англияга 46,5 млн фунт стерлинга, Францияга 137 млн ливрга аскарлар сотишган. Немис тарихчиси Франц Мерингнинг ёзишича, ўша пайтдаги немис князларининг маънавий қашшоқлиги ва мислсиз пасткашлигига жаҳон тарихидан бошқа мисол топиш қийин.

Германиянинг халқаро аҳволи. Ички бошбошдоклик XVII аср иккинчи ярмида Германияни Европанинг йирик давлатлари қўлида кўғирчоққа айлантириб қўйди.

Германияга душманлик кайфиятида бўлган энг хавфли давлатлар – шимолда Швеция, ғарбда – Франция ва жанубий-шарқда – Туркия эди.

Ўттиз йиллик урушдан сўнг ҳам, Германияда тинчлик ўрнатилмади. Унинг ҳудуди кўплаб қирғинбарот тўқнашувлар майдонига айланди. 1648 йилдан кейинги ўтган етмиш йилдан зиёд вақт давомида Германия ўнта урушда қатнашиб, бу урушлар 65 йил давом этди. Бундан ташқари, Герман давлатлари қатнашмаган бошқа бир қатор урушларда ҳам немис ерлари урушаётган томонларнинг жанг майдонига айлантирилди. Кучли давлатлар, энг аввало, Франция империяга қарашли ерларни турли йўллар билан босиб ола бошлади.

1667–1668 йиллари Франция билан Голландия, Англия ва Швеция ўртасидаги уруш Аахен сулҳи билан якунланди. Бу сулҳга кўра империя таркибига кирувчи Фландриядаги қатор шаҳарлар Франция таркибига қўшиб олинди.

1672 йили Франция ва Голландия ўртасида бошланган уруш ҳам 1679 йили Нимвеген сулҳи билан якунланди. Бу сулҳга биноан ҳам Франция Рейндаги ўз позициясини мустаҳкамлади. Унинг тазйиқи остида Бранденбург князлиги Помераниянинг бир қисмини ва Одер дарёсининг юқори оқимидаги ерларни Швецияга берди. 1681 йилги Регенсбург келишувига биноан бу аннексия тан олинди.

Европада Франция гегемонлигига барҳам бериш мақсадида унга қарши Голландия, Испания, Швеция, қатор немис давлатлари (Бавария, Пфальц, Саксония) ва Англиядан иборат коалиция тузилди.

Улар ўртасидаги 1687 йили бошланган уруш ўн йил давом этди. Урушнинг асосий оғирлиги яна Германия халқлари гарданига тушди, чунки уруш ҳаракатлари Германия ҳудудида олиб борилди.

1697 йилги Рисвик сулҳига биноан Страсбург ва Рейн дарёсининг чап қирғоғи Франция кўлида қолди. Аммо Франция Рейннинг ўнг қирғоғидаги империя шаҳарлари – Фрейбург ва Брейзагдан воз кечишга мажбур бўлди. Туркия ҳам шу йиллари асосан Австрия ерларига хавф солаётган бўлса-да, Германия учун ҳам реал хавф мавжуд эди.

Франция томонидан қўллаб-қувватланган Туркия қўшинлари 1683 йили Венани қамал қилдилар. Герман рейхстаги туркларга қарши курашиш лозимлиги тўғрисида ўз тарихида ягона яқдил қарор қабул қилди ва миллий-озодлик армияси тузилди. Герман давлатлари, Австрия ва поляк қўшинлари Польша қироли Ян Собеский (1629–1696) кўмондонлигида 1683 йил сентябрда Вена остоналарида турк қўшинларини тор-мор қилди. Бу ғалаба фақат Марказий Европани турклар хавфидан халос қилиб қолмасдан, бошқа босиб олинган ерлардан ҳам туркларни аста-секин сиқиб чиқариш жараёнини бошлаб берди.

1699 йилги Карловица тинчлик сулҳига кўра Туркия деярли бутун Венгрияни, Трансильванияни, Хорватиянинг катта қисмини ва бошқа бир қатор ҳудудларни тарк этди.

Туркия устидан қозонилган бу ғалаба Германияни хавфли душмандан халос қилиб қолмасдан, венгер ва славян халқларини ҳам турклар зулмидан озод қилди. Бироқ улар шу даврдан бошлаб қарийб икки юз йил Габсбурглар монархияси зулми остида қолди.

XVII–XVIII асрларда Бранденбург-Пруссия. XVII–XVIII асрларда Германия тарқоқлик оқибатида империя ерларига ҳукмронлик қилиш учун курашаётган иккита кучли давлат – Австрия ва Бранденбург курфюрстлиги (1240 йилдан пойтахти Берлин шаҳри) ажралиб чиқди.

Гогенцоллернларнинг Бранденбург курфюрстлиги XVII аср бошларида Польша қиролидан Пруссия герцоглигини (собик Тевтон ордени ерлари) олди ва Прусс герцоги бўлиб Польшага вассалликни қабул қилди. Кейинчалик Бранденбург Германиянинг ғарбидаги ерларни (Рейн ерларида) қўлга киритди ҳамда ўттиз йиллик урушдан сўнг эса Шарқий Помераниянинг бир қисмини ва бошқа ҳудудларни ҳам эгаллади.

Аммо Бранденбург давлатининг худуди учта алоҳида, бир-бири билан туташ бўлмаган ерлардан ташкил топган эди. Бранденбург – Германиянинг марказида, Пруссия герцоглиги – шарқда ва Рейн ерлари ғарбда жойлашган эди. Гогенцоллернларнинг сиёсати шу худудий тарқокликни бартараф қилишга қаратилди.

Бранденбургнинг мавқеини мустаҳкамлаш учун муҳим қадамлар Фридрих-Вильгельм ҳукмронлик қилган йиллари (1640–1688) кўйилди.

XVII аср 60-йилларидаги халқаро низолар пайтида Фридрих-Вильгельм даставвал Швеция томонида бўлади ва Болтиқ денгизидаги савдода бир қатор имтиёзларга эришгач, Польша томонига ўтади ва бунинг учун Польша қироли уни вассалликдан озод этади. 1657 йили Польша Пруссиянинг суверенитетини тан олди.

Оқилона ташқи сиёсат юргизган Фридрих III (1688–1713) испан тахти учун бўлган уруш (1701–1714) ва Шимолий уруш (1700–1721) йилларидаги шароитдан фойдаланиб Пруссияни қиролликка айлантириш учун император руҳсатини олди. 1701 йилдан бошлаб Бранденбург курфюрстлиги Пруссия қироллиги бўлиб, курфюрст Фридрих III Пруссия қироли Фридрих I бўлиб олди.

Пруссиянинг юксалишига фақат қулай халқаро шароит эмас, балки немис давлатларининг кучсизлиги ҳам сабаб бўлди.

Мамлакат иқтисодиёти ҳам юксалиб борди. Пруссияда катта ер эгаллиги ва крепостной тузум ҳукмрон бўлиб, катта ер эгалари Европанинг илғор мамлакатларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш билан шуғулланар эди. Юнкерлар (катта ер эгалари шундай аталган) прусс қиролларининг асосий таянчи бўлганлиги сабабли қатор имтиёзларга эга эди. Улар ғалладан олинадиган солиқ ва бошқа йиғимлардан озод қилинган, мамлакатдан ғалла, жун ва бошқа маҳсулотлар олиб чиқишда имтиёзга эга эдилар. Бундан ташқари қатор тоифавий имтиёзлар ҳам мавжуд эди.

Прусс давлатида армия алоҳида роль ўйнайди. Армия фақат ташқи сиёсат қуролигина бўлиб қолмасдан, ички крепостной тузумни ушлаб туришда ҳам муҳим восита бўлиб қолди.

Армия нуфузининг ошиб бориши натижасида Пруссия милитаристик давлатга айланди. XVIII аср охирида у худуди жиҳатидан Европада учинчи ўринни, аҳоли сони бўйича – ўн иккинчи ўринни эгалласа, армиянинг сони жиҳатидан тўртинчи ўринда турарди.

Пруссия саноати жуда секинлик билан ривожланди. Асосан армияга хизмат кўрсатувчи соҳаларгина ўсиб борди.

Пруссиянинг ички – солиқ, божхона ва аграр сиёсати ҳам ягона мақсадга – мамлакатни милитаризациялашга, унинг ҳарбий кудратини оширишга қаратилган эди. Аммо кучли армия тузган Фридрих-Вильгельм I ундан ўз мақсадида фойдаланмади.

1740 йили тахтга келган қирол **Фридрих II** ҳукмронлик қилган йиллари (1740–1786) Пруссияда абсолютизм ўзининг энг юқори чўққисига етди. Милитаризм ҳам ўзининг яқунланган кўринишига эга бўлиб, прусс армияси сон жиҳатидан Европанинг энг катта армиясига айланди.

Ўзини маърифатчилик тарафдори ҳисоблаган **Фридрих II маърифатли абсолютизм** руҳидаги қатор ислоҳотларни ўтказишга жазм қилди. Бироқ бу ислоҳотларнинг аксарияти қоғоздагина қолиб кетди.

Фридрих II ҳукмронлик қилган даврда Пруссия бир қатор урушларда иштирок этди. Дастлаб 1740–1748 йиллари Австрия тахти учун бўлган урушда иштироқи Пруссиянинг Австрия, Франция ва Буюк Британия билан муносабатларини мураккаблаштирди.

Фридрих II нинг Марказий Европада Австрия билан рақобатлашуви уни **Карл VI** нинг қизи Мария Терезани Австрия тахтининг вориси деб тан олишга берган ваъдасидан воз кечишга олиб келди.

Танаффуслар билан давом этган уруш 1748 йили Аахен сулҳи билан яқунланди. Унга кўра Габсбурглар ўзларининг кўплаб ерларини сақлаб қолди, аммо деярли бутун Силезия Пруссия таркибига ўтди. Бу эса Пруссиянинг Европадаги мавқеини янада мустаҳкамлади.

1756 йили бошланган **Етти йиллик урушда** қатнашиш Пруссияга катта муваффақият келтирмади. У Буюк Британия ва Португалия билан биргаликда **Франция, Австрия, Швеция, Россия, Саксония** ва Испанияга қарши курашиб, 1757 йил ноябрь ва декабрь ойларида Австрия ва Франция қўшинларини мағлуб этган бўлса-да, 1759 йили Кунерсдорф ёнида рус қўшинларига мағлуб бўлди, 1760 йили руслар маълум муддатга ҳатто Берлинни ҳам эгаллашди. Фақат иттифоқчилар орасидаги келишмовчилик ва рус тахтига келган **Петр III** нинг сиёсатигина Пруссияни батамом ҳалокатдан сақлаб қолди.

Етти йиллик уруш натижасига кўра, **1763 йилги Губертсбург сулҳига** биноан Пруссия фақат Силезиянигина ўзида сақлаб қолди.

1772 йили Польшанинг биринчи тақсимланишидан сўнг Висла дарёсининг куйи оқимидаги ерларга (Гданьск шаҳридан ташқари) эга бўлиб, ўз мавқеини янада мустаҳкамлади.

Фридрих II ҳукмронлигининг охирига келиб Пруссия ерлари 118,9 минг кв² дан 194,8 минг кв²га кенгайди, аҳолиси эса икки баробардан ҳам ошиб, 2 млн 240 минг кишидан 5 млн 430 минг кишига етди. Пруссия Европанинг кудратли давлатларидан бирига айланди.

* * *

Шундай қилиб, ушбу даврда Германияда миллий-сиёсий бирлик ҳали шаклланмаган эди. У ўрта асрлардагидек «Герман миллатининг Муқаддас Рим империяси», яъни юзлаб мустақил князликларнинг жуда омонат бирикмаси бўлиб қолаётган эди. Бундан ташқари, империяга гегемонлик қилаётган Австрия таркибига кирувчи бошқа миллатлар ўзларининг Германияниқидан фарқли бўлган тарихий тақдири, алоҳида миллий маданиятлари, иқтисодий ва сиёсий тараққиёт йўлига эга эдилар.

Шунга қарамасдан, XVIII асрда, жуда секинлик билан бўлсада, немис миллатининг шаклланиш жараёни давом этди. Мамлакат сиёсий жиҳатдан ҳали ҳам тарқоқ бўлиб, XVIII асрнинг биринчи ярмида унинг турли ҳудудлари орасида иқтисодий алоқалар ҳам жуда суст эди. Кейинчалик, иқтисодий ҳаётнинг жонланиши билан ягона миллий бозор шаклланиб борди, аммо Германиянинг тарқоқлиги бунга ҳамон тўсиқ бўлиб қолаверди.

IX боб бўйича саволлар

1. Германиядаги сиёсий тарқоқликнинг асосий сабаблари нимада эди?
2. Халқаро савдо йўлларининг Атлантик океанига кўчиши нима учун Ганза иттифоқи шаҳарларининг инқирозига олиб келди?
3. Ўттиз йиллик урушнинг бошланишига нималар сабаб бўлди? Уруш Германия иқтисодини қандай оқибатларга олиб келди?
4. Вестфаль тинчлик сулҳи Ўттиз йиллик урушнинг қандай муҳим натижаларини тасдиқлади?
5. Уруш Германиянинг кейинги икки юз йиллик тақдирида қандай роль ўйнади?
6. Герман давлатлари орасида Австрия ва Пруссиянинг роли иқтисодий ва сиёсий тараққиётга қандай таъсир кўрсатди?
7. Польшанинг биринчи тақсимланишида Пруссиянинг роли қандай бўлди?

Х БО Б. XVII–XVIII АСРЛАРДА ГАБСБУРГЛАР ИМПЕРИЯСИ

XVII–XVIII асрларда Габсбурглар сулоласига қарашли ерлар деярли тинимсиз кенгайиб борди ва Габсбурглар давлати Европанинг энг катта давлатларидан бирига айланди. Ўттиз йиллик уруш бу жараёни тўхтатган бўлсада, Габсбурглар нафақат «Герман миллатининг муқаддас Рим империяси императори» деган формал унвонни, балки майда давлатлардан иборат Германиянинг ички ишларига аралашуш ҳуқуқи ва шу минтақадаги сиёсий таъсирини ҳам сақлаб қолди. Империя ҳудудининг жуда катталигига қарамасдан унинг маркази ва сулола қудратининг манбаи Австрия ерлари, Чехия ва Силезия эди.

Австриянинг юксалиш сабабларидан бири шундаки, у яқин кўшниларидан олдинроқ абсолют монархияга асосланган марказлашган давлатни ташкил қила олди. Бу давлатга ҳали XVI асрдаёқ Максимилиан I (1459–1519) ўтказган ислохотлар туфайли асос солинган ва XVII асрда Фердинанд II ва унинг ворислари томонидан мустаҳкамланган эди. Марказлашган давлатнинг ташкил топиши ва Австриянинг кучайишига яна бир сабаб, то XVII асрнинг охиригача сақланиб турган Туркия босқини хавфи эди.

Бутун XVII аср давомида юз берган қиргинбарот урушлар ҳамда савдо йўлларининг Ўрта Ер денгизи ҳавзасидан Атлантик океани томон силжиши Австриянинг иқтисодий ҳаётига салбий таъсир кўрсатди. Ҳунармандчиликдан мануфактура ишлаб чиқаришига ўтишнинг жуда секинлиги оқибатида саноатнинг бир пайтлар ўта ривожланган тармоқлари ҳам деярли тўхтаб қолди. Фақат қуролсозлик, тоғ-қон ва металлга ишлов бериш соҳалари ўз маҳсулотларини Голландия, Англия ва Россияга сотганлиги туфайли ривожланиш суръатини сақлаб қолдилар.

XVI асрдаги деҳқонларнинг кўзғолонлари бостирилгандан сўнг зодагонлар деҳқонлардан олинадиган солиқлар ва бошқа мажбуриятларнинг миқдорини ошириш сиёсатини олиб борди. Аммо мамлакатнинг ғарбий ҳудудларида деҳқонларни қайтадан қарам қилишга зодагонларнинг қурби етмади. Улар озод ҳисобланар, бир қисмининг эса авлоддан-авлодга мерос қолувчи ерлари ҳам бор эди. Бундан ташқари ижарачи деҳқонлар, қирғоқ бўйларида жойлашган эргаш деҳқонлар ҳам мавжуд эди. Австриядаги деҳқончиликнинг Венгрия,

Силезия ва Чехиядагидан фарқи шунда эдики, бу ерда йирик помешчик хўжаликлари эмас, асосан, деҳқонларнинг майда хўжаликлари ривожланган, помешчиклар эса улардан пул ва маҳсулот шаклида солиқ олар эди. Деҳқонлар давлат фойдасига фавқулодда деб аталувчи солиқ ҳам тўлашар, бу солиқнинг миқдори ҳар йили тоифавий йиғин томонидан белгиланарди. XVII асрда ҳукумат доимий ва аниқ миқдорда тўланадиган янги солиқ – «контрибуция»ни жорий қилади. Бу даврда ҳам ҳар хил солиқлар ва мажбуриятларга қарши ов қилиш ва балиқ тутиш ҳамда ўрмонлар ва бошқа жамоа ерларидан фойдаланиш ҳуқуқларини тиклаш учун деҳқонларнинг қўзғолонлари бўлиб турди.

XVII аср охири – XVIII аср бошларидаги урушлар. Ўттиз йиллик уруш ва Вестфаль тинчлик сулҳи Австриянинг ташқи сиёсати ва халқаро обрўсига катта ўзгаришлар киритди. Ғарбий Европада янги ерларни босиб олишнинг мумкин эмаслиги яққол кўриниб қолди. Ўзининг асрий рақиби Франция билан рақобат кун тартибидан олиб ташланмаса-да, энди Австрия Шарққа, ҳукмронлиги борган сари кучсизланиб бораётган Усманийлар империяси эгаллаб турган ерларга ўз нигоҳини қаратди. 1664 йили Монтекукколи қўмондонлигидаги австрияликлар армияси турк қўшинлари устидан дастлабки йирик ғалабани қўлга киритди. Аммо Сен-Готард ёнидаги бу ғалаба ривожлантирилмади ва мустаҳкамланмади. Император Леопольд I (1640–1705) тинчлик сулҳини тузишга шошилди. Натижада вужудга келган имкониятдан турклар янги урушга тайёргарлик кўриш учун фойдаланди. Французлар томонидан гижгижлатилган Туркия 1683 йили уруш ҳаракатларини янгидан бошлаб, ёмон қуролланган ва тайёргарлик кўрмаган Австрия қўшинларини мағлубиятга учратди ва 10 июль кун Венани қамал қилдилар. Австрия ҳалокат ёқасига келиб қолди. Польша қироли Ян Собеский қўшинларининг ёрдами Австрияни муқаррар ҳалокатдан қутқарибгина қолмасдан, турклар босқини хавфидан бутунлай ҳалос қилди. «Муқаддас лига» (Ватикан, Венеция, Польша) томонидан қўллаб-қувватланган Австрия энди бирин-кетин ғалабаларга эришиб, 1685 йили Буда ҳудудини ва Венгриянинг катта қисмини эгаллади, икки йилдан сўнг эса Трансильвания ва Сербия ҳудудига кириб борди. Туркия билан уруш қарийб 10 йил давом этди. 1697 йил ёш шахзода ва ўз даврининг қобилиятли саркардаси Евгений

Савойский¹ Зента (Венгрия) ёнидаги жангда ҳал қилувчи ғалабага эришди. 1699 йилнинг бошида Карловица тинчлик сулҳи имзоланиб, унга кўра бутун Венгрия, Трансильвания ва Хорватия Габсбурглар ҳукмронлиги остига ўтди

XVIII аср бошларида Австрия бутун Европани қамраб олган испан тахти учун бўлган урушда (1701–1714) қатнашди. Бу уруш Габсбурглар учун шуниси билан қийинлашдики, у венгер халқининг Австрия истибдодига қарши Ракоци II бошчилигидаги кўзғолони (1703–1711) билан бир пайтга тўғри келди. Уруш бошланганидан икки йил кейин Бавария билан Франциянинг бирлашган кўшинлари Венгрия кўшинлари билан кўшилиш мақсадида Австриянинг Тироль провинциясига бостириб кирди. Фақат Тироль халқининг қаршилиги француз-бавар армиясини тўхтатиб қолди ва бу Австрия ҳамда Англия армиясига хужумга ўтиш имкониятини берди. 1704 йил 13 август куни шаҳзода Евгений ва герцог Мальборо кўмондонлигидаги Австрия-Англия кўшинлари француз-бавар армиясини тор-мор келтирди. Шу тариқа урушнинг боришида бурилиш ясалди. 1713–1714 йиллари Утрехт ва Раштадтда тинчлик шартномалари имзоланиб, Италиянинг катта қисми (Неаполь, Милан, Сардиния), Бельгия ва Рейннинг баъзи ҳудудлари (Фрейбург) Габсбурглар империясига кўшиб олинди.

Орадан икки йил ўтгач австрияликлар туркларга қарши янги уруш бошлади ва ўзлари учун ниҳоятда фойдали бўлган Пожаревац сулҳини имзолашга туркларни мажбур қилди. Австрия Босния ва Сербиянинг бир қисмини (Белград шаҳри билан), Словения ва Валахиянинг катта қисмини, шунингдек, Банатни (Темешвар шаҳри билан) ўз таркибига кўшиб олди. Энг муҳими эса, Усманийлар империясининг ҳамма ҳудудида божсиз савдо қилиш ва Дунай дарёси, Қора ва Ўрта Ер денгизларида Австрия кемаларининг эркин сузиш ҳуқуқини қўлга киритди. Шундай қилиб, XVIII асрнинг дастлабки ўн йиллигида Австрия ўз қудратининг чўққисига эришди.

Саноат, қишлоқ хўжалиги ва савдо. Ислохотларнинг бошланиши. XVIII асрга келиб жуда катта ҳудудни эгаллаган империянинг турли жойларида иқтисодий ва маданий ривожланиш даражаси ҳар хил эди. Феодал ер эгаларининг ҳукмронлиги ҳам мамлакат иқтисодининг ривожига тўсқинлик қилаётган эди. Тўхтовсиз олиб

¹ Евгений Савойский – (1663–1736) шаҳзода, немис саркардаси, генералиссимус, келиб чиқиши француз.

борилган урушлар туфайли давлат бюджетидаги камомад ҳам йил сайин ўсиб борди. Давлат хазинасини тўлдириш мақсадида XVIII аср бошларидан ҳукумат Чехия, Моравия, Силезия, кейин эса Венгрияни талаш сиёсатини олиб борди. Бу ҳудудлар хазинага Австриянинг ўзига қараганда анча кўп солиқ тўлашга мажбур эдилар. Аммо на солиқларнинг оширилиши, на кўшимча пул чиқариш ва на сарой харажатларини чеклаш кутилган натижани бермади.

XVII асрнинг 80-йилларидан Австрияда меркантилизм¹ ғоялари тарқала бошлайди. Меркантилизмнинг Австрия мактаби намояндalари (улар камералистлар деб аталган) иқтисодий ислохотларнинг бутун дастурини олға сурдилар.

Ислохотлар дастури Иосиф I (1705–1711) ва Карл VI (1711–1740) даврида амалга оширилди. XVIII аср бошида янги ташкил қилинган мануфактураларни молиялаш мақсадида Давлат банки ташкил қилинди. 1719 йили ҳукумат Фиум ва Триест портларини очиқ портлар деб эълон қилди ҳамда уларни мамлакатнинг ички ҳудудлари билан боғлайдиган йўллар қурилишини бошлади. Шу йиллари Адриатика денгизидаги Австрия флотига асос солинди. Ислохотлар саноатнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Эски мануфактуралар билан бир қаторда фабрика типидagi янги йирик мануфактуралар пайдо бўлди. Цех тузилишига қарши ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилди. 1725 йили император шогирдларнинг дипломсиз ва цехлардан ташқарида ҳунармандчилик билан шуғулланишига рухсат берувчи декрет эълон қилди. 1731 йили Карл VI томонидан чиқарилган декрет эса барча цехларнинг саноат фаолиятини маҳаллий ҳокимиятлар назорати остига қўйди.

XVIII асрдаги иқтисодий юксалиш секинлик билан бўлса-да, кишлок хўжалигида ҳам юз берди. Картошка, беда, маккажўхори сингари янги экинларнинг пайдо бўлиши, ўғитларнинг қўлланилиши, уч далали экиш тизимидан воз кечилиши хўжаликнинг интенсив ривожланишига олиб келди. Айни пайтда кишлокда табақаланиш кучайиб, бой деҳқонлар ва мутлақо мулксиз камбағалларнинг

¹ Меркантилизм (французча *mercantilisme*, латинча *mercante* – сотувчи, савдогар) – феодализмнинг инқирози ва капитализмнинг шаклланиши даврида савдо буржуазиясининг манфаатларини ақс эттирувчи иқтисодий таълимот ва иқтисодий сиёсат. Меркантилистлар бойликнинг асосий манбаи ишлаб чиқариш эмас, айланма капиталнинг кўплиги деб ҳисоблаганлар ва бойликни пул капиталининг кўплигида деб билганлар. Шу сабабли четга товар чиқариб, мамлакатда пулни (олтин ва кумуш) кўпайтириш фаровонликка хизмат қилади деган принципга асосланганлар.

сони ортиб борди. Ерсиз қолган камбағаллар ҳисобига қишлоқда ёлланма ишчилар сони ошди.

Австрия тахти учун уруш. 1740 йили Карл VI нинг вафотидан сўнг Габсбурглар сулоласида эркак киши қолмади. Буни олдиндан ҳисобга олган Габсбурглар 1723 йили Прагматик санкция деб ата- лувчи ҳужжат қабул қилади. Унга биноан тахт ворислиги жинсидан қатъи назар, сулоланинг ёши катта вакилига ўтар эди. Бу ҳужжат, шунингдек, Габсбурглар давлати чегараларининг дахлсизлиги ва биринчи навбатда Австрия, Чехия ва Венгриядан иборат ҳудуднинг бўлинмаслигини ҳам эълон қилди. Аммо бу ҳужжатни қўшни дав- латлар, айниқса, Габсбургларнинг асосий рақиблари бўлган Прус- сия ва Франциянинг дипломатик тан олиши оғир кечди.

1740 йили 23 ёшли Мария Тереза тахтга келганда Австрияга қарши Франция, Испания, Бавария, Савой ва Пруссиядан иборат коалиция ташкил қилиниб, улар Австрия тахтига Бавария кур- фюрстини ўтказиш ва империянинг асосий ерларини бўлиб олиш ҳақида келишиб олган эдилар. Шу тариқа Европада Австрия тахти учун уруш бошланди. Австриянинг иттифоқчилари бўлган Россия ва Буюк Британия деярли ёрдам кўрсата олмадилар (Россия Швеция билан урушаётган эди). Фақат 40 минг кишилиқ венгерлар армияси- гина Мария Терезани ва бутун империяни ҳалокатдан сақлаб қолди. 1748 йилги Аахен сулҳига кўра Мария Тереза тахтни ўзида сақлаб қолди, Бельгияни қайтариб олди, аммо Парма ва Италиянинг бошқа бир қатор ҳудудларини Испанияга, энг оғири эса Силезияни Прус- сияга беришга мажбур бўлди.

«Маърифатли абсолютизм». *Мария Тереза ислоҳотлари.* Мария Тереза (1740–1780) ва Иосиф II (1780–1790) ҳукмронлик йиллари Австрия тарихида «Маърифатли абсолютизм» деб аталади. Бу даврда бир қатор ислоҳотлар ўтказилиб, улардан асосий мақсад абсолют монархияни ривожланиб бораётган бозор муносабатлари манфаатларига мослаштириш ва янги ижтимоий муносабатлар- га кенг йўл очиш, айти пайтда зодагонларнинг етакчилик ролини сақлаб қолиш эди. Ислоҳотларни ўтказишда француз маърифатпар- варлари, айниқса, Вольтернинг ғоявий меросидан унумли фойдала- нилди.

Ўтказилган ҳарбий ислоҳотлар натижасида марказлаштирилган рекрут йўли билан доимий тўлдирилиб боровчи мунтазам армия шаклланди. Молия ислоҳотидаги асосий йўналиш солиқ соҳасидаги

эски феодал имтиёзларни бекор қилиш ва умуман солиқ ҳуқуқини шаклланиб келаётган бозор муносабатларига мослаштиришдан иборат бўлди. Зодагон ва руҳонийларнинг солиқ соҳасидаги имтиёзлари бекор қилинди, янги меросдан олинадиган солиқ ва жон бош солиги жорий қилинди. Меросдан олинадиган солиқдан тушган маблағ мактаблар қурилишига сарфланадиган бўлди.

Капиталистик муносабатларнинг ривожланишида 1775 йили ички божхона чегараларининг, турли-туман божларнинг бекор қилиниши катта аҳамиятга эга бўлди. Янги қонунга биноан мамлакатга киритиладиган хомашёга жуда паст, зеб-зийнат маҳсулотларига эса анча юқори бож тўлови ўрнатилди. Ароқ ва винонинг зеб-зийнат қаторига киритилиши Мария Терезанинг халқ орасидаги обрўйига путур етказди.

Ҳарбий ва молиявий ислохотларнинг амалга оширилиши давлат аппаратида ҳам ўзгаришлар бўлишига, бюрократик марказлашувнинг кучайишига, ҳисоб ва назорат тизимининг такомиллашуви-га олиб келди. Мария Тереза даврида Австрия тарихида биринчи марта ерларнинг тўлиқ рўйхатга олиниши ўтказилиб, бу аҳоли сони ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиш имконини берди. Унга кўра Габсбурглар империясида 25 миллион киши, шундан 13 миллиони Австрия ва Чехияда яшар эди.

Қишлоқ хўжалигида ўтказилган ислохотлар натижасида қишлоқда ҳам капиталистик муносабатлар шакллана бошлади. Айниқса ернинг товар сифатида сотилишига рухсат берадиган фармоннинг эълон қилиниши бу жараёни тезлаштирди. Абсолют давлат фақат саноат ва савдони рағбатлантириш билан чекланиб қолмади. Мария Тереза даврида маориф ва таълим соҳасида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Унинг ислохотлари натижасида Австрия Европада биринчилардан бўлиб давлат субсидияси ҳисобига бутун бошли мактаблар тизимини қуришга киришди, савдо ва саноат учун мутахассислар тайёрлайдиган махсус техник билим юртлари пайдо бўлди. Табиий фанлар, айниқса, тиббиёт соҳасида катта муваффақиятларга эришилди. Бу даврда Австрия жаҳон маданиятига фақат йирик олимлари билангина эмас, Вольфганг Амадей Моцарт ва Йозеф Гайдн сингари буюк композиторлари билан ҳам ҳисса қўшди.

Иосиф II ислохотлари. Мария Терезанинг ислохотларини унинг ўғли Иосиф II (1780–1790) муваффақият билан давом эттирди.

1781 йил 1 ноябрда Иосиф II Чехия, Моравия, Силезия ва Галицияда крепостной ҳуқуқни бекор қилиш ҳақида ўзининг биринчи фармони («Фуқаролар ҳақида патент») қабул қилади. Кейинги йиллари бу қонун Штирия, Каринтия, Крайна ва Венгрияга ҳам жорий қилинди. Бу қонун қишлоқда капиталистик муносабатларнинг янада ривожланиши учун катта туртки бўлди.

Маъмурий-ҳудудий соҳада ўтказилган ислоҳотлар ўлкаларнинг автономиясига чек қўйишга қаратилган эди. Шу мақсадда бугун мамлакат 13 та вилоятга бўлиниб, уларни марказдан тайинланадиган амалдорлар бошқарадиган бўлди. Марказлаштириш сиёсати Венгрия, Трансильвания, Галиция ва бошқа ҳудудларни колониаллаштириш билан қўшиб олиб борилди. Минглаб жанубий германиялик ва австриялик немислар бу ҳудудларга кўчирилди. 1784 йили барча маъмурий органларда немис тилини қўллашнинг мажбурийлиги тўғрисида фармон чиқарилди.

Императорнинг диний бағрикенглик тўғрисидаги декрети анча прогрессив характерга эга эди. Бу декрет протестант ва грек-православ черковига нисбатан қўлланилиб келинган барча камситишларни бекор қилди. Шунингдек, яҳудийларни ҳуқуқ жиҳатидан тенглаштириш, маълум касбларни эгаллашга бўлган чеклашни бекор қилиш ва геттоларни¹ тақиқлаш тўғрисидаги қонун ҳам катта ижобий ҳодиса бўлди.

Маданият ва маърифатни ривожлантириш учун Иосиф томонидан амалга оширилган тадбирлар, хусусан, князлар ва католик черковидан цензура ҳуқуқининг олиниши; тақиқланган адабиётлар рўйхатининг қисқартирилиши; ноширларга ҳомийлик қилиш; кутубхона ва ўқув заллари ташкил қилиш; 6–12 ёшли болаларнинг умумий мажбурий таълимини жорий қилишга ҳаракат катта аҳамиятга эга бўлди. Бироқ Иосиф ислоҳотларининг кўпчилиги кейинчалик, айниқса, француз инқилобининг кўрқуви остида бекор қилинди.

XVII аср 2-ярми – XVIII асрларда Венгрия. Венгриянинг Габсбурглар империяси таркибига кирган қисмида XVII асрда товар ишлаб чиқариш ва товар-пул муносабатлари янада ривожланди. Бу Европа мамлакатларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши билан боғлиқ эди. Бироқ қишлоқ хўжалигидаги бу ўсиш илғор ишлаб чиқариш усуллари жорий қилиш эвазига

¹ *Гетто* – яҳудийларнинг бошқалардан ажралган ҳолда яшашлари учун махсус ташкил қилинган ҳудуд.

эмас, асосан, деҳқонларни эксплуатация қилиш эвазига юз берди. Кўплаб пул ва маҳсулот тарзидаги йиғимлардан ташқари деҳқонлар йилига 102 кунгача ер эгаси фойдасига ишлаб беришлари ҳам лозим эди. Бу қийинчиликлар Венгрияда протестантликнинг ҳар хил кўринишлари тарқалишига сабаб бўлди. Натижада диний маросимлардан лотин тили сиқиб чиқарилиб, венгер тили ва маданияти ривожлана бошлади. Католиклар Австриясининг бу жараёнга қаршилик кўрсатганлиги сабабли Трансильвания ва Шарқий Венгриядаги миллий-озодлик ҳаракати католицизмга қарши ҳаракат билан уйғунлашиб кетди. Бу айниқса мафкура, маданият ва маърифат соҳаларида кескин намоён бўлди.

Венгрия миллий-озодлик ҳаракати XVII асрдаги Ўттиз йиллик уруш даврида анчагина муваффақиятларга эришди. Бу даврда Трансильванияга ҳукмдорлик қилган иқтидорли саркарда ва мохир давлат арбоби князь Габор Бетлен (1613–1629) Габсбургларнинг Фарбдаги қийинчиликларидан фойдаланиб ва Франция, Швеция ҳамда Габсбургларнинг бошқа душманлари билан шартнома тузиб, австриялик генераллар устидан қатор галаба қозонишга ва мамлакатнинг анча қисмини озод қилишга муваффақ бўлди. Аммо Г. Бетленнинг ворислари олиб борган кучсиз сиёсат натижасида ҳамда Австрия билан Усманийлар империяси ўртасида имзоланган Варшава шартномасига (1663) биноан Венгрия яна 30 йил турклар қўл остида қолди.

1670 йили мамлакатнинг шарқий ҳудудлари ва Словакияда бошланган кўзғолон ҳам миллий-озодлик характерида эди. 1678 йили бу ҳаракат ташкилий тус олиб, унга Имре Тёкёли бошчилик қилгандан сўнг икки йил ичида Шарқий Венгриянинг катта қисми ва Словакия озод қилинди. Габсбурглар императори Леопольд I нинг қарори билан 1681 йили Шопронда сейм чақирилди, губернаторлик бекор қилиниб, маҳаллий бошқарув органи сайланадиган бўлди, шаҳарларнинг ўз-ўзини бошқариши тан олинди ва протестантлик динига эркинлик берилди. Венгер халқининг туркларга қарши миллий-озодлик ҳаракати охириги босқичга етди. Венгер, словак ва бошқа халқлар вакиллари кўмагида Австрия армияси мамлакатни озод қилишга киришди. Австрия-Туркия уруши Венгриянинг тўлиқ озод қилиниши (Тисса ва Марош дарёлари оралиғидаги ерлар ва Тимешваридан ташқари) ва 1699 йили Карловицада тинчлик сулҳи имзоланиши билан якунланди. Айни пайтда Венгрияда Габсбурглар

хукмронлиги мустаҳкамланди. 1686 йили йиғилган Давлат кенгаши (сейм) Габсбурглар сулоласи эркак вакилларининг Венгрия тахтига ҳуқуқини тасдиқловчи қонун қабул қилди. Қирол конституцияни бузган ҳолларда унга қарши қуроли қаршилик кўрсатиш ҳуқуқини берувчи «Олтин булла» деб аталувчи параграфдан венгер зодагонлари ўз ихтиёрлари билан воз кечдилар. Трансильвания дастлаб вассал князликка, 1690 йилдан эса Габсбургларнинг мулкига айлантирилди. Турклар зулмидан озод бўлган венгерлар яна узоқ вақт Габсбурглар ҳукмронлиги остида қолди.

Венгер халқининг миллий-озодлик ҳаракати XVII аср охири — XVIII аср бошларида ҳам тўхтамади. Кўплаб ташқи ва ички урушлар натижасида Венгрия аҳолиси 150 йил ичида 1 миллион кишига камайиб кетди ва XVIII аср 1-чорагида 3–3,5 миллион кишини ташкил қилди.

XVIII аср бошларида, 1703–1711 йиллари, Ракоци II (Ференц) (1676–1735) бошчилигидаги озодлик ҳаракати бир қатор муваффақиятларга эришган бўлса-да, оқибат — натижада мағлуб бўлди. 1711 йилги Сатмар тинчлик сулҳи Венгрияда Габсбурглар ҳукмронлигини яна узоқ йилларга расмийлаштирди.

Мария Тереза ва Иосиф II нинг «Маърифатли абсолютизм» йилларида Венгрияда олиб борилган сиёсат венгерларнинг миллий давлатчилиги ва маданиятини йўқ қилишга, ягона марказлашган Австрия давлатини тузишга қаратилган эди. Иосиф II даврида Давлат кенгаши чақирилмай қўйди, маҳаллий зодагонлар ҳоқимиятдан четлаштирилди, мамлакат 10 та округга бўлиниб, бюрократик аппарат ёрдамида бошқариладиган бўлди, немис тили давлат тили деб эълон қилинди. Буларнинг ҳаммаси венгер жамиятини ғзабга келтирди.

* * *

Шундай қилиб, XVIII аср охирига келиб Габсбурглар империясида олиб борилган ислохотлар натижасида крепостной ҳуқуқ бекор қилинган, кишиларнинг аҳволини яхшилашга қаратилган бошқа бир қатор ишлар амалга оширилган бўлсада, тўхтовсиз урушлар ва миллий-озодлик ҳаракатлари империянинг қудратига путур етказди. Айниқса Буюк Француз буржуа инқилобидан сўнг унинг таъсиридан кўрққан ҳукумат бир қатор ижобий ислохотларни бекор қилишга мажбур бўлди.

Х боб бўйича саволлар

1. Ўттиз йиллик уруш ва Вестфаль тинчлик сулҳи Габсбурглар давлатининг ташқи сиёсатига қандай ўзгаришлар киритди?
2. Аахен сулҳи Австриянинг кейинги тараққиётига қандай таъсир қилди?
3. Австрия тахти учун кечган урушнинг асосий сабаби нимада эди ва уруш натижаси Габсбурглар империясининг кейинги ривожига қандай таъсир кўрсатди?
4. Иосиф I ва Карл VI давридаги ислохотларнинг моҳияти нимадан иборат эди? Мария Тереза ва Иосиф II давридаги ислохотлар-чи?
5. Меркантилизм сиёсатининг Австрия иқтисодиётига таъсири қандай бўлди?
6. Венгрия ва Словакияда миллий-озодлик ҳаракатларининг бошланишига нима сабаб бўлди?

ХІ БОБ. XVI–XVIII АСРЛАРДА РОССИЯ

Марказлашган давлатнинг ташкил топиши

1480 йили қарийб 250 йил давом этган мўғул истибдодига барҳам берилиб, рус ерларининг бирлашиш жараёни бошланди¹. Мўғуллар зулмидан озод бўлиш мустақил князликларни бўйсундириш билан бирга олиб борилди. 1478 йили Новгород, 1485 йили Тверь, 1510 йили Псков, 1520 йили Рязань ерлари Москвага бўйсундирилиб, рус ерларининг сиёсий бирлашуви асосан яқунланди. Марказлаштириш жараёнида кўпмиллатли давлат шаклланди. Москва давлати таркибига кареллар, ижорлар, водилар, вепслар, саамлар, коми ва ненецларнинг ерлари ҳам бирлашди. Кейинчалик, Волга бўйи забт этилгандан сўнг у ердаги татарлар, марилар, мордвалар ва чувашлар ҳам шу давлат таркибига кирди.

XVI аср бошларида – 1503 йили Северск ерлари: Чернигов, Стародуб, Рильск, Путивль, Гомель, Новгород Северский ва бошқалар, ҳаммаси бўлиб 25 та шаҳар ва 70 та волость, 1514 йили Смоленск ерлари бирлаштирилди.

Марказлашган давлат ташкил топиши жараёнида Россияда самодержавие² бошқарув усули шаклланди. XV аср охиридаги хужжатларда биринчи марта мамлакат Россия деб атала бошланди.

¹ Ҳозирда рус тарихчиларининг ҳам тан олиб ёзишларича, рус ерларининг мўғуллар истибдодидан озод бўлишида 1399 йил Ворскла дарёси ёнидаги жангда Литва ва Олтин Ўрда бирлашган қўшинлари устидан Амир Темур қўшинларининг галабаси катта роль ўйнаган.

² *Самодержавие* – монархия давлат тузумининг Россияга хос шакли.

Аста-секин марказий бошқарув тизими шаклланди. Боярлар думаси фаолиятини давом эттирди. Марказий давлатнинг ҳукумат идоралари – приказлар вужудга келди.

1497 йили Судебник (қонунлар мажмуи) ишлаб чиқилди ва унга биноан мавжуд мулкчилик шакли ҳамда аҳолининг табақавий мақоми расмийлаштирилди. Судебник крепостной деҳқонларнинг бир ер эгасидан бошқасига ўтишини йилига бир кун – Юрьев куни (26 ноябрь) билан чеклаб қўйди.

Қўшиннинг характери ўзгарди. Илгари феодалларнинг алоҳида дружиналаридан ташкил топган қўшинда энди бош ролни зодагон лашкарлари ўйнай бошлади.

XVI аср 30–40-йилларидаги боярлар гуруҳлари – Шуйскийлар, Бельскийлар ва Глинскийлар ўртасидаги ҳокимият учун кураш мамлакатни оғир аҳволга олиб келди. Натижада кучайиб бораётган дворянлар талабига кўра бир қатор ислохотлар бошланди. Ислохотлар бошида Адашев, Сильвестер, Курлябев кабилар турди. 1550 йили янги Судебник қабул қилинди. 1549 йилдан эса Земский соборларнинг чақирилиши бошланган бўлиб, унда дворянлар ҳал қилувчи овозга эга эди. Ислохотлар натижасида Россия самодержавиеси табақали вакиллик монархиясининг бир қанча кўринишларига эга бўлди.

Шунга қарамай, 50-йиллардаги ислохотлар боярларнинг кудратини бироз сусайтирган бўлсада, уларнинг қаршиликларига барҳам бермади. Улар томонидан фитналар давом эттирилди. Натижада 1564 йили подшо Иван IV (Грозный) томонидан муҳим сиёсий тадбир ўтказилиб, бу тадбир тарихда опричнина номини олди.

Опричнина сиёсатининг моҳияти нимада эди?

Иван IV марказлашган давлат тизимида умумий ерлардан катта қисмини ажратиб олади. Бу ерлар подшо ерлари ёки опричнина деб аталди. Опричнинага муҳим савдо йўллари, стратегик жиҳатдан аҳамиятли бўлган чегара ҳудудлари киритилди. Барча шаҳар ва уездлардан кўнгилли бўлиб опричнинага ёзилмаган князлар, боярлар, дворянлар ва ҳукумат одамлари зўрлик билан кўчирилди.

Опричнина князь ва боярларнинг ҳукмронлигига қарши қаратилган, уларни бўйсундиришга йўналтирилган сиёсат бўлиб, у ўта шафқатсизлик билан олиб борилди. Ўн минглаб оддий одамлар ҳам қурбон бўлди. Опричнина подшо қўлидаги кучли ҳарбий жазо ташкилотига айланди. Иван IV олиб борган опричнина сиёсати на-

тижасида феодал ер эгаларининг ижтимоий таркиби ўзгарди, холос. Ерларнинг дворянлар фойдасига қайта тақсимланиши юз берди.

1572 йил кузида опричнина бекор қилинди.

1584 йили подшо Иван Грозний вафот этди. Тахтга ворис бўлиб унинг Фёдор ва Дмитрий исмли ўғиллари келди. Фёдорнинг ҳокимиятга келиши билан унинг ақлий лаёқатсизлиги туфайли боярларнинг таъсири кучайди. 1591 йили шахзода Дмитрий вафот этади. 1598 йили эса Фёдор ҳам оламдан ўтди. Фёдорнинг ўлими билан Россияда 700 йил ҳукмронлик қилган Рюриковлар сулоласи тугади.

Мураккаб сиёсий курашлар ва фитналар натижасида Земский собор Борис Годуновни (1598–1605) подшо қилиб сайлайди. У тахтни мерос қилиб эмас, сайлаш йўли билан олган дастлабки рус подшоҳи эди. Борис Годунов рухонийларни ўзига оғдириш мақсадида Москва митрополитига патриарх мақомини берди. Унгача Русда патриархлар бўлмаган.

Шунга қарамасдан халқ орасида Иван IV нинг ўғли Дмитрий тириклиги ва у тахтни эгаллаши лозимлиги тўғрисида миш-миш тарқалади. 1605 йили Борис Годунов тўсатдан вафот этади ва ўз кўшинлари билан 1604 йилиёқ Москва остонасига келган сохта Дмитрий I тахтни эгаллайди. Кўп ўтмасдан сохта Дмитрий I ҳам ўлдирилади ва боярлар подшо қилиб Василий Шуйскийни (1552–1612) сайлашади. Аммо бу билан Рус давлатидаги бош-бошдоклик даври тугамади. Тез орада Польшада бошқа Дмитрий пайдо бўлди ва у ҳам Россия тахтига даъво қилди.

Рус тахти учун даъвогарлар кўпайиб бораётган бир пайтда шведлар ҳам шимолдан бостириб кирди. Смоленск ва Новгород ерлари шведлар қўл остида қолди.

1611 йили Нижний Новгородлик қишлоқ оқсоқоли Кузьма Минин (1616 йили вафот этган) ташаббуси билан халқ лашкари (ополчение) тузилиб унга ватанпарвар князь Д.М. Пожарский (1578–1642) кўмондонлик қилди, бир неча ой давом этган шиддатли жангларда К. Минин ва Д.М. Пожарскийлар юксак ҳарбий маҳорат намоиш қилишиб, 1612 йил 26 сентябрда Москвани поляк ва литва кўшинларидан батамом озод қилдилар. Шведларга қарши олиб борилган жанглар ҳам муваффақиятли бўлиб, 1617 йили Столбово (Тихвин яқинида) сулҳи билан якунланди. Сулҳга кўра, Швеция Новгород ерларини Россияга қайтариб берди. Аммо Фин

кўрфази қирғоқлари, Карел кўлтиғи, Нева дарёсининг қуйи оқими ва Ям шаҳри, Копорье, Иван-город, Карела ва Орешек шведлар кўлида қолди. 1617–1618 йиллари поляк-литва кўшинлари Москвага янги юриш бошлади, ammo Москвани ололмади. Уруш Деулина кишлоғида тўрт ярим йилга тузилган сулҳ билан яқунланди. Сулҳга кўра Смоленск ерлари ва Северск Украинаси ерларининг катта қисми Польша ихтиёрига ўтди.

1612 йили Москва озод қилингандан сўнг 1613 йилнинг январида Земский собор йиғилиб, янги подшо сайлади. Номзод этиб Иван Грознийнинг биринчи хотинининг қариндоши 16 ёшли Михаил Романов (1596–1645) кўрсатилди. Собор 1613 йил 21 февраль куни Михаил Романовни Руснинг янги подшоси қилиб сайлади. Шу кундан Романовлар сулоласининг ҳукмронлиги бошланиб, то 1917 йил февралигача давом этди.

XVII аср давомида Россия тарихида катта ўзгаришлар юз берди. Россия давлатининг чегаралари анча кенгайди. Ҳали аср бошларида йўқотилган ерлар қайтариб олинди. Чап қирғоқ Украина Киев шаҳри билан ва Запорожье вилояти Россияга қўшиб олинди. Сибирни ўзлаштириш давом этиб, рус ер очувчилари Тинч океанигача бордилар. Умуман XVII аср охирида чегаралар Қрим хонлиги, Шимолий Кавказ ва Қозогистонга туташди. Аҳоли сони ошиб, 10,5 млн кишига етди.

Пётр I нинг ислохотлари.

Россия империясининг шаклланиши

XVII аср охириги чораги Россия сиёсий тузумида абсолютизмга бурилиш йиллари бўлди. Самодержавиенинг чекланмаган ҳокимияти 1649 йилги Қонун билан расмийлаштирилган эди. Шу қонун билан мустақил сиёсий ролга интилаётган черков устидан ҳам самодержавие ҳукмронлиги ўрнатилди.

Шу билан бирга ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида юз бераётган ўзгаришлар XVIII аср биринчи чорағида яққол тус олди ва ўрта асрчилик Москва Руси Россия империясига айлана бошлади.

Россиянинг абсолютизмга ўтиши мамлакат сиёсий ҳаётининг турли жабҳаларида намоён бўлди: подшо мақоми ўзгарди; тоифавий вакиллик монархиясининг белгиси бўлган Земский собор барҳам топди; приказлар тизими такомиллашиб, боярлар думасининг таркиби ўзгарди; давлат аппаратида аҳоли турли қатлами вакиллари-

нинг роли орти ва ниҳоят, чор ҳукумати черков билан рақобатда ғолиб чиқди.

Абсолютизмнинг ўрнатилишига черков, хусусан, патриарх Никон ўз ҳаракатлари билан жиддий ғов бўлаётган эди. Саккиз йиллик ҳаракатлардан сўнг, 1666 йили бўлган черков йигини подшога маъкул қарор қабул қилди. Никон оддий монах қилиб монастырга жўнатилди.

XVII аср ўрталарида бўлиб ўтган шаҳар қўзғолонлари ҳам мамлакатдаги ички барқарорликка жиддий путур етказди. 1648 йили Москвада, 1650 йили Псков ва Новгородда ноннинг нархи ошганлиги муносабати билан қўзғолонлар бўлиб ўтди. 1662 йили Москвада бўлиб ўтган қўзғолон эса Мис қўзғолони номи билан маълум бўлиб, чўзилиб кетган Россия-Польша уруши оқибатида келиб чиққан оммавий қийинчиликлар сабабли юз берди. Умуман шу даврдаги қўзғолонларнинг энг кенг қамровлиси ва халқ норозилигининг энг даҳшатли ифодаси Степан Разин (1630–1671) бошчилигидаги қўзғолон бўлди. Қўзғолон 1667 йили Волга бўйида бошланиб, унда казаклардан ташқари Волга бўйи халқлари – мордвалар, татарлар, чувашлар ҳам иштирок этди. С. Разин бошчилигидаги қўзғолонни ҳам бошқалари сингари чор ҳукумати шафқатсизларча бостирди. 1671 йили С.Разин Москвада, Қизил майдонда осиб ўлдирилди.

Дехқонлар урушларидан кейин давлат миқёсида бир қатор тadbирлар амалга оширилди: армияда қатор ўзгаришлар қилинди; маҳаллий бошқарув тизими такомиллаштирилди ва бошқалар. Россия тарихида узоқ даврни қамраб олган давлатнинг марказлашуви жараёни натижасида XVII асрнинг охириги чорагига келиб мамлакат ўз тараққиётининг шундай босқичига етдики, энди абсолютизмга ўтиш учун имконият яратилди.

Россияда абсолютизмнинг ўрнатилиши, империянинг ташкил топиши бевосита Пётр I (1689–1725) фаолияти билан боғлиқ. Пётр I нинг барча ислохотлари ичида марказий ўринни давлат бошқарувининг ислохоти эгаллайди. Шимолий урушга тайёргарлик, янги армия ва флотнинг тузилиши давлат аппаратининг ҳажмини кенгайтириб, унинг кескин фаоллашувига олиб келди. Эски аппарат эса бундай катта иш ҳажми ва кескин бурилишни удалай олмасди. Ислохотларнинг асосий мақсади Шимолий урушда (1700–1721) ғолиб чиқишга қаратилган бўлиб, армия ва флотни таъминлаш бош масала эди. Шу мақсадда Пётр I 1708 йили маҳаллий

бошқарув ислохотини ўтказди. Янги маъмурий бўлинмалар – губерниялар жорий қилинди. Шу йили Москва, Петербург, Киев, Азов, Сибирь, Смоленск, Архангелск ва Қозон, сал кейин эса Астрахан, Нижний Новгород ва Рига губерниялари ташкил қилиниб, армия билан губерниялар ўртасида бевосита алоқа ўрнатилди. Бунда бюрократик аппарат кенгайтиб, илгариги «Приказ-уезд» тизими ўрнига «приказ (канцелярия) – губерния-провинция-уезд» тизими вужудга келди. Пётр I бюрократик аппарат ёрдамида давлат муаммоларини ҳал қилишга интилади.

Худди шу ғоя Сенатнинг тузилишида ҳам ўз ифодасини топди. XVIII аср бошларига келиб боярлар думаси амалда ўз фаолиятини тугатди. 1711 йили Боярлар думаси ўрнига Сенат – Олий давлат органи ташкил қилинди. Сенат молия ва савдони бошқаради, ташкилотлар ва амалдорлар фаолиятини назорат қилади, судлов жараёнини кузатади ҳамда янги қонунлар лойиҳасини тайёрлаш билан шуғулланади.

Пётр I қонун қабул қилиш ва уни амалга оширишга алоҳида эътибор беради. У қабул қилинган ва татбиқ этилган қонун ҳамма соҳада ўзгариш ясаши мумкин деб ҳисоблайди. Шунинг учун Пётр I давридаги қонунчилик умумий тартибга солиш, одамларнинг шахсий ҳаётига қўпол аралашини тенденциясига эга.

Армияда ҳам жиддий ўзгаришлар амалга оширилди. Унга 1699 йили қабул қилинган ҳарбий хизматни ўташ тўғрисидаги фармон асос бўлди. Фармонга биноан маълум сонли ҳовли битта аскар бериши лозим эди. 1705 йилдан улар «рекрут» деб атала бошланди. Ҳарбий хизматга олиш ҳар йили амалга оширилади. Шу асосда доимий рус армияси шаклланди. Армия ва флотга маълумотли зобитлар тайёрлаш учун ҳарбий мактаблар ва академия ташкил қилинди. Умуман Пётр I армияни мустаҳкамлашга шунчалар катта эътибор бердики, рус ҳарбий тарихчиси В.В. Лапиннинг образли қилиб айтишича, натижада армия давлат таркибида эмас, давлат армия таркибида бўлиб қолди. Пётр I ҳарбий қурилма ва интизомни барча фуқароларнинг ҳаётига жорий қилишга интилади. Подшо учун оддий ҳол бўлиб қолган урушлар (Пётр I 36 йиллик ҳукмронлигининг 28 йилини тўхтовсиз урушларда ўтказди) Пётр I ни армия энг мукамал ижтимоий тузилма ва ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида татбиқ қилишга лойиқ, деган фикрга олиб келди. Шу сабабли ҳарбийлар давлат бошқарувида ҳам фаол иштирок этади.

Пётр I бир қатор полициячилик тадбирларини ҳам амалга оширади. Масалан, у ўрнатган паспорт тизимига кўра биронта деҳқон ёки шаҳарлик ўрнатилган паспортсиз ўз яшаб турган жойини тарк этиши мумкин эмасди. Бу тизимни бузган шахс ўз-ўзидан жиноятчига айланади.

Шу даврда черков ислоҳоти ўтказилиб, патриархлик бошқаруви ўрнига коллегиял бошқарув усули – Синод жорий қилинди. Пётр I ўзини черковнинг ҳам бошлиғи деб эълон қилиб, унинг мустақиллигини йўқ қилди. Бундан ташқари, фуқаролар доимий черковга қатнашлари, ўзлари қилган гуноҳларни кечирилишини сўраб, черков хизматчисига мурожаат қилишлари лозим эди. Тавбанинг сир сақланишига қарамасдан, черков хизматчилари тавба қилганнинг жинояти ҳақида давлат органларига хабар беришга мажбур эди. Давлатнинг черков ва виждон ишларига бундай кўпол аралашуви жамиятнинг маънавий ривожига ҳалокатли таъсир кўрсатди. Хўрланган ва ҳақоратланганларни давлат зулмидан ҳимоя қилишнинг минг йиллик анъаналарига эга бўлган черков самодержавие манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат кўлидаги кўғирчокка айланди.

Умуман, рус тарихчиларининг ёзишича, Пётр I зўравонликни Россия шароити учун бошқаришнинг ягона маъқул усули деб ҳисоблаган. Шундан баъзи олимлар Россияда тоталитар тузум шаклланишини Пётр I фаолияти билан боғлашади.

Шуларга қарамасдан, Пётр I нинг ислоҳотлари даҳшатли қаттиққўллик билан ўтказилган бўлса-да, улар Россиянинг тарихий тақдирида муҳим роль ўйнади. У тузган ҳокимият органлари юз йиллаб фаолият кўрсатди. Масалан, Сенат 1711 йилдан 1917 йил декабргача, черковнинг синодли тузилиши 1721 йилдан 1918 йилгача, 1724 йили жорий қилинган жон солиғи тизими 1887 йилгача мавжуд бўлди. Пётр I нинг бошқа ислоҳотлари ҳам шундай тақдирга эга.

Пётр I вафотидан кейин қатор сарой тўнтаришлари амалга оширилиб, улар натижасида Екатерина I (1725–1727), Петр II (1727–1730), Анна Иоановна (1730–1740), Иван Антонович (1740–1741), Елизавета Петровна (1741–1761), Пётр III (1761–1762), Екатерина II (1762–1796) ва Павел I (1796–1801)лар тахтга келишди ва ҳукмронлик қилишди.

Бу даврга умумий тавсиф берадиган бўлсак, уни ислоҳотларнинг давом эттирилиши, Россия давлатининг мустақамланиш даври деб аташимиз мумкин. Тўғри, ислоҳотлар ҳам, Россия давлати

обрўсининг ошиши ҳам турли императорлар даврида ҳар хил суръат ва қатъийлик билан олиб борилди. Бироқ аср охирига келиб саноат ишлаб чиқаришнинг баъзи кўрсаткичлари бўйича Россия Европанинг Франция, Голландия, Пруссия каби мамлакатларидан олдинга чиқиб олди. 1767 йили мамлакатда 481 та мануфактура (асосан тўқимачилик) ва 182 та темир ва мис эритувчи заводлар ишлаётган эди.

XVIII аср 60-йилларида саноат ишчиларининг сони 220 минг киши бўлса, аср охирига келиб улар сони 400 минг кишидан ошди. Россияда ишчи кучи бозори шаклланди. Аммо халқнинг, айниқса, деҳқонларнинг аҳволи огирлигича қолаверди. Шу йиллари бир қанча кўзғолонлар бўлиб, улар ичида энг машҳури Емельян Пугачёв (1742–1775) бошчилигидаги (1773–1775) кўзғолондир. Кўзғолон жуда катта ҳудудга ёйилиши ва унда Россия таркибига кирган кўплаб халқларнинг қатнашишига қарамасдан, чор ҳукумати томонидан шафқатсизларча бостирилди. Бутун XVIII аср Россияда крепостной тузум ҳукмрон бўлиб қолаверди.

Ташқи сиёсат

XVI асрдан бошлаб Россия ташқи сиёсатининг асосини унга туташ бўлган ерлар ҳисобига мамлакатни кенгайтириш учун кураш ташкил қилади. Ғарбда Болтик денгизидан, шарқда Тинч океанигача бўлган жуда катта ҳудудни бўйсундириш, кучли давлатни барпо қилиш учун Россия икки ярим асрдан кўпроқ тўхтовсиз урушлар олиб борди.

Ҳали XVI аср ўрталаридаёқ шу ташқи сиёсат изчил амалга оширила бошланди. Бу даврда асосий диққат Шарққа қаратилди. Бунинг учун қулай шароит вужудга келган эди. Бир пайтлар Олтин Ўрда таркибига кирган, энди мустақил хонликлар якка-якка ҳолда рус кўшинлари ҳужумига бардош беролмасди. Дастлаб Қозон хонлигини бўйсундиришга ҳаракат қилинди. Қозонга қилинган биринчи юришлар (1547–1548 ва 1549–1550) муваффақиятсиз яқунланди. 1552 йилги учинчи юришда Қозон олинди. Охирги Қозон хони Ёдигар Магамел асир тушди ва тез орада христианликни қабул қилиб Россиянинг ғарбдаги урушларида фаол иштирок этди.

1556 йили Астрахан хонлиги босиб олинди. Ўз даврида Олтин Ўрдадан ажралиб чиққан яна бир хонлик – Нўғой хонлиги Россияга вассалликни тан олди.

1557 йили Бошқирдистонни Россия таркибига бирлаштириш яқунланди. Бошқирдларнинг фақат Сибирь хонлиги таркибидаги қисми Россиядан ташқарида қолди. Волга бўйининг бирлаштирилиши хунармандчилик, қишлоқ хўжалиги ва савдонинг ривожланиши учун яхши имконият яратди. Бундан ташқари Россиянинг сиёсий маъқеи мустақамланиб, салоҳияти ортди. 50-йиллари черкеслар, кабардинлар ва доғистонлик князлардан баъзилари ҳам Россия таркибига кирди.

50-йилларнинг 2-ярмидан бошлаб Россия ташқи сиёсатининг асосий йўналиши Болтиқ денгизига чиқиш бўлди. Бусиз Ғарбий Европа билан савдо муносабатларини кенгайтиришнинг иложи йўқ эди.

1558–1560-йиллари шу мақсадда Ливон орденига қарши олиб борилган урушнинг асосий натижаси шу бўлдики, Ливон ордени йўқ қилинди. Аммо шимолий Эстонияни шведлар, Эзель оролини данияликлар эгаллаб олди. Энди Литва, Польша, Швеция ва Дания биргаликда Ливониянинг Россия ҳукмронлиги остига тушмаслиги учун ҳаракат қилишди. Бу ҳаракат Ливония ерлари учун олиб борилган урушнинг кейинги тақдирини белгилади.

1582 йили Речь Посполита билан (1569 йилги Литва князлиги билан Польша қироллиги бирлашиб, Речь Посполита деб атала бошланди), 1583 йили эса Швеция билан сулҳ имзоланиб, бу сулҳлар шартига биноан Россия уруш давомида эгаллаган барча ерларидан маҳрум бўлди.

1590–1593 йиллари Швеция билан бўлган уруш 1595 йили тинчлик сулҳи билан яқунланди ва унга биноан Россия Ивангород, Ям, Опорье ва Карелни қайтариб олди.

Бутун XVII аср давомидаги фаол ташқи сиёсат учта мақсадга қаратилган эди: украин ва белорус халқлари билан бирлашиш; Болтиқ денгизи ва Қора денгизга чиқиш ва Россиянинг жанубий чегараларини Усманийлар империясининг вассали – Қрим хони босқинларидан муҳофаза қилиш. Аммо бу муаммоларни бирданига ҳал этиш учун Россиянинг XVII асрда имконияти етарли эмасди.

1654 йили Украина ва Шарқий Белоруссия Россияга қўшиб олинди. Аммо Украина ва Белоруссия ерлари учун уруш бутун XVII асрда давом этди.

XVI асрдаёқ бошланган Сибирни ўзлаштириш сиёсати XVII асрда давом эттирилди. XVI асрнинг 80–90-йилларида Ғарбий Сибирь

Россия таркибига кирган эди. XVII аср давомида руслар Ғарбий Сибирдан Тинч океани қирғоқларига, Камчатка ва Курил оролларига қараб силжишни давом эттирди. Шарққа қараб юриш янги ерлар очиш ва олтин ҳамда кумуш қидириш билан кишиларни ўзига жалб қилади.

1648 йили Семен Дежнёв (тах.1605–1673) Осиё билан Шимолий Американи ажратиб турувчи бўғозни очди. Шарққа қараб қилинган бошқа йўналишда Василий Поярков (тах.1610–1667) раҳбарлигидаги экспедиция Сибирнинг жанубий чегараси бўйлаб Амур дарёси орқали 1645 йили Охота денгизига чиқди, унинг қирғоқлари бўйлаб сузиб, кейинги йили Якутскага қайтиб келди. XVII аср ўрталарида Ерофей Хабаров (тах. 1603–1671) Амур бўйлаб Даурияга чиқди. Бу пайтда Сибирнинг маҳаллий аҳолиси уруғчилик тузумининг турли босқичларида эди. Этник гуруҳлар ичида энг катталари ёкутлар ва бурятлар бўлиб, уларда феодал тартиблар шакллана бошлаган эди. Амур хавзасининг ўтроқ аҳолиси даурлар, дюгерлар ва бошқалар ҳам деҳқончилик маданиятидан хабардор эдилар.

Шарққа қараб ҳаракат қилиш чоғида руслар қалъалар, таянч нуқталарни барпо қилдилар. 1619 йили Енисейск, 1628 йили Красноярск ва бошқа Сибирь шаҳарларига шундай асос солинди.

Маҳаллий аҳолидан олинадиган солиқ (ясак) натура шаклида бўлиб, айниқса, мўйна яхши баҳоланарди.

XVII аср охирига келиб Сибирнинг рус аҳолиси 150 минг кишига етади. Уларнинг кўпчилигини ҳукумат томонидан мажбурий кўчирилган деҳқонлар ташкил қилади. Улар аср охирида аҳолининг дон маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондирадиган ҳосил етиштира бошладилар. Айнан шу йиллари Сибирни жадал ўзлаштириш бошланди ва бу ҳудуд келажакда Россиянинг ғалла етиштирувчи ўлкаларидан бирига айланиши учун асос яратилди.

XVII аср охири – XVIII аср бошлари Россия тарихида, хусусан, ташқи сиёсатда муҳим давр ҳисобланади. Мамлакатнинг халқаро обрўсини мустаҳкамлаш мақсадида XVII аср охиридан Россияни кучли денгиз давлатига айлантириш учун ҳаракат бошланди. Бу мақсадни амалга ошириш борасидаги дастлабки ҳаракат Пётр I бошчилигидаги Азов юришлари бўлди. 1695 йил ёзида бошланган бу ҳаракат 1696 йил 18 июлда Азов қалъасининг рус кўшинлари томонидан эгалланиши билан якунланди. Аммо бу муваффақият Россияга денгизга чиқиш имконини бермади. Қора денгиз турклар

қўлида қолаверди. Азов юришларидан Россия олган фойда шу бўлдики, уруш тажрибаларидан келиб чиқиб, у йирик денгиз флотини қуришга киришди.

1697 йили Россия, Австрия ва Венеция ўртасида Туркияга қарши иттифок тузилади. Аммо бу иттифокқа Голландия ва Англиянинг қўшилмаганлиги туфайли Австрия билан Венеция ҳам турклар билан сепарат сулҳ тузишга интилди. Натижада Россия Польша ва Саксония билан Швецияга қарши иттифокқа бирлашди. Бу келишувга кейинчалик Дания ҳам қўшилиб, Шимолий иттифок вужудга келди. Шимолий иттифокнинг тузилиши Россия ташқи сиёсатида туб бурилиш бўлди – жанубдан денгизга йўл очиш режаси Болтик денгизига чиқиш билан алмаштирилди. Европада кучлар нисбати ҳам бунга қулай шароит яратди. Испан тахти муаммоси билан банд бўлган кучли давлатлар Швецияга ёрдам кўрсатиш имкониятига эга эмасдилар.

1700 йил августида Россия жанубий чегараларини хавфсизлантириш мақсадида Туркия билан 30 йиллик яраш сулҳини имзолади. Бу сулҳ шимолда фаол уруш ҳаракатлари олиб бориш имкониятини туғдирди ва Пётр I Швецияга қарши «Шимолий уруш» деб ном олган урушни бошлади. Уруш 21 йил давом этиб, 1721 йил май ойида Ништадт сулҳини имзолаш билан якунланади. Сулҳга кўра Лифландия, Эстландия, Нидруж ҳамда Эдель ва Даго ороллари Россияга ўтди. Швецияга Финляндия қайтарилди ва эгалланган ерлар учун Россия ҳақ тўлаш мажбуриятини олди. Бундан ташқари, уруш давомида рус армиясининг тажрибаси ортди, 1703 йил май ойида Нева дарёси қирғоғида янги пойтахт – Санкт-Петербургга асос солинди, 1709 йил Полтава ёнида шведлар устидан қозонилган ғалабадан сўнг Россиянинг халқаро обрўси ортди. Энг асосийси – Россия Болтик денгизига чиқди ва унда мустаҳкам ўрнашиб олди. Энди у катта халқаро майдонга чиқиб, йирик Европа давлатига айланди.

Шимолий уруш якунлангандан сўнг Россия Кавказ ортидаги сиёсатини фаоллаштира бошлайди. Пётр I нинг Каспий юришлари деб ном олган Кавказ ва Эронга қарши юришлар 1722 йил бошланиб, 1723 йил Санкт-Петербургда имзоланган шартнома билан якунланади. Унга кўра Эроннинг Каспий бўйидаги ерлари бир нечта шаҳарлари билан, шу жумладан Дербент Россияга ўтди. 1724 йили Туркия билан Константинополь шартномаси имзоланиб, унга кўра турк султони Россиянинг Каспий бўйида эгаллаган ерларини,

Россия эса султоннинг Фарбий Кавказ орти ерларига ҳуқуқини тан олди. Умуман юриш Россиянинг шу региондаги сиёсий мавқеини мустаҳкамлади.

XVIII аср 2-чорагида Россия ташқи сиёсатида Пётр I анъаналарини давом эттирди. Усманийлар империяси билан Қора денгиз учун кураш олиб борилди, украин ва белорус муаммоларини ўз фойдасига ҳал қилиш ва Шимолий уруш натижасида Болтик бўйида эришилган муваффақиятларни давом эттириш учун ҳаракат қилинди. Айтиш лозимки, Россиянинг иқтисодий ва маданий қолоқлиги туфайли бу даврда янада фаолроқ ташқи сиёсат юритиш имконияти бўлмади. Бундан ташқари Пётрдан кейинги даврда давлат аппаратида, энг аввало армияда чет элликларнинг, асосан, немисларнинг таъсири кучайиб кетди.

1735–1739 йиллардаги Россия – Туркия уруши натижасида Азов кўрғони, Ўнг қирғоқ Украинадаги кичик ҳудуд, Шимолий Кавказдаги Кабардин ерлари Россияга ўтди, 1711 йилги Прут сулҳи қисман бекор қилинди. Аммо Россия аввалгидай Азов ва Қора денгизларда флот сақлаш ҳуқуқини қўлга кирита олмади.

Шу даврдаги яна бир можаро – 1741–1743 йиллардаги рус-швед уруши эди. Уруш Або тинчлик сулҳи билан яқунланиб, Финляндиянинг кичик бир қисми Россия ихтиёрига ўтди. Асосийси эса Швеция Россиянинг Болтик бўйида эгаллаган ерларини яна бир марта тан олди.

XVIII аср иккинчи чорагидан Россиянинг Қозоғистонга таъсири кучайди. Бунда Россия Туркистон хонликлари ва Ҳиндистон ерларидан ўтган савдо йўллари эгаллашни мақсад қилиб қўйган эди. 1731 йили рус императори Анна Иоановна Қозоғистоннинг бир қисмини Россияга қабул қилиш ҳақида фармонни имзолайди. 1740–1743 йиллари Қозоғистоннинг марказий қисми ҳам Россия ихтиёрига ўтди.

XVIII аср 2-ярмида Россиянинг фаол ташқи сиёсати унинг 1756–1763 йиллардаги Етти йиллик урушда катнашиши билан боғлиқ. Урушга Россия 1757 йили кўшилди ва шу йили 19 август куни Гросс-Егерсдорф қишлоғи яқинида прусс қўшинларига катта талафот етказди.

1758 йилнинг бошларида рус қўшинлари Шарқий Пруссиянинг маркази Кёнигсберг (ҳозирги Калининград) шаҳрини ишғол қилишди.

1760 йилги ҳарбий кампаниянинг энг катта муваффақияти 27 сентябрь куни рус кўшинлари томонидан Берлиннинг олиниши бўлди. Фридрих II ҳалокат ёқасида турганди. Уни фақат Россия тахтига келган Пётр III нинг ҳаракатлари – Австрия билан иттифокнинг бузилиши, Пруссияда ҳарбий ҳаракатларнинг тўхтатилиши сақлаб қолди.

Етти йиллик урушда қатнашиш Россияга ҳудудий фойда келтирмаган бўлсада, Европада энг кучли ҳисобланган Пруссия армиясини мағлуб қилганлиги унинг сиёсий обрўсини, армиянинг эса ҳарбий маҳоратини оширди.

Етти йиллик урушдан кейин Россиянинг Европадаги асосий рақиби Франция бўлиб қолди. У Швеция, Речь Посполита ва Туркия иштирокида Россияга қарши «Шарқий тўсик» ташкил қилади. Асосий муаммо Речь Посполита ерлари бўлиб, бу давлатларнинг ҳар бири унда ўз манфаатини кўзлаб иш тутади.

Шундай мураккаб шароитда Россия Пруссия билан иттифок тузишга муваффақ бўлди. Екатерина II Речь Посполитанинг яхлитлигидан, Фридрих II эса ўни бўлиб олишдан манфаатдор эканлиги бу иттифокнинг тузилишига монелик қилмади.

1764 йили Россия ва Пруссия томонидан қўллаб-қувватланган С. Понятовский Польша кироли қилиб сайланди. Католик бўлмаганларнинг ҳуқуқи масаласи ҳам иттифокчилар фойдасига ҳал қилинди – энди католик бўлмаганлар ҳам Польшада давлат лавозимларини эгаллаш ҳуқуқига эга бўлди.

Речь Посполитадаги воқеаларни диққат билан кузатаётган Усмонийлар империяси у ердан Россия кўшинларининг олиб чиқиб кетилишини талаб қилди ва 1768 йили Россияга уруш эълон қилди. Урушнинг дастлабки йили турк кўшинлари Хотий, Ясси, Бухарест, Измаил ва Дунайдаги бошқа бир қанча қўрғонларни ташлаб кетишга мажбур бўлди. Денгизда талантли саркарда П.А. Румянцев (1725–1796) қўмондонлигидаги рус кўшинлари туркларга катта талафот етказди. Аммо Франция ва Австрия томонидан Туркиянинг қўлланиши Россияни музокара бошлашга ва Речь Посполитанинг бўлинишига розилик беришга мажбур қилди.

1772 йилги Конвенция Речь Посполитанинг биринчи бўлинишини расмийлаштирди. Унга биноан Галиция Австрияга, Поморье ва Буюк Польшанинг бир қисми Пруссияга, Шарқий Белоруссия Россияга ўтди.

Шу йили Туркия билан ҳам тинчлик музокаралари бошланди. Келишмовчиликларнинг асосий сабаби Қрим муаммоси эди. Россия Қримга мустақиллик берилишини талаб қилар, Туркия эса буни рад этарди.

Шундай ҳолатда иккала мамлакат ўртасида уруш ҳаракатлари бошланди. 1774 йил июнида А. Суворов¹ кўмондонлигидаги рус кўшинлари Козлуж яқинида турк кўшинларини мағлубиятга учратгандан сўнг музокаралар қайта бошланди. 1774 йил 10 июль куни Болгариянинг Кучукқайнаржи қишлоғида тинчлик шартномаси имзоланиб, унга биноан Керчь, Ёнқалъа ва Кабарда Россияга ўтди. Айна пайтда Россия Қора денгизда ҳарбий флот қуриш ҳуқуқини олди. Энди Россиянинг савдо кемалари бўғозлардан қаршиликсиз ўтадиган бўлди.

Бироқ 1775 йилиёқ икки давлат ўртасида Қрим хони масаласида яна келишмовчилик вужудга келади. Туркия Давлат-Гирейни, Россия эса Шагин-Гирейнинг номзодини қўллайди. Икки давлат ўртасидаги Қрим учун олиб борилган рақобат 1783 йил 8 апрель куни император Екатерина II нинг Қримни Россия таркибига қўшиб олиш тўғрисидаги фармони эълон қилиниши билан яқунланди.

Туркия Қримнинг Россияга қўшилганлигини тан олса-да, урушга жиддий тайёргарлик кўра бошлади. Англия, Франция ва Пруссия унинг бу ҳаракатини қувватлади.

1787 йил июлда Туркия султони дипломатик йўл орқали ўзининг Грузия ва Қримга ҳуқуқини Россиядан талаб қилди. Талабга жавоб олинмагач, ҳаракатлар бошлади. Аммо бирон-бир муваффақиятга эриша олмади.

Рус кўшинлари қуруқликда А.В. Суворов, денгизда Ф. Ушаков (1745–1817) кўмондонлигида бир қатор ғалабаларни қўлга киритади. 1790 йил 2 декабрь куни рус кўшинлари мустаҳкам қалъа – Измаил қалъасини эгаллашди. 1792 йил январда (эски ҳисоб билан 1791 йил декабрда) имзоланган Ясси сулҳига биноан Қримнинг Россия таркибига кирганлиги, Грузия устидан эса Россия протекторати ўрнатилганлиги расмийлаштирилди.

Бу давр Россия ташқи сиёсатида Польша катта ўрин эгаллайди. Айтиб ўтганимиздек, Речь Посполитанинг кучсизлиги уни биринчи марта бўлиб олиш имконини яратган эди.

¹ Суворов Александр Васильевич (1730–1800) – рус саркардаси ва миллий қахрамони, генерал-фельдмаршал, рус ҳарбий санъати асосчиларидан бири.

Айни пайтда Польшанинг кучайиши Пруссия, Австрия ва Россия манфаатларига мос келмасди. Речь Посполитанинг ички ишларига аралашиб учун уларда баҳона ҳам бор эди. Ҳақ шундаки, аввалги шартномаларга биноан Польшага конституциясини ўзгартириш ҳуқуқи берилмаган эди. Шунга қарамасдан у 1791 йил 3 май куни янги конституция қабул қилади. Бу Речь Посполитага рус ва прусс қўшинлари киритилиши учун, кейинчалик эса уни иккинчи бор бўлиш учун баҳона бўлиб хизмат қилди.

1793 йил январда имзоланган рус-прусс шартномасига биноан поляк ерлари – Гданьск, Торунь, Познань Пруссияга, Ўнг қирғоқ Украина билан Белоруссиянинг марказий қисми Россияга ўтди.

Речь Посполитанинг кейинги тақсимланиши у ерда миллий-озодлик ҳаракатининг авж олишига сабаб бўлди. Генерал Тадеуш Костюшко¹ бошчилигидаги бу ҳаракат 1794 йил кузида А.В. Суворов бошчилигидаги рус қўшинлари томонидан шафқатсизларча бостирилди.

Шундан сўнг, 1795 йили Речь Посполита учинчи бор бўлинди. Сандомир, Люблин ва Хелмин ерлари Австрияга, Краков Пруссияга ўтди. Белоруссиянинг ғарбий қисми, Ғарбий Волинь ерлари, Литва ва Курляндия герцоглиги Россияга қўшиб берилди. Речь Посполитанинг охириги қироли тахтдан воз кечиб, 1798 йил вафотигача Россияда яшади.

Речь Посполитадаги миллий-озодлик ҳаракати бостирилгандан кейин, 1795 йил охирида Россия, Англия ва Австрия ўртасида уч томонлама иттифоқ тузилди.

XVIII аср охирида Россия Европадаги урушларда фаол иштирок этди. 1797 йил Шимолий Италиядаги ҳарбий ҳаракатларда А.В. Суворов бошчилигидаги армия муваффақиятли қатнашди. Шу йили у армияси билан Сен-Готард домини орқали Альп тоғидан ошиб ўтиб, катта ҳарбий маҳорат намоиш қилди. Аммо Европада рус қўшинларига иттифоқчилар ёрдам кўрсатмаганлиги туфайли 1800 йили Павел I қўшинларни Россияга чақириб олди. Шу йили юқоридаги сабабга кўра Англия билан ҳам дипломатик муносабатлар узилди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, XVIII аср охирида, Павел I императорлик қилган йиллари Россия ташқи

¹ Костюшко, Анжсей Тадеуш Бонавентура (1746–1817) – Речь Посполита ва АҚШнинг давлат ва ҳарбий арбоби, АҚШ мустақиллиги учун уруш қатнашчиси.

сиёсатида кескин бурилиш юз берди: у Франция билан сулҳ тузиб, Англия ва Австрияга қарши иттифоққа бирлашади.

Рус миллатининг шаклланиши.

Маданият

Рус ерларининг бирлаштирилиши натижасида маданий алоқалар мустаҳкамланди ва рус маданиятининг ўсиши бошланди. Маданиятнинг ривожланиши иқтисодий юксалиш билан бирга рус миллатининг шаклланишига олиб келди.

Ҳали XV–XVI асрлардаёқ ерларнинг кенгайиши, ҳарбий соҳадаги эҳтиёжлар математика, асосан геометриянинг ривожланишига туртки бўлди. Соат механизмлари, сув ғилдираклар ва бошқалар кенг тарқалди. Рус кишисининг географик билимлари кенгайди. Тверлик савдогар Афанасий Никитин Ҳиндистонга саёҳат уюштирди. Рус дипломати Дмитрий Герасимов Ғарбий Европа олимларини Шимолий Двинадан Хитойга денгиз йўли борлиги тўғрисида огоҳ қилди. Руслар Америка, Молукк ороллари, Ҳиндихитой ва бошқалар тўғрисида маълумотга эга эдилар.

1564 йили Иван Фёдоров Русда китоб чоп этишга асос солди. Чўян қуйиш такомиллашди. Андрей Чохов томонидан қуйилган «Царь-пушка» бунинг ёрқин намунаси бўлди. Москвада Василий Блаженный ибодатхонасининг маҳобатли биноси қурилди, Буюк Иван қўнғироқхонаси бунёд этилди. Архитектор Фёдор Конь Москвада Белий Городнинг деворларини қурди.

XVII асрга келиб рус миллатининг шаклланиши учун имконият вужудга келди. Бунда асосий ва ҳал қилувчи омил мамлакатнинг иқтисодий юксалиши бўлиб, бу миллий алоқаларнинг кучайишига олиб келди.

Аста-секин маҳаллий диалектлар барҳам топиб, рус миллатининг тил бирлиги вужудга келди, ягона маданият шаклланди. Руснинг маданий бирлиги фольклорда, меъморчиликда, мусаввирлик санъатида, адабиёт ва илмий билимларнинг тарқалишида ўз ифодасини топди. Математика, механика, баллистика ва бошқа соҳалардаги билимлар кенгайди. Руслар Коперник астрономияси билан танишдилар.

Рус усталари биринчи бўлиб снаряд билан ўқланувчи тўпни, Кремль минорасига ўрнатилган кагта қўнғироқли соатни яратдилар.

Руслар айниқса география фани ривожига катта ҳисса қўшдилар. Улар фанда Сибирь, Узоқ Шарқ, Амур, Беринг бўғозини очдилар¹, Россиянинг дастлабки хариталарини яратдилар.

Умуман маданиятнинг юксалишига қарамасдан аҳолининг асосий қисми илмсизлик ва жаҳолат ботқоғида қолаётган эди. Шу сабабли XVIII асрдан бошлаб, Пётр I ислохотлари йилларида бир қатор мактаблар очилади. Москвадаги математика ва навигация фанлари мактаби, 1701 йили очилган артиллерия мактаби, 1707 йили очилган тиббиёт мактаби шулар жумласидандир. Москвадан ташқари Петербургда жарроҳлик билим юрти, Олонца ва Уралда тоғ-кон ишлари билим юртлари ташкил қилинди. Ҳамма гарнизонлар қошида аскар болалари учун мактаблар мавжуд эди. Махсус «хар хил тил» мактабларида таржимонлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Барча қатлам вакилларининг болалари ўқийдиган (крепостнойлардан ташқари) 42 «цифрли» деб аталувчи мактаблар ташкил қилиниб, уларда ёзиш ва ўқиш билан бир қаторда арифметика, география, тригонометрия каби фанлар ўқитилади. Бу мактабларда диний фанлар ўқитилмас, черков деярли ҳеч қандай таъсирга эга эмасди. Аммо барча ҳаракатларга қарамасдан техник саводли кишиларни тайёрлайдиган бошланғич мактабни ташкил қилиш ҳаракати муваффақият қозонмади.

Шунга қарамасдан фан ва маданият ривожидан давом этди. 1724 йили Пётр I Россия Фанлар академиясининг низомини тасдиқлади. Академия Пётр I нинг ўлиmidан сўнг очилди. Академия қошида гимназия ва университет ташкил қилинди. Университет таркибида учта факультет – ҳуқуқшунослик, тиббиёт (анатомия, химия, ботаника) ва фалсафа (аниқ ва экспериментал фанлар, тарих, археология) мавжуд эди. Петербург университети XVIII аср 60-йилларигача фаолият кўрсатди. Шу даврдан унинг ўрнини М.В. Ломоносовнинг² ҳаракатлари билан 1755 йили ташкил қилинган Москва университети эгаллайди. Россия фанидаги қатор муваффақиятлар Москва университети ва М.В. Ломоносов фаолияти билан боғлиқ.

¹ *Беринг Витус Ионассен (1681–1741)* – денгиз сайёҳи, рус флоти зобити; асли дааниялик. 1703 йили Россияга флот хизматига таклиф қилинган. Пётр I нинг топшириғи билан Сибирь ва Узоқ Шарқнинг шимоли-шарқий соҳилларини ўрганиш мақсадида тузилган илмий экспедицияларнинг (1725–1741) бошлиғи. Америка билан Осиё ўртасидаги бўғозни (Беринг бўғози) очган.

² *Ломоносов Михаил Васильевич (1711–1765)* – машҳур рус олими, энциклопедист, химия ва физика соҳасида қатор кашфиётлар қилган.

М.В. Ломоносов табиий ва гуманитар фанларнинг кўпгина соҳаларида асарлар яратган қомусий олим эди. Унинг минералогия, геология, физика, астрономия, фалсафа, тиббиёт, тарих ва бошқа бир қатор соҳаларга бағишланган асарлари мавжуд.

Шу йиллари рус география фани катта муваффақиятларга эришди. 1733–1743 йиллари В.Беринг ва денгизчи-лейтенант А.И. Чириков (1703–1748) бошчилигида ташкил қилинган экспедиция Америка қирғоқларига етди ва С.И. Дежнёв (1673 йили вафот этган) томонидан очилган Осиё билан Америка ўртасида бўғоз борлигини тасдиқлади. Этнограф С.П. Крашенинников (1711–1755) экспедицияси Камчаткани ўрганди, С.Г. Малигин (1764 йили вафот этган) ва Лаптевлар¹ экспедициялари Шимолий Муз океанини Мурманскдан то Чукоткагача ўрганиб чиқдилар.

1742 йили С.И. Челюскин (1700–1764) Осиёнинг энг шимолий чеккасини кашф этди. Ҳозир бу ер Челюскин бурни деб аталади. 1764 йили П.К. Крейцин (1728–1770) экспедицияси Аляска қирғоқларига етиб борди. 80–90-йиллари савдогар Г.И. Шелехов (1747–1795) ташаббуси билан Аляска, Алеут ороллари ва бутун Американинг ғарбий қирғоқларини ўрганиш ва ўзлаштириш бошланди.

Шунингдек, тиббиёт, агрономия соҳаларида ҳам тадқиқотлар олиб борилди. XVIII асрнинг иккинчи ярмида Россия Фанлар академиясида машҳур математик, физик ва астроном швейцариялик Леонард Эйлер (1707–1783) ва унинг ҳамюрти Даниил Бернулли (1700–1783) ҳам фаолият кўрсатиб, Россияда фан тараққиётига катта ҳисса қўшдилар.

Шу даврда техника тараққиётида ҳам катта муваффақиятларга эришилди. 1763–1766 йиллари И.И. Ползунов (1728–1766) универсал буғ машинасини яратди. Унинг замондоши И.П. Кулибин (1735–1818) эса оптик телеграф, мутлақо янги тузилишдаги протез, прожектор («кулибин фонари»), ўзиюрар кема, уч ғилдиракли велосипед, олтин ювишда қўлланиладиган машина ва илмий академик лабораториялар учун бир қатор приборлар яратди. У Нева дарёси устидан қуриладиган ёғоч, кейин эса металл кўприкларнинг лойиҳаларини ҳам яратди. Муҳандис К.Д. Фролов (1775–1839) шахталардан сувни тортиб чиқарадиган гидравлик қурилма ясади. Калугалик савдогар ва ихтирочи Р.А. Глишков (1729–1789) инглиз

¹ *Дмитрий Яковлевич (1701–1767) ва Харитон Прокофьевич (1700–1763) Лаптевлар* – рус ҳарбий флоти зобитлари (улар амакилар бўлишган), Шимолий Муз океанидаги Лаптевлар денгизи улар шарафига шундай аталган.

Айркрайтдан тўққиз йил олдин кўп ғалтакли тўқув машинасини яратди.

Россиялик олимлар ва кашфиётчилар томонидан яратилган машиналар жаҳон фани ва техникаси ютуқларининг олдинги қаторида турарди. Аммо қолоқ, крепостной Россияда бу машиналарга талаб йўқ, улар деярли қўлланилмас эди.

Адабиёт. XVIII аср рус адабиётида ҳукмрон йўналиш классицизм эди. Агар XVIII асрнинг биринчи ярмидаги классицизм учун ватанпарварлик ва маърифатчилик ғоялари хос бўлса, кейинчалик у дворян поэзиясининг расмий йўналишига айланади. XVIII асрнинг иккинчи ярмидаги классицизм вакилларининг энг ёрқин намояндаси шоир (1743–1816) Г.Д. Державиндир.

Д.И.Фонвизин (1745–1792) рус адабиётида янги, фош этувчи – реалистик йўналишга асос солди. У ёзган «Бригадир», «Думбулбойвачча» пьесалари ижтимоий мавзудаги дастлабки комедиялар эди. Машҳур масалчи И.А.Крилов (1769–1844) ижодининг бошланиши ҳам шу йилларга тўғри келади. У сатирик публицистика жанрида ижодини бошлаган эди.

Россия томонидан босиб олинган халқлар ижодида бош мавзу – миллий-озодлик мавзуси эди. Литвалик К. Донелайтис (1714–1780), грузин шоирлари Д. Гурамишвили (1705–1792) ва С. Орбелиани (1658–1725), озарбайжон М.П. Вожар ва бошқалар ижоди асосан шу мавзуга қаратилган. Е. Пугачёв кўзғолонининг раҳбарларидан бири бошқирд Салават Юлаев (1752–1800) ҳам талантли шоир бўлган.

Санъат. Пётр I давридан бошлаб Петербург ва Москвада жуда катта қурилиш ишлари олиб борилди. Шу йиллари рус меъморчилигида Европа ва рус миллий анъаналарини уйғунлаштирган йўналиш шаклланди.

Рус меъмори Д.В. Ухтомский (1719–1774) 1749 йили Москвада архитектура мактабини ташкил қилди. Шу йиллари талантли архитектор В.И. Баженов (1737–1799) ҳам бир қатор лойиҳалар яратди. Улар ичида Пашковлар уйи, Кремлни қайта қуриш лойиҳаси (амалга ошмай қолган) ва Царицин саройи лойиҳаси уйғунлиги ва маҳобати билан замондошларини қойил қолдиради.

Бошқа бир машҳур архитектор М.Ф. Казаков (1738–1813) Москва университетининг биносини ва Дворянлар йиғини биносини қуриб, рус меъморчилик санъатига катта ҳисса қўшди.

П.И. Аргунов, Г.Е. Дикушин, А.Ф. Миронов (Останкинодаги Шереметьевлар саройини куришган) сингари рус архитекторлари билан бир каторда XVIII асрда чет эллик архитекторлар – француз Э.М. Фальконе, шотланд Ч. Камерон, италянлар Д. Кварени ва В.В. Растрелли (Қишки сарой ва Петергоф ансамблини яратган) ҳам ижод қилишиб, рус меъморчилиги тарихида арзигулик ном қолдиришди.

XVIII асрда рассомлик санъати ҳам яхши ривожланди. Портрет жанрида ижод қилган И.П. Аргунов, Ф.С. Рокотов, Д.Г. Левицкий, В.А. Боровиковский ижоди ҳам шу даврга тўғри келади.

1757 йили Москва университети ташаббуси билан унинг бадий синфи базасида Бадий академия ташкил қилинди. Биринчи академик А.П. Лосенко бўлиб, унинг «Владимир ва Рожеда» картинаси ҳамда Г.И. Угрюмовнинг «Александр Невскийнинг Псковга кириб келиши» картинаси рус рассомчилигида тарихий жанрни бошлаб бердилар. Ҳайкалтарошлардан М.И. Козловский, Ф.Ф. Шchedрин, Ф.И. Шубин ижодида ҳам классицизм бош йўналиш ҳисобланади. Петербург ва Москвадаги биноларни безаш учун улар томонидан яратилган ҳайкалтарошлик санъати намуналари, А.В. Суворов, М.В. Ломоносов каби машҳур тарихий шахсларнинг ҳайкал ва бюстлари ҳайкалтарошлик санъатининг гўзал намуналари сифатида ҳамон кишиларга завқ бағишлайди.

XVIII асрда мусика санъати ҳам катта муваффақиятларга эришди. Е.И. Фомин 30 дан зиёд мусика асарлари яратган бўлса, И.Е. Хандошкин эса ажойиб ижрочи ва камер мусикасининг муаллифи ҳисобланади.

Шу даврда рус миллий театри ҳам шаклланди. Унинг асосчиси савдогар Ф.Г. Волков эди. 1750 йили Ярославлда унинг ташаббуси билан биринчи спектакль – Ж. Расиннинг «Эсфирь» драмаси қўйилади. Кейинчалик махсус қурилган ва «Большой театр» номини олган бинода рус драматурги А.П. Сумароковнинг «Хорев» пьесаси намоён қилинди. Ф.Г. Волков асос солган театр биринчи рус миллий театри эди. Рус актёрларининг бутун бир авлодини тарбиялашда ҳам Ф.Г. Волковнинг хизматлари катта. Унинг шоғирдларидан машҳур И.А. Дмитриевский, ҳатто Россия Фанлар академиясининг аъзолигига ҳам сайланган.

Ф.Г. Волков таъсири остида рус мусикашуноси Г.С. Лебедев Ҳиндистонда биринчи Европа типидagi театрға асос солади. 1801

йили Ҳиндистондан қайтгандан кейин эса ҳозирги замон ҳинд тилларининг грамматикасини яратади.

XVIII аср охирида Россияда 10 дан зиёд театрлар фаолият кўрсатарди. Уларнинг артистлари орасида ўз даврининг йирик опера кўшиқчиси П.И. Жемчугова-Ковалева ва сахнада реализмнинг асосчиси, машҳур актёр И.С. Шчепкинлар бор эди.

Ижтимоий-сиёсий фикр. XVIII аср рус маърифатпарварларининг асосий ғояси илғор билимларни кенг халқ оmmasига ёйиш бўлди. Худди шу маърифатчилик ғоялари М.В. Ломоносов, профессор С.Е. Десницкий, А.Я. Полянов каби жамиятнинг илғор вакиллари фаолиятига хосдир. Айниқса крепостнойликка қарши йўналишдаги журналлар – «Трутень» ва «Живописец»ларнинг ношири Н.И. Новиков ва А.А. Радишчевларнинг ижоди рус маърифатчилигининг илғор кўриниши бўлди. А.А. Радишчевнинг «Петербурдан Москвага саёҳат» асари аччиқ рус воқелиги акс эттирилган, крепостной тузум ва самодержавиега қарши қаратилган ўз даврининг энг дадил асари эди.

* * *

Ўтган уч асрдан кўпроқ вақт мобайнида Шарқда илгари Олтин Ўрдага қарашли бўлган жуда катта ерлар забт этилиб, мамлакат худуди бир неча марта кенгайтирилди. Ғарбда Россия ўз ерларини кенгайтириш учун тинимсиз урушлар олиб борди ва натижада Қрим, Каспий бўйи, Польша ерларининг бир қисми, Болтиқ бўйи ерлари қўшиб олинди. Жанубда ҳам олиб борилган урушлар туфайли Кавказ орти, Ғрузия ва Қозоғистон ерларининг бир қисми забт этилди. Мамлакат аҳолиси кўпайиб, фақат XVIII аср давомида 15,6 млн кишидан 37,3 млн кишига етди. Бу Англия ва Франциянинг умумий аҳолисидан ҳам кўп эди. Россия мануфактура ишлаб чиқаришини ташкил қилиш бўйича ҳам Европанинг бошқа давлатлари билан муваффақиятли рақобатлашди. XVIII асрга келиб Уралда металлургия корхоналари ташкил қилингандан сўнг Россия чўян ва темир ишлаб чиқариш бўйича Англиядан ҳам ўтиб кетди.

Пётр I ислохотлари натижасида давлатни бошқариш ва солиқ тизими мустаҳкамланди. Екатерина II ҳукмронлигининг охирида, у жорий қилган эркин рақобат принципи натижасида, Россияда 2000 дан зиёд саноат корхоналари ишлаётган эди. Ушбу даврнинг асосий якуни шундан иборат бўлдики, XVIII асрларга келиб Россия буюк давлат сифатида шаклланди.

XI боб бўйича саволлар

1. Рус ерларининг марказлашган давлатга бирлашишида қандай ички ва ташқи факторлар асосий роль ўйнади?
2. XVI–XVII асрларда Рус давлати ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари қандай мақсадга қаратилган эди?
3. XVII–XVIII асрларда Россия тараққиётининг характерли томонлари нимада эди?
4. Россияда мустабидлик анъаналарининг кучайишини қандай изоҳлаш мумкин? Маъмурий бошқарув аппаратининг кучайиши бу жараёнга қандай таъсир кўрсатди?
5. XVIII асрнинг биринчи ярмидаги сарой тўнтаришлари Россия жамиятининг ривожланишида қандай роль ўйнади?
6. XVIII асрда Россия ташқи сиёсатининг асосий мақсади нималарга қаратилган эди?
7. Рус миллатининг шаклланишида қандай факторлар асосий роль ўйнади?
8. XVIII асрда Россия адабиёти ва санъатидаги асосий мавзу жамиятдаги қандай муаммога қаратилган эди?

ХII Б О Б. XVI–XVIII АСРЛАРДА ИТАЛИЯ

Уйғониш ва Гуманизмнинг ватани, Данте ва Петрарка севиб куйлаган ўлка, Леонардо да Винчи, Рафаэль, Микеланжело, Тициан каби буюклар алқаган Италия янги давр бошларида сиёсий тарқоқлик ва иқтисодий инқирозни бошидан кечираётган эди.

Сиёсий тарқоқлик. XVI асрдаёқ Италиянинг сиёсий таназзулидан фойдаланган Франция ва Испания бу ерда босқинчилик урушларини олиб борди. Узоқ давом этган (1494–1559) бу урушлар мамлакатнинг сиёсий тарқоқлигини ва иқтисодий таназзулини янада кучайтирди. 1559 йилги Като-Камбресия сулҳи Италиянинг сиёсий тарқоқлигини ва Испанияга қарамлигини мустаҳкамлади. Жанубий Италия, Сицилия, Сардиния, Милан герцоглиги Испания таркибига кирди. Венеция, Савойя герцоглиги, Пьемонт ва Папа вилоятидан ташқари бошқа Италия давлатлари ҳам Испанияга қарамликни тан олишди.

Бу даврда чет эл босқинчиларига қарши халқ ҳаракатлари ҳам тўхтамади. 1559 йилги Жанубий Италияда Кампанелла томонидан тайёрланган кўзғолон фош қилинди. 1647 йилги Палермода Джузеппе д'Алесси кўзғолонга бошчилик қилиб, бу ерда республика тузишга ҳаракат қилди.

Европанинг кучли давлатлари Италия ҳудудини тўхтовсиз урушлар аренасига айлантирди. 1701–1714 йиллари Испания тахти учун олиб борилган урушлар ҳам айнан Италия ҳудудида бўлиб ўтди. 1714 йилги Раштаг тинчлик сулҳига биноан Италиянинг Испанияга қарашли бўлган ерлари тўлиғича Австрия ихтиёрига ўтди. Туркия билан олиб борилган урушлар оқибатида кучсизланиб қолган Венеция 1718 йили Ўрта Ер денгизининг шарқий қисмидаги ҳамма ерларидан маҳрум бўлди. Фақат Савойя ўзининг қулай географик жойлашуви ва дипломатик устомонлиги туфайли ўз ҳудудини ғарбда Франция ҳисобига, Шарқда эса Милан давлати ерлари ҳисобига кенгайтиришга муваффақ бўлди.

Бой берилган ерларни қайтариш мақсадида 1720 йили Испания бошлаган уруш унга муваффақият келтирмади. Австрия энди Сицилияни ҳам эгаллади, Савойя давлати Сардиния қироллиги деб аталадиган бўлди.

Польша тахти учун 1733–1735 йиллари олиб борилган уруш ҳам асосан Италия ҳудудида бўлиб ўтди. Уруш Вена тинчлик сулҳи билан яқунланди. Унга кўра Сардиния қироллиги яна ўз ерларини кенгайтиришга эришди, Сицилия ва Неаполитан қироллигида эса австрияликлар ўрнига яна испанлар келди.

1740–1748 йиллари Италия бу сафар ҳам яна Австрия тахти учун олиб борилган урушга жалб этилди. 1748 йилги Аахен сулҳига биноан Италия жанубда Испанияга, Шимолда Австрияга қарам бўлган майда давлатлар конгломератидан иборат бўлиб қолаверди.

1755 йили австрияликларга қарши қўзғолон кўтарган Корсикада 1769 йилдан французлар ўрнашиб олди.

Иқтисодий аҳвол. Сиёсий тарқоқлик ва қарамлик натижасида мамлакатнинг иқтисодий инқирози ҳам кучайиб борди. Кўплаб йиғимлар, четга товар чиқаришга қўйилган чеклашлар саноат ва савдонинг ривожланишига йўл қўймади. Флоренция матолари ва Милан қуролларини ишлаб чиқариш деярли тўхтади.

XVI–XVII аср биринчи ярмида Италия иқтисодида ички алоқаларнинг кенгайиш жараёни юз берди. Аммо ягона бозорнинг шаклланишига фақат мамлакатнинг сиёсий тарқоқлиги эмас, савдо ва саноатнинг кўпроқ ташқи бозорга йўналтирилганлиги, у ерда йирик давлатлар билан рақобат ҳам тўсиқ бўлаётган эди.

Европани Осиё, Африка ва Америка билан боғлайдиган янги савдо йўлларининг очилиши Ўрта Ер денгизи савдосининг аҳамиятини

пасайтирган бўлсада, Италия ҳамон савдода муҳим ўрин эгаллаб турган эди. Бундан ташқари, Италия урушлари (1494–1559) туфайли Испания ва Португалия билан муносабатларнинг мустаҳкамланиши ҳам Италия учун янги жаҳон савдо бозорларига йўл очди.

Италия иқтисодининг муҳим тармоғи бўлган тўқимачилик француз, немис ва инглиз тўқимачиларининг рақобати туфайли маълум инкирозни бошдан кечираётган эди. Италия саноатининг ривожланишига Италия урушлари даврида қўплаб маблағларнинг ер сотиб олишга ва кредит операцияларига йўналтирилганлиги ҳам салбий таъсир кўрсатди. Тўғри, маблағлар савдо соҳасидан бутунлай олиб қўйилмади, фақат йирик савдо-банк компанияларининг фаолияти XVI асрдан бошлаб Италиядан ташқарида авж олди.

Италян урушлари даврида мамлакат иқтисоди янги шароитга мослашишга мажбур бўлди: вайронагарчилик, анъанавий алоқаларнинг узилишига қарамасдан иқтисодий ривожланиш имкониятлари барҳам топмади ва XVI асрдан бошлаб баъзи соҳаларда ўсиш кузатилди. Бунга 1559 йилги шартномадан кейин (1559 йилги Като-Камбрезия сулҳи Апеннин яриморолининг катта қисмида Испаниянинг ҳукмронлигини ўрнатди) мамлакатда ўрнатилган тинчлик билан бирга рақобатчи мамлакатлар аҳволининг ўзгариши ҳам сабаб бўлди: Францияда фуқаролар уруши бошланди, Нидерландияда – инқилоб ва Испания зулмидан озод бўлиш учун кураш бошланди. XVI аср иккинчи ярмидан бошлаб Пьемонт, Бергамо, Венеция каби шаҳарларда тўқимачиликнинг ҳажми кенгайди. Айниқса, Венецияда ишлаб чиқаришнинг кескин ўсиши кузатилади: 1521 йили бу ерда 3500 той мато тўқилган бўлса, 1569 йили – 26 500, 1602 йили эса – 29 000 той ишлаб чиқарилади. Мато ишлаб чиқариш унинг анъанавий маркази бўлган Флоренцияда ҳам кенгайди. Йигирма йил ичида (1553–1572) маҳаллий компаниялар томонидан мато ишлаб чиқариш икки баробарга ошди. Аммо ингичка толали қиммат жуннинг ўрнига, арзон қўпол жундан матолар тўқиш кўпайди.

Генуя, Венеция, Милан, Павия, Комо, Мантуя, Болонья, Флоренция шаҳарларида ипак газламалар тўқиш янада жадал суръатлар билан ўсди. Европада урф бўлган харидоргир газламалар Англия, Франция, Германия, Польша ва Венгрия каби мамлакатларга чиқариларди. Тўқувчиларнинг маҳаллий ипак хомашёси билан ишлаши бу соҳанинг ривожланишида бош сабаб бўлди. Асосий ипак етиштирувчи ўлка Неаполитан қироллиги эди. Ипакчилик саноати-

нинг ривожланишига бозордаги талаб билан бирга (энди кимматбаҳо газламалар ташқи бозорда катта талабга эга эди) соҳадаги техник янгиликлар ва кашфиётлар ҳам асосий сабаб бўлди.

Бирок тўқимачиликдаги муваффақиятлар Италия иқтисодининг асосий тармоги бўлган бу соҳада туб ўзгаришларга олиб келмади. Шакллана бошлаган капиталистик муносабатлар ривож топмади. Савдо капиталига қарам бўлган таркок мануфактура ишлаб чиқаришнинг асосий шакли бўлиб қолаверди. Ишлаб чиқаришнинг ташаббускори илгаригидек цехлар доирасида фаолият кўрсатувчи компаниялар эди. Улар қаттиқ регламентация тизимини сақлаб қолишга, анъанавий технологиялардан фойдаланишга тиришарди, эркин тадбиркорликка йўл қўйишни хоҳлашмас эди. Олдинги даврлардаги сингари бевосита ишлаб чиқарувчилар цех ва компанияларга қарам бўлган уста хунармандлар ва ёлланма ишчилар эди.

Юқоридаги сабаблар туфайли Италиядаги иқтисодий ўсиш вақтинчалик характерга эга бўлди. XVII аср биринчи чорагидаги иқтисодий турғунлик аср ўрталарига келиб инкирозга айланди.

XVII асрга келиб чуқур иқтисодий инкироз бошланди. Масалан, Миланда тўқимачилик корхоналарининг сони беш марта, мато тўқийдиган устахоналарнинг сони 70 тадан 15 тага камайди. 1682 йили улар сони 5 та эди, холос. Фақат Тоскания герцоглигида саноат ва савдо маълум даражада ривожланди, Венеция ва Ливорно нисбатан кенг кўламда савдо билан шуғулланди.

Аммо саноатдаги инкироз Италиядаги савдо ва банк ишларига ҳам таъсир этмасдан қолмади. XVI аср бошларида ҳали Венеция, Генуя, Флоренция халқаро савдо ва молия ишларининг йирик марказлари ҳисобланарди. Йирик Италиян давлатлари Испания, Англия ва Франция билан савдо балансида активларга эга эдилар. Туркия томонидан ўрнатилган тўсиқларга қарамасдан Венеция Ўрта Ер денгизи савдосида ўз мавқеини сақлаб қолишга эришди. Яқин Шарқ мамлакатларидан Европага келтириладиган ширинликларга бўлган Венеция монополиясини Португалия рақобати йўқ қила олмади. Агар Венеция Шарқ билан савдодаги анъанавий алоқаларини сақлашга кўп куч сарфласа, Генуя ўз эътиборини Ғарбга қаратди, Испания ва Португалия билан савдога фаол киришди. XVI аср ўрталарига келиб Генуя импортининг ярми Испания орқали ўтарди. Генуянинг Англия, Голландия ва Германия билан савдо алоқалари ҳам кенгайди. Ғарб мамлакатлари билан Генуя банклари катта пул

операциялари орқали ҳам бирлашган эди: улар Сан Жоржонинг қудратли банкига бирлашиб халқаро молия ярмаркаларида етакчи ўринни эгаллаб турарди. Генуяликларнинг таъсири фақат Европада эмас Левант, Африка ва Америка мамлакатларида ҳам кучли эди. Флоренция ҳам Ғарб, ҳам Шарқ билан савдо алоқаларини ривожлантиради: унинг савдогарлари Жанубий Америка қирғоқларига етиб борган, Данцигдан (Гданьск) ва Москвадан ғалла олиб келарди. Уларга қарашли Ливорно порти XVI аср охирларида йирик халқаро портга айланди.

Аммо XVII аср биринчи ярмида Италия савдосининг ҳолати ўзгаради: энди тайёр маҳсулот эмас, хомашё, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини четга олиб чиқиш ривожланди. Денгиз савдо йўлларида генуялик ва венециялик савдогарлар энди Англия ва Голландия савдогарлари томонидан сиқиб чиқарилади.

XVII аср ўрталарида Италия иқтисодида юз берган инқирознинг бир қатор ички ва ташқи сабаблари бор эди. Бу, биринчи навбатда, саноатнинг бозор муносабатларига асосланган юқорироқ шаклига кўтарила олмаганлиги, тадбиркорликнинг ривож топмаганлигида эди. Иккинчидан, цехлар тизимининг сақланиб қолганлиги, нисбатан арзон ишчи кучига эга бўлган қишлоққа капиталнинг секин кириб борганлиги, сиёсий тарқоқлик, ўта кучсиз маҳаллий протекционизм сиёсати ва ниҳоят, капиталнинг ер эгаллигига ҳамда кредит тизимига кўплаб чиқиб кетишида эди. Италия саноати ва банк ишлари учун Испаниядаги молиявий инқироз ва Испаниядан Италияга олиб келинадиган жуннинг камайиши катта салбий таъсир кўрсатди. Бунинг устига, протекционизм сиёсати юргизилаётган Англия, Голландия, Франция каби мамлакатлар саноати билан рақобат қилиш ҳам борган сари қийинлашди.

Италиядаги иқтисодий тушкунликнинг асосий сабабларидан бири қишлоқ хўжалигини ташкил қилишдаги эски, феодал усулларнинг тўлиқ сақланиб қолаётганлигида эди.

Урушлар ва сиёсий тарқоқлик эски тартибларнинг консервациялашувига олиб келди ва янги, капиталистик муносабатларнинг ҳамда саноат тараққиётининг ривожланишига тўсқинлик қилди.

Қишлоқ хўжалиги. Италия деҳқонларининг аксарияти шахсан озод бўлсалар-да, ҳали янги давр бошларидаёқ ерларидан ажралиб, қашшоқ ижарачиларга ва батрақларга айланган эдилар.

Италияда черков ва давлат солиқларидан руҳонийлар ва зодагонлар тўлиқ озод этилган бўлиб, бу солиқларнинг барча оғирликлари деҳқонлар зиммасида эди.

Шунга қарамасдан, Италия қишлоқ хўжалигида, айниқса, XVI асрнинг иккинчи ярмида катта муваффақиятларга эришилди. Бўш ётган ерларни тозалаш ҳисобига ҳайдаладиган ерлар майдони кенгайди, Тоскана ва Ломбардияда кенг миқёсда мелиорация ва ирригация ишлари олиб борилди, ҳамма жойда донли ва хашакли экинлар кўплаб экилди. Янги жорий қилинган маккажўхори тезда оммавийлашиб кетди, шоли, каноп экиш, цитрусли дарахтлар ўтказиш ва шакарқамиш етиштириш кўпайди. Пилла курти боқишда фойдаланиладиган тут дарахтини ўстиришга, айниқса катта эътибор берилди. Чорвачилиқда ҳам маълум муваффақиятларга эришилди: молларни пода қилиб боқиш жорий қилинди, Жанубий Италияда қўйчилик яхши ривожланди.

Қишлоқ хўжалигидаги ривожланиш ҳам худди саноатдаги сингари, XVII аср бошларидан турғунлик билан, асрнинг иккинчи ярмидан эса инқироз билан алмашди. XVII аср ўрталарига келиб кўплаб ўзлаштирилган ерлар яна ташландиқ бўлиб қолди. Яйловлар ва овчиликка мўлжалланган қўриқхоналар кўпайиб борди.

Қишлоқ хўжалигидаги тушқунликнинг ҳам асосий сабаби шакланган муносабатларнинг эскириб қолганлиги, янги капиталистик муносабатларнинг эса жуда секинлик билан кириб келаётганлигида эди. XVII асрда шаҳарликлар томонидан қишлоқ хўжалигига сарфланган катта маблағ ҳам бу соҳада кескин ўзгаришларга олиб келмади. Деҳқонларнинг хонавайрон бўлиши, дайдилик, қароқчилик XVII аср Италия ҳаётининг ажралмас қисмига айланди.

Сиёсий тарқоқлик ягона миллий бозорнинг шаклланишига ҳам тўсқинлик қилаётган, деҳқонларнинг қашшоқлиги эса саноат молларининг бозорини ҳам чеклаб қўяётган эди.

XVIII аср биринчи ярмида Италиянинг иқтисодий инқирози ва сиёсий қарамлиги янада кучайди. Саноат ишлаб чиқариши кескин пасайди: тўқимачилик Флоренцияда 20 марта, Венецияда эса 30 марта камайди. Саноат ривожланиши учун муҳим тўсиқлар шаҳар давлатларнинг ҳукуматлари томонидан ўрнатилган регламентлардан капиталнинг йўқлиги, ички бозорнинг ниҳоятда торлиги ва чедан рақобати эди. Ички ва ташқи савдонинг сусайиши бу ерда Арноб, ва бошқа давлатлар савдогарларининг ҳукмронлигига олиб к

Шунга қарамасдан сиёсий қарам ва тарқоқ Италияда XVIII аср иккинчи ярмидан сезиларли иқтисодий юксалиш бошланади. Аҳолининг кўпайиши натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб ошади, қишлоқ хўжалиги ва саноатга капиталистик муносабатлар кириб бора бошлайди. Шимолий Италияда дастлабки марказлашган мануфактуралар найдо бўлади. Бироқ тарқоқ мануфактура хўжалиги саноат ишлаб чиқаришининг асосий шакли бўлиб қолаверди.

Халқ кўзғолонлари. Ўз аҳволларининг чидаб бўлмас даражада оғирлашганидан норози бўлган халқ босқинчиларга қарши бир неча марта кўзғолон кўтарди. Шундай кўзғолонлардан бири 1746 йили, Австрия тахти учун уруш йилларида бўлиб ўтди. Ўшанда Австрия кўшинлари Генуя остонасида турарди. Маҳаллий патрицийлар ва ҳукмдорлар душманга шаҳар дарвозаларини очиб беради. Ривоят қилишларича 12 ёшли бола — Балиланинг австриялик зобитга қарата отган тоши кўзғолонга чақирик бўлади. Порт ҳаммоллари, этикдўзлар, савдогарлар, устахона шогирдлари болта ва бошқа анжомлар билан қуролланиб олади. Шаҳар баррикадаларга тўлиб кетади. Кўзғолончилар қурол-аслаҳа омборини эгаллаб, жангга киришадилар. Олти кун давом этган шиддатли жанглар оқибатида австрияликлар шаҳардан қувиб чиқарилади ва Генуя ресиубликаси қутқариб қолинади. Бу кўзғолон австриялик зобитга тош отган афсонавий бола шарафига «Балила кўзғолони» номи билан тарихда қолган.

XVIII аср иккинчи ярмида иқтисод ва маданиятнинг юксалиши. XVIII аср биринчи ярмида Франция билан курашда мағлубиятга учраган испан бурбонлари ўзларининг Италиядаги ерларидан маҳрум бўлишди. Аммо бурбонларнинг мағлубиятидан фойдаланиб ўз мустақиллигини қўлга киритиш учун Италия жуда ҳам кучсиз эди. Тўғри, жанубда ғолиблар мустақил Неаполитан давлатини ташкил қилдилар, аммо шимолдаги энг бой ва иқтисодий ривожланган вилоят — Ломбардия 1748 йилги Аахен тинчлик сулҳига биноан Австрия таркибига қўшиб олииди. Марказий Италияда эса австриялик габсбурглар хонадони вакили Тоскананинг буюк герцоги бўлди. Бир чет эл зулми бошқаси билан алмашди, мамлакат босқинлар ва сарой найранглари олдида химоясизлигича қолаверди.

XVIII аср иккинчи ярмида Италия бир неча ўн йил тинч тараққиёт даврини бошидан кечирди ва кўп йиллик вайронгарчиликдан аста-секин ўзини ўнглай бошлади, иқтисод ва маданиятнинг тикланиши юз берди. Аҳоли сонининг ўсиши ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши натижасида ҳайдаладиган ер майдонлари кўпайиб, аграр маданият ривожланди, серҳосил По водийсида мамлакатда биринчи капиталистик типдаги хўжалик пайдо бўлди. Зодагонларнинг буржуалашув жараёни бошланди. Шаҳарларда, айниқса, Шимолий Италияда марказлашган мануфактуралар сони ортиб борди. Қолган ҳудудларда эса тарқоқ мануфактура саноат ишлаб чиқаришининг асосий шаклига айланиб қолди.

Мамлакат ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар маданий ҳаётда ҳам ўз аксини топди. Шаклланаётган буржуача ҳаёт тарзининг кўплаб жиҳатлари Паринининг шеърларида, Гольдонининг пьесаларида кулги остига олинди. Мусиқада классик опералар ўрнига шўх ва кулгили, қаҳрамонлари оддий халқ ичидан чиққан оперетталар келди.

* * *

Шу давр Италия маърифатпарварлари ҳам мамлакатнинг иқтисодий қолоқлиги ва сиёсий кучсизлиги сабабларини аниқлашга, уларни бартараф этишга ҳаракат қилдилар. Италия давлатларининг бошлиқларини сиёсий бирлашишга чақириб, Неаполитан университети профессори, таниқли маърифатпарвар А. Женавезе: «Бугун тарқоқ ва шу сабабли жуда кучсиз Италия бирлашганда, ривожланган ва қудратли давлатга айланар эди», – деб ёзган эди. 70–80-йилларда маърифатпарварларнинг орзулари ушаладигандай туюлади. Баъзи Италия давлатлари уларнинг маслаҳатлари туфайли бир қатор буржуа ислоҳотларини амалга оширди. Аммо улар жуда чекланган бўлиб, натижада мамлакатнинг аҳволига айтарли таъсир кўрсатмади.

Шундай бўлсада, Италиянинг сиёсий ва иқтисодий қолоқлиги унинг ҳукмдорларини ҳам мамлакатни бирлаштиришга ундаётган эди. XVIII аср 90-йилларидан Италияни чет эл босқинчиларидан озод қилиш ва мамлакатни бирлаштириш учун ҳаракат бошланиб, бу ҳаракат Рисоржименто (итальянча Уйғониш) номини олган.

ХII боб бўйича саволлар

1. Италиядаги сиёсий тарқоқликнинг сабаблари нимада эди?
2. Тарқоқлик мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига қандай таъсир кўрсатди?
3. Сиёсий тарқоқлик йилларида савдо, саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши қандай даражада эди?
4. Аахен сулҳи мамлакатнинг сиёсий ривожланишига қандай таъсир кўрсатди?
5. XVIII асрдаги халқ қўзғолонлари нима мақсадга қаратилган эди?
6. XVIII асрдаги иқтисодий ва маданий юксалишнинг сабаблари нимада?

ХIII БОБ. XVI–XVIII АСРЛАРДА ИСПАНИЯ

Мамлакатдаги аҳвол. Сиёсий ва иқтисодий тушқунликнинг бошланиши. 1516 йили Фердинанд вафотидан сўнг Испания тахтига Карл I (1516–1555) келди. У она томондан буюк қироллар Фердинанд ва Изабелланинг, ота томондан эса император Максимилиан I Габсбургнинг набираси эди. Карл I отаси ва бобосидан габсбургларнинг Германия, Нидерландия ва Жанубий Америкадаги ер мулкларини мерос қилиб олганди. У 1519 йили герман миллатининг Муқаддас Рим империяси тахтига Карл V номи билан ўтиради. Бироқ жуда катта ҳудудни испан тахти ҳокимияти остида жамлаш бу ҳудудларнинг иқтисодий ва сиёсий бирлашишга олиб келмади. Фақат сулолавий келишувлар орқалигина боғланган Арагон ва Кастилия қиролликлари бутун аср давомида сиёсий тарқоқлигича қолаверди (айниқса, Кастилиянинг сиёсий мустақиллиги катта аҳамиятга эга, чунки унда Пиреней яримороли аҳолисининг $\frac{3}{4}$ қисми яшар эди). Улар ўзларининг тоифавий вакиллик органи – кортесларни, мустақил қонун чиқарувчи ва суд тизимини сақлаб қолдилар. Кастилия қўшинлари Арагон ҳудудига кира олмасди, Арагон қўшинлари эса уруш чиққан тақдирда ҳам Кастилияни ҳимоя қилишга мажбур эмасди. Арагон қироллигининг ўзида ҳам унинг асосий қисмлари, айнақса, Арагон, Каталония, Валенсия ва Наварра анчагина сиёсий мустақилликни сақлаб қолган эди. Испан қироллигининг тарқоқлиги яна шунда намоён бўлардики, 1564 йилгача ягона сиёсий марказ мавжуд эмасди, қирол саройи ҳам мамлакат бўйлаб кўчиб юрар, кўпинча Вальядолидда жойлашар эди. Фақат 1605 йили Мадрид шаҳри Испаниянинг расмий пойтахти бўлди.

Аммо бундан ҳам муҳими мамлакатнинг иқтисодий тарқоқлиги эди. Мамлакат ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси бўйича бир-биридан кескин фарқ қилар ва ўзаро боғланиши ҳам заиф эди. Бундай ҳолатга Испаниянинг географик ландшафти ҳам салбий таъсир кўрсатаётган эди. Шимолий вилоятлар – Галиция, Астурия, Басклар ерлари баланд тоғ тизмалари орқали марказ билан боғланишнинг имконияти камлиги сабабли Англия, Франция ва Нидерландия билан қизғин савдо олиб борарди. Мамлакатнинг жануби-шарқи, айниқса, Каталония ва Валенсия Ўрта Ер денгизи савдоси билан шуғулланарди.

Карл V даврида бошланган марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш тенденцияси Филипп II (1556–1598) томонидан ҳам давом эттирилган бўлса-да, бу даврда иқтисодий инқироз аниқ кўзга ташланиб қолган эди. Бунга қиролнинг узоқни кўзламай олиб борган сиёсати, ички ва ташқи омиллардан ташқари инквизициянинг фаолияти ҳам сабаб бўлаётган эди. Айнан инквизициянинг фаолияти мамлакат жанубида савдо ва саноатни ўз қўлида ушлаб турган морискларнинг¹ 1568–1571 йиллардаги қўзғолонига олиб келди. Қўзғолон бостирилди, аммо бу билан муаммо ҳал бўлмади. Испан абсолютизмининг реакцион характери унинг ҳаракатларида, айниқса, қирол Филипп III (1598–1621) фаолиятида яққол намоён бўлади. Бунга ёрқин мисоллардан бири морискларнинг Испаниядан қувилишидир. 1609 йили қирол эдикти эълон қилиниб, унга биноан барча морисклар мамлакатдан чиқариб юборилиши зарур эди. Бир неча кун ичида ўн минглаб одамлар яшаб турган жойларидан қувғин қилинди, таланди, кўпчилиги ўлдирилди. 1610 йили Валенсиянинг ўзидан 100 мингдан зиёд, бутун Испанияда эса ҳаммаси бўлиб 500 мингга яқин киши Берберияга (Шимолий Африка) ҳайдалди. Кўпчилик инквизициянинг қурбони бўлиб, ҳайдаш пайтида ҳалок бўлди. Фақат қиролга бўйсунадиган инквизиция қирол ички сиёсатининг бош қуролига айланди.

Испания ташқи сиёсатидаги катта муваффақиятсизликлар ҳам айнан шу даврга тўғри келади: 1588 йили Англия билан бўлган урушда «Енгилмас Армада» деб аталувчи испан флотининг тор-мор қилиниши, Франциядаги диний урушларга аралашишнинг барбод бўлиши ва бошқалар шулар жумласидандир. 1566 йили Нидерлан-

¹ *Морисклар* – 1492 йили Гранада амирлиги қулаганидан сўнг Пиреней ярим оролида қолган ва мажбуран христианлаштирилган мусулмон аҳолиси.

дияда бошланган буржуа инқилоби 1581 йили Шимолий Нидерландиянинг Испаниядан ажралиб чиқишига олиб келди. Мамлакатнинг сиёсий заиф ва иқтисодий тушкун аҳволига қарамасдан, испан қироллари Европада гегемонликни ўзларига мерос қолган деб ҳисоблаб, бу даъволарини сақлаб қолаётган эдилар.

Америкадаги мустамлакалардан қимматбаҳо металлларнинг оқиб келишига қарамасдан испан қироли унинг кўплаб урушларини молиялаштирган генуялик ва немис банкирларидан қарздор бўлиб қолди. Филипп II бир неча бор давлатни банкрот деб эълон қилишга мажбур бўлди.

XVII аср бошларига келиб мамлакатда иқтисодий инқироз янада чуқурлашди. Хунармандчилик устахоналари ва мануфактуралар кўплаб ёпилди. Агар 1556 йили Севильяда тўқимачилик устахоналарининг сони 3600 та бўлган бўлса, 1700 йилга келиб уларнинг сони 60 та эди, холос.

Испаниянинг табиий бойликларидан ҳам деярли фойдаланилмади: мамлакатда юқори сифатли темир ва мис рудалари бўла туриб, пўлат Италиядан, мис эса Голландия ва Германиядан келтирилар эди. Провинциялар ўртасида божхона тўсиқларининг мавжудлиги ягона ички бозорнинг шаклланишига тўскинлик қилаётган эди.

Иқтисодий инқироз, айниқса, қишлоқ хўжалигига салбий таъсир кўрсатди. Хонавайрон бўлган деҳқонлар қашшоқлар, дайдилар ва ёлланма аскарлар сонини тўлдирарди. Инқироз хўжаликнинг нисбатан фойдали ва имтиёзли ҳисобланган қўйчилик тармоғига ҳам тарқалди. Очлик, эмиграция ва эпидемия оқибатида қишлоқ аҳолисининг сони камайиб кетди.

1609–1610 йиллари морискларнинг ҳайдаб юборилиши мамлакат иқтисоди учун янги зарба бўлди. Бундан ташқари Филипп III (1598–1621), Филипп IV (1621–1665) ва Карл II (1665–1700) даврида Испания Голландияга, Франция ва Англияга қарши кўплаб урушлар олиб борди. Бу муваффақиятсиз урушлар натижасида Испания Голландиянинг мустақиллигини тан олди ва унинг фойдасига Фландриянинг бир қисми, Брабант ва Лимбургдан воз кечишга мажбур бўлди (1648), Францияга Руссильон, Люксембургнинг бир қисми, Артуа, Фландриянинг қатор шаҳарлари (1659–1668) ва Франш-Контени (1678) бой берди ҳамда Ямаканинг Англия томонидан босиб олинишини иложсиз тан олди. 1640 йили Португалия ҳам Испания таркибидан ажралиб чиқди.

Испания халқаро муносабатларда муҳим роль ўйнайдиган мамлакатдан XVII аср охирига келиб кучли давлатларнинг рақобат объектига айланиб қолди. Чунки Испания Европада бой берилган ерларидан ташқари ҳамон жуда катта мустамлакаларга эгаллик қиларди. Бразилиядан бошқа бутун Жанубий Америка, Мексика (Калифорния ва Техас унинг таркибига кирарди), Флорида, Куба, Сан-Доминго, Европада Италиянинг катта қисми – Милан, Неаполь, Сицилия, Сардиния ҳамда Нидерландиянинг қатор районлари, Тинч океанида Филиппин ва Каролин ороллари Испанияга қарашли эди.

Испания тахти учун уруш. Испания қироли Карл II нинг фарзанди ҳам, ака-укалари ҳам йўқлиги сабабли унинг вафотидан сўнг испан тахтига ким эгаллик қилиши Англия ва Франция саройларида катта қизиқиш уйғотаётган эди. Франция Людовик XIV нинг набираси, Карл II нинг жияни Филипп Анжуйскийнинг номзодини, Англия эса Карл II нинг бошқа жияни, император Леопольд I нинг ўғли эрцгерцог Карлнинг номзодини қўяётган эдилар. Рақобатда Франциянинг таъсири кучлилик қилди ва Карл II Филиппни ўзининг вориси деб эълон қилди. 1701 йили Мадридга келган Филипп Анжуйский Филипп V номи билан Испания тахтига ўтирди. Шундай қилиб, Испанияда Габсбурглар ўрнига Бурбонлар сулоласи тахтга келди.

Французча тарбия олган, испан тилида сўзлашишни ҳам билмайдиган Филипп V қудратли бобоси, Франция қироли Людовик XIV нинг тўлиқ таъсири остида эди. Вице-қироллар ва испан мустамлакаларининг бошқа амалдорларига француз қиролининг топшириқларини сўзсиз бажариш, чет давлатлардаги испан элчиларига эса Франция манфаатларига зид иш кўрмаслик, Людовик XIV нинг барча ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш топширилди. Француз товарлари учун божхона тўловлари тўлиқ бекор қилинди, Людовик XIV қўшинлари Нидерландиядаги қатор қалъаларни эгаллади. Шу тариқа Испания Францияга қарам бўлиб қолди. Вужудга келган бу шароит Англияни хавотирлантириб қўйди. Чунки Франциянинг янги мақомини тан олиш, дунё биринчилиги учун Англия мағлубиятини тан олиш билан баробар эди. Англия тез орада Францияга қарши кучли иттифоқ тузишга муваффақ бўлди. 1701 йили Гаагада тузилган «Буюк иттифоқ»қа Англия, Австрия ва Голландия кирди, кейинроқ эса Португалия, Савойя ҳамда Пруссия ва бошқа герман давлатлари ҳам бу иттифоққа қўшилишди. «Буюк иттифоқ»

қатнашчилари эрцгерцог Карлни Испаниянинг қонуний қироли деб эълон қилди ва Филипп V ва Людовик XIV га қарши уруш эълон қилдилар. Шу тариқа испан тахти учун уруш бошланди.

Уруш иккала томоннинг кетма-кет устунлиги билан узоқ давом этди. 1711 йили бўшаб қолган Австрия тахтига эрцгерцог Карлнинг (император Карл VI номи билан) келиши иттифоқчилар учун кейинги уруш ҳаракатларини мақсадсиз қилиб қўйди. Бундан ташқари уруш натижасида Франциянинг сезиларли кучсизланиб қолганлигидан Англия ҳам қаноат ҳосил қилди. Натижада уруш Англия ва Франция ўртасида 1713 йил мартда имзоланган Утрехт сулҳи билан якунланди. Сулҳга биноан Филипп V Испания қироли деб тан олинди, аммо Франция ва Испаниянинг битта монарх қўл остида бирлашиши тақиқланди. Гибралтар ва Менорка оролидаги Маон порти Англиянинг базалари деб эълон қилинди, Тоскананинг бир қисми, Милан, Неаполь, Сардиния ва Нидерландиянинг Испанияга қарашли қисми Австрия назорати остига ўтди, Сицилия Савойяга берилди. Филипп V уруш давомида эрцгерцог Карлни қўллаб-қувватлаган каталонияликларни афв этиш мажбуриятини олди ҳамда англияликларга Испаниянинг Америкадаги мустамлакалари билан савдо қилиш ҳуқуқи ва у ерга негр-қулларни олиб бориш монопол ҳуқуқи (асьементо) берилди.

Шундай қилиб, уруш Испаниянинг янада сусайишига олиб келди. У ўзининг Европадаги катта ҳудудларидан, стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган Гибралтар қўрғонидан ажралди.

Испаниянинг XVIII асрдаги ички ва ташқи сиёсати. Урушдан сўнг Филипп V саройида французлар эмас, италияликларнинг роли кучаяди. Қиролнинг ишончини қозонган руҳоний Жулио Алберони Испания сиёсатини белгилашда катта ўрин эгаллайди. Қироличанинг вафотидан сўнг Ж. Алберони қистови билан қирол Филипп V Парма герцогининг қизи Изабеллага уйланади. Ҳаракатчан ва қатъиятли янги қиролича саройдан французларни сиқиб чиқарди. Алберони кардиналлик унвонини олиб, Испаниянинг биринчи вазири бўлди. Янги қиролича ва Алберони Испаниянинг Италиядаги ерларини қайтариш учун фаол ҳаракатлар олиб борди. Бир қатор урушлардан сўнг Изабелла ўз режасини амалга оширишга муваффақ бўлди: унинг катта ўғли Карл Неаполитан қироли бўлди, кичик ўғли эса Парма ва Пьяченца тахтини эгаллади.

Филипп V ҳукмронлигининг охирги йилларида министрлик лавозимлари испанларга берилди, улар мамлакатдаги тушкунликни тўхтатишга уриндилар. Молия вазири Хосе Патиньо ва унинг ўрнига келган Маркиз де Энсенада Испания иқтисодини кўтаришга ва мудофаа кудратини оширишга ҳаракат қилдилар, тўқимачилик товарларини мамлакатга олиб кириш учун бож тўловларининг оширилиши миллий тўқимачилик саноатининг жонланишига олиб келди, давлат ва хусусий мануфактуралар ташкил қилиш рағбатлантирилди, хунармандлар фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлдилар, солиқлар йиғиш давлат амалдорларига берилиб, бу ишдаги воситачилар ҳуқуқларидан маҳрум этилди. Деҳқончиликни кўтариш мақсадида «поситос» деб аталувчи, деҳқонларни уруғлик билан таъминловчи қарз бериш кассалари ташкил қилинди.

Ҳукумат ташлаб қўйилган қалъаларни тиклашга киришди, ҳарбий флот учун янги базалар ташкил қилинди, ҳарбий билим юртлари очилди, янги верфь ва арсеналлар қурилди. Испан йигитларини ҳарбий флот ишларини ўрганиш учун Англияга жўнатишди, Астурияда дастлабки ҳарбий заводларга асос солинди.

Миллий маданият ҳам рағбатлантирилди ва ривожланди: Мадридда Миллий кутубхона ва тарих, тил, тиббиёт соҳаларида кирол академиялари очилди. Карл III ҳукмронлиги даврида (1759–1788) «маърифатли абсолютизм»нинг характерига мос ислоҳотлар ўтказилди.

1766 йили ҳукумат бошлиги бўлган Педро Абарца де Болла – граф Аранда француз маърифатпарварларининг ғоялари тарафдори, Испаниянинг энг маърифатли кишиларидан саналар эди. Аранда олиб борган ислоҳотлар сиёсати зодагонларнинг асосий имтиёзларига таҳдид қилмаса-да, уларнинг кескин норозилигига сабаб бўлди. Натижада у истеъфога чиқишга мажбур бўлди.

1777 йили Аранданинг ўрнига келган граф Флоридабланка ҳам ислоҳотлар йўлини давом эттирди: Америкадаги мустамлакалар билан эркин савдо ўрнатди, бу товар айирбошлашнинг сезиларли ўсишига олиб келди, чўл ерларни ўзлаштиришни бошлади, денгизчиликни қўллаб-қувватлади.

Бошқа бир маърифатпарвар ва ислоҳотчи Кампоманес¹ 1763 йилдан 1791 йилгача молия вазири бўлиб турди. Иқтисодий билимлар-

¹ Кампоманес, Родригес Педро (1723–1803) испан давлат арбоби, граф, иқтисодчи, тарихчи. Испанияда «маърифатли абсолютизм» сиёсатининг атоқли намояндаси.

нинг ёйилиши учун у кўп ишларни амалга оширди. Жумладан, шу мақсадда Мадрид, Барселона, Овьедо ва бошқа шаҳарларда саноатнинг ривожланишини қўлловчи қонунлар жорий қилинишига эришди. Кампоманеснинг ташаббуси билан саноат ва хунармандчилик ривожини молиялаш мақсадида махсус банк ташкил қилинди. Англиядан машиналар сотиб олинди, чет эллардан тажрибали усталар таклиф қилинди, дастлабки техника билим юртлари ташкил қилинди. Цехларнинг имтиёзлари бекор бўлди, саноатчиларга ишлаб чиқаришда ўсишга эришганлик учун мукофотлар тўланди. Тўқимачиликнинг ривожланиши учун испанларга чет эл матоларидан кийим кийиб юришни тақиқловчи декрет қатта аҳамиятга эга бўлди.

Кампоманес мамлакатни тез-тез айланар, Испанияни, унинг иқтисодини ва халқнинг аҳволини яхши биларди. У янги йўллар, каналлар қурилишининг фаол ташаббускори, транспортни тартибга солишнинг тарафдори, қишлоқ хўжалигига капитал сарфлашни амалга оширишнинг жонкуяри эди. Кампоманес бир қанча черковларнинг ёпилишига, мактабларда фақат дунёвий фанларнинг ўқитилишига эришди. Мамлакатдаги энг илғор ўқув юртларидан бири – Овьедодаги Астурия институтини ташкил қилиш ҳам Кампоманеснинг хизматидир. Унинг ўзи ҳам тарих, иқтисод ва филологияга оид бир қатор асарларини эълон қилди. Кампоманес ва Флоридабланка томонидан инквизиция судларини бекор қилиш борасидаги ҳаракатлар қирол томонидан маъқулланмади. Уларнинг ўзи ғайридинликда айбланди. Бироқ бу пайтга келиб уларни жазолаш учун инквизициянинг кучи энди етарли эмасди.

1788 йил тахтга Карл III нинг ўғли Карл IV келди. У иродаси бўш, қатъиятсиз киши бўлиб, хотини Мария Луизанинг тўлиқ таъсирига тушиб қолди. 1792 йили Флоридабланка ўрнига Мария Луизанинг 25 ёшли жазмани Мануэль Годой (1767–1851) биринчи вазир этиб тайинланади. Қироличага жазманликдан бошқа ҳеч қандай сифат ёки хизматга эга бўлмаган Годойнинг гвардия оддий аскарлигидан давлатнинг биринчи вазири лавозимига кўтарилиши Испанияда абсолютизм инқирози бошланганлигидан далолат беради. Годой мамлакатни Францияга қарши урушга жалб қилди. Уруш икки йил (1793–1795) давом этиб, Шимолий Испаниянинг французлар томонидан босиб олинисидан сўнг испан ҳукумати сулҳ тузишга мажбур бўлди. Ажабланарлиси шундаки, Годой фақат қироличанинг

муҳаббатини сақлаб қолмасдан, қиролнинг ҳам ҳурматиға сазовор бўлди ва унга «тинчлик князи» деган унвон инъом этилди.

Наполеон эса Годойни инглизларга қарши коалицияга жалб этди ва Англиянинг иттифоқчиси бўлган Португалияга қарши уруш бошлашга (1801) мажбур қилди. Испанлар Португалияни босиб олгандан сўнг Годой генералиссимус унвонини олди.

* * *

XVIII асрдаги ислохотлар натижасида иқтисодда буржуазиянинг роли ошди, аммо сиёсатда улар ҳамон ҳуқуқсизлигича қолаверди.

Карл III даврида абсолютизм ўзининг энг юқори чўққисига етди. 1700 йилдан 1788 йилгача кортеслар (парламент) бор-йўғи беш марта чакирилди, унда ҳам фақат байрам маросимлари учун, холос.

Иқтисодни кўтариш мақсадида 1783 йили ҳукумат зодагонларга меҳнат қилиш ҳуқуқини берувчи декрет эълон қилди. Декрет зодагонларни меҳнатга жалб қила олмаган бўлса-да, меҳнат аҳлининг обрўсини кўтарди. Аср охирига келиб ерни ижарага олиш шартлари бироз юмшади, дон савдосига эркинлик берилиши миллий бозорнинг шаклланишида муҳим воқеа бўлди.

Каталония, Астурия ва Баскония иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган ўлкаларга айланди. Аҳоли сони ошиб борди. Масалан, 1759 йилдан 1789 йилгача Барселона аҳолиси икки баробарга кўпайди. Шунга қарамасдан XVIII аср охирига келиб Испания экстенсив кишлоқ хўжалигига ва ўта кам тараққий этган саноатга эга қолок аграр мамлакат бўлиб қолаверди.

XIII боб бўйича саволлар

1. Испанияда сиёсий ва иқтисодий тушқунликнинг бошланиш сабаблари нимада эди?
2. Испаниядаги инкироз унинг мустамлакаларидаги ҳолатга қандай таъсир кўрсатди?
3. XVIII асрдаги испан тахти учун кураш мамлакатнинг кейинги тараққиётига қандай таъсир кўрсатди?
4. Испан тахтига габсбурглар ўрнига бурбонларнинг келиши Австрия-Франция муносабатларига қандай таъсир кўрсатди?
5. XVIII аср Испания ички ва ташқи сиёсатида қандай асосий босқичлар мавжуд?

XIV БОБ. XVI–XVIII АСРЛАРДА ПОЛЬША

Польша бутун XVI–XVIII асрлар давомида қолоқ кишлок хўжалигига асосланган, арзигулик саноати йўқ аграр мамлакат эди. Польшанинг халқаро аҳволи ёмонлашуви мамлакатдаги иқтисодий инкирозни чуқурлаштирди.

Речь Посполита ва унинг сиёсати. Ливония уруши даврида (1558–1583) Литва князлигининг кучсизланиб қолганлиги уни Польша билан шартнома тузишга мажбур қилди. 1569 йили тузилган бу шартнома Люблин унияси деб аталиб, унга биноан Польша ва Литва битта давлат – Речь Посполитага бирлашдилар.

1573 йили Сейм француз шаҳзодаси Генрих Валуани (1573–1574) маълум шартлар асосида қирол қилиб сайлади. Бу шартлар, асосан, Польша конституциясида ўз ифодасини топган бўлиб, Либерриум ветода¹ мужассамлашди. 1574 йил Генрих Валуа қочиб кетгандан сўнг Сейм воевода Стефан Баторийни янги қирол қилиб сайлади (1574–1587). С.Баторий Ливония урушида қатнашиб, анча муваффақиятларга эришди. 1582 йилги Ям-Запольск тинчлик сулҳи Ливония устидан Польша ҳукмронлигини ўрнатди.

Швед шаҳзодаси Сигизмунд III Вазанинг Польша қироли қилиб сайланиши (1587–1632) Швеция билан Польша ўртасида Россияга қарши коалициянинг тузилишига олиб келди. 1609 йили Сигизмунд Россияга қарши уруш бошлайди. Аммо Россияни забт этиш режаси амалга ошмади ва уруш 1618 йил 1 декабрда Троице-Сергиев монастири (ҳозирги Загорск шаҳри) яқинидаги Деулин кишлоғида Россия билан Польша ўртасида ўн тўрт ярим йилга имзоланган сулҳ билан якунланди. Сулҳга кўра Россия Смоленск, Чернигов, Новгород-Северск ерлари, 29 та шаҳар, жумладан Смоленск шаҳридан воз кечишга мажбур бўлди.

Польшанинг шарқда Россия билан урушда бандлигидан фойдаланиб Швеция ва Туркия унга қарши юриш бошлади. Швеция урушни ўзи учун фойдали Алтмарк яраш сулҳи (1629) билан якунлади. Туркия Польша таркибига кирувчи украин ва волин ерлари учун 1620–1621, 1672–1676, 1683–1699 йиллари урушни давом эттирди. Натижада, 1698–1699 йиллардаги Карловица конгрессининг

¹ *Liberium veto* – унга биноан Сеймда қарор қабул қилинмаслиги учун битта қарши овоз етарли эди.

қарорига биноан Польша ўз ерларидан ташқари Туркия таркибидаги ўнг қирғоқ Украина ва Подолия ерларига ҳам эга бўлди.

Аммо 1618 йили Бранденбург билан Пруссиянинг бирлашиши Польшанинг гарбдаги позициясини сусайтирди. Қирол Владислав IV даврида Польшанинг халқаро мавқеи ҳам анча тушиб кетди. 1632–1634 йиллардаги рус-поляк урушидан сўнг Полянов тинчлик сулҳига (1634) кўра Владислав IV рус тахтига бўлган даъвосидан воз кечди. Ўттиз йиллик уруш даврида (1618–1648) Габсбургларнинг кучсизланиб қолганлигидан Силезияни Польша таркибига қайтариб олишда фойдаланилмади.

Мамлакат худуди икки марта – XVII асрнинг 50-йилларида ва Шимолий уруш даврида шведлар томонидан босиб олинди.

XVII аср охири – XVIII аср бошларида тўхтовсиз давом этган урушлар мамлакат иқтисодини вайрон қилиб, давлатнинг халқаро мавқеини янада тушириб юборди. Польшанинг ички ишларига чет давлатларнинг аралашуви кучайди.

Польшага ўзининг сиёсий таъсирини кучайтиришга ҳаракат қилаётган чор Россияси 1764 йили Екатерина II нинг арзандаси Станислав Август Понятовскийнинг Польша қироли қилиб сайланишига эришди. Янги қирол ва унинг қариндошлари князь Чарторийскийларнинг чекланган ислоҳотлар орқали марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш сари қилган ҳаракатлари Пруссия ва Россиянинг норозилигига сабаб бўлди. Диссидентлар (протестантлар ва православлар) масаласини баҳона қилиб, Россия Польшанинг ички ишларига қўпол аралашувни бошлайди. Натижада, 1768 йили Россия билан Польша ўртасида имзоланган Варшава шартномасига биноан протестантлар ва православларнинг сиёсий ҳуқуқлари кенгайтирилиб, католикларники билан тенглаштирилди, Россия протекторати ўрнатилди.

Польша давлатининг тугатилиши. Поляк халқининг турли қатламлари орасида Россия сиёсатига қарши норозилик кучайди. 1768 йили католик руҳонийлар ташаббуси билан норози қатламлар ва ватанпарвар шляхта вакиллари Бар шаҳрига ўзларининг съездига тўпланишди. Улар Бар конференцияси деб аталувчи мухолифатни туздилар. Мухолифатчилар миллатнинг топталган ғурури, давлатнинг суверенитетини тиклашга аҳд қилдилар. Бунда улар Франция ва Туркиянинг мададига таянаётган эди. Оқибатда қирол Станислав Понятовский ёрдам сўраб Россияга мурожаат қилди.

Россия қўшинлари Польшага кириб, конференциячиларни тор-мор қилди.

Россиянинг Польша устидан якка ҳукмронлигидан хавотирланган Пруссия уни бўлиш режасини таклиф қила бошлади. Дастлаб, Россия ўз таъсири остида Польшанинг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш ва бу ерда мустаҳкамроқ ўрнашиш мақсадида Пруссиянинг Польшани бўлиб олиш ҳақидаги таклифини рад этди. Аммо Россия-Туркия урушининг (1768–1774) чўзилиб кетиши ва Пруссиянинг Австрия билан яқинлашуви Екатерина II ни улар билан муро-са қилишга мажбур қилди.

1772 йили 25 июль куни Петербургда Россия, Пруссия ва Австрия ўртасида конвенция имзоланиб, Польшани биринчи тақсимлаш амалга оширилди. Конвенцияга биноан Шарқий Белоруссия, Полоцк ва Ливониянинг Польшага қарашли қисми Россияга, Галициянинг бир қисми Австрияга, Поморьенинг ва Буюк Польшанинг бир қисми Пруссияга ўтди. Ушбу давлатларнинг қаттиқ тазйиқи остида сейм ва кейин қирол мазкур шартномани ратификация қилишга мажбур бўлишди.

1772 йили Польшанинг тақсимланиши унинг миллий мустақиллигига катта путур етказди. Шу билан бирга поляк халқининг илғор вакиллари ни ғазабга келтирди. Улар Польшани мустаҳкамлаш ва ҳалокатдан сақлаб қолиш йўллари ни ахтара бошладилар. Шундай ҳолатда, 1778 йили тарихда тўрт йиллик деб ном олган сейм йиғилди. Сейм қироллик шаҳарлари аҳолисининг ҳуқуқларини кенгайтириш тўғрисида қонун қабул қилди. Илгари фақат шляхта эга бўлган ҳуқуқлар: ерга эгалик қилиш ҳуқуқи, давлат лавозимларини эгаллаш, унвонлар олиш, шахс дахлсизлигидан фойдаланиш кабилар энди шаҳар аҳолисига ҳам берилди. Сейм қабул қилган энг муҳим ҳужжат 1791 йил 3 майдаги Конституция бўлди. Унда қатор илғор ғоялар илгари сурилди. Қиролнинг сайланиши ва «liberum veto» – сеймда қарор қабул қилинмаслиги учун битта қарши овознинг етарли бўлиш қондаси бекор қилинди. Бу мамлакатда бошбошдоқлик ҳолатини сақлаб туриш учун магнатларга кенг имкониятлар яратди. Қироллик шаҳарлари сеймда вакиллик ва маслаҳат овозига эга бўлдилар.

Француз инқилобининг таъсири остида Польша ватанпарварларининг фаолияти кучайди. Бундай ҳолатдан ва 1791 йил 3 майдаги конституциядан норози бўлган поляк магнатлари 1792 йили Тарго-

во конференциясини туздилар. Конференциянинг мурожаатига жавобан Екатерина II рус кўшинларини Польшага киритди ва поляк армиясининг қаршилигини енгиб, ватанпарвар ҳукуматни ағдариб ташлади.

Фридрих Вильгельм II 1790 йили Польша билан иттифоқ тўғрисидаги шартномадан воз кечди. Пруссия шартномани 3 май Конституциясидан кейин вужудга келган ҳокимият билан эмас, аввалгиси билан тузганлигини баҳона қилиб кўрсатди. 3 май Конституциясининг кафолати бўлган Австрия ҳам ўз кафолатидан воз кечди. Бунинг устига Фридрих Вильгельм II Францияга қарши уруш харажатлари Польша ҳисобидан қопланмаса, бундай урушда қатнашмаслигини эълон қилди. Бу ҳол Польшанинг иккинчи марта тақсимланишини тезлаштирди.

1793 йил 12 январда Россия билан Пруссия ўртасида Польшани иккинчи бор тақсимлаш тўғрисида шартнома имзоланди. Пруссия кўшинлари ҳам Польшага киритилди. Шартномага биноан белорус ва украин ерларининг катта қисми Россияга ўтди. Пруссия Гданьск, Торунь ва Буюк Польшанинг қолган қисмини Познань шаҳри билан кўшиб эгаллаб олди. Австрия Польшанинг иккинчи тақсимланишида қатнашмади. У инқилобий Франция билан урушда банд эди. Бундан ташқари Россия ва Пруссия Австриянинг Бельгияни Баварияга алмаштириш режасини қувватлашларини ваъда қилдилар.

Бундай зўравонлик актига қарши поляк халқи миллий-озодлик ҳаракатини бошлаб юборди. Кўзғолонга талантли поляк сиёсатчиси, Америка мустақиллиги учун уруш қатнашчиси, инқилобий Франциянинг фахрий фуқароси, махсус ҳарбий маълумот олган зобит Тадеуш Костюшко (1746–1817) бошчилик қилди. Кўзғолон 1794 йил март ойида бошланиб, унда шаҳарликлар, шляхта ва қисман деҳқонлар иштирок этдилар. Шу йили «Поменецк универсали» деб аталувчи ҳужжат қабул қилиниб, унда деҳқонларнинг шахсий озодлиги, бир жойдан иккинчи жойга тўсиқсиз ўтиш ҳуқуқи эълон қилинди. Универсал феодал-крепостной тартибларнинг асоси бўлган шляхтанинг ерга эгалик ҳуқуқининг дахлсизлигини ҳимоя қилган бўлса-да, шляхта ундан норозилигини билдирди. Бундан норози бўлган деҳқонлар эса кўзғолонда иштирок этмай қўйдилар. Натижада кўзғолоннинг тақдири ҳал бўлди. Польшага киритилган рус ва прусс кўшинлари кўзғолонни бостиришди.

1795 йил 3 январда Петербургда Россия билан Австрия ўртасида Польшани учинчи бор ва батамом тақсимлаш тўғрисида декларация имзоланди. Кейинчалик бу декларацияга Пруссия ҳам қўшилди.

Ғарбий Белоруссия, Волинь ерлари ва Литва – Россияга, Марказий Польша Варшава шаҳри билан – Пруссияга ва Кичик Польша – Австрияга ўтди.

1797 йил Россия, Пруссия ва Австрия ўртасида имзоланган Петербург конвенцияси Речь Посполитанинг давлат сифатида барҳам топишига олиб келди. Польша фуқаролиги ва Польша давлати билан боғлиқ барча юридик тушунчалар бекор қилинди. 1797 йилги Петербург конвенциясига Польша қироли Станислав-Августнинг тахтдан воз кечганлиги тўғрисидаги 1795 йилги акт илова қилинди.

Шундай қилиб, учта кучли давлатлар ўртасида тақсимланиш оқибатида поляк халқи қаттиқ сиёсий ва миллий зулм остида қолди. Бу Польшанинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланишига узок йиллар салбий таъсир кўрсатди.

Польша давлатининг тугатилиш босқичлари

1772 йили Россия, Пруссия, Австрия ўртасида Петербург сулҳи имзоланди.	Шарқий Белоруссия, Полоцк ва Ливониянинг Польшага қарашли қисми – Россияга, Галициянинг бир қисми – Австрияга, Поморьенинг ва Буюк Польшанинг бир қисми – Пруссияга ўтди.
1793 йили Россия – Пруссия сулҳи имзоланди.	Белорус ва украин ерларининг катта қисми – Россияга, Гданьск, Торунь ва Буюк Польшанинг қолган қисми Пруссияга ўтди.
1795 йил Петербургда Россия – Австрия – Пруссия декларацияси имзоланди.	Ғарбий Белоруссия, Волинь ерлари ва Литва – Россияга, Марказий Польша Варшава шаҳри билан Пруссияга, Кичик Польша – Австрияга ўтди.
1797 йил Россия – Пруссия – Австрия Петербург конвенциясини имзолади.	Речь Посполита давлат сифатида барҳам топди.

Иқтисодий ривожланиш. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг заифлиги Польшада баршчинанинг ўсишига олиб келди. XVIII аср биринчи ярмидан поляк шаҳарларининг аграрлашув жараёни бошланди. Аммо тўхтовсиз давом этган урушлар Польша иқтисодини

бутунлай издан чикарди. Фақат XVIII аср иккинчи ярмига келиб, иқтисодга капиталистик муносабатларнинг кириб келиши натижасида унда жонланиш юз берди. Ёлланма меҳнатга асосланган мануфактуралар борган сари салмоқли ўрин эгаллаб борди. Қишлоқ билан шаҳар ҳамда турли худудлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг кучайиши Польшада умуммиллий бозорнинг шаклланишига олиб келди. Бир қисм магнатлар ва шляхта ерга ишлов беришнинг такомиллашган усуллари кўллаш, қишлоқ хўжалик ускуналарини сотиб олиш, ёлланма меҳнатни кўллаш эвазига шаклланаётган капиталистик муносабатларга мослашиш учун ҳаракат қилдилар. Иқтисоднинг жонланиши ва мамлакатда хўжаликнинг тикланиши халқнинг илғор вакиллари ўртасида қолоқ давлат тузумини ислоҳ қилиш ва шу орқали Польшани унга хавф солаётган ҳалокатдан сақлаб қолиш ҳақида гоёларни туғдирди.

Аммо XVIII асрда ҳам феодал-креспостной тузум ўз кучини сақлаб қолди. Фақат 1768 йили феодаллар ўз деҳқонларига нисбатан ўлим жазосини кўллаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

XVIII аср 60–80-йилларида шаҳарлар ва ишлаб чиқаришнинг юксалиши бошланди, қатор мануфактуралар пайдо бўлди. Айниқса тўқимачилик саноати, ойна ишлаб чиқариш, безак буюмлари яшашда сезиларли ўсиш юз берди, банклар ва кредит ташкилотлари пайдо бўлди.

Маданият. Польшадаги сиёсий ва иқтисодий инқироз маданиятга ҳам таъсир этмасдан қолмади. Маданий ҳаётда борган сари иезуитларнинг роли ошиб борди. Станислав Конарский ва бошқа илғор жамоат арбобларининг жамиятни ислоҳ қилиш борасидаги ҳаракатлари руҳонийлар ва зодагонларнинг қаршилигига учради. Ҳукмрон қатлам орасида диний мутаассибликнинг ўсиши Польша таркибига кирган бошқа халқлар устидан иқтисодий зулм билан бирга диний-маданий зулмнинг ҳам ўрнатилишига олиб келди.

XVIII аср иккинчи ярмидан бошлаб маданиятда сезиларли юксалиш юз берди. Илгари иезуитлар ордени бошқаруви остида бўлган мактаблар, орден тарқатилгандан сўнг 1773 йилдан бошлаб эдукацион комиссия – Европада биринчи маориф вазирлиги ихтиёрига ўтди. Ушбу комиссия 1773–1775 йиллари таълим соҳасида ислохотни амалга ошириб, уни диний таъсирдан озод қилди, унга дунёвий характер берди ва поляк тилини таълим бериш тили сифатида ўрнатди. Г. Коллонтай томонидан амалга оширилган Краков

университетининг ислоҳоти ҳам шу йўналишда бўлди. Ижтимоий фикрда, адабиётда ва санъатда маърифатчилик ғоялари қарор топди. Поляк маърифатпарварлари чет эл, аввало француз маърифатпарварларининг ғояларини поляк жамиятининг ҳолатидан келиб чиқиб татбиқ қилиш ғоясини илгари сурдилар.

* * *

Польша давлатининг йўқ қилиниши Европадаги реакцион кучларнинг миллий-озодлик ҳаракатига қарши курашида бир босқич бўлди. Поляк помещчиклари Польшанинг мустақиллигини йўқотиш эвазига ўзларининг ерларини саклаб қолдилар. Польшанинг бўлиниши аслида уни бўлишда қатнашган учта давлат билан поляк йирик феодаллари ўртасидаги келишувнинг маҳсули бўлди. Бу акт поляк феодаллари учун инқилобдан сакланиб қолишнинг охириги имконияти эди. Сиёсий ва миллий зулм узоқ давом этди. Аммо поляк халки ўз мустақиллиги учун курашни тўхтатмади.

XIV боб бўйича саволлар

1. Речь Посполитанинг ташқи сиёсати қандай мақсадларга қаратилган эди?
2. XVII–XVIII асрларда олиб борилган урушлар Польшанинг халқаро маъқега қандай таъсир кўрсатди?
3. XVIII асрдан бошлаб Польшанинг ички ишларига Россия аралашувининг кучайишини қандай изоҳлаш мумкин?
4. XVIII асрдан бошлаб Польша маданий тараққиётида қандай ижобий ўзгаришлар кузатилади?
5. Қандай ички ва ташқи сабаблар Польша давлатининг тугатилишига олиб келди?

XV БОБ. XVI–XVIII АСРЛАРДА БОЛҚОН ХАЛҚЛАРИ

Болқон халқлари Усманийлар империяси таркибида. Усманий туркларнинг XIV–XV асрларда Европада олиб борган истилолари натижасида XV аср охири – XVI аср бошларида Болқон яриморалининг қарийб барча ҳудудлари, Осиё ва Африканинг кўпгина ерлари турклар зулми остида қолди. Кўплаб халқларни бўйсундирган Усманийлар империяси ўз даврининг илгор давлатларидан бири, ўрта асрларнинг ягона асл ҳарбий давлатига айланди.

Усмонийлар давлатининг географик кулай, яъни Европа ва Осиё китъалари ҳамда мусулмон ва христиан олами туташган ерда жойлашуви, уларнинг Европада олиб борган истилолари учун муҳим стратегик шароит яратди. Шундай истилочилик урушлари натижасида Усмонийлар кўшинлари 1501 йили Дуррес шаҳрини (Албания), 1522 йили Родос шаҳрини (Греция), кейинчалик эса Эгей денгизидаги бир неча ороллари ва қалъаларни, 1571 йили Кипр оролини забт этдилар. XVI аср охирида венецияликлар Далмациядаги денгизбўйи ҳудудларини, Ионна ва Крит оролларини ўзларида сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар, хорват ва словения ерлари Габсбурглар ҳукмронлиги остида қолди. Усмоний султонларнинг олий ҳукмронлигини тан олган мустақил шаҳар-республика Дубровник ҳамда Валахия ва Молдавия усмонийларга йиллик товон тўлаб турадиган бўлдилар. Усмонийлар империясининг Болқондаги ҳарбий-сиёсий устунлиги, мунтазам кучли армиянинг мавжудлигига, Европада ўз истилоларини давом эттириш, кенгайтириш ва бўйсундирилган халқларни қаттиқ итоатда ушлаб туриш мақсадига қаратилган сиёсатни олиб борувчи ҳарбий-маъмурий аппаратнинг қатъий марказлаштирилганлигига асосланган эди.

Румели Усмонийлар давлатининг асосий ҳудудларидан бирига айланди. Чунки айнан шу ерда империя пойтахти Стамбул шаҳри, Усмоний султонларнинг эски қароргоҳи Эдирне (Адриано-поль) ҳамда савдо марказлари ҳисобланган кўпгина бошқа йирик шаҳарлар – Салоники, Дуррес, Скопье, София, Сараево жойлашган эди.

Туркиянинг Болқон яриморотида олиб борган сиёсатида болқон халқларини исломлаштириш муҳим ўрин эгаллайди. XVII асргача сақланиб келинган «қон билан тўланадиган солиқ», яъни бўйсундирилган халқлардан ўсмирларни саралаб олиш, ислом динига ўтказиш, кейинчалик султон мулкининг ҳимоячиларига айлантириш ҳамда улар ичидан сарой аъёнлари, яничарлар тайёрлаш болқон халқлари ҳаётида оғир из қолдирди. Бундан ташқари шаҳар ҳунармандлари ва савдогарлар орасидан кўплаб болқонликлар ўз мулклари, баъзан эса ҳатто ҳаётларини сақлаб қолиш учун исломни қабул қилганлар ҳам кўп эди. Бошқа диндагиларнинг (христианлар, яҳудийлар) мусулмонлар билан тенг ҳуқуққа эга эмаслиги ҳам исломнинг зўрлик билан сингдирилиши учун шароит яратарди. Мулкка эгалик ҳуқуқи ва солиқлар тизими ҳам шу мақсадга

йўналтирилган бўлиб, исломни қабул қилмаган аҳоли бундан жуда катта жабр тортарди.

Ерга эгалик шакллари. Босиб олинган ерларда усмонийлар ерга эгалик қилишнинг Болқондаги илгариги шаклларида тубдан фарқ қиладиган ўз тизимини ўрнатдилар. Босиб олинган мамлакатлардаги аксарият ерлар ҳарбий хизматлари учун сипоҳийларга тарқатилди, қолган ерлар эса усмоний амалдорларга ва саркардаларга фойдаланиб туриш учун берилди. Шу ерларнинг бир қисми султон ҳамда сулола аъзоларининг мерос мулки сифатида сарой ихтиёрига ўтди.

Христиан динига мансуб ер эгаларининг баъзилари ислом динига ўтиш шарти билан ўз ерларини сақлаб қолдилар, бошқалари эса ҳарбий-лен (мамлакатдаги ерларнинг катта қисми ҳарбий ленларга айлантирилган эди) сифатида ерлардан фойдалана бошладилар. Аммо христиан сипоҳийларга унумсиз ерлардан кам миқдорда ажратилганлиги сабабли сипоҳийларнинг бу тоифаси XVI аср давомида йўқ бўлиб кетди. Христиан черкови ҳам Болқондаги ўз ерлари ва қарам деҳқонларидан деярли бутунлай маҳрум бўлди.

Шаҳарлар. Савдо ва саноат. XV аср охири ва XVI асрларда бир қатор Болқон шаҳарларида иқтисодий ўсиш кузатилади, шаҳарларнинг ташқи кўриниши сезиларли даражада ўзгарди, мусулмон меъморчилиги намуналари кўпайиб борди. XVII асрга келиб мусулмон шаҳарларнинг салмоғи умуман Болқон шаҳарларининг ярмидан ошиб кетди. Бу жадал турк мустамлакачилиги ва исломлаштиришнинг натижаси эди.

Болқон мамлакатларида анъанавий шаҳар ҳунармандчилиги ва савдонинг ривожланиши усмонийлар ўрнатган феодал тузум шароитида ўта зиддиятли эди. Бунинг устига диний чеклашлар ҳам ўрнатилган бўлиб, христиан динига мансуб ҳунарманд ва савдогарлар фаолиятнинг маълум турлари билангина шуғулланиши мумкин эди. Шу сабабли турклар ҳукмронлиги бўйсундирилган халқларнинг иқтисодий ўсишини тўхтатиб қўймоқда эди. Бундан ташқари буржуача тадбиркорликнинг асосий шарти бўлган мулкнинг ва савдогар шахсининг дахлсизлиги ҳам қафолатланмаган эди.

Шунга қарамасдан Европада, айниқса, католик мазҳаби ҳукмрон ҳисобланган мамлакатларда инквизиция авж олган, ўзга мазҳаб ва диндагилар қувғинга учраган пайтда Испания ва Португалиядан яҳудийларнинг Болқонга кўчиб келиши кўпайди. Булар асосан сав-

догарлар бўлиб, Дубровник ва Ғарбий Европа савдогарлари билан яхши алоқа ўрнатган эди. Шу сабабли улар Болқон ва бутун Усмонийлар империясининг Англия, Франция, Италия, Голландия ва бошқа Марказий Европа давлатлари билан ташқи савдосида воситачилик қилар ва умуман усмонийларнинг бошқа давлатлар билан бўладиган савдосида муҳим ўрин тутарди.

Савдонинг бир томонлама ривожланиши, яъни Ғарбий Европада ишлаб чиқарилган арзон молларнинг Болқон мамлакатлари ва умуман Усмонийлар империясига қарашли ерларга оқиб келиши натижасида маҳаллий хунармандчилик турғун ҳолатга тушиб қолди. Аста-секин Болқон мамлакатлари ва бутун Усмонийлар империяси саноати ривожланган Ғарбий Европа мамлакатларининг аграр хомашё базасига айланиб борди.

Жанубий славянларда капиталистик муносабатларнинг шаклланиши. Ҳали XVII асрдаёқ сипоҳийлар султонга қарамликдан қутулиш ва шартли равишда эгалик қилаётган ерлари – сипоҳийликни мерос мулк – чифликка айлантириш учун ҳаракат қилдилар. Бунинг учун сипоҳийлар ҳарбий хизматдан товланиб, ўз ўринларига бошқа одамларни ёллашарди. Бу жараён, айниқса, XVIII асрда кенг қулоқ ёйиб, дастлаб Македония, Босния ва Болгарияни, кейин эса Сербияни ҳам қамраб олди. Шу тариқа сипоҳийлик ерлари чифлик (Болгарияда) ёки читлук (Сербияда) ерларига айланиб борди. Феодал муносабатларнинг барҳам топиш жараёнида чифлик ерлари бозор билан узвий боғланган бўлиб, маҳсулотларнинг анчагина қисми сотиш учун олиб чиқилар эди. Бу шароитда аста-секин бозор муносабатларининг шаклланиши учун шароит туғилади. Айни пайтда чифлик феодал ер эгалигига хос томонларни ҳам ўзида сақлаб қолган эди. Чифлик фақат турклар ёки турклашган аҳолининг мулки бўлиб, бу ерларда уларга бириктирилган славян деҳқонлари ишларди. Бу дастлаб баршчина – ишлаб бериш кўринишида бўлган бўлса, кейинчалик деҳқонлар ерни ижарага олиб ҳосилнинг бир қисмини, одатда ярмигачасини ер эгасига тўлайдиган бўлди. Чифликнинг кенг тарқалиши кўшлаб деҳқонларни ерларидан маҳрум қилиб, ишсизлар сонининг ошиб кетишига олиб келди. Ишсизларнинг бир қисми турклар бориши қийин бўлган тоғли худудларга кетиб у ерда ўз қишлоқларини ташкил қилар ва хунармандчилик билан шугулланарди. Қолган қисм деҳқонлар эса чифлик ерларда ёлланиб ишларди.

Жанубий славян қишлоқларининг аҳолиси «задруга» деб ата- лувчи катта-катта оилаларга бирлашиб яшарди. Бундай оилаларда 100–150 тагача киши бўлиб, ер умумий мулк ҳисобланар ва унга биргалашиб ишлов бериларди. Жанубий славянларда задруга хўжалигининг узоқ сақланиб қолганлигига сабаб, товар-пул муно- сабатларининг сушт тараққий этганлигида эди. XVIII аср охири – XIX аср бошларидан капиталистик муносабатлар ривожланган сари задруга хўжалиги ҳам барҳам топиб борди.

Товар-пул муносабатларининг ривожланиши аста-секин бўлса- да қишлоқ хўжалигининг маълум экинларга мутахассислашуви ва хунармандчиликнинг тараққиётига олиб келди. Асосий экин- лар пахта ва тамаки бўлиб, улар кўплаб экиладиган бўлди. Чорва- чилик ҳам шу тариқа ривожланиб, Сербияда чўчқачилик, Болга- рияда эса қўйчилик асосий соҳага айланди. XVII аср ва, айниқса, XVIII асрда Дунай ва Сава дарёларининг савдо йўллари бўйларида хунармандчилик кенг ривожланди. Белград, Сараево, Мостар шаҳарлари хунармандчиликнинг муҳим марказларига айланади.

Болгариянинг турклардан тоғлар билан ажратилган янги қиш- локларида ҳам аста-секин хунармандчилик ва савдо марказла- ри таркиб топди. XVIII аср иккинчи ярмидан Сливено, Габрово, Калеферо, Карлово ва бошқа болгар шаҳарларида ҳам хунар- мандчилик ишлаб чиқариши жонланди. София ва Пловдив шаҳарларида болгар аҳолисининг сони ошиб, хунармандчилик ри- вожлана бошлади.

Болқон ерларининг Габсбурглар империяси таркибига кирган қисмида XVIII аср 60–80-йилларида Мария-Тереза ва, айниқса, Иосиф II томонидан ўтказилган «маърифатли абсолютизм» исло- хотлари помещиклар зулмининг бир оз юмшаши, товар-пул му- носабатларининг ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг риво- жига ижобий таъсир кўрсатди. Жанубий славян халқлари миллий уйғонишининг бошланиши ҳам шу даврга тўғри келади.

Хорватияда бозор муносабатларининг шаклланиши жадал суръ- атларда юз берди. Ёғоч ишлаб чиқариш ва кemasозлик саноати, айниқса тез ривожланди. 1779 йили Венгрия таркибига қўшилган Риска шаҳрида қоғоз фабрикаси ишлай боилади, мануфактуралар вужудга келди. Сербия, Словения ва Босния билан савдо алоқалари мустаҳкамланди, чорва моллари, ёғоч ва дон сотиш кенг йўлга қўйилди.

Словенияда капиталистик муносабатлар Хорватиядан олдинрок шакллана бошлади. Триест ва Любляна шаҳарлари муҳим савдо-саноат марказларига айланиб, капиталистик муносабатларнинг шаклланишида катта роль ўйнади. Янги муносабатлар қишлоқ хўжалигига ҳам дадил кириб борди: маккажўхори ва узум етиштириладиган майдонлар кенгайди, чорвачилик ривожланди.

Болқон халқларининг миллий-озодлик кураши. Усманий турклар томонидан забт этилган халқлар орасида ўзга дин, тил ва маданият ҳукмронлигидан озод бўлиш учун интилиш ҳеч қачон сўнмади. Усманийлар империясининг Ғарбий ва Марказий Европа давлатлари билан ҳарбий ҳаракатларга тортилиши унинг Болқон мамлакатларидаги ҳарбий устунлик даражасига таъсир кўрсатди. Миллий-озодлик ҳаракатларининг кўламига кўп сонли мусулмон аҳолисининг мавжудлиги ва тўхтовсиз олиб борилган исломлаштириш сиёсати ҳам таъсир этмай қолмади.

XV–XVI асрларда усманийларнинг сўзсиз ҳарбий устунлиги уларга қарши халқлар кураш тактикасида ўзгариш пайдо бўлишига олиб келди. Серб гайдуқлари, грек клефтлари, хорват успоклари, болгар «қароқчилари»нинг алоҳида отрядлари шу тариқа пайдо бўлди. Кейинчалик мустамлака зулмининг кучайиши, зўрлик билан исломлаштириш, маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзбошимчалиги ва христиан аҳолиси баъзи қатламларининг илгариги имтиёзлардан маҳрум этилиши халқ оммасининг қаршилигига, айрим вилоятлар аҳолисининг усманийларга душман бўлган давлатлар томонига ўтиб кетишига олиб келди. 1537–1540 йиллардаги уруш давридаёқ Венеция ва унинг иттифоқчилари бўлган давлатларнинг туркларга қарши курашга чорловчи даъватлари славян, албан, грек ва бошқа халқлар орасида ўз аксини топди. Айниқса, Химара албанларининг шиддатли курашлари усманийларнинг Италияга бостириб кириш режасини йўққа чиқарди. Химара турклар томонидан забт этилмай қолди, венецияликлар ва испанларнинг бирлашган кучлари черногорияликлар кўмагида денгиз бўйидаги Херцегнови ва Рисан шаҳарларини эгалладилар.

Турк-Венеция уруши ва усманийлар флотининг 1571 йили Лепанто ёнидаги мағлубияти билан Болқон халқлари озодлик ҳаракатининг янги – юксалиш даври бошланди. Морея греклари, Химара ва Дукагина албанлари, черногорияликлар ва бошқа болқон вилоятлари аҳолиси туркларга қарши иттифоқ тузилганли-

ги ҳақидаги хабарни ўшанда зўр завқ билан кутиб олдилар. Венеция кўшинларига кўпгина кўнгиллилар келиб кўшилди, тажрибали болқон денгизчилари усмонийлар флотини яқсон қилган Ленанто ёнидаги денгиз жангида иштирок этдилар. Аммо туркларга қарши иттифоқ иштирокчиларининг ўзаро келишмовчиликлари ва Венециянинг кейинчалик бу иттифоқдан чиқиб кетиши уруш бошларида эришилган галабаларни ривожлантириш имконини бермади. Шунга қарамасдан усмонийларнинг Болқондаги мавқеи XVI аср 70-йилларидан бошлаб омонатлашиб қолган эди.

Гайдуқларнинг сони ва фаоллиги сезиларли даражада ўсиб, усмонийларнинг Европадаги мулкларида доимий равишда галаёнлар кўтарилиб турди. Болқон халқларининг XVI аср охири – XVII аср бошларида усмонийларга қарши курашининг кенг қулоқ ёйиши Муқаддас иттифоқ (Австрия, Испания ва Рим папалиги) нинг туркларга қарши ўн беш йиллик Узоқ уруши йилларига (1592–1606) ҳамда бутун Усмонийлар империясининг жиддий инқирозга юз тутиши даврига тўғри келади. Озодлик курашининг бу юксалиш даврида Банатдаги сербларнинг қуролли чиқишлари (1594), Тирново шаҳрида янги шоҳ Шишман III ни тахтга ўтқазган (1598) болгарлар ва албанларнинг кўзғолонлари (1594–1596), Жанубий Сербия ва Герцеговина аҳолисининг кўзғолонлари (1597–1598) муҳим воқеалар бўлди. Ўшанда гайдуқлар йирик аҳоли пунктларини ҳам эгаллашганди. 1595 йили улар Софияни ишғол қилишди, 1596 йилда эса уюшқлар усмонийларнинг Далмациядаги муҳим таянч пункти бўлган Клис шаҳрини бирмунча вақт эгаллаб турдилар. Барча халқ ҳаракатларининг умумий белгиси шу эдики, Болқондаги усмонийлар ҳокимиятини шу пайтгача маълум даражада қўллаб келган, унга қарши чиқишдан ўзини тийган маҳаллий ер эгаларининг маълум қатламлари энди бу ҳаракатда иштирок этибгина қолмасдан, унга раҳнамолик ҳам қилдилар.

XVI аср охири – XVII аср бошларидаги усмоний турклар зулмига қарши халқ кўзғолонларини тайёрлашда христиан черкови раҳбарлари, хусусан, Охрид архиепископлиги ва Печ патриархияси, Албания, Болгария шаҳарлари ва серб қишлоқларидаги ўз-ўзини бошқариш органларининг кўзга кўринган оқсоқоллари катта роль ўйнади. Улар усмонийларга душман бўлган давлатлардан ҳарбий ёрдам олишга интилишиб, жиддий дипломатик фаолият олиб бордилар, турли кўзғолон марказларини бирлаштиришга

уриндилар. Аммо Австрия, Венеция ва Испаниянинг фаол ёрда-мига ишонч беҳуда бўлиб чиқди. Бундан фойдаланган усмонийлар кўзғолонларни каттиққўллик билан бостирди, илгари маълум имти-ёзларга эга бўлган ёки деярли бўйсундирилмаган вилоятларда янада қатъий назорат ўрнатилди.

Усмонийлар қўшинининг қатор юришлари Албаниянинг тоғли аҳолисини бўйсундиришга қаратилган эди, аммо тоғли ҳудудларда усмонийлар ўз ҳукмронлигини ўрната олмади. Шу йиллари усмо-нийларга қарши курашда болқон халқларининг кучларини бирлаш-тиришга уриниш жараёни давом этди. 1614 йили Албания, Черно-гория, Босния, Герцеговина, Болгария, Сербия, Далмация ва Маке-дония вакилларининг йиғинида умумболқон халқ кўзғолонининг режаси ишлаб чиқилди. Аммо режада асосий куч сифатида Визан-тия империясини тиклаш орзусида юрган француз герцоги Карл Навварскийнинг эскадрасига ишонилганлиги ва бу эскадра денгизда турклар томонидан яқсон қилинганлиги туфайли умумболқон халқ кўзғолони режаси амалга ошмади. Бунинг натижасида XVII аср 20–30-йилларига келиб усмоний турклар Болконда ўз мавқеларини бирмунча мустақамлашга эришдилар. Албания ва Руминиянинг қатор ҳудудларида исломлаштириш сиёсати яна авж олди.

* * *

XVII асрнинг ўрталарига келиб аста-секин ўзгариб бораётган иж-тимой-сиёсий вазиятнинг асосий хусусиятларидан бири жанубий славян, грек ва албан халқларининг усмонийлар зулмига қарши ку-рашда жипслашув жараёни бўлди. Шу курашнинг XVII асрдаги энг каттаси 1686–1688 йиллардаги болгарлар кўзғолони эди. Шунинг-дек, XVII аср охири ва бутун XVIII аср давомида Сербия ва бошқа жанубий славян ерларида ҳам кўзғолонлар тўхтамади. Мустақиллик учун курашда, айниқса, Черногория яхши муваффақиятларга эриш-ди. Вақти-вақти билан мустақиллигини тиклашга эришиб турган бу давлат XVIII аср охирида Россиянинг Туркия устидан қозонган қатор ғалабалари натижасида батамом мустақилликни қўлга кирит-ди. Шунингдек, 1793–1794 йиллари сербларнинг қатъий харакати туфайли Белград подшолиги ҳам автономияга эга бўлди.

Бироқ Болконда турклар ўрнатган мустамлакачилик зулми XIX асргача, баъзи ҳудудларда эса XX асргача сақланиб қолди. XVIII аср охири ва XIX аср болқон халқларининг миллий уйғониш, ўзлигини

англаш даври бўлди. Шу сабабли бу даврдаги мустақиллик учун олиб борилган кураш ғоявий асосланганлиги ва юксак ташкиллаштирилганлиги билан ҳам ажралиб туради.

XV боб бўйича саволлар

1. Усманийларнинг Болқондаги ҳарбий-сиёсий устунлиги ва маҳаллий халқларни итоатда ушлаб туришга қаратилган сиёсати қандай факторларга асосланган эди?
2. Усманийлар истилоси Болқонда ишлаб чиқариш ва савдонинг ривожланишига қандай таъсир кўрсатди?
3. Болқон мамлакатларида капиталистик муносабатларнинг шаклланиши бошқа Европа мамлакатларидагидан қандай фарқ қиларди?
4. Болқон халқларида миллий уйғониш жараёнининг ўсишига Европадаги қайси воқеалар жиддий таъсир кўрсатди?
5. Болқон халқларининг миллий-озодлик ҳаракатига усманийларнинг исломлаштириш сиёсати қандай таъсир кўрсатди?

XVI БОБ. XVI–XVIII АСРЛАРДА ШИМОЛИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ

XVI–XVIII асрлар Шимолий Европа мамлакатлари тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу даврда улар Европанинг энг ривожланган мамлакатлари қаторига кирмаса-да, товар ишлаб чиқариш ва капиталистик муносабатларнинг шаклланиши, феодал деҳқончиликнинг барҳам топиши жадал суръатлар билан давом этаётган эди. Шунингдек, Шимолий Европа давлатларининг сиёсий ҳаётида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди: Кальмар унияси¹ бекор қилинди; Швеция ва Данияда абсолютизм ўрнатилди; қирол ислоҳоти амалга оширилди; минтақада ҳукмронлик учун кураш кучайиб, етакчилик роли Даниядан Швецияга ўтди.

XVII аср ўрталарига келиб Шимолий Европа мамлакатлари иккита давлат – Швеция ва Данияга бирлашди ҳамда уларда абсолют монархияга ўтиш жараёни, асосан, якунланди.

XVI асрга келиб Кальмар унияси атрофидаги кураш ҳам якунловчи босқичга кирди. Унияга биноан бирлаштирилган мамлакатларнинг қироли бўлиб Дания монархи қолаверди. Ютландия ва Ско-

¹ *Кальмар унияси* – 1397 йили Швециянинг Кальмар шаҳрида Дания, Швеция, Норвегия ўртасида абадий бирлик тўғрисида тузилган акт. Дания қироли Эрик Померанский уч давлатнинг қироли деб эълон қилинган.

нъе, Блекинг, Халланд худудларидаги Дания оролларида ташқари Шлезвиг ва Гольштейн герцогликлари ҳам бу пайтда Данияга қарашли эди. У стратегик жиҳатдан муҳим ҳамда аграр ва товар ишлаб чиқариш учун бой худудларни эгаллаб турарди. Дания билан нафақат Ганза, балки империя (герман миллатининг Муқаддас Рим империяси) ҳам ҳисоблашарди.

Унияга кирган Норвегия ва бошқа майда давлатлар кучсиз, фақат Швециягина уни бекор қилиш учун фаол ҳаракат олиб бораётган эди. XVI аср бошларида Швеция ҳукмдорлари озод деҳқонлар ва Ганза шаҳарларининг ёрдамига таяниб, амалда мамлакат мустақиллигига эришдилар.

1518 йили Дания қироли Кристиан II турли-туман халқлар вакилларида ташкил топган армияга бош бўлиб унияни тиклаш учун Швецияга бостириб кирди. У Стокгольмни эгаллаб, пойтахтда ва бошқа шаҳарларда номдор фуқароларни қатл қилдирди. Бунга жавобан шведлар унияга қарши умумхалқ ҳаракатини (1520–1523) бошладилар. Ҳаракатга таниқли зодагон Густав Ваза бошчилик қилди. У Ганза флоти ёрдамида 1523 йили Швеция тахтини қўлга киритди ва Швециянинг униядан чиққанлигини эълон қилди.

Униянинг бекор қилиниши натижасида Шимолий Европада бири-бири билан рақобатлашадиган икки давлат – Дания ва Швеция вужудга келди.

Дания. Дания қироллигига унинг ўз ерларидан ташқари Норвегия, Исландия, Гренландия, Фарер ороллари ва Эльба дарёси ортидаги Шлезвиг ҳамда Гольштейн герцогликлари ҳам кирар эди.

Скандинавия мамлакатлари ичида бойлиги ва аҳоли сонининг кўплиги билан ажралиб турувчи Данияда XVI асрдан бошлаб капиталистик муносабатлар шакллана бошлади. Мануфактура ишлаб чиқариши кенгайиб, савдо тез ривожланди.

Чет эл савдосидаги конъюктура XVI аср ўрталарига келиб Даниядан жавдар, арпа, гўшт, ёғ, тирик моллар (шу жумладан, чўчқалар), чўчқа ёғи, тери ва балиқ маҳсулотларини четга сотиш учун ниҳоятда қулай шароит яратди. Кемалар қатнови кўпайди. Шимолий денгиздан Болтиқ денгизига ўтувчи бўғозга эгалик қилиши ҳам Данияга катта фойда келтирди: фақат Зунд бўғози орқали ўтиш учун савдогарлар қиролга кемадаги юкнинг 1/30 миқдоридан бож тўлашар эди; қирол товарларни биринчи бўлиб сотиб олиш ҳуқуқидан ҳам фойдаланарди.

Қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқариш кенгайиб, давлат ва хусусий ер эгаллиги кучайди. Агар XVI аср бошларида ҳайдаладиган ерларнинг 1/3 қисми зодагонларга қарашли бўлса, юз йилдан кейин бу кўрсаткич 50 фоизга етди.

Германия империяси билан яқинлик ҳам Даниянинг иқтисодий таракқиётига ижобий таъсир кўрсатди. Дания зодагонлари Скандинавиядаги энг бой ва кучли қатламга айланди. Бир табақали Зодагонлар йиғини Давлат кенгашининг асосий таянчи ҳисобланар эди.

Ҳали XVI аср бошларидаёқ кирол Кристиан II (1513–1522) Данияни илғор Европа мамлакатлари қаторига кўтариш учун ҳаракат бошлайди. У олиб борган абсолютизм сиёсати зодагонларнинг ҳуқуқларини чеклашга ва немисларни мамлакатдан сиқиб чиқаришга қаратилган эди. Шу мақсадда расмий иш юритишда қўлланиб келинган немис тили данияликлар тили билан алмаштирилди. Кристиан II томонидан қабул қилинган шаҳар ва савдо тўғрисидаги янги қонунлар (1521) шаҳар аҳолиси ва савдогарларнинг родини оширди. Бундан ташқари у деҳқонларнинг сотилишини тақиқлади, мактабларда ўқувчиларга нисбатан қўлланиб келинаётган тан жазосини бекор қилди, шаҳарлар орасидаги алоқа хизматини (почта) яхшилади, деҳқончилик маданиятини ошириш мақсадида нидерландларни кўплаб таклиф қилди.

Ислохотларнинг зодагонларга қарши қаратилганлиги уларни киролга қарши қўйди. Жорий қилинган янги солиқлар ҳам аҳоли ўртасида киролнинг обрўсини тушириб юборди. Ташқи сиёсатдаги муваффақиятсизликлар, Швеция билан Кальмар униясининг бузилиши Кристиан II га қарши исён кўтарилишига олиб келди. Давлат кенгаши уни тахтдан тушириб, ўрнига амакиси Фредерик I – данияликни (1523–1533) сайлади. У Швециянинг мустақиллигини тан олди ва Кристиан II нинг муҳим ислохотларини бекор қилди.

1534–1536 йиллари Кристиан II нинг тахтга қайтиш учун қилган ҳаракатлари мамлакатда фуқаролар урушига олиб келди. Натижада Фредерикнинг ўғли Кристиан III Дания қироли қилиб (1536–1559) сайланди. Шу йиллари католик епископлар устидан ҳам ғалабага эришилиб, мамлакатда лютеранлик (1536) жорий қилинди. Данияликлар тили черков, мактаб ишларида кенг қўлланилиб, расмий давлат тили сифатида қарор топди.

Қирол Кристиан IV даврида (1588–1648) Дания қудратли давлатга айланди. Меркантилистик сиёсат юргизилиб, мануфактура ри-

вожланди, савдо флоти ташкил қилинди. 1619 йили Исландия билан савдо қилувчи монопол компания ташкил қилинди. Мамлакат ич-қарисиди савдо қилувчи компаниялар ҳам кўплаб ташкил қилинди. Ҳиндистонга қилинган экспедициядан кейин Транкебарда савдо флотилияси қурилиб, Даниянинг Ост-Индия (1616), Вест-Индия (1625), Африка (1636) компаниялари вужудга келди.

Кристиан IV ҳукмронлигининг катта қисми урушларда ўтди. 1611–1613 йиллари Швеция билан уруш, кейин Ўттиз йиллик уруш, 1626 йилги Любек сулҳи билан 1629 йилги Вестфаль тинчлик сулҳи Данияга катта муваффақиятсизликлар олиб келди. 1557–1560-йиллари шведлар билан олиб борилган уч йиллик уруш натижасида Дания ўз тарихидаги энг оғир сулҳ – Роскилл тинчлик сулҳини имзолашга мажбур бўлди. Скандинавия яриморалининг жануби ва Бохусланд тўлиқ Швецияга ўтди. Дания энди Шимолий Европа билан Атлантик океани ўртасидаги йўлни назорат қила олмай қолди. XVII асрда олиб борилган урушлар Даниянинг сиёсий салоҳияти ва иқтисодий кудратига катта путур етказди.

Айниқса, Даниянинг Шимолий урушдаги мағлубияти ҳукуматни ислохотлар ўтказишга мажбур қилди. 1702 йили қирол имзолаган рескрипт эълон қилиниб, унга биноан 1699 йил 25 августдан кейин туғилган деҳқонлар крепостной қарамликдан озод қилинди. Лекин озодлик учун тўланадиган товон пулининг юқорилиги (у 30 дан 50 риксдалергача эди) қарорнинг аҳамиятини йўққа чиқарди. Бунинг устига қирол ландвер (лашкарлик) ҳақида бошқа бир рескрипт эълон қилиб, унга кўра хизматга яроқли деб рўйхатга олинган деҳқонлар қарамлигича қолаверди. Бир оздан кейин, 1703 йили ландвер бекор қилинди, лекин крепостнойлик сақланиб қолаверди. 1733 ва 1764 йиллари ландвер тикланиб, энди 4 ёшдан 40 ёшгача бўлган деҳқонлар рўйхатга олинадиган бўлди.

Юзага келган молиявий танглик туфайли XVIII аср 60-йилларида ҳукумат қиролликка қарашли ерларнинг бир қисмини сотишга мажбур бўлди. Кўплаб худудлар майда деҳқон хўжаликларига бўлиниб кетди. Бу қишлоқда капиталистик муносабатларни ривожлантириш йўлидаги дастлабки қадамлар эди. Шунингдек, маълум шартлар асосида тўлов эвазига жамоа ерларини хусусийлаштириш тўғрисида ҳам қонун қабул қилинди. Ер эгаларининг бир қисми қарам деҳқонларнинг меҳнати унумсиз бўлганлиги сабабли уларни озод қилди.

1766 йили Дания тахтига Кристиан VII келди. Рухий касалга ча-
линган қиролни даволаш мақсадида Иоганн Струэнзе (1737–1772)
таклиф қилинди. Струэнзе Вольтер ва Руссонинг ашаддий мухлиси,
маърифатли ва маданиятли киши эди. У тез орада қиролича Каро-
лина Матильданинг жазмани, 1770 йилдан Даниянинг диктатори
бўлиб олади. Икки йил ичида Струэнзе 1700 дан кўп қонунлар иш-
лаб чиқди ва қирол имзоси билан эълон қилди.

Струэнзе маърифатли абсолютизмнинг идеал кўринишини ҳа-
ётга татбиқ этишга ҳаракат қилди. Қабул қилинган қонунлар нати-
жасида яширин давлат кенгаши тарқатиб юборилди, молия соҳасида
тартиб ўрнатилди, фойда келтирмайдиган мануфактуралар ёпилди,
суд олдида барчанинг тенглиги эълон қилинди, қийноққа солиш ва
тан жазоси бекор қилинди, цензура йўқ қилиниб, матбуот эркин-
лиги эълон қилинди. Бундан ташқари армиянинг сони қисқарти-
рилди, сарой харажатлари камайтирилди. Никоҳсиз туғилган бо-
лаларни камситиш тақиқланди, яқшанба куни ишлаганлик учун
жарима бекор қилинди ва черков байрамлари сони камайтирилди.
Норвегияга автономия бериш ва унда университет очиш режалаш-
тирилди.

Струэнзенинг деҳқончилик соҳасидаги қонунлари келишувчан-
лик руҳида эди. Крепостной ҳуқуқ фақат 14 ёшдан 34 ёшгача бўлган
эркакларгагина жорий қилинди. Баршчинанинг миқдори давлат
томонидан назорат қилинадиган бўлди. Солиқлар ва тўловларни
деҳқонлар ўз хўжайинига эмас, балки хазинага тўлаши жорий
қилинди.

Струэнзенинг ислохотлари катта ер эгалари, сарой аъёнлари
ва рухонийларининг қатъий қаршилигига учради. 1772 йил 17 ян-
варда улар Струэнзени ағдаришди ва қатл қилишди. Унинг барча
ислохотлари бекор қилинди. Айтиш лозимки, Струэнзе ислохотлари
катта прогрессив аҳамиятга эга бўлса-да, Дания жамияти маданий
ва ижтимоий-руҳий жиҳатдан уларнинг кўпчилигини қабул қилишга
тайёр эмас эди.

XVIII аср охирида Дания иқтисодий сиёсатининг асоси мер-
кантилизм бўлиб қолди. 1800 йили крепостной ҳуқуқ ҳам бекор
қилинди.

Швеция. Айтиб ўтганимиздек, Кальмар униясининг бузилиши
Швециянинг мустақиллигини тиклади ва марказлашган миллий
давлатнинг шаклланиши учун асос яратди.

Қирол Густав I Ваза (1523–1560) кўзга кўринган ислохотчи, сиёсий раҳбар ва ҳарбий ташкилотчи эди. У Реформациянинг галабасидан фойдаланиб, мамлакатни бошқариш тизимида ҳам ўзгаришлар ясади: қирол хизматига тажрибали, абсолютизм тарафдорлари бўлган немис амалдорлари таклиф қилинди; улар раҳбарлигида қирол канцелярияси (девони) ва хазина хизмати (камера) қайта ташкил қилинди; ўзига хос парламент ролини ўйнаб келган рискорд қирол ҳузуридаги ижро органига айлантирилди; вилоятларда ҳам феодаллар ўрнини қирол бошқарувчилари эгаллади.

Қиролнинг абсолют ҳокимияти ўрнатилиб, у Вазалар сулоласининг мероси деб эълон қилинди. Ҳамма ерлар, сув ва ер ости бойликларига қиролнинг олий мулкӣ ҳуқуқи ўрнатилди.

Армияда ёлланма қўшинлар пайдо бўлди. Ҳарбий денгиз флоти кучайди. Ислохотлар Швеция учун кагта аҳамиятга эга бўлди. Мамлакат сиёсий тангликдан чиқиб, кўплаб Европа давлатлари билан алоқалар ўрнатилди.

Абсолютизмнинг тўлиқ ўрнатилиши, мамлакатни бошқаришнинг марказлашуви қирол Густав II Адольф (1611–1632) ва унинг ворислари даврида яқунланди. Айниқса Густав II Адольфнинг ҳарбий ислохотлари, XVII асрда олиб борилган урушлар Швецияни Европанинг буюк давлатлари қаторига олиб чикди.

Аммо XVIII аср бошидаги Шимолий уруш ва унда Швециянинг мағлубияти унинг мавқеига кагта путур етказди. 1721 йилги Ништадт сулҳига биноан Швеция ўзининг мағлуб бўлганлигини тан олди. Бу халқ учун кагта руҳий тушкунлик, мамлакат учун эса иқтисодий ва худудий йўқотиш бўлди. Ингерман ерлари, Карелия, Эстляндия ва Лифляндия Россияга ўтиб кетди. Германиядаги ерларининг кагта қисми эса Пруссияга ўтди.

Шимолий уруш натижалари Швеция учун ҳалокатли бўлди. Бу бир томондан, уни қудратли давлатдан учинчи даражали давлатга айлантириб қўйди. Мамлакат вайрон бўлган, очлик ва турли эпидемиялар аҳолининг қирилишига олиб келаётган эди. Бошқа томондан эса узоқ тинчлик даври бошланди. Мамлакатни оёққа турғозиш, хўжаликни тиклаш учун имконият пайдо бўлди.

1719–1738 йиллар ичида 149 та мануфактура ташкил қилинди. Қишлоқ хўжалигида картошка ва тамаки етакчи экинларга айлантирилди. 20-йиллари пул ислохоти ўтказилди. Иқтисодий сиёсатнинг асосини меркантилизм ташкил қилди. Ҳукумат четга мис, темир,

ёғоч сотишни кўллаб-қувватлади. XVIII асрдан саноатда дастлабки буғ машиналари кўлланила бошланди.

Аммо XVIII асрда Швеция яна бир нечта урушда – 1741 йили Россияга қарши ва 1756–1763 йиллари Россия ва Франция билан иттифокда Пруссияга қарши Етти йиллик урушда иштирок этди. Бу урушларда қатнашиш ҳам Швеция манфаатлари учун ҳеч қандай фойда бермади. Мамлакатда ҳокимият учун кураш кескинлашди, холос.

Натижада 1772 йили Густав III давлат тўнтаришини уюштириб, абсолют монарх бўлиб олди. У маърифатли абсолютизм руҳида бир қатор ислохотлар ўтказди. Қийноққа солиш ва тан жазоси бекор қилинди, жодугарлар устидан жараёнлар тақиқланди, матбуот эркинлиги эълон қилинди ва бошқалар.

Абсолютизм ва 1788–1790 йилларда Россия билан бўлган навбатдаги урушда мағлубият зодагонларнинг қиролга қарши ғазабини кучайтирди. 1792 йил қирол Густав III зодагон-фитначи томонидан отиб ўлдирилди.

Янги қирол Густав IV даврида ҳам Швеция ўзининг Европадаги мавқеини тиклаш учун қатор урушларда иштирок этди. Энди бу урушлар мамлакатга иқтисодий қийинчиликлардан бошқа ҳеч нарса олиб келмади.

Норвегия. Норвегия ўзининг кучли кўшниларида анча ортда қолаётган эди. XVI асрда у кам сонли ва сийрак жойлашган аҳолига, кучсиз зодагонларга эга камбағал давлат эди. Кальмар унияси бузилгандан сўнг Норвегия расман қироллик ҳисобланиб, Давлат кенгаши – рискорд тимсолида ўз ҳукуматига эга бўлса-да, амалда Дания қироллари кўл остида қолди.

Худуди асосан тоғли ерлардан иборат бўлган бу ўлкада дон етиштиришни ривожлантиришнинг имконияти йўқ эди. Шу сабабли дон доим танқис бўлиб, уни кўшни давлатлардан, асосан, Даниядан олиб келишар эди. Аҳолининг асосий машғулоти яйловда мол боқиш, балиқ тутиш ва овчилик эди. Четга сотиладиган асосий маҳсулот ёғоч ва балиқ бўлиб, у ганзаликлар монополиясида, йирик порт Берген ҳам тўлиқ улар қўлида эди. XVII асрда ганзаликлар Норвегиянинг тижорат ишларидан даниялик ва голландияликлар томонидан сиқиб чиқарилади.

XVI аср ва XVII асрнинг биринчи ярмида Норвегия аҳолиси уч марта, шаҳар аҳолиси икки марта кўпайди. Мамлакат ерларини

ўзлаштириш бошланиб, темир ва мис конлари ишга туширилди. Ўрмон саноати интенсив ривожланиш йўлига ўтди. Аҳоли сонининг ошиши савдонинг ҳам тез ривожланишига олиб келди.

XVII аср ўрталарига келиб Норвегия иқтисодида кескин жонланиш юз берди. Дастлаб кемасозлик, кейин эса кумуш казиб олиш кўпайди. Ташқи савдо, асосан Англия, Голландия, Испания, Португалия ва Африка мамлакатлари билан олиб борилди. XVIII аср охирларига келиб Норвегия савдо флоти мингта кема ва ўн минг денгизчига эга эди.

XVII–XVIII асрларда Дания ҳукумати Норвегиядаги қироллик ерларини сотишни кўпайтирди. 1760 йилга келиб деҳқонларнинг 66 фоизи хусусий ер эгалари, 34 фоизи ижарачилар эди. Шаҳар аҳолиси ҳам тез ўсиб борди.

Денгиз савдоси, тоғ-кон саноати ва металлургиянинг ривожланиши ўсиб бораётган буржуазиянинг бойишига олиб келди. Иқтисоди гуллаётган ва капиталистик муносабатлар тез ривожланаётган Норвегия билан у қарам бўлган Дания ўртасидаги қарама-қаршиликлар кучайиб борди. Айни пайтда Норвегиянинг ички зиддиятлари ҳам таранглашиб, қатор кўзғолонлар бўлиб ўтди. 1764–1767 йиллардаги балиқчилар кўзғолони ва 1786–1787 йиллардаги Лафтхус бошчилигидаги деҳқонлар кўзғолони шулар жумласидандир.

Натижада 1788 йили Дания ҳукумати дон савдосига монопол эгалликни бекор қилди. Шунгача Норвегия дон ва дон маҳсулотларини юқори нархларда фақат Даниядан сотиб олишга мажбур эди.

Ўсиб бораётган миллий онг кишиларда Дания қироллигига нисбатан норозиликни кучайтирди. 1797 йили Жанубий Норвегияда кўзғолон бўлиб ўтди. Норозиликларнинг ўсишига Франциядаги инқилоб ҳам катта таъсир кўрсатди. Бироқ XIX аср бошларида ҳам Норвегия Данияга қарамлигича қолаверди.

Финляндия. Финляндия XVI асрда Швециянинг чекка ўлкаси саналар эди. Кейинчалик, 1556 йили герцоглик, 1623 йили эса генерал-губернаторлик деб эълон қилинди. Швеция қироли томонидан тайинланадиган бошқарувчи кейинчалик (1581–1721) Финляндия буюк князи унвонини олди. Расмий тил швед тили ҳисобланар эди.

1721 йилги Ништадт сулҳидан сўнг Фин кўлтиғидаги ерларнинг бир қисми Россия ихтиёрига ўтди. 1809 йили эса Финляндия бутунлай Россия томонидан забт этилди ва 1917 йилнинг охиригача унинг таркибида бўлди.

Финляндиянинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволи Швецияникига ўхшаш, бироқ ривожланиш даражаси анча паст эди. XVI асрда аҳоли, асосан денгиз бўйларида яшар, аммо шу даврдан ички худудларни ўзлаштириш ҳам бошланган эди. Аҳоли асосан деҳқончилик, балиқчилик, овчилик, ёғоч савдоси ва ботқоқдан темир олиш билан шуғулланар, ҳайдашга яроқли ерларнинг асосий қисми зодагонларга қарашли эди. Энг катта шаҳри Або (ҳозирги Турку) бўлиб, ўша пайтда 5 минг аҳоли истиқомат қиларди.

Финляндияда амалга оширилган ислоҳотчиликдан сўнг швед тили ва маданияти ўз таъсирини сақлаб қолган бўлса-да, финлар ўз ёзувига эга бўлди, фин адабиётига асос солинди.

XVII–XVIII асрларда Финляндия иқтисоди ва маданияти, асосан Швеция таъсири остида ривожланди.

Исландия. Исландия тоғли ва совуқ ўлка бўлиб, бу ерда ҳаёт асосан бошқа ўлкалардан келтириладиган маҳсулотларга боғлиқ эди. Кальмар унияси даврида Исландия ўлат ва бошқа касалликлардан ҳамда бу ерда жойлашиб олган денгиз қароқчиларидан катта зарар кўрди.

Исландияда феодал ишлаб чиқариш деярли ривожланмади. Оролнинг шаҳарлари ҳам, ўз зодагонлари ҳам йўқ эди. У «алтинг» деб аталувчи фуқароларнинг умумий йигини томонидан бошқариларди. Исландия XII асрдан Норвегияга қарам бўлиб, кейин у билан бирга Дания таркибига киради.

Шимолий Европа халқлари маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар. XVI аср Шимолий Европа халқлари маънавий ҳаётига кўплаб янгиликлар олиб келди. Бевосита Реформациядан сўнг, ибодатхона ва монастырлар қошидаги мактабларнинг ёпилиши, католицизм билан боғлиқ ўрта аср қўлёзмаларининг, рассомчилик ва ҳайкалтарошлик асарларининг йўқ қилиниши натижасида маориф ва санъатда маълум тушкунлик юз берди. Бироқ бу ҳолат жуда тез ўзгарди. Диний маросимларнинг миллий тилларда ўтказилиши шу тилларнинг, энг аввало Швеция, Дания, Финляндияда ривожланишини тезлаштирди. Китоб нашр қилиш кўпайди, Инжилнинг скандинав тилларидаги таржимаси ва дастлабки алифболар кўпайди. Адабиёт ва тасвирий санъатда дунёвий жанрлар пайдо бўлди. Меъморчиликда Уйғониш даври анъаналари шимолий готика усули билан алмашади, XVII

асрдан эса готика ўрнига илк барокко¹ усули келади. Дастлабки фольклор тўпламлари ва миллий тарихнинг илк баёнлари пайдо бўлади. Мактаб таълими ҳам кенгайиб борди. Стокгольм (1477) ва Копенгаген (1479) университетлари таълимнинг миллий марказларига айланади. Шу билан бирга кўплаб скандинав ёшлари Европанинг машхур университетлари – Париж, Болонья ва бошқаларда ўқий бошлайди.

Даниялик олим Тихо Брагенинг астрономияга оид асарлари, Ураниенборг қасридаги расадхонаси ва мактаби бутун Европада шуҳрат қозонади. XVII асрда Швецияда қадимий ёдгорликларни, шу жумладан археологик ёдгорликларни ҳимоя қилиш бўйича дастлабки қонунлар қабул қилинди.

Шимолий Европа халқлари маданий тараққиётида илгаригидек илғор чет эл маданияти намуналарини ижодий ўзлаштириш катта роль ўйнайди. Шу ўзлаштириш туфайли Шимолий Европа халқлари порох, китоб чоп қилиш дастгоҳи, компас, вексель, мукамал тоғ-кон қурилмалари, металлургия пресси ва қурилишнинг илғор усуллари билан танишди.

Бир неча аср Ганза билан узвий алоқада бўлиш ва кўплаб немисларнинг Скандинавия мамлакатларида ўтроқлашиб қолиши маҳаллий тилларда, Шимолий Европанинг моддий ва маънавий маданиятида сезиларли из қолдирди.

* * *

XVI аср ўрталари, айниқса, XVII ва XVIII асрларда ёш миллатлар – французлар, инглизлар, биринчи навбатда, голландлар, валлонлар ва фламандларнинг Шимолий Европага таъсири катта бўлди. Нидерландиянинг жанубий ҳудудларидан кўчиб келганлар ўзига тўқ ва ишбилармон кишилар эди. Тадбиркорлар, молиячи ва савдогарлар, курувчилар, металлурглар, муҳандис ва денгизчилар – буларнинг ҳаммаси Данияга, кейин эса Швецияга катта маблағни, биржани, ҳарбий ишдаги янгиликларни, чет эл савдо компанияларининг тажрибасини олиб кирди. Қиролнинг, бой аслзодаларнинг саройларида, кийимларида, умуман аҳолининг туриш-турмушида янги давр руҳи уфуриб турарди. Скандинавия халқлари маданияти миллий ва бадий ўзига хосликни сақлаб қолган бўлса-да, янги давр руҳи бу жабҳада ҳам сезила бошлаган эди.

¹ Барокко – (итальян. *barocco* – мўъжизавий, ажойиб) XVI–XVIII асрнинг ўрталарида Европа мамлакатларидаги санъат, архитектура, адабиёт ва мусиқада кенг тарқалган йўналиш.

XVI боб бўйича саволлар

1. Кальмар унияси бекор қилингандан сўнг Шимолий Европа мамлакатлари ривожда қандай муҳим ўзгаришлар юз берди?
2. Даниянинг ривожланишида Кристиан II ва Струэнзе ислохотлари қандай роль ўйнади?
3. XVI–XVIII асрларда Швеция тараққиётининг қандай асосий босқичлари мавжуд эди?
4. Сиёсий ва иқтисодий қарамлик Норвегия, Финляндия ва Исландия мамлакатлари ривожига қандай таъсир кўрсатди?
5. XVI–XVIII асрларда Шимолий Европа халқлари маданий ҳаётидаги асосий ўзгаришларнинг моҳияти нимада эди?

IV БЎЛИМ

ЯНГИ ДАВРДА АМЕРИКА МАМЛАКАТЛАРИ

XVII Б О Б. XVII–XVIII АСРЛАРДА ШИМОЛИЙ АМЕРИКА

Америкадаги дастлабки мустамлакалар

Ғарбий Европа мамлакатлари Янги Дунёга аллақачон бойликлар манбаи сифатида қарай бошлаганди. Чунки илк европаликларни олқишлаб кутиб олган Америка кимсасиз чўлга сира ўхшамасди. Ҳозир ҳисоблашларича, ўша пайтларда Ернинг Ғарбий Ярим қурасида худди Ғарбий Европада бўлгани каби, 40 миллионга яқин одам истиқомат қилган. Ҳозирги Америка Қўшма Штатларининг ерлари европаликлар томонидан мустамлакалаштирилган пайтда америкаликларнинг сони ҳар хил ҳисобларга кўра 2 миллиондан 18 миллионгача деб кўрсатилмоқда. Европаликлар билан бўлган беҳисоб жанглар ва 1600 йилги очарчилик, даҳшатли чечак эпидемияси аҳолининг кўпчилигини қириб юборди.

Европаликлар XVIII аср бошларида Шимолий Америкада мустамлакалар ташкил қилдилар. Натижада, Европа цивилизацияси Атлантик океанининг ғарбий соҳилларига ҳам тарқала бошлади.

Христофор Колумб Кариб денгизи соҳилига қадам босганидан беш йил ўтгач, яъни 1497 йили венециялик денгизчи Жон Кэбот Британия қиролининг топшириғига биноан Ньюфаунлендга келди. Кэботнинг бу саёҳати умуман катта аҳамият касб этмаса-да, кейинчалик Британиянинг Шимолий Америка ерларига даъвогарлик қилиши учун асос бўлди.

Христофор Колумб кашфиётлари натижасида асос солинган Испания ер мулкларидан Американинг европаликлар томонидан ўзлаштирилиши бошланади. Улардан дастлабкиси, 1513 йили Хуан Понс де Леон бошчилигида таъсис этилган гуруҳ бўлиб, улар ўша йили Флорида соҳилларини ўзлаштиришни бошладилар.

1522 йили Мексиканинг забт этилиши билан Испаниянинг Америкадаги мавқеи янада мустаҳкамланди.

1539 йили Эрнандо де Сото экспедицияси Флорида орқали Шимолий Американинг жануби-шарқий қисми бўйлаб то Миссисипи дарёсигача кезиб чикди.

Франция байроғи остида сузган асли венециялик Жованни де Веразано каби денгизчиларнинг саёҳатлари туфайли қарам Американинг шимолий қисми кашф этилиб борди. Де Веразанонинг 1542 йилги экспедициясидан ўн йил ўтгач, Сант-Лоуренс дарёси узра уюштирилган Жак Картье экспедицияси Франциянинг Шимолий Америка ерларига то 1763 йилга қадар даъво қилишига асос бўлди.

1540-йиллари французлар Квебекда (ҳозирги Канададаги шаҳар) таъсис этган биринчи мустамлакаси барбод бўлганидан сўнг, орадан йигирма йил ўтгач, улар Флориданинг шимолий соҳилини ишғол қилишга уриндилар, бироқ бу мустамлака 1565 йили испанияликлар томонидан вайрон қилинди. Сўнгра Испания қуролли кучларининг бошлиғи Педро Менендес (1519–1574) томонидан барпо этилган Санта Августин шаҳри европаликларнинг Шимолий Америкадаги доимий истиқомат жойига айланди.

Испанияга Мексика, Кариб минтақаси ва Перудаги мустамлакалардан оқиб келган бойликлар бу жойларга Европанинг ўзга давлатларида, хусусан, Англия каби қудратли давлатларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Англиянинг Шимолий Америкадаги илк мустамлакасини 1585 йили Вольтер Раллей деган киши Роанок оролида ташкил қилди. Лекин инглизларнинг бу ерда доимий ўрнашиб олишлари учун яна 20 йилга яқин уриниш лозим бўлди. 1607 йили Жеймстаунда инглизларнинг мустамлакачилик ҳаракатлари муваффақият қозонди ва Шимолий Америка янги даврга кириб келди.

Инглиз мустамлакачиларининг оқими йил сайин ошиб борди. Бу ерда бошпана топиш ва «Исо подшолиги» ҳақидаги таълимотни эркин тарғиб қилишга умид қилган пуритан жамоалари ўз нигоҳларини тобора тез-тез Америкага қаратдилар.

Америкага келаётганлар орасида ғов тутиш оқибатида ўз ерларидан айрилган кўплаб дехқонлар, ҳеч қанақа хунари йўқ минглаб ёшлар бор эди. Шунингдек, меҳнатга яроқли жиноятчилар ҳам ҳукумат томонидан мустамлакаларга жўнатилад эди.

Шимолий Америкада ўрнашиб олган Англиянинг мустамлакаларидан биринчиси Жеймстаун бўлди. Қирол Яков (Жеймс) I нинг кафолат хати билан имтиёзга эга бўлган Виржиния (Ёш Лондон)

компаниясининг тахминан 100 кишилик бир гуруҳи 1607 йили Чесапик кўрфази томон йўл олди. Бир қатор муваффақиятсизликлардан сўнг, 1610 йили Хенрико (ҳозирги Ричмонд) шаҳри бунёд этилди. 1612 йили Жон Рольф томонидан Вест-Индиядан келтирилган тамакининг маҳаллий ўсимликлар билан чапиштирилиши натижасида олинган янги тамаки нави, Виржиниянинг асосий даромад манбаига асос солди.

1620 йили ўзларининг иқтисодий аҳволидан ва диний камситилишидан норози бўлган лейденлик пуританлардан бир гуруҳи Виржиния компаниясидан ер патентини олди ва 101 нафар пуритан (ота-пилигримлар)дан¹ иборат гуруҳ «Мэйфлауэр» кемасида Виржинияга келди. Ўзларини шаклланган давлат қонунлари доирасидан ташқарида турганлигига ишонган пуританлар, ўзлари танлаган раҳбарлар ишлаб чиққан «адолатли ва барчага тенг қонунлар»га риоя этишга расман аҳдлашиб олдилар. Бу келишув «Мэйфлауэр аҳдлашуви» номи билан маълум.

Декабрь ойида «Мэйфлауэр» кемаси Плимут портига кириб келди. Кейинчалик бу ерда Янги Плимут шаҳри қурилди ва Янги Англия мустамлакаларига асос солинди. Кўчиб келувчилар қирғоққа туширилган кун – «Ота пилигримлар куни» ҳар йили АҚШда байрам сифатида нишонланади.

Кўчиб келганларга улкан жасорат, тоқат ва чидам керак бўлди. Қиш эди, шунинг учун кемада яшашга тўғри келди. Икки-уч ой ичида яшаш жойи йўқлигидан, цинга ва бошқа касалликлардан одамларнинг ярми ҳалок бўлди, бироқ кўшни Вампоноад хиндулари уларга мадад берди, маккажўхори етиштиришни ўргатди. Баҳор келиши билан кўчиб келганлар фақат ўз кучларига ишониб ишга киришдилар. Улар ерларни тозаладилар, экинлар етиштирдилар, уйлар қурдилар, хўжалик юрита бошладилар. Дастлабки пайтларда бундай ерларда жамоа тартиби сақланиб турди, жамоа омборлари қурилди, озиқ-овқатлар ва асбоб-ускуналар марказлашган ҳолда тарқатилди. Акс ҳолда яшаб қолиш мумкин эмасди.

1630 йили, қирол Карл I нинг мустамлака барпо этиш кафолатига таянган инглизларнинг янги тўлқини Массачусетс кўрфазига етиб келади. Кўчиб келувчиларнинг кўпчилиги пуританлар бўлиб, уларнинг диний эътиқодлари ва амалиёти Англияда борган сари кўпроқ таъқиб остига олинмоқда эди.

¹ *Пилигрим* – кезиб юривчи дуохон, мухожир.

Мустамлакалар ташкил қилинган ҳудудларда ҳинду қабила-ларининг асосан икки гуруҳи, ирокезлар ва алгонкинлар яшарди. Уларнинг умумий сони 200 минг киши бўлган, деб тахмин қилинади.

Мустамлакачиларнинг сони шимолда нисбатан кам бўлиб, улар қирғоқ бўйларида яшаётган пайтларида ҳиндулар билан дўстона муносабатда бўлдилар. Кўчиб келганларга ўрмонларни тозалаш ва ерга ишлов беришни айнан ҳиндулар ўргатдилар. Улар оқ таилларга тамаки, нўхат, маккажўхори, ошқовоқ, қовун ва бодринг экишни, шакар олишни, балиқларнинг бош қисмидан ўғит сифатида фойдаланишни, ёввойи ҳайвонларни овлашни, қайин пўстлоғидан қайиқ ясашни (бундай қайиқларсиз мустамлакачилар ҳеч қачон ёввойи чангалзорларга кира олмаган бўларди), моллюскалар истеъмол қилишни ўргатдилар. Ҳиндуларнинг сўкмоқлари келажакда мустамлакачиларнинг йўлларига айланиши керак эди. Бир сўз билан айтганда, ҳиндулар европаликларга Янги Дунёда қандай яшаш кераклигини ўргатдилар, улар эса кўпчилик ҳолларда ҳиндуларнинг ерларини тортиб олиш билан жавоб қайтарди.

Уй ҳайвонларига эга бўлмаган мустамлакачилар ўрмонларни эгаллаб ола бошладилар. Савдогарлар ром ёки фабрика товарлари эвазига ҳиндулардан қимматбаҳо тери, мўйна, ер сотиб оларди. Ҳозирда Нью-Йоркнинг марказий қисми жойлашган орол ҳаммаси бўлиб 24 доллар турадиган пичоқлар ва тақинчоқларга сотиб олинган.

Мустамлакачилар ва ҳиндулар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳамкорлик ва тўқнашувдан иборат мураккаб қоришма эди. Асл америкаликлар янги технология ва савдо-сотикқа яқинлаштирилганидан фойда кўришига қарамай, кўчиб келганлар ўзлари билан келтирган касалликлар ва очкўзлик ҳиндуларнинг азалдан шаклланган ҳаёт тарзларига жиддий таъсир кўрсатди.

1570 йили шимолий минтақалардаги ирокезлар ўз даврлари учун энг демократик давлат – «No-De-No-Sau-Nee», яъни Ирокезлар Лигасини ташкил қилиш мақсадида бешта қабила бирлашади.

1600–1700 йиллар давомида Лига қудратли куч бўлган. Лига Англия билан мўйна савдо-сотик ишларини олиб бориб, Америкага ҳукмронлик қилиш учун 1754–1763 йиллар мобайнида авж

олган урушда Францияга қарши Буюк Британияга иттифоқдош бўлган. Ирокезлар Лигасининг мадади бўлмаганда Буюк Британия мазкур урушда ғолиб чиқмаган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Мазкур Лига Америка инқилобига қадар ўз кучини сақлаб турди.

XVII аср ўрталарида Англияда содир бўлган инқилоб муҳожирлар сонини чеклади ва метрополиянинг Америкадаги монополияларга эътиборини сусайтирди. Бу ҳол 1643 йили Массачусетс кўрфази, Плимут, Коннектикут ҳамда Нью-Хэвен мустамлакалари Янги Линия Конферендациясини тузишлари учун имкониёт туғдирди. Бу – европалик мустамлакачиларнинг минтақавий иттифоқ тузиш борасидаги дастлабки уринишлари бўлди.

1660 йили қирол Карл II нинг тахтга қайта тикланиши билан Англия яна бир бор Шимолий Американи ўз диққат марказига олди. Қисқа муддат ичида Каролинага кўчиб келган европаликларнинг илк работлари бунёд этилди ва голландияликлар Нью-Нидерланддан сиқиб чиқарилди. Нью-Йорк, Нью-Жерси, Делавэр ва Пенсильванияда хусусий мулкчиликка асосланган янги мустамлакалар таъсис этилди.

1732 йили, Жоржиянинг кўчиб келувчилар томонидан ўзлаштирилиши билан 13 та мустамлакадан охиргиси ҳам таъсис этилди.

Англия мустамлакаларидаги ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт. Янги Англиянинг (Шимолий Америкадаги Англияга қарашли ерлар шундай атала бошланди) мустамлакаларида кичик фермер хўжаликлари кўпроқ тарқалди. Аста-секин қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган саноат ўсиб борди, XVII аср иккинчи ярмида биринчи мануфактуралар пайдо бўлди (йигирувчи, тўқув, темирдан буюм ясовчи ва ҳ.к.). Янги қатламлар – буржуазия ва ёлланма ишчилар қатламларининг шаклланиши тезлашди. Жанубий мустамлакаларда ер эгалари катта майдонларни плантацияларга айлантирардилар. У ерларда етиштириладиган асосий экинлар пахта, тамаки ва шоли эди. Бироқ мустамлакаларда бўш ишчи кучи сони чекланганлиги учун ҳам бу ерларга ишчи кучларининг оммавий киритилиши бутун Американи тўлдириб борарди. Кўпгина камбағал-иммигрантлар океандан бу тарафга ўтиш учун маблағлари йўқлигидан савдогарлар ва кема эгалари билан қулларча келишувига рози бўлар, кейин эса хўжайинлар уларни Америкада қайта сотишарди. Бу одамларни «шартнома-

ланган хизматкорлар» деб аташарди, улар янги хўжайинларига 2 йилдан 7 йилгача ишлаб беришлари шарт эди. Бироқ Европадан кул-хизматкорларнинг оқиб келиши ҳам плантациялардаги ишчи кучи етишмовчилигини ҳал қила олмасди, ҳиндуларни ишлашга мажбур қилиш учун уринишлар эса фойда бермади. Аста-секин «оқ куллар»ни негрлар сиқиб чиқарди. Куллар меҳнати, айниқса, плантацияли хўжаликнинг негизи бўлган жанубий мустамлакаларда кенг қўлланилар эди.

Америкача плантация капиталистик тузум ривожланаётган бир шароитда кулдорлик даври эксплуатация усуллари қайта тикланишнинг ўзгинаси эди. Мустамлакаларга негрларни олиб келиш 1619 йилдаёқ бошланганди. Меҳнат шароитлари чидаб бўлмас даражада эди. Қочганлик учун негрларни шафқатсиз жазолашарди, ҳаётдан маҳрум қилинишлари ҳам мумкин эди. Аммо кулларга қарши йўналтирилган террорга қарамасдан, улар икки юз йил давомида (1863 йилгача) 250 марта исён ва қўзғолонлар кўтардилар.

Мустамлакалар буржуача қадриятлар негизида ташкил топди, лекин инглиз қироллари ва ер аристократияси уларда феодал тартибларни ўрнатишга уринишарди. Англия қироллари ўз яқинларига мустамлакалардан катта ерларни тарқатарди. Лорд Ферфакслар оиласига майдони жиҳатидан Голландияга тенг ер берилганди, Лорд Балтимор Мэриленднинг эгаси, герцог Йоркский эса Нью-Йоркнинг, Уильям Пен – Пенсильваниянинг эгаси ва ҳ.к. Бу мулкдорлар ўз ерларида феодал тартибларни ўрнатишга уринишарди. Бироқ бўш ерларнинг мавжудлиги бу сиёсатни йўққа чиқарди. Ишчилар Ғарбга кетиб қолар, у ёқда эркин фермер бўлишарди.

Англияда туриб мустамлакаларни бошқарар экан, қирол кўпчилик мустамлакалар губернаторларини шахсан ўзи тайинларди. Барча суд, ижро ва олий қонунчилик ҳокимияти уларнинг қўлларида эди.

Мустамлака ассамблеялари икки палатадан: юқори палата – губернатор аристократлар орасидан тайинлайдиган кенгашдан ва аҳоли сайлайдиган қуйи палатадан иборат эди. Сайловчилар учун юқори мулкий чеклов мавжуд бўлиб, у овоз беришда ва қарор қабул қилишда энг қашшоқ, демакки, аҳолининг энг норози қисми қатнаша олмаслиги учун ўрнатилганди. Сайловлар очик овоз бериш йўли билан ўтказиларди.

Шимолий Американинг шимолий ва жанубий мустамлакалари иқтисодий ҳолатидаги фарқлар

	Шимолий мустамлакалар	Жанубий мустамлакалар
Қишлоқ хўжалиги	Кичик фермерлик	Йирик плантациялар
Асосий ишчи кучи	Озод кўчкинчилар	Африкалик қуллар
Даромаднинг асо- сий манбаи	Саноат	Қишлоқ хўжалик маҳсу- лотлари савдоси

Замонавий миллатнинг шаклланиши. XVIII аср ўрталарига келиб, мустамлакаларда ягона ички бозор шакллана бошлади, савдо алоқалари ривожланди. Шимолий мустамлакалардан жанубга дон, балиқ, саноат маҳсулотлари олиб келинарди. Савдо йўллари асосан дарёлардан иборат эди.

Америка ерларида қарийб икки асрлик биргаликда яшаш тажрибасидан кейин кўчиб келганларнинг ягона тарихий тақдири юзага келди. Инглиз тили умумий тил бўлиб қолди. XVIII аср ўрталарига келиб мустамлакаларнинг кўпгина аҳолиси ўзларини америкалик деб атаётган бошлади. Аҳолининг ўзига хос турмуш тарзи ҳам шаклланди. Одамлар ўз уйлариини ёғочдан қурадилар. Одатда уйлар битта хонадан иборат бўларди, лекин улар бир нечта бўлса, унда қиш пайти фақат биттаси иситиларди. Ёриткич сифатида чўпчиноқ ишлатиларди. Кийим ва кўрпалар уйда тўқилган канопа матодан бўларди.

Катта шаҳарларда савдогарлар икки ва уч каватли уйларда яшашарди. Мебель, фойтонлар, матолар Англиядан буюртма билан олиб келинарди. Плантаторлар ўзларига ҳашаматли саройлар қуриб оларди.

Ҳудуднинг умумийлиги, мустамлакаларнинг иқтисодий ва хўжалик манфаатлари, тил, диннинг ягоналиги янги миллатнинг шаклланишига асос солди.

Америка буржуа жамиятининг зоялари. Америка миллати шаклланиши билан бир пайтда ўзига хос миллий маданиятнинг ҳам таркиб топиш жараёни юз берди. XVIII асрдаги Америка жамиятида диний дунёқараш ҳукмронлик қилар, маънавий-диний фанатизм ўрнатилган, черковга солиқ бериб туриш мажбурий эди. Якшанба кунини дуо ўқишга бағишланарди. Якшанба кунлари кўчаларда дунёвий мавзудаги суҳбат учун то шармандалари устун ёнига қўйиб

қўйишгача жазоланиши мумкин эди. Дунёвий санъат нафратга лойиқ деб ҳисобланарди. Кўпинча «ажиналар ови» ўтказилар ва «афсунгарлик» учун таъқиб қилинарди. Қарийб барча ўқув муассасалари черков қўлида эди.

Бирок XVIII аср ўрталарига келиб, маданият ва ижтимоий фикр ривожидан миллий буржуазия шаклланиши билан боғлиқ бўлган жиддий ўзгаришлар юз берди. Буржуа маърифатчилиги ғоялари кенг тарқалди, дунёвий илм олиш, фан, адабиёт ва санъат муваффақиятли ривожланди. Коллежлар сони ўсиб борарди, аср ўрталарига келиб уларнинг сони 8 тага етди. Гарвард университетига (1636 йилдаёқ ташкил қилинган) Йель ва Принстон университетлари қўшилди. 1765 йили мустамлакаларда 43 та газета нашр қилинар, жамоатчилик кутубхоналари очилган, босмахона ишлари тез ривожланаётган эди.

Бостон ва Филадельфия энг йирик маданий марказ бўлиб қолди. Америка маърифатчилиги ажойиб олим ва файласуфлар Бенжамин Франклин ва Томас Жефферсон (1743–1826) номи билан чамбарчас боғлиқ.

Бенжамин Франклин – демократиянинг буюк устози. Бенжамин Франклин (1706–1790) – «золимлардан скипетрни, худодан – чакмоқни¹ олиб қўйган одам», файласуф, сиёсатчи, олим ва иқтисодчи сифатида машҳур. Тахминан 1682 йили унинг отаси, пуритан, диний эркинлик истаб оиласи билан Янги Дунёда ўрнашди. Ўн етти ёшидан бошлаб, Франклин «барча нарсалар учун ўзидан ўзи миннатдор бўлган», яъни мустақил ҳаёт бошлаган одам бўлди. У Нью-Йоркда, Филадельфияда бахтини синаб кўрди, муҳтожликни бошдан кечирди, омадсизлик, муваффақиятсизликлар бўлди. Кейин Франклин Англияга кетди, у ерда босмахонада ишлади. Америкага қайтиб келиб, Франклин Филадельфияда жойлашди, ишлаб топган пулларига китоб сотадиган дўконча очди. Кейин у биринчи оммавий кутубхона ташкил қилди, шахсий газетасини чиқарди, Пенсильвания университетига асос бўлган академияни ташкил қилди ва ниҳоят 25 йил давомида бошқа тилларга ҳам таржима қилинадиган машҳур календарини чиқарди. Тахминан 1754 йилдан бошлаб, у сиёсат билан жиддий шуғуллана бошлайди. Америка мустамлакалари унинг фаол иштирокида Англиядан ажралиб чиққанидан сўнг,

¹ Б. Франклин чакмоқнинг электрик табиатини исбот қилди ва у лаборатория шароитида қандай пайдо қилиниши мумкинлигини кўрсатди.

у Францияга Қўшма Штатларнинг биринчи дипломатик вакили сифатида келди. Қулликнинг бекор қилиниши ҳақидаги петицияга қўл қўйиш унинг энг сўнгги сиёсий ҳаракати бўлди.

Франклин босмаҳона шогирдлигидан буюк давлат арбоби ва донишманд олимга айланди. У барчасига фақат ўз меҳнати билан эришганлигидан фахрланарди ва ватандошларига ҳам шундай қилишни маслаҳат берарди. Нашр қилган календари ҳақида эслар экан, у шундай деб ёзади: «Мен календардаги машҳур саналар оралиғини фаровонликка олиб келадиган йўл сифатида меҳнатсеварликка ва тежамкорликка чорловчи мақол ва маталлар, фикрлар билан тўлдираддим».

Франклиннинг ҳаёти – бу йўл ҳамма учун очиқ эканлигини кўрсатди. «Камбағаллик, хушомад шеърлар ёзиш ва унвон орқасидан қувиш одамни кулгили қилиб қўяди» – деб ёзганди у. Франклин буржуа ахлоқи нормаларини шундай баён қилган эди.

Америка инқилоби. Мустақиллик учун кураш.

АҚШнинг ташкил топиши

Мустақиллик учун уруш сабаблари. Буюк Британия қироли, зодагонлар ва тадбиркорлар мустамлакалардан олинадиган фойдани тобора кўпайтиришга ҳаракат қилишди. Улар мустамлакалардан қимматбаҳо хомашё, тери ва пахтани олиб кетишарди, мустамлакаларга эса тайёр маҳсулотларни олиб келишар, солиқ ва тўловларни йиғиб олишарди. Буюк Британия парламенти мануфактуралар очиш, темирдан буюмлар ишлаб чиқариш, бошқа мамлакатлар билан савдо қилиш каби бир қатор фаолият турлари учун мустамлакаларда турли тақиқ ва чеклашлар ўрнатган эди. Шунга қарамасдан, мустамлакалар иқтисодий кудрат ва маданий раванг жиҳатидан бекиёс даражада ўсди ва деярли барчаси узок йиллар давомида ўзини бошқариб келди. 1760 йили мустамлакаларнинг жами аҳолиси 1 млн 500 минг кишидан ошиб, 1700 йилдан бери олти бараварга ўсди.

Кўчиб келганларнинг янги ерларга силжиб бориши хиндулар билан уруш келтириб чиқаришидан чўчиган Британия ҳукумати бу борада ҳам чеклаш сиёсатини қўллади. 1763 йилги қирол Декларациясига биноан Аллеген тоғлари, Флорида, Миссисипи дарёси ва Квебек орасидаги гарбий ҳудудларга мустамлакаларнинг

жойлашиши тақиқланди. Шу тариқа қирол ҳокимияти мустамлакаларнинг ғарбий ерларга бўлган талабларини сўндириш ва Ғарб томон силжишини тўхтатишга уринди. Бу чора плантаторларни ўз плантацияларини ҳосил бермай қўйган ерлардан янги, ҳосилдор ерларга кўчириш имкониятидан маҳрум этарди. Бундан ташқари майда арендаторларнинг, Ғарбга кетиб у ерларда мустақил фермер бўлишни хоҳлаётган кишиларнинг ҳам манфаатларига путур етаётган эди.

Амалда ҳеч қачон қўлланмаганига қарамасдан, мазкур тадбир мустамлакачилар назарида уларнинг ғарбий ерларни ишғол этиш ва ўзлаштириш борасидаги ҳуқуқини Буюк Британия томонидан назар-писанд қилмаслик эди.

Бунинг устига, ўзининг кенгайиб бораётган империясини сақлаш учун тобора кўпроқ маблағга муҳтож бўлаётган Британия ҳукуматининг янги молиявий сиёсати ҳам анча норозиликлар келтириб чиқарди.

Буюк Британияга тобе бўлмаган минтакалардан ром ва қора шинни импортига ман этувчи бож ёки солиқни киритган, 1773 йилги Қора Шинни қонунини 1764 йилги Шакар қонуни билан алмаштириш янги тизимни татбиқ этиш борасида дастлабки қадам бўлди. Хорижий ром ичимлигини импорт қилиш ман этилди. Қонун йўли билан барча манбалардан келтириладиган қора шиннига меъёридаги бож солиги ўрнатди ва вино ичимликлари, ипак матолари, қаҳва ва бошқа ҳашам маҳсулотларига бож солиқлари солди.

1764 йили, парламент «минбъад Зоти олийларининг имкониятларида чиқарилган қогоз пулларни қонуний тўлов воситасига айлантиришнинг олдини олиш учун» валюта қонунини татбиқ этди. Мустамлакалар савдо-сотик борасида камомад ҳис этаётган ва доимий нақд пул етишмаётган бир пайтда, бу чора мустамлакалар иқтисоди учун кўшимча қийинчилик туғдирди. Қирол қўшинларини озик-овқат ва тураржой билан таъминлашни талаб этган 1765 йилги жойлаштириш қонуни ҳам кўчиб келганлар назарида номаъқул эди.

Айниқса, метрополия 1765 йили киритган «Ғарб йиғими қонуни»га биноан бериладиган тўловлар жуда огир эди: ҳар қандай маҳсулотни, ҳатто, газетагача сотиб олинганда солиқ тўлаш зарур эди.

Бу чоралар оммавий норозилик ҳаракатини келтириб чиқарди. Шимолий Америка шаҳарлари бўйлаб «Ваколатсиз солиқ йўқ!» деган шиор остида аҳолининг йиғинлари бўлиб ўтди. Мустамлака-

лар адолатли талаб қўйиб, уларнинг вакиллари Англия парламенти-га овоз бериш ҳуқуқига эга бўлсаларгина солиқларни тўлашларини айтдилар. 1765 йили биринчи инқилобий ташкилот – «Озодлик фарзандлари» пайдо бўлди. У мустамлакаларда авж олаётган инглиз товарларини бойкот қилиш ҳаракатини йўналтириб турди. Герб тўловларини йиғувчи амалдорларни бўяб ташлаб, лойга ағнатиб, пақир ва товаларни қулоқни қоматга келтирувчи тақиллатишлар жўрлигида узун ёғочларга боғлаб олиб юришган пайтлари ҳам бўларди. 1773 йил 16 декабрда Самуил Адамс бошчилигида бостонлик бир гуруҳ радикаллар портда турган инглиз кемаларига хужум қилдилар ва солиққа тортиладиган учта инглиз кемасидаги чой ўрамларини кемалардан сувга ташладилар. Бу воқеа «Бостон чойхўрлиги» деган ном олди. Бунга жавобан Британия ҳукумати чой можаросини ваҳшийлик деб қоралади ва чўктирилган чойнинг ҳаққи тўланмагунча Бостон портини ёпиб қўйди. Британия парламенти бу воқеаларга жавобан шундай ялпи қонунлар қабул қилдики, мустамлакалар уларни «Мажбурий ёки чидаб бўлмайдиган қонунлар» деб атади.

Урушнинг бошланиши. 1774 йил 5 сентябрь куни Филадельфияда Биринчи Континентал Конгресс йиғилди. Унда Жоржиядан ташқари барча мустамлакалардан 55 нафар вакил қатнашди. Конгресс Буюк Британиядан ажралиш муаммосини кўтаришга журъат қила олмади, лекин унинг сиёсатини қоралади. Эҳтиёткорона оҳангдаги асосий маъруза ниҳоясидаги «қарор қилинди» қисмида қонунларга итоат этиш мажбурий эмаслиги айтилиб, қатор қарорлар қабул қилинди: шу жумладан, мустамлакачиларнинг «хаёт, озодлик ва мулк» ҳуқуқлари ва провинциялардаги қонун чиқариш тармоқларининг «солиқ солиш ва ички сиёсат борасидаги барча масалалар»ни ҳал этиш ҳуқуқи ҳам қайд этилди.

Конгресс томонидан жорий этилган энг муҳим иш «Континентал Уюшма»нинг ташкил этилиши бўлиб, у савдо-сотик бойкотини қайта тиклаш, божхона декларациясини назорат этувчи комитетлар тизими яратиш, шартномаларни бузган брокерларнинг номларини нашр этиш, уларнинг импорт молларини мусодара этиш, тежамкорлик, иқтисод ва саноатни рағбатлантириш саъй-ҳаракатларини таъминлади.

Уюшма мустамлакаларда етакчи мавқени эгаллаб, қирол ҳукмронлиги қолдиқларини бартараф этишга қаратилган янги маҳаллий

ташкilotлар барпо эта бошлади. Мустақиллик тарафдорлари томонидан бошқарилган ушбу ташкilotлар ўз ҳаракатлари билан жамоатчилик фикрида инқилобий шижоатни авж олдириб юборди. Шунга қарамай, Британиянинг Америка ҳуқуқларини чеклашига қарши турган кўплаб америкаликлар масаланинг мақбул ечими сифатида музокаралар ва келишувлар йўлига хайрихоҳлик билдиришди.

Британия қироли мазкур кўи соили, баъзан эса келишувга мойил гуруҳлар билан самарали иттифок тузиши ва шу орқали уларнинг мавқеини шу қадар кучайтириши мумкин эдики, инқилобий кураш амримаҳол бўлиб қоларди. Бироқ қирол Георг III келишувга мойиллик билдирмади. 1774 йилнинг сентябрида Филадельфия квакерларининг номасини назар-писанд қилмай, у шундай деб жавоб берди: «Энди тақдир ўйинидан кўринг: мустамлакалар ё таслим бўлиши, ё ғолиб чиқиши лозим». Қуролли кураш 1775 йил 19 апрелда бошланди. Бостон гарнизонига кўмондонлик қилаётган генерал Томас Тейг Конкорд шаҳридаги яширин қурол-аслаҳа омборини йўқ қилиш ва «исёнкорлар»нинг раҳбарларини қўлга олиш учун у ерга 700 кишидан иборат Британия отрядини юборди. Исёнчиларни бу топшириқ ҳақида огоҳлантиришди ва инглиз отряди Лексингтон кишлоғига кириб келганида рўпарасидаги майдонда турган маҳаллий бир дақиқачилар (жангга бир дақиқа ичида тайёр бўла олишларини рўқач қилгани туфайли шундай деб аталган) отрядини кўрди. Бу кишилар ҳаммаси бўлиб 70 киши эди. Улар фақат тинч норозилик намойишига тўпланган эдилар. Британия аскарларининг раҳбари майор Жон Питкертн «Тарқалинг, лаънати исёнкорлар! Эй, итлар, қочинг!», деб ҳайқиради. Бир дақиқачиларнинг раҳбари капитан Жон Паркер ўз аскарларига биринчи бўлиб ўқ узмасликни тайинлади. Америкаликлар тарқала бошлаганида кимдир ўқ узиб, британиялик бир аскарни ярадор қилди. Инглизлар муншийлардан ўқ узишди, натижа шу бўлдики, мустамлакачилардан 10 киши ярадор бўлди ва 8 нафар киши вафот этди.

Инглиз солдатлари Конкордга киришди ва қуроллар омборини эгаллаб олишди. «Исёнкорларнинг» раҳбарларини эса ушлаб ололмадилар ва ортга қайтдилар. Бу орада Лексингтондаги воқеалар бутун округга тарқалди ва қирол отрядига хужум уюштирилди. Қизил кийимдаги британия аскарлари яхши нишон эди. Бу жангда мустамлакалар биринчи бор «тарқалган қатор» тактикасини қўлладилар. Улар уйлар, тўсинлар, шох-шаббалар орқасига беркинар эдилар.

Қирол отряди 223 кишини йўқотиб, орқага қайтишга мажбур бўлди. Америкаликлар эса 93 кишидан айрилди.

Америка мустақиллиги учун кураш ана шундай бошланди. 1775 йил 10 май куни Пенсильваниянинг Филадельфия шаҳрида Иккинчи Континентал Конгресс йиғилди. 15 майда Конгресс уруш бошлашга овоз бериб, мустамлака халқ лашкарини расман континентал хизматга ўтказди ва виржиниялик полковник Жорж Вашингтонни (1732–1799) Америка қуроли кучларининг Бош қўмондони этиб тайинлади. Нима учун айнан уни? Биринчидан, у ҳиндулар ва французларга қарши ҳарбий ҳаракатларда қатнашган, қобилиятли ҳарбий бошлиқ сифатида ном чиқарган эди. Иккинчидан, у бой эди, ишда омади чопарди, қарор қабул қилишда мустақил эди. Шунинг учун уни ҳурмат қилишарди, пуританларда шахснинг бундай хислатлари юқори баҳоланарди.

Республикачилик кайфияти аҳолининг турли қатламларини қамраб олди. Метрополиядан ажралишга чақирувчи адабиётлар пайдо бўлди.

Мустақиллик Декларацияси. Иккинчи Континентал Конгресс илк бор йиғилган кундан кейин бир йил ўтгач, 1776 йилнинг 10 май куни Буюк Британиядан ажралишга чақирувчи қарор қабул қилинди ва гап расмий баёнот чиқаришга тақалди. 7 июнь куни, виржиниялик Ричард Хенри Ли «Мазкур қўшма мустамлакалар, аслида, озод ва мустақил штатлар» эканлигини эълон қилувчи қарорни муҳокамага қўйди. Расмий баёнотнома тайёрлаш учун виржиниялик Томас Жефферсон (1743–1826) бошчилигида беш кишидан иборат комиссия тайинланди.

1776 йил 4 июлда қабул қилинган ва асосан Жефферсон законининг маҳсули бўлган Мустақиллик Декларацияси янги давлатнинг қарор топганлигини эълон қилибгина қолмасдан, балки, шу билан бирга бутун дунё узра ҳаракатчан кучга айланиши муқаррар бўлган озод инсон дунёқарашини ҳам татбиқ этди. Унда, жумладан: «Биз, қуйидаги ҳақиқатларни ўз-ўзидан аён деб биламиз: – барча инсонлар тенг қилиб яратилган ва Яратувчи томонидан муайян дахлсиз ҳуқуқлар билан тақдирланган бўлиб, шулар жумласига Яшаш, Озодлик ва Бахт-саодат сари интилиш ҳуқуқлари киради. Мазкур ҳуқуқларни муҳофазалаш учун кишилар орасида ҳукуматлар таъсис этилиб, улар ўз ҳокимиятини бошқарувчиларнинг розилиги билан амалга оширади ва агарда ҳукуматнинг бирон шакли ана

шу мақсадларга хилоф келса, бундай ҳукуматни ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳамда ўз хавфсизликлари ва бахт-саодатини рўёбга чиқариш учун ўзларига энг мақбул бўлиб кўринган тарзда унинг пойдеворини шундай тамойиллар асосида куриш ва куч-қудрат ваколатлари шундай шаклга асосланган янги ҳукумат барпо этиш халқ ҳуқуқидир.

... Биз, Америка Қўшма Штатларининг вакиллари... халқ номидан ва унинг ваколати билан эълон қиламизки, бу бирлашган мустамлакалар аслида ҳам, ва ҳақ-ҳуқуққа кўра ҳам озод ва мустақил Штатлар бўлмоғи лозим. Шу дақиқадан бошлаб улар Британия тахтига ҳар қандай мансубликдан озод қилинадилар. Озод ва мустақил Штатлар сифатида улар уруш эълон қилиш, тинчлик ўрнатиш, иттифоқларга кириш, савдо юритиш ва мустақил давлат нима қилиши мумкин бўлса, барчасини амалга ошириш борасида тўла ҳуқуқларга эгадирлар» дейилган эди.

Мазкур Декларация француз ва инглиз Маърифатпарварлик фалсафасидан илҳом олди, бироқ бир манба – Жон Локкнинг «Ҳукумат ҳақида икки рисола»си алоҳида диққатга сазовордир. Локк инглизларнинг анъанавий ҳуқуқ назариясини олиб, уларни бутун инсониятнинг табиий ҳуқуқлари даражасида умумлаштирган эди. Декларациянинг дебочаси Локкнинг хизмат юритиш борасидаги ижтимоий келишув назариясига ҳамоҳангдир.

Жефферсон Жан Жак Руссо таълимотига ҳам кўшиларди ва Декларация лойиҳасига қулликни бекор қилиш ҳақида модда киритган эди. Лекин лойиҳа таҳрир қилинганда махсус комиссия томонидан бу модда олиб ташланди.

Мустақиллик Декларациясида давлат қурилишининг асоси сифатида халқ суверенитети принципи эълон қилинди, халқнинг зотимларга қарши исён қилиш ҳуқуқи, яшашга, эркинликка, тенгликка бўлган ҳуқуқи тасдиқланди. АҚШда ҳар йили 4 июль мустақиллик куни сифатида нишонланади.

Америка инқилобининг характери ва хусусиятлари. Шимоллий Америкада мустақиллик учун олиб борилган уруш айна пайтда буржуа инқилоби бўлиб, у икки вазифани ҳал қилиши лозим эди: миллий мустақилликка эришиш ва Америкада капиталистик муносабатлар ривожланишига халакит бераётган тўсиқларни йўқ қилиш. Юз бераётган ўзгаришларнинг марказида ер муаммоси турарди. Қишлоқ хўжалигида феодал тартиб белгиларини тугатиш, аҳолига

ғарбий ерларга эркин бориш учун йўл очиш, плантацияли қулчилик тизимини йўқ қилиш зарур эди.

Аҳолининг қайси қатламлари мустақиллик учун урушни ёқлаб чиқишди?

Барча мустамлакачилар икки лагерга – ватанпарварлар ва лоялистларга¹ бўлинарди.

Ватанпарварлар лагерига майда ҳунармандлар, ёлланма ишчилар, миллий буржуазиянинг турли табақалари, жануб плантаторлари кирарди. Улар ғарбдаги ерлар ҳисобига ўз мулкларини кенгайтиришдан манфаатдор эдилар.

Лоялистлар лагери Буюк Британия қиролидан ер олган феодал аслзодалар, англикан черкови руҳонийлари, мустамлака маъмуриятининг кўп сонли амалдорлари, Англия бозорлари билан боғланган савдогарларнинг бир қисмидан иборат эди. Инқилобнинг лидерлари буржуазия ва қулдор-плантаторлар бўлиб, ҳаракатга келтирувчи куч – халқ оммаси эди.

Инқилобнинг асосий хусусияти шу эдики, у миллий-озодлик уруши шаклида ўтди.

Уруш давридаги демократик ўзгаришлар. Уруш даврида аграр муносабатлар ўзгарди: майда ер эгалари ижара учун пул тўламай қўйдилар; лоялистларга қарашли бўлган катта ер майдонлари мусодара қилинди ва кичик участкаларга бўлиниб сотилди; Аллеген тоғлари ортидаги ерларга қўйилган тақиқни ҳукумат қонунсиз деб эълон қилди, Штатлар кенгашлари эса у жойларда аввал эгаллаб олинган ерларни тан олдилар. Жефферсон ҳар бир ерсиз кишига Ғарбдаги ерлар ҳисобидан бепул участка беришни таклиф қилди.

Уруш ҳаракатларининг бориши. Ҳарбий ҳаракатлар, асосан мамлакат шимолида бўлди. Инқилоб даврида мустамлакачилар армияси катта қийинчиликларни бошидан кечирди. Аскарлар ҳарбий ишга деярли ўргатилмаган, қурол-аслаҳа, ўқ-дори, озиқ-овқат етишмас эди.

1776 йилнинг августида Нью-Йоркнинг Лонг-Айленд жангида Вашингтон армияси оғир аҳволда қолди ва Бруклиндан Манхеттен қирғоғига чекинди. Британия генерали Уильям Хоув журъатсизлик қилиб, америкаликларнинг чекинишига йўл қўйди, бироқ ноябрда Манхеттен оролидаги портни ишғол қилди. Нью-Йорк шаҳри уруш тугагунга қадар инглизлар назорати остида қолиб кетди.

¹ *Лоялист* – ўзини мавжуд қонун доирасида тутувчилар.

1776 йил 26 декабрь куни Вашингтон армияси Трентон ҳарбий гарнизонига ҳужум қилиб, 900 дан ортиқ британияликни асир олди. 1777 йил 13 январда Вашингтон британияликларга Пристонда ҳужум қилди ва расман Британия томонидан ишғол қилинган ҳудуднинг аксарият қисмини қайтариб олди. Трентон ва Пристондаги ғалабалар америкаликларнинг сўниб бораётган руҳини жонлантирди.

1777 йили генерал Хоув Америка армиясини Пенсильваниянинг Брандивайн деган жойида мағлубиятга учратди ва Филадельфияни ишғол этиб, Континентал Конгресс аъзоларини қочишга мажбур қилди. Вашингтон армияси эса 1777–1778 йилларнинг қиш ойларини озиқ-овқат, кийим-кечак ва таъминотдан қийналган ҳолда, Пенсильваниянинг Форг водийсида ўтказишга мажбур бўлди. Армиядаги қийинчиликка қарамасдан, 1777 йил урушда бурилиш ясалди. Канададан Нью-Йорк яқинидаги инглиз кўшинлари билан бирлашиш учун йўл олган генерал Бергойн бошчилигидаги Британия армияси Саратога (Нью-Йорк яқини) остонасида генерал Хорацио Гейтс кўмондонлигидаги Америка кўшини томонидан қуршовга олинди. 1777 йил 17 октябрда Бергойн бутун армияси билан таслим бўлди. Оқибатда, Британия кўшинларининг олтига генерали, 300 та бошқа зобитлари ва 5500 та кичик зобитлари ва аскарлари қурбон бўлган эди. Бу орада қулай сиёсий имконият пайдо бўлганлигидан фойдаланиб 1776 йили Парижга юборилган Бенжамин Франклин Франция мададига эришди.

1776 йилнинг май ойидан Франция Америкага ёрдам бера бошлади ва Америкага уруш анжомлари ортилган 14 та кема юборилди. Британия кучлари Саратогада мағлубиятга учрагач, Франция ўзининг азалий душманини жиддий равишда заифлаштиришга ва Етти йиллик уруш (Франция ва ҳиндулар уруши) оқибатида йўққа чиқарилган қудрат мувозанатини қайта тиклашга қулай имконият борлигини англади. 1778 йил 6 февралда Америка ва Франция «Дўстлик ва тижорат битими»ни имзолади: унга кўра Франция Америка Қўшма Штатларини тан олди ва савдо-сотик шартномаларини таклиф этди. Шунингдек, улар иттифоқ битимини имзолашди, унга биноан, агарда Франция урушга қўшилса, Америка ўз мустақиллигини қўлга киритмагунга қадар, у ўз қуролли кучларини олиб чиқиши ёки иттифоқдошининг розилигисиз Британия билан тинчлик сулҳи тузиши мумкин эмасди ва ҳар бир томон Америка-

даги ҳудудларнинг дахлсизлигини кафолатлаган эди. Бу битим Америка Қўшма Штатлари 1949 йилга қадар имзолаган ягона иккитарафлама мудофаа шартномаси бўлиб қолди.

Франция-Америка иттифоқи оқибатида тўқнашув қамрови кенгайди. 1778 йилнинг июнида Британия кемалари Франция кемаларига қарши ўт очди. 1779 йили Етти йиллик уруш мобайнида Британияга ўтиб кетган ҳудудларни қайтариш умидида Испания бу урушда Франция тарафини олди. 1780 йили Британия америкаликлар билан савдо муносабатларини тўхтатмаганлиги учун Голландияга уруш эълон қилди. Англиянинг заифлашувидан манфаатдор Россия ва Испания ҳам АҚШга нисбатан дўстона позицияни эгалладилар. Франция бошчилигидаги Европа давлатларининг мазкур иттифоқи Британия учун Америка мустамлакаларига нисбатан хавфли эди. Бу орада, Жанубий Каролинада жанг ҳаракатларини олиб бораётган Британия генерали Корнуоллис бошчилигидаги қўшинлар 1781 йили Коупенси деган жойда қаттиқ мағлубиятга учради. Шундан сўнг ҳам, уруш ҳаракатлари яна икки йилга яқин давом этди. 1782 йили инглиз қўшинларининг асосий кучлари америкаликлар ва французларга Йорктаун яқинида таслим бўлгандан сўнг Британиянинг янги ҳукумати Парижда тинчлик музокаралари ўтказишга қарор қилди. Музокараларда Америка томонидан Б.Франклин, Ж.Адамс¹, Ж.Жей² қатнашдилар. 1783 йил 15 апрелда томонлар маъқуллаган Париж сулҳи Британия ва унинг собиқ мустамлакалари томонидан 3 сентябрь куни имзоланди. Битимга мувофиқ Буюк Британия Америка Қўшма Штатларининг тузилганлигини, унинг мустақиллиги, озодлиги ва суверенитетини тан олди ҳамда АҚШ ерлари ғарбда Миссисипи дарёсигача, шимолда Канадагача ва жанубда Испанияга қайтарилган Флоридагача кенгайди.

Уруш тугади. Олдинда эса давлатни жипслаштириш, унинг иқтисодий аҳволини яхшилаш вазифаси турарди. Урушдан кейинги йилларнинг барча иқтисодий оғирлиги халқ зиммасига тушди. Мамлакатда уруш туфайли хонавайрон бўлган фермерлар ва ишчиларнинг кўзғолонлари бўлиб ўтди. Мустақиллик учун уруш ветерани, фермер Даниэль Шейс бошчилигида 1786–1787 йилла-

¹ *Жон Адамс (1735–1826)* – АҚШ мустақиллиги учун курашчи, машхур давлат арбоби, биринчи вице-президент, АҚШнинг иккинчи президенти.

² *Жон Жей (1745–1829)* – АҚШ Конституциясининг муаллифларидан бири, давлат арбоби, АҚШ Олий судининг биринчи раиси.

ри кўтарилган кўзғолон энг катталаридан бири эди. Олдингилари каби бу кўзғолон ҳам бостирилди.

1787 йилги конституция. Инқилоб муваффақиятлари америкаликларга Мустақиллик Декларациясида ифодаланган орзу-умидлари ва ғояларига қонуний шакл бериш ва ўз норозиликларини штат конституциялари воситасида қондириш имкониятини берди. Мустақиллик Декларацияси қабул қилингандан сўнг бир йил ўтгач, урта штатдан бошқа барчаси ўз конституцияларини қабул қилдилар.

Янги конституциялар демократик ғоялар таъсирини акс эттирган ва инглиз таомилининг бой пойдеворига таянган бўлиб, уларни ўтмиш билан боғловчи ришталар кескин қирқилмади, аммо ҳар бири республикачилик руҳи билан суғорилган эди.

Англия билан уруш бошланишидан олдин маҳаллий ассамблеялар Иттифок тузишнинг Олбани режасини 1754 йили рад этишган эди. Бироқ инқилоб пайтидаги ўзаро ёрдам бундай иттифокнинг самарадорлигини исботлади. 1776 йили Жон Дикинсон «Конфедерация ва абадий иттифок моддалари»ни ишлаб чиқди. Континентал конгресс бу моддаларни 1777 йили қабул қилди ва улар 1781 йили кучга кирди. Бироқ мазкур моддалар томонидан жорий этилган ҳукумат шакли қатор камчиликларга эга эди. Маҳаллий ҳукуматнинг тарифлар ўрнатиш, тижоратни тартибга солиш ва солиқлар йиғиш борасидаги ваколати заиф эди. Халқаро алоқалар соҳасида ҳам назорат мустақиллиги етишмаслигидан қатор штатлар хорижий давлатлар билан ўзлари музокаралар бошлаб юбордилар. Тўққизта штат ўз армияларини шакллантирди ва қатор штатлар ўз ҳарбий-денгиз куролли кучларига эга бўлди. Аралаш-куралаш танга пуллар муаммоси ва штат ҳамда давлат миқёсидаги қоғоз пулларнинг чалкаш хилма-хиллиги мавжуд бўлиб, барчаси тез қадрсизланиб борарди.

Урушдан сўнг юзага келган иқтисодий қийинчиликлар ўзгаришлар киритишни тақозо этди. Чунки Жорж Вашингтон ёзганидек, штатлар фақат «қумдан тўкилган арқон» ёрдамида бирлаштирилган эди.

Урушдан олдин ҳал этилмай қолган муаммолардан бири – штатларнинг ерларини кенгайтириш ва Аллеген тоғларидан Ғарбда жойлашган ерларни бошқариш муаммоси бўлиб, бу 1787 йили эълон қилинган Шимоли-Ғарбий Ордонанс (декрет) деб аталувчи хужжатда ўз ечимини топди. Ордонанс орқали ўрнатилган ўз-ўзини бошқаришнинг чекланган тизимига биноан бу ерлар яхлит ҳудуд

бўлиб, Конгресс томонидан тайинланувчи губернатор ва судьялар томонидан бошқариладиган бўлди. Штатлар (Нью-Йорк, Виржиния) бу ерларга ўз даъволаридан уларни Қўшма Штатларга ўтказиш орқали воз кечди. Худуд аҳолиси сайлов ёшидаги 5000 озод эркекларга етгач, икки палатали қонун чиқарувчи тармоққа айланиши ва қуйи палатани ўзи сайлаши лозим эди.

Бу худудларда бештадан ортиқ бўлмаган ва учтадан кам бўлмаган штатлар шаклланиши керак эди ва улардан бирининг аҳолиси 60 минг озод кишига етса, у «асл штатлар билан барча жиҳатдан тенг мақом»да иттифокқа қўшилиши лозим эди. Ордонанс фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлади.

Янги сиёсат Америка мустамлакалари метрополия манфаатлари учун мавжудлиги ва сиёсий жиҳатдан тобе, ижтимоий жиҳатдан эса паст эканлиги ҳақидаги асрий тушунчани рад этди. Бу назария давлатнинг кенгайишини билдириб, тенглик манфаатлари билан имтиёз сифатида эмас, балки ҳуқуқ тарзида тақдимлаш тамойилига алмаштирилди. Шимоли-Ғарбий Ордонанс Америка халқ сиёсатининг асослари шаклланишига таъсир қилди.

Бирок Ордонанс штатлар ўртасида пайдо бўлаётган бошқа кўплаб муаммоларни ҳал қилмади. 1786 йили Мэриленд ва Виржиния штатлари орасида Потомак дарёсидаги кема қатнови бўйича муаммони ҳал этиш учун йиғилган беш штат вакиллари, Александер Гамильтон¹ таклифига кўра бу муаммони ваколатли йиғинда ҳал этишга келишди.

1787 йили майда Филадельфияда бошланган Федерал Конвент йиғинига штатлардан сайланган вакиллар сифатида кўзга кўринган арбоблар тўпланди. Улар орасида Жорж Вашингтон, Жэймс Уилсон², Бенжамин Франклин, Жеймс Мэдисон³, Александер Гамильтон каби машҳур кишилар бор эди. Франция ва Буюк Британияга элчи қилиб юборилган Томас Жефферсон ва Жон Адамслар Конвент ишида қатнаша олмадилар. Умуман, 55 та вакил сайланган бўлиб, улар орасида ёшлар анчагина эди (вакиллар 42 ўртача ёш эди).

¹ *Александер Гамильтон (1755–1804)* – АҚШ мустақиллиги учун курашчи, давлат ва сиёсат арбоби, АҚШнинг жадал савдо-саноат ривожланиш дастури муаллифи, биринчи молия вазири.

² *Жеймс Уилсон (1741–1798)* – шотландиялик юрист, АҚШнинг давлат арбоби, Мустақиллик декларациясига имзо чеккан, АҚШ Конституциясини ишлаб чиқишда қатнашган, Олий суднинг биринчи судьяларидан бири.

³ *Жеймс Мэдисон (1751–1836)* – АҚШнинг 4-президенти, давлат ва сиёсат арбоби.

Конвент фақат Конфедерация моддаларига кўшимчалар киритиш ваколатини олган эди, бироқ муҳокама давомида давлат ва ҳукуматнинг тамомила янгича шаклини барпо этишга киришилди. Фикр-мулоҳаза ва тортишувлар 16 ҳафта давом этди. Баҳслар асосан қонун чиқарувчи орган – Конгресснинг, федерал ҳукуматнинг, суднинг мақоми ва штатлар билан марказий ҳокимият ўртасидаги муносабатлар хусусида борди. Натижада, 1787 йил 17 сентябрда шу баҳс ва тортишувлар маҳсули – Конституция қабул қилинди. Конституцияни мажлисда қатнашаётган 42 вакилнинг 39 таси имзолади. Бироқ бу ҳужжат кучга кириши учун ҳали халқ томонидан ошқора сайланган штатлар конвентларининг розилиги зарур эди.

Конвент қарорига биноан 13 штатдан тўққизтасининг конвентлари тасдиқлагач, Конституция кучга кириши керак эди. 1788 йили июнда талаб этилган тўққизта штат Конституцияни тасдиқлади, бироқ йирик штатлардан Виржиния ва Нью-Йорк ўз тасдигини бермади.

Кучли марказий ҳокимиятга қарши қарашлар Конституцияга қарши чиққанларнинг асосий сабаби эди. Шахс ҳуқуқлари ва эркинликларининг камситилишидан чўчиш эса барчани бир хилда ташвишга солар эди. Конституция шахс ҳуқуқларини қайд этмаганлиги сабабли Виржиния вакили Патрик Хенри (1736–1799) уни имзоламаган эди. Конституцияга кўшимча «Ҳуқуқлар тўғрисида билль» таклиф этилганлиги туфайли 25 июнь куни Виржиния конвенти, Александер Гамильтон, Жон Жэй ва Жеймс Мэдисонларнинг саъй-ҳаракатлари билан 26 июль куни Нью-Йорк конвенти Конституцияни тасдиқлади.

1789 йил сентябрда Нью-Йоркда тўпланган Биринчи Конгресс конституцияга кўшимчаларни қабул қилди. 1791 йил декабрида 10 та кўшимчани Конституциянинг таркибий қисмига айлантириш учун зарур даражадаги штатлар розилиги олинди. Бу кўшимчалар «Ҳуқуқлар тўғрисида билль» сифатида тарихга кирди. Ҳуқуқлар тўғрисидаги билль қабул қилинган даврдан бери Конституцияга яна 16 та кўшимча киритилди. Уларнинг аксарияти Ҳуқуқлар тўғрисидаги билль ўрнатган шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини кенгайтди.

Конституция АҚШда республика тузумини ўрнатди. Ижро ҳокимияти бошида 4 йил муддатга сайланадиган ва кенг ваколатларга эга бўлган президент лавозими жорий қилинди. Президент

армия ва флотга кўмондонлик қилар, халқаро шартномалар тузар, олий мансабдорларни тайинлар эди. Биринчи Президент этиб, 1789 йил 30 апрель куни бўлиб ўтган сайловларда Жорж Вашингтон сайланди. Олий қонун чиқарувчи орган АҚШ Конгресси бўлиб қолди. У икки палатадан иборат эди – юқори (сенат) ва қуйи (вакиллар палатаси). Сенатга ҳар бир штатдан 2 киши сайланарди, вакиллар палатасига эса депутатлар штат аҳолисининг сонига мос равишда сайланадиган бўлди. Конгресс тез суръатлар билан департаментлар (вазирликлар)ни барпо қилди ва барча департаментларнинг раҳбарларидан таркиб топган АҚШ Президентининг Кабинети вужудга келди.

Бош судья ва бешта ёрдамчи судьялардан таркиб топган Олий Суд ҳамда учта округ судлари ва 13 та ҳудудий судларни таъсис этиш орқали Конгресс федерал суд тармоғини ҳам таъсис этди. Олий Суд қатта ваколатларга эга бўлди, унинг аъзолари президент томонидан бир умрга тайинланар эди. Олий Суднинг вазифаси қонунларнинг Конституцияга мос келишини кузатишдан иборат қилиб белгиланди. Штатларда қонунчилик кенгашлари сақланиб қолинди, улар маҳаллий ишларни бошқариш ҳуқуқига эга эдилар.

Айни пайтда, мамлакат собит равишда ўсиб, Европадан келувчи муҳожирлар сони ҳам ортиб борди. Америкаликлар Фарб томон силжишди: Янги англияликлар ва пенсильванияликлар Оҳайо томон; виржинияликлар ва каролиналиклар Кентукки ва Теннесси томон. Нью-Йорк, Пенсильвания ва Виржиниядан юқоридаги бой водий ерлари тез фурсатда буғдой етиштирувчи улкан далаларга айланди.

Кўп анжомлар ҳамон уйда ишлаб чиқарилишига қарамай, саноатлаштириш тез ривожланиб борди. Массачусетс ва Род-Айленд тўқимачилик саноатининг пойдеворини яратди; Коннектикут тунокадан ясалган анжомлар ва соатлар чиқара бошлади; Нью-Йорк, Нью-Жерси ва Пенсильвания қоғоз, шиша ва темир ишлаб чиқарди. Кемасозлик шу қадар ривожландики, денгизда Қўшма Штатлар Британиядан сўнг иккинчи ўринга кўтарилди.

Янги ерлар ўзлаштирилиб, учта штат – 1791 йили Вермонт, 1792 йили Кентукки ва 1796 йили Теннесси ташкил топди.

Ташқи сиёсатда оқилона иш тутилди. Француз инқилоби ва унинг оқибатлари туфайли Европада бошланиб кетган урушда қатнашмаслик учун АҚШ 1778 йили Франция билан имзоланган ўзаро битм шартларини бекор қилди. Ж. Вашингтон АҚШ уруш

ҳолатидаги давлатларга нисбатан дўстона ва бетараф бўлишини эълон қилди.

1797 йили Ж. Вашингтон президентликка қайта сайланиш таклифини қатъиян рад этиб истеъфога чиқди. Жон Адамс президент этиб сайланди. Буюк Британия ва Франция билан муносабатлар янада чигаллашиб, 1799 йили Франция билан қатор денгиз тўқнашувларидан сўнг уруш муқаррар бўлиб кўринди. Шунга қарамасдан мамлакатнинг иқтисодий қудрати ва сиёсий салоҳияти ортиб борди.

* * *

Хуллас, мустақиллик ва инқилоб саноат ҳамда савдони ривожлантиришдаги барча тўсиқларни олиб ташлади, мамлакат ичкари-сида эркин рақобатга, иқтисодий ҳаётда ташаббусга, фаолликка, ишбилармонликка кенг йўл очилди. Инсон бахтининг асоси ўз мулкидан эркин фойдаланиш бўлиб қолди. Бироқ жанубий штатларда плантация қуллик ҳали сақланиб қолаётган эди.

Мустақиллик Декларацияси ва АҚШ Конституцияси Европанинг илғор тафаккурига катта таъсир кўрсатди, уларда илгари сурилган гоёлар умуминсоний характерга эга бўлиб, кўплаб халқлар курашининг мазмунига айланиб қолди.

XVII боб бўйича саволлар

1. Шимолий Америкага келган дастлабки кўчкинчилар ҳаётида пуританлик принциплари қандай роль ўйнади?
2. Англия мустамлакаларида ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг шаклланиши қандай нормаларга асосланган эди?
3. Америкада янги миллатнинг шаклланишига қандай факторлар асос бўлди?
4. Шимолий Америкада мустақиллик учун курашнинг бошланишига нималар сабаб бўлди?
5. АҚШ Мустақиллик Декларацияси қандай гоёвий манбаларга таянади ва қайси принципларни илк бор эълон қилди?
6. АҚШ Конституциясининг асосий гоёлари нималар эди?
7. АҚШ ҳукуматининг қандай асосий тадбирлари унинг ҳудудий кенгайишига ва иқтисодий юксалишига олиб келди?
8. АҚШ Конституциясига қўшимча сифатида киритилган «Ҳуқуқлар тўғрисида билль»нинг мазмуни ва аҳамияти нимада?

XVIII БОБ. XVI–XVIII АСРЛАРДА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ

Мустамлакачилик тузуми ва XVI–XVIII асрлардаги озодлик ҳаракатлари. Европада вужудга келган индустриал цивилизациянинг мафкуравий асоси маърифатчилик бўлиб, у аста-секин бошқа мамлакатлар ва қитъаларга ҳам тарқалди. Янги қадриятлар – ҳокимиятнинг бўлиниш принципи, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, сўз, йиғилишлар ва партиялар тузиш эркинлиги, бошқача фикрловчиларга тоқат, Европа давлатларининг Лотин Америкасидаги¹ мустамлакаларида ҳам аста-секин шакллана борди.

Шимолий Америкадаги инқилоб ҳамда Лотин Америкаси мамлакатларидаги инқилобий ва озодлик ҳаракатлари янги тартибга ўтиш барча мамлакатлар ва халқлар учун бир хилдаги йўналиш эканлигини кўрсатди.

Бошқариш тизими. Лотин Америкаси халқларини бўйсундириш Колумб Американи очгандан сўнг (1492) дарҳол бошланиб кетди. Европаликлар босиб олинган ерларда қаттиқ мустамлакачилик тартибини ўриятдилар. Кенг мустамлакаларни эгаллаб олган испанияликлар у ерларда ҳам худди ўз ватанларидагидек бошқариш тизимини жорий қилдилар.

Бу пайт Испанияда абсолют монархия ҳукм суради. Худди шу тарзда ҳар бир мустамлакада ҳам вице-қирол ёки генерал-капитан бутун ҳокимиятга эга эди. Уларга вилоятларнинг губернаторлари бўйсунардилар. Шаҳар ва кишлоқ округларини коррехидорлар ва алкольдлар бошқарарди. Ҳинду кишлоқларининг тепасида эса касиклар бўлиб, улар ҳокимияти наслий эди. Вице-қироллар ва генерал-капитанлар кенг ҳуқуқларга эга бўлиб, улар губернаторлар ва бошқа амалдорларни тайинлар, хазина ва қуроли кучларни бошқарар, турли хил фармонлар чиқарар эди. Бундан ташқари испан мустамлакаларининг вице-қироли Испания қироли номидан руҳонийларнинг тайинланишини тасдиқлар ҳам эди.

¹ Лотин Америкаси мамлакатларига Жанубий Америкада ва Шимолий Американинг жанубий қисмида жойлашган давлатлар, шунингдек, Кариб денгизидаги ороллар киради. Бу ном европаликлар босқинидан кейин бу ерда лотинчадан келиб чиққан испан, португал, француз тилларида сўзлаша бошлаганлари учун берилган. Аввал «Ибероамерика», «Индоамерика», «Испан Америкаси» терминлари ҳам қўлланилган. Бугун БМТ нинг ҳужжатларида бу худуд «Лотин Америкаси ва Кариб мамлакатлари» деб юритилади.

Испан Америкаси шаҳарларида ҳам маҳаллий ҳокимият органлари мавжуд бўлиб, улар асосан суд ишлари ва ободонлаштириш билан шуғулланарди.

Хўжалик ҳаёти. Мустамлакаларнинг бутун иқтисодий ривожланиши Испания ва Португалия манфаатларига бўйсундирилган эди. Метрополиялар учун Янги Дунё мамлакатлари олтин, кумуш ва плантацияларда етиштириладиган маҳсулотлар манбаи эди, холос.

Мустамлака ҳукуматлари маҳаллий саноатнинг шаклланиши учун шароит яратмасдилар, мануфактуралар қурилишига тўскинлик қиларди.

Мустамлакаларнинг метрополиялар билан рақобатлашувининг олдини олиш мақсадида маҳаллий ҳокимият бу ерларда узум, олхўри етиштиришни, ипак курти боқишни тақиқлаганди. Узум тоқлари ва олхўри дарахтлари кесиб ташланар эди. Мустамлакаларда фақат Испания ва Португалияда етиштирилмайдиган мева дарахтларини ўстиришга руҳсат бериларди. Бу каби чеклашлар мустамлакаларда хўжаликнинг тараққий этиши учун катта тўсиқ бўлаётган эди.

Савдо. Мустамлакалардаги аҳолининг асосий қисми жуда камбағал бўлганлиги сабабли ички бозор ҳам тор, кам тараққий этган эди. Қирол, черков, латифундияларнинг эгалари фойдасига олинадиган сон-саноксиз тўловлар аҳолида энг зарур маҳсулотларни сотиб олиш учун ҳам маблағ қолдирмасди. Бунинг устига мустамлакаларда спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, туз, қоғоз ва шу каби бозоргир маҳсулотларнинг савдосига давлат монополияси ўрнатилган эди.

Мустамлакалар бошқа давлатлар билан мустикал савдо алоқаларини ўрнатиш ҳуқуқига эга эмасдилар. Фақат XVIII асрнинг охири чорагига келиб испан ва португал мустамлакалари Шимоллий Америкадаги инқилобий воқеалар таъсири остида бир-бири билан ўзаро савдо қилиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Шу даврда устама солиғи ҳам камайтирилди.

Мустамлакалардаги ҳиндуларнинг аҳволи. Америка эгаллангандан кейин мустамлакалардаги маҳаллий аҳоли – ҳиндулар ҳақ-ҳуқуқсиз қулларга айлантилди. Ҳиндулар учун янгича ҳаёт тарзига кўникиш жуда оғир кечди. Конлар ва плантациялардаги шафқатсиз, оғир меҳнатдан, очлик ва касалликлардан минглаб ҳиндулар ҳалок бўлдилар.

Европаликлар Янги Дунёга ўзларининг илғор гоёлари билан бирга турли касалликлар – вабо, ўлат ва тифни ҳам олиб келдилар. Касалликлар бутун ҳудудлардаги аҳолини қириб ташларди. Маҳаллий аҳолида бу номаълум касалликларга қарши на табиий, на сунъий кўникма йўқ эди. Шу сабабли Марказий Мексикада XVI асрда маҳаллий аҳолининг сони 10 баробар камайди. Бразилияда XVI аср охирига келиб маҳаллий ҳиндулар деярли тўлиқ қирилиб кетганди. Тирик қолганлари европаликлар бора олмайдиган ерларга яшириндилар.

Ҳиндуларнинг бу аянчли аҳволига қарши биринчилардан бўлиб машҳур испан гуманист-ёзувчиси Бартоломео де Лас Касас (1474–1566) чиқди. 1552 йили унинг «Ҳиндистоннинг вайрон қилиниши ҳақида қисқача хабар» номли китоби чоп этилди. Бу китобда жасоратли ёзувчи мустамлакачиларнинг ҳиндуларга қарши қилган жиноятларини очиб ташлашга ҳаракат қилди ва маърифатли илғор кишиларнинг эътиборини қирилиб кетаётган аҳолининг аянчли аҳволига қаратди.

Ҳиндуларнинг тезлик билан камайиб кетаётганлиги ишчи кучининг етишмаслигини келтириб чиқариши хавфидан кўрққан испан ва португал ҳукуматлари маҳаллий аҳолига шафқатсизлик билан қилинаётган муносабатларни чеклаш борасида баъзи бир чораларни ҳам кўришди.

Ҳиндуларга нисбатан зулмни чеклаш тўғрисида Испания қиролининг фармонларини мустамлакачилар норозилик билан қабул қилдилар.

XVII аср охирига келиб мустамлакаларда ўрнатилган тартиб яна юз эллик йил сақланиб турди. Ҳиндулардан жон солиғи олинар, уни йиғишда амалдорлар тез-тез ғирромликка йўл кўярдилар. Ҳиндулар ҳокимиятнинг руҳсатисиз яшаш жойларини ўзгартира олмасдилар. Ҳар бир жамоа кон ва плантацияларда ишлаш, мол боқиш, бино, кўприк, йўллар қуриш учун ўз орасидан 15 ёшдан 60 ёшгача бўлган маълум сондаги эркакларни ажратиши лозим эди. Улар текин ёки жуда кам иш ҳақи эвазига чекланмаган вақт давомида ишлар эди.

Европаликлар ер майдонларини кенгайтириш учун ҳиндуларни бу ерлардан ҳайдаб юборишарди, улар ернинг янги хўжайинларига мардикор, батрак бўлиб ёлланишга мажбур эдилар. Баъзан ҳиндулар ўзларининг ерларини янги хўжайиндан ижарага олар ва бунинг учун ҳосилнинг маълум бир қисмини унга берар эди. Уларнинг кўпчилиги

вакти билан ерга бириктирилган наслий кулларга айланарди. Кредитордан олган қарзлар эвазига юз берадиган бундай қарамлик авлодларга ҳам ўтадиган кулликнинг янги шакли эди. Бундай шакл кон ва мануфактураларда ҳам кенг қўлланилди. Ҳиндуларни фақатгина латифундистлар ва қирол ҳокимияти эмас, католик черкови ҳам кул қилиб олган эди.

Шундай қилиб, XVIII аср охирига келиб ҳиндуларнинг аксарият қисми феодал қарамликда эди. Уларнинг асосий қисмини кул қилинган деҳқонлар, шунингдек, кон, мануфактура, хунамандчилик устахоналарининг ишчилари, юк ортувчилар, уй хизматкорлари ташкил қиларди. Шу билан бир қаторда бориш қийин бўлган жойларда босқинчилар ҳокимиятини тан олмаган ва уларга қаттиқ қаршилик кўрсатаётган қабилалар ҳам бор эди. Баъзи бир вилоятларда эркин деҳқон жамоалари ҳам сақланиб қолган эди.

XVII–XVIII асрларда маҳаллий аҳолининг камайиб кетганлиги, ишчи кучига талабнинг ортиб бораётганлиги сабабли Африкадан негр-кулларни олиб келиш бошланди. Бу даврда Лотин Америкасига миллионлаб африкалик куллар тўхтовсиз олиб келинган бўлса ҳам, оғир меҳнат, бегона иқлим ва касалликлар сабабли улар орасида ўлим юқори даражада бўлиб, африкаликлар сони кўпчилик мустамлакаларда амалда кўпаймади.

Негр-кулларнинг меҳнати биринчи навбатда шакарқамиш ва пахта плантацияларида қўлланилар эди. Кубада шакарқамишни йиғиб олиш мавсумида куллар суткасига 18–20 соатлаб ишлар ва фақат икки мартагина овқатланар эди. Плантацияларнинг эгалари ва назоратчилар кулларни жазолашнинг шафқатсиз усуларини қўллашарди. Кўплаб куллар калтаклаш оқибатида ҳалок бўларди.

Табиийки, бундай оғир шароитда кулларнинг қочиб кетиш ҳоллари тез-тез учраб турарди. XVI аср биринчи ярмидаёқ испан мустамлакаларида қочоқ кулларни топиш, ушлаш билан шугулланувчи фондлар ташкил қилинган эди. Ҳатто, янги касб – қочоқ кулларнинг «овчиси» ҳам пайдо бўлди. Қўлга тушган кулларни уч кун ичида эгасига қайтаришар, алоҳида айбдорларини эса қамоққа ташлардилар.

Дастлаб мустамлакаларга кучли эркакларни олиб келинган бўлса, XVIII асрдан бошлаб аёлларни ҳам олиб кела бошлашди.

Мустамлака жамиятининг юқори қатламини метрополиянинг имтиёзли оқ танли вакиллари: наслий зодагонлар ва бой савдогар-

лар ташкил қиларди. Улар қарийб барча маъмурий, ҳарбий ва черков мансабларини эгаллаб олгандилар. Йирик ерлар ва конларнинг эгалари ҳам улар эди.

Бир поғона пастда креоллар – европаликларнинг мустамлакаларда туғилган «тоза қонли» авлодлари туришарди. Катта ер эгаларининг асосий қисми улар орасидан чиққан, улар зиёлилар ва пастки лавозимлар сафини тўлдиришар, маъмуриятда ва армияда иккинчи даражали мансабларни эгаллашар, савдо билан шуғулланишар, кон ва мануфактураларга эгалик қилишарди. Улар орасида кичик ер эгалари ва ҳунармандлар ҳам бор эди. Расман креоллар метрополияда туғилганлар билан бир хил ҳуқуққа эга эдилар, аммо бошқарув тизимидаги олий лавозимларни уларга беришмас эди.

Мустамлакаларда аралаш никоҳ натижасида пайдо бўлган аҳолининг кўплаб гуруҳлари мавжуд эди. Улар асосан метислар, мулатлар ва самболар бўлиб, фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум, зобит ва амалдор лавозимларини эгаллай олмас, маҳаллий ҳокимият органларига сайловларда иштирок этмасди.

Америкадаги янги иркий гуруҳлар

Европалик	+	Ҳинду	=	Метис
Европалик	+	Негр	=	Мулат
Ҳинду	+	Негр	=	Самбо

Бу тоифанинг вакиллари ҳунармандчилик, майда савдогарлик ва бошқа эркин касблар билан шуғулланишар, бой латифундистлар қўлида бошқарувчи, хизматкорлар бошлиғи ва назоратчи бўлиб ишлашарди, кичик ер эгаларининг кўпчилигини ташкил қиларди. Мустамлака даврининг охирига келиб улар пастки диний лавозимдагилар сафини тўлдирдилар, пеонларга¹, мануфактура ишчиларига ва аскарларга айландилар.

Католик черкови ҳиндулар ва негрлар ўртасида христианлик динини жорий қила бошлади. Бу ердаги христиан руҳонийларнинг баъзилари катта ер эгалари ҳам эди. Лекин аксарият христиан ташвиқотчилари маҳаллий аҳолига сидқидилдан ёрдам берарди – савод ўргатишар, даволаш билан шуғулланишарди.

¹ Пеон (испанча – қарздор) – Лотин Америкаси мамлакатларида ер эгаларидан қарздор бўлиб қолиш эвазига қулга айлантирилган деҳқон шундай аталган. Қарздорлик ва ишлаб бериш мажбурияти авлоддан-авлодга ўтган ва бутун оилага тегишли бўлган.

XVIII асрга келиб бутун Лотин Америкаси Испания, Португалия, Голландия, Англия ва Франциянинг мустамлакаларига айлантирилди. Бунга қарама-қарши Лотин Америкасининг аҳолиси орасида озод бўлиш, мустақил давлат тузишга интилиш кучайиб бораётган эди.

Озодлик ҳаракатлари. Мустамлакачиларга қарши кўзғолонлар XVI асрдаёқ бошланган эди. Биринчилардан бўлиб курашга Куба ҳиндулари бош кўтардилар (1511–1512). Уларга Атуэй исмли шахс бошчилик қилди. Бу дастлабки кўзғолон нисбатан узоқ давом этган бўлса-да, оқибатда тор-мор қилинди. Атуэйни испанлар тутиб олишиб гулханда ёқдилар. Кейинчалик ҳам бундай кўзғолонлар доимий равишда бўлиб турди.

Худди шу тарзда XVI асрда негр-куллар исёни бошланди. Бу курашнинг энг ёрқин тимсоли «Палмарес» (Палма Республикаси) бўлди. Кўзғолончилар Бразилияда маълум ҳудудни эгаллаб, уни Республика деб эълон қилдилар. Республика 1630 йилдан 1697 йилгача мавжуд бўлди, курашди. Бу «озод давлат»нинг 20 минг аҳолиси бор эди. Аҳоли асосан қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилик билан шуғулланишарди, улар, ҳатто металлга қайта ишлов беришни ҳам ўзлаштириб олишган эди. «Палма Республикаси»ни Оқсоқоллар Кенгаши бошқарарди.

Негрларнинг озод давлатини йўқотишга қаратилган муваффақиятсиз уринишлардан сўнг XVII аср 80-йилларида унга қарши республикани қуршаб турган бутун португал армияси ташланди. Республиканинг сўнгги жангчилари баланд қирдан ўзларини жарликка ташлаб озод ҳолда ҳалок бўлдилар.

Бутун XVII–XVIII асрлар – ҳиндулар ва негрларнинг мустамлакачиларга қарши озодлик учун кураш даври бўлди.

Шимолий Америкадаги инглиз мустамлакаларининг мустақиллик учун курашдаги муваффақиятлари ва Буюк Француз инқилоби Лотин Америкаси халқларига ҳам катта таъсир кўрсатди. Франциядаги инқилоб садоси Гаити оролидаги француз мустамлакасида (унинг французча номи – Сан-Доминго) қудратли акс садо бўлиб жаранглади. Бу ерда 4–5 минг плантаторга 500 минг кул ишларди. Франциянинг Таъсис мажлиси оқ танли бўлмаган барча эркин кишиларнинг европаликлар билан тенг ҳуқуқлилигини эълон қилди, бироқ кулларнинг аҳоли ўзгартирилмади. Фақат бунга қарши

қўзғолон кўтарилгандан кейин, 1791 йилги декрет билан Франциянинг ўз худудига қадам қўйган кулларга озодлик берилди.

1791 йил 22 август куни Гаитида бошланган куллар қўзғолонига Туссен Лювертьюр (1743–1803) бошчилик қилди. Болалигида бир руҳоний Туссенга ҳисоблаш, ўқиш ва ёзишни ўргатган эди. Плантациядаги иш бошқарувчи эса унга ўз кутубхонасидан фойдаланишга руҳсат берганди.

Туссен «Озодлик ҳамма учун» шиори остида жанг қилувчи ажойиб армия тузди. Қўзғолончилар француз мустамлакачи кўшинларини тор-мор қила олдилар. Куллар бу муваффақиятлар натижасида озодликка ва плантаторларнинг ерларига эга бўлдилар.

1801 йили Гаити оролида кулликнинг бекор қилинганлигини ва мустамлаканинг барча аҳолиси қонун олдида тенглигини тасдиқловчи конституция қабул қилинди. Конституция хусусий мулкнинг дахлсизлигини таъкидлади, 1-моддасида эса Сан-Доминго Франция империяси таркибидаги мустамлака эканлиги тан олинди. Туссен Лювертьюр Сан-Домингонинг умрбод ҳукмдори деб эълон қилинди. Бироқ Директория даврида Франция ҳукумати Сан-Домингодаги аввалги тартибларни тиклашга уринди ва шу мақсадда оролга 10 минг кишилик жазо қўшинини жўнатди. Қўшин озодликдан руҳланган қўзғолончиларни енга олмади. Шунда француз кўмондонлиги Туссенни музокарага таклиф қилди ва музокара пайтида уни тутиб олиб Францияга жўнатди. У қамоқда 1803 йили вафот этди. Унинг сафдошлари Гаити мустақиллиги учун курашни давом эттирдилар.

* * *

Европалик босқинчилар ўрнатган тартиб Америка мустамлакаларининг ривожини тўхтатиб турди, ҳинду ва негрларнинг инсоний қадр-қимматини хўрлади. Шимолий Америкадаги инглиз мустамлакаларининг мустақиллик учун кураши ва Буюк Француз инқилобининг таъсири остида Лотин Америкасидаги мустамлакаларда мустақилликка интилиш кучайди. Сан-Домингодаги негр-кулларнинг инқилоби ва Лотин Америкасидаги биринчи мустақил давлат Гаитининг тузилиши мустамлакачилик режимига қарши улуғ кураш бошланаётганлигидан нишона эди.

XVIII боб бўйича саволлар

1. Лотин Америкасидаги мустанлакаларни бошқариш тизими қандай ўзига хос жиҳатларга эга эди?
2. Мустанлакалардаги маҳаллий аҳоли ҳиндуларнинг иқтисодий аҳволи ва сиёсий ҳолатини қандай таърифлаш мумкин?
3. Мустанлакаларда капиталистик муносабатларнинг ривожланишига нималар тўсқинлик қилаётган эди?
4. Бразилия ҳудудида Палма Республикасининг ташкил топиши маҳаллий аҳолининг мустақиллик учун курашида қандай аҳамият касб этди?
5. Мустанлакалардаги озодлик ҳаракатлари қандай ғоявий асосларга эга эди?

У БЎЛИМ

ХVI–ХVIII АСРЛАРДА ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ

ХIХ БО Б. ЯНГИ ДАВРДА АНЪАНАВИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯ МАМЛАКАТЛАРИ

Европа тарихшунослигида шарқча тараққиётни «анъанавий цивилизация», «анъанавий жамият» деб аташади. Бунга кўпчилик камтарона ҳаёт тарзи, диний сабр-тоқат, ер эгаллигининг ўзига хос шакли, кишилар ҳаётининг давлат томонидан тартибга солиниши кабиларни асосий белгилар сифатида киритишади. Хўш, «Шарқ цивилизацияси» деган тушунча ортида нималар яширинган?

Ижтимоий тараққиётнинг асосий йўналишлари. Шарқ мамлакатлари табиатнинг барқарор бўлмаса-да, нисбатан сахий инъоми туфайли ўзларининг географик ва тарихий устунликларини намойиш қилиб, ривожланган ижтимоий меҳнат тақсимотига, маданий тараққиётнинг ўта юқори даражасига, жамият маънавий ривожининг анчагина юқори босқичини акс эттирувчи диний ва ахлоқий тизимни шакллантиришга эриша олдидлар. Янги эра бошларида Хитойдаги Хан империяси тараққиёт даражасига кўра илк принципат давридаги Рим империясидан бирмунча олдинлаб кетган эди. Янги эранинг дастлабки минг йиллигида Шарқ мамлакатлари, хусусан, Хитой, Ҳиндистон ва Яқин Шарқ мамлакатлари иқтисодий ва маданий тараққиётда катта сакрашга эришдилар. Бу даврда техник, технологик, ташкилий ва маданий инновациялар кенг тарқалган бўлиб, уларнинг кўпчилиги 300–500 ва, ҳатто, 1000 йил ўтгандан сўнг Европада пайдо бўлди (қисман Шарқдан ўзлаштирилди). Иккинчи минг йиллик бошларигача ўтган давр ичида Хитойда дон маҳсулотларини етиштириш аҳоли жон бошига камида 1,5 марта ошиб, гектаридан 14–16 центнерни ташкил қилди. Худди шу кўрсаткич Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада 10–13 центнерни ташкил қилиб, бу Ғарбий Европадаги кўрсаткичдан 4–5 марта юқори эди¹. XVI–XVIII аср-

¹ Қ а р а н г: Новая история стран Азии и Африки: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений /Под ред. А.М. Родригеса: В 3 ч. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004. Ч. 1. – С. 9.

ларда Хитойда миллий маҳсулотнинг аҳоли жон бошига нисбатан йиллик ўсиши 0,15–0,25% ни ташкил қилган ва Ғарбий Европанинг муқим ривожланаётган Голландия, Англия сингари мамлакатларники билан тенг бўлган. Шарқнинг Ғарбдан устунлиги, айниқса, асрлар давомида тўпланган маънавий имкониятлар, тажриба ва билимларга таянган интеллектуал кучларда яққол кўзга ташланади. Аҳолининг ўсиш динамикаси ҳам иқтисодий имкониятларнинг юқорилигидан далолат беради.

Шарқ ва Ғарб мамлакатларида аҳоли сонининг ўсиши (млн киши)¹

Мамлакат, минтақа	1000 йил	1800 йил
Хитой	60–70	320–330
Ҳиндистон	55–75	180–200
Яқин Шарқ	28–32	28–34
Ғарбий Европа	28–30	114–118

Шарқнинг иккита йирик мамлакатлари – Хитой ва Ҳиндистонда аҳоли сонининг кескин ўсиши (Хитойда 5 марта, Ҳиндистонда 3 марта) истеъмол бозори ва ишлаб чиқарувчи кучлар имкониятларининг ҳам мос равишда ўсганлигидан далолат беради. Умуман, иккинчи минг йиллик бошларида Шарқ мамлакатларида ривожланиш даражаси Ғарбий Европага нисбатан икки марта юқори эди. Бироқ Янги давр бошларига келиб Шарқ мамлакатлари Европага нисбатан сезиларли орқада қола бошлади. Бунинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат эди:

– Шарқнинг деспотик давлатларида ҳарбий харажатларнинг, демак ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган харажатларнинг умумий миқдори Ғарб давлатлариникидан анча юқори эди;

– XVI–XVII асрлардан бошлаб Шарқ мамлакатларида транспорт воситалари (кемалар, портлар, йўллар, каналлар қурилиши) ва коммуникация тизимининг (китоб чоп қилиш, саводхонлик даражаси) ривожланиш суръатлари Ғарб мамлакатларига нисбатан пасайди;

– ўрта асрларнинг охирларидан бошлаб Шарқ мамлакатлари яққаланиш ёки «ёпик эшиклар» принципига асосланиб, фаол ташқи сиёсат юритмади;

¹ Новая история стран Азии и Африки: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений / Под ред. А.М. Родригеса: В 3 ч. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004. Ч. 1. – С. 8.

– европалик мустамлакачилар кириб келиши арафасида Шарқнинг кўплаб мамлакатларида тарихан яратилган моддий, ижтимоий ва маънавий бойликларни ривожлантириш ўрнига табиий ресурслардан узоқ вақт экстенсив фойдаланиш натижасида келиб чиққан ижтимоий-иқтисодий инкироз кузатилаётган эди.

XVIII асрга келиб, масалан, саводчилик даражаси Хитойда 20–30 % дан 15–20% га, Ҳиндистонда 10–15% дан 4–6% га, Яқин Шарқда 8–12% дан 4–5% га тушиб кетди. Миллий маҳсулотнинг аҳоли жон бошига улуши Хитой ва Ҳиндистонда 1/4, Яқин Шарқда эса 1/3 га қисқарди¹. Бу кўрсаткичлар Шарқнинг учта катта минтақасида ишлаб чиқарувчи кучлар деволюциясини² яққол акс эттириб турибди. Яна бир муҳим хулоса шундан иборатки, ҳозирги иқтисодий ўсишнинг бошланғич (одатда индустриал) босқичига хос бўлган экстенсив-интенсив турдаги кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришнинг баъзи муҳим аломатлари саноат инқилоби давридаги Ғарб мамлакатларида эмас, дастлаб Шарқда, Хитойда Ғарбдаги «саноат тўнтариши»дан юз йиллар олдин пайдо бўлган эди.

Европа экспансияси ва мустамлакачилик Осиё мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий тузилишига анчагина зиддиятли таъсир кўрсатди. Цивилизациялар ўртасидаги «мулоқот» одамлар орасидаги жуда катта йўқотишларга олиб келди. Кўпчилик ҳолларда мустамлакачилик кенг миқёсдаги талончиликдан иборат бўлиб қолди. Мавжуд маълумотларга қараганда XVIII аср иккинчи ярмида мустамлакалардан Европага ташиб кетилган соф бойликлар (контрабанда йўли билан олиб чиқиб кетилганларидан ташқари) Лотин Америкаси мамлакатлари ялпи миллий маҳсулотининг (ЯММ) 3% ни, Ҳиндистон ва Индонезия каби аҳолиси кўп мамлакатлар ЯММининг 1,2 % гачасини ташкил қилган. Метрополиялардан арзон фабрика товарларининг оқиб келиши маҳаллий ишлаб чиқаришнинг, биринчи ўринда шаҳарлардаги хунармандчиликнинг инкирозига олиб келди.

Ерга эгалик шакли. Осиё мамлакатларида ерга эгалик қилишнинг шакллари мураккаб тизимга эга бўлиб, узоқ йиллар давомида шаклланган урф-одат, диний дунёқараш ва табиий шарт-шароитга асосланган. Шарқда давлат барча ерларнинг олий мулкдори

¹ Қ а р а н г: Новая история стран Азии и Африки: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений / Под ред. А.М. Родригеса: В 3 ч. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004. Ч. 1. – С. 24.

² Деволюция – (лотинча devolutio) йиғиштирмак.

ҳисобланади ва бу ҳолат Шарқ цивилизациясининг асосий белгиларидан биридир. Шарқ динлари ҳам чексиз олий ҳукмдорлик принципини ва олий ҳукмдорнинг барча ерларга мулкдорлигини улуғлайди.

Шарқ жамиятининг тараққий этиши билан хусусий мулк ҳам ривожланиб борди. Масалан, Ҳиндистонда ишлов бериладиган ерларнинг саккиздан бир қисми бевосита давлат ҳукмдори – подшоҳнинг ихтиёрида бўлиб, қолганлари феодал аъёнларга бўлиб бериларди. Хитойда императорнинг қариндошлари, йирик феодаллар, обрўли амалдорлар ерларни, у давлатники ёки хусусийлигидан қатъи назар, «сотиб юборардилар». Ислом мамлакатларида ҳам ерларнинг асосий қисми (65% дан 85% гачаси) ҳукмдорга тегишли бўлиб, бу ерлар маълум тўлов эвазига феодалларга бўлиб бериларди. Таажжубланарлиси шундаки, мулк эгалари бир томондан, уни давлат томонидан қўриқланишига ҳаётий эҳтиёж сезиб, муҳтож бўлсалар, бошқа томондан, шу давлат ҳокимиятининг мулкка нисбатан чегарасизлигидан, назоратсизлигидан азият чекарди ва зулмга қарши чиқарди.

Натижада, амалда Осиёнинг барча мамлакатларида ўз олий ҳукмронлигини мустаҳкамлашга интилаётган давлат билан эскирган тартиблар ривожланишига тўсиқ бўлаётган хусусий мулк ўртасида қарама-қаршилик мавжуд эди. Ҳаддан зиёд бойиб кетган мулкдорлар ҳар доим ҳукмдорнинг қаршилигига дуч келар ва ҳаётини хавфхатарга қўярди. Масалан, Японияда Осакалик Едойлар хонадони ана шундай бойлиги билан машҳур эди. Дон сақлайдиган бинолар, омборлар, юз минглаб олтин қўймалари, қимматбаҳо тошлар ва амалий санъат асарлари бу хонадонга қарашли эди. Бундай катта бойлик ва обрў ҳукмдорнинг ғашига тегар, ғазабини келтирарди. Оқибатда хонадон давлатга бўйсунмаганликда айбланиб, барча мол-мулклари мусодара қилинди. Кўплаб ҳолларда ҳукмдорлар ўзларининг шахсий ҳокимиятларини мустаҳкамлаш йўлида худди юқоридаги мисолдагидек иш тутишган.

Ҳаётнинг давлат томонидан тартибга солиниши. Шарқ цивилизацияси шароитида кишилар ҳаётининг давлат ва дин томонидан тартибга солиниши оммавий кўринишга эга эди. Давлат солиқлар, тўловлар, анъанавий йигимлар орқали етиштирилган маҳсулотнинг асосий қисмини олиб қўярди.

Японияда, масалан, солиқ йигувчилар ўша даврларда мавжуд бўлган бир мақолга амал қиларди, яъни: «Дехқон хўл сочиққа

ўхшайди, қанча кучли сиқсанг шунча кўп сув чиқади». Қишлоқ ва шаҳар аҳолиси давлат фойдасига турли тўловлар тўларди, савдогар ва хунармандлардан эса солиқ олинарди. Бундай улкан даромаднинг ҳаммасини тақсимлаш ҳарбийлар, хизматчилар ва баъзи бошқа тоифадаги шахсларга турли манбалардан (масалан, маълум ҳудуддан) тушадиган даромаддан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ва даромад манбаини турли давлат ташкилотларига бириктириб қўйиш йўли билан амалга оширилди.

Барча ҳарбийлар ва давлат хизматчилари амалдаги тартибларга сўзсиз итоат этишлари шарт, акс ҳолда ўлим жазосига ҳукм қилинар эди. Бўйсунмаганлар ва гуноҳкорларни қатл этиш ҳар куни юз берадиган одатий ҳол бўлиб қолганди. «Агар бир оила айб қилиб қўйса, бошқа тўққиз оила ҳамкорлик учун жазоланади» – XVIII асрда Хитойдаги Сичжоу шаҳрининг деворларидан бирида ана шундай ёзув ўйиб ёзилган. Ҳар бир шаҳарлик махсус дафтарга киритилиб, ўз маҳалла ва кўчасига ёзиб қўйиларди, у ҳар ойда икки марта махсус текширувдан ўтиш учун бошқармага боришга мажбур эди. Барча шаҳарга келганлар ёки кетаётганлар ҳисобдан ўтишарди. Монахларнинг мажбуриятига хунармандлар ҳақида ахборотлар йиғиш ва чақимчилик ҳам кирарди.

Ислом дини ҳукмрон бўлган мамлакатларда, айниқса, кўплаб халқлар ва турли динларга эътиқод қилувчиларни бир давлатга бирлаштирган Усманийлар империясида, ислом динига эътиқод қилмайдиганлар учун барча бошқа чеклашлардан ташқари диний чеклашлар ҳам мавжуд эди. Улар алоҳида солиқ ҳам тўлашлари шарт эди.

Бундай шароитда товар-пул муносабатлари фақат ўрнашиб қолган анъаналар, диний ғоялар ва давлат бошқарув тизими билан курашдагина туғилиши мумкин эди.

Хўжалик юртишининг жамоа усули. Шарқ цивилизацияси учун жамоа хўжалигининг сақланиб қолиши ҳам характерли эди.

Ҳинд жамоаси одатда бир қишлоқдан иборат бўларди. Аксарият қишлоқлар бир-бирига жуда ўхшаш эди. Қишлоқ марказида ибодатхона ва бош майдон жойлашган, бу ердан, шунингдек, юқори касталар – брахманлар, савдогарлар, ер эгалари, тўқувчилар маҳаллалари ҳам жой олган. Қишлоқнинг асосий ҳудудидан ташқарида паст касталарга мансуб кишилар яшайди, уларнинг уйлари қирларнинг ён бағрида жойлашган. Энг узоқда бошқалар хазар қиладиган дахлсиз-

Шундай қилиб, жамоа ўз-ўзини бошқариш ва ўзининг ички муаммоларини ечишда одат, анъана, диний-ахлоқий нормалар доирасида нисбий мустақилликка эга эди.

Шаҳарлар. Шарк ва Европа шаҳарларининг ҳолатида ҳам фарқ мавжуд эди. Агар Европа мамлакатларида шаҳарларнинг ўсиши ва мустақамланиши шаҳар аҳолисининг феодал қарамликка қарши кураши билан бирга олиб борилган бўлса, Шарқда аҳвол бутунлай бошқача, яъни янги даврда ҳам феодалнинг шаҳар устидан назорати сақланиб қолаётган эди.

Маълумки, ҳинд шаҳарларининг кўпчилиги рожаларнинг қароргоҳи сифатида пайдо бўлган. Рожа қасри ёнида ўн минглаб нонхўрлар, хизматкорлар, қуллар овқатланишарди. Йирик феодалларнинг шаҳардаги қароргоҳлари рожа қасрининг кичрайтирилган нусхаси эди. Шаҳарда жойлашган ёлланма қўшинга жуда кўп хизматкорлар, аравакашлар хизмат қилишарди. Бундай шаҳар феодал ва унинг армияси билан яқин боғланган бўлади. Агар феодалнинг қароргоҳи кўчирилса шаҳар бўшаб қолади. Масалан, шу тарзда бобурийзода Акбаршоҳнинг пойтахти бўлган энг бой шаҳар ҳисобланмиш Фатхпур-Сикри пойтахт Аграга кўчирилгач, бир неча йил ичида тўлиқ инқирозга юз тутади.

XVII аср бошларида Фатхпур-Сикрига келган бир инглиз сайёҳи: «Шаҳар маркази вайроналардан иборат. Бинолар бўм-бўш, аҳоли йўқ. Ернинг каттагина қисми томорқаларга бўлиб берилган», – деб ёзган.

Феодалларнинг қароргоҳи сифатида пайдо бўлган шаҳарлардан ташқари ички савдо ва ҳунармандчилик маркази бўлиб хизмат қиладиган шаҳарлар ҳам мавжуд эди.

Хитой шаҳарлари янги даврда ҳам аввалгидек ўрта аср қиёфасини сақлаб қолган эди. Одатда иккита кенг кўча бир-бирини шимолдан жанубга ва шарқдан ғарбга қараб шаҳарни кесиб ўтади. Бу кўчалар шунчалик тўғриқи, улар кесишган чорраҳадан шаҳарнинг тўртта дарвозаси ҳам бемалол кўриниб туради. Уйлар, ҳатто бойларники ҳам пастгина қилиб қурилган. Биноларнинг асосий қисми ёғочдан ишланган, ташқи тарафидан лок билан бўялган ва расм солинган бўлади. Деразаларга қоғоз, ойна, чиройли панжаралар ўрнатилган. Уйдаги хоналар (улар одатда беш ёки олтита) биридан иккинчисига ўтиладиган қилиб қурилган ва катта ҳовли билан ажратилган.

Хусусий саройларнинг фақат дарвозасигина кўчага қаратиб қурилган. Дарвоза чеккаларида иккита пастқамгина бино бўлиб, уларда хизматкорлар, дўкончилар ва ишчилар яшаган. Кўчаларнинг икки чети устунларига шиорлар ёзилган, мато байроқчалар билан безатилган дўконларга тўлиқ бўлган. Улар шунчалик кўпки, кундалик эҳтиёж молларининг ҳаммасини дарвоза олдидан сотиб олиш мумкин бўлган. Сотувчилар эса ўз молларини мақтаб тинимсиз қичқиришган.

Йўловчиларнинг ҳордиқ чиқариши учун ҳар қадамда дам олиш жойлари: меҳмонхона ва ошхоналар, мева, чой, муз солинган сув сотадиган чодирлар бўлган. Кўчаларни сайёр савдогарлар, ҳунармандлар ва сартарошлар, хат ёзувчи хаттотлар, фолбинлар ва гадолар тўлдириб юришган. Хитойда бўлган испан сайёҳи кўчаларда одамларнинг кўплигидан ҳайратланиб, «Агар буғдой донини отиб юборишса, у ерга тушмаган бўларди», – деб ёзган эди.

Сарой амалдорлари ва император хонадонининг шахзодалари кўчаларда отлиқ кўриқчилари билан юришарди. Оддий халқ яшайдиган маҳаллалар қаровсиз ва ифлосроқ бўларди. Ҳунармандлар, шаҳар қашшоқлари ғариб кулбаларда яшашар, жанубий шаҳарларда эса усти айвонли қайиқларда кун кечиришарди.

Дехқончилик хўжалик ҳаётининг асосини ташкил қиларди. Баъзи бир ҳудудларда аҳолининг мутлақ кўпчилиги фақат зироатчиликдан кун кўришарди.

Хитой деҳқони ўта меҳнатсевар ҳисобланарди. Бу ерда меҳнатга захмат, гуноҳлар учун берилган жазо деб эмас, инсонга юкланган шарафли ва муқаддас бурч деб қараларди. Деҳқоннинг қанчалар фаровон яшаши ана шу меҳнатга бўлган муносабатига боғлиқ эканлигини улар яхши тушунишарди. XVIII аср охирида Хитойга саёҳат қилган лорд Маккартни тоғ чўққисидан бошқа бирор қарич ҳам ишлов берилмаган ер йўқлигини ҳайрат билан ёзади. Хуллас, тик тоғ ёнбағирларидан тортиб то сувли ботқоқларгача экин экишга мослаштирилган. Ботқоқларда тупроқ тўлдирилган қайиқлардан сузиб юрувчи томорқалар ҳосил қилинган.

Хитойдаги мавжуд табақа тизими ҳам ўзига хос кўринишга эга эди. Имтиёزلари наслдан-наслга ўтувчи олий табақага императорнинг қариндошлари ва уларнинг авлодлари – «сарик белбоғлилар», яъни император каби сарик белбоғ тақиб юриш

хукукига эга бўлганлар, «қизил белбоглилар» ва дастлабки императорларнинг яқин авлодлари бўлган «темир қалпоқлилар» кирарди.

Кишининг табақага мансублиги мерос тариқасида авлоддан-авлодга ўтмайдиган имтиёзли табақа «шэнши» – олимлар эди. Фақат «шэнши» бўлиш учун имтиҳон топшириш ва илмий унвон олиш зарур эди. Бундай унвон унинг соҳибига давлат хизматиغا кириш имкониятини берарди. Фақат зодагонларгина эмас, деҳқон ва хунармандлар ҳам бундай имтиҳон топшириш ва унвон олиш хукукига эга эдилар.

Бироқ диний китоблар матнини ёд олиш кераклиги, имтиҳонда бериладиган иншо мавзуларининг мажозий характерга эга эканлиги сабабли талабгорларнинг кўпчилиги имтиҳондан ўта олмасди. Шэншилар орасидан шаҳар ҳокимлари, судьялар ва бошқа юқори амалдорлар чиқарди. Европаликлар уларни «мандаринлар» деб аташарди (португалча «мандар» – бошқармоқ сўзидан олинган).

«Мандаринлар»нинг ташқи кўринишидаги фарқи бош кийимига тақиладиган кичкина шарчаларда бўлиб, улар мавқеига қараб марварид ва бошқа қимматбаҳо тошлардан ясаларди.

Олий табақа вакилларига қилган гуноҳлари учун шармандали жазолар қўлланилмасди, хусусан, уларни бамбук таёғи билан савалаш мумкин эмасди. Уларга савдогарлик, олибсотарлик, хунармандчилик билан шуғулланиш ҳам тақиқланган эди.

Табақа пиллапоясининг пастки қисмини деҳқонлар, савдогарлар ва хунармандлар эгаллаганди. Деҳқонлар табақасига помешчиклар ҳам, хунармандлар табақасига эса йирик устахона ва мануфактура эгалари ҳам кирарди.

Актёрлар, фаррошлар, давлат идораларининг қоровуллари, доимий қайиқда яшовчилар ва куллар энг пастки табақа вакиллари ҳисобланарди.

Ҳиндистонда эса барча аҳоли касталарга бўлинарди. Инсоннинг жамиятдаги ўрни, касби, унинг кастаси, ота-онасининг машғулооти билан қатъий белгиланарди. Деҳқоннинг ўғли деҳқон, савдогарнинг ўғли савдогар бўлиши керак эди. Кастадан қувилиш инсонни умуман жамиятдан ташқарида қилиб кўярди.

Япон жамиятининг бутун ҳаёти тақиқлар ва йўриқномалар билан ўраб ташланган эди. Бундай тартибга олишдан асосий мақсад жамиятдаги мавжуд анъанавий турмуш тарзини сақлаб қолишга

қаратилган. Фармонлар ва қоидалар барча табақа вакиллари ҳаётини, фаолият турини, хулқ-атвор нормасини, кийиниш тартиби ва ташқи кўринишини, ҳатто овқатини ҳамда шу каби майда икир-чикирларгача белгилаб берарди.

Махсус қонунлар билан деҳқонларга тонг отиши билан туриш, ароқ ва чой ичмаслик, тамаки чекмаслик, овқатга фақат оддий донни ишлатиш, пахтадан тўқилган матодан кийим кийиб юриш, паст ва кичкина уй қуриш, эгарга гилам солмаслик белгилаб қўйилган эди. Шундай қонунлар орқали шаҳарликлар ҳаёти ҳам тартибга солинарди. Уларга шоҳи кийимлар кийиб юриш, уйда локланган идишларга эга бўлиш, олтин ва кумуш тақинчоқлар тақиб юриш, уч қаватли уй қуриш кабилар тақиқланган эди.

Янги даврга келиб одамларнинг табақавий мансублиги уларнинг мулкӣ ҳолатига, демак жамиятдаги амалий ўрнига мос келмай қолди. Бироқ Шарқ жамиятининг анъанавий тараққиёт шакли табақа тизимининг сақланиб туриши учун шароит яратарди.

Шарқ динлари – камолот йўли. Шарқ динлари бу, энг аввало, инсоннинг ўзини мукаммаллаштириш, камолотга эришиш ва шу орқали оламни ҳам такомиллаштириш йўлидир. Аслида инсоният тарихидаги барча динларнинг ҳам асосий муаммоси Инсон, унинг коинотдаги ўрни ва камолотидир. Айниқса Шарқ динларида бунга алоҳида эътибор берилади, уларнинг принциплари ахлоқ ва ҳуқуқ нормаларида мужассамлашади ва борган сари мафкуравий характер касб этиб боради.

Хитойликларнинг маънавий-руҳий оламида кўп юз йилликлар мобайнида конфуцийлик ҳукмронлик қилади. Бу таълимотнинг асосчиси – файласуф, тарихчи ва давлат арбоби Кун Фу-цзи (милоддан аввалги 551–549 йиллар) – Конфуций эди. Конфуций таълимотининг асосини инсонпарварлик ташкил қилади ва бу хусусият, унинг фикрича, фақат аслзодалардагина бўлиши мумкин. Оддий одамларга жасурлик, олийжаноблик, садоқат, сахийлик каби хислатлар бегонадир, уларсиз эса инсонпарварлик бўлиши мумкин эмас. Файласуф давлатга катта бир оила сифатида қарар экан, «само ўғли» – ҳукмдорни ҳурмат-иззат қилиш лозимлигини исботлайди. «Ҳукмдор – халқнинг отаси ва акаси», – дейди у. «Ҳар бир ҳукмдорнинг хизматкори олий насаб ёки олий насаб эмасми, бойми ёки камбағалми ўз ҳаётининг ҳар қандай ҳолатларида ҳукмдорга қарши исён қилмаслиги керак». Конфуций ҳар бир инсон жамият-

даги ўзининг само белгилаб берган ҳолатини қаттиқ эсда тутиши шарт, дейди. Само белгилаб қўйган «хўжайин билан хизматкорнинг муносабати шамол билан майсаларнинг муносабатига ўхшайди», – деб кўрсагади у. «Агар шамол эсса майсалар бошини эгиши керак».

Конфуций «чегарадан чиқиб кетишдан ўзини тиядиган олийжаноб одамларнинг» хулқ-атвор қондаси сифатида ўртамиёналик принципини олға суради. «Давлатнинг ҳукмдори бўлишни истаган одам, – дейди у, – ўзи шунга мос яшаши лозим: кулларини бошқаришда олийжаноблик кўрсатиши керак». Конфуцийлик Хитойда эътиқод объектига, расмий давлат динига айланади.

Шарқ динларидан яна бири – ҳиндуизм минг йиллар давомида Ҳиндистон халқларида шаклланган кўп сонли диний тасаввурларни, эътиқод, анъана ва маросимларни ўзида бирлаштирган. Халқнинг анчагина қисми ўз эътиқодларининг ифодаси ҳисобланган кўп сонли худоларни тан олардилар. Бу худолардан асосийлари: Брахма – яратувчи худо, Вишна – мангу тирик табиатни ифодалайди, Шива – табиатнинг даҳшатли кучлари, унинг мутгасил қайта туғилиш қобилятининг рамзидир. Ҳиндуизм ҳаётнинг мақсади инсонни худога яқинлаштиришдан иборатдир, деб таъкидлайди. Шунинг учун тананинг мавжудлиги ҳақида қайғурмаслик керак, чунки «Тана бу – кўпикдир», дейилади. Ҳар бир ҳинд барча бўлиб ўтаётган воқеаларнинг олдиндан тақдирга ёзиб қўйилганлигига чин дилдан ишонади.

Ҳиндуизмга эътиқод қилувчиларда сигир муқаддас жонивор ҳисобланади, унинг гўштини овқатга ишлатиш тақиқланади.

Ҳиндуизм жамиятнинг тўртта мустақил табақа – кастага, яъни брахманлар (дин арбоблари), кшатрийларга (жангчилар), вайшьялар (деҳқонлар) ва шудраларга (хизматкорлар, куллар) бўлинишини талаб қилади. Кундалик ҳаётда бундай бўлинишга қатъий амал қилинарди, бир кастадан бошқасига, айниқса, юқори кастага ўтишнинг деярли иложи йўқ эди. Кишилар тирикликдаги амалларнинг яхши-ёмонлигига қараб ўлгандан сўнг бир кастадан бошқасига ўтиш мумкинлигига ишонардилар.

Милоддан аввалги VI–V асрларда Шимолий Ҳиндистонда пайдо бўлган буддизм¹ бу дунёдаги уқубатларнинг муқаррар эканлиги ҳақидаги таълимотдан келиб чиқади ва ҳар бир кишининг

¹ Буддизм асосчиси – Будда деб аталган афсонавий сайёҳ подшоҳ ўғли шахзода Сиддхартха Таутама (шақьялар қабиласидан чиққан), тарки дунёчи.

гуноҳлардан фориғ бўлиши ўз қўлида эканлигини таъкидлайди. Бу дунёдаги манфаатлар учун ҳар қандай уриниш, Будда таълимотига кўра, янги уқубатларнинг давом этиш имкониятини сўзсиз ўзида сақлаб қолади. Ҳаёт чанқоклигидан воз кечиш, ўзидаги ҳар қандай хиссиётларни, кучли туйғуларни енгиш кабилар азоб-уқубатларнинг тугашига олиб келади. «Мафтункор нарсаларни кўрмаслигинг учун кўзларингни юм, қулоқ, тил, танангни тий, нутқингни, ақлингни тий, барчасини тий», – дейилади бу таълимотда. Буддизм зулмга қарши курашмасликни, ҳаётга бепарво муносабатни, унга мослашишни тарғиб қилади.

Шарқда, Японияда пайдо бўлган динлардан яна бири – синтоизм. «Синто» «худолар, руҳлар йўли» деган маънони англатади. Синтоизмнинг одил ва ёвуз руҳлар ҳақидаги энг қадимги эътиқодлар, одамларнинг уларни юмшатишга қаратилган маросимлари билан алоқаси яққол кўзга ташланади.

Синтоизмда худолар сони жуда кўп бўлиб, улар орасида Қуёш худоси Аместерасу алоҳида ўрин эгаллайди. Ривоятларга биноан япон императорларининг келиб чиқиши гўёки Аместерасудан бошланган эмиш. Шу сабабли дунёвий ҳукмдорлар осмон элчилари сифатида ҳурмат қилинган, уларнинг обрўлари асрлар оша эътирозсиз қолаверган.

Синтоизм Японияда император ҳокимиятини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Ҳали VII асрдаёқ император синтоизмнинг олий руҳонийсига айланган.

Шундай қилиб, Шарқ динлари инсон ўзини мукаммаллаштириш, комилликка эришиш орқали дунёни мукаммаллаштира олади, у билан уйғунликка эришади, деган ғояни тарғиб қилади.

* * *

XVII–XVIII асрларда Европа ва Осиё халқларининг ўзаро муносабатларида чуқур ўзгаришлар юз берди. Илгари уларда ҳарбий техника, ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланганлик даражаси бир-бирига яқин эди. Бироқ кейинги давр европаликлар тараққиёти учун анча қулайроқ келди. Осиё халқлари эса хуннлар, араблар, мўғуллар сингари катта-катта империялар зулмидан озод бўлганда, ҳар сафар анъаналарни тиклаш, босқингача бўлган ижтимоий ва сиёсий ҳаёт тартибларини қайтадан ўрнатишга ҳаракат қилдилар. Бу тартиблар маҳаллий зодагонларга ҳам, кенг халқ оммасига ҳам

босқинчилар ўрнатган тартиблардан яхшироқ, адолатлироқ туюларди. Эски ҳаётга қайтиш мантиқига Хитойда ҳам, Ҳиндистонда ҳам, кўпчилик ислом мамлакатларида ҳам қатъий амал қилинарди.

Шаклланган, ҳамма кўникиб қолган, анъанавий тартибларни идеаллаштириш Шарқ цивилизациясининг муҳим жиҳати бўлиб қолди. Айнан шу жиҳат бир томондан, кўплаб ташқи босқинлар шароитида цивилизациянинг асосларини сақлаб қолиш имконини берган бўлса, бошқа томондан, унинг ривожланиш суръатларини секинлаштирди, фан ва техника соҳасидаги янгиликларни татбиқ этишга, ижтимоий ҳаёт ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг янги усулларини жорий қилишга тўсқинлик қилди.

ХІХ боб бўйича саволлар

1. Шарқ цивилизациясининг белгилари ва шарқона тараққиётнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?
2. Конфуцийлик таълимотининг асосини қандай гоё ташкил қилади?
3. Ҳиндуизмда ҳаётнинг мақсади нимадан иборат деб қаралади?
4. Шарқда ҳаётнинг давлат томонидан тартибга солиниши нима билан изоҳланади?
5. Шарқ динлари инсон камолотининг қандай йўлларини тарғиб қилади?
6. Ҳиндистон ва Хитойдаги шаҳарлар ривожланишида қандай ўхшашликлар ва фарқлар мавжуд?

XX Б О Б. XVI–XVIII АСРЛАРДА ХИТОЙ

Хитой Минлар сулоласи ҳукмронлиги остида

XVI аср бошларига келиб Хитой монархия бошқарув тизими-га, иқтисодда капитализмгача бўлган муносабатлар устуворлик қиладиган, умумий белгилари ҳали қадим даврларда ва илк ўрта асрлардаёқ шаклланган сертармоқ ижтимоий тизимга эга бўлган, марказлашган давлат эди.

Ташқи сиёсий жабҳада Хитой кўшни давлатларнинг, энг аввало, Марказий Осиё давлатларининг ерларини босиб олишга ҳаракат қиларди. Европа давлатлари ва Россия билан бирон-бир доимий алоқалар ҳали ўрнатилмаганди.

Минлар империясининг давлат тузилиши (Минлар сулоласи XIV аср иккинчи ярмида мўғулларнинг Юань сулоласи ағдарилганидан

сўнг ҳокимиятни эгаллаган) шарқона мустабид тузум эди. Мамлакатда ҳеч қанақа табақавий-вакиллик институтлари мавжуд эмас, шунинг учун ҳам император саройида, энг аввало, қарорлар қабул қилинишида ҳал қилувчи овозга эга бўлган ҳукмдорга таъсир ўтказиш учун турли гуруҳларнинг доимий кураши борарди. Лекин ҳукмдорнинг ўзи бевосита давлат ишларига аралашмасди, ўз амалдорларининг омилкорликларига ишонарди.

Бу даврда Хитойда ҳарам оғалиги¹ кенг тарқалган бўлиб, унга фақат этник хитойларгина олинар эди. Улар камбағалларнинг болаларидан император саройига сотиб олинарди. Ҳарам оғалари хизматидан фақат император оиласи аъзолари фойдаланишлари мумкин эди. Императорнинг ўзида баъзи йиллари уч мингтагача ҳарам ходими бўларди, князларда – ўттизгача, императорнинг болаларида – йигирматагача ҳарам ходими бўлиши мумкин эди. Минлар ҳукмронлиги даврида саройда ўн мингтадан кам бўлмаган ҳарам ходимлари яшаган (уларнинг умумий сони, баъзи маълумотларга кўра 100 мингтага етган), улардан бири эса, охириги Мин императори даврида, унинг номидан амалда давлатни бошқарган. Баъзи бир ҳарам ходимлари вилоятларда қатта лавозимларни эгаллаган, у ерларда ҳоким, ҳарбий бошлиқ, шаҳар маъмуриятининг бошлиқлари ва шу қабилар бўлган. Императорга таъсир ўтказишда ҳарам ходимларининг асосий рақиблари сарой котибияти аъзолари бўлиб, улар Хоньминь ташкилотига (Фанлар академиясига ўхшаш ташкилот) бирлашган йирик Хитой олимларининг қўллаб-қувватлашларидан фойдаланардилар. Улар ўзларининг императорга ёзган номаларида кўпинча пойтахтда ва ҳудудларда ҳукм сураётган амалдорлар зулмини фош этишарди, иқтисодиётни қайта қуришни, ҳарбий ислоҳот ўтказишни ва шу қабиларни ёқлаб чиқардилар. Кўпинча бундай фикрлар учун улар таъқиб қилинар, шундай бўлса-да, шаҳар аҳолисининг бир қисми уларни қўллаб-қувватлар эди.

Хитой иқтисодида XVI аср бошларига келиб ривожланишнинг анча юқори даражасига эришган аграр соҳа муҳим ўрин эгаллайди. Иш қуроллари анча жўн бўлишига қарамасдан, деҳқонлар хитойликларнинг асосий озиқлари бўлган шолидан юқори ҳосил олардилар. Баъзи деҳқонлар сувни юқорига кўтариб берувчи махсус машиналар ясашни ўргангандилар, ҳосилдорликни ошириш учун ўғитлардан фойдаланардилар, шоли етиштиришнинг янги техно-

¹ Ҳарам оғаси, ҳарам ходими (евнух) – бичилган қул.

логияларини, масалан, уялаб экиш усулини, сифатли уруг тайёрлашни ва шу кабиларни қўллардилар. Хитой деҳқонлари шолидан ташқари аҳолининг турли хил газламаларга бўлган эҳтиёжларини қондириш имконини берадиган пахта етиштириш соҳасида ҳам катта ютуқларни қўлга киритдилар. Хитойда ерга эгалик қилишнинг иккита асосий тури – давлат ва хусусий ер эгалиги мавжуд эди (хусусий ер эгалигини шартли-хусусий деб атаса ҳам бўларди, чунки расман бу ерлар ҳам императорнинг мулки ҳисобланарди). Хусусий ерлар бугун XVI аср давомида камайиб борди: деҳқонларнинг ерлари аста-секин катта ер эгаларининг, судхўрларнинг, шунингдек, амалдорларнинг қўлларига ўтди. Ерларнинг анча қисми бевосита император саройининг мулкига айланди.

Минлар даврида натурал тўловлар ва пул йиғимларига ҳам асосланган ўзига хос солиқ ва мажбуриятлар тизими юзага келган эди. Давлат ерларида солиқлар шартли-хусусий ерларнинг солиғига нисбатан юқори бўлар эди. Давлатнинг солиқларни оширишга уришилари кўпинча солиқ тўловчилар ва уларни йиғувчи амалдорлар ўртасида кескин қарама-қаршилиқларни келтириб чиқарарди. Солиқлар асосан шоли билан ҳисобланарди, солиқни кумуш билан олиш эса фақат XVI аср охирларидагина ўрнатилди. Лянлар билан ўлчанадиган кумуш қуймалари билан бир қаторда XVI аср бошларидан турли қийматдаги мис тангалар ҳам муомалага киритилган.

Шаҳарларга келганда, улардаги аҳоли сони қишлоқлардагидан анча кам эди. Шаҳарликларнинг асосий машғулотлари ҳунармандчилик ва савдо бўлган. Газламалар ишлаб чиқаришда ўша вақт учун анча мукамал бўлган дастгоҳлар, шу жумладан, сув ёрдамида айлангирилувчи қурилмалар ҳам қўлланиларди. Бинолар қурилишида кўтариш кранларига ўхшаш қурилмалардан фойдаланиларди. Ўша пайтлардан сақланиб қолган бинолар бугунги кунда ҳам ўзининг мукамаллиги ва гўзаллиги билан кишини ҳайратга солади. Йирик ва мустаҳкам кемалар кура оладиган хитойлик кема-созлар ҳам техник муваффақиятларга эришган эдилар. Буюк географик кашфиётлар даврида Хитой Европа мамлакатлари мустамлакачилик интилишларининг нишонига айланди. Ҳали 1516 йилдаёқ бу ерга ўз кемаларини юборган португаллар «кашфиётчи» бўлдилар. Португалия қиролининг вакили, ҳатто Хитойнинг ички худудларига ҳам кириб борди, лекин португал ва хитой кемаларининг бир қатор тўқнашувларидан кейин у мамлакатдан чиқариб юборилди.

1531 йили Хитой ва Португалия кемалари ўртасида денгиз жанги бўлиб ўтди ва унда португалияликлар мағлубиятга учради. Шундан кейин Хитой ўз портларини чет эл кемалари учун ёпиб қўйди. Шунга қарамасдан, Португалия Хитой ҳудудида ўз мустамлакаси Макао (Аоминь)га асос солишга эришди, католик руҳоний-иезуитларига эса Хитойда тарғибот билан шуғулланиш учун имконият берилди.

XVI аср ўрталарида Хитойга Япония кўшинлари бостириб кирди. Узоқ давом этган қонли жанглардан сўнг, 1597 йили японлар мамлакатдан қувиб чиқарилди.

Хитой XVII аср биринчи ярмида. XVI аср охири – XVII аср бошларида жанубий Хитойнинг муҳим савдо ва маданий марказларидан бири бўлган Уси шаҳрида, Дунлинь академияси базасида янги бир ташкилот пайдо бўлди. Унинг аъзолари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ислохотларни талаб қилиб чиқдилар. Уларнинг дастурлари кўп жihatдан XVI асрдаги ислохот тарафдорларининг талабларини эслагарди, зеро ташкилот ҳукуматга қарши қарашлари учун бу ерга Пекиндан қувиб юборилган амалдорлар томонидан тuzилганди. Уси бойларининг ва баъзи бир шэньшиларнинг кўмагига суянган Гу Сянчэн тўра ташкилотга бошчилик қилди. Уларнинг талаблари орасида давлат аппаратини ислох қилиш, мамлакатни бошқаришда бевосита императорнинг ролини ошириш, шунингдек, иқтисодий ўзгаришлар самарадорлигини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш учун давлат мануфактуралари ва устахоналарини хусусийлаштириш, йирик мулкдорлар томонидан деҳқонлар ерларининг эгаллаб олинишини тўхтатиш, солиққа тортиш тизимини тартибга солиш ва шу кабилар муҳим ўрин тuzтарди.

1620–1624 йиллари ислохотчилар Пекинда ҳокимиятга келишга эришдилар ва ўз дастурлари талабларини амалда ҳаётга татбиқ этишга уриндилар. Аммо сарой аслзодаларининг қаршилиги туфайли ислохотчилар ҳокимиятдан четлаштирилиб, кўпчилиги қатағон қилинди. Давлат хазинасидан маблағ ўмариш, деҳқонлар ерларини тортиб олиш, солиқлар ва шахсий мажбуриятларнинг оширилиши яна давом эттирилди. Хитойнинг халқаро аҳволи ҳам тобора ёмонлашиб бораётган эди. Бироқ Минлар ҳокимияти учун, ҳукмрон тuzумга қарши тобора йирик микёсдаги урушга айланиб бораётган, деҳқонлар кўзғолонлари, айниқса, хавфли эди.

XVII аср биринчи ярмида европаликларнинг Хитойга кириб келиши давом этди. Испания Филиппинни эгаллаб олганидан сўнг, Лусон оролида савдо билан шуғулланувчи 20 мингдан ортиқ Хитой фуқароларини йўқ қилиб юборди. Худди шундай ёвузлик 1639 йилда яна бир марта такрорланди. XVII аср йигирманчи йилларида Хитой қирғоқларида голланд кемалари пайдо бўлди. Улар Пэнхуледао оролига хужум қилди ва Тайвань (Формоза) оролининг бир қисмини эгаллаб олди. Бироқ Хитойнинг қитъадаги қисмида ўрнашиб олиш уларга насиб қилмади. Голландлар билан бир қаторда Англия ҳам бу ҳудудларга ўз тажовузкорлик қизиқишларини билдирди. Инглизлар Гуанчжоу ҳудудига кириб, Хитой ҳукуматидан бу ерда савдо қилиш ҳуқуқини олдилар. Европаликлар Хитойдан биринчи навбатда ипак ва чинни олиб кетишар, тамаки ва ўточар қуроолларни эса олиб кирардилар.

Хитой ҳукумати аввалгидек, чет элликларнинг мамлакатга киришларини тақиқлаганди. Фақат католик руҳонийлари бундан мустасно эди. Уларнинг Хитойдаги фаолиятига баҳо бериш анча мураккаб, бир томондан, улар Хитойни мустамлакага айлантириш учун ғоявий замин тайёрлардилар, кўпминг йиллик маданият ва анъаналарнинг бузилишига олиб келдилар, бошқа томондан эса, аҳолини Ғарб цивилизациясининг ютуқлари билан таништирди, уларни кундалик турмушда қўллашга ёрдамлашди.

XVII аср бошларида Хитой ва Россиянинг биринчи давлатлараро расмий муносабатлари кузатилади. Бироқ то Хитой манжурлар томонидан эгаллаб олинганига қадар бу давлатлар ўртасида тўлақонли алоқалар ўрнатилган эмас.

XVI–XVII аср ўрталаридаги Хитойда ижтимоий онг ва маданият. Мўғулларнинг Юань сулоласи Хитойда ҳукмрон бўлган даврда турли хил фалсафий-ахлоқий таълимотларни, энг аввало, буддавийлик, конфуцийлик ва даосизмни ўзида мужассам қилган синкретик дин юзага келди. Кўпгина хитойлик донишмандларнинг фалсафий изланишларида ғоявий асос бўлган конфуцийлик Минлар даврида ҳам алоҳида ўрин эгаллади.

Минлар даврининг энг ёрқин олимларидан бири Ван Янмин (1472–1529) хитойликлар дунёқарашининг асоси бўлган конфуцийликдан воз кечмаган ҳолда бу таълимотни, ўзгарган тарихий вазиятга мос равишда янгича шарҳлай бошлади. Ван Янминнинг дунёқарашида марказий ўринни лянчжи (туғма билим) ҳақидаги

таълимот эгаллайди. Унинг фикрича, ҳар бир одам, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, бундай билимга эга ва у донишмандлик ҳолатига эришиши мумкин. Шундай қилиб, донишмандлик фақат сараланган кишиларнинг мулки эмас, барчанинг умумий қисмати экан.

Ван Янмин ғояларининг давомчиси файласуф Ли Чжи (1527–1602) бўлди. У ҳам конфуцийлик ақидаларига қарши чиқди. Жумладан, Конфуций асарларининг баъзи бир жойларини, шунингдек, Лао Цзи ва Будда Гаутамага тегишли деб ҳисобланган ишларни танқид қилишга журъат этди. У ҳақиқатнинг нисбийлиги ҳақидаги ғояни ривожлантириш тарафдори эди.

Бундай ғоялар ақидапараст конфуцийчиларнинг қаршичилигини келтириб чиқарди. Улар Ли Чжининг қариндошларига нисбатан ахлоқий ва жисмоний тазйиқ ўтказдилар. Охир-оқибатда хўрланишларга чидай олмаган Ли Чжи ўз жонига қасд қилди.

Бу даврдаги ижтимоий фикрнинг яна бир ёрқин вакили Линь Чжаоэнь (1517–1598) эди. У синкретизм ғояларининг изчил тарғиботчиси бўлди. У «дао» (йўл), «сюань» (тасаввуф) ва «кун» (бўшлик) тушунчаларига янгича маъно киритди, уларнинг ҳаммаси бутун борлиқни акс эттиришини ва Хитой давлатининг ягона ғоявий асосини ташкил этиши лозимлигини исбот қилишга уринди.

Минлар даврида Хитой маданияти гуллаб-яшнади. Олдинги даврларнинг энг яхши ютуқларини ўзига сингдириб олган жамият тараққиётнинг янги босқичига кўтарила олди.

Адабиёт ҳам катта ютуқларга эришди. Ёзувчи У Чэньэнь (1500–1582) қадимги афсоналар асосида «Ғарбга саёҳат» романини яратди. Унда руҳоний Сюань-цзаннинг Буддага оид муқаддас китобларни топиш учун мўъжиза излаб фантастик жониворлар ҳамроҳлигида Ҳиндистонга қилган зиёрати тасвирланади. Бу роман китобхонларнинг кўплаб авлодларида катта таассурот қолдирди.

XVII аср бошларида «Бизнинг давримизда ва қадимда рўй берган ҳайратли воқеалар» номли қиссалар тўплами тузилди. Бу қиссаларнинг мазмуни халқ дostonлари ва кўплаб ҳикматли сўзлар, маталлар билан бойитилган бўлиб, улар жуда кенг тарқалиб кетган.

Хитой маданий анъаналарида санъат «юкори» ва «паст» турларга ажратиларди. «Юкори» турга давлат тантаналарининг бир қисми сифатидаги маросим мусиқалари ва рақслар кирарди. Мусиқа инсонни анъаналар руҳида тарбиялаш воситаси ҳисобланарди. Маросим мусиқа ва рақсларидан анъанавий хитой театри келиб чиққан.

Кейинчалик санъатнинг мустақил турига айланган театр ўзининг такрорланмас овозига эга бўлди.

Оммавий театр санъатининг шаклланиши унинг ўша давр жамиятидаги юқори доирага ҳам, паст қатламга ҳам мослашишига олиб келди. Шу сабабли театр санъатнинг «юқори» ва «паст» турлари оралиғидаги жойни эгаллади. Театр сюжетларининг манбаи адабий проза ва поэзия эди.

XVI–XVII асрларда театр санъатининг энг машхур тури, кейинчалик умуммиллий театрга айланган куньцой бўлди. Бутун дунёга машхур бўлган Пекин операси ҳам XVIII аср охирларида айнан куньцой асосида шаклланди.

Хитойда янги давр бошларида адабиётнинг «оддий халқ» учун турлари, энг аввало драматик пьесалар ривожланди. Ўша даврнинг энг машхур драматурги, Ван Янминнинг тарафдори бўлган ва «тайчжоус мактаби»ни шакллантирган Тан Сянцзу (1550–1616) эди. Хэ Синьинь, Ло Жуфон, Хуан Чзунси ва бошқалар ана шу мактабнинг ёрқин вакиллари бўлган.

Минлар даврида қарор топган Хитой шаҳарларининг меъморий кўриниши XIX асргача сақланиб қолди. 1421 йилда пойтахт Пекинга қайтганидан кейин, у ерда қайта куриш ишлари ўтказилди. Унинг эски, шимолий қисми (Ички шаҳар) жанубий шаҳардан девор билан ажратилди. Бу девор 1564 йили куриб бўлинди ва шаҳарнинг жанубий қисми «Ташқи шаҳар» номини олди. «Ички шаҳар»нинг марказида «Император шаҳри» курилди, унинг ичида эса – асосий биноси муҳим давлат маросимлари ўтказиладиган «Тайхэдянь» («Олий мутаносиблик павильони») бўлган «Тақиқланган шаҳар» жойлашганди. 1530 йили ички шаҳарда хитойликларнинг бош маъбудаси Самога бағишланган «Само ибодатхонаси» комплекси курилди.

XV асрда ва XVI асрнинг бошларида Пекин атрофида императорлар қабристонини мемориали курилди, унда қабрлардан ташқари ибодатхоналар, миноралар, ер ости хазинаси ва шу қабилар ҳам жойлашди.

Тасвирий санъатда аввалги анъаналар сақлаб қолинган эди. Минлар даврида аввалги бадий мактаблар тарафдорларини бирлаштирган тасвирий санъат академияси қайта туғилди.

Хитойлик усталар бутун дунёда жуда қадрланадиган ва юқори баҳоланадиган чинни, газлама, локланган миниатюралар яратишда ҳам катта ютуқларга эришдилар.

XVII аср 20–40 йилларидаги деҳқонлар кўзғолонлари. Хитойдаги ҳукмрон тузумга қарши деҳқонлар исёни 1622 йили Шаньдун вилоятида «Ок нилуфар» яширин жамияти раҳбарлигида бошланди ва тез орада анча кенг ҳудудга тарқалди.

Кўзғолонни бостириш учун бу ерга юборилган қўшин аввалига исёнчилар устидан бир қатор ғалабаларга эришди, бироқ тез орада исёнчилар Шэньси ва Ганьсу вилоятларида ўз фаолиятларини яна бошладилар. У ерда деҳқонлар, Минлар армиясидан қочган аскарлар ва шаҳар камбагалларидан иборат партизанлик гуруҳлари пайдо бўлди. Исёнчилар помешчикларни ва судхўрларни алоҳида шафқатсизлик билан ўлдирарди, чунки ўзларининг барча кулфатларига бош сабабчилар деб уларни билишарди. Кўзғолончилар орасида Ли Цзичэн ва Чжан Сяньчжунлар қобилиятли раҳбарлар сифатида ўзларини кўрсатдилар.

Маҳаллий аҳоли кўчманчиларга ихтиёрий ёрдам берарди, уларнинг сафлари эса янги тарафдорлар ҳисобига тўлдириларди. Кўзғолончиларни фақат Пекин остоналаридагина тўхтата олдилар. Кўзғолончилар жанубга чекиндилар. Ҳукумат учун жуда қалтис вазият юзага келди, чунки кўзғолон энди Хитойнинг катта қисмини эгаллаганди. 1636 йили ҳукумат, агар кўзғолон иштирокчилари ўз ихтиёрлари билан доимий яшаш жойларига қайтиб борсалар ва қуроли қаршилиқни тўхтатсалар, улар афв этилишини эълон қилди. Исёнчиларнинг йўлбошчиларига тўлиқ афв этилиш ва император армиясида зобитлик лавозимлари ваъда қилинди. Императорнинг махсус қарори билан аҳолидан олинадиган солиқ пасайтирилди. Ўтказилган тадбирлар тез орада ижобий натижаларга олиб келди. Кўпгина деҳқонлар ўз уйларига қайтиб келдилар ва тинч меҳнатга киришдилар. Қолганлари ҳамма ерда мағлубиятга учрай бошладилар. Кўзғолон раҳбарларидан баъзи бирлари, шу жумладан Чжан Сяньчжун ҳам Минлар тарафига ўтди, бошқалари Хэнань ва Шаньси вилоятлари чегарасидаги бориш қийин бўлган тоғларга кетдилар.

Деҳқонлар уруши узил-кесил исёнчиларнинг мағлубияти билан яқунлангандек туюлди, аммо бу фақат алдамчи кўриниш эди, холос. 1639 йили деҳқонлар кўзғолони яна Хитойнинг кўплаб ҳудудларини камраб олди, уларга энди Минлардан норози бўлган ҳукмрон қатламнинг баъзи бир вакиллари ҳам қўшилди. Яна кўзғолоннинг бошида Чжань Сяньчжун ва Ли Цзичэн турди. Хэнань ва Шэньси

вилоятларига юришлар қилинди, бу жараёнда исёнчилар анча жанговар кўшин шакллантиришга эришдилар. Ли Цзычэн Шэньсининг пойтахти Сиань шаҳрида, Чжань Сяньчжун эса – Сичуань вилоятининг маркази бўлган Чэнду шаҳрида ўрнашиб олдилар.

1644 йил бошларида Ли Цзичэн Пекинга юриш бошлашга қарор қилди. Аҳолининг кенг қатламлари томонидан қўллаб-қувватланган исёнчилар кўшини икки гуруҳ бўлиб Сиандан йўлга чиқди. Жиддий қаршиликка учрамаган кўзғолончилар ўша йилнинг апрелида пойтахтга кириб келдилар. Бундай шармандаликка чидай олмаган император Чунь Чжэнь ўз жонига қасд қилди. У аввал ўз қўли билан қизини ва бир неча жазманларини ўлдириб, кейин ўз қароргоҳи яқинидаги богнинг айвончасида ўзини осди. Императорга содиқлик белгиси сифатида яна 80 мингга яқин одам ўзини ўзи ўлдирди.

Ҳокимиятни эгаллаб олган Ли Цзичэн тарафдорлари халққа мурожаат қилиб, уларни хотиржамликка ва тинч ҳаётларини давом эттиришга чақирдилар. Исёнчиларга қарши курашган бир неча ҳарбий бошлиқлар, шунингдек, халқнинг ғазабига учраган баъзи амалдорлар ҳам қатл қилинди. Бой одамларга катта солиқлар солинди. Фақат Минлар даврида қувгин қилинган, ғазабга учраган амалдорлар давлат хизматида «адолат билан бошқариш ва халқни сиқувга олмаслик» шарти билан қайтарилди.

Ли Цзичэн янги император деб эълон қилинди, унинг энг яқин кишилари эса олий мартабаларни эгалладилар. Янги давлат аппарати Хитой учун анъанавий бўлган шарқона мустабид шаклда қурилди ва ўз фаолиятида қайта ташкил қилинган армияга суянди. Кўзғолончилар назорати остида бўлган ерлар дехқонлар қўлига ўтди, кўплаб солиқлар ва тўловлар бекор қилинди. Буларнинг барчаси дастлабки пайтларда дехқонлар ва шаҳар ҳунармандларида катта завқ-шавқ уйғотди.

Бироқ кўзғолончилар Пекинни эгаллаган пайтда манжур фронтда бўлган У Саньгуй кўмондонлигидаги Минлар кўшини янги ҳукуматни тан олмади. Улар ўзини манжур васалли, деб тан олишга қарор қилди ва манжурларга Буюк Хитой девори дарвозаларини очиб берди. Манжурлар хитойлик ҳарбий бошлиқнинг ниятлари жиддий эканлигига тезда ишона қолмадилар. У Саньгуй рақибларининг қароргоҳига ўз элчиларини юбориб, саккиз марта улардан ёрдам сўраб мурожаат қилди, кейин унинг шахсан ўзи манжурларнинг қароргоҳига борди, ўзини уларнинг вассали деб

тан олди ва итоаткорлигининг белгиси сифатида сочининг ярмини қирқтириб ташлади. Фақат шундан кейин манжурларнинг ва У Саньгуйнинг бирлашган қўшинлари қийинчиликсиз Ли Цзичэннинг қўшинларини енгди ва 1644 йилнинг июнида Пекин уларнинг назорати остига ўтди.

XVII–XVIII асрларда Хитой

XVII асрнинг биринчи ярмида Манжурия. XVI аср бошларида ҳозирги Хитойнинг шимоли-шарқий худудида XII аср бошларидаёқ Цзин империяси кўринишидаги ўз давлатларини қурган, чжурчжэнлар авлоди ҳисобланувчи манжур қабилалари яшардилар. Бу худуднинг юз йилга яқин Хитой цивилизацияси доирасига кирганлиги манжурларга Хитой маданиятини қисман ўзлаштириш имконини берди.

XVI аср охирида Амурдан жанубда, Уссуриядан ғарброкда талантли ҳарбий бошлиқ ва сиёсий арбоб Айсиньгиоро Нурхацци (1559–1626) раҳбарлигида қабилалар иттифоқи пайдо бўлди.

1609 йилдан бошлаб манжурлар Минлар императорига ўлпон тўламай қўйди. Бу жараёнларнинг натижаси ўлароқ 1616 йили 16 та манжур қабилаларининг кенгашида Хоу-Цзинь (кейинроқ Цзинь империяси) давлати дунёга келди. Бу билан аввалги Цзинь давлатига дахлдорлиги таъкидланганди. Янги давлатнинг фуқароларини манжурлар деб атай бошладилар.

Нурхацци тез орада Минлар сулоласига қарши қуролли кураш бошлади, улардан 1618 йили Ляодун ярим оролини ва унга ёндош худудларни тортиб олди. Шундан кейин манжурлар тарафига хитой ва мўғул қўшинларининг бир қисми ўтдилар.

Айнан ўша пайтлари давлатни мустаҳкамлашга уринган Нурхацци Жанубий Мўғулистонга қарши юриш бошлади. Биринчи йирик тўқнашув 1619 йили рўй берди ва мўғулларнинг мағлубияти билан тугади. Лекин бутун Мўғулистонни бирданига эгаллай олмаслигини тушуниб етган манжур ҳокони уни парчалаб юборишга ва қисмларга бўлиб, аста-секин эгаллашга қарор қилди. 1626 йили Нурхацци вафот этди. Унинг ўрнига тахтга келгаи ўғли Абахай (1592–1643) отасининг ишини давом эттирди. Аввалига Харчин (Цицилар) ҳоконлиги бўйсундирилди, кейин, 1635 йили, умуммўғул хони Лигденхон бошчилигидаги Чахор хонлиги ҳам эгалланди. Манжурлар

эгалланган худудлардаги ишга яроқли аҳолини мажбурий равишда олиб кетдилар ва уларни ўзларининг саккиз байроқли қўшинларига қўшиб олдилар. Лигденхоннинг маглубияти 1636 йили Абахайга ўзини умуммўғул хони деб эълон қилиш имконини берди. Ўша йилнинг ўзида у ўз давлатининг номини Цин (яъни «соф, тоза») деб ўзгартирди.

Жанубий Мўғулистон Абахай хоннинг «ташқи» вассали бўлди. Бу худудда аҳолининг эркин ҳаракатланиши, Хитой билан мустақиллигини сақлаб қолган бошқа мўғул ерлари билан савдо қилиши, қурол сотиб олиши, жанубий мўғуллар, халхаслар ва ойратлар билан турмуш қуриши тақиқланди, лама руҳонийлари устидан назорат ўрнатилди.

1618 йилдан бошлаб манжурлар бир неча марта Корея худудига бостириб киришди. 1636 йилнинг охирларида уларнинг 140 минг кишилиқ қўшини Сеулни эгаллади, талади ва тез орада Корея ҳукмдори ўзини уларнинг вассали деб тан олди, тахт меросхўрларини манжурларга гаров тариқасида юборди. Аммо улар корейс қўшинларининг Хитойга қарши урушда қатнашишига эриша олмадилар. Катта тўлов олиш билан чекланишга тўғри келди.

1643 йили Абахай вафот этди ва унинг кичик ёшдаги ўғли Шуньчжи Богдихон бўлди. Бу воқеа Манжурия тарихида янги даврни – худуди ва аҳоли сони жиҳатидан унча катта бўлмаган давлатнинг Хитой империясидаги энг имтиёзли қисмга айланиши, унинг ҳукмдори эса – Хитой тахтидаги биринчи манжур-император бўлиши даврини бошлаб берди. Бу 1644 йили У Саньгуй қўшинлари Ли Цзичэн тарафдорларини таъқиб қилишда давом этганлигидан, манжурлар эса Пекинда қолганларидан кейин юз берди. Манжур зодагонларидан энг қудратлиси Дурган (Доргон, Жуйван) Шуньчжини Хитой императори деб эълон қилишнинг ташаббускори бўлди, ўзи эса Уга регент бўлиб олди. Ана шу пайтдан то 1911 йилгача Хитойда чет эллик манжурларнинг Цинлар сулоласи ҳукмронлик қилди.

Хитойнинг манжурлар томонидан эгалланиши. 1644 йилнинг 6 июнида Пекинни эгаллаганидан ва уни Мукденнинг ўрнига Цин давлатининг пойтахти деб эълон қилганидан сўнг Дурган ўз қўшинларининг бир қисмини У Саньгуйга ёрдамга, бошқа бир қисмини Шандунь вилоятини эгаллаб олишга жўнатди. 30 октябр-

да Шуньчжи яна бир бор Цин давлатининг императори деб эълон қилинди.

Сиан ва Тунгуан туманларида деҳқонларнинг гуруҳлари манжурларга бир йилга яқин қаршилик кўрсатдилар, лекин оқибатда Янцзи дарёсидан ўтиб, жанубга кетишга мажбур бўлдилар. Хубэй вилоятида Ли Цзичэн ва унинг кўпгина сафдошлари ўлдирилди. Деҳқонлар уруши қўзғолончиларнинг мағлубияти билан яқунланди.

Пекин эгалланиши пайтида Мин императорлик оиласининг омон қолган аъзоларидан баъзилари манжурларни олқишлади, бошқалари эса, йўқотилган эътиборларини тиклашга умид боғлаб, Янцзи водийсига жўнадилар. У ерда, қадимий пойтахт Нанкинда, маҳаллий ҳукмдорларнинг кўмагида, Минларнинг вакили Фу Ван (Чжу Юсун) Хитойнинг янги императори деб эълон қилинди. Шундай қилиб, Минларнинг бу қисми янги император атрофида ватанпарвар кучларни йиғиб, манжурларга қаршилик кўрсатишга уриндилар. Бироқ бу қадам Минлар сулоласининг Нанкинда ҳозир бўлган баъзи вакиллари томонидан маъқулланмади ва улар императорлик тахтига бошқа номзодни кўрсатдилар. Натижада манжурларга қарши кучлар ўзаро жанжалларга ботиб қолди ва чет элликларга қарши ягона фронт тузишга эриша олмадилар.

Манжурлар аввалига Янчжуони эгалладилар, унга хужум пайтида 800 минг кишини ўлдирганларидан сўнг, Нанкинга қараб юрдилар. У ерда император деб эълон қилинган Фу Ван ўз аъёнлари билан бирга қочиб қолди (кейинроқ у асир олиниб, Пекинда қатл қилинди), маҳаллий аёнларнинг бир қисми эса Цинларга хизмат қилишни маъқул кўрдилар.

1648–1652 йилларда манжурлар бўйсундириб олган ерларда бир неча қўзғолонлар аланга олди, улардан энг йириклари Наньчан, Чжэцян, Фуцзян, Хунан, Сичуанда ва бир қатор бошқа жойларда бўлиб ўтди. Шимолий Хитойда қўзғолонлар Ганьсу, Шэньси ва Шаньси вилоятларини қамраб олди ва баъзи бир мўғул хонлари томонидан қўллаб-қувватланди.

Баъзида қўзғолончилар манжурлардан анча йирик шаҳарларни ҳам тортиб олишга муяссар бўларди. Шу тарика улар Янцзидан жануброқда жойлашган Цзянлин шаҳрини эгалладилар. Унинг саксон кунлик мудофаасида манжурлар 75 мингга яқин кишини йўқ қилди, 100 минг киши эса таслим бўлишни истамади ва ўша ерда ўзини ўзи ўлдирди. Ганьчжоу шаҳри ёқиб юборилди ва у ерда ҳам

юз минг киши қурбон бўлди. 1646 йили Сичуан аҳолиси жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатди ва фақат 1647 йилнинг бошларидагина манжурлар уларни тинчитишга муваффақ бўлдилар. Хитойлик зодагонларнинг ёрдамсиз вазиятни назорат остида ушлаб туришнинг иложи йўқлигини тушунган манжурлар уларга бир қадар ён бердилар, мўғул отлиқ отрядларини ўз томонларига жалб қилдилар, европаликлар ёрдамида ўз қўшинларини қайта қуроллантирдилар ва Хитойни забт этишни давом эттирдилар. Янцзи водийсини эгаллаган манжурлар Жанубий Хитойни босиб олиш учун йўлга тушдилар.

1673 йилнинг охирида Цинлар даврида князь бўлган, ҳозир эса улардан норози У Саньгуй Пекиндаги марказий ҳукуматга бўйсунишдан бош тортди ва ўз назорати остидаги ерларда Минларнинг анъаналари тикланганлигини эълон қилиб, кўзғолон кўтарди. У хитойликларни манжурлар билан курашга чақирди. Бироқ одамлар онгида унинг сотқинлиги ҳақидаги фикр мустаҳкам ўрнашиб қолганлиги туфайли, У Саньгуй манжурларга қарши озодлик ҳаракатининг етакчиси бўла олмади. Шунда у Жануби-Ғарбий Хитойда ўз давлатини яратишга қарор қилди. Бу ишда уни яна иккита князлик қўллаб-қувватлади, шу сабабли бу уруш тарихда «Хирож тўловчи уч князь уруши» деб ҳам аталади. Дастлабки даврда улар муваффақият қозона бошладилар ва Хитойнинг 15 та вилоятидан 6 таси улар назорати остига ўтди. 1678 йили У Саньгуй Чжоу Ди номи остида император деб эълон қилинди, аммо тез орада вафот этди. Унинг тахтга чиққан невараси У Шифань манжурларга қарши курашда бобосига нисбатан анча омадсизроқ чиқди. Цинлар Чжоу империясини йўқ қилишга эришдилар. Шундай қилиб, Хитойнинг Цинлар назоратига ўтмаган ягона ҳудуди Чжэнларнинг Тайвандаги давлати бўлиб қолди. У 1683 йили Цинлар томонидан эгаллаб олинди.

XVII асрда Хитойдаги давлат тузуми ва иқтисодий аҳволи.

Ҳокимият тепасига келган Манжурлар Хитой давлат тузумининг аввалги тамойилларини умумий тарзда сақлаб қолдилар. Ўзгаришлар асосан ижтимоий тизимга тааллуқли бўлди. Энди тоифалар тизими бешта асосий – учта ҳукмрон ва иккита эзилган, бўйсунувчи гуруҳлардан иборат эди.

Расман чекланмаган ваколатларга эга бўлган император бевосита ўзи мамлакатни бошқармас эди. Энг муҳим ишларни ҳал қилувчи

орган Олий императорлик кенгаши бўлиб, унга императорнинг қариндошлари ва олиймақом аъёнлар кирарди. Ундан кейин ижрочи тизимлар – Император котибияти, чет эл, солиқлар, маросимлар, ҳарбий ишлар, жиноий, жамоатчилик ишлари, цензорлик ва шу каби маҳкамалар турарди. Аввалги сулола даврида улкан ҳокимиятга эга бўлган ҳарам оғаларининг таъсири то XIX аср охиригача қадар сусайди. Энди улар давлат қарорларини қабул қилиш жараёнларига таъсир кўрсата олмасди.

Манжурлар Хитой ҳудудида ҳукмрон элатга айланди, энди маъмурий ва ҳарбий амалдорлар улар орасидан тайинланарди. Манжурлар меҳнат қилиш ва савдо билан шуғулланишни ўзлари учун таҳқирли деб ҳисоблардилар. Шунинг учун улар фаолиятининг асосий жабҳалари маъмурий ва ҳарбий хизмат бўлди. Ҳарбий хизматдаги манжурларнинг ўғиллари вояга етгунларига қадар давлат маошини олардилар. Бир хилдаги жиноят учун манжурлар ва хитойликларга турли хил жазо бериларди. 1644 йилдан манжурлар ва хитойликларга аралаш турмуш қуриш тақиқланганди.

Хитой ноибликларга ажратилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида ўз молия тизими ва қуроли қўшинлари мавжуд эди.

Конфуцийликка риоя қилувчи хитойликлар назарида ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун илгари шаманизмга сиғинувчи манжурлар, расмий давлат дини сифатида конфуцийликни сақлаб қолдилар. Манжур богдихони эса хитойлик издошлари бажарган ўша одатий маросимларни ижро этадиган бўлди. Бу йўналишдаги дастлабки кадамлардан бири Конфуцийга «Кун Цзи» – «Қадимий ўқитувчи», «Буюк ва шуҳратли», «Энг етук донишманд» унвонларнинг берилиши бўлди. Янги император тахтга кўтарилаётганида ўз фуқароларига Конфуцийнинг оилавий мақбарасида ва қабрида қурбонликлар қилишни буюрарди, ўз ўтмишдошини ҳурмат қилиш ва унинг руҳига таъзим бажо келтириш мажбуриятларини юкларди.

Бундан ташқари, монархлик ҳокимиятининг меросий эканлигини кўрсатишга уринган манжурлар сулоласи Минларнинг охириги императори Чун Чжэннинг руҳига таъзим бажо қилди. Ҳатто у ўзини осган дарахт ҳам муқаддас ёдгорлик сифатида асрларди.

Манжурлар ҳукмронлик қилган даврда уларнинг тили императорлар тили бўлиб қолган бўлса ҳам, манжурлар хитой тилини қабул қилдилар. Ҳар бир императорнинг бошқарув шиори махсус иероглифлар билан белгиланади. У ёки бу Хитой императори та-

рихга кўпинча ўз номи билан эмас, айнан бошқарув шиори билан кирарди.

Цинлар даврида қуйидаги императорлар ҳукмронлик қилган: Шуньчжи (Омадли бошқарув), ўз номи Фу-Минь; Канси (Гуллаб-яшновчи ва нур таратувчи), ўз номи Снань-е; Юнчжэ (Мукамал ва адолатли), ўз исми Юаньчжэн; Цяньлун (Букилмас ва шуҳратли), ўз исми Хун-ли; Цзяцин (Ажойиб ва қувончли), ўз номи Юн-ян; Да-огуан (Мақсадга интилувчи ва порлоқ), ўз исми Мян-нин; Сянь-фэн (Умумий тўқинчилик), ўз номи У Чжу; Тунчжи (Биргаликда бошқарув) ўз номи Изай Чунь; Гуансюй (Ажойиб мерос) ўз исми Цзай Тянь ва Сюаньтун (Умумий бирлик), ўз номи Пу И.

Хитой йилномасида йил ҳисоби навбатдаги императорнинг тахтга чиқишидан бошланиб, унинг ҳукмронлиги тугагунга қадар давом этарди. Тахт меросхўрлигини фақат эркаклар давом эттирарди, тахтнинг вориси олдиндан эълон қилинмасди ва императорнинг катта ўғли бўлиши шарт эмасди. Аёллар фақат вояга етмаган императорнинг регенти бўлиш ҳуқуқига эга эдилар.

Императорнинг бош (катта) хотинидан ташқари иккита кичик (иккинчи даражали) хотинлари, шунингдек, кўп сонли жазманлари (айрим йиллари уларнинг сони икки юз саксонтагача етарди) бўларди. Улар император ҳарамини ташкил этар, уни Минлар даврида бўлгани каби ҳарам оғалари бошқарарди. Манжурлар даврида, то XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар, ҳарам оғаларининг саройдаги таъсири анча камайган ва асосий ишлари ҳарамни кузатиш бўлиб қолган эди.

XVII аср иккинчи ярмидаги Хитойнинг иқтисодий аҳволи. Манжурларнинг ҳокимиятга келиши Хитой жамиятида маълум бир иқтисодий ўзгаришларга олиб келди. Хитойнинг барча ер майдонларини эгаллаб олишнинг реал имкониятига эга бўлмаган манжурлар бу ерларнинг катта қисмини хитойлик мулкдорлар қўлида қолдирди. Манжурлар ўзларига Чжили пойтахт вилоятидан, шунингдек, хитойлик аҳоли зич яшайдиган бошқа ҳудудлардан ер ажратдилар. Манжуриянинг ўз ҳудуди (1644 йилги чегараларда) ўзига хос кўрикхонага айланганди. Барча ерлар Богдихоннинг мулки бўлиб, этник хитойларга у ерларда яшаш тақиқланганди.

Шунингдек, ўрмонлар, ишлов берилмайдиган ерлар, ўқув ташкилотлари жойлашган ерлар ва диний маросимлар ўтказиладиган майдонлар ҳам давлат мулки ҳисобланарди.

Ер майдонларининг асосий қисми шартли равишда хусусий мулк бўлиб, эгаси ундан фойдаланганлиги учун солиқ тўларди. Ҳосилни йиғиб олишни қулайлаштириш учун аҳоли устидан қаттиқ назорат ўрнатилганди. Давлатга ер, жон ва бошқа солиқлар тўлаётган деҳқон хонадонлари ўнликлар ва юзликларга бирлаштирилганди. Бундан ташқари деҳқонларнинг шахсий мажбуриятлари ҳам сақлаб қолинганди. Солиқлар кумуш билан ўлчанарди, лекин, асосан, ҳосил билан тўланарди.

Давлат туз чиқаришни ўзи эгаллаб олганди, чой, спиртли ичимликлар, мулк олди-сотдиси ва шу кабиларга қўшимча солиқлар солинарди. Деҳқон олинган ҳосилнинг катта қисмини ернинг эгасига беришга ва унинг турли хил шахсий топшириқларини бажаришга мажбур эди.

Шунга қарамадан, манжурлар ўз ҳукмронликларини мустаҳкамлаш учун Минлар даврида мавжуд бўлган солиқларни қисқартирди ва қисман бекор қилди, давлатга қарашли кўрик ерлардан бир қисмини деҳқонларга фойдаланиш учун берди. Бунинг барчаси XVII аср охирларига келиб иқтисоднинг бир қадар ўсишига ва ижтимоий муносабатларнинг барқарорлашишига олиб келди. Бунинг оқибатида аҳоли сони кўпайди, ҳайдаладиган ер майдонлари кенгайди, ҳунармандчилик ҳам ривож топди.

Баъзи бир тарихчилар Хитойдаги барқарорлашув натижасида капиталистик ҳаёт тарзи пайдо бўла бошлаган, деб ҳисоблайдилар. Аслида бу ижобий ўзгаришларнинг барчаси анча юзаки ва қарама-қарши характерга эга эди. Бошқа тадқиқотчилар эса, Хитой жамияти XIX аср бошларига қадар ҳали тўлиқ анъанавийлигича қолган ва капиталистик ривожланиш томон ҳеч қанақа силжиш кузатилмаганлигини таъкидлайдилар. Манжурлар эса Хитойдаги ҳолатларини мустаҳкамлаб олганларидан сўнг, аста-секин солиқ ва мажбуриятларнинг аввалги тизимига қайтдилар.

Бундай шароитда судхўрлик капитали муҳим роль ўйнай бошлади, чунки кўпгина деҳқонлар унинг ёрдамсиз солиқларни тўлаши ва шахсий хўжаликларини юритишининг иложи кам эди. Кўпгина деҳқонлар хонавайрон бўлиб шаҳарларга кетиб, у ерда гадоларча кун кўра бошладилар.

Сунлар сулоласи давридан буён Хитойда баоцзя деб аталган бир-бирини қўллаш тизими мавжуд бўлган, унда фақат қариндошлар эмас, у ёки бу жойда яшовчи барча кишилар бирлашарди. Беш

ҳовли ёки ўн ҳовли тизимига кирган ҳар бир оила бошқаларни кузатиб юриши керак эди. Агар баоцзя аъзолари тайёрланаётган жиноят ҳақида ҳокимиятга ўз вақтида хабар беришмаса, унда жиноятчига бериладиган жазо уларга ҳам бериларди. Бундай тартибдан ўзларига амалий фойда бўлишини кўрган манжурлар, ўз хукмронликлари даврида ҳам уни сақлаб қолдилар.

Ўз навбагида, шаҳарларда ҳам аҳоли устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, савдогарлар ва хунармандларнинг тадбиркорлик ташаббусларини чеклаш билан боғлиқ бўлган жиддий муаммолар бор эди. Савдогарларга катта кемалар қуриш, ўз маҳсулотларини Хитой ҳудудидан олиб чиқиш тақиқланганди. Бошқа давлатлар билан савдо қилиш ҳуқуқига ҳам Цинлар саройининг қаттиқ назорати остида бўлган, махсус ташкил қилинган савдо компанияларигагина эга эди.

XVII аср ўртаси – XVIII аср бошларида Цинларнинг ташқи сиёсати. Цинлар саройининг ташқи сиёсий фаолияти бир-бирига қарши бўлган иккита йўналиш билан характерланади. Бир томондан, Японияга ўхшаб, ташқи дунёдан «эшикларини ёпиб олиш» истаги, бошқа томондан, қўшни давлатларнинг ҳудудларини босиб олишга уриниш намоён бўлмоқда эди.

Дастлаб Корея, кейин Ғарбий ва Шимолий Мўғулистон ҳамда Вьетнам Цинларга вассалликни тан олишди. Европа мамлакатлари билан алоқага келганда, Цинлар аввалига уларга анча ижобий муносабатда бўлдилар, чет элликларда ўзларининг Хитой устидан тўлиқ назорат ўрнатиш учун курашларида иттифоқчиларни кўрдилар. Бу энг аввало католик миссионерларига хитойлик аҳоли ўртасида ўз ташвиқотларини олиб бориш, европаликларнинг савдо кемаларига эса ўз маҳсулотларини сотиш ва хитойликларнинг молларини сотиб олиш учун портларга кириш ҳуқуқини берганлигида намоён бўлганди.

XVIII аср 70-йилларида Россия Хитой билан ўзаро алоқалар ўрнатишга уринди. Аммо Узоқ Шарқда ва Марказий Осиёда таъсир учун бўлган қарама-қаршилик ўша пайтда бунга йўл қўймади. Кейин икки томон ўртасида қуролли тўқнашувлар бўлди, унинг натижасида Цинларнинг қўшинлари Амур дарёси ёқасидаги Абазин шаҳрини қамал қилди ва 1689 йили рус-хитой Нерчин шартномаси имзоланди. Бу шартномага кўра Россия билан Хитой ўртасида савдо алоқалари ўрнатиладиган бўлди, лекин Россия Хитойга Амур дарё-

сининг чап соҳилини бериши, Абазин шаҳри эса вайрон қилиниши керак эди.

1727–1728 йиллари яна иккита келишув – Бурун трактати ва Кяхта шартномаси имзоланди. Улар, Россия томонидан яна ҳудудий ён беришларга, рус-хитой савдо алоқаларининг янада кенгайтирилишига ва рус диний вакилликнинг Пекинда доимий туриши учун рухсат берилишига олиб келди. Бу вакиллик аъзолари у ерда хитой тилини, маданий анъаналарини ўргандилар ва айни пайтда баъзи бир дипломатик вазифаларни ҳам бажардилар.

Ғарбий Европа давлатларининг Хитойда ўз диний ваколатхоналарини очиш учун қилган уринишлари ўша даврда муваффақият қозонмади. Аксинча, XVIII аср ўрталарида Хитой ҳокимияти чет элликларга ўз ҳудудида савдо қилишни тақиқлаб қўйди, бундан фақат Кантон (Гуанчжоу) порти мустасно эди.

Жўнғория ва Қашқар устидан қозонилган ҳарбий ғалабалар, шунингдек, Тибетнинг Хитой таркибига қўшиб олиниши Цинларнинг ташқи сиёсатдаги катта ғалабаси бўлди. XVIII аср 60-йиллари охирида Бирма ҳам Хитойга вассалликни тан олди.

XVIII аср охирида Буюк Британиянинг Ост-Индия компанияси Хитойда катта фаоллик кўрсатди. Хитойга лорд Маккартни бошчилигидаги элчилар келди. Уларнинг мақсади иккала давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатиш, инглиз савдосини кенгайтиришга уриниш, «Гунхан» компаниясининг ташқи иқтисодий алоқаларда яқка ҳукмронлигини тугатиш, шунингдек, Англия фуқароларининг Хитой ҳудудида эркин ҳаракатланишига рухсат олиш эди. Бирок ўша даврда Хитой тахтида ўтирган император Цзянлун бу даъволарни рад этди. Инглизлардан ташқари, Хитой ҳудудига суқилиб киришга америкаликлар ҳам уриниб кўрдилар, уларнинг кемалари 1784 йилдан бошлаб кўп марта Хитой қирғоқларига сузиб келди.

Чет элликлар ўшанда ҳали шуни тўлиқ англаб етмаган эдиларки, уларнинг Хитой билан алоқа ўрнатишга бўлган ҳар қандай уринишлари Хитой ҳукмдорлари томонидан «варварлар»нинг Хитой цивилизациясини «ўзгартириш»га интилишлари, шунингдек, уларнинг Ўрта империяга «фань» (вассал) бўлиш истаклари, деб қабул қилинарди. Бу ҳол Хитойнинг бошқа мамлакатлар билан тенг алоқалар ўрнатиш имкониятини йўққа чиқарарди. Шунинг ўзи совғалар олиб келишга ҳам тааллуқли эди. Бошқа мамлакатларнинг дипломатик маросимларида одат бўлган совға бериш, агар бу совға

Хитой императорига берилса, у ҳурмат белгиси сифатида эмас, вассаллари томонидан берилган хирож сифатида тушуниларди. Ўз навбатида, император ҳам, жавоб қадами сифатида ўзининг ҳақиқий ёки сохта вассалларига саҳийлик билан совғалар улашарди.

* * *

Шундай қилиб, XVIII аср охирига келиб Европа давлатлари ва Америка Хитойга суқилиб кириш ва уни мустамлакага айлантриш режасини амалга ошира бошлаган бўлсалар-да, Хитой ҳали Осиёнинг катта ва кучли давлати бўлиб қолаётган эди. Аммо иқтисодий ва сиёсий қолоқлик охир-оқибатда Хитойнинг ярим мустамлакага айланишига олиб келди.

XX боб учун саволлар

1. XVI–XVII асрлардаги ислоҳотчилик ҳаракатлари ва деҳқонлар қўзғолонларининг сабаблари нимада эди?
2. Юанлар сулоласи ҳукмронлиги даврида ижтимоий онг ва маданият қандай ғоялар асосида ривожланди?
3. Хитойда манжурларнинг ҳокимиятга келиши ва Цин империясининг эълон қилинишига қандай ички факторлар сабаб бўлди?
4. Манжурларнинг ҳокимиятга келиши билан Хитой давлат тузуми ва иқтисодиётида қандай ўзгаришлар юз берди?
5. Цинлар ташқи сиёсатининг асосий йўналиши нимага қаратилган эди? Хитой – Россия муносабатларида қандай ўзгаришлар юз берди?
6. XVIII асрда Хитой ҳудудининг кенгайишига, ташқи сиёсатдаги муваффақиятларга қарамадан қайси ички сабаблар империяга чет элликларнинг кириб келиши ва Хитойнинг ярим мустамлакага айланиш жараёнининг бошланишига олиб келди?

XXI Б О Б. XVI–XVIII АСРЛАРДА ҲИНДИСТОН

XVI аср бошларида Ҳиндистон сиёсий парокандалик ҳолатида эди. Ўзаро феодал урушлар савдо ва деҳқончиликнинг ривожланишига, Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик суғориш иншоотларини зарурий ҳолатда сақлаб туришга халақит берарди. Фақат вайроналик келтирувчи бу урушларнинг тугатилишидан аҳолининг деярли барча қатламлари манфаатдор эди.

Жамиятдаги кўпчилик қатлам ва гуруҳларнинг кучли давлат сари интилишлари мамлакатнинг бирлашиши учун қулай шароитни юзага келтирди.

XVI аср 20-йилларидан Дехлида ҳокимиятни эгаллаб турган султон Иброҳимнинг ҳаракатлари ажралиб чиққан васалларни ўз ҳукми остида бирлаштириш учун етарли бўлмади. Натижада султон Иброҳимнинг сиёсатидан норози бўлган сарой аъёнлари орасида ўша пайтда Кобулда ҳукмдор бўлиб турган Заҳириддин Муҳаммад Бобурни тахтга таклиф қилиш гоёси пайдо бўлди.

Талантли саркарда, тажрибали давлат арбоби ва ажойиб шоир Мирзо Бобур бу қулай шароитдан усталик билан фойдаланди.

Ҳиндистонда Бобурийлар империяси

1526 йили Мирзо Бобурнинг жангларда тобланган 20 минг кўшини Афғонистоннинг тоғли йўллари орқали Ҳиндистонга юриш қилди. Ҳинд рожалари бирлаша олмадилар ва Мирзо Бобур кўшинига қаршилик қилишга ожизлик қилдилар. Мирзо Бобур унинг кўшини артиллерияда катта устунликка эга эди. Шу устунлик, ажойиб саркардалик маҳорати ва жангдаги уддабуронлик туфайли Мирзо Бобур қисқа вақт ичида Шимолий Ҳиндистоннинг катта қисмини ўзига бўйсундирди. 1526 йил 21 апрелда Панипат ёнидаги жангда султон Иброҳим кўшинларини тор-мор қилди ва Дехлини эгаллади. Мирзо Бобурни тахтга таклиф қилган сарой аъёнлари ундан фақат султон Иброҳимга қарши фойдаланмоқчи эдилар, холос. Мирзо Бобур Дехли тахтида узок ўтирмайди, олган ўлжалари кўрсатган ёрдами учун етарли, тахтни ўзларига қолдириб, қайтиб кетади, деб ҳисоблашганди. Аммо Мирзо Бобурнинг Дехли тахтида узок қолишини тушунган ҳинд зодагонлари унга қарши бирлашдилар. 1527 йил 13 мартда бўлган жангда Мирзо Бобур улар устидан ҳам ғалаба қозонди.

Мирзо Бобур яна бир қатор ҳинд ерларини босиб олди ва ўзини бу ерларнинг ҳукмдори деб эълон қилди. У асос солган давлатни Ғарб тарихчилари Буюк Мўғуллар империяси¹ деб аташади. У Ғарбда Кобулдан шарқда Бенгалия чегараларигача бўлган худудни қамраб олди.

¹ Янги сулоланинг асосчиси бўлган Бобурнинг келиб чиқишини Чингизхонга боғлаб, сулолани мўғуллар ёки форсча «могол»дан Европада Буюк моголлар империяси деб аташган.

Мирзо Бобур қобилиятли ва узокни кўрувчи сиёсатчи, лашкар-боши ва давлат арбоби, шоир ва тарихчи олим эди. У ҳаммадан кўпроқ ҳинд халқи зарар кўраётган феодал урушларни тугатди, савдо-сотик, қурилиш, фан ва адабиётга ҳомийлик қилди. Бу буюк ватандошимиз Туркистон, Ҳиндистон ва Афғонистон халқлари тарихига, уларнинг санъати, урф-одатларига ва динига катта қизиқиш ва ҳурматини намоён қилди. Шу хислатлар туфайли у ўзи забт этган ҳудудда қудратли давлат барпо этди ва маданият тараққиётига катта ҳисса қўшди.

Мирзо Бобур 1530 йили вафот этди. У ер мулкларини фарзандларига бўлиб, Деҳли тахтида севимли фарзанди Ҳумоюншоҳни қолдирди ва қолган фарзандларига унга бўйсунушни васият қилди. Бироқ ака-укалар Бенгалия ва Бихар феодаллари билан бирга Ҳумоюншоҳга қарши бирлашдилар. Бир неча жангларда мағлуб бўлган қобилиятсиз Ҳумоюншоҳ Синд орқали Эронга қочиб кетди. Натижада ҳокимият 15 йилга (1540–1555) Сур уруғидан бўлган афғон феодаллари қўлида қолди. Ҳумоюншоҳ Деҳли тахтига қайтишга муваффақ бўлди, аммо тез орада, 1556 йили вафот этди. Тахтга Ҳумоюншоҳнинг 13 ёшли ўгли Акбаршоҳ (1542–1605) келди.

Акбаршоҳ ва унинг ислоҳотлари. Мирзо Бобурнинг ворислари ичида энг машҳури Акбаршоҳ эди. У ҳақиқий империянинг асосчиси, Ҳиндистон тарихида буюк ислоҳотчи сифатида ном қолдирган. Бобурийлар империяси унинг ҳукмронлиги даврида энг юксак гуллаб-яшнашга эришди. Акбаршоҳ отасидан мерос қилиб урушлар оқибатида хароб бўлган бир неча ярим мустақил князликларнигина олган эди. У баъзан қурол кучи билан, баъзан эса келишувлар йўли билан мамлакат ҳудудини бир неча марта кенгайтирди, бой вилоятлардан Гужорат, Бенгалия, Марказий Ҳиндистон ва Кашмир, шунингдек, Декан султонлигига қарашли Берар ва Ахматнагор ерларини ўз давлати таркибига қўшиб олди. Илгари доимий тинчликни бузувчилар бўлган мағрур ва жанговар Ражпут рожаларини ўзининг ишончли иттифоқчиларига айлантирди, уларнинг энг обрўлилари билан куда-андачиликни йўлга қўйди, ражпутларнинг отлиқ қўшини Акбаршоҳ армиясининг асосига айланди. Акбаршоҳ мустақкам, марказлашган давлатни ва кучли марказий ҳокимиятни барпо қилиш учун бир қатор ислоҳотларни амалга оширди. Ҳудудий-маъмурий ислоҳотлар натижасида империя аниқ бошқарув, суд ва солиқ тизимига эга бўлган, подшоҳ тайинлайдиган ноиблар томо-

нидан бошқариладиган ҳудудларга ажратилди. Бутун империя учун бир хил узунлик ва оғирлик ўлчов бирликлари тизими, ислом ва ҳиндуизмнинг догмаларига эмас, ўша давр астрономия фанининг, хусусан, Мирзо Улуғбек астрономиясининг ютуқларига асосланган тақвим жорий қилинди.

Солиқ ислоҳоти мамлакат иқтисодиёти учун фавқулодда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Натурал шаклда олинадиган, одатда ҳосилининг 1/3 гача етадиган ер солиғи пул шаклига ўтказилди. 1570 йилларнинг охирида подшоҳ бир неча асрлардан бери мавжуд бўлган ҳарбий-лен тизимини бекор қилишга, ҳарбий хизматлари учун ажратиладиган ер ўрнига пул билан тўлашни жорий қилишга ҳаракат қилди. Бунга қарши турли жойларда исёнлар бўлганлиги сабабли ислохотни тўхтатишга тўғри келди. Акбаршоҳ давлат хизматидаги феодаллар учун мансаблар тизимини жорий қилиш билан чекланди.

Ислохотлар ичида Акбаршоҳга энг катта шухрат келтиргани диний ислохот бўлди. Бу ислохотнинг мақсади диний мансублигидан қатъи назар, ҳукмрон гуруҳларни жипслаштиришдан иборат эди. Акбаршоҳ ўз тарафига маҳаллий ҳинд аҳолисини ҳам оғдиришга ҳаракат қилди. Ҳиндистон аҳолисининг тўртдан уч қисмини ҳиндуизм динига сиғинувчилар ташкил қилса-да, Аллоҳ ва унинг пайгамбари Муҳаммадга сиғинган барчанинг тенглигини эълон қилган ислом динининг, айниқса, паст касталар орасида таъсири кучайиб бораётган эди. Диний муносабатлар мураккаб, баъзан эса мурасасиз бўлиб қолаётган бўлса-да, ислом дини бобурийлар империясининг давлат дини, аслзодаларнинг аксарияти сиғинадиган дин эди. Шу сабабдан ҳам Акбаршоҳ диний мурасасозлик сиёсатини олиб борди. У мамлакатни бошқаришга мусулмонлар билан бирга ҳиндларни ҳам жалб қилди, ҳиндларни ҳар қандай таъқиб қилишларни тўхтатди, мусулмон бўлмаганлардан олинадиган солиқ – жузьяни бекор қилди. У ўз мамлакати доирасида тўлиқ диний эркинликни эълон қилиб, мусулмон бўлмаганларнинг ҳар қандай камситилишини бекор қилди.

У Ҳиндистон қишлоқ хўжалигининг асоси бўлган суғориш тизимини яхши асраш йўлида кўп ишлар қилди. Бу ҳинд деҳқончилиги учун катта аҳамиятга эга эди.

Акбаршоҳнинг ислохотлари мусулмон феодаллар ва диний мутаассибларнинг норозилигига сабаб бўлди. Улар подшоҳни

динсизликда айбладилар, халқни унга қарши кўтаришга ҳаракат қилдилар. Норозилар томонида Акбаршоҳнинг ўғли, тахт вориси Жаҳонгиршоҳ ҳам бор эди. У тахтга келиши билан (1605–1627) отасининг кўплаб ислохотларини йўққа чиқарди.

Жаҳонгиршоҳнинг ўғли Шоҳжаҳон ҳукмронлик қилган йиллари (1628–1657) империя ўз қудратининг энг чўққисига етди.

Шаҳар, хунармандчилик ва савдо. Ҳиндистоннинг бобурийлар ҳукмронлиги остида бирлашиши шаҳарларнинг, савдо ва хунармандчиликнинг ҳам ривожланишига олиб келди. Шаҳарлар иқтисодий, маъмурий-сиёсий ва маданий марказлар ролини ўйнай бошлади. XVII асрда ҳинд шаҳарларида аҳолининг 15–20 фоизи яшарди. Айрим шаҳарлар, масалан, Дехли, Лахор, Агра, Аҳмадобод кабилар аҳолиси жуда кўп сонли бўлиб, ярим миллиондан ошарди. Шаҳарларда хунармандчиликнинг кўплаб турлари, айниқса, тўқимачилик кенг ривожланганди. Бу соҳада янги меҳнат қуроллари, масалан, йирик нақшли матоларни тўқиш дастгоҳи, лентали дастгоҳ ва янги техник усуллар пайдо бўлди. Ҳинд матолари Европа бозорларига чиқарилди. Айниқса, Бенгалиянинг ўта нозик ва чиройли пахта матолари жуда машҳур эди.

Металлга ишлов бериш, айниқса, қуролсозлик яхши ривожланган бўлиб, европаликлар ҳиндларнинг тўплари, мушкетлари ва тўппончаларига юқори баҳо беришган. Қирғоқбўйи шаҳарларида, айниқса, Суратда европаликларникига ўхшаш кемалар қуриларди, Англиянинг Ост-Индия компанияси тез-тез шундай кемаларга буюртма берарди.

Кўпчилик хунармандлар оилалари билан ишлар, баъзилари эса ёлланма меҳнатдан ҳам фойдаланар эди. Йўқчилик ва бозордан хомашё сотиб олиш эҳтиёжи хунармандларни ҳали тайёр бўлмаган матолар учун савдогарлардан пул олишга мажбур қиларди. Хунарманд эса шу йўл билан қарзга ботарди.

Хунармандлардан маҳсулотни сотиб олиш, олдиндан пул бериш, ишлаш учун хомашё тарқатиш – савдо капиталининг хунармандчиликка кириб бориш йўллари шулар эди ва ҳиндлардан бу йўлларни европаликлар ўзлаштирган эдилар. Подшоҳга ва маҳаллий феодалларга ҳам тегишли корхоналар бўлиб, уларда мохир хунармандлар меҳнат қилар ва, асосан безак буюмлари ясар эдилар. Шаҳар хунармандларининг ижтимоий бирлашув шакли касталар бўлиб, улар ишлаб чиқариш ва савдони тартибга солиш, бошқа кас-

та ва давлат вакиллари билан алоқа ўрнатиш, мухтожларга ёрдам кўрсатиш каби фаолиятлар билан шуғулланган.

XVI–XVIII асрларда Ҳиндистон савдонинг ривожланганлиги билан ҳам характерланади. Бутун мамлакат бир-бири билан узвий боғланган катта-кичик бозорлар билан ўралган эди. Шаҳарлар товар алмашинув пунктлари бўлиб, бу ерларда савдо ва банк капитали фаол иш олиб борарди. Ўзига хос «фирмалар», «савдо уйлари» мавжуд бўлиб, улар ўзларига маълум синалган тизим билан иш юритардилар. Умуман шаҳар савдогарларини ўта юқори касбий маҳорат ва ишчанлик ахлоқи ажратиб туради. Савдогарлар ва банкирлар орасида кредит хатлари кенг тарқалган бўлиб, савдогар бу хат воситасида Самарқанд ва Жиддада, Пега ва Маскатда, ҳатто, Астраханда ҳам осонгина пул олиши мумкин бўлган. Бой савдогарлар подшоҳ саройига ҳам кредит бериб, шу йўсинда сиёсатга ҳам таъсир ўтказишган.

Шаҳар маданияти Ҳиндистоннинг санъати ва адабиётига ҳам катта таъсир кўрсатди. Диний ислохотчилик ғоялари ҳам шаҳарларда пайдо бўлди. Бу ерда саводдилар сони ҳам қишлоқдагиларга қараганда анча юқори эди. Ҳиндларнинг кўплаб тилларида «шаҳарлик» дегани «маълумотли», «нозик таъб» деган маъноларни ҳам англатади. Шаҳарликлар, айниқса, «бозор кишилари» орасида брахманларникидан фарқ қиладиган ўз дунёқарашлари, ўз кадриятлар тизими шаклланади. Бу ерда маҳорат, тезкорлик, тадбиркорлик, тежамкорлик, баъзан ёлғондан ҳам қайтмайдиган олчоқлик кадрланади ва бу хислатларнинг барчаси шаҳар адабиётининг турли жанрларида ўз ифодасини топади.

Халқ ҳаракатлари ва империянинг парчаланиши. Бобурийлар даврида Ҳиндистонда бетакрор ва ҳашаматли бинолар қурилди, улар ҳинд ва мусулмон меъморчилигининг уйғунлигини ўзида муҷассамлаштирди.

Бироқ аҳолининг катта қисми аввалгидек қашшоқликда кун кўрарди. Акбаршоҳнинг солиқ ислохотлари умуман тараққийпарвар аҳамиятига қарамасдан, деҳқонларнинг аҳволини янада оғирлаштирди, судхўрликка кенг йўл очди. Қарздор бўлиб қолган деҳқонлар ерларини ташлаб қочиб кета бошладилар. Унумдор ерлар чангалзорларга айланди. Йўлларда қароқчилар кўпайиб, савдо тушкунликка учрай бошлади. Давлат хазинасига ҳам тушумлар камайиб кетди. Бундай ҳолатда империядан ажралиб чиқиш, айирмачилик кайфи-

яги кучайди. Натижада Бобурийлар империяси инқирозга юз тута бошлади. Бу ҳолат, айниқса, Шоҳжаҳоннинг ўғли Шоҳ Аврангзеб хукмронлиги йилларида (1658–1707) авжига чиқди. Аврангзеб сарой фитнаси натижасида отасини тахтдан ағдариб ва қонли жангда учта ака-укаларини енгиб тахтга келган эди. У тажрибали қўмондон ва сиёсий найранглarning устаси бўлган. У Декан водийсига бир неча юришлар уюштириб, энг чекка жанубдан ташқари бутун Ҳиндистон худудини бирлаштиришга эришди. Мутаассиб диндор бўлганлиги сабабли парчаланаётган империяни сақлашнинг йўли сифатида ислом қоидаларини қатъий жорий қилишга киришди. Му-сулмон бўлмаганлардан олинадиган солиқ – жузьяни қайтадан тик-лади, ҳиндлар учун қолган барча солиқларни икки ҳиссага оширди, уларга ўз байрамларини нишонлашни тақиқлади, ҳинд ибодатхо-наларини бузиб ташлашни буюрди. Натижада империянинг турли чеккаларида бобурийларга қарши ҳаракатлар бошланиб кетди. Бу ҳаракатлар феодал давлатларда доимий бўлиб турадиган одатдаги кўзғолонлардан оммавийлиги билан ажралиб турарди. Бобурийлар-га қарши ҳаракатларнинг ғоявий асосида этник ва диний факторлар алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Йирик кўзғолонлардан бири Махараштра минтақасида бўлиб, унга Шиваджи (1630–1680) исмли киши бошчилик қилган. Кўзғолон 1646 йили бошланиб тезда мустақил давлатнинг ташкил топишига олиб келди. 1674 йили Шиваджи тантанали равишда тахтга ўтирди. Бироқ Шиваджининг ўлиmidан сўнг бир неча йил ичида Аврангзеб бу давлатни босиб олди. Тахтга келган Шиваджи-нинг ўғли Самбхаджи 1689 йили қатл қилинди. Лекин Махараш-трани қайтадан тўлиқ бўйсундиришнинг иложи бўлмади. XVIII аср бошига келиб маратхларнинг мустақил давлати энди бобурийлар-нинг пойтахти Дехлига хавф солиб турарди.

XVII аср бошларида юз берган йирик кўзғолонлардан яна бири сикхларнинг мустақиллик учун кураши эди. Ўз вақтида Акбаршоҳнинг ҳомийлигидан фойдаланган сикхлар кейинчалик ярим мустақил давлатга айланган эди. 1675 йили Аврангзеб сик-хларнинг йўлбошчиси гуру Тег Бахадурни Дехлида қатл қилдирди. Шундан сўнг сикхлар ҳаракатига гурунинг ўғли, қобилиятли сиё-сатчи, саркарда ва шоир, кенг билимли ва жасур шахс гуру Гобинд Сингх (1666–1708) раҳбарлик қилади. XVII аср ҳинд маданияти-

нинг ёркин намояндаларидан бири Гобинд 1708 йили ёлланма қотил томонидан ўлдирилди. Гобинднинг ўлимидан сўнг ҳаракатга Банда Бахадур исмли шахс раҳбарлик қилди ва 1715 йили у ўлдирилгандан сўнг ҳам ҳаракат давом этди.

XVII–XVIII асрларда яна бир қанча кўзғолонлар бўлиб, уларда сварадж – «ўзимизнинг ҳокимият» сўзи пайдо бўлди ва бу сўз XIX–XX асрлардаги миллий-озодлик ҳаракатининг ҳам шиорига айланди.

XVIII аср бошларига келиб империянинг реал инқирози бошланди. Армия аввалги кудратини йўқотди, маҳаллий ҳукмдорларнинг эса мустақиллиги ошди. Император энди на маъмурий, на ҳарбий ҳуқуққа эга бўлмаган, ўзига хос давлатлар уюшмасининг рамзий ҳукмдорига айланиб қолди. Энди унинг ҳаракатлари фақат саройдаги карама-қарши гуруҳлар ўртасида мувозанат ўрнатишга қаратилган эди, ҳолос.

Шундай бир ҳолатда, 1739 йили Эрон шоҳи Нодиршоҳ кўшинлари Ҳиндистонга бостириб кириб, Дехлини талади, пойтахт аҳолисининг кўпчилигини қирғин қилди. Ундан кейин Шимолий Ҳиндистонни афғонлар босди. Дехли императорларининг ҳокимияти тобора заифлашиб борарди. Мамлакат амалда унга кўз олайтираётган европаликлар учун қулай бўлган феодал таркокликка қайтди.

Европаликларнинг Ҳиндистонга кириб келиши. Европалик мустамлакачиларнинг Ҳиндистонга кириб келиши XVI асрдаёқ бошланган эди. Ҳиндистонга денгиз йўлини очган португаллар Малабар қирғоқларидаги бир неча базаларни эгаллаб олдилар. Лекин улар мамлакат ичкарасига кириш учун етарли кучга эга эмасдилар.

Португалларнинг ўрнига келган хотиржам ва мулоҳазали голландлар Ҳиндистондан катта миқдорда қандолат маҳсулотларини олиб кетар, ҳиндларнинг ҳаётига умуман аралашмасдан фақат савдо билан шуғулланишар эди. Французларда эса ҳинд ҳукмдорларининг тахт талашларида зимдан иштирок этиш истаги йўқ эмасди.

Бироқ ўша пайтда бутун Европада мавқеи ошиб кетаётган ишбилармон ва чакқон инглизлар бошқа барча европаликларни Ҳиндистондан сиқиб чиқариб, ўзлари фақат савдода эмас, сиёсий ҳаётда ҳам тобора катта роль ўйнай бошладилар. Шу мақсадда тuzилган Ост-Индия компанияси 1600 йили Ҳиндистонда ўз корхоналарини очиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ост-Индия компанияси акционерлик жамияти бўлиб, унинг маблағлари жуда тезлик билан

ошиб борди. 1657 йили Кромвелнинг махсус хартияси эълон қилинган бўлиб, унга биноан компанияга уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш, танга пул зарб қилиш ва ўз армиясига эга бўлиш ҳуқуқи берилган эди. Компания Ҳиндистоннинг турли нуқталарида савдо шохобчалари, шуъбалар ташкил қила бошлади. Масалан, фақат Бенгалияда компаниянинг 150 та омбор ва 15 та йирик шуъбалари мавжуд эди. 1690 йили улар бобурийлардан олган ерларига мустаҳкам қўрғон-- Калкутта шаҳрини барпо қилдилар. Улар савдо ва сиёсий фаолиятининг марказлари Дехли, Калкутта ва Мадрас шаҳарлари бўлиб қолди.

Компания, шунингдек, генерал-губернатор бошқарадиган ер мулкига ҳамда уни кўриқлаш учун маълум миқдордаги қўшинга ҳам эга эди. Шу тариқа инглиз зобитлари қўмондонлигида Европа усулида курулланган ва ўргатилган ёлланма ҳинд аскарлари -- сипоҳийлардан ҳарбий қисмлар ҳам ташкил қилинди.

Ост-Индия компаниясининг бошида енгил ва тез бойишигина излайдиган мулкпараст ишбилармонлар турар ва улар Ҳиндистоннинг ерлари ҳамда бойликларини эгаллаб олиш учун ҳар қандай қабихликдан ҳам қайтмасдилар.

Англиянинг Ҳиндистондаги асосий рақиби Франция эди. Бироқ Англиянинг иқтисодий қудрати ва инглиз компанияларининг давлатдан узлуксиз ёрдам олиб турганлиги туфайли французлар енгилди. 1763 йилдан кейин Франциянинг Ҳиндистонда бирорта ҳам мустаҳкамланган қалъаси қолмади. У фақат арзимас савдо позициясини сақлаб қола олди, холос.

Ост-Индиянинг савдо компаниясидан мустамлака ҳокимиятига айланиб бориши оқибатида XVIII аср ўрталаридан бошлаб эгалланган ҳудудларда ҳарбий ва маъмурий ҳокимиятни ўрнатиш ҳамда дипломатик келишувлар компания фаолиятининг асосий турлари бўлиб қолди. 1757 йили инглизлар Бенгалияни босиб олдилар ва бу Ост-Индия компаниясининг қўшинлари томонидан бутун мамлакатни аста-секин эгаллашнинг, ҳинд халқининг икки юз йиллик асоратининг бошланиши эди. Инглизларнинг муваффақиятларига уларнинг саноатдаги илғорлиги билан бирга улкан сипоҳи қўшинларига эгаллиги ҳам сабаб бўлди. Айтиш мумкинки, Ҳиндистон асосан ҳиндларнинг ўз қўллари билан забт этилди.

XVIII аср охирларида ўзининг барча рақибларини енгган Ост-Индия компанияси шу тариқа тарқоқ ва заиф Ҳиндистонни бўйсундиришда давом этди.

XVIII асрда Ҳиндистон

Аср бошларида бобурийлар империяси кучли халқ ҳаракатлари оқибатида барбод бўла бошлади. Бу жараёнга яқунловчи зарбани 1739 йили Ҳиндистонга бостириб кирган Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ берди. Деҳли даҳшатли талон-торож қилинди. Бобурийлар империяси таркибига кирган барча ерлар ўзларини мустақил деб эълон қилдилар. Нодир шоҳнинг босқинидан сўнг, 1750-йилларнинг иккинчи ярми ва 1760-йилларнинг бошларида Афғонистон ҳукмдори Аҳмадшоҳ Дурронийнинг қўшинлари Ҳиндистонга бостириб кириб, Деҳли ва унинг атрофини таладилар.

Бобурийлар империяси ўрнида пайдо бўлган давлатлар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётнинг турли босқичларида эди. Янги давлатларнинг кўпчилиги ҳудуди ва аҳоли сони жиҳатидан Европа давлатлари билан тенглаша оларди. Уларнинг баъзилари давлат тузилиши жиҳатидан бобурийлар империясини аниқ такрорлаган бўлса, бошқалари қандайдир ўзига хос йўлни излай бошладилар. Умуман Ҳиндистоннинг XVIII асрдаги аҳволини замондошлар оғир, инқирозли деб баҳолашган. Янги мустақил давлатлар ўртасидаги урушлар шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилиб, иқтисод ва савдонинг ривожланишини тўхтатиб қўйганди. Баъзи чекка давлатларда эса иқтисодий ва маданий ҳаёт гуркираб ривожланди, савдо ва ишлаб чиқариш ўсди, кўркам архитектура иншоотлари бунёд этилди. Уларнинг тинч ва тўкин ҳаётларига хавф қўшниларидан эмас, энди Ҳиндистондаги тижорат фаолиятидан ҳудудларни босиб олишга ўтган европалик мустамлакачилардан, асосан, англизлардан келаётган эди.

Ҳиндистондаги ҳудудлар учун икки Европа давлатлари – Франция ва Буюк Британия ўртасидаги рақобат ер юзининг катта қисмини – Канададан Ҳиндистонгача бўлган ҳудудни қамраб олган катта рақобатнинг бир қисми эди, холос. Агар ҳинд ерлари учун курашда дастлаб французларнинг қўли баланд келиб, улар англизларнинг Жанубдаги асосий таянч пункти – Мадрасни эгаллашган бўлсалар, кейинчалик асосан Карнатик ва Ҳайдаробод ҳудудларида олиб борилган жангларда улар қакшатқич мағлубиятга учрадилар. Етти йиллик (1756–1763) уруш натижасида Франция Ҳайдаробод ва Карнатикдаги асосий ерларидан айрилди. XVIII аср 50–60-йилларида англизларнинг Бенгалияни – ривожланган қишлоқ хўжалик

вилояти, дунёга машхур тўқимачилик марказини эгаллаб олишлари Етти йиллик урушда Франция маглубиятининг асосий сабабларидан бири бўлди. Бенгалияда маҳаллий ҳокимлар номинал ҳокимиятни сақлаб қолган бўлсалар-да, Р. Клайв, Г. Ванситтарт, У. Хейстингс каби губернаторлар (бу лавозим Буюк Британия парламенти томонидан 1773 йили жорий қилинган) бу ернинг ҳақиқий хўжайинлари эдилар. Бенгалиянинг эгалланиши инглизларга ҳиндларнинг мукаддас шаҳри Варанаси ва бой вилоятлардан бири Аудни эгаллаш учун йўл очди. У. Хейстингс томонидан бошланган Аудни талаш сиёсати унинг ўрнини эгаллаган Ж. Шор (1793–1798) томонидан давом эттирилди.

XVIII асрдаги нуфузли давлатлардан яна бири Маратхлар конфедерацияси эди. Конфедерация бешта катта: Нагпур, Гвалиор, Индор, Барода ва Махараштранинг ўзи ҳамда бир неча кичик давлатлардан ташкил топган эди. Бу давлатларнинг ҳукмдорлари марказий ҳокимият бошлиғи Пешвни ўзларига фойдали ва қулай бўлган даражадагина тан олардилар. Ҳали Шиваджи томонидан тузилган кучли марказлашган, этник бир хил давлатдан асар ҳам қолмаганди. Бу ҳол инглизларга ўзларининг босқинчилик мақсадларини амалга ошириш учун жуда қулай эди. Бу борада Ост-Индия компаниясининг назорат кенгаши раиси лорд Дандас 1798 йили шундай деб ёзади: «Бахтимизга на маратхлар империясининг бошлиғи, на конфедерация таркибига кирувчи давлатлардан бирортасининг раҳбари маратхларни бирлаштириш учун етарли куч ва воситага эга эмас». Маратхларнинг сикхлар ва Ражпут князлари билан иттифоқи ҳам мустаҳкам эмасди. Дастлаб бир-бирига ёрдам кўрсатганлигига қарамадан, 1761 йили Панипат ёнидаги жангда Аҳмад шоҳ Дурроний кўшинлари маратхлар армиясини тор-мор қилди. Бу маглубиятдан кейин маратхлар Шимолий Ҳиндистонда ўзларининг гегемонлик ролини йўқотдилар. Кейинчалик маратхлар Дехлини эгаллашга ва Шимолий Ҳиндистонда ҳукмронликларини тиклашга бир неча бор уриниб кўрдилар. Фақат Махададжи Синдхиа ва Нана Пхаднис ҳокимиятни эгаллаб турган 1790-йиллардагина маратхларнинг обрўси бироз тикланди.

Ҳиндистоннинг жанубида маратхларнинг рақиблари Ҳайдаробод ва Майсур эди. Ҳайдарободда бобурийларнинг ворисларидан бўлган низомлар ҳукмронлик қиларди. Низомлар келиб чиқишига кўра ўзларини бутун Деканда олий ҳокимиятга даъвогар ҳисоблашар

ва қолганлардан вассалликни талаб қилишар эди. Лекин бошқалар учун бу энди ҳеч қандай таъсирга эга эмасди. Қандайдир даражада ўз мавқеларини сақлаб туриш учун Ҳайдаробод ҳукмдорлари Ост-Индия компанияси билан шартнома тузиб, инглизларнинг кўғирчоқларига айландилар.

Кўғирчоқ ҳукмдор бўлишни хоҳламаганлардан бири унча катта бўлмаган Майсур давлати ҳукмдори Ҳайдар Али ва унинг ўғли Типу Султон эди. Майсурни бўйсундириш учун инглизлар узок уруш олиб боришди. 1767–1769 йиллари бўлиб ўтган биринчи инглиз-майсур уруши Ҳайдар Алининг ғалабаси билан яқунланди. 1780–1784 йиллардаги иккинчи инглиз-майсур уруши даврида Типу Султон французларга мурожаат қилиб, уларнинг ёрдамини олишга эришди. Шунга қарамасдан у 1784 йили инглизлар билан Мангалур сулҳини тузишга мажбур бўлди. Сулҳга биноан Типу Карнатикдан, инглизлар эса Малабардан қўшинларини олиб чиқиб кетдилар. Учинчи инглиз-майсур уруши 1792 йили тинчлик шартномаси билан яқунланиб, Типу инглизларга 33 млн рупия контрибуция тўлайдиган ва ушбу сумма тўлангунча Типунинг икки ўғли гаровда сақланадиган бўлди. 1799 йили бўлган тўртинчи урушда Типу Султоннинг бир қатор вазирлари ва қўшин бошлиқлари хоинлик қилганлиги, инглизлар ваъда қилган катта пулга сотилганлиги учун майсурликлар мағлубиятга учрадилар. Узок қаршилик кўрсатган Майсур давлати охир-оқибатда инглиз мустамлакачилари томонидан забт этилди.

Ижтимоий фикр, фан, адабиёт ва санъат. Бу даврда бхакти ва сўфизм таълимотлари кенг тарқалган эди. Ҳиндистон шимолида бхакти таълимотининг йирик намояндалари Даду Даял (1544–1603) ва Малукдас (1684 йили вафот этган) эди. Малукдас мусулмонларнинг динини ҳам, ҳиндларнинг урф-одатларини ҳам, ҳинд фалсафасидаги олтита тизимни ҳам тан олмайди. Унинг фикрича Рама, Хари, Аллоҳ битта худонинг исмларидир. Одамларни эътиқодига қараб эмас, ниятига, ҳаракатига қараб фарқламоқ керак. Худого етишишнинг «ҳақиқий йўли» шафқат қилишда ва яқинларига ёрдам кўрсатишда, дейди у.

Кришнача бхакти таълимотига телинганлик брахман Валлабхой (1478–1530) Матхура яқинидаги Гокулада, ҳинд мифологияларига мувофиқ Кришнанинг болалик ва ёшлик йиллари ўтган жойда асос солади. Валлабхой ўз издошларига таклиф қилган йўл пушти (маъноси: қўллаб-қувватлаш) деб аталади ҳамда гариб ва бечора-

ларга мўлжалланган. Валлабхойнинг издошларидан, ўз даврининг буюк шоири Сурдас – «Худо ҳеч қандай касталарни тан олмайди. Сен ғарибмисан ё рожа, унга барча баробар», деб ёзади. Жамиятни диний ва каставий ажратишга қарши ҳаракат ўша давр илғор ғояларининг асосий мақсади ҳисобланади.

XVI–XVIII асрлар Ҳиндистонда янги дин – сикхизмнинг шаклланиш даври бўлди. Ортодоксал ҳиндуизмдан ва кўпсонли бхактилар жамиятидан сикхизм тарафдорларини яккахудоликка ўта қатъий итоати ва аскетизмга, таркидунёчиликка ғоят салбий муносабати ажратиб туради. Сикхлар меҳнат орқали кун кечиришни инсонга хос ягона ҳаёт тарзи деб тушунишган. Тиланчилик қилиш ва бошқалар ҳисобига кун кечиришни сикхлар энг оғир гуноҳ деб ҳисоблашади.

Бу давр фани сўнги Ўрта асрлар ва Янги давр бошларига хос бўлган инқилобий жараёнларни бошдан кечиради. Фаннинг ютуқлари орасида математиканинг ривожини алоҳида таъкидлаш лозим. Улуғ математик Нилаканта ўзининг «Иплар мажмуи» асарида тангенс эгри чизигининг чексиз даражали қаторда ёйилиши ечимини беради. Ушбу мавзу бошқа ҳинд математиклари томонидан давом эттирилди. Улар ўз асарлари билан Грегори, Лейбниц ва бошқа европалик олимлардан анча олдинлаб кетдилар. Шунингдек, астрономия, химия, физика фанлари ҳам катта муваффақиятлар билан ривожланди.

Табиий фанлар ичида тиббиёт алоҳида юкори ўрин эгаллайди. Бу соҳа анъанавий равишда икки мактабдан – аюрведа (ҳиндларники) ва юнани (мусулмонларники)лардан иборат эди. Умуман ҳинд табобати турли касалликларни аниқлаш ва даволаш бўйича ўз замонасининг илғор усулларини кашф этган. Хусусан, овқат ҳазм қилиш жараёни ва қон айланиш тизими тўғрисидаги ҳинд олимларининг трактатларида ҳали европалик олимлар даволай олмаган касалликлар ва уларни даволаш усуллари тўғрисида маълумотлар берилган. Хирургия, айниқса, пластик хирургия, Европа фанидан анча олдинлаб кетган эди. Бу даврда ҳинд фармакологияси ҳам яхши ривожланди.

Агар олдинги даврларда ҳиндлар ва мусулмонлар бир-бирини билишга, ўрганишга ҳаракат қилган бўлсалар, бобурийлар даврига келиб улар ўзаро бир-бирларини тушуна бошладилар. Бу ҳол энг аввало адабиётда ўз аксини топди. Акбаршоҳ саройида махсус таржи-

монлар гуруҳи тузилган бўлиб, улар барча мусулмонларга тушунарли бўлган форс тилига ҳиндларнинг муқаддас китоблари ва адабиёт намуналаридан «Махабхарата», «Рамаяна» ва «Атхарваведа»ни таржима қилдилар. Умуман, Акбаршоҳ подшолик қилган давр мисли кўрилмаган маданий юксалиш даври бўлди. Шоир ва тарихчи Абул Фазлнинг Ҳиндистон тарихига бағишланган асарлари, унинг укаси, «Махабхарата»нинг таржимасига раҳбарлик қилган Абул Файзийнинг «Нал ва Даман» поэмаси Ҳиндистон адабиётининг юксак намуналаридан ҳисобланади. Бу давр адабиётининг энг юксак чўққиси Шарқ халқларининг гениал шоири, файласуфи, мутафаккири ва ўз даврининг «Мирзо Малик уш-шуаро»си Мирзо Абдулқодир Бедил (1644–1721) ижодида намоён бўлди. Бедилнинг фикрича дунёдан ташқарида ҳеч қандай куч йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бедил дунёнинг бошланиши бўлмаганидек, охири ҳам бўлмаслигини, дунёда бўлиб ўтадиган ҳамма жараёнлар табиий эканлигини ўзича исботлайди. Бедилнинг назарича, дунё барқарор, бўлинмасдир, у ҳамма нарсани ўз ичига олади, одам эса реал борлиқнинг, коинотнинг маҳсулидир. Бу ҳақда Бедил шундай дейди:

*Эйки, найранг ду олам аз худо фамидан,
Баҳс заҳду дарс тавқи аз кужо фамидан.
Мавжу кафро айн дарё туфтанин инсоф нист
Э-онки гавҳарро азин олам жудо фамидан.*

Маъноси: «Эй икки олам найрангини худодан дегувчи! Тақво, диний дарс ва тортишишларни қаердан олдинг, мавж ва кўпикларни худди дарёнинг ўзи дейиш инсофдан эмас. Сен у гавҳарни бу оламдан ажратиб тушунгансан!» Бедил «гавҳар» деб худони англаган.

Европалик мустамлакачилар Ҳиндистонни босиб олишга уринаётган бир пайтда Бедил бирдамликка чақиради:

*Ёрон ба вифоқ агар қадам мешкананд,
Жайши арабу сафи ажам мешкананд.
Аз қудрати иттифоқ, гофил, нашави,
Дандонҳо сангро баҳам мешкананд.*

Маъноси: «Агар ёронлар бирдамлик билан қадам ташласалар, душманнинг усул-идораси ва кўшини тор-мор бўлғусидир. Иттифок бўлиш қудратидан гофил қолма, эсингда тутки, тишлар бирлашиб тошни синдирғусидир».

Бу даврда маҳаллий тилларда ижод қилганларнинг ичида иккита буюк ном ажралиб туради – Тулсидас ва Сурдас. Тулсидас «Рамаяна» сюжетлари асосида «Раманинг жасоратлари» номли жуда катта поэма яратади. Поэма оддий халқ орасида, айниқса машҳур бўлган. Ривоят қилишларича Сурдас кўр бўлган, аммо бу ҳол унга Кришнанинг ҳаёти ҳақидаги ёрқин поэма – «Сура океани»ни яратишга халақит қилмади.

Бобурийлар даври архитектураси маҳобати, безакларнинг бойлиги, мусулмон меъморчилиги ва ҳинд сарой архитектураси анъаналарининг уйғунлиги билан ажралиб туради. Бу даврда бунёд этилган меъморий обидаларнинг энг машҳури, жаҳон меъморчилик санъатининг ноёб дурдоналаридан бири Тож Маҳал қасридир. Уни Шохжаҳон севимли хотини Мумтоз Маҳалга бағишлаб курдирган.

Тасвирий санъатда миниатюра жанри, мусиқада бобурийлар мусиқаси ривож топди. Аммо XVIII асрдаги сиёсий воқеалар адабиёт ва санъатга ҳам таъсир этмай қолмади, улар ҳам бошқа соҳалар сингари тушкунликка юз тутдилар.

* * *

Шундай қилиб, қачонлардир юксак тараққиётга эришган Ҳиндистон XVII аср охиридан бошлаб қарийб 300 йилга инглизларнинг мустамлакасига айланди. Мамлакатдаги иқтисодий тушкунлик ва сиёсий парокандалик, бобурийлар империяси ўрнида пайдо бўлган давлатларнинг ўзаро урушлари инглизларнинг Ҳиндистонни босиб олиши учун имконият яратди. Энг ачинарлиси инглизлар Ҳиндистонни ҳиндларнинг ўзлари ёрдамида босиб олди ва узок йиллар қарамликда ушлаб турди.

XXI боб бўйича саволлар

1. Ҳиндистондаги қандай ижтимоий-сиёсий ҳолат Бобурнинг Деҳли тахтини эгаллашига сабаб бўлди?
2. Акбар ислоҳотларининг асосий мақсади жамиятдаги қандай зиддиятларни бартараф қилишга қаратилган эди?
3. Бобурийларнинг қайси ислоҳотлари савдо ва ҳунармандчиликнинг ривожланишига, маданий марказлар ролининг ошишига олиб келди?
4. Қандай сабаблар туфайли бобурийлар империяси инқирозга учради?
5. Ҳиндистон ривожланишининг қандай жиҳатлари европаликларнинг кириб келишлари учун шароит яратди?

XXII Б О Б. XVI–XVIII АСРЛАРДА ЯПОНИЯ

Япония тарқоқлик ва фуқаролар урушлари даврида

Янги замонни Япония, «жангари вилоятлар даври» номини олган тарқоқлик ва фуқаро урушлари давридаги Асикага сёгунатидан (1467–1568) мерос қилиб олди. Бу давр вассалларнинг сёгунга қарши курашлари билан ажралиб туради. Асикага хонадонидан бўлган сёгунлар пойтахт Киото устидан назоратни қўлдан бердилар, у ерда шаҳарни мустақил бошқаришнинг кучли тизими шаклланди. Етакчилик энди вилоятлардаги ҳукмдорларга – князь-даймиоларга ўтди. Ўз князликларида улар хўжалик ва сиёсий ҳаёт устидан тўлиқ назорат ўрнатишга ҳаракат қилдилар.

Бу даврда князлар даромадларининг таркиби сезиларли ўзгарди. Агар, масалан, йирик феодал уруғи Сандёнисиларнинг даромади илк ўрта асрлар даврида (XIII) отамерос мулкдан (сёзендан) 50 фоиздан ортиқроқни ташкил этган бўлса, XVI аср бошларида 29 фоизга тушиб кетди. Бу ҳолат князларнинг хунармандчилик, тоғкон ишлари ва савдони ўз ҳудудларида ҳамда бутун мамлакатда ривожлантиришдан манфаатдорлигини белгилаб берди. 1549 йилда Оми вилоятидаги (ҳозирги СиҒа префектураси) Исидэра шаҳридаги Каннодзи будда ибодатхонасида мамлакатда биринчи «эркин бозор» пайдо бўлди ва унга хунармандларни ҳамда савдогарларни жалб этиш мақсадида бозор солиғи бекор қилинди. Кейинчалик бундай бозорлар бошқа жойларда ҳам пайдо бўлди.

XVI асрда кулолчилик бўйича учта ва спиртли ичимликлар ишлаб чиқарувчи битта мануфактура типидagi корхона юзага келди. Уларнинг маҳсулотлари фақат маҳаллий талабларни қондирибгина қолмай, қисман бошқа ҳудудларга ҳам тарқатиларди.

Хитой билан ташқи савдо ўлпон тўлаш кўринишида амалга оширилишига қарамасдан, кагта даромад келтирарди. Унинг устидан назорат ўрнатиш мақсадида феодаллар ўртасида аёвсиз кураш борарди.

1543 йили Япония қирғоқларида португалларнинг, олти йилдан сўнг эса испанларнинг ҳам пайдо бўлиши мамлакатдаги кейинги сиёсий ва иқтисодий муҳитга сезиларли таъсир кўрсатди. Улар мамлакатга ўқ отар қуроолларни олиб кирдилар. Европаликлар олиб келган христианилик дини ҳам тарқала бошлади. Чет эллик савдогарлардан ўқ отар қурооллар харид қилиш ва ички низоларда европалик-

лардан мадад олишга умид боғлаган князлар христианликни қабул қилдилар ва ўз вассалларини ҳам шундай йўл тутишга мажбур этдилар. Католиклик динини тарғиб қилиш, айниқса, Кюсю оролида кенг тарқалди ва бу ерда христианлик мактаблари ҳамда ибодатхоналарини оча бошладилар.

Европаликларнинг пайдо бўлиши савдо капиталининг кучайишига, ҳарбий ишнинг мукаммаллашишига кўмаклашди, ўзаро урушларни кескинлаштирди ва факат Япониянинг бўлиниб кетиш хавфини эмас, балки унинг европаликларга тобе бўлиб қолиш хавфини ҳам келтириб чиқарди.

Ўзаро урушлар ва деҳқонларнинг кўзғолонлари феодалларнинг ўзига ҳам реал хавф туғдирди; савдо капиталининг тўлақонли иш юритиши учун феодал тўсиқлар олиб ташланиши лозим бўларди. Япониянинг чет элликлар томонидан босиб олинис хавфи етилиб келаётганди.

Хонсю ороли марказий қисмининг феодаллари – Ода Нобунага (1534–1582), Тоётами Хидэёси (1536–1598) ва Токугава Иэясулар (1543–1600) бирлашишнинг ташаббускорлари бўлиб чиқдилар.

Японияни бирлаштириш учун кураш. Ода Набунага Овари худудидан (ҳозирги Айти префектурасидан) эди. У майда феодалнинг иккинчи ўғли бўлиб, отаси унча катта бўлмаган Нагоя қалъасини қурган ва уни ўша қўрғонда, оиласидан алоҳида тарбиялаган. 1551 йили отаси вафот этганидан сўнг ўн етти ёшли Набунага бошқаларнинг ерларини эгаллаб олишда кўпгина хийла-найранглар ишлатди, қариндошларини ҳам, ўзиникиларни ҳам, қўшнилари ҳам аяб ўтирмади. Оданинг ўз қўшинини ўқотар қурооллар билан таъминлаганлиги ҳарбий ютуқларига сабаб бўлди. 1573 йили у Асикага хонадонидан бўлган, бу пайтга келиб сиёсий таъсирини бутунлай йўқотган, охирги сёгунни тахтдан кулатди.

Ўз ерларини тўғри ва нотўғри йўллар билан кенгайтириб, деҳқонлар кўзғолонларини аёвсиз тарзда бостирган Ода Набунага «сёгун-князлик» (бакухан) давлатига асос солди. Аммо унинг бундай юксалиши, авваллари бир-бирлари билан келишмай юрган кўплаб феодалларни унга қарши курашда бирлашишга мажбур қилди, бунинг устига, Оданинг ўз қароргоҳида ҳам келишмовчиликлар бошланиб кетди. 1582 йили Киотодаги ибодатхоналардан бирида рақибларининг қўшинлари томонидан қуршаб олинган Ода ўзини ўлдириш билан ҳаётини якунлади.

Мамлакатни бирлаштириш ишини, деҳқонлардан чиққан ва Ода-нинг хизматида ўзини кўрсатган Тоётами Хидэёси давом эттирди.

Ўзи деҳқонлардан чиққан Хидэёси деҳқонлар кўзғолонларини аёвсиз бостирадди. Деҳқонларни ерга бириктириш жараёнида улардан қуроллар олиб қўйиларди. 1588 йилдаги «қиличларни излаш» деб аталган фармонга биноан деҳқонларнинг қиличлар, ханжарлар, милтиқлар ва бошқа қуролларга эга бўлиши тақиқланарди. Уч йилдан кейин чиққан янги фармон ижтимоий табақаланишни расмий тарзда мустаҳкамлади. Жамиятни самурайлар (си), деҳқонлар (но) ва шаҳарликлар (симин)дан иборат уч тоифага ажратиш мумкин. Шаҳарликлар ҳали табақалаштирилмаган савдогарлар ва ҳунармандлардан иборат эди.

1598 йили Хидэёсининг ўлими биринчи бирлаштирувчиларнинг уринишларини йўққа чиқарди. Ўзаро урушлар Токугава Иэясу билан Хидэёсининг ўғли – Хидэёри ўртасида янгича куч билан аланга олди.

Сэкигахара ёнидаги (Бива кўлининг шарқий қирғоқларида) жангда мағлубиятга учраган Хидэёри ва унинг тарафдорлари 1600 йили Осака шаҳрида қўним топдилар ва бу ер 15 йил давомида мухолифатнинг марказига айланди. Сэкигахара ёнидаги жангда Токугава биринчи марта «кўринмас» лардан (нинзя) айғоқчи сифатида фойдаланди.

1603 йили Иэясу Токугава сёгун унвонини қабул қилди ва Эдо (замонавий Токио) шаҳрини пойтахт қилиб, сёгунатга (1603–1867) асос солди. Бу билан у ўз замонасининг энг машхур хонадони ҳарбий-феодал диктатурасини бошлаб берди. Амалда Токугава ва унинг издошлари император хонадонини ҳокимиятдан ҳамда сиёсий ҳаётдан ажратди. Аммо улар императорнинг (микадо) диний обрўсини таъкидлашда давом этдилар ва доимо ҳокимиятга император рухсати билан келганликларини таъкидлар эдилар.

Япония Токугавалар сёгунати даврида

Япония XVII аср бошларида. Токугава хонадонидан дастлабки сёгунлар даврида Япония ягона давлатга айлана бошласа-да, аслида мамлакатнинг бирлашишига эришилмаганди. Сиёсий муҳитнинг муқимлигига эришиш князлар мухолифатини бостириш йўли билан ушлаб туриларди. XVII аср бошларида улардан баъзилари

(Такэда, Минаи, Кумачаи) христианликни қабул қилиб (Токугаванинг рақиблари Ғарбнинг ёрдамига умид боғлашарди), оилалари билан қатл қилинди. Кўпгина князларнинг, асосан, жануби-ғарбдагиларнинг ерлари мусодара қилинди. Бошқалари янги ерларга кўчирилди. Иттифоқчиларга миннатдорчилик белгиси сифатида, уларнинг ер майдонлари кенгайтирилди.

Шундай қилиб, Токугавалар ўз мулкларини Хонсю оролининг марказида жамлашга муваффақ бўлдилар. Мулк эгалари бўлган князлар йиллик шоли даромади билан ўлчанадиган бойликлари даражасига биноан фарқланарди. XVII аср бошларида Япониянинг умумий шоли даромади 11 миллион коку (1 коку – 180,4 кг.) миқдорида белгиланди. Ана шу миқдордан 4 млн коку Токугава хонадонига тегишли эди. Фақат энг бой феодалларнинг унча катта бўлмаган гуруҳларигина (фақат 16 феодал князларнинг ҳар бири 300 минг коку шоли даромадига эга эди) биров мустақилликдан фойдаланарди, анчагина вассал-самурайларга хўжайинлик қиларди ва баъзан, ҳатто ўз тангаларини ҳам зарб қиларди. Князларнинг асосий қисми эса (200 дан зиёд) ўзларининг иқтисодий ва ҳарбий заифликлари туфайли тўлалигича Токугава сёгунларига боғлиқ эдилар. Микадо атрофидагилардан иборат бўлган сарой аҳли ҳам ана шу қарамлар тоифасига кирарди.

Токугавалар даврининг бошларида Япониянинг аҳолиси 20 миллионга яқин кишидан иборат эди. XVII асрдаги барқарорлик туфайли аҳоли 29 миллионга яқинлашди. Уларнинг 80 фоиздан ортиқроғи (яъни, асосий қисми) қишлоқларда яшарди ва мамлакатнинг бош ишлаб чиқарувчи кучи – деҳқонлардан иборат эди.

Токугавалар Япониясида ерлар феодалларга тегишли бўлган. Феодал ер эгалигининг асосий шакллари қуйидагилар эди: 1) сёгунларнинг ерлари; 2) князларнинг ерлари; 3) черков ва монастырларнинг ерлари.

Ҳар бир феодал ўз ер мулкида ҳукмдор сифатида иш юритарди ва ернинг амалдаги (лекин расмий эмас) эгаси эди. Шарқнинг бошқа мамлакатларида бўлганидек, ернинг олий мулкдори ҳукмдор қиёфасида, айна ҳолатда – микадо қиёфасидаги давлат ҳисобланарди. Император оиласининг ҳокимиятдан маҳрум қилинганлиги ернинг шартли эгалари – князларнинг аҳволини мустаҳкамлади.

Савдогарлик ва хунармандлик асосан Япониянинг бевосита сёгунат назорати остида бўлган шаҳарларида тўпланганди. Энг йирик

шаҳарлар Эдо – Япониянинг пойтахти (ҳозирги Токио), Осака – мамлакатнинг бош савдо маркази, Киото – императорнинг қароргоҳи, порт шаҳарлари Сакаи ва Нагасаки эди. XVII аср ўрталарига келиб Эдо, Киото ва Осакада 300 минг аҳоли (самурайлардан ташқари), порт ва савдо марказлари бўлган Нагасаки, Нагоя, Сакаи ва Кандзава шаҳарларининг ҳар бирида 60 мингдан ортиқ киши яшарди. Хиросима, Окаяма, Хаката, Кумамото ва Акита шаҳарларида 20 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиларди. Хёго, Фукуога ва Такатада 10 мингдан 20 минггача одам бор эди. Қароргоҳ шаҳарларнинг катта-кичиклиги князликларнинг ҳудудлари ҳажмига ва аҳоли сонига боғлиқ эди.

Токугаванинг ички сиёсати. «Япониянинг ёпилиши». Биринчи сёгун Изясу Токугава ўрнатган ва учинчи сёгун Токугава Иемицу (XVII аср ўрталари) даврида тўлиқ ривожлантирилган токугавалар тузумининг асоси қўйидагилардан иборат эди: деҳқонларнинг эзилган ҳолатини сақлаб туришга асосланган мавжуд тартибни зўрлик билан ушлаб қолиш, шаҳар аҳолисининг тобелик ролини аслзодаларнинг чекланмаган ҳукмронлигини рағбатлантириш орқали таъминлаш. Бу феодал тартибнинг мустақамлигига хавф солиб турадиган учта асосий омил мавжуд эди: феодалларга қарши кенг халқ оммасининг кураши; чет эллик босқинчиларининг ташқи хавфи (Японияга бирин-кетин португаллар, испанлар, голландлар ва инглизлар хавф солиб турарди); феодаллар лагеридаги ўзаро ички урушлар хавфи.

Бу хавфларни ҳисобга олган Токугавалар ўз сиёсатларини қўйидагича курдилар: биринчидан, деҳқонлар ва шаҳарликларнинг қуйи табақаларини жиловлаб туриш, иккинчидан, феодал князларнинг ўзаро муносабатларини назорат қилиш, улардан бирортасининг кучайиб кетишига йўл қўймаслик ва бу билан Токугавалар хонадонининг раҳбарлик ролини сақлаб қолиш; учинчидан, чет элликларни сергаклик билан кузатиб туриш ва Япония эшикларини ёпиб қўйиш.

Токугава ички сиёсатининг муҳим жиҳатларидан бири – мамлакатни «ёпиб қўйиш» бўлди. Бунга европаликларнинг суқилиб киришлари, христианликнинг тарқалаётганлиги ва Япониянинг мустамлакага айланиб қолиш хавфи (шунга ўхшаш вазият Филиппинда юз берди) сабаб бўлди. Ҳали XVI асрдаёқ португал ва испан миссионерларининг Япониядан қул қилиб сотиш учун одамларни олиб кетишлари японларнинг қаттиқ газабларини келтирганди.

Бирок Токугавалар европаликларнинг ўқотар қуроллар етказиб берилишидан манфаатдор эди. Сёгун 1600 йили Японияга келган Голландиянинг Ост-Индия компаниясига анча қулай шартлар билан савдо қилиш ҳуқуқини берди.

Аммо тез орада сёгунат ташқи савдодан келадиган даромаднинг катта қисмини эгаллаб олаётган голландларнинг савдо сиёсатидан ва Токугаваларнинг энг ашаддий душманлари – мамлакатнинг жанубий қисмидаги христианликни қабул қилган князларга кўрсатаётган ёрдамидан норози бўла бошлади. Буларнинг барчаси Токугавани жазо юришлари ўтказишга ва христианликни тўлиқ тақиқловчи фармон (1614) эълон қилишга ундади.

1623 йили сёгун бўлган Токугава Иемицу ўзидан олдинги сёгунга кўра ҳам кучлироқ шиддат билан христианларга қарши курашга ташланди. Самабарадаги (Нагасаки яқинида) воқеалар қарама-қаршиликларнинг энг юқори нуқтаси бўлди. Қўзғолончиларнинг таянчи – Симабара қалъаси эгалланганидан сўнг 38 минг қўзғолончи-христианлар қатл қилинди. Бу тарихда христианларни энг йирик оммавий қирғин қилишлардан бири бўлди. Шуниси характерики, голландлар, сиёсий нуфуз орттириш учун, бу ишда сёгунга катта ҳарбий ёрдам кўрсатдилар.

Самабара қўзғолони бостирилганидан сўнг сёгунат чет элликлар учун Японияни «ёпиб қўйиш» ва мамлакатни ҳар қандай ташқи таъсирдан муҳофаза қилиш ҳақида узил-кесил қарор қилди. 1638 йили Иемицу барча португалларни Япония сарҳадларидан ташқарига қувиб юбориш ҳақида фармон берди (испанлар 1634 йилдаёқ қувиб юборилганди). Япония қирғоқларига келган ҳар қандай чет эл кемаси дарҳол йўқ қилиниши, унинг экипажи эса – ўлим жазосига ҳукм этилиши шарт эди. Фақат голландларгина бундан мустасно эдилар. Уларга Дэсима оролчасида манзил қолдирилган бўлиб, уларнинг бу ердаги савдолари ҳукумат хизматчиларининг қатъий назоратлари остида амалга ошириларди.

Япония фуқароларига эса, 1636 йилдаёқ ўлим жазоси хавфи остида, ўз ватанларини тарк этиш ва узоқ саёҳатларга мўлжалланган катта кемалар қуриш тақиқланганди. Ана шундай чоралар натижасида мамлакат чет элликлар учун ёпилди.

Сёгунатнинг феодал тузуми. Токугавалар барча аслзодаларни бир неча туркумга ажратгандилар. Киото зодагонларини, яъни император оиласини ва уларнинг энг яқин қариндошларини алоҳида

гурух – «кугэ» га киритгандилар. Кугэлар феодал аслзодалар орасида энг юқори мартаба эгаларини ташкил этарди. Сарой аҳли ва аслзодалар – кугэ амалда япон жамиятидан ажратиб кўйилганди.

Бошқа барча феодал табақалар «букэ» (уй ҳарбийлари) номи ни олганди. Мулкдор князлар (даймио), ўз навбатида, уч тоифага бўлинарди: биринчиси – сёгун хонадонига тегишли бўлиб, синхан деб аталарди; иккинчиси – фудай қадимдан Токугавалар хонадони билан боғлиқ бўлган, ҳарбий ва иқтисодий томондан уларга муте бўлганлиги сабабли асосий суянчиқлари ҳам бўлган (улар кенгаш аъзолари, ноиблар ва шу каби лавозимларни эгаллардилар) князлар хонадони вакилларида иборат эди ва ниҳоят, учинчи тоифа – тодзама Токугавалар хонадонига боғлиқ бўлмаган ва ўзларини улар билан тенг феодал хонадони деб ҳисоблаган мулкдор князларни ўзида жамлаганди. Тодзамалар ўз ер-мулкларида улкан, қарийб чекланмаган ҳокимиятдан фойдаланардилар. Сёгунат уларда ўз рақибларини кўрар ва ҳар хил йўллар билан уларнинг қудрати ҳамда таъсирларини камайтиришга уринарди. Уларга нисбатан ҳам чекловчи тартиблар мавжуд эди. Улар ҳукумат лавозимларини эгаллай олмасдилар.

Токугавалар ҳокимиятининг мустабидлигига қарамасдан, князлар ўз мулки доирасида қарийб чекланмаган ҳукмдор ҳисобланарди. Улар, сёгунга совғаларни ҳисобга олмаганда, ҳеч қанақа солиқ тўламас эдилар.

Ҳарбий табақа бўлган, қурол олиб юришга руҳсати бўлган самурайлик ҳам расман букэга тегишли эди. Токугавалар замонидаги самурайликда эътиборли қатлам – хатамото (сўзма-сўз «байроқ остида») ажралиб турарди. Самурай-хатамотолар сёгуннинг бевосита ва энг яқин вассаллари бўлиб, Токугавалар мулкларида деҳқоилар ва бошқа тўлиқ ҳуқуқли бўлмаган қатламлар устидан назоратни амалга ошириб, хизматчи аъёнлар ҳолатини эгаллашган, шунингдек, солиқ йиғишни ҳам бошқарганлар.

Улардан кейин сёгуннинг қўл остида бўлмаган, ҳудудий князларнинг вассаллари бўлган самурайларнинг асосий оммаси турарди. Улар ерга эга эмасдилар, ҳеч қанақа аниқ бир мажбуриятсиз, фақат ўз ҳукмдорлари – даймиоларнинг доимий аъёнларини ташкил қилар, маошни эса гуруч билан олардилар. Оддий самурайларнинг аҳволлари Токугавалар тузуми даврида анча ёмонлашди. Вақт ўтиши билан уй-жойсиз ва синфий киефаларини йўқотган бундай

самурайлар сони ортиб бораётганлиги ҳукумат учун катта хавф эди. Бу хавф шундан иборат эдики, улар кўп сонли ҳукмрон қонунлардан норозилар сафини кенгайтирар эдилар.

Норозилик чиқишларининг олдини олиш ва исённи бошланғич босқичдаёқ бостириш учун сёгунат турли хил ижтимоий кучлар: деҳқонлар ва шаҳарлик камбағаллар (ронинлар ҳам қўшилади); тодзама-даймио князлари; норози самурайлар устидан назоратни амалга оширувчи, фавқулодда кенг тармоқли ва кучли полиция аппаратини яратди. Бироқ бу чоралар мамлакат феодал хўжалигини инқироздан асраб қололмади.

Иқтисодий тараққиёт. Деҳқонларнинг қўзғолонлари. Токугавалар тузуми учинчи сёгун Токугава Иемицу (1623–1651) даврида узил-кесил шаклланди. Токугавалар қонун-қоидаларининг асосан тажовузкор характерга эга эканлигига қарамасдан, то XVII аср охири – XVIII аср бошларига қадар ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши кузатилди. Бу шунинг билан изоҳланадики, XVI асрдаги деҳқонларни хонавайрон қилган тинимсиз ўзаро урушлардан кейин Япония узок муддатли тинчлик даврига кирганди.

Ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланганлиги ҳунармандчиликдаги муваффақиятларда, ички савдонинг анча кенгайганлигида ўз ифодасини топди. Аммо буларнинг барчаси товар-пул муносабатларининг ривожланиши, деҳқонларнинг табақалашуви ва савдо-судхўрлик капиталининг кучайиши каби жараёнлар билан бирга юзага келарди. Бу ҳол мамлакатнинг ички зиддиятларини кескинлаштириб юборди. Товар-пул муносабатларининг кишлоққа суқилиб кириши натижасида деҳқонларнинг асосий қисми тезда хонавайрон бўлди.

Бу япон жамиятининг юқори қатламида рўй берган қуйидаги воқеалар билан бирга юзага келди. Япония тарихида «Эрой генраку» деб номланган, тўкин-сочинлик бўлиб туюлган давр (1688–1703 йиллар) маданиятнинг гуллаб-яшнаши, сёгунатнинг мусиқа, тасвирий санъат, театрға ҳомийлик қилиши билан белгиланганди. Князлар зебу зийнатга, ҳашаматдорликка ва сёгунлар саройининг исрофгарчилигига тақлид қилишда бир-бирлари билан мусобақалашардилар.

Аслзодалар кўнгилхушликларга улкан маблағлар сарфлашарди. Бу шаҳар буржуазиясининг бойишига ва савдогарлар ҳамда судхўрларга қарз сўраб тобора тез-тез мурожаат қилишаётган са-

мурайлар, князларнинг қарзлари ошиб боришига олиб келди. Айна пайтда шусиз ҳам хонавайрон бўлган деҳқонларнинг асосий қисмини эксплуатация қилиш кучайди.

Агар XVII – XVIII аср бошларида Япониядаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг бир қадар ўсиши кузатилган бўлса, ундан кейинги даврда эса таназулнинг аниқ белгилари намоён бўлади.

Деҳқон аҳоли ўсишининг тўхтаганлиги бу даврнинг ўзига хос жиҳатларидан бўлиб қолди. Ҳукумат рўйхатига кўра 1726 йили Япониянинг аҳолиси 29 миллион киши, 1750 йили – 27 миллион, 1804 йили 26 миллион кишини ташкил қилган. Агар шаҳар аҳолисининг бир қадар ошганлиги ҳам ҳисобга олинса, қишлоқ аҳолисининг шаксиз камайганлиги яққол намоён бўлади.

Аҳоли камайишининг сабаблари очлик ва касалликларда эди. 1730–1740 йилларда очлик натижасида аҳоли 800 минг кишига, 1780 йилларда эса 1 миллион кишига камайди, бунда очликдан бирорга ҳам самурай ўлмаган.

Ана шу ўта шафқатсиз ва қийин шароитларда деҳқонлар ўз болаларини ўлдиришни кенг қўллаганлар. Бу даҳшатли одатнинг тарқалганлигини японлар тилида дастлабки маъноси гўдакларни ўлдириш бўлган атамаларнинг (масалан, «мобики» – «ягоналаш») сақланиб қолганлиги ҳам исботлайди.

XVIII аср 80-йиллари охирида феодал тузум учун даҳшатли бўлган деҳқонлар кўзғолонлари ва шаҳарлик камбағалларнинг расмий ҳужжатларга «очлик исёнлари» номи билан киритилган, чиқишлари рўй берди. Феодал Япония тарихида ҳеч қачон Токугавалар давридагидек деҳқонларнинг кўзғолонлари кўп бўлган эмас (фақат қайд қилинганлари 1163 та). Деҳқонлар чиқишларининг энг кўп тарқалган тури адолатсиз тўловлар ва мажбуриятларнинг бекор қилинишини оммавий талаб қилиш эди. Деҳқонлар кўзғолонлари тўғрисида сақланиб қолган баёнлар кўп ҳолларда уларни феодаллар ва савдогар-судхўрларнинг бошларига тушган даҳшатли ва қутилмаган халқ ғзаби сифатида тасвирлайди.

Деҳқонларнинг алоҳида кўзғолонлари мавжуд тузумга қарши кенг халқ урушига айланиб кетишига Япониянинг феодал тарқоқлиги имкон бермади. Аммо бошқа томондан, айнан князларнинг тарқоқликлари деҳқонларга кўпинча у ёки бу феодалларга қарши чиқишларида ва уларни вақтинчалик ён беришга мажбур қилишларида кўл келарди.

Шуниси характерлики, феодалларга ва судхўрларга қарши барча дехқонлар, шу жумладан бой дехқонларнинг юқори қатламлари ҳам чиқардилар. Улар ҳатто кўзғолонларга, айниқса, феодалдан маълум бир ҳудудлардан солиқ йиғиш ҳуқуқини олган савдогар-судхўрларга қарши кўзғолонларга бошчилик ҳам қилишарди. Бу шунинг билан изоҳланадики, кўтарачи савдогарлар фақат кишлокни талабгина қолмасдан, ўз хусусий савдо яккаҳокимлигини ўрнатиб, бошқаларнинг савдо қилишларини тақиқлашарди. Улар бу билан бой дехқонлар учун иқтисодий ташаббуснинг аслида ҳам кам бўлган имкониятларини чеклаб қўярдилар.

Шаҳарлар ва шаҳарликларнинг чиқишлари. XVIII аср ўрталарида иқтисодий таназзул аввалига, асосан, кишлокқа тегишли бўлди. Шаҳарларда мануфактуралар ривожланиши давом этар, буржуа элементлари мустаҳкамланарди. Лекин XVIII аср охирларида дехқонларнинг кўзғолонлари билан бир вақтда шаҳарлик камбағал хунармандлар, майда савдогарлар, кишлоклардан қочиб келган дехқонлар ва шу кабиларнинг чиқишлари ҳам тез-тез бўлиб турди. Баъзан бундай чиқишларга шаҳарларни тўлдириб юборган ронинлар ҳам қўшиларди.

Шаҳарликларнинг чиқишлари асосан гуручга ва бошқа кундалик эҳтиёж молларига савдогар монополистлар ўрнатган нархларнинг оширилишига норозиликдан келиб чиқарди. Шунинг учун ҳам бу чиқишлар япон манбаларида «гуруч исёнлари» деб аталган. Исён кўтарганлар бой савдогарларнинг уйларини бузишар, амалдорлар ёки маҳаллий князларнинг ишончли вакиллари қароргоҳларига ҳужум қилишар, омборларни эгаллаб олишар ва гуруч захирасини очларга тарқатардилар. Шуниси характерлики, бундай исёнлар пайтида уларнинг иштирокчилари кўпинча феодал тузумга қарши кенг сиёсий талаблар ҳам қўйишардилар.

XVIII аср охирида, 1793 йилдан бошлаб, ҳали сёгун жуда ёш бўлгани сабабли, Мацудайра Садонобу регент ва Япониянинг амалдаги ҳукмдори бўлди. У феодал тузумни кутқариб қолиш мақсадида бир қатор чоралар кўрди. Аслзодалар ва савдо буржуазияси орасида ҳашамдорлик ва исрофгарчиликка қарши кураш эълон қилинди. Порахўрликка қарши даҳшатли чоралар кўришга уринди. Харажатларни камайтириш учун Мацудайра Киотодаги император саройи учун қилинадиган сарфни анча қисқартирди.

Япон феодализмнинг қалтираб қолган таянчи – самурайларни қўллаб-қувватлаш учун Мацудаёра фавқулодда воситаларни қўллашга журъат қилди. Уларнинг олти йилдан аввалги барча қарзлари кечирилди ва қолганлари бўйича тўланадиган фоизлар анча қисқартирилди. Бу чоралар қандайдир даражада ва қисқа вақт аслзодаларни қониқтирди, лекин савдогар-судхўрлик буржуазиясининг норозилигини кучайтирди.

Шундай қилиб, савдо буржуазияси сёғунатнинг иқтисодий сиёсатидан, уларнинг савдо манфаатлари соҳасига қўпол аралашувидан ҳамда, ниҳоят, ўз сиёсий ҳуқуқсизликларидан норозиликларини ва ғзабини тобора кўпроқ ва кескинроқ билдирарди.

Товар-пул муносабатларининг ўсиши. Япон феодализи ва унинг тимсоли бўлган Токугавалар тузуми янги шаклланаётган ҳаётий воқеалар билан аёвсиз қарама-қаршилиқларга тобора кўпроқ киришаётганди. Японияда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар бутун феодал иқтисоднинг қулаганлигидан, тузумнинг ижтимоий таянчлари емирилиб бораётганлигидан ва товар-пул муносабатлари барқарор ривожланаётганлигидан далолат берарди.

Япон қишлоқларида ҳам жиддий ўзгаришлар юз бераётганди. Товар-пул муносабатлари ривожлана бориши билан ички табақаланиш жараёни тезлашди. Ҳали XVIII аср бошларидаёқ шаҳарларда кўпчилик солиқларни пул билан тўлай бошладилар. Аста-секин тўловлар пул-махсулот аралаш шаклини ола бошлади. Пулга бўлган эҳтиёж деҳқонларнинг савдо-судхўрлик капиталига қарамлигини оширарди. Одатда қарз ерни гаровга қўйиш эвазига берилганлиги туфайли деҳқонлар тобора катта миқдорда ўз ер майдонларидан айрилар, ерсиз арендаторларга ва тўлай олмайдиган қарздорларга айланарди. Оч деҳқонларнинг катта қисми кун кўриш чорасини излаб шаҳарларга интилишарди.

Ўша пайтлардаги япон қишлоқларида бой деҳқонларнинг кам сонли, лекин иқтисодий кучли бўлган қатлами ўсиб борар ва шаҳарлик савдогарлар ҳамда судхўрлар қаторида камбағал деҳқонларнинг асосий қисмини эзар, ерларини эгаллаб оларди. Булар «гоно»лар – бой деҳқонлар ва «госи»лар – ерларини ўзларида сақлаб қолган, оддий самурайлардан чиққан ер эгалари эдилар. Бироқ асосий ер сотиб олувчилар, ўз хосилдор ерларини тез

кўпайтириб бораётган ва деҳқонларни чўлларни ҳайдашга мажбур қилаётган савдогарлар ҳамда судхўрлар эди.

Шундай қилиб, кўринишдан «ўзгармас» бўлган токугава қишлоқларидаги феодал муносабатлар қобиғи остида, асосан савдогар-судхўрлардан бўлган амалдаги ер эгаларининг янги синфи пайдо бўла бошлади. Бунда ерни эгаллаб олиш ёки ҳатто сотиб олиш ҳам ноқонуний эди, чунки феодалга Японияда ерни сотиш ва сотиб олиш тақиқланганди. Шунинг учун келишувлар муҳлатсиз ижарага бериш, совға қилиш, ердан воз кечиш ва шу кабилар кўриниши остида расмийлаштирилди.

Ҳали XVIII асрдаёқ касаначилик кенг тарқалганлиги юқорида айтиб ўтилганди. Уларнинг ташкилотчилари бўлган савдогар-судхўрлар кўпинча деҳқон аёлларни хомашё билан таъминлар ва улардан тайёр маҳсулотларни йиғиб оларди. Япониянинг турли ҳудудлари товарларнинг қатъий белгиланган турларини ишлаб чиқаришга мутахассислашган бўлиб, бу товарлар йирик фирмаларнинг қўлларида тўпланар, кейин бозорга чиқариладди.

Сёгунат иқтисодиётидаги катта ўзгаришларга сабаб бўлган энг муҳим омил шаҳар мануфактурасининг пайдо бўлиши эди. Биринчи мануфактуралар XVIII аср охирида, аввалига соя соуси ва вино тайёрлаш саноатида пайдо бўла бошлади. Саноат ишлаб чиқаришидаги навбатдаги қадам XVIII–XIX асрлар чегарасида, Киотода биринчи тўкувчилик устахоналарининг яратилиши эди. Уларда ҳам асосан аёллар ишларди, тадбиркор-савдогар эса уларга маош тўларди. Тез орада тўкимачилик мануфактуралари – аввалига тўкув ва йигирув, кейинроқ бўёқчилик ва кулолчилик бўйича пайдо бўлди. Бу мануфактураларнинг аксариятида ёлланма ишчилар меҳнат қиларди. Бу корхоналардаги ишчилар сони 20–30 кишидан ошмасди.

Деҳқонларнинг шаҳарларга қочиб кетишлари, хунармандларнинг хонавайрон бўлишлари, ронинлар сонининг ошганлиги туфайли шаҳарларда ўз ишчи кучини сотишга тайёр бўлган кишиларнинг кўпчилиги тўпланганди. Шундай қилиб, капиталистик турдаги мануфактураларнинг пайдо бўлишини осонлаштирувчи жуда муҳим шарт яққол кўриниб турарди.

Ҳали XVIII аср ўрталарида ҳукмдор синфнинг – унинг энг кўп сонли гуруҳи – самурайларнинг ички табақаланиш жараёни сезиларли кучайганлиги юқорида таъкидлаб ўтилганди. Айниқса,

ронинларнинг ва оддий самурайларнинг табақаланишлари ва ай-тиш мумкинки, буржуача қайта дунёга келиши тез юз бераётган-ди. Қарзларидан қутулмоқчи бўлган, ўз иқтисодий аҳволларини яхшилашга уринган оддий самурайлар, ўзларининг «шон-шараф кодекси»ни бузиб савдо қила бошладилар, турли хил майда хунармандчиликни – чироқлар, ўйинчоқлар, ёзиш учун мўйқаламлар, ёмғирпўшлар ва шу кабилар ишлаб чиқаришни бошладилар. Самурайларнинг оддий шаҳарликлар билан турмуш куришлари одатий ҳол бўлиб қолди.

Токугавалар даврининг охирига келиб, князликларнинг бир маҳсулот турини ишлаб чиқариш бўйича мутахассислашиши узил-кесил ўрнатилди. Шу тарзда Кага тумани – лок, Тоса княз-лиги – қогоз, Сацума князлиги – ип-газлама бўйича мутахассис-лашди.

* * *

Шундай килиб, алоҳида ҳудудлар ўртасида меҳнатнинг тақсимланиши умумяпон миллий бозори яратилишига олиб келди. Шу билан бирга деҳқонлар ва хунармандларнинг зўрлик билан ўз ишлаб чиқариш воситаларидан ажратилиши ва бу ишлаб чиқариш воситаларининг капиталга айлантирилиши маблағнинг, яъни капи-талистик муносабатлар куртагининг ривожланиши учун асос ярат-ди. Сўнги Токугавалар даврида ёлланма меҳнат сезиларли роль ўйнай бошлади.

XXII боб бўйича саволлар

1. Янги давр бошларида Японияни қандай ўзига хос жиҳатлар ажратиб турарди?
2. Японияни бирлаштириш учун кураш қандай асосий босқичлардан иборат?
3. Токугавалар даврида Япония ривожланишининг асосий жиҳатлари нималардан иборат?
4. Токугавалар Японияни чет элликлар учун ёпиб қўйиш орқали қандай жараёнларнинг олдини олишга уриндилар?
5. Иқтисодий ривожланишдаги қандай жиҳатлар деҳқонлар қўзғолон-лари ва шаҳарликларнинг чиқишларига олиб келди?

XXIII БОБ. XVI–XVIII АСРЛАРДА КОРЕЯ

Янги даврнинг бошланишида Корейни, 1392 йили ҳокимият тепасига келган, Ли сулоласи бошқаришда давом этарди. Сулола асосчиси Ли Сонг (1392–1398) Корейни, аввалги сулола даврида аталган «Корё» ўрнига, «Чосон» деб атади. Чосон иероглифлари «тонг гўзаллиги» ёки «тонг хотиржамлиги» маъноларини англатади. Ли Сонг даврида Корейнинг давлат тузуми Минлар сулоласи давридаги Хитой намунасида қайтадан ташкил қилинди.

Янги даврда Корейнинг ижтимоий тузуми. Аҳолининг асосий машғулотидеҳқончилик бўлган Корейда ерга ҳукмрон феодаллар (ёки аслзодалар – янбанлар қатлами) эгалик қиларди. XIX аср охиригача қадар давлат – феодал ер эгалигига асосланган муносабатлар тизими сақланиб қолди. Унда эксплуатациянинг асосий шакли маҳсулот рентаси – солиқ (шоли ёки бошқа маҳсулот билан) эди. Аммо бундан ташқари, аҳоли сарой маҳкамаси ёки ҳукумат ташкилотлари фойдасига турли ишларни бажаришлари (баршчина) лозим бўларди.

Маҳсулот етиштирувчи деҳқон хўжалиги жамиятнинг иқтисодий асоси, деҳқон жамоалари эса – энг кичик хўжалик ва ижтимоий бирикма эди. Ҳали XIV–XV асрлар оралиғидаёқ ўрнатилган ерга эгалик қилиш шаклига биноан барча ерлар давлатники (кондйон) ва хусусий фойдаланишда (лекин ерга давлат эга бўлганлиги туфайли, хусусий эгаликда эмас) бўлган помешчикники (садйон) эди. Аммо ҳар иккала ҳолатда ҳам ерга йирик ер эгалари – помешчиклар, амалдорлар ва умумдавлат рентаси – солиқни йиғиш ҳуқуқини ўзлариники қилиб олган ҳукмрон уруғ вакиллари хўжайинлик қилишарди.

Феодал эксплуатация савдо-судхўрлик капиталини эксплуатация қилиш билан чуқурлаштирилди. Эксплуатация қилишнинг судхўрлик усулларида помешчикларнинг ўзлари ҳам фойдаланардилар, бунда давлат, баҳорда деҳқонларга кузда фоизи билан қайтариб бериш шартини қўйиб, дон қарз бериб туриш тизимини ўрнатган ҳолда, энг йирик судхўр сифатида иш юритарди.

Қишлоқ хўжалигидаги бундай ҳолатга шаҳар иқтисоди, саноат ва савдо тараққиётининг паст даражаси мос келарди. Ҳунармандлар ҳам, худди деҳқонлар сингари, қарам қилинган ва уларнинг аксарияти ҳукумат буюртмаларини бажариш билан банд эдилар. Бундан

фақат тўқимачилик мустасно эди. Матолар деҳқон хўжаликларида тайёрланар ва шу ҳолда хазинага тушарди. XV аср охирларида барча ҳудудий шаҳарларда 3511 та давлат ҳунармандлари бўлиб, XIX асрга келиб уларнинг сони 5431 тагача кўпайди.

Иқтисодий муносабатлар билан белгиланган корейс жамиятининг синфий таркиби тоифалардаги фарқлар билан мустаҳкамланганди. Феодал ер эгалари синфини ҳукмрон тоифа «янбан» (икки бўлиниш) ташкил қиларди, тоифалар пиллапоясида янбанлардан пастда ўрта табақа – «чжунин» турарди. Унга йирик савдогарлар, шунингдек, врачлар, танобчилар, рассомлар ва давлат лавозимларини эгаллаб турган, лекин аслзодалар тоифасига кирмаган кишилар мансуб эдилар.

Аҳолининг жуда катта қисми иккита паст тоифага тегишли эди: 1) «сянин» тоифаси (оддий одамлар), унга деҳқонлар, майда савдогарлар, ҳунармандлар кирардилар, 2) «чёнин» (пасткашлар) тоифасига қуллар билан биргаликда «ифлос» ҳисобланган бир қатор касбларнинг вакиллари: акробатлар, қамоқхона хизматчилари, фоҳишалар, кўча тозаловчилар ва жамоат жойларидаги хизматкорлар, қассоблар ва бошқалар кирардилар.

Ернинг олий мулкдори ҳисобланган қирол қиёфасида олий давлат ҳокимияти мужассам эди. У барча давлат ишларининг олий бошқарувчиси, ўз фуқароларининг ҳаёти ва мулки устидан чекланмаган ҳокимиятга эга эди.

Мамлакатни давлат имтиҳонлари – «кwaго»да танлаб олинадиган феодал амалдорлар гуруҳи бошқарарди. Амалда бу имтиҳонларни фақат имтиёзли тоифа вакилларигина топшира олардилар. Барча фуқаро амалдорлари ва ҳарбий бошлиқлар даражаларга, унвонларга ажратилганди. Марказда маъмурий ҳокимиятни давлат олий кенгаши – «Ичжонбу» амалга оширарди, уни биринчи даражали учта амалдор ва унга бўйсунувчи тармоқлар: 1) давлат хизмати (амалдорлар); 2) молия; 3) маросимлар; 4) ҳарбий ишлар; 5) жиний ишлар; 6) жамоатчилик ишлари бўлимларидаги маҳкамалар бошқарарди. Маҳкамалардан ташқари пойтахтда яна ўнлаб турли хил идоралар ва ташкилотлар жойлашганди ва уларда Корейнинг қолган барча шаҳарларини бирга кўшиб ҳисобланганидан ҳам кўпроқ амалдорлар бор эди.

Корея маъмурий жиҳатдан саккизта вилоятга (Кйонгидо, Чунчйондо, Кванвондо, Чжалладо, Кйансандо, Хванхэдо, Хамгйондо,

Пхйонандо) ва 332 та округга бўлинганди. Ҳар бир вилоятни губернатор (гамса) бошқарар, унга округлардаги барча бошликлар бўйсунарди. Округ бошлиқларига қишлоқ бошқармалари бўйсунитарди. Қишлоқларни оқсоқоллар – тхонхжан бошқарарди, улар қишлоқнинг энг бой кишиларидан тайинланарди. Қишлоқ жамоасининг барча аъзолари (жамоа ичида эса – барча уруғдошлар)ни бир-бирларига ўзаро кафиллик боғлаб турарди. Ҳокимиятнинг барча амалдорлари жамоа ҳаёти устидан майдакашлик ва зулмкорлик билан назорат олиб боришарди. Улар солиқлар тўланишини, мажбуриятлар ва одатларга, маросимлар ўтказилиши шартларига риоя қилинишини қаттиққўллик билан кузатиб, барча усуллар билан деҳқонлар ҳисобидан бойлик орттирардилар.

Иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланиш бўйича янги даврдаги Корея Осиё ҳамда Шимолий Африканинг кўпгина мамлакатларидан орқада эди. Бунинг сабаблари XVI асрдаги феодал ғалаёнларда, лекин ундан ҳам кўпроқ равишда – япон ва манжур босқинларидан кейин деҳқонларнинг аҳволлари ёмонлашишида, унинг заминдорлар томонидан аёвсиз эзилганлигидан ва бунинг оқибатида, деҳқон хўжаликлари вайрон бўлганлигида эди. Умуман, деҳқонлар ва хунармандларнинг феодал эзилиши ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишини кечиктирди. Тез-тез бўладиган ҳосилсизликлар, оммавий очарчилик ва касалликлар юз минглаб кишиларнинг умрига зомин бўларди. XVII аср 50-йиллари бошларида (манжур босқини оқибатида) бутун Кореяни қамраб олган очарчилик рўй берди. Шимолий вилоятлар – Пхйонандо ва Хамгйондода XVII аср 80-йилларида аҳолини хонавайрон қилган сув босқинлари ва ёнғинлар бўлиб турди. XVIII асрдаги энг йирик офатлардан 1722 йили Чжечжюдо оролидаги очарчиликни ва 1751 ҳамда 1776 йилларда бутун мамлакатни қамраб олган очарчиликларни айтиб ўтиш мумкин. Очарчилик кўп сонли халқни пойтахтга томон қувди ва бундай ҳолатларда, исёнлар бўлишидан қўрққан ҳукумат, очарчилик қурбонларига ёрдам кўрсатарди. Бироқ бу ёрдам муҳтожларнинг юздан бирини ҳам қониқтирмасди. Очарчилик йилларида вабо ва ўлат касалликлари халқнинг бошига ёғилган офат эди. Фақат 1786 йилнинг ўзидагина вабодан 370 минг киши ҳалок бўлди (солиқ рўйхатига кўра 7 миллиондан ортиқроқ аҳолидан).

Аёвсиз эзишлар ва сиқувга олишлар деҳқонларнинг оммавий норозиликларини келтириб чиқарди. Деҳқонларнинг курашлари турли кўринишларда бўларди. Улар кўзғолонларда, айрим феодаллар ва амалдорларни ўлдиришда, солиқларни тўлаш пайтида рўйхатга олинган ерлардан оммавий қочишларида намоён бўларди. Афсуски, XVII–XVIII асрлардаги кўп сонли деҳқон кўзғолонлари корейс тарихчилари томонидан ҳанузгача яхши ўрганилмаган. Ҳозирча баъзи бир (балки энг муҳимлари эмасдир) деҳқон кўзғолонлари ҳақидаги оддий хабарларгина маълум, холос. Уларга Кончжу шаҳрида (Чунчйондо вилоятида) 1644 йили бўлиб ўтган катта исённи, 1684 йили қандайдир диний мазҳаб томонидан уюштирилган, «иложи борича кўпроқ аёнларни ўлдиришга» чорлаган кўзғолонни ёки ниҳоят, XVIII аср бошларида Чжоллодо вилоятидаги ерсиз деҳқонларнинг кўзғолонини киритиш мумкин. Халқ қаршилигининг ва ижтимоий қарама-қаршиликлар кескинлашишини бевосита, XVIII аср бошларида ҳокимиятнинг деҳқонларга қарши жазо чораларини кучайтирганлигини кўрсатиш мумкин.

XVI асрда Корейнинг сиёсий ривожланиши. XV аср охиридан марказлашган феодал давлатни заифлаштирувчи инқироз жараёнлари сезила бошлади. Сиёсий ҳолатнинг ёмонлашишига иқтисодий характердаги, энг аввало, аграр муносабатлардаги ўзгаришлар бевосита таъсир кўрсатди. Феодал аёнлар ва маҳаллий заминдорларнинг ерларни эгаллаш ҳоллари кўпайиб, давлат ер эгаллигининг тарқоклашиши рўй берди, маҳаллий феодал ер эгаллиги эса амалдаги (ҳуқуқий расмийлаштирилмаган бўлса ҳам) мулк белгиларини ола бошлади. Феодалларнинг кучайиши билан марказий ҳукуматнинг позицияси заифлашиб борди.

Ҳокимият аёнлар қўлида жамланди, бу эса мамлакатдаги зулм ва зўравонликни янада оширди. Бунга жавобан халқнинг норозилиги ошиб борди.

XVI асрда йирик деҳқон кўзғолонлари бўлмаган бўлса ҳам, деҳқонларнинг қочиб кетишлари, мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлашлари, мулкдорларнинг кўрғонларига ўт кўйишлар кўпайди.

Умуман олганда, инқирознинг умумий чуқурлашиб бориши билан бир қаторда ижтимоий қарама-қаршилик ҳам кўп қарра ошиб борарди ва заифлашган мамлакат ташқи босқинчилар учун тобора кўпроқ ёқимли лукмани эслатарди.

Япониянинг 1592–1598-йиллардаги тажовузи. Марказлашган мамлакатнинг аста-секин заифлашиб бораётганлиги XVI асрда шимолий ва жанубий чегаралардаги қўшинларнинг тажовузларига сабаб бўлди. 1580-йилларда шимолдан чжурчженларнинг босқинлари кўпайди ва, айниқса, жанубда Япония томонидан хавф кучайди.

1592 йилнинг май ойида Япониянинг 200 минг кишилик қўшини Пусан ҳудудига тушди ва корейс қўшинлари қаршилигини енгиб, 20 кундан кейин Сеулни эгалладилар, ёзнинг ўрталарида Пхеньянни олдилар, шимоли-шарқда эса Тумаган дарёсига чиқдилар. Мамлакатнинг катта қисми, аҳоли билан шафқатсиз муносабатда бўлаётган япон қўшинлари томонидан босиб олинди. Бу ваҳшийликларга Япониянинг Киото шаҳридаги «қулоқлар қабри» исбот бўла олади, унга ўлдирилган корейслардан кесиб олинган 30 мингта қулоқлар ва бурунлар кўмилган.

Мамлакатда халқ уруши бошланди. Босиб олинган ҳудудларда «ҳақ иш учун» халқ партизан гуруҳлари тузилди. Шуниси характерлики, халқнинг қаршилигини ҳукумат қўллаб-қувватламади. Халқ қўшинларининг ҳаракатларига Ли Сунсин (1515–1598) кўмондонлиги остидаги корейс флотининг ғалабалари далда бўлди. 1592 йилнинг ёзида Ли Сунсиннинг флоти япон флотини тор-мор қилди ва Хансандо ороли яқинидаги жанг (1592 йилнинг августи) урушдаги бурилиш нуқтаси бўлди. Бу ва бундан кейин Ангалихо порти яқинида бўлиб ўтган жангда юзта душман кемаси чўктирилди ва 9 мингдан ортиқ денгизчилар йўқ қилинди.

Шундан кейин бўғозда корейс флоти ҳукмронлик қила бошлади. 1592 йилнинг охирида 50 минглик Хитой армиясининг ёрдамга келганлиги босқинчилар билан курашни енгиллаштирди. 1593 йилнинг февралида Хитой ва Корейс қўшинларининг бирлашган қўшинлари Пхеньянни озод қилдилар. Япон қўшинлари мамлакатнинг шимоли-шарқий қисмидан ҳам чекиндилар, 1593 йилнинг май ойида шаҳарга ўт қўйиб Сеулни ҳам ташлаб чиқдилар. Японлар фақат мамлакат жануби-шарқий қисмининг энг чеккасида, Пусан ва Ульсан ҳудудларида туриб қолишга муваффақ бўлдилар. Хидэёси ҳукумати тинчлик ҳақида музокаралар бошлашни таклиф қилди.

Бироқ япон феодаллари (шу жумладан Хидэёсининг душманлари ҳам) Кореяда ерларга эга бўлиш умидида музокараларни чўзардилар, бу вақтдан эса ҳарбий ҳаракатларни янгидан бошлаш учун тайёргарлик кўришда фойдаландилар. 1597 йилнинг бошла-

рида Кореяга японларнинг янги кучлари келди ва қайта ҳужумни бошлади. Бироқ бу сафар Корея душман ҳужумларини қайтаришга анча яхши тайёрланганди. 1597–1598 йиллари озодлик урушини яқунлаш имконини берувчи ғалабаларга курукликда ҳам, денгизда ҳам эришилди. XVII аср бошларида япон томонининг ташаббуси билан тинчлик ҳақида музокаралар олиб борилди. Тинчлик шартномаси тузилиши билан Пусан порти орқали Япония билан Корея ўртасида савдо ўрнатилди, шунингдек, элчилар ва совғалар ҳам алмашилди.

Корея XVII аср биринчи ярмида. Манжурларнинг бостириб кириши. Японларнинг босқини мамлакатни даҳшатли харобаликка олиб келди, улкан маънавий ва моддий йўқотишларга сабаб бўлди. Кўпгина ҳудудларда фақат вайрон қилинган шаҳар ва қишлоқларнинг қолдиқларигина қолганди, холос. Уруш йилларида Корея пойтахтининг аҳолиси икки баробар қисқарди. 1611 йилги кадастр¹га биноан ҳайдаладиган ер майдонлари фақат 541 минг² кёлни ташкил қиларди, урушгача бундай ерлар 1 млн 708 минг кель эди. Ер майдонларининг кескин қисқарганлиги фақат уруш пайтидаги вайронгарчиликлар оқибати эмас, ҳарбий даврнинг қийинчиликларидан фойдаланиб қолган феодаллар давлат ерларининг анчагина қисмини эгаллаб олганликлари ва бу ерларни солиқ кадастрига киритишдан яшириб қолганликларининг ҳам оқибати эди.

1608 йили шахзода Кванхэ тахтга ўтириши билан «катта шимолий тўда» («партия») нинг ҳукмронлиги ўрнатилди ва у ўзининг барча рақибларини кириб ташлади. Ёмон ниятли бу галанинг вакиллари ҳеч тортинмасдан талончилик қилар ва давлат солиқлари ҳамда тўловларини ҳаддан зиёд оширарди. Вайрон қилинган саройларни қуриш учун пойтахтга кўп минглаб деҳқонларни қувиб келдилар. Порахўрлик ва амалдорлар орасида жиноятчилик авжига чиқди.

«Шимолий тўда» сиёсатидан кўпчиликнинг норозилигидан, Кванхэни ағдарган ва тахтга қирол Инджони (1623–1648) чиқарган «гарбий тўда» фойдаланиб қолди. Аммо ишонтиришларга ва сажий ваъдаларга қарамасдан, солиқлар ва феодал мажбуриятлар юки

¹ *Кадастр* – бирор нарса ҳақида маълумотлар тўплами, бирор нарсанинг рўйхати.

² *Кель* – ер ўлчов бирлиги. Дастлаб галла ҳосили ҳажмини билдирган бўлиб, 10 минг кв. фут ердан олинадиган галла ҳажмига тенг бўлган.

камаймади. Бу орада янги ташқи хавф пайдо бўлди: манжурлар (чжурчжэнь) давлати юксалди.

Хитой билан урушаётган манжурлар Кореяни ҳам бўйсундиришга уринардилар. 1627 йилнинг қишида 30 минг кишилик манжур армияси Кореяга бостириб кирди ва корейс қўшинларининг қаршилигини енгиб, Ийджу, Квансан, Анджу ва бошқа шаҳарларни эгаллаб олди ва талади. Манжурларнинг бундан кейинги олға силжишлари сари корейс ҳукумати аста-секин Канхва оролига қочиб ўтди ва у ердан туриб босқинчилар билан музокаралар олиб борди.

Манжурлар тезда тинчлик шартномаси тузишга рози бўлди. Корея Хитойнинг ёрдамидан ва иттифокчилик муносабатларидан воз кечиши керак эди, шунда манжурлар Кореядан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетиш мажбуриятини олдилар. Бу тинчлик манжурларнинг янги ҳужумларига қадар нафас ростлаш бўлиб чиқди, лекин корейс феодаллари бундан мамлакат хавфсизлигини таъминлаш учун фойдаланиб қолмади.

1636 йили энди 140 минг кишилик манжур қўшинлари Кореяга бостириб кирди. Манжурлар Сеулни эгаллашга муваффақ бўлдилар, кейин корейсларнинг қироли яшириниб олган тоғли Намхан кўрғонини қамал қилдилар. Қирол ва корейс қўшинлари таслим бўлди. 1637 йилдаги янги шартномага кўра Кореянинг вани ўзини Цинлар императорининг вассали деб тан олди. Корейс ҳукумати Минлар сулоласи билан ҳар қандай муносабатларни тўхтатиш ва манжурларга қўшин, қурол-аслаҳа, кемалар билан Хитойга қарши бўлажак урушда ёрдам бериш, ҳар йили олтин, кумуш, гуруч, ипак, матолар ва қоғоз билан ўлпон тўлаб туриш мажбуриятини олди.

Манжур босқини натижасида, ҳали японларнинг босқинидан ўзига кела олмаган Корея, янги вайронгарчиликларга дучор бўлди. Кўпгина шаҳарлар ва қишлоқлар таланган ва вайрон қилинганди, уларнинг аҳолиси эса қулликка ҳайдаб кетилганди. Қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчиликка катта зарар етказилди. Ғолибларга бериладиган улкан ўлпон хонавайрон аҳолига оғир юк бўлди. Буларнинг барчаси ишлаб чиқарувчи кучларнинг инқирозига олиб келди ва Кореянинг оғир иқтисодий ҳолатини чуқурлаштирди.

Ижтимоий-иқтисодий инқироз ва мамлакатда ислохотчилик уринишлари. Феодал тизимнинг инқирози фақат деҳқонларнинг оммавий ҳаракатларидагина эмас, феодалларнинг ўзлари учун эскича бошқаришнинг имкони йўқлигида ҳам намоён

бўлаётганди. Ана шуни англаш ўзига хос аслзодалар мухолифати пайдо бўлиши учун асос яратди. Мухолифатлик кайфиятлари ва ғоялари одатда аслзодалиқнинг ҳокимиятдан четлатилган, даромадли ўринларга ҳам, етарлича ерга ҳам эга бўлмаган қисмида пайдо бўларди. Аммо бу ғоялар эски тузумни ағдаришга эмас, уни ислохотлар йўли билан янги вазиятларга мослаштиришга йўналтирилган ғоялар эди.

Мухолифат юз йиллар аввал эски одатлар ва тартибларни мустаҳкамлаш учун шакллантирилган конфуцийлик таълимоти тафтиш қилишга чақирарди. Улар амалий фанларни (астрономия, математика, агрономия) ўрганишга чорлардилар, Европа мамлакатларининг, хабарлари Хитой орқали етиб келаётган, илмий ва техник ютуқларидан фойдаланишлари учун жон куйдирардилар ва ниҳоят, баъзи бир иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар зарурлигини кўрсатардилар. Аслзодалар орасида «аниқ фанлар учун ҳаракат» (сирхак) номини олган ғоявий оқим учун характерли бўлган асосий белгилар ана шулардан иборат эди.

Сирхак ҳаракатининг йўлбошчиси жанубликлар партиясидан бўлган бой аслзода – Лю Хйон Вон (1622–1673) эди. Бундан кейинги ислохотчилик уринишлари кўп жиҳатдан унинг ғояларига асосланганди. Ғарбий партиянинг ҳукмронлик даврида Лю Хйон Вон (тахаллуси Танге) сиёсий ҳаётдан йироқлашди ва ўз мулкида жойлашиб, ўзини адабий ва амалий машғулотларга бағишлади. У кулларни ва деҳқонларни ҳарбий ишга ўргатди ва уларни чет элликлар бостириб кирадиган ҳолатларга тайёрлади. У ўз кемаларига эга эди ва Хитой билан денгиз алоқалари ўрнатишга уринарди. «Танге Сурок»да (Танге ёзувларида) у ўзгаришлар зарурлигини очиқ айтганди. Маданият ва маорифни ривожлантириш лойиҳалари билан бирга у «ҳокимиятдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишларни тугатиб, мамлакатни соғломлаштириш»га олиб келадиган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар дастурини олға сурди.

XVIII аср охирларида Кореядаги ижтимоий тараққиёт. XVIII аср охирларида Кореядаги ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий онгда янги ҳолатлар кўзга ташланади. Улар мамлакатда XVII–XVIII асрлар давомида рўй берган иқтисодий силжишлар билан боғлиқ эди. Феодал муносабатларнинг тўсиқ бўлишига қарамасдан, мамлакатда маҳаллий бозорлар шаклланди, Тэгу шаҳридаги ярмарка каби умуммиллий аҳамиятга эга бўлган савдо марказларининг даст-

лабки кўринишлари пайдо бўлди. Хитой ва Япония билан ташқи савдо алоқалари кенгайди, шаҳарларда савдогарлар қатлами кенгайди. Шаҳардаги савдо-хунармандчилик билан шугулланувчи аҳолининг манфаатларини кўзлаб, конфуцийлик билан алоқани узган ёзувчилар ва олимларнинг фаолиятлари ривожланди. «Сирхак» (реал фанлар учун) оқимини ва унинг энг илғор қисми – «пукхак» (Шимолдан, яъни Хитойдан таълим олиш учун) гуруҳини ташкил қилувчи кўнчилик ёзувчиларнинг фаолиятлари XVIII аср охири – XIX аср бошларига тааллуқли. Янги бадий адабиётнинг асосчиси Пак Чжи Вон, ажойиб математик ва астроном Хон Дэ Йон, шунингдек, бошқа бир қатор ёзувчилар ва олимлар ҳам ана шу оқимдан эдилар. Бу гуруҳга конфуцийлик таълимотига салбий муносабат ва ўзгаришларга интилиш хос эди. Улар ўз цивилизацияси билан ғурурланадиган Корея, ҳатто «ёввойи» манжурлар Хитойидан ҳам ўрганиши зарур деб ҳисоблардилар. Пукхак тарафдорларининг фикрларига кўра, Хитойнинг ютуқларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини юксалтириш, савдони ривожлантириш, Кореяни гуллаб-яшнаётган мамлакатга айлантириш учун зарурий шартлардан эди.

Йонихон уезди бошлиғи Пак Чже Га 1799 йилни киролга йўллаган номасида бу оқимнинг ижтимоий-иқтисодий ғояларини жуда кенг баён қилган. Пак Чже Га деҳқонларнинг оғир ва ҳақ-ҳуқуқсиз аҳволларига кўп эътибор қаратарди ва шундай хулосага келади: «Агар ҳаммаси ҳозиргидек қоладиган бўлса... унда бундан кейин бир кун ҳам яшашнинг иложи қолмайди, чунки бу каби ҳолат барча худудларда ва бутун мамлакатда мавжуд». Шунинг билан бирга, у мамлакатни инқироздан чиқаришнинг кенг дастурини таклиф қилди. Дастурни амалга оширишнинг асосий шарти эса жиловсиз эксплуатациянинг юмшатилиши эди.

Феодализмга қарши йўналиш 18 йил умрини сургунда ўтказган, сирхакнинг энг йирик вакили Дйон Як Йоннинг (1762 йил туғилган) илмий асарларида жуда ёрқин баён қилинган. Унинг асарларида, айниқса «Кул қилинган халқ ҳақида китоб»да мавжуд тузум қаттиқ танқид остига олинади.

Шундай қилиб, аслзодалиқнинг муҳолифатлик қатламларида пайдо бўлган сирхак ва рукхак фақат мавжуд тузумни танқид қилибгина қолмасдан, янги ижтимоий воқеаларнинг даракчилари ҳам бўлдилар. Бироқ Кореянинг қолоқлиги ва янги ижтимоий тузум

унсурларининг заифлиги туфайли бу ғоялар кенг тарқала олмади. Бундан ташқари, Европанинг илғор илмий ғояларини қабул қилар эканлар, ҳатто феодал зиёлиларнинг энг илғор вакиллари ҳам христіан миссионерларининг таъсири остига тушиб қолдилар, уларнинг фаолиятларида мамлакатни қарам қилишга бўлган яширин тайёргарликни кўра олмадилар.

Қирол Йончжон (1725–1776) даврида ҳокимиятда бўлган норонлар феодал эксплуатацияни тартибга солишга ва оғир аҳволда бўлган суғориш тизимини тиклашга янги уринишларни амалга оширди. Тез-тез бўлиб турадиган қурғоқчилик ва оммавий очарчилик туфайли ҳукумат суғориш тармоқлари: тўғонлар, сув омборлари қуриш, очарчилик ҳолати учун махсус дон омборлари ташкил қилиш билан шуғулланди, шунингдек, гуручдан спиртли ичимликлар тайёрлашни ман қилишга ва баъзи бир давлат солиқларини бекор қилиш ёки камайтиришга мажбур бўлди. Сўроқ қилиш пайтида кийноқнинг энг оғир турлари (оёқларни синдириш) ҳам ўша пайтда бекор қилинганди. Қирол Йончжон даврида деҳқонларнинг заминдорларга шахсий қарамлигини бекор қилиш ва кул аёлнинг невараси озод инсон бўлиши ҳақида декларация (лекин у фақат қогозда қолди) эълон қилинди. Заифлашаётган феодал тузумни мустаҳкамлашга бўлган бу уринишлар 1785 йилда тузилган, «Қонунларнинг буюк тўплами» деб номланган ҳужжатда ўз ифодасини топди. Бу ҳужжатда феодал эксплуатацияни қонун томонидан ўрнатилган маълум бир тартиблар орқали чеклашларга уриниш ифодаланган.

* * *

Хуллас, заминдорлар ва амалдорлар ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида қилинган қисман ён беришлар, мамлакатдаги бутун феодал тизимнинг чуқур инқирозини тўхтата олмади. Мамлакат Хитой, Япония, Россия ва Европа давлатларининг мустамлакачилик объектига айланиб борди.

XXIII боб бўйича саволлар

1. Янги давр бошларида Кореяда ерга эгалик қилиш шакли ва ижтимоий тузумнинг қандай ўзига хос жиҳатларини ажратиш кўрсатиш мумкин?
2. XVI асрда Кореяда юз берган қайси сиёсий жараёнлар марказий ҳокимиятнинг заифлашувига олиб келди?

3. XVI аср охирларида Кореяга японлар тажовузининг сабаблари нимада эди ва у қандай оқибатларга олиб келди?
4. XVII асрдаги манжурлар босқини Кореянинг сиёсий ривожланишида қандай оқибатларга олиб келди?
5. XVII асрда сирхак ҳаракати вакиллари томонидан олға сурилган ислохотлар корейс жамиятида қандай ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган эди?
6. XVIII асрда Кореяда амалга оширилган ислохотлар жамиятда қандай ўзгаришларга олиб келди?

XXIV БОБ. XVI–XVIII АСРЛАРДА МЎЎУЛИСТОН

Янги даврга Мўғулистон ўзининг аввалги қудратини йўқотган, жанубий Сибирдан Буюк Хитой деворигача ҳамда Хинган тоғидан Тянь-Шань этакларигача бўлган катта ҳудудда жойлашган, бир-бири билан доимий урушаётган ҳудудлардан иборат тарқоқлик ҳолатда кириб келди. Аҳолининг асосий машғулоти чорвачилик бўлиб, об-ҳавонинг ноқулайлиги ва ернинг унумсизлиги сабабли деҳқончилик ривожланмаган эди.

Давлат тепасида расман умуммўғул хони турарди. Хон ҳокимиятининг белгиси бўлиб 1288 йилдан 1380 йилгача Хитойда ҳукмронлик қилган Юань сулоласининг муҳри ҳисобланарди. XV аср охирида умуммўғул хони Даян-хон ўзини «Да Юань Да Кэхань» (Буюк Юань империясининг Буюк хони) деб эълон қилди ва бу билан шу сулоланинг вориси эканлигини яна бир бор таъкидлади.

1543 йили Даян-хон вафот этди. Бу ҳодиса Мўғулистоннинг сиёсий тарихида ўзига хос бурилиш нуқтаси бўлиб, шундан кейин мамлакатнинг таназзулга юз тутиш жараёни кучайди. Даян-хоннинг катта ўғиллари ҳукмронлик қилаётган Мўғулистоннинг жанубий қисми ажралиб чиқа бошлади. Бу ҳудудлар Хитой билан яқин алоқа ўрнатган эди.

Мўғулистоннинг шимолий қисми ҳам ажралишга мойил бўлиб, бу ерлар Даян-хоннинг кичик ўғли Герсэндзэга қарашли ва Халха деб аталаётган эди.

Манжурлар XVII аср ўрталарида, ҳали Хитойни эгаллашларидан олдин Мўғулистоннинг жануби-шарқий қисмини босиб олишга ҳаракат қилдилар. Ҳокимият тепасида турган Лигдан-хон манжурларга қарши минлар билан иттифок тузди. Бироқ иттифокчилар мағлубиятга учраганларидан сўнг, 1634 йили манжурлар импера-

тори Абахай Жанубий Мўғулистоннинг хони деб эълон қилинди. Халха мустақиллигини сақлаб қолди ва бу ҳол манжурларни қаноатлантирмас эди. Халхаликлар эса манжурларнинг ҳужумидан сақланиш учун ойратлар билан иттифок тузди ҳамда Абахайга совға-саломлар юборди.

Шундай қилиб XVII аср бошларига келиб мўғул қабилалари жойлашган учта асосий ҳудудни ажратиш мумкин – Жанубий (Чахар), Шимолий (Халха) ва Ғарбий (Ойрат).

Чингизхон замонидаёқ Мўғулистонга кириб келган буддавийлик янада кенгрок тарқалди. Буддавийликнинг турли йўналишларидан XVI аср ўрталарига келиб Мўғулистонга Тибетдан кириб келган ламаизм ҳукмрон дин сифатида ўрнатилди. 1578 йили Тибетнинг олий ламаси билан Жанубий Мўғулистон ҳукмдорлари ўртасида бўлиб ўтган музокаралардан сўнг Хитойга қарши ўзига хос тибет-мўғул иттифоқи шаклланди. Алтанхон Тибетнинг диний раҳбарини Далай-лама (Донишмандлик уммони) унвони билан сийлади.

1586 йили Алтанхоннинг чевараси Тибетнинг бош ламаси қилиб сайланди. Бу ламаизмни мўғул бошқарган биринчи ва ягона ҳолат эди.

Тез орада Халха ҳукмдори Абатай ҳам ламаизмга ўтганлигини эълон қилди ва Мўғулистондаги дастлабки дацанлар (ламаизмда ибодатхона шундай аталади) қурилди. 1642 йили Тушету хоннинг ўгли Ундур Мўғулистон ҳудудидаги барча дацанларнинг бошлиғи этиб тайинланди.

Ламаизм билан бирга мўғул маданияти ва ёзуви ривожланди. Дацанлар қошида мактаблар очилиб, маълумотли кишилар тайёрлаш ўчоғига айланди. Бошқа томондан, дацанлар ўз қаторига ҳар йили кўплаб эркакларни оларди ва бу ҳол Мўғулистоннинг иқтисодий ривожланишига салбий таъсир этмасдан қолмади.

Жўнғор хонлигининг ташкил топishi. XVI аср охири – XVII аср бошларида Ғарбий Мўғулистонда алоҳида давлат вужудга келиб, Жўнғор хонлиги номини олди. Россия ва Хитойнинг манфаатлари кесишган ерда жойлашган бу давлат Марказий Осиёдаги халқаро муносабатларда муҳим роль ўйнади.

Ноқулай кўшнилар куршовида жойлашганлик Жўнғор хонлигининг иқтисодий ва ички сиёсий ҳолатига таъсир этмасдан қолмади. Мамлакатда аста-секин ҳукмронликни Чорос уруғи эгаллаб олди

ва ўз сафидан Харахулни хон қилиб кўтаришди. Норози бўлган бир гуруҳ зодагонлар ўз қавмлари билан Жўнғордан кўчиб кетдилар. Кўчиб кетганлардан бир гуруҳи кейинчалик қалмиқлар бўлиб шаклландилар ва Россияга тобеликни тан олдилар. Жўнғорда қолган мўғуллар 1635 йили Харахули вафотидан сўнг унинг ўгли Батурхунтайжи бошчилигида манжурларга қарши бирлашдилар. Шу сана Жўнғор давлати ташкил топган вақт ҳисобланади.

Жўнғор давлати ташкил топганлигидан норози бўлган бир қисм ойратлар Волга бўйига, Кўкинорга кўчиб кетдилар ҳамда мустақил ойратлар хонлиқларини ташкил қилдилар. Хитой ва манжурларга қарши кайфиятга қарамасдан ойратларнинг ташқи сиёсатидаги бош йўналиш Шарқий Туркистон бўлиб қолди.

XVII аср 40-йилларида Жўнғор хонлиги Мўғулистоннинг шарқий ҳудудларини Чалиш ва Турфондан бошлаб босиб ола бошлади. Кейин Кирия, Оксув, Қашқар ҳудудларига бостириб кирди. Етти сувнинг шарқий қисмидан қирғиз ва қозоқларни сиқиб чиқарди. Айтиш мумкинки, бу пайтга келиб хитойликларга қарши тура оладиган турк-мўғул этник бирлиги шаклланган эди.

Маҳаллий ойрат аҳолисининг бир қисми ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтди, шаҳарлар қура бошлади. Қонунлар тўплами – «Цааджин бичик» ишлаб чиқилди ва алоҳида ойрат ёзувини жорий қилишга ҳаракат қилинди. Бу ойратларни цинлар таъсирига тушиб қолган ва Шарқий Туркистон халқлари билан яқинлашиб кетган бошқа мўғул уруғларидан анча узоқлашганлигидан далолат беради.

1690 йили цинлар билан жўнғорлар ўртасида бошланган уруш бутун XVIII аср биринчи ярмида давом этди. 1755 йили Амурсана бошчилигида кўтарилган кўзғолонни бостириш чоғида цинлар қўшини томонидан Жўнғор хонлигининг ўша пайтдаги ҳамма аҳолиси қириб ташланди.

* * *

1758 йили Жўнғор хонлиги тугатилди. Унинг ерлари Хитой империяси таркибига қўшиб олинди.

XXIV боб бўйича саволлар

1. Даян-хон вафотидан сўнг Мўғулистонда қандай сиёсий жараён бошланди?

2. Ламаизм динининг кириб келиши Мўғулистонда маданиятнинг ривожланишига қандай таъсир кўрсатди?
3. Жўнгор хонлигининг ташкил топиши ва инқирозининг асосий сабаблари нимада эди?

XXV БОБ. XVI–XVIII АСРЛАРДА ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ

Жануби-Шарқий Осиё географик атама бўлиб, унга, одатда, Вьетнам, Камбоджа, Лаос, Мьянма (Бирма), Индонезия, Тайланд, Филиппин, Малайзия, Сингапур ва Бруней киради.

Бу мамлакатларнинг Янги даврдаги тарихи (Тайланддан ташқари) аниқ икки босқичга – мустамлакачиликкача ва мустамлака даврларига бўлинади. Баъзи бир хронологик ўзгаришларни айтмаганда, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жабҳалардаги жараёнлар характер жиҳатидан бир-бирига жуда яқин.

Жануби-Шарқий Осиё халқларининг тарихий тақдирида мустамлакачилик омили масаласи баҳсли ҳисобланади. Айрим тадқиқотчилар Ғарбнинг «цивилизация олиб келганлиги»га, бу ерда яшаётган халқларни Европа фани ва маданияти ютуқлари билан таништирганлигига урғу берсалар, бошқа бир тадқиқотчилар ғарбликларнинг ҳукмронлигида фақат салбий томонларнигина кўради ва асосан, мавжуд қолоқ иқтисодий-ижтимоий тизимнинг сақланиб қолишида уларни айблашади.

Ушбу муаммо билан боглиқ яна бир муҳим жиҳат диний омил ҳисобланади. Жануби-Шарқий Осиё минтақасида Янги даврда қуйидаги динлар кенг ёйилди: буддизм (Ҳиндихитой давлатлари, Бирма ва Тайландда), ислом (Индонезия, Малайзия, Бруней ва Филиппиннинг жанубида), христианликнинг католик мазҳаби (Филиппин ва Вьетнамнинг жанубий қисмида). Бундан ташқари тарихшуносликдаги яна бир алоҳида, анчагина баҳсли муаммо католик черковининг миссионерлик фаолияти, унинг ўрганилаётган халқлар тарихий тақдиридаги зиддиятли роли муаммосидир. Ушбу масалада ҳам тарихчилар ўртасида ягона қараш мавжуд эмас.

Вьетнам. Ҳозирги Вьетнамнинг шимолий қисмида 1069 йили пайдо бўлган Дайвьет давлати Янги давр бошларида ўзининг энг юксалган даврини бошдан кечираётган эди. 1428 йилдан бери ҳокимиятда турган вуа (олий ҳукмдор) Ле сулоласи вакили Ле Тхань

Тонг даврида Вьетнамда абсолют монархия ўрнатилди. Қишлоқ хўжалигининг яхши ривожланганлиги сабабли XV асрда Дайвьетда юқори ҳосил олинган ва деярли очарчилик бўлмаган. Жамоа ерлари деҳқонларга тегишли бўлиб, ҳар олти йилда бир марта қайта бўлинар, деҳқонлар тўғридан-тўғри давлатга солиқ тўлар, бу эса, ўз навбатида, деҳқонлар меҳнатини рағбатлантирар эди. Бундан ташқари хусусий ер эгаллиги ҳам мавжуд бўлиб, улар ўз ерларини жамоа ерлари ҳисобига кенгайтириб бориш имкониятига эга эди. Бу ҳол Дайвьетнинг кейинги ижтимоий-иқтисодий ривожда сезиларли роль ўйнади. Ҳунармандчилик ва қазилма бойликлардан фойдаланиш ривожланди. Унча катта бўлмаган ҳажмдаги ташқи савдо марказий ҳокимият назоратида турарди. Ташқи савдонинг суст ривожланганлиги Вьетнам ҳудудида зияворларнинг йўқлиги ва чет эл кемалари учун қулай портларнинг мавжуд эмаслигида эди. Шу даврда вуаларнинг олий ҳокимиятини эътироф этувчи қонунлар тўплами шаклланди.

1471 йили Дайвьетга ҳозирги Вьетнамнинг Марказий ва Жанубий қисмларида жойлашган Чампа (Тямпа) давлати қўшиб олинди. Жанубда шаҳарсозлик, қишлоқ хўжалиги ва савдо тез ривожланди, ерга давлат эгаллиги мустаҳкамланди, ирригация иншоотлари кенгайди, ички ва ташқи савдо ривожланди. Конфуцийлик расмий мафкура бўлиб қолди.

XVI–XVII асрларда Дайвьет. XVI аср бошларида қишлоқ хўжалигидаги давлат ва хусусий секторлар ўртасида зиддият сезила бошлайди.

XVI–XVII аср ўрталарида вьетнамлик зодагонларнинг учта энг кучли уруғлари – Мак, Чин ва Нгуенлар тўхтовсиз ўзаро уруш олиб бордилар. Улар ўртасидаги кураш 1510 йили бошланди. 1516 йили Дайвьетда будда руҳонийси Чан Као бошчилигида деҳқонлар қўзғолони бўлиб ўтди. 1517 йили қўзғолончилар мамлакат пойтахтини эгаллаб, ўз раҳбарларини тахтга ўтказдилар. Аммо у ўғли Чан Тханг фойдасига тахтдан воз кечди. Чан Тханг эса шимолий вьетнамлик саркарда Мак Данг Зунг томонидан мағлуб этилди. Мак Данг Зунг янги сулолага асос солди. Бу сулола 1592 йилгача хитойликларга тобе бўлиб, улар ёрдамида ҳокимиятда турди. 1592 йили ҳокимиятга яна Ле сулоласи вакиллари келади ва ўн йиллар давомида шимолий (Бакбо) ва жанубий (Намбо) қисмларга бўлиниб кетган давлатни яна бирлаштиради. Ле сулоласи вакиллари расман-

гина ҳокимият тепасида бўлиб, мамлакатни аслида Ле сулоласини тахтга қайтарган Чинлар бошқараётган эди. Вьетнамнинг жанубий қисмини Нгуенлар назорат қилаётган бўлиб, XVII аср бошларида улар ўзларининг давлатини туздилар. Лекин улар ҳам Ле сулоласининг ҳокимиятини тан олиб, ўзларини мустақил сулола деб эълон қилмадилар.

Нгуенлар ўз пул бирликларини жорий қилдилар ва қўшни давлатлар ҳамда Голландия, Португалия сингари мамлакатлар билан савдо алоқаларини йўлга қўйдилар. Дайвьетнинг жанубидаги Нгуенлар давлати Дангчаун деб, мамлакат шимолидаги Чинларга қарашли ерлар эса Дангнгоай деб атала бошлади.

XVI–XVII асрларда қишлоқда ўзгаришлар юз бериб, анъанавий қишлоқ жамоаси – са табақалана бошлайди. Дайвьет аграр мамлакат эди, аҳолисининг асосий қисмини шоли етиштириш билан шуғулланувчи деҳқонлар – вьетлар ташкил қиларди. Шаҳарларда ҳам асосан вьетлар яшарди, бошқа миллатлар вакиллари жуда камчиликни ташкил қиларди. Ҳиндихитойнинг бошқа мамлакатларидан фарқли ўларок, Дайвьетда доимий равишда ҳайдаладиган ерларнинг етишмаслиги сезиларди. Деҳқонлар шахсан озод ҳисобланиб, шолчиликдан ташқари балиқчилик, чорвачилик ва паррандачилик билан ҳам шуғулланишарди.

Янги даврнинг бошларида Дайвьетнинг ташқи алоқалари анча чекланган эди. 1535 йилдан португалияликлар ташқи савдо алоқаларини назорат қила бошладилар. Улар, хусусан, Нгуенлар ҳукмронлик қилаётган мамлакатнинг жанубий қисмига Кохинхина номини бердилар.

XVII аср 30-йилларидан Вьетнамни ўзлаштиришга голландияликлар киришдилар ва бир неча факторияларни барпо қилдилар. Ўзаро урушларда голландияликлар Чинларни, португалияликлар эса Нгуенларни қўлладилар, уларга куроллар сотдилар. 1643 йили голландияликларнинг кемалари Нгуенлар томонидан ўққа тутилди ва шундан кейин улар мамлакатда ўзларининг фаолиятларини яқунлашга мажбур бўлдилар.

XVII асрдан Вьетнамнинг Япония ва Хитой билан савдо алоқалари ривожланади. Шу даврда инглизлар Вьетнамга кириш учун биринчи уринишни амалга оширади. Аммо улар фақат 1672 йили биринчи факториясига асос солдилар. Саккиз йилдан кейин французлар ҳам шунга эришдилар.

Дайвьет XVII аср иккинчи ярми ва XVIII асрда. Нгуенлар билан Чинлар ўртасида 1627 йили бошланган уруш 1672 йилгача давом этди ва кейин қарийб юз йил бузилмаган тинчлик ўрнатилиши билан якунланди.

XVII аср 60-йиллари XVIII аср 20-йиллари Дайвьетда нисбатан барқарорлик йиллари бўлди. Айни пайтда мамлакат шимолида жамоа ерларининг камайиб кетганлиги сабабли секин-аста иқтисодий инқироз кучая бошлади. XVIII аср ўрталаридан Дангнгоада инқирознинг кескинлашуви сабабли олий ҳокимият бўш ерлар кўп бўлган ва инқироз кескинлашмаган жанубга таяна бошлади.

1774 йили туюа Нгуен Хитойнинг рухсатисиз ўзини вионг – мустақил ҳукмдор деб эълон қилди ва Камбоджа ерлари ҳисобига ўз худудини кенгайтиришга, маҳаллий аҳоли ўртасида вьетларнинг урф-одатлари ва маданиятини куч билан сингдиришга уришиб кўрди.

XVIII асрга келиб Вьетнамнинг ҳозирги чегараларида давлатнинг шаклланиши якунланди. Тараққиёт даражаси бўйича Вьетнам Жануби-Шарқий Осиёнинг энг бой ва ривожланган мамлакатлари қаторида турарди.

Ижтимоий-иқтисодий соҳада муҳим ўзгаришлар юз берди, давлат ерлари қисқариб, жамоа – са хусусий ер эгаларига қарам бўлиб қолди.

Ҳунармандчилик ва савдо ривожланди. Қизил дарёси соҳиллари ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг асосий худудига айланди.

Жанубда ерларнинг хусусий бўлишига қарамасдан, Меконг дарёси соҳилларида ҳали ўзлаштирилмаган кўриқ ерлар анчагина эди. Шу сабабли бу ерда аграр муносабатлар шимолдагига нисбатан анча муваффақият билан ривожланди.

XVIII аср ўрталаридан бошлаб солиқ юки оширилди, деҳқонларнинг хонавайрон бўлиши бошланди, инфляция даражаси ва нарх-наво ошиб кетди, чайқовчилик авж олди. Ташқи савдо ҳам инқирозга юз тутди.

Чинларга қарашли худудларда ҳам деҳқонларга қарашли ерларнинг катта ер эгаларига ўтиб кетиш жараёни авж олди. Натижада ер танқислиги вужудга келди. Солиқлар ва турли хил мажбуриятлар сони ошди. Давлат деҳқончилик учун яроқсиз ерлардан ҳам рента солиғи ола бошлади. Жамоалар аллақачон ўлиб кетган ёки иш излаб бошқа ерларга кўчиб кетган жамоадoshлари учун ҳам солиқ

тўларди. Натижада Чинлар ерида очарчилик бошланиб, минглаб одамлар ўлди, ундан ҳам кўпроғи қашшоқликка маҳкум қилинди.

Шундай қийинчиликлар натижасида деҳқонларнинг ғалаёнлари авж олди. 1737 йили пойтахт яқинида будда руҳонийси Нгуен Зионг Хинг раҳбарлигида кўзғолон бошланди. Бир йил кейин Тханьхоа провинциясида Ле Зуи Мат бошчилигида кўзғолон бўлиб, унинг иштирокчилари ҳокимиятни амалда Ле сулоласи вакилларига қайтариш учун кураш олиб бордилар. 1739 йили Намха ва Тхайбинь провинцияларида, 1740 йили Шонтайда, 1741 йили эса Хайзионг-Киенъан районида ва бошқа жойларда ҳам кўзғолонлар бўлиб ўтди. Хукумат кўшинларининг кўзғолончиларга қарши кураши то 1770 йилгача давом этди. Чинлар ижтимоий кескинликни юмшатиш мақсадида солиқлар ва мажбуриятларни камайтирди, деҳқонларнинг олдинги қарзларидан кечди. Шунга қарамасдан Чинлар режими ҳалоқат ёқасига келиб қолди.

1771 йили Вьетнам ҳудудида унинг тарихидаги энг йирик кўзғолонлардан бири – Тэйшенлар кўзғолони (1771–1801) бошланди. Кўзғолоннинг асосий кучлари мамлакатнинг тарқоқлиги ва марказий ҳокимиятнинг заифлигидан азият чекаётган деҳқонлар ва шаҳар аҳолиси бўлди. Кўзғолонга учта ака-ука – Нгуен Ньяк, Нгуен Хюэ ва Нгуен Ли бошчилик қилдилар.

Тэйшенлар ижтимоий муносабатларда тенглик ўрнатиш тарафдори бўлиб чиқдилар. Улар ердан фойдаланишни тенглаштириш, бой кишиларнинг мулкларини мусодара қилиш тадбирларини амалга оширди. Бироқ, ерга эгаллик қилишнинг аввалги тизимини бартараф эта олмадилар. Деҳқонлар бўш ерларга ишлов бериш, юқори солиқлар тўлаш ва давлат мажбуриятларини бажаришда давом этдилар.

Жанубда мустаҳкам жойлашган тэйшенлар 1783 йилдан шимолда ҳукмронлик қилаётган Чинларга қарши кураш бошладилар. Уларнинг шиори Ле сулоласининг «қонуний» ҳокимиятини тиклаш эди. Шунинг учун уларни фақат деҳқонлар эмас, амалдорлар, савдогарлар ва ер эгаларининг бир қисми ҳам қўлладилар. 1784 йили Сиам армияси Чинларга ёрдамга келди, бироқ Нгуен Хюэ кўшинлари томонидан тор-мор қилинди. Нгуен Хюэ шу пайтдан бошлаб Вьетнамда миллий қаҳрамон санала бошланди.

1786 йили тэйшенлар Фу Суан шаҳрини эгаллашди. Расман Ли сулоласининг ҳокимияти тикланди, аммо реал ҳокимият тэйшенлар қўлида қолаверди.

Ле Хиен Тонг вафот этгандан сўнг тахтга Ле Тиеу Тхонг келди ва тэйшенларнинг таъсиридан қутулишга ҳаракат қилди, аммо мағлубиятга учраб пойтахтдан қочди ва Хитойнинг Цин хукмдорларига ёрдам сўраб мурожаат қилди. Шу йилнинг декабрида Цинлар армияси Ле Тиеу Тхонг ҳамроҳлигида пойтахтга кириб келди. Бунга жавобан Фу Суанда турган Нгуен Хюэ ўзини Вьетнам императори Куанг Чунг деб эълон қилди ва ўзига содиқ кўшинларни Тханлонг шахрига жўнатди. Нгуен Хюэ кўшинлари 200 минг кишилик хитойликлар кўшинини енгиб, 1789 йил январнинг охирида Тханлонгга кириб келди. Шундан сўнг Хитой маъмурлари унинг ҳокимиятини тан олдилар.

Куанг Чунг ўзига қарашли ерларда ислоҳот ўтказишни бошлаб юборди. Давлатга қарашли ерларни мухтож деҳқонларга бўлиб беришни назарда тутувчи, деҳқончиликни рағбатлантирувчи фармон эълон қилинди. Ирригация иншоотларини тиклаш ишлари бошланиб, ҳайдаладиган ерлар майдони кенгайди. Кўплаб солиқлар бекор қилинди, ташқи савдога қўйилган чекловлар ҳам бекор қилинди ва ҳ.к.

1792 йили Куанг Чунг вафот этди, унинг ворислари эса мамлакатда у сингари катта таъсирга эга эмасди. Бир пайтлар халқ кўзғолонига раҳбарлик қилиб ҳокимиятга келганлар энди вьетнамлик зодагонларнинг янги қатламига айландилар. Халқ эса кечаги халоскорларидан тезда юз ўгирди.

Тэйшенлар томонидан ағдарилган Нгуенлар сулоласининг вакили Нгуен Фук Ань французлар билан келишиб, уларнинг ёрдамига таяниб, ўз атрофига норозиларни йиғади. 1792–1802 йиллари Нгуен Фук Ань тэйшенларни аввал Марказий Вьетнамдан қувиб чиқарди, сўнгра бутун мамлакатни бирлаштиришга эришди. У 1802 йили ўзини Зя Лонг номи билан Вьетнам императори деб эълон қилди. Зя Лонг томонидан Тханлонг шахрида асос солинган янги Нгуенлар сулоласи 1945 йил августгача ҳокимиятда турди.

Камбоджа. XVI аср бошларида Камбоджа буддавийлик ҳукмрон дин ҳисобланган монархия тузумидаги давлат эди. Монарх (Камбоджада сдат деб аталган) барча ерларнинг олий мулкдори саналган, у ва унинг оила аъзолари илоҳийлаштирилган. Монархга мурожаат қилинганда «Преах» (Муқаддас) ибораси қўшиб айтилган. Мамлакатдаги ҳукмрон гуруҳ амалдорлар, қирол (сдат)нинг қариндошлари, буддавий монахлик жамоасининг раҳбарлари –

сангхилардан ташкил топган. Камбоджа маъмурий жиҳатдан провинцияларга бўлинган. Шаҳарлар ўзини ўзи бошқариш тизимига эга бўлмасдан, қирол томонидан тайинланган амалдор томонидан бошқарилган. Ҳунармандлар, амалдорлар, ҳарбий хизматчилар, савдогарлар ва хизматкорлар шаҳарлар аҳолисининг асосини ташкил қилади. Пномпень – мамлакатнинг пойтахти, иқтисодий ва маданий маркази ҳисобланарди. Қишлоқларда деҳқонлар, асосан шоли етиштириш, чорвачилик ва балиқчилик билан шуғулланардилар. Деҳқонлар шахсан озод бўлиб, ишлов бериш шарти билан ерга эгаллик қилардилар.

XVI аср бошларида Камбоджа Осиё давлатлари ичида нисбатан ривожланган бўлиб, кучли армия ва флотга эга эди. Мамлакат четга олий навли гуруч, балиқ, фил суяги, олтин экспорт қиларди ва четдан матолар, ширинликлар, симоб ва бошқа товарлар олиб киларди.

XVI аср бошларидан кхмер зодагонларининг ўзаро кураши натижасида Камбоджа давлатининг инқирозга юз тутиш жараёни бошланади. Оқибатда деҳқон Най Кан бошчилигида деҳқонлар кўзғолони бошланади. Кўзғолончилар Пномпенни эгаллаб, 1502 йили қиролни тахтдан тушириб, қатл қилардилар. Бироқ қиролнинг укаси Анг Тян кўзғолончиларни енгиб, раҳбарларини қатл эттиради. Шундан сўнг тахтга келган Анг Тян 1510 йилдан Аютияга (ҳозирги Тайланд ҳудудидаги давлат) қарши уруш бошлайди. Бу уруш анча узок давом этди. Кхмерлар 1531 ва 1549 йиллари Аютия ҳудудига бостириб кирдилар, Прачин вилоятини таладилар, аммо бу ерда муқим ўрнашиб олишга эриша олмадилар. 1556 йили Аютия Камбоджага илгари олиб кўйилган Чантабун ерларини қайтариб беришга мажбур бўлди. Шундай қилиб Камбоджа ҳудуди ўзининг XIV асрдаги чегаралари бўйича тикланди. Аютияга қарши юришлар Баром Реатеанинг вориси Сатхе I даврида ҳам давом эттирилди.

Дастлабки христиан миссионерлар Камбоджада XVI аср ўрталарида пайдо бўлдилар, уларга ўз динларини тарғиб қилишга рухсат берилди. Бироқ маҳаллий аҳолининг кўпчилиги бу динга қизиқиш билдирмаганлиги сабабли миссионерлар тез орада қайтиб кетишди.

XVI аср охирида яна Камбоджанинг юксалиш даври бўлди. Мамлакатнинг янги пойтахти – Ловек шаҳри бунёд этилди, кўплаб монастирлар ва бошқа бинолар барпо этилди. Бироқ Аютия билан

давом этаётган уруш мамлакатга катта зарар келтирди. Пойтахт Ловек тай кўшинлари томонидан вайрон қилинди.

Мамлакатдаги ҳолатдан норози бўлган халқ кўзғолон кўтариб, қиролни ўлдиради. Бироқ ҳукумат кўзғолонни бостиришга эришди. Мамлакат пойтахти Удонг шаҳрига кўчирилиб, маъмурий ислохотлар ўтказилди.

XVII аср бошларида Камбоджа билан Аютия кучайиб бораётган Дайвьетга қарши бирлашишга ҳаракат қилдилар. Аммо тез орада Камбоджа қироли Чей Четта II нинг режаси ўзгариб, у Нгуенларнинг қизларидан бирига уйланди. Шу тариқа Камбоджанинг минтақадаги мавқеини анчагина мустаҳкамлашга эришилди.

XVII аср ўрталарига келиб Камбоджада ислом ва буддавийлик динлари тарафдорлари ўртасида келишмовчилик пайдо бўлди. Гап шундаки, тахтда ўтирган қирол Чан ислом динини қабул қилган бўлиб, бундан зодагонларнинг катта қисми норози эди. Натижада вьетнамликлар томонидан қўллаб-қувватланаётган Преах Батом Реатеа бошчилигидаги буддавийлик тарафдорлари ғалаба қилишди. Чан тахтдан ағдарилиб, Батом Реатеа ҳокимиятга келди.

XVII аср охирига келиб Камбоджанинг Вьетнам билан муносабатлари ёмонлашди. Мамлакатнинг Жанубий Вьетнам билан чегарадош ерларида вьетларнинг қишлоқлари пайдо бўлди. Улар деҳқончилик билан шуғулланиб, Камбоджа қиролига солиқ тўларди. Бироқ тез орада вьетлар жиддий сиёсий кучга ҳам айланиб, кхмер зодагонларига таъсир ўтказа бошлади. Уларнинг ҳарбий тузилмалари кхмерларнинг тахт талашувларида фаол иштирок этишар ва ўзларига маъқул талабгорни тахтга чиқариш учун курашардилар.

Камбоджа қироллари Вьетнамнинг таъсири кучайиб бораётганлигидан хавотирга тушишар ва мамлакат ичкарасида Дайвьет билан тил бириктираётган кучларга қарши курашишга ҳаракат қиларди. Аммо XVIII аср иккинчи ярмидан бошлаб то француз мустамлакачилиги ўрнатилгунга қадар (Камбоджа расман 1863 йили Франция протекторатига айланди) Камбоджа Вьетнам ва Сиамнинг икки томонлама сюзеренитети¹ остида бўлди.

Лаос. Янги давр бошларида ҳозирги Лаос ҳудудида ҳали 1353 йили ташкил топган, ўзига хос конфедерациядан иборат бўлган Ланг Санг давлати фаолият кўрсатарди. Бу давлат ярим мустақил ҳудудлардан иборат бўлиб, уларнинг марказий ҳокимият билан

¹ *Сюзеренитет* – сюзеренларнинг ўз вассалларига нисбатан олий ҳуқуқи.

муносабати «сюзерен-вассал» тамойилига асосланган эди. Олий ҳукмдор – тyaуcивит маҳаллий ҳукмдорлар – тyaумнангларнинг устидан назорат ўрнатган. Тyaумнанг ҳокимиятга келиш пайтида тyaуcивитга содиклик ҳақида қасамёд қабул қилган.

XV аср охирларида вьетнамликларнинг Миянг Пуен князлигига бостириб кириши ва Ланг Сангнинг пойтахтини босиб олиши натижасида Лаос давлати кучсизланиб қолди. Фақат қирол Потисарат (1530–1559) Сиамга қарши уруш олиб бориб ва Вьетнам билан тинчлик муносабатларини ўрнатиб, давлатни мустаҳкамлашга эришди. Потисарат вафотидан сўнг ҳокимиятга келган Тхао Саи Сетхатират 1560 йили Аютия билан иттифоқчилик шартномасини имзолади. 1563 йили мамлакат пойтахти Луанг Прабанг (Олтин Будда шаҳри) шаҳридан Вьентьянга кўчирилди. Шу даврда ҳозирги Бирма ҳудудида жойлашган Ава давлати билан уруш олиб борилди. Урушда лаосликлар муваффақиятсизликка учраб, XVI аср охирларигача бирмаликларга қарам бўлиб қолди.

1637 йили Сумин Вонгснинг ҳокимиятга келиши билан Ланг Санг яна кучли давлатга айланади. Унинг даврида бир қатор ислоҳотлар ўтказилиб, Ланг Санг минтақадаги бошқа давлатлар билан рақобатлаша оладиган марказлашган давлатга айланди. Сумин Вонгс ўз ҳукмронлиги йилларида Сиам ва Дайвьет билан дўстона муносабатлар ўрнатишга эришди.

Шу даврда Лаосга дастлабки европалик миссионерлар – голландларнинг келиши бошланади. Бироқ католик иезуитлар бўлган бу миссионерлар ҳеч қандай муваффақиятга эришмадилар.

1694 йили Сумин Вонгс вафот этди. У ўзидан ворис қолдирмади. Шу сабабли зодагон гуруҳларнинг вакиллари ўртасида тахт учун кураш бошланиб, Ланг Сангни ҳалокат ёқасига олиб келди. XVIII аср бошларида давлат бир неча қисмларга бўлиниб кетди. Шимолда Луанг Прабанг, марказда Вьентьян, жанубда Тямпатсак ва бошқалар. Буларнинг бир қисми Дайвьетнинг вассалига айланди.

1750 йили Луанг Прабанг ҳукмдори вьетнамликларга ўлпон тўлашдан бош тортади ва бундан норози бўлган вьетнамлик кўшинларнинг ҳужумини қайтаришга муваффақ бўлади.

XVIII аср ўрталарига келиб Лаос ерларига Бирма ўз қизиқишини намойиш қилди. Бирмаликлар Вьентьяннинг ёрдами билан 1753 йили Луанг Прабанг ҳудудига бостириб киришди. 1768 йили

Аютиянинг аралашуви билангина Луанг Прабанг бирмаликлардан озод қилинди. 1774 йили Аютия билан Луанг Прабанг ўртасида Бирмага қарши иттифоқ тузилди. Бунинг натижасида Луанг Прабанг Аютиянинг вассалига айланди. Шунингдек, Вьентьян ҳам 70-йилларнинг охиридан бошлаб Сиамга вассалликни тан олишга мажбур бўлди.

Мьянма (Бирма). XVI аср бошларида ҳозирги Мьянма (Бирма) худудида ягона марказлашган давлат мавжуд эмасди. Бирманинг марказий қисмидаги Ава давлати аҳолиси бирмаликлардан ташкил топган бўлиб, аҳолиси бирмалик бўлмаган халқлардан иборат шанлар, монлар ва каренлар давлатлари билан доимий уруш олиб бораётган эди. 1507 йили Ава ҳукмдори ерларининг бир қисмини шанларга беришга мажбур бўлди. Бироқ бу билан қаноатланмаган шанлар орадан йигирма йил ўтгандан сўнг Авани тор-мор қилиб, унинг монархини ўлдирдилар, аҳолининг анча қисми қул қилиб олиб кетилди, қолганлари эса тоғли ҳудуддаги Таунга князлигига қочиб кутилди.

Бирманинг шимолий ва марказий қисмини шанлар, жанубни – монлар, ғарбни – Аракон назорат қила бошлади. Бундай ҳолат бирмаликларни қаноатлантirmас эди. Шу сабабли Таунгу ҳукмдори Минжиньо Шимолий Бирмада ўз назоратини ўрнатиш учун кураш олиб борди. Кураш натижасида шанлар ва монларнинг бир қанча ерларини эгаллаб олишга эришди. Аммо бирмаликларнинг 1548 йили Аютияга қарши бошлаган уруши муваффақиятсизликка учраганлиги мамлакатда монлар қўзғолонига олиб келди.

Янги даврда монлар тақдири фожиали яқунланди. Уларнинг бирмаликлар билан кураши навбатма-навбат устунлик билан олиб борилди. Бироқ, XVI асрда бошланган ва XVIII асргача давом этган бирма-сиам урушлари монларнинг иқтисодни издан чиқарди, кўнлаб монлар асир тушдилар ёки қўшни Сиамга қочиб кетдилар. Янги давр охирларига келиб деярли барча мон шаҳарлари ўзларининг аввалги қудратини йўқотдилар.

Каренлар тоғли ҳудудларда ва пасттекисликларда яшардилар ҳамда, асосан, шоли етиштириш билан шуғулланар эдилар. XVIII асрда ягона Бирма давлати тузилгандан сўнг улар вассал сифатида қараладиган бўлди.

Шанлар – Бирмадаги кичик миллатлар ичида каренлардан кейин иккинчи ўринда туради – мамлакатнинг шимолий қисмида

яшайди. Уларга тегишли ҳудудлар тоғли туманларда бўлса-да, шанларнинг асосий машғулоти шоли етиштириш бўлган.

Бирмада монлар, каренлар ва шанлардан ташқари чинлар, қаченлар қабилалари ҳам яшарди. Улар ҳам ўз мустақилликлари учун кураш олиб борганлар.

1555 йили монларнинг кўзғолони бостирилгандан сўнг бирмаликлар Авани эгаллашди, кейин эса шанлар князликлари билан лаосликларнинг Чиенгма князлиги жойлашган Юқори Бирма эгалланди. Шундай қилиб, Бирма Байиннаун ҳукмронлиги остида ягона давлатга бирлашди ва Аютияга қарши урушга тайёрлана бошлади. 1563–1565 йиллардаги юришлар натижасида Аютия забт этилди ва Лаос ерларини эгаллаш учун уруш бошланди.

1580 йили Байиннаун вафот этгандан сўнг ўрнига келган ўғли Нанданбайин даврида мамлакат яна бўлиниб кетди. Португалиялик де Бриту Қуйи Бирманинг қироли деб эълон қилинди.

XVII аср бошларида Ава князлиги яна кучаяди, унинг ҳукмдори Анапхелун Пром, Таунгу князликларини ва 1613 йили Марказий Бирмани забт этди. 1615 йили Чиенгмай босиб олинди, Пегу шаҳри яна Бирманинг пойтахти бўлиб қолди. Бироқ фитна оқибатида Анапхелун ўлдирилгандан сўнг тахтга келган Талун пойтахтни яна Авага кўчирди. Талун изоляционизм сиёсатини олиб борди. Буддавийларнинг монастирларига бойликларни йиғиш, асирларни мулк қилиб сотиб олиш тақиқланди. Асирларга мамлакатнинг марказий қисмида ер берилди. Улар ерга ишлов беришдан ташқари ирригация иншоотларини куришда иштирок этарди ва ҳарбий хизматни ҳам бажарардилар. Бундан ташқари аҳолини рўйхатга олиш, ерларнинг кадастрини тузиш каби муҳим тадбирлар амалга оширилди.

1648–1671 йиллари Бирма тахтида Талуннинг ўғли Пиндале ўтиради. Унинг даврида сиамликлар билан ҳарбий тўқнашув бўлиб, бирмаликларнинг мағлубияти билан тугади. Элита бу мағлубиятда қиролни айблади ва уни ағдариб ташлади. Тахтга Талуннинг бошқа ўғли Пье келди ва у ҳам мамлакатни ташқи дунёдан изоляция қилиш сиёсатини олиб борди. Аммо европаликларнинг турли йўллар билан Бирмага кириб келиши давом этди.

XVIII аср 30-йилларига келиб марказий ҳокимиятнинг кучсизланиши ва айирмачилик кайфиятидаги, биринчи навбатда, монлар яшайдиган тоғли ҳудудлардаги аҳолининг фаоллашуви жараёнлари бошланди. Монлар 1752 йили Авани эгаллаб, уни вайрон қилишди.

Оғир ахволда қолган бирмаликлар ўзларига янги йўлбошчи танлашди. Бу қобилиятли амалдор Алаунпая эди. У марказлашган давлатни ташкил қилиш ташаббуси билан чиқди. Шиддатли жанглардан кейин 1756 йили Бирма асосан марказлаштирилди, армия кучайтирилди. Бирма шанлар ва лаосликларнинг ерларини босиб олиш ҳисобига кенгайиб борди. Бу ҳол шанларни ўзларининг вассаллари ҳисоблаган Хитойни норози қилди. 1768 йили Хитой қўшинлари Ава атрофида Бирмага ҳужум бошлади. Бирмаликлар Хитойнинг икки марта қилинган ҳужумини қайтаргандан сўнг икки томонлама тинчлик сулҳи имзоланди.

1767 йили Бирма Аютияни забт этди ва сиамликларнинг бу давлатини йўқ қилиб ташлади. Бироқ Бирманинг ўз ерларида монларнинг қўзғолони бошланганлиги сабабли улар Сиамни ташлаб чиқдилар.

XVIII аср охирларида Бирма яна Англия ва Франциянинг эътиборини жалб қилди. 1795 йили инглизлар Ҳиндистондан махсус элчилар жўнатиб, икки томонлама инглиз-бирма муносабатларини кенгайтиришни таклиф қилди. Аммо музокаралар инглизлар кутган натижани бермади.

Индонезия. XVI асрда Индонезия архипелагидаги ороллар аҳолиси уч миллион кишига яқин бўлган. Архипелагдаги халқлар тараққиётнинг турли босқичида эди. Борнео, Целебес оролларида яшовчи аҳоли ҳали матриархат элементлари мавжуд бўлган ибтидоий даражада бўлса, Ява, Суматра каби бошқа оролларда давлат тузилмалари мавжуд эди.

XVI асрдан Индонезияни исломлаштириш бошланди. Ява оролида Маджапахит давлати тарқалиб кетгандан кейин унинг ўрнида бир нечта мусулмон князликлари пайдо бўлди. Бу даврда Португалия оролда асосий роль ўйнайди. Португаллар 1511 йили минтақадаги савдо алоқаларида етакчилик қилган Малаккани забт этишди. Бу ерда мустамлака бошқаруви жорий қилиниб, Португалия минтақадаги князликлар, инглизлар ва испанларга кучли рақобат пайдо қилди.

Аста-секин Зонд бўғози зонасида янги давлат бирикмалари пайдо бўлиб, 1568 йили улар Батнам султонлигига бирлашдилар. XVI аср охирларида бу давлатнинг пойтахти Батнам шаҳри фақат Жануби-Шарқий Осиёда эмас, балки бутун Осиё-Африка дунёсидаги энг йирик савдо марказларидан бирига айланди. Солиқлардан

тушадиган даромадлар эвазига Батнам ҳукмдорлари португалияликларга бас кела оладиган кучли армия ташкил қилдилар.

XVI асрда Индонезия ҳудудида ташкил топган иккинчи йирик давлат Аче султонлиги эди. Бу султонлик Суматра оролининг шимолий қисмидаги ерларда жойлашган. Оролнинг жанубида Жохор султонлиги жойлашган бўлиб, унинг ҳукмдорлари оролда гегемонлик учун Аче султонлари билан рақобатлашар эдилар. Улар ўртасида бутун XVI асрда бўлиб ўтган тўқнашувлар иккала султонликни ҳам кучсизлантирди ва бу фақат португаллар учунгина фойдали эди.

1602 йили Голландиянинг Ост-Индия компанияси пайдо бўлиб, у Эзгу Умид бурнидан то Магеллан бўғозигача бўлган ҳудудда денгиз қатнови ва савдо қилишнинг монопол ҳуқуқини қўлга киритди. Голландлар 1609 йили Молукк оролидан ўз рақиблари – португаллар ва испанларни сиқиб чиқарди. 1619 йили Ява оролидаги Жакарта шаҳрини босиб олишди ва уни кейинчалик ўзларининг Индонезия мустамлакаларидаги бош маъмурий марказига айлантирдилар.

Англиянинг Ост-Индия компанияси Молукк, Сулавеси, Ява, Суматра ва Сиам оролларида факториялар куриш билан чекланди.

1619 йили голландларнинг флоти Сиам ва Зонд бўғозларида инглизлар флоти устидан қатор ғалабаларни қўлга киритди, 20-йиллари эса инглизларни Молуккдан қувиб чиқди. Шундан сўнг инглизлар бутун эътиборини Ҳиндистонга қаратди.

XVII аср ўрталарида Ява оролидаги энг йирик ва кучли давлат Матарам султонлиги бўлиб, у оролнинг марказий ва шарқий қисмини эгаллаган эди. Матарамнинг давлат бошлиғи сусухунан деб аталиб («ҳамма бўйсунадиган шахс» дегани), у ўзининг таъсирини оролнинг ғарбий қисмида жойлашган Бантам султонлигига ҳам ўтказишга ҳаракат қиларди.

XVII аср ўрталарида Суматра оролининг шимолида Аче султонлиги, шарқида – европалик мустамлакачиларга қарам бўлиб қолган Тидор ва Тернате султонликлари мавжуд эди. Целебес оролида Гова князлиги жойлашганди. Бу давлат бирикмалари ўртасидаги ўзаро қарама-қаршиликдан голландлар жуда яхши фойдаланишди. Улар 1667 йили Говани бўйсундиришди, унинг султони Ҳасаниддин голландларга катта миқдорда контрибуция тўлади.

1652 йили Голландиянинг Ост-Индия компанияси Матарам князлиги билан шартнома тузди. Унга кўра голландларнинг Ява оролидаги ерларга эгалик қилиш ҳуқуқи тан олинди. 1677 йили

Матарам хукмдори (сусухунан) мамлакатда бошланган кўзғолонни бостириш учун голландлардан ёрдам сўради ва эвазига Ост-Индия компанияси билан янги шартнома имзолади. Унга кўра Матарам билан савдода голландларга чекланмаган ҳуқуқлар берилди; бир қатор ҳудудлар голландларнинг ихтиёрига берилиб, у ерларда денгиз портлари қурилишига рухсат берилди. Ушбу шартномадан кейин голланд кўшинлари Матарам ҳудудига киритилди.

Голландлар эътиборини жалб қилган кейинги давлат Бантам бўлиб, у Ява оролида шу пайтгача инглизлар таъсири остида турган ягона давлат эди. Бантамнинг ўзида Голландия тарафдорлари билан Англия тарафдорлари ўртасида кураш бораётган бўлиб, бу курашда Голландия томони ғолиб чиқди ва 1683 йили Бантам билан голландларнинг Ост-Индия компанияси ўртасида шартнома имзоланди. Шартномага кўра Бантам ҳудудида савдо қилиш учун голландларга катта имтиёзлар берилди ва инглизлар Бантамни ташлаб чиқиб, Суматра оролининг ғарбида ўрнашишга мажбур бўлдилар. 1683 йили голландлар Тернате князлигини ҳам ўзларига бўйсундирди.

XVII аср охири – XVIII аср бошларида бутун Ява оролида голландлар зулмига қарши халқ кўзғолони бўлиб ўтди. Айниқса Матарамда Сурапати бошчилигидаги кўзғолон кучли бўлди. Голландлар бу кўзғолонни фақат 1720 йилга келиб бостира олишди.

XVIII аср бошларига келиб Индонезияда голландларнинг мустамлака тизими умумий жиҳатдан шаклланиб, бу тизим Ост-Индия компаниясининг фаолияти тугагунча давом этди.

Англия билан Голландия ўртасидаги рақобат давом этиб, XVIII асрдан голландлар аста-секин ўз позицияларини йўқота бошлади. 1749 йили Матарам князлиги иккита мустақил князликка – Суракарта ва Жокьякарта князликларига бўлиниб кетди. Бу мустақил князликлар голландларнинг Ост-Индия компаниясига тобеликни тан олдилар.

1780–1784 йиллардаги тўртинчи англо-испан уруши даврида инглизлар Индонезиядаги голландларга қаршли оролларни забт эта бошлади. Улар Суматранинг ғарбидаги Паданг давлатини босиб олдилар. 1784 йили тинчлик сулҳи имзолангандан сўнг Нечапатам князлиги ерлари ҳам инглизларга ўтиб, уларнинг кемалари Индонезия архипелагидан эркин сузиб ўтиш ҳуқуқини олдилар. Натижада голландларнинг Ост-Индия компанияси даромадлари кескин камайиб, 1799 йил охирида компания фаолиятининг яқунланишига олиб келди.

Тайланд (Аютия, Сиам). Янги давр бошларида ҳозирги Тайланд худудидаги энг йирик давлат Аютия бўлиб, у 1350 йилдан 1767 йилгача мустақил давлат сифатида фаолият кўрсатган. Янги даврга келиб анъанавий тай жамияти шаклланиб бўлганди. Жамиятда буддавийлик ҳукмрон дин бўлиб, барча урф-одат ва анъаналар шу диний дунёқарашга мослашган эди. Қирол шахси илоҳийлаштирилган, у диний, дунёвий ва ҳарбий ҳокимият бошлиғи ҳисобланарди. Буддавийлар жамоаси – сангха халқ билан ҳукмрон гуруҳ ўртасидаги боғловчи эди.

Дехқонлар билан амалдорлар ўртасидаги муносабат, биринчи навбатда, ахлоқий мажбурият тамойилига асосланган. Дехқонлар шахсан озод ҳисобланиб, давлат фойдасига солиқ тўлашни ўзларининг мажбуриятлари деб билишган.

Тай зодагонларини «най» деб аташган. Бунга ҳукмдорнинг оиласи, пойтахтнинг ҳурматли кишилари кирарди. Уларнинг даражаси, ҳукмдордан фарқли ўлароқ, мерос бўлиб ўтмас эди.

Буддавий монахлар алоҳида гуруҳ бўлиб, улар жисмоний меҳнат билан шуғулланмас ва моддий таъминотда тўлиқ дунёвий ҳокимиятга боғлиқ эди.

XVII аср ўрталаридан бошлаб Сиам ҳаётида унинг ташқи савдосини монополлаштиришга уринаётган Голландиянинг Ост-Индия компанияси тобора муҳим роль ўйнай бошлади. Бунга қандайдир даражада қаршилик кўрсатишни истаган Сиам ҳукмдорлари компаниядан товарларни ўзлари сотиб олиб, кейин ички бозорда сота бошладилар. XVII асрнинг 30–40-йилларида мамлакатдан товарларни голландларнинг рухсатсиз олиб чиқишга уринган Сиам кемаларига қўйилган ҳақоратли тақиқлар туфайли Сиам билан компания муносабатлари ёмонлашди. Голландлар рухсатсиз савдо қилишга уринаётган Сиам кемаларини мол-мулки билан мусодара қилишни бошлади. Шунга қарамасдан Сиам ўз флотини шакллантиришда давом этди. Аммо кучлар тенг эмасди. 1664 йилнинг августида Сиам ҳукумати ўз тарихида илк бор ҳуқуқлари камситилган шартномани имзолашга мажбур бўлди. Шартномага кўра голландлар экстерриториаллик¹ ҳуқуқини ва катта савдо имтиёзларини олдилар.

¹ *Экстерриториаллик* – чет эллардаги дипломат ёки компаниянинг факат ўз давлати қонунларига бўйсунуши. Айти ҳолатда Ост-Индия компаниясининг Сиам қонунларига бўйсунмаслиги назарда тутилган.

Бу пайтга келиб Англиянинг Ост-Индия компанияси ҳам Сиамга қизиқиш билдира бошлади. 60-йилларнинг бошига келиб инглизлар бу ерда ўз савдо факторияларини тикладилар, Сиам қиролига хизматга кириб, ҳагто, саройда катта лавозимларни эгаллай бошладилар. 1685 йили Англия ҳукумати Сиамдан инглиз ҳарбий қалъасини қуриш учун қирғоқ бўйидан ер ажратишини талаб қилди. Рад жавобини олган инглизлар ҳарбий куч ишлатишга қарор қилди. Шунда тайликлар 1687 йили Бангкок ва Мергуида ҳарбий кучларни жойлаштирган французлар билан иттифок тузишди. Сиамликлар дастлаб кутилган ёрдамни олишди ва инглизларга бир неча зарбалар ҳам беришди. Кейин эса ўз иттифокчилари французлар билан уришишга тўғри келди. 1688 йили кўзғолон кўтарилиб, монарх ағдарилди ва қамокда вафот этди. Қуршовда қолган француз гарнизони мамлакатни тарк этишга мажбур бўлди ва кейинги 150 йил мобайнида Сиамга бошқа қизиқиш билдирмади.

Бу ғалаба Сиамга қимматга тушди. У ўз мустақиллигини сақлаб қолган бўлса-да, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан Ҳиндистон ўртасидаги савдода воситачилик ролини йўқотди, бу эса унинг иқтисодий аҳволи ёмонлашишига, деҳқонлар ғалаёнларига, айирмачи кучларнинг фаоллашувига олиб келди. Аҳвол қурғоқчилик туфайли янада оғирлашди.

Ушбу оғир ҳолатни қандайдир даражада енгиллаштириш учун XVIII аср биринчи ярмида қирол бир қатор фармонлар қабул қилди. Улар, биринчидан, деҳқонлар аҳволининг яхшиланишига қаратилган бўлса, иккинчидан, йирик ер эгаларининг қарам деҳқонларни ўз қўлларида сақлаб қолишини таъминлашга қаратилган эди.

1733–1758 йиллари Сиамда қирол Боромокот ҳукмронлик қилди. Унинг даврида ички сиёсий ҳолат бир қадар барқарорлашди. Аммо XVIII аср ўрталарида Сиамга қўшни Бирма бостириб киради. Жанг ҳаракатлари, танаффуслар билан, 1759–1765 йиллари давом этди. Натижада бирмаликлар аввал Сиамнинг ғарбий ва шимолий қисмларини, кейин эса Бангкокни эгалладилар. 1767 йили бутун мамлакат бирмаликлар томонидан босиб олинди ва вайрон қилинди, аҳолининг катта қисми Бирмага ҳайдаб кетилди.

Аммо тезда сиамликларнинг мустақиллик учун кураши бошланиб, 1768 йили Марказий Сиамда пойтахти Тхонбури шаҳри бўлган янги давлат пайдо бўлди. Давлат тепасида турган Пья Таксин сиёса-

лининг ҳарбий отрядлари ёрдамида амалга оширилди ва фақат XIX аср охирларига келиб яқунланди. Бу пайтда испанлар назоратидан ташқарида тоғли Лусон худудлари қолди холос. Филиппин архипелагининг жанубида яшайдиган мусулмон аҳоли испанларга улар мустамлакачилигининг охиригача қаршилик кўрсатишди.

1570 йилдан Лусон оролини забт этиш бошланди. Испанлар дастлаб янги шаҳар – Манилани бунёд этишди. Бу шаҳар кейинчалик Филиппиннинг пойтахтига айланди. Кейин испанлар Филиппиннинг аҳоли энг зич жойлашган ва иқтисодий ривожланган қисми – Лусоннинг марказий қисмини босиб олдилар. XVI аср охирига келиб бутун орол забт этилди ва Лусондан ташқари Висай ороллари, Минданаонинг шимолий қисми ва Палаван ороллари испанлар ихтиёрига ўтди. Филиппиннинг жанубий қисмига келсак, бу ердаги мусулмон аҳолиси мустамлакачиликнинг охиригача қаттиқ қаршилик кўрсатиб, испанларга қарши урушлар олиб борди. Бу урушлар «Моро урушлари» номи билан, диний байроқ остида олиб борилди. («Моро» атамаси испанча «мавр»нинг аналоги бўлиб, мустамлакачилар уларнинг ҳокимиятига бўйсунмаган барча филиппинлик мусулмонларни шундай атаганлар).

Филиппинда испанлар ўзларининг мустамлака бошқарув тизimini яратдилар. Унинг тепасида испан губернатори турар, жойларда унга бўйсинувчи кўплаб амалдорлар фаолият юритарди. Бу тизимда католик черковига алоҳида ўрин ажратилганди. XVII аср ўрталарига келиб, католик черковининг миссионерлик фаолияти натижасида забт этилган ерлар аҳолисининг деярли барчаси христианликни қабул қилди.

Испанлар маҳаллий аҳолини бошқариш, солиқлар йиғишда Жанубий Америкада синовдан ўтган усуллардан фойдаландилар. Хусусан, солиқ йиғишнинг «экомендар» деб аталган тизими жорий қилиниб, унга кўра метрополиянинг «экомендеро» деб аталувчи вакили энг ашаддий усуллардан фойдаланиб, маҳаллий аҳолидан солиқлар йиғилишини ташкил қилади. Кейинчалик, маҳаллий аҳоли норозилиги остида бу усул бир неча бор қайта кўриб чиқилди, лекин моҳияти ўзгармади. Шу сабабли испанларнинг мустамлакачилик сиёсатидан норози аҳолининг кўзғолонлари XVII аср ўрталаридан бошланиб XIX асрнинг охиригача давом этди.

1648 йилги Вестфаль шартномасига кўра Испания Филиппинни ўзида сақлаб қолди. 1762 йили Манилани инглизлар босиб олди,

аммо биров вақт ўтгандан сўнг Лотин Америкасидаги баъзи ерлар эвазига уни испанларга қайтариб берди. Шу даврда испанлар жанубдаги мусулмон аҳолини бўйсундириш учун муваффақиятсиз уруш олиб боришди. XVIII аср 60–80-йилларида испанлар Филиппиннинг ташқи давлатлар билан савдо алоқаларини ривожлантиришга қаратилган бир қатор ислохотларни амалга оширди.

Малайзия, Сингапур, Бруней. XVI аср бошларигача Малайзия тарихида савдонинг ривожланиши ва катта маданий ютуқлар билан боғлиқ юксалиш даври бўлди. Ислом ҳукмрон дин эди.

XVI аср бошларидан Малайзияга Европа давлатларининг мустамлакачилик экспансияси бошланди. Индонезия архипелагидаги ороллар билан Ҳиндистон ўртасида савдо йўллариининг кесишган жойидаги муҳим порт ҳисобланган Малакка 1511 йили португаллар томонидан босиб олинди. Малакка 40 мингдан зиёд аҳолига эга бўлган шаҳар-давлат эди. Даромадининг асосий қисми Ҳиндистон, Хитой, Сиам, Бирма ва бошқа давлатлар билан олиб бориладиган савдодан тушарди. Барча ерларнинг олий мулкдори султон бўлиб, у деҳқонлардан ер солиғи оларди. Қуллар меҳнатидан асосан уй-хўжалик ишларида фойдаланиларди.

Шаҳар португаллар томонидан забт этилгандан сўнг ҳарбий қалъага айлантирилди ва мустамлакачиларнинг Жануби-Шарқий Осиёдаги асосий таянч пункти бўлиб қолди. Шаҳар бошқаруви комендант қўлига ўтди ва у 1571 йили Португалия қироли томонидан тайинланадиган губернатор даражасини олди.

Малакканинг атрофида жойлашган майда князликлар ўз мустақилликларини сақлаб қолди ва португалларга душманлик кайфиятида бўлган баъзилари муваффақиятсиз бўлса-да, уларга қарши уруш олиб боришга ҳам ҳаракат қилишди.

Малакка забт этилгандан сўнг унинг султони жанубга қочди ва у ерда янги Жохор султонлигини ташкил қилди. Яриморолдаги давлатларнинг кўпчилиги унга тобеликни тан олдилар. Жохор султонлиги Малаккани, у билан бирга йўқотилган савдо йўллариини қайтариш мақсадида португалларга қарши узоқ вақт уруш олиб борди.

Малакка забт этилгандан сўнг яриморолнинг шимолида жойлашган Аче султонлиги кучаяди ва Малакка бўғозида ҳукмронлик учун португаллар ҳамда Жохор султонлиги билан рақобатлаша бошлайди. XVI аср охирида Малакка ҳудудига интилаётган

инглизлар ва голландлар бу ерда португаллар ва испанлар билан рақобатлаша бошлади. 1606 йил голландлар Жохор билан иттифок тузиб, Малаккани қамал қилишди ва бу ердаги Португалия флотини мағлубиятга учратди.

1637 йили Голландия билан Жохор ўртасида янги иттифок тузилиб, унинг натижасида Малакка забт этилди. Энди у голландларнинг қайтадан мустақамланган, доимий ҳарбий гарнизонга эга бўлган қалъасига айлантирилди. Голландларнинг Малакка губернатори лавозими жорий қилинди.

XVIII аср бошларидан қайтадан кучайган Жохор султонлиги голландларга қарши ҳарбий ҳаракатларни давом эттирди. Улар ўртасидаги сўнгги тўқнашув 1783 йили бўлиб, бундаги мағлубиятдан сўнг Жохор султонлиги Голландиянинг Ост-Индия компаниясига тобеликни тан олди.

Ўрта асрларда ҳозирги Сингапур ҳудудида малайларнинг Тумасик кишлоғи жойлашган бўлиб, у 1299 йилдан Сингапур («Шер шаҳри») деб атала бошлади. XIII асрдан Хитой ва Сиамга қарам эди. XIV аср 30-йилларида Сингапурга Мажапахит князлиги бостириб кирди ва шаҳарни вайрон қилди. Шундан то XIX аср бошларигача бу ерда доимий аҳоли пунктлари бўлмаган, жой эса 1823 йилгача расмангина Жохор султонлигига қараган.

Бруней Калимантан оролининг шимолига кўчиб келган ва ўзларининг тарихий ватанларидан ўзига хос цивилизация олиб келган малайларнинг бу ерда ташкил қилган дастлабки князлиги эди. XV асрдан ислом ҳукмрон динга айланди ва ўшанда ҳокимият тепасида ҳозирги кунимизгача турган Бруней султонларининг сулоласига асос солинди. Бруней ҳукмдори Малакка султонининг вассали ҳисобланган.

XVI аср биринчи ярмидаёқ Бруней ривожланган ҳудуд эди. Унда 100 мингга яқин аҳоли яшарди, султон ҳокимиятини бутун Шимолий Калимантан ва Филиппин архипелагининг жануби тан оларди. Бруней португалияликлар билан савдо алоқалари олиб борарди.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг европаликлар томонидан мустамлакага айлантирилиши Брунейнинг минтақадаги йирик савдо маркази сифатидаги аҳамиятини пасайтирди ва даромадларининг кескин камайишига олиб келди. Бруней султонлари қандайдир даражада йўқотилган даромадларни қоплаш мақсадида Калимантан

қирғоқлари яқинида фаолият олиб бораётган денгиз қароқчиларига ҳомийлик қила бошладилар.

Кейинги даврларда Бруней тарқоқликни бошдан кечирди. Ҳар бир ҳудуднинг ҳукмдори бирон бир қароқчилик флотига таянган ҳолда ўзи мустақил сиёсат олиб борди. Мамлакат аҳолиси камайиб кетди.

XXV боб бўйича саволлар

1. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари тарихшунослигидаги асосий муаммолар нималардан иборат?
2. XVII асрда европаликларнинг Вьетнамга кириш учун қилган ҳаракатлари нима сабабга кўра муваффақият қозонмади?
3. XVIII асрда Вьетнам иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг қайси жиҳатларини асосий деб кўрсатиш мумкин?
4. Янги даврда Камбоджанинг сиёсий ривожланишида Вьетнам ва Сиамнинг унга таъсири қандай роль ўйнади?
5. XVI–XVIII асрларда давом этган бирма-сиам урушлари монларнинг тақдирида қандай аҳамиятга эга бўлди?
6. Индонезияга европаликларнинг кириб келиши оролларнинг кейинги тараққиётига қандай таъсир кўрсатди?
7. Филиппинда олиб борилган «Моро урушлари»нинг асл моҳияти нимада эди?
8. Янги даврда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига европаликларнинг кириб келиши натижасида Малайзия, Сингапур ва Бруней тараққиётида қандай ўзгаришлар юз берди?

XXVI БОБ. УСМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИ

Ислом динининг тарихий тараққиётга таъсири. Ҳар қандай тарихий ҳодисага бўлгани сингари ислом динига ҳам ижтимоий ҳаётдаги ва маданиятдаги ҳодиса сифатида қараш лозим. Пайдо бўлиш жараёнида ва ривожланишининг дастлабки йилларида исломнинг тарихий тараққиётга таъсири прогрессив бўлган. Биринчидан, у араб қабилаларининг илгариги мажусийлик динларини ягона монотеистик дин билан алмаштирди ва бу билан арабларнинг халқ бўлиб шаклланиши учун имконият яратди. Иккинчидан, арабларнинг, араб тили ва маданиятининг Арабистон яримороли чеғараларидан чиқиб, кенг тарқалиши ҳамда ўрта асрларнинг йирик

давлати – Араб халифалигининг ташкил топиши учун жуда кагга рагбатлантирувчи куч бўлди. Маданият ривожини назаридан ислом бир этник ва диний маконга – араб-ислом жамиятига турли мамлакатлар – Шимолий Африка ва Шарқий Ўрта Ер денгизи бўйидаги Византия провинциялари, Эрон, Ўрта Осиё давлатлари, Ҳиндистон, ҳатто, Ғарбий Европа давлатларида (масалан, Испания) ўша пайтда маълум бўлган барча маданий ва илмий ютуқларни муҷассамлаштирди.

Дин ва сиёсатнинг яхлитлик принципи азалдан исломнинг ҳокимият тўғрисидаги концепциясига хос бўлган. Шу жиҳатдан ислом бошқа динлардан кескин фарқ қилади. Масалан, христиан мамлакатларида давлат ҳокимияти ҳеч қачон черков ташкилотлари билан қўшилиб кетмаган. Рим империясида дастлаб янги динга қарши, ҳатто қаттиқ кураш олиб борилди ва фақат IV асрдагина христианлик расмий динга айланди. Аммо шунда ҳам давлат ва черков ўзларининг алоҳида ҳокимият тизимларига эга бўлган ҳамда улар тепасида император ва бош руҳоний турган. Кейинчалик ҳам масалан, Европада бу икки тизим фақат алоҳида-алоҳида мавжуд бўлмасдан, баъзи ҳолларда бир-бирига муҳолифатда ҳам бўлишган: Францияда кардиналлар ва қироллар, Россияда подшолар ва патриархлар. Умумий «христианча» қоидадан кичкинагина теократик католик давлати Ватикан истисно холос, бу ерда Рим папаси ҳам диний, ҳам дунёвий ҳокимиятнинг бошлиғи ҳисобланади.

Араб халифалигида, Усманийлар империясида, бошқа мусулмон давлатларида бутунлай бошқача ҳолат эди. Ислом бу ерда фақат дин эмасди, у мусулмонларнинг ҳаётига тўлиқ кириб борган, инсон фаолиятининг мафкуравий, ҳуқуқий-сиёсий, маъмурий, қидирув-жазо, ҳарбий, суд ва маиший соҳаларини тўлиқ қамраб олган эди. Мусулмонларда фақат диний ташкилот ва одатларгина бир хил эмасди. Қонунчилик, суд ва жазо тизими, армия, мактаб – буларнинг ҳаммаси ислом принциплари асосида фаолият юритарди. Чунки ислом бошқа динлардан фарқли ўлароқ, пайдо бўлган пайтдан бошлаб сиёсий ҳокимият учун кураш олиб борди. Бошқа динларда бўлгани сингари дин давлат динига айланмасдан (масалан, христианлик давлат динига айланиши учун пайдо бўлгандан кейин 400 йилга яқин вақт керак бўлди), исломда халифалик кўринишидаги давлат тўлиқ диний тамойиллар асосида шакллантирилди. Шунинг учун ислом

дини жамият ва шахс ҳаётининг ҳамма жабҳаларини қамраб олган тоталитар¹ динга айланди.

Янги даврга келиб ислом оламида фан ўз имтиёзларини йўқотишдан қўрқадиган мусулмон рухонийлари томонидан сиқиб қўйилган эди. Дунёвий таълим мавжуд эмасди. Мусулмон мактаблари XVIII асрда схоластика² ва обскурантизмнинг³ ўчоғига айланган эди. Аҳолининг кўпчилиги кенг маънодаги дунёвий билим ва саводга эга эмасди.

1500 йили Европанинг 12 та мамлакатада йирик босмаҳоналар мавжуд бўлиб, уларда 40 минг номдаги китоблар чоп қилинган бўлса, мусулмон халқларида, масалан, Усманийлар империясида XVIII асргача буржуача тараққиётнинг ва индустриал цивилизация шаклланишининг зарур воситаларидан бири бўлган китоб чоп этиш ҳали йўқ эди. (Ўзбекистонда биринчи литография (тош босма) 1874 йили Хивада Отажон Абдалов томонидан очилган). Аслида фаолият юритаётган босмаҳоналар шундайгина империя бўсағасида турарди. Масалан, Венгрияда биринчи босмаҳона 1473 йили, турклар босқинидан олдин, Черногорияда – 1493 йили очилган эди. Бундан ҳам ажабланарлиси шуки, империя худудининг ўзида ҳам биринчи босмаҳона 1494 йили яхудий-эспаньолларда пайдо бўлди. Улар инквизиция хавфидан қочиб Испаниядан бу ерга келишган эди. Истамбулдаги арманларда босмаҳона 1562 йили, грекларда эса 1627 йили пайдо бўлди. Фақат 1729 йили биринчи мусулмон китоб – арабча-туркча луғат чоп этилди. Иоганн Гутенберг (1399–1468) 1445 йили кашф этган китоб чоп қилишни мусулмонлар қарийб 300 йилдан кейин ўзлаштиришди.

Фақат XIX аср охири – XX аср бошларига келиб соғлом фикрловчи мусулмон уламолари исломнинг баъзи тақиқлари ижтимоий тараққиётга тўсиқ бўлаётганлигини тушуниб етдилар. Мисрда мамлакатнинг бош муфтийси Муҳаммад Абдо XIX аср охиридагина исломни янги, буржуача ҳаёт талабларига мослаштиришга ҳаракат қилди. У 1899 йили ўз фатвосида фоизли кредитнинг мумкинлигини асослади ва банкларга пул қўйиш ва капиталдан

¹ *Тоталитар* (лотинча *totalitas* – яхлит, тўлиқ) – жамиятнинг ҳамма жабҳаларини тўлиқ қамраб олган ҳукмрон ғоя, мафкура ёки сиёсий тузумга нисбатан қўлланилади.

² *Схоластика* (грекча *scholasticos* – мактабга мансуб) – ўрта аср «мактаб фалсафаси». Уларнинг фаолиятида универсалийлар ҳақида баҳс асосий ўрин тутади.

³ *Обскурантизм* (лотинча *obscurantis* – ёруғликни тўсувчи, қоронғи қилувчи) – маърифат ва фанга ўта душманлик муносабати, жаҳолат. Обскурант – маърифатга душман киши.

фойда олишга рухсат берди. (Ўзбекистонда биринчи банк ташкилоти – Россия империяси давлат банкининг филиали – 1875 йил 10 майда Тошкентда очилган). Кўплаб тарихчиларнинг айтишларича, бу исломда ислоҳотларнинг бошланиши бўлиб, у асосан шариат соҳасидаги айрим жузъий ўзгартиришлар билан яқунланди. Усманийлар империясида шариат ислоҳотлари 1908–1909 йиллардаги «Ёш турклар» инқилобидан сўнг, Эронда эса 1905–1911 йиллардаги инқилобдан кейин бошланди. XVI асрда христианликда бўлган Реформация сингари тўлиқ ислоҳот исломда амалга оширилмади. XX аср бошларида шариат қоидалари юридик амалиётдан тўлиқ олиб ташланган ягона ислом давлати Туркия эди. (Ўзбекистонда Россия босқинидан сўнг шариат қоидалари аста-секинлик билан, босқичма-босқич юридик амалиётдан чиқарилиб борилди). Бу ерда 1918–1924 йиллардаги инқилобдан сўнг дин фақат давлат ишларидан узоқлаштирилиб қолмасдан, ғарбий европача ҳуқуқ жорий қилинди. Турклар бу борада ўта оддий иш тутишди: Швейцариянинг фуқаролик кодекси ва Италиянинг жиноят кодекси турк тилига таржима қилинди ҳамда кичик ўзгаришлар билан ҳозирги замон турк қонунчилигининг асоси этиб қабул қилинди.

Ислом таълимоти яна бир сабабга кўра ижтимоий тараққиётга тўсиқ бўлаётган эди – у фатализм¹ руҳи билан суғорилган. Мусулмонлар қисмат, тақдир, таваккул каби тушунчаларга бошқа динлар вакиллариغا нисбатан кўпроқ ишонадилар. Ислом таълимотига кўра ҳар бир кишининг тақдири Аллоҳ томонидан олдиндан белгилаб қўйилган, туғилгандан «пешонага ёзиб қўйилган» ва ундан қочиб қутулиб бўлмайди. Инсоннинг ҳаёт йўли, ўлим вақти, жойи ва сабаби белгилаб қўйилган. Тақдирни ўзгартиришга қанчалик уринмагин, барибир «пешонага ёзилгани бўлади». Шу сабабли мусулмонлар ҳар бир гапга «иншоллоҳ» – «хаммаси Аллоҳнинг ихтиёрида», деб қўшиб қўйишади. Ахир «ислом» сўзининг ўзи ҳам «бўйсунмоқ» деган маънони англатади – худога, тақдирга бўйсунмоқ, Аллоҳ белгилаб берган йўлга бўйсуниб эргашмоқ. Аллоҳнинг ҳукмига тўлиқ ҳавола қилинган шахснинг итоаткорлиги ва тақдирга бўйсунishi – булар фақат диний фатализм ва фидойиликнинг эмас, ўз даврида

¹ *Фатализм* (лотинча *fatalis* – қисмат) – антидиалектик дунёқараш концепцияси бўлиб, унга кўра оламдаги ҳамма жараёнлар зарурият тақозосига бўйсунмади, эркин танлаш ва ижодга ўрин қолдирмайди, хаммаси олдиндан белгилаб қўйилган.

Гегель ёзганидек, ижтимоий тузумнинг принципига айланган «оммавий куллиқнинг», бугунги кунда эса диний экстремизм ва терроризмнинг ҳам манбаидир.

Ислом ақидапарастлиги, унинг баҳслар ва шубҳалар учун ёпиклиги ислом мамлакатларидаги ижтимоий ва сиёсий ҳаётга, бу ердаги халқларнинг менталитетига ўз таъсирини кўрсатди. Дунёнинг илғор қисмидаги интеллектуал интеграциялашув, шунингдек, янги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнлар, кишиларнинг янги, муносиб ҳаёт қуриш учун қилаётган инқилобий интилишлари ислом дунёсини четлаб ўтди. Ягона ақиданинг сўзсиз ҳукмронлиги остида, «оммавий куллиқда» яшашга кўниккан жамият кейинчалик мустамлакачиларнинг босқинини ва, ҳатто маҳаллий аҳолини камситишга қаратилган мафқурасини ҳам, кейин эса партия ёки битта шахснинг чекланмаган ҳокимиятини ҳам катта қаршиликларсиз қабул қилди.

Янги даврда мусулмонлар орасида буржуача тадбиркорликнинг ривожланишига ҳам ташқи иқтисодий муносабатларнинг исломий концепцияси тўсиқ бўлди. XVI–XIX асрларда ислом давлатларида Ғарбий Европа мамлакатларидаги иқтисодий сиёсатга бутунлай қарама-қарши сиёсат олиб борилди. Ғарбий Европа давлатларида илк капиталистик муносабатлар ривожланиши даврида (1500–1750) давлат меркантилизм¹ сиёсатини олиб борди ва бу янги ишлаб чиқариш усуллари қарор топишида катта роль ўйнади. Бу сиёсатнинг асосини қуйидагилар ташкил қилади: ташқи алоқаларда фаол савдо балансига эга бўлишга интилиш, яъни кўпроқ четга сотиш ва камроқ сотиб олиш; протекционизм², яъни импорт товарларига юқори бож тўловларини жорий қилиш орқали ўз саноатини ҳимоя қилиш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш; ва ниҳоят, ўз савдогарларининг савдо экспансиясини, яъни улар томонидан янги бозорларнинг эгаллаб олинишини қўллаб-қувватлаш.

¹ Меркантилистлар бойликнинг асосий манбаи ишлаб чиқариш эмас, айланма капиталнинг кўплиги деб ҳисоблаганлар ва бойликни пул капиталининг кўплигида деб билганлар. Шу сабабли четга товар чиқариб, мамлакатда пулии (олтин ва кумуш) кўпайтириш фаровонликка хизмат қилади, деган принципга асосланганлар.

² Протекционизм (*французча protectionnisme лотинча protectio – панада сақлаш, ҳимоя қилиш*) – давлатнинг иқтисодий сиёсати бўлиб, мамлакатга киритиладиган чет эл товарларига юқори бож солиғи ўрнатиш, айрим товарларни киритишни чеклаш ёки тўлиқ тақиқлаш йўли билан миллий ишлаб чиқаришни чет эл рақобатидан ҳимоя қилишга қаратилган.

Ислом мамлакатларида шу даврда бутунлай бошқача бўлди. Масалан, Усманийлар империясини оладиган бўлсак, у бу борада шундай сиёсат олиб бордики, буни антимеркантилизм деб аташимиз мумкин. Замонавий терминлар билан атаганда, бу «очик эшиклар» сиёсати, эркин бозор сиёсати эди.

Исломнинг «савдо муқаддаслиги» тўғрисидаги концепциясидан келиб чиқиб, мусулмон уламолари мамлакат ободлиги ички бозорда истеъмол молларининг кўплиги билан белгиланади, деб ҳисобларди. Шу муносабат билан импорт рағбатлантирилиб, экспорт чекланарди. Ҳокимият мамлакатга ҳар қандай чет эл товарларининг киритилишига ҳеч қандай қаршилик қилмасди. Бундан ҳам ажабланарлиси, чет эл савдогарларига, айниқса, импорт билан шуғулланувчиларига турли хил имтиёзлар берилган эди. Ушбу сиёсат оқибагида табиийки маҳаллий саноат, мануфактура ишлаб чиқариши ва ҳунармандчилик оғир аҳволга тушиб қолган, чет эл ишлаб чиқарувчилари билан рақобатда давлатнинг протекционистик ҳимоясидан маҳрум қилинган эди. Рақобат эса, айниқса европаликлар билан кучли эди. Уларнинг фабрика ва заводларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлари мануфактуралар ва ҳунармандларнинг товарларига нисбатан сифатли ва арзон эди. Чет эл савдосига бундай муносабат чет эл савдогарлари учун жуда катта имтиёзлар тизимининг шаклланишига, чет эл ишлаб чиқарувчилари билан рақобатда эса таслимчилик кайфиятига олиб келди.

Шундай қилиб, ислом мусулмонлар ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларига кириб борган, мусулмон жамиятининг барча институтларини қамраб олган эди. Янги даврда Ғарбий Европа мамлакатларида шаклланган янгича дунёқараш, демократик ғоялар, инсоннинг тадбиркорлиги ва ташаббускорлигига очилган кенг имкониятларнинг ислом мамлакатларида қарор топиши узоқ ва оғир жараён бўлди. Баъзи мамлакатларда бу жараён ҳамон давом этмоқда.

XVI–XVII асрларда Усманийлар империяси

Империянинг босқинчилик сиёсати. XVI аср биринчи ярмида усмоний ҳукмдорлар Европа, Осиё ва Африкада янги ҳудудларни босиб олиб, ўз ерларини анча кенгайтirdилар.

XVI аср бошида Туркиянинг¹ Шарқий чегарасида Сафавийлар ҳокимияти (1502–1736 йилларда Эронда туркий қавмдан бўлган Сафавийлар сулоласи бошқарган давлат. Улар шиаларнинг 12 ўрам салласини ўраб юрганлиги учун қизилбошлар деб ҳам аташган) кучайди. 1510 йилга келиб Исмоилшоҳ I (1502–1524) илгари Оққуюнли давлати таркибига кирган деярли барча ерларни қўлга киритди. Ислом динининг шиалик оқимини давлат динига айлантирган Сафавийлар давлатининг кучайиши, нафақат Усманийларнинг Шарқдаги экспансиясини чеклаб қўйди, балки унинг ички хотиржамлигига ҳам путур етказди.

1514 йили Ману шаҳри яқинидаги Чалдирон текислигида бўлиб ўтган жангда Усманийлар қўшини қизилбошлиларга қаттиқ зарба берди. Усманийлар Сафавийларнинг пойтахти Табризни эгаллади, лекин Эронда мустақамланиб ололмасдан Онадўлига чекинишди. Табризни ташлаб чиқаётиб усманийлар 700 дан зиёд ҳунармандлар оиласини ўзлари билан олиб кетишди ва Истамбулга жойлаштиришди. 1515 йили имзоланган сулҳга кўра Арманистоннинг бир қанча туманлари Эрзурум шаҳри ва Ироқнинг шимолий қисми Мосул шаҳри билан бирга Туркия тасарруфига ўтди.

Эрон уруши тугагандан сўнг усманийлар араб ерларига юриш бошлади. Бу пайтда Сурия ва Миср мамлуклар қўл остида бирлаштирилган бўлиб, бу давлатга Исмоилшоҳининг иттифоқчиси Султон Кансух ал-Гури бошчилик қиларди. 1516 йил ёзида Усманийлар армияси Султон Салим I (1512–1520) қўмондонлигида Шимолий Сурияга бостириб кирди. Халаб яқинидаги биринчи жангдаёқ (1516 йил 24 август) турклар тўлиқ ғалабани қўлга киритдилар. Жангда турк артиллерияси кўшинининг устунлигини таъминлади. Мамлуклар султони Кансух ал-Гури ҳалок бўлди.

Мисрда эса мамлуклар анча қаттиқ, аммо муваффақиятсиз қаршилик кўрсатдилар. 1517 йил бошларида Салим I армияси Қоҳирага кирди. Мамлуклар кўшинлари Юқори Мисрга чекинишди. Лекин тез орада улар ҳам тор-мор қилинди. Уларнинг йўлбошчиси Туманбей Қоҳирада осиб ўлдирилди. Шундан сўнг мусулмонларнинг муқаддас юрти ҳисобланган Хижоз (Ғарбий Арабистон) босиб олинди. Тез орада Салим I Каъбанинг калитини ҳам қўлга киритди.

¹ Дастлаб «Туркия» атамаси 1190 йили салибчилар хроникасининг муаллифи томонидан турк қабилалари Кичик Осиёда забт этган ерларга нисбатан қўлланилган. Кейинчалик Ғарбда Усманийлар империясини Туркия, ҳукмрон халқни эса турклар деб аташган.

Сурия ва Миср устидан Туркия хукмронлиги ўрнатилганидан кейин ҳам бу мамлакатлардаги феодал тартиб ва феодал муносабатларда ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмади. Уруш пайтида мамлукларни қувватлаган Сурия ва Ливан феодаллари ер-мулкларининг бир қисмидан ажралдилар, аммо Салим I томонига ўтган феодаллар эса аксинча, мамлуклардан тортиб олинган ерлар ҳисобига ер-мулкларини кенгайтириб олдилар. Фақат Халаб округидагина турклар ҳарбий тизим жорий қилиб, ерларни турк сипоҳларига тақсимлаб бердилар. Халаб вилояти Сурия халқининг қўзғолонларини бостириш учун ҳарбий истехкомга айлантирилди.

Сулаймон I (1520–1566) даврида Усманийлар империяси ўз ҳарбий ютуқларининг энг чўққисига кўтарилди. Миср эгаллаб олинганидан сўнг Усманий султонларнинг ҳокимияти бутун Шимолий Африка қирғоқларидан то Мароккогача бўлган ҳудудларда ўрнатилди.

1522 йили турк флоти Родосни эгаллади, бу эса усмонийларга Шарқий Ўрта Ер денгизида устунликка эришиш имконини берди. Орадан 30 йил ўтгач турклар, ҳатто, Мальтани эгаллашга ҳаракат қилиб кўришди, бироқ бу экспедиция муваффақиятсизликка учради.

Европада эса Сулаймон I Габсбурглар империяси билан қаттиқ кураш олиб борди. Белграднинг босиб олиниши ва Мохич яқинида венгер-чех қўшинининг тор-мор келтирилиши (1526) туркларга Венецияни босиб олиш учун йўл очиб берди. 1520 йили усмонийлар Венани эгаллашга ҳаракат қилиб кўрди. Бироқ ҳаракат муваффақиятсиз якунланди. 1547 йилги шартномага кўра, Венгрия ҳудудлари Туркия ва Австрия ўртасида бўлиб олинди. Трансильвания Туркиянинг вассалига айланди, олдинроқ босиб олинган Молдавия ва Валахиянинг ички автономияси сезиларли даражада қисқартирилди.

Жанубда эса усмонийларнинг қўшинлари Қизил денгизнинг бутун қирғоқбўйи ерларини ва Жанубий Арабистонни босиб олди. 1537 йил турклар йирик флот тузиб, Қизил денгиз орқали савдога катта зиён етказаётган португалларни Ҳинд океанидан кувишга ҳаракат қилишди, бироқ бу экспедиция муваффақият келтирмади.

Шарқда эса, турклар қатор жанглардан сўнг, 1555 йили Эрон шоҳи Таҳмаспни тинчлик шартномасини имзолашга мажбур қилди. Унга кўра, бутун Ғарбий Арманистон (Ван кўли ҳавзаси), Ғарбий Грузия ва Ироқ (Бағдод билан бирга) Туркияга ўтди.

Сулаймон Қонунчи (европаликлар уни Сулаймон Ажойиб деб аташади) ўзининг 46 йиллик ҳукмронлиги даврида 13 маротаба ҳарбий юришларда иштирок этди, шулардан 10 таси Европада олиб борилди. Венанинг қамал қилиниши, Ҳиндистон қирғоқларига экспедиция, Мальтани босиб олишга уриниш – булар ҳаммаси усмонийларнинг босқинчилик режалари катта бўлганлигидан далолат беради. XVI аср биринчи ярмида турк армияси уюштирган йирик босқинчилик юришлари, унинг катта ҳарбий кучга эга бўлганлигини тасдиқлайди. Маълумотларга кўра, Усмонийлар империясининг аҳолиси 25–30 млн кишини ташкил этган. Бу пайтга келиб турк султонлари шарқдан ғарбгача 7 минг км, шимолдан жанубгача 5 минг км ва ҳаммаси бўлиб, тахминан 8 млн км² ерни эгаллаб туришар эди (Турк манбаларида Қонунчи Султон Сулаймон I вафот этган 1566 йили Усмонийлар империясининг ҳудуди 14 млн 893 минг км² ни ташкил этарди. Шундан 2 млн км² га яқини Европада, 4,5 млн км² га яқини Осиёда ва қолган қисми Африкада жойлашган).

Империянинг иқтисодий аҳволи. Усмонийлар империясидаги аҳолининг кўпчилиги қишлоқларда яшар, қишлоқ хўжалиги билан банд бўлиб, деҳқонларнинг кўпчилиги давлатга ёки катта ер эгаларига қарам эди. Дастлаб аҳолининг таркиби ҳар хил бўлиб, XVI аср давомида улар бир хил, ҳуқуқсиз, шафқатсиз эксплуатация қилинадиган оломонга айланди.

XVI асрга тегишли солиқ рўйхатлари ва қонунчилик далолатномалари аҳолининг асосий қисми банд бўлган қишлоқ хўжалиги қандай аҳволда бўлганлигини тасаввур қилишга ёрдам беради. Деҳқон хўжаликлари, асосан, дон экинлари – буғдой, арпа, тарик етиштиришарди, кўпчилиги эса сабзавотчилик билан банд эди. Камроқ миқдорда пахта етиштириларди. Жуда кўплаб туманларда узумчилик, боғдорчилик ва асаларичилик яхши ривожланган бўлса-да, бироқ умумий олганда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши жуда қолюқ эди.

Хўжалик тараққиётидаги жонланиш асосан шаҳарларда сезиларли эди. Масалан, шу даврда Усмонийлар империясидаги 14 та йирик шаҳарнинг аҳолиси (Истамбулдан ташқари) ўртача 41% га ўсди. Шаҳарлар аҳолиси тез кўпайиб боришининг асосий сабабларидан бири, хунармандчилик маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиб бориши эди. Йирик ер-мулк ва бойликларни қўлларида тўплаб олган турк феодаллари кенг қурилишлар олиб бориши, қимматбаҳо

буюмлар сотиб олиш, кўплаб хунармандлар ва рассомлар меҳнатига ҳақ тўлай олиш каби катта имкониятларга эга эди. Шунинг учун ҳам шаҳарларда зодагонлар ва йирик феодалларнинг эҳтиёжлари учун маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи хунармандларнинг сони тез ўсиб борди.

Ишлаб чиқаришда, асосан тўқимачилик – жун ва ипак матолар тўқиш, терига, металлга ишлов бериш, ҳар хил турдаги қурол-яроғлар ишлаб чиқариш айниқса ўсди.

Бу пайтда хунармандчиликда майда ишлаб чиқариш ҳукмрон бўлиб, ёлланма ишчи кучидан фойдаланилмас эди. Хунармандчилик бутунлай кўл меҳнатига асосланган эди. Тор доирада ишлаб чиқариш хунармандларни ўз ишининг уста мутахассиси бўлиб етишувига имкон яратди. Империянинг ўзида ва Европада Бурсада ишлаб чиқарилган баркут, Ушак ва Коньеда тўқилган гиламлар, Анкарадан келтириладиган, эчки жунидан тўқилган матолар, айниқса машхур эди. Болгариянинг Сомоново шаҳрида кўплаб темир буюмлар, Диёрбакир, Эрзурум, Кастомон шаҳарларида мисдан буюмлар ясаш, Изник шаҳрида эса кўпроқ кулолчилик яхши ривожланган эди.

Шаҳарларнинг ўсиб бориши ва хунармандчиликнинг кенгайиши билан савдо-сотик ҳам ривожланиб борди. Деҳқонларнинг харид қуввати чекланган бўлишига қарамасдан, улар шаҳардан айрим хунармандчилик маҳсулотларини, жумладан, туз, матолар, айрим меҳнат қуроллари ва кундалик хўжалик молларини сотиб олишга мажбур эдилар. Албагта қишлоқдан шаҳарга деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ҳам келтирилар эди. Савдо операцияларининг асосий қисми бозорларда маълум белгиланган кунларда, кўпроқ жума кунлари бўлиб ўтар эди. Усманийлар империясининг айрим худудларида, хусусан, Болқонда ярмарка савдоси ҳам кенгайиб борди. Бироқ ярмаркалардаги савдонинг умумий ҳажми унчалик катта эмасди. Кўплаб савдогарлар ташқи савдо билан ҳам шуғулланишар эди. Европа мамлакатларидан, Эрон ва Ҳиндистондан матолар, металл, безак буюмлари ва турли тақинчоклар келтириларди.

Ҳукумат эса хазинага яхшигина даромад келтирадиган ички ривожланишдан кўпроқ манфаатдор эди. Султон ҳукумати йўллар ва кўприкларни тиклаш ва қўриқлаш бўйича бир қанча чора-тадбирлар кўрди. Асосий қарвон йўлларида кўплаб қарвонсаройлар қурилди. Бироқ оғир феодал муносабатлар шароитида савдо-сотик эркин ривожлана олмасди. Кўп сонли ички божлар, транспорт воситалари-

нинг ривожланмаганлиги, денгиз алоқаларининг оғирлиги – буларнинг ҳаммаси савдонинг ривожланишига тўсқинлик қилар эди.

Давлат тузуми. Армия. XV аср иккинчи ярмида Усманийлар давлати империяга айланди (шунгача Усманийлар султонлиги деб аталган бўлса, энди Усманийлар императорлиги деб юритила бошланди), унинг ҳукмдорлари эса ҳарбий кучга таянган ҳолда чекланмаган ҳокимиятга эга бўлдилар.

Марказий ҳокимиятнинг ва султоннинг таъсири сезиларли даражада ўсди. Ислом қонуншунослари томонидан «Худонинг ердаги сояси» деб эълон қилинган султон чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлди. Унинг шахси муқаддас ва дахлсиз ҳисобланарди.

Империяда султондан кейинги асосий шахс буюк вазир бўлиб, у сиёсий-маъмурий ва ҳарбий масалалар билан шуғулланарди, бошқа ҳамма вазирлар, давлат арбоблари, вилоят ҳокимлари эса унга бўйсунарди. Асосий масалалар давлат кенгаши – девонда муҳокама қилинарди. Дастлабки султонлар девоннинг ҳамма йиғилишларида иштирок этишар, лекин XV аср охирларидан бошлаб камроқ қатнашадиган, кейинроқ эса умуман қатнашмайдиган бўлишди. Девоннинг асосий таркиби буюк вазир, асосий давлат арбоблари, молия бошқармаси бошлиғи, вазирлар, қонун ишлаб чиқарувчилар ва ташқи алоқалар бўйича масъул кишилар, шунингдек, давлатнинг олий руҳонийси – пойтахт муфтийси ёки Шайхулисломдан иборат бўлган.

XVI аср ўрталарида Усманийлар империяси 21 та вилоятга бўлинган эди. Уларнинг ҳар бирига вилоятдаги ҳарбий ва маъмурий ҳокимиятни тўлик кўлида тутиб турувчи бекларбеги бошчилик қиларди. Ҳар бир бекларбеги ўз саройи, девонхона ва девонига эга эди. Вилоятлар санжакларга бўлинган бўлиб, уларга санжакбейлар бошчилик қиларди. Сулаймон I ҳукмронлиги даврида 250 та санжак бор эди.

Усманий ҳукмдорлар бутун диққат-эътиборларини жанговар армия тузишга ва босиб олинган ҳудудларда ҳарбий тартиб-қоида жорий қилишга қаратдилар. Усманийларнинг ҳарбий кучлари қуруқликдаги қўшинлар ва флотдан иборат эди. Турк флоти XV аср охиридан бошлаб, яъни султон ҳукумати империянинг порт шаҳарларида денгиз ва дарё кемаларини доимий кура бошлагандан кейингина жуда тез ўса бошлади. XVI асрнинг биринчи ярмида турк флоти испан, португал ва Венеция эскадралари устидан

ғалаба қозониб, Ўрта Ер денгизида хукмронга айланди. Бир қатор ҳолларда, масалан, Мальтани қамал қилишда 300 тағача ҳарбий кемалар иштирок этган.

Усманийлар империясининг курукликдаги армияси ҳам жуда кучли эди. Бу армия «Сарой қуллари» деб аталувчи марказий қўшин ва вилоятлардаги кўнгиллилар қисмларидан иборат эди. Марказий қўшинда бутунлай давлат томонидан таъминланадиган яничарлар корпусига алоҳида эътибор қаратилади. Бундан ташқари, қўшинда артиллерия қисмлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, турк султонлари унинг ҳолати яхши бўлиши учун кўпроқ қайғулар эдилар. Сулаймон армиясида 300 дан ортиқ турли ҳажмдаги тўплар бор эди. Яничарларнинг пиёдалар корпусидан ташқари султоннинг отлик гвардияси ҳам мавжуд бўлиб, у юришлар пайтида султон ва буюк вазирни кўриқлар, жангларда яничарларга ёрдам берар эди.

Турк султонларининг марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун қилган ҳаракати қўшин сонининг ошиб боришида ҳам ўз аксини топди. XV аср ўрталарида яничарлар корпуси ҳаммаси бўлиб 3–5 минг кишидан иборат бўлган бўлса, Сулаймон даврига келиб 12 минг кишини ташкил этди. Умуман мунтазам армияда шу даврда 50 минг киши хизмат қиларди.

Усманийлар армиясининг асосий қисмини вилоятлардаги кўнгиллилар ташкил қиларди. Айрим маълумотларга кўра, сипоҳийлар армияси XVI аср ўрталарида 130 мингдан 200 минг кишигача бўлган.

XVII аср биринчи ярмида Усманийлар давлатининг ички ва ташқи аҳволи. Бу даврга келиб империянинг ички аҳволи анча ёмонлашди. Ҳатто XVII аср 40-йилларида ҳам хазинага келиб тушаётган солиқ йиғимларининг миқдори XVI аср 90-йилларидаги миқдорни, яъни 360 млн ақчани ташкил этарди.

Шаҳарлар ва шаҳар ҳунармандчилиги тараққиёти ҳам секинлашди. Ҳарбий мулк тизимининг бузилиши ва ерга хусусий мулкчиликнинг шаклланиши маълум даражада кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кўпайишига олиб келган, бироқ бу жараён бошқа оқибатларга – деҳқонларнинг хонавайрон бўлиши ва улар ҳарид қувватининг пасайишига ҳам олиб келди.

Усманийлар империяси иқтисодиётидаги ўзгаришлар унинг бутун ижтимоий-сиёсий ҳаётида силжишларни келтириб чиқарди. Унинг таъсири асосан армияда кучли бўлди. Мунтазам қўшинлар

сонининг ошиши давлат бюджетига оғир таъсир қилди. Армия харажатларининг ошиб кетиши бюджет танқислигига ва хазинанинг бўшаб қолишига олиб келди. Натижада, жуда кўп маротаба яничарларнинг қуролли қўзғолонлари бўлиб ўтди. Бу ҳолатдан бир-бирига қарама-қарши бўлган феодал гуруҳлар усталик билан фойдаланди. Фақат 1617–1623 йилларнинг ўзида яничарларнинг исёнлари натижасида тўрт маротаба султонлар алмашди.

XVI аср охирларида империянинг турли вилоятларида айирмачиларнинг чиқишлари кучайди. Марказий ҳокимиятнинг заифлашуvidан фойдаланиб йирик феодаллар мустақил ҳукмдорларга айланиб ола бошладилар. Одатда, султон ҳокимияти фақат вилоятлардан келадиган солиқ тушумларидангина манфаатдор бўлганлиги учун, уларнинг ички бошқарувига аралашмас эди.

XVII аср биринчи ярмида Усманийлар олиб борган урушлар натижаси унинг ҳарбий қуввати заифлашганлигини кўрсатди. Армияга йирик маблағлар ажратилаётган бўлишига қарамасдан, у иқтисодий жиҳатдан Усманийлардан кўра тезроқ ривожланаётган давлатлардан ҳарбий-техник жиҳатдан тобора ортда қолмоқда эди.

1606 йили Ситваторокеда узоқ давом этган австро-туркия урушига яқун ясаган тинчлик шартномаси имзоланди. Бу шартномага кўра, Туркия Австрияни нафақат 1547 йилдан бери давом этиб келадиган 30 минг дукатлик йиллик хирождан озод қилди, балки биринчи маротаба уни тенг ҳуқуқли христиан давлати сифатида тан олди. Орадан бир неча йил ўтгач, Австрия жаҳон савдосида ҳам бир қанча енгилликларга эга бўлди.

Турк феодаллари Эрон билан узоқ уруш олиб боришди. XVII аср бошларида Эрон шоҳи Аббос турклардан Кавказ ортидаги кўпгина ҳудудларни ва Ироқни тортиб олди. Лекин тез орада турк султони Мурад IV ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборди. Тўрт йил давом этган урушдан сўнг 1639 йили Қасри Ширинда улар ўртасида тинчлик шартномаси имзоланди. Унга кўра, Ироқ, Бағдод билан бирга, яна Туркияга ўтди, бундан ташқари, Ғарбий Грузия, Ғарбий Арманистон ва Курдистоннинг бир қисми ҳам Туркияда қолди.

Туркия бир вақтнинг ўзида Польша шляхталарига қарши ҳам ҳарбий ҳаракатлар олиб борди. Улар ўртасида можаронинг асосий сабаби, украин ерлари масаласи эди. 1620 йили турклар поляк қўшинларини енгиб, Украинага киришди. 1621 йили Ха-

тинь яқинида бўлиб ўтган жангда Запорожье казаклари кўрсатган қахрамонликлар туфайли турклар мағлубиятга учради. Бироқ турклар Польшага босимни сусайтирмадилар, Украинага қарши агрессияни ҳам кенгайтирдилар.

XVII аср биринчи ярмида рус ҳукумати Туркия билан тинч муносабатларни кўллади, чунки уларнинг умумий душмани бўлган Польшага қарши бирлашиш зарурати мавжуд эди. Турклар билан яхши қўшничилик муносабатларини сақлаб қолиш учун ҳаракат, айниқса, Азов учун олиб борилган курашларда яққол кўринди. 1637 йили Дон казаклари Туркиянинг Эрон билан урушда банд эканлигидан фойдаланиб Азовни қуршаб олдилар ва икки ойлик қамалдан сўнг қалъани эгалладилар. 1641 йил ёзида турклар Эрон билан урушни тугатиб, Азовга ҳаракат қилишди. Қамал 4 ой давом этди, лекин 6 мингга яқин казак қалъани қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар. Анчагина зарар кўрган ва ҳеч қандай муваффақиятга эриша олмаган турклар қамални тўхтатиб, қайтиб кетишга мажбур бўлдилар, лекин Туркия билан муносабатларнинг кескинлашувини истамаган рус ҳукумати Азовни тозалаш ва уни туркларга қайтариб бериш тўғрисида казакларга буйруқ берди.

XVII аср 50-йиллари бошида рус-турк муносабатлари янги босқичга кўтарилди. Шу даврда 1654 йили Россияга Украинанинг қўшилиши билан яқун топган украин халқининг Богдан Хмельницкий бошчилигидаги озодлик ҳаракатлари бошланиб кетди. Уларга қарши курашиш мақсадида поляк панлари Туркия ва Қрим хони билан тил бириктирдилар. Украинани ўзининг босқинчилик объекти ҳисоблаган Туркия украин халқининг ҳаётига очиқ қуролли аралаша бошлади. Ҳатто айирмачи ўнг қирғоқ украин гетманларини қуроллантирди. Мана шу аралашув Россия ва Туркия ўртасидаги урушни келтириб чиқарди. Ҳарбий жиҳатдан сусайган Усманийлар империясининг халқаро мавқеи ҳам заифлаша бошлади.

Кёпрулю ислоҳотлари. Янги босқинчилик юришлари учун маблағ топиш мақсадида буюк вазир Маҳмед Кёпрулю (1656–1661) сипоҳийлар қўшинининг илгариги имкониятларини қайта тиклашга асосий эътиборни қаратди, чунки бу иш ҳукуматнинг ҳарбий харажатларини бир неча баробар қисқартириши мумкин эди. Маҳмед Кёпрулю ва унинг ворислари – Фозил Аҳмет Кёпрулю ва Қора Мустафо Кёпрулю томонидан кўрилган чора-тадбирлар феодал кўнгиллилар сафининг кўпайишига олиб келди. Кёпрулю турк

қўшинларининг жанговар қудратини оширишга, Кичик Осиё ва Суриядаги феодалларни бўйсундиришга ва марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга муваффақ бўлди. Бироқ Кёпрулю ислоҳотлари олдинги ҳарбий-феодал тизимни тўла тиклай олмади. Кёпрулю ислоҳотларини характерига кўра, икки учли таёққа ўхшатиш мумкин эди. Бир томондан бу ислоҳотлар бир неча йиллар давомида ҳарбий муваффақиятларни таъминлади, иккинчи томондан эса – сипоҳийлик тизимининг сўнгги захираларини ҳам сафарбар қилиб бўлди. Туркларнинг янги ғалабалари феодал эксплуатациянинг кучайтирилиши, деҳқонларнинг оммавий камбағаллашуви ҳисобига амалга ошган эди. Оқибатда, Кёпрулю ислоҳотлари сипоҳийлик тизимининг тўла барбод бўлишига олиб келди. 1683 йили туркларнинг Вена остоналаридаги мағлубияти Усманийлар империясининг ҳарбий ва сиёсий қудратини қайтариб бўлмаслигини аниқ-равшан кўрсатиб берди.

Усманийлар империяси инқирозининг бошланиши

XVII аср охири – XVIII аср бошларига келиб империянинг турғунлик даври (таваққуф даври) тугаб инқироз даври бошланди. Бу даврни турк тарихчилари «Рижот даври» деб аташади. XVIII асрдан бошлаб Усманийлар империяси бирин-кетин илгари эгаллаб олган ҳудудларини йўқота бошлади. Бунинг сабаби, биринчидан, Европа мамлакатларидаги иқтисодий ривожланиш натижасида ҳарбий ва сиёсий салоҳиятнинг ўсиши бўлса, иккинчидан, Усманийлар давлатида юз бераётган чуқур иқтисодий инқироз эди. Давлатнинг иқтисодий инқирози унинг сиёсий ва ҳарбий тушқунлигини ҳам тезлаштирди. Иқтисодий қийинчиликлар туфайли турк армиясининг ҳарбий қудрати асосини ташкил этувчи сипоҳийлар (отлик қўшин) сони 200 минг кишидан 20 мингтагача камайиб кетди. Шу вақтдан бошлаб армияда асосий ролни яничарлар ўйнай бошлади. Яничарлар босиб олинган ерлардан зўрлик билан олиб келинган христиан болаларидан тарбияланган эди. Улар фақат ҳарбий хизмат учун мўлжалланган бўлиб, оила қуриши, бошқа касб-ҳунар билан шуғулланиши қатъиян тақиқланган эди. Яничарлар давлат хазинасидан катта миқдорда маош оларди, яничарбоши султоннинг энг ишонган кишиси ҳисобланарди. Лекин вақт ўтиши билан яничарлар корпусида ҳам жуда катта ўзгаришлар юз берди.

XVIII аср бошларига келиб яничарлар оила куриш ва бошқа касб билан шуғулланиш ҳукукини олдилар. Улар орасидаги темир интизом йўқолди ва яничарлар ичидан жуда катта имтиёзларга эга бўлган ҳарбий аристократия шаклланди. Шу даврдан бошлаб яничарлар сарой тўнтаришларининг ҳаракатлантирувчи кучи ва бош иштирокчисига айланди. Улар ҳарбий ислохотларга ва янгича армиянинг шаклланишига қарши эдилар. Бу ҳол усмонийлар ҳарбий кудратининг заифлашувига олиб келди.

1664 йили турклар Сентготхард шаҳри (Венгрия) яқинида австро-венгер қўшинлари билан бўлган жангда мағлубиятга учради. Бироқ ўзини ўнглаб олган турклар Австрияга қарши янгидан уруш бошлади ва 1683 йили Венани қамал қилди. Шу пайт австрияликларга ёрдамга келган Польша қироли Ян Собеский туркларга қакшатқич зарба берди ва мағлубиятга учратди. Бу мағлубиятлар тасодифий бўлмасдан, аслида Усмонийлар империясида бошланиб кетган ижтимоий-иқтисодий инқирознинг натижаси эди.

1703 йили империя тахтига ўтирган Аҳмад III (1703–1730) таҳдид солаётган инқирозни бартараф қилиш, ҳеч бўлмаса уни бироз кечиктириш учун илк ислохотчилик ҳаракатларини амалга оширди. Бу давр турк тарихида «Лола даври» деб ном олган. Ислохотчилик ҳаракатларининг асосий ташаббускори Дамат Иброҳим Пошо эди. У 1718 йили бош вазир лавозимини эгаллагач, Усмонийлар давлатидаги ислохотларнинг нафақат ташаббускори, балки раҳбарига айланди. Иброҳим Пошо ислохотлари инқирозни тўхтатгандек эди. Кези келганда шуни айтиш лозимки, агар тарихда кўплаб империяларнинг инқироzi унинг асосчиси вафот этгандан бошланиб жуда тез барҳам топган бўлса, Усмонийлар империясида XVII асрдаёқ бошланган инқироз XX асргача маълум ўзгаришлар билан давом этиб, Туркия Республикаси ташкил топиши билан якунланди.

1711 йили турклар Азовни Россиядан қайтариб олди, 1714 йили Венециядан Моравияни тортиб олди. Лекин 1716 йили бошланиб кетган ҳарбий ҳаракатлар ва туркларнинг давомли мағлубиятлари вужудга келган муваффақиятли ҳолатнинг ўткинчи эканлигини, инқирознинг муқаррарлигини кўрсатиб берди. 1716–1718 йиллардаги Усмонийлар давлати билан Австрия ўртасидаги уруш Пожаревацк тинчлик шартномаси билан якунланди. Шартномага кўра усмонийлар Кичик Валахия, Босниянинг бир қисми ва Белграддан маҳрум бўлдилар.

Юзага келган умумий тушкунлик оқибатида мамлакат ичкарасида норозилик ҳаракатлари кучайди. Иброҳим Пошо аҳолини тинчлантириш мақсадида маданий ислоҳотларни амалга ошира бошлади. Лекин 1722 йили Эрон сафавийлари билан бошланиб кетган уруш бунга имкон бермади ва мамлакатнинг иқтисодий аҳволини янада оғирлаштирди. 1730 йили империя пойтахти Истамбулда собиқ матрос Патрона-Халил бошчилигида қўзғолон кўтарилди. Қўзғолончилар томонидан султон Аҳмад III тахтдан ағдарилди, Иброҳим Пошо эса қатл қилинди. Аммо тахтга келган усмонийлар хонадони вакили Маҳмуд I 1731 йили қўзғолонни шафқатсизлик билан бостирди, Патрона-Халил тарафдорлари қатл қилинди. Бош вазир лавозимиغا Хумбарачи¹ Аҳмад Пошо келди. У армияни ислоҳ қилишни давом эттирди. Лекин Аҳмад Пошонинг бу ҳаракати яни-чарларнинг қаттиқ норозилиги ва қаршилигига учради.

1730 йили Эрон билан бошланган уруш 1736 йилгача давом этди. Туркиянинг аҳволини янада оғирлаштирган ҳолат шу бўлдики, ҳали Эрон билан уруш ҳаракатлари тугамасдан, 1735 йили Австрия ва Россия ҳам усмонийларга қарши уруш эълон қилди.

1736 йили усмонийлар Табриз ва Ҳамадоннинг Эронга ўтганлигини тан олди. Европадаги уруш ҳаракатлари натижасида Белград Усмонийлар империяси таркибига ўтган бўлса-да, 1739 йилги Белград шартномасига мувофиқ Запорожье ва Азов Россия ҳудудига қўшилди.

Туркларнинг Европадаги ҳукмронлигига энг катта зарбани 1768–1774 йиллардаги Россия-Туркия уруши берди. Уруш усмонийларнинг мағлубияти билан якунланди. 1774 йили имзоланган Кучукқайнаржи шартномасига мувофиқ фақат Болқон мамлакатларидагина турклар ўз ҳукмронлигини сақлаб қолди. Усмонийлар ўз тарихида биринчи марта Россияга товон тўлаш мажбуриятини ва Қрим хонлигининг мустақиллигини тан олдилар.

1774 йили тахтга ўтирган Султон Абдулҳамид I (1774–1789) ҳукмронлик қилган йиллари ҳам Россия-Туркия муносабатларидаги асосий муаммо Қрим муаммоси бўлиб қолаверди. 1783 йили Россия Қримни расман ўз ҳудудига қўшиб олди. Бу Усмонийлар империясидан тортиб олинган ислом динига эътиқод қилувчи ва туркий тилда сўзлашувчи илк давлат эди. Қримнинг Россияга қўшиб оли-

¹ *Хумбарачи* – туркларда замбаракни ўқловчи киши шундай аталган. Бу ерда фамилия сифатида қўлланилган.

ниши ўзини ислом динининг халифаси деб эълон қилган султоннинг обрўсига путур етказди ва империянинг ички аҳволини янада оғирлаштирди. Империянинг турли худудларида султонга қарши кайфият кучайди.

Султон Абдулҳамид I Англия ва Швециянинг гиж-гижлаши билан ва мавжуд оғир аҳволдан чиқиш мақсадида 1787 йили Россияга уруш эълон қилди. Россиянинг иттифоқчиси бўлган Австрия дарҳол туркларга қарши урушга кирди. Натижада турклар иккита фронтда уруш олиб боришга мажбур бўлди. Бунинг устига урушнинг дастлабки кунлариданоқ Туркия армиясининг урушга тайёр эмаслиги кўриниб қолди. А.Суворов кўмондонлигидаги рус кўшинлари Факшан, Римник ва Исмоил қалъаси ёнидаги жангларда турк кўшинларини мағлубиятга учратди. Уруш ҳаракатлари шундай давом этаётган бир пайтда Султон Абдулҳамид I вафот этиб, тахтга унинг жияни Султон Салим III келди.

Салим III ислохотлари. Салим III ақлли, вазиятни тўғри баҳолай оладиган кучли дипломат ва ислохотчи эди. Унинг даврида империянинг ташқи сиёсати сифат жиҳатидан ўзгариб, янги босқичга кўтарилди. У Пруссия билан иттифоқчилик шартномасини имзоллади. Бу ҳол урушнинг якунига ўз таъсирини ўтказди. Бундан ташқари, Англия ва Франциянинг Яқин Шарқда Россия назорати ўрнатилишига қарши эканлигидан ҳам халқаро муносабатларда усталик билан фойдаланилди. Натижада 1791 йили Австрия билан Систова сепарат сулҳи имзоланди ва Россия ҳам урушни тўхтатишга мажбур бўлди. Бу Усманийлар империясини тўла таслим бўлишдан сақлаб қолди. Шу йили Россия билан Ясси тинчлик шартномаси имзоланиб, икки давлат ўртасидаги чегара Днестр бўйлаб ўтказилиши белгиланди. Турклар ўзларининг Грузияга бўлган даъволаридан воз кечишди, Россиянинг Молдавия ва Валахия устидан ҳукмронлигини тан олишди.

Урушдан сўнг Салим III империяни ислох қилишга киришди. Шу мақсадда 1792 йилдан 1796 йилгача бир неча фармонлар чиқарди. Бу фармонларга кўра ҳарбий мажбуриятни ўташдан бош тортган мулкдорларнинг мол-мулклари мусодара қилинди, армия қайта тузилиб, янгича интизом жорий қилинди, ҳарбий муҳандислик ва денгиз флоти билим юртлири ташкил этилди. Европанинг илғор усуллари асосида тўп қуйиш ўзлаштирилди, хориждан мутахассислар таклиф этилиб, флот учун 23 та йирик ҳарбий кема қурилди ва флот қайта ташкил қилинди.

Салим III ислоҳотлари «Янги тузум» (Низом-и-жадид) деб ном олди. Ислоҳотлардан мақсад, марказий ҳокимиятни кучайтириш орқали империя яхлитлигини асраб қолиш эди. Ислоҳотчилар армияни давлатнинг таянчи деб қарашар ва шу сабабли асосий эътибор уни кучайтиришга қаратилган эди.

Ислоҳотлар сўзсиз прогрессив аҳамиятга эга ва агар тўлиқ амалга оширилганда Усманийлар империясини тараққиётнинг янги босқичига олиб чиқиши мумкин эди. Аммо мамлакатдаги мулкдор қатламларнинг катта қисми ҳамда ҳар қандай ислоҳотларни давлат ва диннинг асосларига зарар етказди, деб ҳисоблаган муслмон руҳонийлари ислоҳотларга қарши эди. Низом-и-жадидга, айниқса яничарлар қаттиқ қаршилик кўрсатишди, чунки европача таълим олган ва интизомли армиянинг шаклланиши яничарлар корпусининг барҳам топишига олиб келишини улар яхши тушунишар эди. Бундан ташқари ислоҳотларни ўтказиш катта харажатлар талаб қилиб, аҳолига янги солиқлар солинишига олиб келди ва кенг халқ оммасининг норозилигини келтириб чиқарди. Буларнинг ҳаммаси кўшилиб, оқибатда ўтказилаётган ислоҳотларнинг тўлиқ муваффақиятсизлигига олиб келди.

Болқон ва Кичик Осиёдаги ярим мустақил давлатларнинг бошлиқлари, Видин Пошоси Усмон Пазванд ўғли, Янин Пошоси Алимар ҳам жорий қилинаётган янгиликларга очикчасига қарши чиқишди. Ҳукумат эса уларни охиригача бўйсундира олмади. Шундай қилиб, ислоҳотлар забт этилган халқлар орасида миллий-озодлик ҳаракатларининг пайдо бўлишига тўсиқ бўла олмади. Султон ҳукумати 1793–1796 йиллари Белград Пошолигига автономия ҳуқуқини беришга мажбур бўлди.

XVI–XVIII асрларда Усманий турклар маданияти. Усманийлар давлатида фалсафа диний ва дунёвий қарашлар ўртасидаги рақобат билан характерланади. Мамлакатда мавжуд бўлган мадрасаларда дунёвий фанларни ўқитиш жуда ёмон аҳволда бўлиб, мадраса дарслари асосан диний, ижтимоий ва сиёсий ҳаётни ўз ичига олган шарият ва фикҳ фанлари билан чекланган эди.

XVII асрдан Европанинг илғор ғоялари таъсири остида йирик шаҳарлар, асосан пойтахт Истамбулда дунёвий фанларни ривожлантиришга ҳаракат бошланади. Ўз даврининг илғор кишилари – сиваслик Абдулмажид Нури кабилар мадрасаларда дунёвий билимларни ҳам ўқитиш тарафдорлари эди. Шундай кишиларнинг ташаб-

буси ва таъсири туфайли мамлакатдаги мавжуд диний жаҳолатга қарамасдан дунёвий билимлар соҳасида ҳам олимлар етишиб чиқдилар.

Улардан бири XVII асрдаги Туркиянинг буюк олими Кошиб Чалабийдир (1609–1657). У ўзининг «Энг тўғриси топиш учун ҳақ тарозиси» номли асарида дунёвий билимларнинг аҳамиятини ва диний мутаассибликнинг салбий томонларини очиқ беришга ҳаракат қилади, тарих, география ва манбашуносликка бағишланган юзлаб асарлар яратди.

Математика ва астрономия соҳасида Хизир Халифа Табарий, Мулла Меҳмет Чалабий, Кошипзода Мустафо каби олимлар баракали фаолият кўрсатдилар.

Шу даврда турк адабиётида ҳам ўзига хос фаоллик кузатилади, йирик асарлар яратилади. Шулардан Авлиё Чалабийнинг (1682 йили вафот этган) «Саёҳатнома» асари тарихий-этнографик манба сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Тарихий йўналишдаги шундай асарлардан яна бири Султон Иброҳим I нинг котиби Кочи Бекнинг «Рисола» номли асаридир. Асарда давлат хазинаси ва солиқлар тизими тўғрисида батафсил маълумот берилади.

Фан ва адабиётдаги баъзи ютуқларга қарамасдан XVII асрдаги сиёсий ва иқтисодий инқироз барча соҳага салбий таъсир кўрсатди. Инқироз, айниқса адабиёт ва меъморчиликда яққол кўзга ташланди. XVII аср охирига келиб форс ва араб тилининг таъсири туфайли адабиёт турк халқи учун тушунарсиз ҳолатга келди. Тилни «тозалаш» учун қилинган кўплаб ҳаракатлардан сўнг «Усмонийча» деб номланган адабиёт яратилди.

Меъморчиликда ҳам XVII аср охири – XVIII аср бошларида тушунарсиз, миллийликдан анча йироқ бўлган қоришиқ услублар яратилди. Ваҳоланки, XV–XVII асрларда турк меъморлари буюк тарихий обидаларни яратишган эди. Айниқса XVI асрнинг буюк меъмори Синон ўзининг бетакрор бинолари билан турк меъморчилиги ривожига катта ҳисса қўшди. Бобурийларнинг Деҳли, Лахур ва Аградаги саройлари турк меъморлари томонидан бунёд этилган эди. Синон Осиёда биринчи бўлиб бинолар қурилишида «барокко» услубини қўллаган уста эди. Ундан сўнг меъморбоши лавозимида ишлаган Далгич Аҳмад ва Садафкар Меҳмет оғалар ҳам Синоннинг илғор ғояларини давом эттирди, унинг услубида бинолар қурдирди. Улар Истамбулдаги Султон Аҳмад I жоме масжидини ва «Янги

жоме»ни бунёд этдилар. XVII аср турк меъморчилигининг ажойиб намуналари сифатида султоннинг Тўпқопи саройидаги Бағдод ва Равон кўшкларини ҳам айтиб ўтиш лозим. Бу биноларнинг устаси ўша даврдаги меъморбоши Ҳасан Оға эди.

XVI–XVII асрларда Усманийлар империясида наққошлик ва миниатюра санъати ҳам яхши ривожланади. Наққошликда безак воситаси сифатида асосан миниатюра расмларидан ва ёзувлардан фойдаланилар эди. XVI аср охири – XVII аср бошларида яшаган машҳур наққош ва хаттот Наққош Усмон, айниқса, бу санъатнинг ривожига катта ҳисса қўшди. У ўзининг «Хунарнома» ва «Сурнома» каби асарларида бу санъат сирлари ҳақида батафсил фикр юритади. Унинг бу икки асарига 600 га яқин рисоласи жамланган.

Европа ва араб маданиятининг таъсирига қарамасдан XVI–XVIII асрлардаги турк маданияти асосан миллийлик ва ўзига хосликни сақлаб қола олди. Аммо юқорида айтилганидек, империяда бошланган сиёсий ва иқтисодий инқироз маданият ривожига ҳам таъсир этмасдан қолмади.

* * *

Усманийлар империяси янги давр бошларида ҳам минтақанинг энг кучли ҳарбий-феодал давлати бўлиб қолаётган эди. Аммо Европа давлатларининг жадал иқтисодий тараққиёти уларнинг ҳарбий-техник имкониятларини ҳам оширди ва бу ҳол Туркиянинг сиёсий мавқеига салбий таъсир кўрсатди. Натижада ислохотлар учун қилинган қатор уринишларга қарамасдан, XVII асрдаёқ бошланган инқироз ҳолатини енгиб ўтишнинг иложи бўлмади. XVIII асрнинг охирига келиб инқироз империя ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олди.

XXVI боб бўйича саволлар

1. Янги даврда Усманийлар империясининг ривожланишига ислом динининг таъсирини қандай баҳолаш мумкин?
2. XVI асрда усманийлар олиб борган босқинчилик урушлари натижа-сида қайси ҳудудлар империя таркибига қўшиб олинди?
3. Янги даврда Туркияда хунармандчилик ва савдонинг ўсишига, ша-ҳарларнинг ривожланишига қандай асосий факторлар сабаб бўлди?
4. XVII асрда усманийларда давлат тизимининг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат эди? Унда армиянинг роли қандай эди?

5. XVII асрда Усмонийлар империяси иқтисодий ривожланишидаги секинлашув давлат сиёсати ва ҳарбий соҳада қандай ўзгаришларга олиб келди?
6. Маҳмед Кёпрулю ислоҳотлари қандай мақсадни кўзлаган эди?
7. XVII аср охири – XVIII аср бошларида Туркияда инқирозларнинг бошланганлиги нималарда намоён бўлади? Бу даврнинг асосий мазмуни нимада?
8. Салим III ислоҳотлари қандай мақсадга қаратилган эди ва қандай натижалар билан якунланди?

XXVII БОБ. XVI–XVIII АСРЛАРДА ЭРОН

Сафавийлар ҳокимиятининг ўрнатилиши.

Ички ва ташқи сиёсат

XV аср охирида, феодал тарқоқлик давридаёқ Сафавийлар¹ сулоласининг таъсири ортиб боради. Сафавийларнинг асосий таянчи «қизилбошлилар» деб аталувчи кўчманчи турк қабилалари эди. 1499 йили Исмоил I Сафавий (1487–1524) қизилбошлилар ёрдамида Оққуюнлилар давлатига қарши кураш бошлади ва 1501 йили Эрон ҳудудини деярли эгаллаб Сафавийлар давлатига (1502–1736) асос солди.

XVI асрнинг бошларида сафавийлар барча Эрон ерларини бирлаштириш ва янги ҳудудларни эгаллаш учун жанглар олиб борди. Исмоилшоҳ давридаёқ Ғарбий Эрон ерлари бўйсундирилиб, Мушаъша давлати йўқ қилинди. Бундан ташқари, улар Ироқни Бағдод билан бирга, ҳамда муҳим савдо йўллари кесишадиган, шиаларнинг муқаддас шаҳарлари ҳисобланмиш Нажаф ва Карбалони ҳам эгаллашди.

1510 йили қизилбошлилар Эронга ҳужум бошлаган кўчманчи ўзбекларни енгиб, Хуросонда мустаҳкамланиб олди. 1514 йили эса Сафавийлар ва Усмонийлар давлатлари ўртасида Кавказорти, Курдистон ва Месопотамия учун қирқ йил давом этган уруш бошланди.

¹ Сафавийларнинг келиб чиқиши аниқ маълум эмас. Кўпчилик олимлар уларни туркийлардан деб ҳисоблашади. Сулола асосчиси Исмоил I Ҳатой тахаллуси билан туркий тилда (озарбайжонча) шеърлар ёзган, у озарбайжон поэзиясининг классикларидан ҳисобланади. Айрим олимлар, масалан, Руд Мэт, Рожер Сейвор сафавийларни келиб чиқиши бўйича эронлик курдлар дейишади, уларни араблар деб ҳисоблайдиган олимлар ҳам бор.

1514–1555 йилларда расмий равишда исломдаги икки йўналиш – суннийлик ва шиалик байроқлари остида олиб борилган бу уруш аслида Эрон шоҳлари ва усмоний султонларнинг бой ерларни эгаллаш, ҳарбий ўлжаларга эга бўлиш ва хазинани бойитишга бўлган кизикишлари туфайли содир бўлаётган эди. Турк ва Эрон ҳукмрон доиралари Буюк ипак йўлини назорат қилиш, Кавказорти ва Багдод орқали ўтадиган Европа-Осиё савдо йўлларини қўлга киритиш учун ҳам ҳаракат қилишаётган эди. 1514 йили Султон Салим I бошчилигидаги турк қўшинлари Кичик Осиёда 40 минг кишилик шиалар қўшинидан енгилди, бироқ турк армияси Чалдирон текислигида кизилбошлиларни енгиб, Табризни эгаллашди. Лекин яничарлар орасидаги нотинчлик ва маҳаллий озарбайжонларнинг норозилик ҳаракатлари туфайли турклар бу ҳудудни ташлаб чиқишга мажбур бўлдилар. Улар чекинаётиб, Табризнинг энг яхши ҳунармандларини ўзлари билан олиб кетдилар. Томонларнинг навбатма-навбат устунлигида узок давом этган бу уруш Амасида (Кичик Осиё) сулҳ шартномасининг имзоланиши билан якунланди. Унга биноан Сафавийлар Ироқ, Ғарбий Грузия ва Арманистоннинг бир қисмини туркларга беришга мажбур бўлди.

Сафавийлар давлати ислом динидаги шиалик мазҳаби ғоялари асосида тузилган бўлиб, бу ғоялар марказлашган давлат тузилиши учун ҳам катта хизмат қилди. Дастлабки сафавийлар даврида марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор тadbирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида маҳаллий ҳукмдорларнинг қаршиликлари бостирилиб, сафавийлар ҳокимияти мустаҳкамланди.

XVI аср 60–70-йилларида солиқларнинг ошиб бориши, урушлар ва маҳаллий можаролар оқибатида халқнинг аҳволи ёмонлашди. Мамлакат бўйлаб тез-тез вабо тарқалиб, очлик ва касалликдан минглаб одамлар қурбон бўларди. Бундай ҳолатда марказий ҳокимиятга қарши халқ кўзғолонларининг бўлиши табиий ҳол эди.

Сафавийларга қарши халқ кўзғолонларининг энг катталаридан бири 1569 йилги Ғилон кўзғолони бўлди. Сафавийлар бўйсундиргунга қадар Ғилонда иккита хонлик мавжуд эди. Мустақилликни тиклаш учун кураш олиб бораётган ғилонликлар 18 минг кишилик қўшин тузди. Аммо ғилонликларга қарши жўнатилган қизилбошлар бу армияни енгиб, кўзғолонни бостиришга муваффақ бўлди. Ғилон вилоятининг ҳукмдори этиб шоҳнинг ўғли тайинланди, ерлар эса

қизилбош амалдорларга бўлиб берилди. 1572 йилга келиб кўзғолон тўлиқ бостирилган эди.

Ғилонликлар кўзғолони билан деярли бир вақтда, 1571–1573 йилларда Табризда ҳам кўзғолон бўлиб ўтди. Шу пайт Табриз йирик савдо ва хунармандчилик шаҳри бўлиб, унда 300 мингдан зиёдроқ аҳоли яшарди. Шаҳар аҳолиси туркларнинг уч карра босқинидан қаттиқ жабр кўрган эди.

Кўзғолоннинг бевосита бошланишига халқ ҳаракати қатнашчиларидан қатл қилинганларнинг дафн маросимига маҳаллий ҳукмдорларнинг аралашуви сабаб бўлди. Камбағал шаҳарликлар кўзғолон кўтариб шаҳар ҳукмдорининг, бир қанча бой зодагонларнинг ва шиалар олий руҳонийсининг уйларини бузиб ташлади. Бу ҳақда «...ҳар бир кўчада оддий халқ орасидан кимдир ўз ҳокимиятининг байроғини ўрнатган эди» – деб ёзган эди Эрон тарихчиси Ҳасан Румли.

Кўзғолонга раҳбарлик қилишда полвонлар (курашчилар) фаоллик кўрсатишди. Яри исмли полвон кўзғолоннинг умумий раҳбарига айланди. Шоҳ Таҳмасп I (1514–1576) Табризга янги ҳукмдор тайинлашга мажбур бўлди. Бу янги ҳукмдор кўзғолончилар раҳбарлари билан музокаралар олиб бориб, уларни кўзғолоини тўхтатишга чақирди. Музокаралар натижа бермагач, шиа руҳонийлари кўзғолонни куч билан бостиришга фатво бердилар ва кўзғолон бостирилди. Кўзғолон раҳбарларидан Яри, Аваз, Кўкча, Шундти, Ҳасан ва Ҳусан полвонлар ҳамда яна 150 киши қатл қилинди. Аммо кўзғолон беҳуда кетмади. Янги кўзғолонларнинг олдини олиш мақсадида шоҳ ён беришга мажбур бўлди ва Табризни хазинага тўланаётган барча солиқлардан озод қилди, бу эса шаҳарнинг кейинги тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Сафавийлар даврида Эроннинг иқтисодий-иқтисодий музилиши. Шоҳ Аббос I ислоҳотлари. XVI аср охири – XVII аср бошларига келиб Эроннинг иқтисодий аҳволи анча яхшиланди, Сафавийлар давлати ҳам мустақкамланди. Давлатга қарашли ерлар-мулки девоний (амлок) шоҳнинг мулки – хос ерлар анча кенгайди. Шоҳ ерлари дастлабки сафавийлар даврида ҳам қатта эди. Лекин энг кўп ерларни Аббос I (1571–1629) эгаллади. Француз саёҳатчиси Шадреннинг ёзишича, шоҳнинг мулкларига Эроннинг энг ҳосилдор ерлари ва иқтисодий ривожланган худудлари кириб, бу ерлар мамлакат умумий ерларининг 2/3 қисмини ташкил қиларди. Давлат ва

шоҳ ерларидан ташқари вақф ерлари ҳам мавжуд бўлиб, бу ерлардан қоладиган фойда шиа руҳонийларига тегишли эди. Сафавийлар ўз хизматида бўлган зодагонларга ерларни суюрғол шаклида эмас, асосан тюл шаклида, яъни бир умрга, лекин мерос бўлиб қолмаслик шарти билан тарқатишарди.

Сафавийлар давлати бир-бири билан иқтисодий жиҳатдан суёт боғланган ҳудудларни бирлаштирган ҳарбий-сиёсий уюшма эди. Шунга қарамасдан XVII асрда Эрон иқтисодида, айниқса, марказий, Ғарбий ва Шимолий ҳудудларда маълум ўсиш юз беради. Қишлоқ хўжалиги ривожланиб, йўллар, сунъий суғориш иншоотлари барпо қилинди, товар ишлаб чиқариши ўсди, савдо, айниқса, ташқи савдо алоқалари кенгайди. Товар-пул муносабатларининг кенгайиши шаҳарларнинг ривожланишига, савдо ва ҳунармандчилик марказларига айланишига олиб келди.

Мамлакатдаги нисбатан иқтисодий ва сиёсий барқарорлик бир қатор ислоҳотларни ўтказиш учун шароит яратди. Бу ислоҳотлар Шоҳ Аббос I даврида ўтказилиб, асосан марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга қаратилди.

Аббос I 1587 йили 17 ёшида қизилбошлилар қабилаларининг оқсоқоллари томонидан тахтга ўтказилган бўлса-да, ўз ҳомийлари кўлида кўғирчоқ бўлиб қолмади, у қизилбошлиларни тез орада ҳокимиятдан узоқлаштирди. Шоҳ марказий ҳокимиятнинг мустаҳкамланишидан манфаатдор бўлган катта ер эгаларига таяниб иш кўрди.

Ташқи сиёсат ҳам мамлакатда барқарорлик ўрнатишга хизмат қилди. Аббос I 1590 йили турклар билан Истамбул шартномасини имзолади. Унга кўра Шарқий Грузия, Шарқий Арманистон, Курдистон, бутун Озарбайжон ва Луристоннинг бир қисми усмонийларга ўтди. Аббос I эса турклар билан сулҳ имзолангандан сўнг бутун кучини ўзбошимча айирмачи феодалларни бўйсундиришга ва шимолдаги ўзбек хонларига қарши қаратди. Натижада 1597 йили Нишопур, Машҳад, Ҳирот ва Марв ўзбек хонларидан тортиб олинди.

Аббос I нинг давлатни марказлаштириш ва маъмурий тузумни такомиллаштириш сиёсати, асосан феодал тарқокликни тугатишга қаратилган эди. Аббосгача армия ҳарбий феодал қизилбошларнинг алоҳида отлик гуруҳларидан, деҳқонларнинг кўнгилли пиёда кўшинларидан ва шоҳнинг хавфсизлигини таъминловчи отлик гуруҳлардан иборат эди.

Ҳарбий ислоҳотлар ўтказиш натижасида Аббос I 12 минг кишидан иборат ўқчи-мушкетёрлар, 10 минг кишилик, асосан кавказликлардан ташкил топган отлик ғуломлар, 12 минг киши ва 500 тўпдан иборат артиллерия корпусидан ташкил топган мунтазам армия тузди. Қўриқчилар корпуси (шоҳнинг хавфсизлигини таъминловчи отлик гуруҳ) сақлаб қолинди.

Шоҳ қизилбошлиларнинг кўзғолонларини шафқатсизлик билан бостирди. Масалан, 1596 йили шоҳнинг буйруғи билан қизилбошлиларнинг тақали қабиласи қириб ташланди. Шоҳнинг хизматига содиқ қолган қабилалар «шоҳсевар» (шоҳни севувчилар) номини олди.

Ҳарбий ислоҳотлар ўтказиб яхши тайёргарлик кўргандан сўнг, 1602 йили Аббос I Туркияга қарши уруш бошлади. Уруш давом этган ўн йил ичида у Озарбайжон, Луристон, Курдистоннинг бир қисми, Шарқий Арманистон ва Шарқий Грузияни усмонийлардан қайтариб олишга эришди. Бу уруш кавказ халқларига жуда катта кулфатлар келтирди. Сафавийлар ташқи сиёсатдаги сингари ички сиёсатда ҳам жуда шафқатсиз эдилар. Масалан, Аббос I яхши жанг қилмаганлиги учун, ўз ўғилларидан бирини ўлдиришни, икки нафарини эса кўзларини кўр қилишни буюрган.

Аббос I даврида бутун давлатни бошқариш ишлари шоҳ саройида тўпланган эди. Саройда «улуғлар мажлиси» деб аталувчи ўзига хос давлат кенгаши ҳам фаолият юритарди. Шоҳнинг ҳокимияти чекланмаган бўлса-да, муҳим масалаларни ҳал қилишда шоҳ ва «улуғлар мажлиси» шариат қоидаларига амал қилишлари ва мусулмон руҳонийларнинг фикрлари билан ҳисоблашишлари лозим эди.

Аббос I давлат даромадларининг асосини ташкил қилувчи солиқлар йиғишда ҳам эҳтиёткор сиёсат олиб борди. У ўз ҳокимияти учун хавfli ҳисобланган ҳудудлардан олинадиган кўшимча ва фавқулодда солиқларни қисқартирди, марказий туманларни эса бундай солиқлардан бутунлай озод қилди. Аммо қолган ерларнинг дехқонлари давлат ва армия учун жуда кўп сонли солиқлар тўлар эди, шунингдек, суғориш иншоотлари, кўприклар, саройлар қуриш каби мажбуриятларни бажарар эдилар. Вақти-вақти билан шоҳнинг махсус фармонига кўра аҳолидан ўсмирлар ва қизлар саралаб олинарди. Йигитлар кўпроқ Кавказортидаги христианлардан олиниб, мунтазам ғуломлар корпусига ёки сарой соқчилари сафига

қўшиларди. Қизлар эса шоҳ ҳарамига олинар ёки бошқа амалдорларга чўри қилиб бериларди.

Ички бозорнинг кенгайиши, ташқи савдо алоқаларининг мустаҳкамланиши натижасида деҳқон хўжалиқларининг товар-пул муносабатларига тортилиши уларнинг судхўрларга қарамлигини оширди ва қишлоқда мулкый тенгсизликнинг кучайишига олиб келди.

Шариат бўйича бир мусулмон иккинчисига тобе эмасди, шунинг учун барча деҳқонлар расман озод ҳисобланарди. Сафавийлар давлатида деҳқонларнинг қарамлик даражасини ҳар бир вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволидан келиб чиқиб баҳолаш мумкин эди.

Шаҳарлар. Ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши. Аббос I даврида ўтказилган маъмурий ислохотлар жараёнида давлат пойтахти 1598 йили Қазвиндан Исфаҳонга кўчирилди. Шоҳ янги пойтахтни юксалтириш учун ҳамма имкониятларини ишга солди. Исфаҳон ажойиб саройлар мажмуидан иборат қилиб қайта қурилди. Шоҳ саройи ва шоҳ мачити, айникса, маҳобатли ва серҳашам қилиб қурилган эди. Пойтахтда ҳунармандчилик ва савдони жонлантириш мақсадида шоҳ Жулфа шахридан машҳур савдогар ва ҳунарманд арман оилаларини бу ерга кўчиришни буюради. Жулфадан кўчирилган 15 минг оиладан Исфаҳонга фақат 3 минги етиб келади холос, қолганлари йўлда вафот этади. Шу тариқа Исфаҳоннинг ёнгинасида Янги Жулфа деб аталувчи савдо маркази пайдо бўлди. Умуман Исфаҳонда олтига йирик савдо-ҳунармандчилик марказлари вужудга келди. Шаҳар аҳолиси тез суръатлар билан ўсиб, XVI аср бошларида 500 – 600 минг кишига етди. Шу пайтда Исфаҳонда 162 та мачит, 49 та мадраса, 1802 та қарвонсаройлар, марказий ёпик бозор ва 273 та ҳаммом мавжуд эди. Ўз даврининг машҳур уста-ҳунармандлари, моҳир рассомлари шу ерда тўпланишган эди.

Ҳунармандчиликнинг соҳалари орасида, айникса, тўқимачилик кенг ривожланди. Исфаҳон атрофида бозор учун турли-туман мато ишлаб чиқарадиган 1460 та маҳалла маълум эди. Исфаҳондан ташқари Шероз, Табриз, Машҳад каби бошқа шаҳарларда ҳам шоҳи, бахмал, парча каби матолар ички ва ташқи бозор учун кўплаб ишлаб чиқарилади. Эронда тўқилган зардўзлик маҳсулотлари, айникса, Европа бозорларида юқори баҳоланган.

Ипак ва зар иплардан дўппи ва белбоғлар тикиш, гилам тўқиш ҳам кенг тарқалган эди. Айникса Эрон гиламлари машҳур бўлиб,

ўша пайтдаги Европа монархларининг саройларини безаб турарди. XVI–XVIII асрларда Эронда ишлаб чиқарилган бадий санъат буюмлари – гиламлар, сопол ва бронза буюмлари, қуроллар пишиқлиги ва безакларининг нафислиги билан одамларни ҳайратга солган. Эронлик усталар металлга ишлов беришда ҳам катта ютуқларга эришади. Улар тайёрлаган металл буюмлар – мушаклар, астрономия асбоблари, идишлар Фарбий Европа ва Россия бозорларида харидоргир эди. Ҳунармандлар ички бозор учун ўсимликлардан олинган бўёқлар, тери буюмлари, ойна, совун ва бошқа халқ истеъмол буюмларини ҳам ишлаб чиқарарди.

Бироқ қазилма бойликлардан фойдаланиш даражаси ўта паст бўлиб, хазинага улардан келадиган даромад умумий даромаднинг бор-йўғи 0,18 фоизини ташкил қиларди, холос.

Эрон шаҳарлари ўз-ўзини бошқариш тизимига эга эмасди. Аммо савдогарларнинг уюшмалари ва ҳунармандларнинг эснаф (цех)лари ички автономияга эга эди. Эснафлар усталарнинг малакасини белгилар, ишлаб чиқаришнинг йўналиши ва миқдорини ўрнатарди. Якка тартибдаги ҳунармандлар ҳам мавжуд бўлса-да, ҳунармандлар асосан корхоналарга бириккан бўлиб, уларда 70 тадан 80 тагача ишчи ишларди. Ҳунармандчиликнинг мутахассислашган 32 та тармоғи мавжуд эди.

Аббос I даврида жорий қилинган янги пул бирлиги «аббосий» бир мисқол (4,6 грамм) кумушдан тайёрланиб, иқтисоднинг ривожланишида ижобий роль ўйнади.

Ташқи савдо ва ташқи алоқалар. Ташқи савдода сезиларли ўсиш бевосита қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Ипак савдоси ва бошқа айрим товарлар устидан шоҳ монополиясининг ўрнатилганлиги хазинага жуда катта фойда келтирди. Айниқса Эрон томонидан Кавказортидаги ипакчилик туманлари босиб олинганидан сўнг ташқи савдодан келадиган фойда давлат даромадининг асосий қисмини ташкил қила бошлади.

Савдо компаниялари орасида шоҳ номидан ташқи савдода иштирок этадиган арманларнинг «Янги Жулфа» компанияси алоҳида ажралиб турарди. Эрон савдогарлари Осиёдаги бошқа мамлакатларга ва Европага маҳсулот олиб боришарди. Айрим компаниялар, ҳатто Швеция ва Хитойда ҳам ўз вакиллик идораларига эга эдилар. Савдогарлар катта ҳуқуқларга эга бўлиб, ҳукмдорлар томонидан ҳимоя қилинар, феодаллар қатлами билан каттиқ боғланган эди. Сафавий-

лар чет эл савдо компанияларига турли енгилликлар бериб, улар билан савдони ривожлантиришдан ҳам жуда катта манфаат кўрарди.

Бу даврда Россия ва Европанинг бошқа давлатлари туркларга қарши иттифок тузишдан манфаатдор бўлганликлари учун ҳам бир неча мартаба Эронга ўз элчиларини жўнатдилар, шунингдек, Сафавийлар ҳам Европа давлатлари билан туркларга қарши биргаликда кураш олиб боришга ҳаракат қиларди. Аббос I Германия императори, Испания ва Португалия қироллари, Рим папаси ва Франция, Голландия, Россия ҳукуматлари билан ўзаро элчилар алмашди. Одатда, элчилар ўзлари билан жуда кўп қимматбаҳо совғалар келтиришарди, бу ҳам ўзига хос ташқи савдонинг бир кўриниши эди.

Сафавийлар даврида Москва Руси билан доимий алоқалар ўрнатилди. Ўзаро элчилар алмашув XV асрдаёқ бошланган эди. XVI асрнинг 50-йилларида Повольже ва Каспий бўйларини эгаллаб олганидан сўнг Рус давлатининг Эрон ва бошқа Осиё давлатлари билан савдо алоқалари сезиларли равишда кенгайди. 1588 йилдан 1676 йилга қадар 20 та рус элчиси Эронга жўнатилган бўлса, Эрондан Россияга 15 та элчи юборилган. Эрон савдогарлари Астраханга келиб доимий савдо қиладиган бўлишди. Усманийлар империясига қарши курашдаги умумий сиёсий манфаатдорлик иккала давлат ўртасида савдо-дипломатик алоқаларнинг ривожланишига олиб келди.

Эронни мустамлакага айлантиришнинг бошланиши. Форс кўрфазини эгаллаб олиш учун дастлабки ҳаракатни XVI асрда португаллар бошлаб беришди. 1507 йили улар Ормуз оролини ва ундаги йирик савдо портини эгаллаб олишди, лекин аҳоли кўзғолон кўтариб уларни бу ердан ҳайдаб юборди. Орадан бир неча йил ўтгач, португаллар ўзларининг денгиздаги ҳарбий устунлигидан фойдаланиб яна Ормузни эгаллашди. Бу ерда гарнизон жойлаштирилиб, савдо факторияси ташкил этилди.

Португаллар Форс кўрфазидида ҳукмрон бўлиб олганларидан сўнг инглиз савдогарлари Эрон ва Ҳиндистон билан савдони шиомолий йўл, яъни Волга-Каспий йўли орқали ривожлантиришга ҳаракат қилиб кўришди. XVI аср 60-йилларида инглизларнинг Москва компанияси (Женкинсон миссияси ва бошқалар) жуда катта қийинчиликлар билан Ширвон чегараларида эркин савдо қилиш ҳуқуқини кўлга киритдилар ва Шемахада савдо факториясини очдилар. Сал кейинроқ улар бож ва йўл солиқларини тўлашдан озод

қилинди. Улар Эрон ҳудудида кўчмас мулк сотиб олишлари мумкин эди. Эрон ҳукумати эса уларнинг маҳсулотларини ортиш-туширишда ёрдам бериш ва қароқчилардан ҳимоя қилиш мажбуриятини олди. Бу савдо шартномаси бир неча бор янгиланди. Инглизларнинг Ширвон билан савдо алоқаси туркларнинг босқини туфайли тўхтаб қолди. Россия ҳукумати ўз ҳудудидан инглиз товарларини ўтказишга рухсат бермаганлиги сабабли бу савдо йўли ривожланмади.

XVII аср бошларида Эронга инглизларнинг Ост-Индия компанияси ўз вакилларини жўнатди. 1616 йили шоҳ Аббос I инглиз савдогарлари билан яхши муомалада бўлиш, ўз портларида инглиз савдо кемаларини қабул қилиш тўғрисида буйруқ берди. Бир йилдан сўнг компания вакиллари жуда кўп товарлар билан келганида Аббос I Шероз ва Исфаҳонда инглиз факторияларини очишга рухсат берди. Инглизлар шоҳ саройида ўз вакилига эга бўлиш, бутун мамлакат бўйлаб эркин савдо қилиш, ўзи билан қурол олиб юриш ва зарур ҳолларда уни қўллаш ва диний эътиқод эркинлиги каби ҳуқуқларга эга бўлишди. Шунингдек, уларни маҳаллий қонунлар билан суд қилиш мумкин эмасди.

Форс кўрфази орқали Эрон ипаги билан савдо қилиш фойдали бўлиб чиқди. Чунки Эрондан ипак сотиб олиш Туркиядаги марказий ипак бозори Ҳалаб (Алеппо)дагидан 50 фоиз арзонга тушарди. Инглизлар бутун Эрондаги ипак савдоси устидан тўла монополия ўрнатишга ҳаракат қилишди. Бунинг эвазига улар Аббос I га португалларга қарши урушда Ост-Индия компаниясининг ҳарбий қисмларидан фойдаланишни таклиф қилишди. 1623 йили Сафавийларнинг кўшини кўмагида Ормузни эгаллашга ва португалларни қувиб чиқаришга муваффақ бўлишди. Уларнинг қурилмалари бузиб ташланди, порт эса материкка (Гомбрун)га кўчирилди ва Бендер-Аббос (Аббос бўғози) деб қайта номланди. Шу вақтдан бошлаб инглизлар Эронда янги ҳуқуқларни олишди. Улардан асосийлари Бендер-Аббос портида тушадиган божларнинг ярмини олиш, бу ерда ўз факториясига эга бўлиш, ипак олиб чиқиш ва шу кабилар эди. Бу ҳуқуқлар аввал инглизларга берилган бўлса, кейин голландларнинг Ост-Индия компаниясига ҳам берилди.

XVII аср ўрталарига келиб голландларнинг Ост-Индия компанияси инглизлар билан рақобатда муваффақиятга эришиб уларни ортда қолдирди. Чет эл компаниялари товар олиб чиқишдан кўра кўпроқ уни Эронга олиб киришни маъқул кўришарди. Эрон

иктисодиёти учун хавфли бўлган ҳолатлардан бири, кумуш тангаларнинг, шунингдек, олтин ва кумуш буюмларнинг кўплаб олиб чикиб кетилаётганлиги эди.

XVII асрда Эронга Ғарбий Европа товарларининг кўплаб келтирилиши маҳаллий ҳунармандчилик саноати билан кучли рақобатни келтириб чиқарди. Сафавийлар томонидан савдо соҳасида чет элликларга берилаётган энгилликлар нафақат ташқи савдони кенгайтириш учун, балки сиёсий манфаатларни ҳам кўзлаб қилинаётган эди. Бироқ бу энгилликлардан Европа савдо компанияларининг агентлари шу қадар жадал фойдаландики, натижада Эрон Европа давлатлари учун даромад манбаига айланиб қолди.

Натижада XVII аср иккинчи ярмидан Эрон иқтисодий ва сиёсий тушкунликни бошидан кечирди, халқнинг аҳволи оғирлашди. XVII аср охири – XVIII аср бошларида турли вилоятлар деҳқонларининг кўзғолонлари бўлиб ўтди. Сафавийлар томонидан забт этилган ҳудудларда бундай кўзғолонлар миллий-озодлик кўринишини олди. Шундай кўзғолонлар: 1711 ва 1719 йиллари Кавказда лезгинлар кўзғолони, 1715 йили – курдлар, 1716, 1722–1727 йиллари афғонлар, 1743–1747 йиллари Кавказда Нодиршоҳга қарши бўлиб ўтди. Афғонларнинг кўзғолони ва уларнинг 1722 йили Эронга кириб келиши Сафавийлар ҳокимиятини ағдариб ташлади. 1726–1730 йиллари ҳокимиятда турган афғонларга қарши, 1730–1736 йиллари эса Эрон ҳудудини турк босқинчиларидан тозалаш учун ҳаракатга бошчилик қилган Нодирхон Ашраф 1736 йили шоҳлик тахтини эгаллади. 1747 йили фитначилар томонидан Нодиршоҳ ўлдирилгандан сўнг то XVIII аср охиригача мамлакатда бошбошдоқлик ва ўзаро урушлар ҳукм сурди. Орада 1760–1779 йиллари Каримхон Зенд ҳукмронлиги давридагина нисбатан осойишталик ўрнатилди. 1779 йили Каримхон вафот этгандан сўнг бошланган тахт учун курашда Кожарлар сулоласидан бўлган Оға Муҳаммадхон ғолиб чиқди. У 15 йил Каримхон саройида гаровда ушланган бўлиб, шоҳ ўлимидан сал олдин Шероздан Астрободга қочади. У 1783 йили Мозандарон ва Ғилонда, 1785 йили Техронда, Кум, Кашон ва Исфахонда, 1791 йили Озарбайжонда ўз ҳокимиятини ўрнатди. Оға Муҳаммадхон 1795 йили Кавказ ортига бостириб кирди, аввал Қорабоғни, кейин грузин кўшинларининг қаршичилигини енгиб, Тбилисини эгаллади, шаҳарни вайрон қилиб, унга ўт қўйди. Кейин 22 минг тбилисиликни ўзи билан олиб қайтди. 1785 йили пойтахт деб эълон қилинган

Техрон шахрига келиб, 1796 йили расман тахтга ўтириб, шоҳ бўлди. Бироқ 1797 йили Оға Муҳаммадхон сарой фитнаси натижасида ўлдирилди, тахтга унинг жияни Фотих Али шоҳ (1797–1834) келди. Кожар хонлари сулоласи то 1925 йилгача Эронда ҳукмронлик қилди.

Тинимсиз ўзаро урушлар, кўзғолонлар натижасида мамлакат ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий инқирозга юз тутди. Бу эса мамлакатга чет эл, биринчи навбатда, Европа мустамлакачиларининг кириб келиши учун кенг йўл очди. Кучсизланиб қолган Эрон Европа давлатлари, биринчи ўринда Англия ва Франция ҳамда чор Россиясининг мустамлакачилик объектига айланди. Натижада Эрон юқоридаги давлатлар билан бир нечта тенг бўлмаган шартномаларни имзолаб, уларнинг иқтисодий ва сиёсий экспансиясига кенг йўл очиб берди.

Адабиёт, санъат ва меъморчилик. XVI–XVII асрларда Эроннинг қадимий маданий анъаналари давом эттирилди. Айниқса шаҳарсозлик, амалий санъат ва шеърятда анъаналар давомийлиги сақлаб қолинди. Бу даврда шоирлар Ҳатой (Шоҳ Исмоил), Содикбек Афшар, Соиб Табризий, курд мумтоз адабиётининг ёрқин намояндаси Аҳмад Ҳасаний, курд шоири Мирза Шафиқ ва бошқалар унумли ижод қилдилар. 1596 йили Шарафхон Бидлисий машҳур «Шарафнома» асарини ёзиб тугатди. XVI аср иккинчи ярмида Аҳмад Розий «Етти иқлим» деб аталувчи географик шеърый асарга яқун ясади. XVII асрда (1641 й.) Янги Жулфада арман алифбоси асосида босмахона ишга туширилиб, бу ёзма адабиётнинг кенг омма орасида тарқалишида катта роль ўйнади.

«Шарафнома»дан ташқари Шайх Ҳазиний, Муҳаммад Козим, Абдураззоқ Жумбулий каби тарихчиларнинг ҳам шеърый-тарихий асарлари яратилди. Бироқ бу даврдаги Эрон шеърыйати олдинги даврлардаги (X–XV) юксалиш даражасига кўтарила олмади.

Фалсафада ҳурфикрлилик оқимининг вакили Садр Шерозий (1640 йилда вафот этган) қарашлари алоҳида эътиборга лойиқ. Кейинчалик, 1771 йили «Авесто» таржимасининг биринчи нашри амалга оширилиб, бу ҳам фалсафий ҳаётда катта воқеа бўлди.

Бу даврда сарой воқеанавислиги ва география анча юқори ривожланади. Бу йўналиш Искандарбек Мунши, Аракел Тавризский (арман тарихчиси), Аҳмад Розий кабиларнинг асарларида намоён бўлади.

Тасвирий санъат ва меъморчилик ўзининг юқори даражасига кўтарилди. Ажойиб саройлар, мадраса ва мачитлар қурилди. Булар қаторида Исфаҳонда бунёд этилган Шоҳ мачити, Шайх Лутфулла мачити, Али Капа ва Чехел Сотун сарой ансамбллари ўзининг нафислиги ва маҳобати билан ажралиб туради. Уларнинг деворлари ўймакорлик ва наққошлик санъати билан безатилган бўлиб, бу санъатнинг юқори даражасидан далолат беради.

XVI–XVII асрлардаги Эрон миниатюраси жаҳон мумтоз бадиий санъатининг энг юксак намуналаридан ҳисобланади. XVI аср охиридан бошлаб Исфаҳон бу санъат турининг марказига айланади. Машҳадлик хаттот Султон Али, ҳиротлик Мир Али ва табризлиқ Султон Маҳмудлар ўз даврининг машҳур миниатюра усталари ҳисобланган. Миниатюра санъатининг ривожланишига Ҳиротдаги Беҳзод мактаби катта таъсир кўрсатди. Шу даврда Табриз миниатюра мактаби ҳам юқори чўққига кўтарилади.

* * *

XVIII асрда ҳам маданий анъаналар давом эттирилди. Аммо мамлакатдаги иқтисодий тушкунлик ва сиёсий парокандалик адабиёт ва санъатда ҳам ўз аксини топди. Бундан ташқари европаликларнинг кириб кела бошлаши ҳам азалий анъаналарга таъсир этмасдан қолмади. Бозор талабидан келиб чиқиб, гилам ва бошқа амалий санъат буюмларини ишлаб чиқаришга эътибор кучайди. Бу эса Эрон иқтисодиёти ва маданиятининг кейинги асрлардаги тараққиёт йўналишини белгилаб берди.

XVII боб бўйича саволлар

1. XVI асрда сафавийларга қарши Ғилон ва Табриз кўзғолонлари қандай натижа билан якунланди?
2. Сафавийлар даврида Эроннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши қандай ўзига хос жиҳатларга эга эди? Шоҳ Аббос I ислохотларидан қандай мақсад кўзланган эди?
3. Шоҳ Аббос I ислохотлари ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланишига қандай таъсир кўрсатди?
4. Эронда сафавийлар ҳокимиятининг ағдарилиб, кожарларнинг тахтга келишига ташқи ва ички сиёсатдаги қандай факторлар сабаб бўлди?
5. Иқтисодий инкирозга қарамасдан маданиятнинг ривожланишида қадимий анъаналарнинг сақланиб қолиши қандай роль ўйнади?

XXVIII БОБ. XVI–XVIII АСРЛАРДА АФҒОНИСТОН

Афғонларнинг жойлашуви, хўжалиги ва ижтимоий тузуми. Дастлаб афғонлар ҳозирги Афғонистон ҳудудининг унча катта бўлмаган қисмини эгаллаган эди. Афғонларнинг асл ватани Сулаймон тоғларининг этаги ҳисобланади. Бу шароити оғир ва камбағал мамлакат. «Афғонистон» географик-этник тушунчаси тарихий манбаларда биринчи марта XIII–XIV асрларда пайдо бўлди. Бу тушунча Сулаймон тоғларидан то Ҳинд дарёсигача бўлган ҳудудни ифода-лар эди. Қадимда ва ўрта асрларда бу ерлардан Ҳиндистонни Эрон ва Ўрта Осиё билан ва улар орқали Ғарб ва Шарқ мамлакатларини боғлайдиган қарвон йўллар ўтган. Сулаймон тоғларининг ҳарбий-стратегик аҳамияти ҳам бундан кам эмасди. Бу ерда Ҳиндистонга душманлар бостириб кириши мумкин бўлган қуруқликда жойлашган яғона чегара ўтган. Учта тоғ доवони – Болан, Гомал ва Хайбар орқали босқинчилар бир неча марта Ҳиндистонга ўтишган.

Секин-аста Сулаймон тоғларининг жануби-шарқий ёнбағрига тарқалган афғонлар кўплаб ҳинд халқлари ва қабилалари билан аралашиб кетади. Сулаймон тоғларининг шимоли-ғарбий томонида ҳам шу жараён юз бериб, афғон қабилалари Кобул, Қандаҳор, Ҳирот каби қадимги деҳқончилик минтақаларида яшовчи форсийзабон халқлар билан аралашиб кетади. Афғонларнинг ўз ватанлари – Сулаймон тоғлари районида четга тарқалиши тез ва тинч йўл билан амалга ошган жараён эмас. Кўчманчи афғон қабилалари атрофдаги ерларни қийинчилик билан босиб олдилар ва ўзлари ҳам аста-секин ўтроқлаша бошладилар.

XVI аср бошларидаги Афғонистон тарихи буюк саркарда ва давлат арбоби, тарихнавис олим ва шоир, темурийзода Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан боғлиқ. Бобур 1503 йили Кобулни эгаллади ва афғон қабилаларининг бошлиқлари билан келишган ҳолда катта ҳудудни мустақил идора қила бошлади. Кўплаб афғон қабилалари билан тузилган иттифоқ Бобурнинг Ҳиндистонни эгаллаш жараёнини енгиллаштирди.

Афғон қабилалари, уларнинг турмуш тарзи ва хўжалик юритиш шакллари тўғрисида маълумот берувчи энг ноёб манба Бобурнинг «Бобурнома» асари ҳисобланади. Унда маълумот берилишича Пешавор водийсининг бир қисми ва Сватда юсуфзойлар, улардан жанубда эса муҳаммадзойлар (Ҳаштнагор атрофида), афридийлар

(Хайбар довони районида), бангашилар (Ханга атрофида) ва бошқа қабилалар истиқомат қилишган. Мамандлар ва дилазаклар уларни Бобур учратган ҳудуддан кейинчалик кўчиб, Қандаҳор ва Заминдавар ҳудудларида яшовчи абдали ва хаттаки деган катта қабилалар билан ёнма-ён яшашган.

Афғон қабилаларининг жойлашуви Бобур қолдирган маълумотлар ва афғон фольклор анъаналари асосида тикланганда маълум бўлдики, қабилалар XVI–XVIII асрларда ҳам XIX аср охирларидаги каби жойлашган. Сўнгги асрларда, айниқса, ўтроқлашган аҳоли жойлашувида кескин фарқ юзага келмаган.

Янги тарих бошларидаги афғонлар тарихида қабилалар ҳаётида кўчманчи чорвачилик ва деҳқончиликнинг роли охиригача ўрганилмаган жараён бўлиб қолмоқда. Агар XX аср охирларида Афғонистондаги кўчманчи аҳолининг сони 2 млн га яқин бўлганлигини инобатга олсак, демак, янги давр бошларида афғон қабилаларининг ҳаётида кўчманчи чорвачилик сўзсиз устувор аҳамиятга эга бўлган. Лекин ушбу даврда деҳқончиликнинг кенг тарқалганлиги ҳақида ҳам кўп сонли маълумотлар мавжуд. Энг аввало, бу «Бобурнома»да қолдирилган маълумотлар. Ўзининг ҳарбий юришларини ёритиш давомида афғонларнинг деҳқончилик маданияти тўғрисида, хусусан, ҳаштнагарликларнинг буғдой ва арпа далалари, афридийларнинг шолиси тўғрисида тўлқинланиб ёзади. Зумраднинг аҳолиси (афғоншили қабиласи) ҳақида дон экиб деҳқончилик қилади-ю, аммо боғлари йўқ деб ёзади.

Афғон қабилалари ўртасида вассаллик ва вассал-иттифоқчилик муносабатлари мавжуд эди. Ҳарбий ҳаракатлар даврида вужудга келган қабилалар иттифоқида улардан бири етакчилик қилар эди. Кучсиз қабилалар кучлироқ қабилаларга қарам бўлиб, ҳарбий ҳаракатлар чоғида кучлилар билан бирга ҳаракат қилган ва доимий уларнинг ёрдамидан фойдаланган. Бундай қарам қабилалар ҳамсоя деб аталган. Афғонлар босиб олган жанубий ерлардаги ҳинд қабилалари ва шимолдаги форсийзабон қабилалар ўз ерларидан ажралган ҳамда қарам аҳолига айлантирилган бўлиб, улар ҳам ҳамсоя деб аталган. Кейинчалик камбағаллашиб қолган ва бошқа уруғлар ёки алоҳида шахснинг ҳомийлигига ўтган афғон қабилалари ҳам ҳамсоялар қаторига қўшилган.

Афғонларда қарам аҳолидан (ҳамсоялар, раиятлар, юсуфзойларда – фақирлар) ташқари куллар ҳам бор эди. Янги давр бошла-

рида ҳам афғонларда куллиқнинг сақланиб қолганлиги тўғрисида ўша даврнинг бир қатор манбалари маълумот беради. Ҳикоялардан бирида айтилишича, Шайх-Тапур ёнидаги жангда ғалаба қозонган юсуфзоийлар қабиласи мағлуб бўлган қабилалар аскарларини куллиққа сотиб юборган.

*Қандаҳор ва Ҳиротда биринчи давлатчилик ўчоқларининг пайдо бўлиши. Афғонистоннинг Нодиршоҳ томонидан бо-
сиб олиниши.* XVI асрда Эронда ҳукмронлик қилаётган сафавийлар ўзбеклардан Ҳиротни ва Қандаҳор вилоятидаги афғон қабилаларининг ерларини тортиб олди. Афғонистоннинг тоғли вилоятлари (Ғазна, Кобул ва Пешавор) шу пайтда бобурийлар давлати таркибига қўшилди. Қандаҳор эса узоқ вақт Бобурийлар ва Эрон давлатлари ўртасида талаш бўлди, кўп марта қўлдан-қўлга ўтди ва курукликдаги ҳинд савдо йўлининг муҳим довони жойлашган бу ер 1649 йилдан 1709 йилгача Сафавийлар давлати таркибига кирди.

Афғонларда давлатнинг вужудга келиши учун муҳим ички шартлардан бири қабилаларда феодал муносабатларнинг шаклланиши эди. Қабилаларнинг ягона давлатга бирлашиш жараёни Бобурийлар ва Сафавийлар давлатларига қарши мустақиллик учун узоқ кечган урушлар туфайли юз берди. XVIII аср бошларидаги ташқи сиёсий ҳолат ҳам афғонлар давлатининг ташкил топиши учун қулай шароит туғдирди. Эрон тарқоқликни бошидан кечираётган ва кучли рақиблар билан жангларда ўз мустақиллигини сақлаб қолишга уринаётган эди. Кучсизланиб қолган бобурийлар ҳам энди афғонларга хавф сололмасди. Аврангзебнинг ўлиmidан сўнг (1707) Бобурийлар давлати ҳам тарқала бошлади.

Асосан ички сабабларга кўра (Ҳинд дарёси бўйидаги афғон қабилалари тарқоқлигича қолаётган эди) давлатнинг ташкил топиши афғон қабилалари жойлашган ғарбий вилоятларда юз берди. XVIII аср бошларида бу ерда гилзойи ва абдали қабилалари кучайди. Мавжуд маълумотларга қараганда бу пайтда гилзойилар 250 минг, абдалилар эса 300 минг кишини ташкил қилган.

Гилзойилар Мир Вайсхон бошчилигида 1709 йил апрелда кўзғолон кўтариб, сафавийларнинг Қандаҳордаги ноиб Гурганхон қўшинларини тор-мор қилишди ва Қандаҳорни эгаллаб, бу ерда ўзларининг мустақил давлатини туздилар. 1709 йили Исфаҳондан жўнатилган қўшинни ҳам енгиб, ўз мустақилликларини сақлаб қолдилар.

Гилзойилардан кейин 1716 йили Ҳиротда кўзғолон кўтарган абдалийлар ҳам мустақилликка эришдилар. Кўзғолонга Абдуллахон ва Асадулла раҳбарлик қилдилар. Кўзғолончилар 1717 йилнинг охирида Ҳиротни эгаллашди ва бу шаҳар янги давлатнинг пойтахтига айланди.

Афғон халқи тарихида Мир Вайсхон кўзғолонининг аҳамияти жуда катта. Бу кўзғолон натижасида вужудга келган давлат ва Ҳиротда мустақил хонликнинг пайдо бўлишини мустақил Афғонистон давлати ташкил топишининг бошланиши деб аташ мумкин.

Гилзойилар билан абдалийлар ўртасида бошланиб кетган ўзаро урушда гилзойиларнинг қўли баланд келди ва Қандаҳорда 1717 йили ҳокимиятга келган, Мир Вайсхоннинг катта ўғли, ёш ва қобилиятли саркарда Маҳмуднинг таъсири кучайди.

Ички вазиятни хавфсизлантирган Маҳмуд Эроннинг чегара ҳудудларига бир неча бор бостириб киргандан сўнг, 1721 йили Исфаҳонга қарши катта юриш бошлади. Етти ойлик қамалдан сўнг 1722 йил 22 октябрда Эрон пойтахти таслим бўлди ва шоҳ Ҳусайн голиб бўлган Маҳмуд ҳузурига келиб шоҳлик тожини унга топширди. Шундан сўнг афғон босқинчилари Эроннинг катта қисмини бўйсундирдилар. Эронликлар афғонларга қарши душман кайфиятида бўлиб, деҳқонлар ва шаҳарликлар уларга қарши озодлик ҳаракатига киришдилар.

1725 йили сарой тўнтариши натижасида шоҳлик тахтини Маҳмуднинг амакиси Ашраф эгаллаб олди. У қонли террор орқали ҳокимиятни мустаҳкамлади. Ташқи хавфларни ҳам бартараф этишга эришди. Эрон чегараларига бостириб кирган турк қўшинларини енгиб, Туркия билан келишув имзолади, кейин эса Россия билан ҳам шундай келишувга эришди.

Бироқ қатор ҳарбий ва сиёсий муваффақиятларга қарамасдан Ашрафнинг ҳокимияти омонатлигича қолаётган эди. Бунинг сабаби эронликларнинг қарши ҳаракатлари тўхтамаётганлигидан ташқари, қўшинни мустаҳкамлаш учун Қандаҳордан ёрдам келмай қўйганлигида ҳам эди. Қандаҳор ҳокими Ҳусайн Ашрафга рақиб бўлиб, унинг Эронга қарши юришларида қатнашишдан бош тортди ва ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга киришди.

Афғонистоннинг Нодиршоҳ томонидан забт этилиши. Шундай шароитда Эроннинг бўлғуси шоҳи Нодир Ашрафнинг (1688–1747) юлдузи балқиди. У туркманларнинг жангари ашраф

қабиласидан эди. Қобилиятли саркарда сифатида танилган Нодир 1726 йили ўзининг икки минг кўшини билан Эрон шоҳи Хусайннинг ўғли шоҳ Тахмаспга кўшилди. Иродаси бўш шоҳни ўзига бўйсундириб, Нодир жанговар ва мустаҳкам тартибли армияни шакллантирди, бир неча жангларда абдалийларни енгди ва Хиротни эгаллади, Ашраф бошчилигидаги афғон кўшинларини мағлуб қилиб, Эронни босқинчилардан озод қилди ва 1736 йили Нодиршоҳ бўлиб тахтга ўтирди. Нодиршоҳ 1737 йили Афғонистон орқали Ҳиндистонга катта юриш уюштирди. Бир йиллик қамалдан сўнг эронлик кўшинлар Қандаҳорни эгалладилар ва шаҳарни вайрон қилдилар. Шундан сўнг Ғазна ва Кобул бўйсундирилди. Нодиршоҳ Қандаҳордан бошқа биронта шаҳарни вайрон қилмади, афғон зодагонлари билан муносабатни яхшилади, вилоятларни бошқаришни ҳам афғон хонларига топширди. Нодиршоҳ ўз армиясини мустаҳкамлашда ҳам афғонлардан фойдаланди, улардан 16 минг кишилик кўшин тузиб, уни ўз армияси таркибига киритди, шаҳарларда эронликлар гарнизонини жойлаштирди. Нодиршоҳнинг босқини даврида афғон зодагонларининг юқори қатлами, мамлакатнинг бўлғуси бошқарувчилари шаклланиши учун шароит туғилди. Воқеаларнинг кейинги ривожини абдалийларнинг юксалишига олиб келди.

«Дурронийлар» давлатининг ташкил топиши ва ижтимоий тузуми. 1747 йил 19 дан 20 июнга ўтар кечаси Хабушандаги ҳарбий лагерда ўз ўтовида ухлаб ётган Нодиршоҳ исёнчилар томонидан ўлдирилди. Турли халқлар ва қабилалардан ташкил топган кўшинда саросималик бошланди ва бир неча бир-бирига рақиб томонларга бўлиниб кетди. Асосан Нодиршоҳнинг шахсий обрўси ва ҳарбий куч бирлаштириб турган давлат ҳам у ўлгандан сўнг тарқалиб кетди. Афғон қабилалари амалда мустақил бўлиб қолдилар. Нодиршоҳ кўшинидаги афғонлар Садозайлар уругидан бўлган Аҳмадхоннинг уддабуронлиги туфайли шоҳ хазинасининг бир қисми ва артиллериясини олиб ажралиб чиқишга муваффақ бўлдилар. 1747 йил кузида жангларда тобланган бу кўшин Қандаҳорга кириб келди. Кейинчалик бу кўшин бўлғуси афғон армиясининг асосини ташкил қилди.

1747 йил кузида Қандаҳорда Афғонистон шоҳини сайлаш учун жирға (қабилла бошлиқларининг йиғини) чақирилди. Унда ўша пайтда Қандаҳорни эгаллаб турган абдалий қабилаларининг хонлари асосий роль ўйнади. Уларнинг кўпчилиги шоҳликка асосий даъвогарлардан бўлиб чиқдилар. Жирға саккиз марта йиғилганда шоҳни

сайлай олмади. Тарихий афғон анъаналарига кўра жирға тўққизинчи бор йиғилганда обрўли сўфилардан бўлган Собирнинг таклифига кўра Аҳмадхон шоҳ килиб сайланди. Аҳмадхоннинг шоҳ килиб сайланишида Собир бошчилигидаги мусулмон рухонийлари асосий роль ўйнадилар. Абдалиий хонларига келсак, улар Аҳмадхоннинг сайланишига у мансуб бўлган садозайлар уруғи унча катта бўлмаганлиги сабабли шоҳ абдалиий хонлари билан ҳисоблашади, деган умидда розилик билдирдилар.

Аҳмадшоҳ давлатида абдалиий хонлари муқим имтиёзли ўрин эгалладилар. Шоҳ ҳокимияти аввал бошданок қабила бошлиқлари томонидан чекланган эди. Тез орада Аҳмадшоҳ томонидан «дурр-и-Дуррон» (марваридлар ичра марварид) унвонининг қабул қилиниши ва абдалиийларнинг дурроний деб қайта номланиши ҳам сиёсий аҳамиятга эга эди. Бу европаликларнинг «тенглар ичида биринчи» деган формуласига мос бўлиб, абдалиий хонларининг давлатдаги юкори ўрнини яна бир бор таъкидламокчи эди.

Сиёсий ҳаётда дурроний хонларнинг етакчилик роли ва дурроний қабиласининг имтиёзли ҳолати тарихчилар Аҳмадшоҳ давлатини Дурронийлар давлати деб номлашлари учун асос бўлди.

Аҳмадшоҳ ўз ҳукмронлигининг биринчи йилиёк афғонлар яшайдиган кўплаб вилоятларни ўзига бўйсундирди. Нодиршоҳ томонидан Кобул, Ғазна ва Пешаворда қолдирилган ҳарбий гарнизонларни музокаралар орқали бу шаҳарларни Аҳмадшоҳга топширишига кўндирдилар. Шундан сўнг Ҳинд дарёсининг ўнг қирғоғидаги афғон қабилалари ҳам Аҳмадшоҳнинг ҳокимиятини тан олдилар. Фақат абдалиийлар билан азалдан душман бўлган гилзойиларни Аҳмадшоҳ курол билан бўйсундирди.

Афғон давлатининг ташкил топиши фақат қулай халқаро шароитнинг натижасида бўлмасдан, афғон жамиятида юз бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг қонуний натижаси эди. Феодал муносабатлар жадал ривожланаётган афғон жамиятида биринчи ўринда зодагонлар давлатга, унинг мажбурловчи, тартибга солувчи ва жазоловчи органларига эҳтиёж сезаётган эди.

Аҳмадшоҳ давлатининг тузилиши ва ҳарбий ташкиллаштирилишида қабилачилик принципларига амал қилинди. Мамлакат вилоятларга, вилоятлар маҳаллаларга бўлинган бўлиб, вилоят бошлиқлари ҳокимлар, маҳалла бошлиқлари эса субадарлар деб аталади ва улар шоҳ томонидан тайинланади. Бундай бўлинишда қабилаларнинг

жойлашувига эътибор қаратилиб, ҳар бир қабила яшайдиган ҳудуд алоҳида маъмурий бирликка ажратилади. Одатда ушбу маъмурий бўлинманинг раҳбари этиб шу ерда яшайдиган қабиланинг бошлиғи тайинланади. Маҳаллий хон ўз ҳудудида деярли чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган.

Афғон бўлмаган халқлар яшайдиган ҳудудлар – Белужистон, Синд, Хуросон ва бошқалар бироз бошқачароқ ҳолатда эди. Уларнинг ҳукмдорлари Афғонистон шоҳларининг ҳокимиятини тан олган бўлиб, марказий ҳокимият билан муносабатларини одатда ўзаро шартнома асосида шакллантирадilar.

Афғон шоҳларининг ҳокимияти расман чекланмаган, аммо амалда эса улар доимий равишда қабила бошлиқларининг фикрлари билан ҳисоблашишга мажбур эди. Ўта муҳим масалалар юзасидан жирға чақирилар, унга обрўли сардорлар аъзо бўлиб, шоҳ жирға қарорисиз бирон бир муҳим қарор қабул қилмасди.

Ҳокимият пиллапоясида шоҳдан кейинги шахс вазир ҳисобланади. Вазир мамлакатни бошқаришда шоҳнинг ёрдамчиси бўлиб, барча ташкилотлар ва амалдорлар устидан назорат ўрнатади, ички хавфсизликка жавоб беради.

Давлатнинг муҳим ташкилоти «улуғ девон» ҳисобланиб, у молия ишларини бошқаради, солиқ йиғимлари ва муҳим хўжалик ишларини бажаради. Бундан ташқари шоҳ фармонлари ва дипломатик ёзишмаларини расмийлаштиради ва бошқа шу каби фаолият билан шугулланади.

Ҳарбий кучларни бошқаришни Аҳмадшоҳ бош кўмондон (сипоҳсолар) орқали амалга оширади. Қўшин мунтазам армия ва халқ лашкарларидан ташкил топган. Халқ лашкарлари кўшиннинг 70% гачасини ташкил қилади. Қурол билан таъминлаш ва омборларга бошчилик қилиш билан кўрчибоши шугулланади.

Аҳмадшоҳнинг юришлари. Афғонларда армиянинг юкори даражада ташкил қилинганлиги уларнинг ҳарбий қудратини оширди. Аммо Аҳмадшоҳ юришларининг муваффақиятида кўшни давлатларнинг феодал тарқоқликни бошдан кечираётганлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Ғазна, Кобул ва Пешаворни бўйсундирган Аҳмадшоҳ 1748 йилиёқ Панжобга бостириб кирди. У бир неча ўн минг кишилик кўшини билан Ҳинд дарёсидан ўтиб, Шикапур, кейин эса Лахорни эгаллади. Аммо 1748 йил 11 март куни Сирхиндда бобурийларнинг

асосий кучлари билан бўлган жангда қақшатқич мағлубиятга учради. Афғон тарихчиларининг ёзишича, бу мағлубиятнинг сабаби порох захираларининг портлаши натижасида мингга яқин кишининг ўлганлиги бўлган. Аммо бобурийлар бу тасодифдан фойдалана олмадилар, Аҳмадшоҳ эса қўшинлари билан эсон-омон ортга қайтди.

Аҳмадшоҳ 1750 йили иккинчи бор, 1756 йили – учинчи, 1757 йили тўртинчи бор Панжобга юриш қилди. Бу юришлар натижасида Кашмир бўйсундирилди; бобурийлар ҳукмдори Панжоб ва Мўлтондан афғон шоҳи фойдасига воз кечди.

1758 йилдан маратхлар билан бобурийлар империясини бўлиш учун узоқ чўзилган уруш бошланди. 1760 йили маратхлар Аҳмадшоҳга қарши жуда катта армия (200 минг кўшин) ни ташлади. Жанг узоқ давом этди ва 1761 йил 13 январь куни Аҳмадшоҳ маратхлар устидан ҳал қилувчи ғалабага эришди.

Ҳиндларнинг энг кучли давлати тор-мор қилинди, бу эса инглиз мустамлакачиларининг Ҳиндистонни босиб олиш жараёнини енгиллаштирди. Айни пайтда афғонларга ҳам ҳеч қандай худудий фойда келтирмади, чунки Аҳмадшоҳ Панипат жангидан сўнг катта ўлжани олиб ортга қайтиб кетди. У бобурийларнинг талон-торож қилинган пойтахти Дехлини ўзида ушлаб қолиш учун ҳаракат ҳам қилмади. Шимолий Ҳиндистондаги ерлар ҳам Аҳмадшоҳ вафотидан сўнг бой берилди. Панжоб эса 1764 йилдаёқ сикхлар қўлига ўтиб кетган эди.

Феодал муносабатлар ривожланган сари Дурронийлар давлатида маҳаллий ҳукмдорлар кучайиб борди. 1773 йили Аҳмадшоҳ вафот этди, ўрнига ўғли Темуршоҳ тахтга ўтирди. 20 йил ҳукмронлик қилган Темуршоҳ пойтахтни Қандаҳордан Кобулга кўчирди. Бу Кобулнинг географик жойлашуви ва стратегик аҳамияти билан изоҳланади. Пойтахтнинг Кобулга кўчирилиши билан Темуршоҳ марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга қаратилган қатор тадбирларни амалга оширди. Марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашда унинг асосий таянчи ҳали Нодиршоҳ замонидан бери бу ерда жойлашган қизилбошлар кўшини бўлди. Уларга таянган Темуршоҳ давлатни ўзи бошқаришга ҳаракат қилди. Маҳаллий хонларни камдан-кам ҳолатларда давлат ишларига аралаштирди. Унинг бу сиёсати албатта қаршилиқларга сабаб бўлди. Унга қарши кўзғолонлар ҳам бўлиб, уларни Темуршоҳ қизилбошлар ёрдамида бостиради. Шоҳ ўз ажали билан ўлмаган, уни заҳарлаб ўлдиришган.

XVIII аср охирига келиб Аҳмадшоҳ ҳукмронлиги давридаги нисбатан ташқи сиёсий ҳолат ўзгарди. Дурронийлар давлатининг қўшнилари анча кучайди. Сикхлар дурронийларнинг Ҳиндистонга кириш йўлини тўсиб қўйган бўлса, Бухоро амирлиги нисбатан барқарор ҳокимиятга эга бўлиб, ривожланиш йўлига тушиб олди. Эронда сиёсий тарқоқлик ва ўзаро урушлар даври тугаб, мамлакат Муҳаммадхон Кожар ҳокимияти остида бирлашди.

Темуршоҳ ўлиmidан сўнг тахтга унинг бешинчи ўғли Замоншоҳ (1793–1801) келди. Унинг тахт учун ўз ака-укалари билан қакшатқич кураш олиб боришига тўғри келди. У уддабуронлик билан отасининг марказий ҳокимиятни мустақкамлаш сиёсатини давом эттирди. Бироқ отасидан фарқли ўларок, у бу ишни ҳаддан ташқари қаттиққўллик билан олиб борди. Маҳаллий хонларнинг қаршилигини синдириш мақсадида у 14 нафар йирик амалдорлар ва сардорларни қатл қилдирди. Қатл қилинганлар орасида кучли Баракзойлар уруғининг бошлиги Пайиндахон ҳам бор эди. Унинг ўғли Фатҳхон қочиб кетади ва ўз укалари билан қўшин тўплаб отасининг ўлими учун Замоншоҳдан ўч олишга қарор қилади.

XXVIII боб бўйича саволлар

1. Янги давр бошларида афғонларнинг хўжалик юритиш шакли ва ижтимоий тузумида қандай ўзига хос жиҳатларни кўрсатиш мумкин?
2. Мир Вайсхон бошчилигидаги кўзғолон афғонларнинг давлатчилик тарихида қандай аҳамиятга эга бўлди?
3. XVII асрда афғонларнинг Дурронийлар давлати ташкил топиши қандай ички ва ташқи шароитларнинг маҳсули бўлди ва афғон давлатчилиги тарихида қандай аҳамиятга эга?
4. XVII асрнинг иккинчи ярмида олиб борилган урушлар Афғонистоннинг кейинги ривожидида қандай роль ўйнади?

XXIX БОБ. XVI–XVIII АСРЛАРДА АРАБ МАМЛАКАТЛАРИ

Сурия Усманийлар империяси таркибида

Географик жойлашуви ва демографик ҳолати. Ҳозирги Сурия, Ливан, Иордания, Фаластин ва Исроил худудлари тарихан битта географик минтақани (ёки мамлакатни) ташкил қилиб, ўрта аср араб манбаларида Сурия (Сурийя, аш-Шом) номи билан машҳур бўлган. Суриянинг табиий чегаралари шимолда – Тавр тоғларининг

жанубий қисми, жанубда – Синай яримороли, ғарбда Ўрта Ер денгизининг қирғоқлари, шарқда – Буюк Сурия чўллари эди. Ушбу табиий чегаралар асрлар давомида ўзига хос иқтисодий ва ижтимоий укладнинг шаклланишига олиб келди. Сурия сиёсий жиҳатдан мустақил давлат бўлмасдан, турли даврларда ҳар хил давлатлар таркибига кирган. Янги давр арафасида бу ерлар Мисрдаги мамлук султонларига қарашли эди. Суриянинг аҳолиси 2 млн кишига яқин бўлиб, асосий қисми йирик шаҳарлар – Дамашқ (100 мингга яқин), Халаб (Алеппо) (150 мингга яқин) кабиларда яшаган. Бошқа араб давлатлари ичида Сурия азалдан ўзига хос этно-конфессионал ҳолати билан ажралиб туради. XVI асрга келиб бу ерда, асосан араб тилида сўзлашувчи бир хил этник муҳит шаклланди. Қадимги оромийлар ва финикияликларнинг авлодлари билан Арабистон яриморолидан келган арабларнинг авлодлари ўртасидаги фарқ деярли йўқ бўлиб кетди. Араб бўлмаган аҳоли (шимолда муқим яшовчи курдлар ва туркманлар, шунингдек, турклар, арманлар, яҳудийлар, лўлилар) умумий аҳолининг жуда камчилигини ташкил қиларди.

Этник мансубликка қараганда диний мансублик аҳоли онгида ўзликни эътироф этишнинг устувор принципи ҳисобланарди. Миллий онг фақат XIX аср иккинчи ярмидагина шакллана бошлади. Инсон ўзини аввало бирон-бир диний жамоанинг аъзоси сифатида, кейин эса бирон-бир шаҳар ёки қишлоқнинг вакили сифатида қабул қилади, этник келиб чиқиш эса катта аҳамиятга эга эмас. Масалан, то XIX аср охиригача араб атамаси араб тилининг турли диалектларида сўзлашувчи аҳолининг умумий этноними сифатида қўлланилмасди, фақат кўчманчи-бадавийларга нисбатан ишлатиларди. Сурия аҳолисининг диний таркиби ҳам анча хилма-хил эди. Мусулмонлар кўпчиликни – аҳолининг 85% ини ташкил қилар, шундан 80% и суннийлар, қолган қисми шиалар (шу жумладан друзлар, алавийлар ва исмоилийлар) эди. Аҳолининг 15% га яқини христианлар бўлиб, уларнинг ичида православ ва маронит мазҳабига мансублар кўпчиликни ташкил қиларди. Бундан ташқари сиро-яковитлар (монофизит йўналиши), несторианлар, арман-григорианлар ва бошқалар ҳам истиқомат қиларди. XIX аср охиригача яҳудий динига мансублар Сурия умумий аҳолисининг 1% идан ошмасди.

Турклар истилоси. XVI аср бошларида араб мамлакатлари усмоний турклар томонидан забт этила бошлади. Месопотамия босиб

олингандан сўнг султон Салим I нинг кўшинлари Сурия, Ливан ва шу пайтгача Миср мамлуклари¹ ҳукмронлиги остида бўлган бошқа араб ерларини босиб ола бошлади.

Турклар ва мамлакатларнинг кўшинлари 1516 йили августда Халабдан шимолроқда тўқнашди. Қуроллар ва уруш тактикасидаги устунлик жангнинг тақдирини турклар фойдасига ҳал қилди. Мамлуклар, бадавийлар² ва сурияликлардан ташкил топган армия тўлиқ мағлубиятга учради. Мамлуклар ҳукмдори Кансух ал-Гури жангда ҳалок бўлди. Халабда турклар томонидан қўлга киритилган мамлуклар хазинаси миллион динор деб баҳоланади. Октябрнинг ўрталарида Дамашқ, кейин Қуддус забт этилди ва бутун Сурия турклар ҳукмронлиги остига ўтди.

Турклар истилосини енгиллаштирган ҳолат шу бўлдики, мамлуклар зулмидан озор чеккан кўплаб шаҳарларнинг ва вилоятларнинг аҳолиси турк кўшинларини ўз халоскорларидай қабул қилишди. Ҳамма жойларда мамлукларга қарши кўзголонлар бошланиб кетди. Кўчманчи бадавийлар мамлукларнинг чекинаётган кўшинларига ҳужумлар уюштириб, уларга қатта талафот етказдилар. Мамлуклар фақат Мисрдагина тарқалаётган кўшинларни тўплаб, ягона кўмондонликка бўйсундириб, мамлакат ҳимоясини ташкил қилишга муваффақ бўлдилар. Аммо уларнинг қаттиқ қаршилигини енгиб, 1517 йилнинг бошларида турклар армияси Қохирани эгаллашди. Мамлукларнинг қолганлари Туман бей бошчилигида Мисрнинг шимолига чекинишди, аммо тез орада турк кўшинлари бу ерда ҳам уларни тор-мор қилишди, Туман бей 1517 йили қатл қилинди. Шу билан Мамлуклар султонлиги барҳам топди, унинг ҳудудлари, жумладан, Сурия ҳам Усманийлар империяси таркибига кўшиб олинди. Салим I жума номозида икки муқаддас шаҳар (Макка ва Мадина) нинг ходими деб эълон қилинди ва бу билан маҳаллий мусулмон аҳоли ҳамда уламоларнинг тўлиқ қўллаб-қувватлаши туфайли ҳали Салоҳиддин³ замонидан бери фақат мисрлик ҳукмдорларга тегишли бўлган унвонни қабул қилди. Шундай қилиб, мамлукларни тор-мор

¹ Мамлук – (арабчадан – оқ танли қул), насл-насаби туркий ва кавказ халқларидан бўлган қул-жангчилар. 1250 йили мамлуклар Мисрда Айюбийлардан ҳокимиятни тортиб олиб, ўз ҳукмронлигини ўрнатади.

² Бадавийлар – кўчманчи араб қабилалари.

³ Салоҳиддин (Салоҳ-ид-дин) – (1137–1193) Миср султони, мусулмонларнинг солибчиларга қарши ҳаракатига бошчилик қилган ва 1187 йили Қуддусни озод қилган. Айюбийлар сулоласининг асосчиси.

қилиш натижасида, усмоний турклар мусулмон оламининг диний ва дунёвий сардори бўлиб олдилар.

Усмонийлар босқини Сурия иқтисоди учун вайронгарчиликлар олиб келмади. Мамлукларнинг мағлубиятини истаган сурияликлар усмонийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватладилар, кўпчилик жойларда турклар етиб келишидан олдин кўзғолон кўтариб, мамлукларни ҳайдаб юбордилар. Мамлакатнинг араб тилида сўзлашувчи аҳолиси усмонийлар султонини мамлукларнинг зулмига барҳам бера оладиган, давлатда тартиб ва шарият қоидаларини ўрнагишга қодир, ўзларининг янги қонуний ҳукмдори сифатида қабул қилдилар.

Сурияда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Ўрганилаётган даврда Усмонийлар империяси учун характерли бўлган феодал муносабатлар Сурияда ҳам ҳукмрон эди. Давлат барча бойликларнинг олий мулкдори ҳисобланар эди. Усмонийлар империясининг бошқа ерларидаги сингари Сурия иқтисодининг ҳам асосини қишлоқ хўжалиги ташкил қилади. Илгари мамлукларга тегишли бўлган ерлар усмонийларнинг давлат мулки деб эълон қилинди. Суриядаги бир қисм давлат ерлари феодал сипоҳийларга ҳарбий хизматлари учун маълум шартлар асосида тарқатилди. Ҳарбий-лен тизими жорий қилинмаган ерлардан солиқни давлат хизматчилари маҳаллий оқсоқоллар ёрдамида йиғар эдилар. Сурия вилоятларидан йиғилган сипоҳий лашкарлар шу ернинг ўзида ҳарбий хизматни ўташар, шунингдек, усмонийларнинг босқинчилик урушларида иштирок этардилар. XVI асрда сурияликлар 16 минг лашкар бериши лозим эди.

Ишлов бериладиган барча давлат ерлари солиққа тортилган бўлиб, солиқ ҳажмини белгилашда фақат ернинг майдони эмас, унинг ҳосилдорлиги ҳам ҳисобга олинар эди. Усмонийлар империясининг ҳар бир вилояти учун алоҳида қонун ҳужжатлари қабул қилинган ва бу қонунлар маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиб, солиқлар тизимини белгилаган эди. Маълумки, Усмонийлар империясида крепостной ҳуқуқ тизими мавжуд бўлмаган. Дехқонлар шахсан озод ҳисобланишган ва агар қарзи бўлмаса яшаш жойини хоҳлаганча ўзгартириши мумкин бўлган. Давлат ерларида ишлайдиган дехқонлар ер солиғи тўлашарди. Дехқон давлат солиғини тўлагандан сўнггина ҳосилнинг ўзига тегишли қисмига эгалик қилниши мумкин эди. Ҳайдаладиган майдонлардан ер солиғидан ташқари мевали дарахтлар учун ҳам алоҳида солиқ ўрнатилган.

Кўчманчи қабилалар ҳам солиққа тортилган бўлиб, мавжуд моллар сони ва яйловлар майдонига қараб солиқ ўрнатилган эди. Мусулмон бўлмаган аҳоли барча солиқлардан ташқари аҳоли жон бошига тўланадиган солиқ – жизья ҳам тўлаши лозим бўлган.

Вақф ерларидан олинадиган даромад хайрия ишларига, мусулмон диний муассасаларини (мачитлар, мактаблар ва ҳ.к.) таъминлашга йўналтирилган. Вақф ерлари ҳайдаладиган ерларнинг қарийб 1/3 қисмини ташкил қиларди.

Сурия иқтисодининг ривожланишида йирик савдо-хунармандчилик марказлари бўлган шаҳарлар – Дамашқ, Халаб, Қуддус катта роль ўйнайди. Бу шаҳарлар Сурияни Месопотамия, Хижоз, Анатолия, Эрон ва бошқа мамлакатлар билан боғлайдиган йирик қарвон йўллари устида жойлашган эди. Усманийлар империясининг бошқа вилоятлари ва Европа давлатлари билан савдо қилишда Искандария, Латакия, Сайда, Тир, Байрут, Яффа шаҳарлари орқали ўтадиган денгиз йўллари ва денгиз савдоси ҳам яхшигина аҳамият касб этади. Дамашқ ва Халаб қарвон ҳамда денгиз йўлларида кесишган ерида жойлашган бўлиб, бу ҳол уларнинг гуллаб-яшнашига сабаб бўлди. Фақат Халабнинг ўзида 300 дан зиёд қарвонсаройлар мавжуд эди. Бу ерлик хунармандларнинг маҳсулотлари, хусусан, Сурия ипак матоси ва қуроллари (Дамашқ пўлати), зар-безак буюмлар фақат Суриянинг ўзида эмас Ғарбий Европа мамлакатларида ҳам машҳур бўлган. Барча араб-мусулмон мамлакатларидаги сингари бу ерда ҳам хунармандлар ўзларининг аниқ цех тизимига эга бўлиб, улар эснаф деб аталарди. Ҳар бир шаҳарда кўплаб шундай эснафлар мавжуд эди. Усманийлар барча хунармандларга солиқ ва савдо божлари ўрнатган, бу солиқларни йиғиб олишда ҳамда шаҳарликларнинг усмонийларга нисбатан кайфиятини аниқлашда маҳаллий маъмурлар ва эснафларнинг бошлиқлари ёрдамига таянарди.

Вилоятларни бошқариш тизими. Султон Салим I Сурияда турган пайтида вилоят ва шаҳарларнинг вакиллари иштирокида мажлис ўтказди. Унинг шахсан ўзи йиғилганларнинг истакларини тинглади, шикоятларини текширди ва можароларини ҳал қилди. Султоннинг кўрсатмасига биноан солиқлар ва савдо божлари насайтирилди, ерлар қайта рўйхатга олинди, мусулмон бўлмаган жамоалардан баъзи бир қатъий чеклашлар олиб ташланди. Усманий ҳукмдорлар христиан ва яҳудийларга эркин эътиқод қилиш имконини берди, ҳатто, диний-юридик автономия ҳуқуқини инъом этди,

христиан епископлари ва яҳудий раввинларига ўз диндошларидан солиқни ўзлари йиғишга ҳамда жамоа ичидаги муаммоларни ўз диний судларида кўриб чиқишга рухсат берилди.

Усмонийлар таркибига кирган дастлабки йилларда Сурия кенг ички автономиясини сақлаб қолган эди. Суриянинг империя ҳарбий-маъмурий тизимларига интеграциялашуви аста-секинлик билан амалга оширилди. 1518 йили Суриянинг ҳукмдори қилиб усмонийлар томонига ўтган мамлук саркардаларидан бири Жонберди ал-Ғазалий тайинланди. 1520 йили Салим I вафот этгандан сўнг ал-Ғазалий янги султон Сулаймон I (1520–1566) га қасамёд қилишдан бош тортди ва исён кўтарди. Дастлаб исёнчиларнинг қўли баланд келиб Дамашқни ва Суриянинг бошқа бир қатор шаҳарларини эгаллашди. Аммо Анатолиядан янги кучлар келиши билан исёнчилар тор-мор қилинди, ал-Ғазалий қатл этилди, Суриянинг автономияси эса бекор қилинди. Энди мамлакат учта вилоятга – Дамашқ, Халаб, Триполига ажратилди. Кейинчалик, XVII асрда Дамашқ ва Триполи вилоятларининг денгизбўйи ҳудудларидан яна битта вилоят – Сайда ташкил этилди. Умуман айтиш мумкинки, XVI асрдан усмонийларнинг вилоятларни бошқариш тизими Сурияда ҳам тўлиқ жорий қилинди.

Вилоятларни Порта¹ томонидан тайинланган губернатор – вали бошқарар эди. Вилоятлар кичикроқ бўлинма – санжакларга бўлинган.

Тоғли Ливан алоҳида мақомга эга эди. У ўзига хос вассал ҳудудий бирлашма бўлиб, анча кенг автономия ҳуқуқларидан фойдаланар ва ўз ҳукмдорлари – амирлар томонидан бошқарилар эди. Қуддус ҳудуди расман Дамашқ ва Сайда вилоятларига қараса-да, бу ерда ҳам ўзига хос мақом шаклланди. Қуддус округи кўпинча вилоят валисига эмас, бевосита Портага бўйсинадиган мутассариф – пошо мақомидаги амалдор томонидан бошқарилар эди. Вилоят бошлиқлари (вали) одатда пошо унвонига эга бўлиб, султон ҳукуматининг вазири билан тенг саналарди. Унинг ваколатлари жуда кенг бўлиб, солиқларни йиғиш ва султон хазинасига жўнатишдан

¹ *Порта* (французча *Porte*, италянча *Porta*, сўзма-сўз таржимаси – эшик, дарвоза) Европа дипломатик ҳужжатлари ва адабиётида қўлланилган Усмонийлар ҳукумати (буюк вазир ва девон идораси) нинг расмий номи. Порта туркча пошо каписи (пошо эшиги), арабча баб-и-али (юқори ташкилот, баланд эшик) сўзларининг ноаниқ таржимаси. Порта атамасини Усмонийлар империясига нисбатан қўллаш нотўғри, уни фақат империя ҳукуматига нисбатан қўллаш ўринли бўлади.

бошлаб, худуддаги қўшинлар бош қўмондони сифатида жамоат тартибини ва чегаралар дахлсизлигини сақлашни ташкил қилишгача жавоб берарди. Дамашқ валиси буларнинг барчасидан ташқари муслмонларнинг ҳаж сафарини ташкил этиш ва ўтказиш учун ҳам жавобгар саналарди.

Вилоят маъмуриятида валидан кейинги иккинчи шахс – қози ҳисобланарди. Қози фуқаролик ва жиной ишлари бўйича, уларнинг муслмон ҳуқуқига мос олиб борилиши учун масъул ҳисобланарди. Бундан ташқари у диний муассасалар ва мактаблар устидан назорат ҳам олиб борарди.

Вилоят маъмурий марказининг муфтиси қозидан кейинги шахс бўлиб, вилоят маъмурияти қарорларига расмий диний-ҳуқуқий ҳулоса берарди. Муфтилар кўпинча ўриндошлик асосида девонни – муваққат маслаҳат кенгашини ҳам бошқарар эди.

XVII–XVIII асрларда Сурия. Ерга эгалик қилишнинг ҳарбий-лен тизими Суриянинг вилоятларида қисман тарқалган эди. Бирок бутун Усманийлар империясида XVI асрдаёқ бошланган ушбу тизимнинг инқирози Сурия вилоятларида ҳам акс этди. Вали Портанинг расмий вакили сифатида империя марказининг зарурий молиявий ва ҳарбий ёрдамидан фойдаланиши лозим эди.

Амалда эса сипоҳийларнинг таъсири пасайиши натижасида марказий ҳокимият солиқ йиғиш ва қўшин етказиб беришни валилар зиммасига юклашга мажбур бўлди. XVII–XVIII асрларда Усманийлар империясида молиявий инқироз ва коррупциянинг кучайиши натижасида усмоний маъмурлар ўз фаолиятларида борган сари вилоятлардаги анъанавий маҳаллий зодагонларга таянишга мажбур бўлдилар.

XVII–XVIII асрларда Усманийлар империясида бошланган жараён – янги ижтимоий қатлам – аъёнлар қатламининг, яъни маҳаллий зодагонларнинг шаклланиш жараёни Сурия учун ҳам характерлидир. Аъёнлар давлат ерларидан солиқ йиғиш ҳуқуқини сотиб ола бошладилар. Ерлардан солиқ йиғиш ҳуқуқини сотиб олиш – илтизамий – Усманийлар империясининг бошқа вилоятларидаги сингари Сурияда ҳам кенг тарқалди. Бундай ҳуқуқни сотиб олувчиларни мултазим деб аташган, улар ер ҳажмига қараб солиқ миқдорини давлат хазинасига олдиндан тўлаганлар ва кейин деҳқонлардан олинадиган солиқ ҳисобига бойиб кетганлар. Мултазимларнинг деҳқонлардан олина-

диган солиқ миқдорини кескин оширишларига давлат амалдорлари эътибор қаратмас эдилар. Борган сари мултазимлар солиқ йиғиш ҳуқуқини ўзларида сақлаб қолиш ва, ҳатто, мерос қолдириш учун ҳаракат қила бошладилар. Солиқ йиғиш ҳуқуқи сотиладиган йиллик аукционлар шунчаки расмиятчиликка айланиб қолди, чунки энди валилар ҳам ўзларига қарашли ерларда мултазим бўла бошладилар. Сурияда ерларнинг асосий қисми турли хил кўринишда эски, усмонийларнинг кириб келишига хайрихоҳлик билан қараган маҳаллий зодагонларнинг қўлида эди. Тоғли Ливанда ерларни бошқариш Маанидлар сулоласидан, XVII аср охирида эса Шихаблар сулоласидан бўлган шайхлар қўлида эди. Бошқа уруғдан бўлган шайх ва амирлар ўз ерларини Ливан амири бошчилигида ҳарбий хизматни ўташ шарти билан бошқариш ва мерос қолдириш ҳуқуқига эга эдилар. Харфуш уруғидан бўлган шиа мазҳабидаги амирларга Баалбек ва Бекаа водийсининг бир қисми тегишли бўлиб, бу ерларни улар мерос сифатида бошқариб келарди. Ансарийлар (алавийлар) яшайдиган ерлар бир неча қабила бошлиқлари – муқаддамунлар ўртасида бўлиб олинган эди. Фаластинда ҳам маҳаллий ер эгаларининг бир неча уруғлари ерларга эгаллик қилишарди. Давлат барча ерларнинг олий мулкдори ҳисобланган Усмонийлар империясида юқоридаги жуда кўплаб ер эгалари аслида солиқ йиғиш ҳуқуқини сотиб олганлар ҳисобланган ва давлат бу ҳуқуқни уларга вақтинча – илтизам ёки умрбод – маликиён асосда берган. XVII асрдан бошлаб ҳарбий бошлиқларнинг ерга эгаллик қилиш ҳоллари кўпаяди. Қачонлардир маҳаллий аҳолидан ўзини алоҳида тутган, ёниқ ҳисобланган яничарлар корпуси ҳам аста-секин маҳаллий аҳоли вакиллари билан тўлдирилиб, кўпчилиги даромадлари бўйича маҳаллий зодагонларга тенглашади. Маҳаллий аъёнларнинг бошқа бир қисмини уламолар ташкил қилади. Улар вақф ерларидан олинган фойда ҳисобига бойиб кетишади ва илтизам асосида давлат ерларини кўплаб харид қиладилар. Натижада уламоларнинг бой оиласи катта фойда келтирадиган лавозимларни, масалан, йирик масжиднинг имоми лавозимининг авлоддан-авлодга ўтиши оддий ҳол бўлиб қолади.

Вазифаларини аниқ бажарадиган давлат хизматчилари ва қонунийлик ўрнига аста-секин протекционизм, уруғ-аймоқчилик, шунингдек, найранғбозлик ва порахўрлик келади. Бу ҳол эса давлатни ич-ичидан емира бошлайди.

Ироқ Усманийлар империяси таркибида

Ироқ турк-эрон истилочилик интилишларининг муҳим объектларидан саналарди. Форс қўлтиғига чиқишнинг қулай йўлларида жойлашган, Ғарб билан Шарқни боғловчи жаҳон савдо йўлининг муҳим қисми ҳисобланган Ироқ азалдан босқинчиларни ўзига жалб қилиб келган.

1467 йилдан XVI аср бошларигача Ироқ Оқ қуюнлилар давлати таркибига кирган. 1508 йили Сафавийлар Оқ қуюнлилар давлати таркибига кирувчи ерларни забт этиб, улар ҳукмронлигига хотима ясади.

Сафавийлар Ироқдаги мусулмон суннийларга ва христианларга нисбатан ўта қаттиққўллик муносабатида бўлди, уларнинг муқаддас жойлари вайрон қилиниб, уламолар, сўфийлар ва христиан руҳонийлари қувғин қилинди.

Сафавийларнинг маҳаллий аҳолини диний ва этник камситиш сиёсати аҳоли ўртасида ҳаққоний норозиликка олиб келди. 1514 йили баъзи курд қабилалари Усманийлар ҳомийлигига ўтдилар ва ўзларининг автоном ҳуқуқларини сақлаб қолдилар. 1515 йили Шимолий Месопотамияда Сафавийларга қарши кўзғолон кўтарилиб, унда курдлар билан бир қаторда оссуриялик христианлар ҳам фаол иштирок этишди. Кўзғолончилар қизилбошлардан қатор шаҳарларни озод қилдилар, лекин кучлар тенг эмаслиги сабабли султон Салим I га ёрдам ва ҳомийлик сўраб мурожаат қилдилар. 1516 йили Порта Юқори Месопотамияни ҳомийликка олганлигини эълон қилди. Кўзғолончилар ғалабасидан сўнг бутун Шимолий Месопотамия Усманийлар қўл остига ўтди. 1529 йили кўзғолончилар Бағдодни эгаллашди.

1533 йили султон Сулаймон Қонунчи (1520–1566) Сафавийларга қарши юриш бошлаб, 140 минг кишилик қўшин жўнатди. Ироқда аҳоли Сулаймон армиясини халоскор сифатида қарши олди. 1534 йил ёзида турклар Сафавийлар пойтахти Табриз шаҳрини эгалладди. Мамлакатда диний бағрикенглик тикланди. Шу йили Бағдод ва Мосул эйалетлари¹ ташкил қилинди. Тез орада Ироқнинг қолган

¹ Эйалет арабча иалат сўзининг туркча айтилиши. Эйалет Усманийлар империясидаги энг йирик ҳарбий-маъмурий бирлик бўлиб, вазир ёки пошо унвонига эга бўлган бейларбейи томонидан бошқарилган. Пошо унвонидан келиб чиқиб, кўпинча пошолик деб ҳам аталган. 1864 йили эйалетлар вилайетлар деб қайта номланди ва бошқарувчилар вали деб атала бошланди.

қисми ҳам усмонийларга тобеликни тан олди. 1546 йили Жанубий Ироқ пойтахти Басра усмоний эйалетига айлантирилди. Бу билан Усмонийлар империяси португалияликлар экспансиясига қарши туриш ва Басра божхонасидан яхшигина фойда олиш имкониятига эга бўлдилар.

Порта ҳокимияти Арабистон яриморалининг шарқий қисмига ҳам жорий қилиниб, бу ерда Ал-Хоса эйалети ташкил қилинди.

Сафавийлар усмонийларга қарши курашда португалияликлар ёрдамига таянди, лекин 1548–1549 ва 1554–1555 йиллари бўлиб ўтган турк-форс урушлари усмонийлар фойдасига ҳал бўлди. Сафавийлар ўзларининг даъволаридан воз кечиб, 1555 йил май ойида имзоланган Амасия сулҳига биноан Ироқнинг Усмонийлар империяси таркибига кирганлигини тан олишга мажбур бўлдилар. Умуман усмонийлар билан сафавийлар ўртасида бир асрдан кўпроқ давом этган кураш 1638 йили усмонийларнинг ғалабаси билан якунланди.

Ироқ Усмонийлар империяси таркибига кириши билан унда куйидаги эйалетлар ташкил қилинди: Бағдод, Басра, Мосул, Шаҳризор. Эйалетларнинг ҳуқуқий ҳолати, уларни бошқариш тизими, ички тузилиши, ҳуқуқ ва мажбуриятлари махсус қонун билан ўрнатилди. Эйалетлар санжақларга бўлинди. Ироқ эйалетларининг маъмурий-ҳуқуқий даражаси турлича бўлиб, бу усмонийлар томонидан ўрнатилган эди.

Басра ва Шарқий Арабистон эйалетлари маълум автономияга эга бўлса-да, уларда султон қўшинлари жойлаштирилган. Бу эйалетлардан олинадиган йиллик даромад тўғридан-тўғри султон хазинасига тушарди.

Усмонийларнинг бошқарув тизими тарихан бир-бирига яқин ҳудудларнинг сиёсий бирлашувига йўл қўймасди ва айна пайтда ҳар бирининг алоҳида-алоҳида бўлиб марказий ҳокимиятга бўйсунганини таъминларди.

Турклар Ироқда ўз ҳокимиятини ўрнатар эканлар, аввало, асрлар давомида шаклланган этно-конфессионал ҳолатни ҳисобга олдилар. Ироқ аҳолиси ҳам этник, ҳам диний нуқтаи назардан жуда хилма-хил эди. Бу ерда араблар, курдлар, форслар, турклар, оссурияликлар, яҳудийлар ва арманлар асрлар давомида қўшни яшашган, ҳамкорлик қилишган, дўстлашган, баъзан жанжал ҳам қилишган. Улар диний жиҳатдан мусулмон сунналарга, мусулмон шиаларга, христианларга, яҳудийларга, иезидларга ва бошқа бир қанча дин ва

мазҳабларга бўлинишган. Аҳолининг кўпчилиги уч-тўрт тилда бемалол сўзлашишган ва бу оддий ҳол ҳисобланган.

Ироқ шиалар учун алоҳида аҳамиятга эга эди, чунки бу ерда уларнинг мукаддас қадамжолари, турли мамлакатлардан шиалар ҳаж зиёрати учун келадиган шаҳарлар – Нажаф ва Карбало жойлашган.

Аграр муносабатлар. Ироқда усмонийлар ҳокимиятининг ўрнатилиши фақат маъмурий тизимни ўзгартириб қолмасдан, аграр муносабатлар ва солиқ тизимида ҳам жиддий ўзгаришларга олиб келди. Усмонийлар қишлоқдаги мулкий муносабатларни тартибга солишда эски кадастрдан фойдаланди, аммо солиқларни аниқ ҳисобга олиш учун ерларнинг янги рўйхатини ҳам туздилар.

Ироқда аввалги феодал институтларнинг баъзилари бекор қилинди, икта¹ ер эгалиги ноқонуний деб эълон қилинди ва бу билан мамлуклар тизимининг асослари йўқ қилинди, деҳқонларнинг баъзи бир мажбуриятлари бекор қилинди, айрим солиқларнинг миқдори пасайтирилди. Ушбу ўзгаришларнинг барчаси қонунда ўз аксини топди. Масалан, 1574–1595 йиллари қабул қилинган қонунларда ер ўлчамларига аниқлик киритилди. Энг кичик ер ўлчами деб дёнюм² қабул қилинди. У энига ва бўйига 40 кадам қилиб белгиланди. Бир деҳқонга тегишли ер – чифтлик³ юқори ҳосилдор ерларда 80 дёнюм, ўртача ҳосилдор ерларда 100 дёнюм, кам ҳосилли ерларда эса 150 дёнюмга тенг эди. Солиқ ҳам ернинг ҳосилдорлигига қараб, икки ёки уч дёнюмга бир ақча⁴ тўланган. Бўш ётган ерларга ишлов бериб, уни оборотга қўшган деҳқонлардан солиқ олинмасди. Аксинча, узрли сабабларсиз ерга ишлов бермаган деҳқон ернинг ўлчамига қараб 75 дан 300 ақчагача солиқ тўларди. Деҳқоннинг уйланмаган ўғиллари бўлса ҳар бирига 6 ақчадан 12 ақчагача солиқ тўлаш лозим бўлган.

Бундан ташқари натурал солиқлар ҳам мавжуд эди. Суғориладиган ерлардан олинадиган натурал солиқ – ушр одатда ҳосилнинг 1/4 қисмини, бехре⁵ эса 1/15 қисмини ташкил қиларди. Деҳқончилик

¹ *Икта* – Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ҳукмдор томонидан феодалга катта хизматлари эвазига инъом қилинган чек ер.

² Замоनावий дёнюм 0,25 гектарга тенг.

³ *Чифтлик* (арабча *чифт*, форсча *жуфт*) – бир кунда иккита ҳўкиз билан ҳайдалиши мумкин бўлган ер.

⁴ *Ақча* – султон Ўрхон (1326–1359) даврида зарб қилинган майда кумуш танга.

⁵ *Бехре* – сувдан ёки сув келадиган ариқдан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқ.

ва чорвачиликдан олинадиган солиқлар ҳам қонунларда аниқ қилиб белгиланган эди.

Усмонийлар даврида Ироқда ерга эгалик қилиш ва мулкчиликнинг қуйидаги турлари мавжуд эди:

1. Мири – давлат солиғига тортиладиган ерлар. Улар ишлов бериладиган ерларнинг асосий қисмини ташкил қилиб, давлат хазинасига тушадиган асосий даромад ва натурал солиқлар шу ерлардан олинарди.

2. Хос – эгалик қилиш шарти билан юқори даражали давлат амалдорларига бериладиган ерлар.

3. Мулк – айрим феодалларнинг хусусий ерлари. Бу ерлар ишлов бериладиган ерларнинг жуда кам қисмини ташкил этган.

4. Тимар ва зеаметлар – бу ер эгалари сипоҳийлар ҳарбий хизматлари учун ерга эгалик қилар ва оладиган даромадига қараб маълум сондаги аскарларни қўшинга берарди.

5. Жамоа ерлари.

6. Кичик ер эгалари бўлган деҳқонларнинг ерлари.

7. Кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилаларнинг ерлари.

8. Вақф – диний ташкилотга тақдим этилган ёки фойдаланиш учун маълум муддатга берилган ерлар.

Ички сиёсий ҳолат. Ироқдаги сиёсий ҳолатга жиддий таъсир кўрсатадиган омил Усмонийлар империяси ва Эрон ўртасида вақти-вақти билан чиқиб турадиган зиддият эди.

Эрон 1555 йили Ироқ устидан турклар ҳукмронлигини расман тан олган бўлса-да, XVII асрда ўз даъволарини янгидан бошладилар. Сафавийлар туркларга қарши ҳарбий юриш бошлаб, 1632 йили Бағдод, Мосул ва Шаҳризорни босиб олдилар, 1624, 1625 йиллари эса икки марта Басрани эгаллашга ҳаракат қилиб кўрдилар. Бу ҳаракатлар муваффақиясиз якунланди.

Усмонийлар 1638 йили Бағдодни қайтариб олгандан сўнг 1639 йили Туркия билан Эрон ўртасида тинчлик сулҳи имзоланди ва унда Ироқнинг Усмонийлар империяси таркибига қайтганлиги яна бир марта таъкидланди.

Шундан сўнг усмонийлар бутун эътиборини Ироқдаги ички барқарорликни таъминлашга қаратди. Чунки сафавийлар билан зиддият кучайган йиллари Ироқда мустақиллик учун ҳаракатлар ҳам жонланиб қолган эди. Масалан, 1616 йил Басрада Сияблар

сулоласи кучайиб, 40 минг пиастрга¹ Басра эйалетининг бейларбейлигини сотиб олиб, шу сулола вакиллари 1661 йилгача Басрани бошқаришди. Улар эрон-турк урушлари пайтида ўз ҳукмронликларини мустаҳкамлаш учун ҳатто португалларга ҳам муурожаат қилишган.

Жанубий Ироқда бадавий кабилаларининг кўзғолонлари доимий ҳол бўлиб қолди. Фақат 1699 йили Карловица тинчлик сулҳи имзолангандан сўнг усмонийлар Ироққа иккита экспедиция юбориб, 1701 йили Басрадаги кўзғолонни, кейинчалик эса Ироқ жанубидаги ғалаёнларни ҳам бостиришга муваффақ бўлдилар.

XVIII асрдан бошлаб Усмонийлар империясининг иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан сусайганлиги, Европада бир қатор мағлубиятларга учраганлиги сабабли араб мамлакатларидаги аҳвол ҳам тубдан ўзгарди. Энди туркларга қарши муҳолифат кучайиб, баъзи ҳолларда очиқ қаршилик кўрсатиш йўлига ўта бошлади. Усмонийлар бошқариш принциплари ва тизимининг асосларини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлди.

1704 йили султон Аҳмад II (1703–1730) Бағдод пошоси қилиб албан қавмидан чиққан, Истамбулда яхши таълим олган Аюб Ҳасан пошони тайинлади. Шу даврдан бошлаб Ироқни бошқариш сиёсий тизимининг характери ўзгарди. Бу ўзгариш шунда намоён бўлдики, маҳаллий пошоларни марказий ҳукумат томонидан тайинлашга барҳам берилди. Аюб Ҳасан пошонинг ўзи Бағдодни 20 йил бошқарди ва амалда ўз сулоласига асос солди. Бу хусусда Россиянинг Бағдоддаги консули А. Адамов шундай ёзади: «...Ҳасан пошонинг Бағдодда пайдо бўлиши билан Туркия таркибида бўлган Ироқ тарихининг иккинчи босқичи бошланди. Бағдод пошоси ўз қўл остига шимолий ва жанубий Ироқни, шунингдек, бутун Месопотамияни ва Жанубий Курдистонни бирлаштириб, Истамбулдан деярли мустақил равишда бу ерларнинг тақдирини ҳал қилувчига айланди»². Бундан ташқари Ҳасан пошо ва унинг вориси – ўғли Аҳмад пошо мамлуклар гвардиясини ташкил қилдилар ҳамда бу билан мамлуклар режимининг шаклланиши ва ривожланиши учун замин яратдилар. Кўпчилик ҳолларда мамлуклар сотиб олинган

¹ *Пиастр* – кумуш танга, 120 ақчага тенг. Туркча кумуш танганинг европача номланиши.

² Новая история стран Азии и Африки: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений / Под ред. А.М. Родригеса: В 3 ч. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004. – Ч.3. – С. 32.

қуллар эмас, Грузия ва Кавказ ортининг бошқа мамлакатларидан қариндошлариникига келиб, ўз хоҳиши билан хизматга кирганлар эди. Тез орада мамлуклар фақат ҳарбий эмас, балки маъмурий элитанинг ҳам асосини ташкил қилди.

Аюб Ҳасан пошо ўзининг маъмурий аппаратини шакллантирди. Унинг буйруғи билан махсус мактаб очилиб, унда қул болалар ўқитилди. Мактабни битиргандан сўнг улар ҳарбий ва маъмурий лавозимларни эгаллайдилар.

1683–1699 йиллари «Муқаддас лига»га қарши урушда Усманийлар мағлубиятга учраб, Европадаги бир қатор ерларидан ва улардан тушадиган солиқлардан ажралдилар, империянинг ички сиёсий ва иқтисодий аҳволи ёмонлашди. Эроннинг бостириб кириш хавфи ҳам сакланиб қолаётган эди. Шундай қийин ҳолатда Аюб Ҳасан пошонинг Мосул, Басра ва Шаҳризор эйалетларини унга қўшиб бериш ҳақидаги таклифини Порта қабул қилишга мажбур бўлди. Бу жараён 1715 йили якунланди.

Энди Ироқдаги барча лавозимлар Бағдод ҳукмдори томонидан тайинланадиган бўлди. Бирлаштирилган эйалетлардан тушадиган солиқлар ҳам Истамбулга эмас, Бағдод хазинасига тушарди ва унинг бир қисми Истамбулга жўнатилиб, қолган қисми Бағдод пошоси ихтиёрига ўтарди.

Шундай қилиб, XVIII асрдан бошлаб Ироқ ўзининг яхши шакланган бошқарув тизимига, жанговар куролли кучларига, катта ҳудудга ва етарли автономияга эга бўлиб, расман Усманийлар империяси таркибига кирарди. Аюб Ҳасан пошо вафот этгандан сўнг ўғли Аҳмад 1724–1734 ва 1736–1747 йиллари ҳокимиятни бошқарди.

1749 йили Бағдод пошоси қилиб тайинланган Сулаймон пошо Абу Лейла мамлук гвардияси таркибидан чиққан Бағдоднинг биринчи ҳукмдори эди. 1780 йили Бағдодда ҳокимиятга Буюк Сулаймон келади ва 1802 йилгача Ироқни бошқаради. Буюк Сулаймон даврида мамлукларнинг таъсири янада кучайди. Деярли барча асосий лавозимлар ва катта ерлар улар қўлида тўпланди. Буюк Сулаймон курдлар ва бадавийларнинг кўзғолонларини бостириб, мамлакатда нисбатан барқарорликни таъминлади. Унинг даврида шаҳарлар кенгайиб, янги ҳимоя иншоотлари, аслаҳа омборлари, кўприклар ва бозорлар қурилди, масжидлар ва саройларни тиклаш ишлари олиб борилди.

Арабистон ярим ороли

Бу ер араб дунёсининг энг қолоқ худудларидан бири эди. Ярим оролда феодал тартиблар билан бирга ибтидоий муносабатлар қолдиқлари ва қулчилик ҳам кенг тарқалган. Кўчманчи-бадавийлар ва воҳанинг ўтроқ аҳолиси кўплаб душман қабилаларга бўлиниб кетганди. Арабистон аҳолисининг хўжалик эҳтиёжлари ҳамда чет эл босқинчилари (Усманийлар империяси, Эрон ва европалик мустамлакачилар) хавфи майда амирликларнинг бирлашиш тенденциясини тугдирди. Бирлашиш ўта мураккаб, зиддиятли, иқтисодий ва сиёсий қолоқлик шароитида амалга оширилди. Чунки Муҳаммад давридан то ваҳхобийлик пайдо бўлгунгача Арабистонда ягона ҳокимият ва барқарор тинчлик бўлмаган эди. Асрлар давомида у майда-майда давлатларга, кўчманчи қабилаларга ва уларнинг иттифоқига бўлиниб, тўхтовсиз ўзаро урушлар олиб борарди. Алоҳида воҳалар ва қабилаларнинг иқтисодий тарқоқлиги, мустақил хўжалик юртишга мослашганлиги, чўл яриморолнинг бепоёнлиги, аҳоли яшаш жойларининг бир-биридан баъзан юзлаб километр узоқликда жойлашганлиги сиёсий тарқоқликнинг асосий сабабларидан эди. Араб аҳолисининг қабилачилик ва маҳаллийчилик одатлари, шевалардаги фарк, диний тасаввурларнинг хилма-хиллиги ҳам бирлашишга тўсиқ бўлаётганди. Умумий душманга қарши кураш зарурати қабилаларни бирлашишга ундаётган асосий фактор эди.

Саудия Арабистони. Шундай қилиб, Арабистон ярим оролидаги бирлашиш жараёни бир қатор нисбатан майда давлатларнинг ташкил топиши билан якунланди.

Анча қизғин бирлашиш ҳаракатлари Арабистон ярим оролининг шимоли-ғарбий худудларида, Нажд амирликларида юз берди. Араб қабилаларининг бу ердаги ҳаракати ваҳхобийларнинг диний таълимоти байроғи остида кечди.

Бу таълимотнинг асосчиси наждлик Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳхоб (1703–1787) бўлиб, у XVIII аср 30-йилларидан эътиборан исломни «асл ҳолатига қайтариш» учун раиятни даъват эта бошлайди.

Мусулмонларнинг бирлашиш жараёни ўз манфаатларига мос тушмаслигини сезган Ғарб давлатлари бу жараённи тўхтатиш мақсадида мусулмонлар ўртасига нифоқ солиш учун ҳаракат қилдилар. Шу вазифа билан мусулмон давлатларига кўплаб хуфия-

лар жўнатилди. Шулардан бири, турк, форс ва араб тилларини, Қуръони каримни ва ҳадисларни мукаммал билган Хампер исмли шахс «Шайх Муҳаммад» номи билан Арабистонга келади. У Басрада таълим олаётган Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб билан танишиб, ундан ўз мақсадлари йўлида фойдаланади. Бу мақсаднинг асосини исломни ич-ичидан бузиш сиёсати ташкил қилиб, у куйидаги йўналишларда амалга оширилган: мусулмонларни христиан динига жалб қилиш; айрим шахсларнинг пайғамбарман деган даъво билан чиқиб, одамларни ортидан эргаштиришини кўллаш ва мусулмонларни бўлиб ташлаш; «Ислом дунёвий янгиликларни қабул қила олмайди» деган шубҳаларни уйғотиш.

Ўзини «Нажддан чиққан пайғамбар» деб даъво қилган Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб ўз таълимоти билан шу сиёсатга хизмат қилди.

Нажддаги унча катта бўлмаган Даръийя давлатининг амири Муҳаммад ибн Сауд (1765 йили вафот этган) ва унинг ўғли Абдул Азиз (1765–1803) 1744 йили Муҳаммад Абд ал-Ваҳҳоб билан иттифокқа киришиб, ваҳҳобийлик¹ таълимотини қабул қилади. Саудлар хонадони шу таълимот асосида Нажднинг бошқа амирликларини ҳам бўйсундириш учун кураш бошлаб юборди. Бу кураш 1786 йили Наждни ягона диний давлатга айлантириш билан якунланди. Шу тариқа XVIII асрда Арабистонда мусулмон ислохотчилари – ваҳҳобийларнинг Саудлар давлати пайдо бўлди. Бу давлат Арабистон ярим оролининг катта қисмини қамраб олди (марказий, шимолий ва шарқий вилоятлар, қадимда Нажд, Ҳижоз ва Ал-Хоса деб аталган).

Ҳижоз худудида ислом дунёсининг иккита муқаддас шаҳри – Макка ва Мадинанинг жойлашганлиги Арабистон тарихида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Мусулмон дунёсида ҳарбий ва иқтисодий салоҳияти кучайган ҳар бир давлат шу икки шаҳарни эгаллашга интилган. Бундан ташқари ҳар йили бутун дунёдан миллионлаб мусулмонлар бу ерга ҳаж сафарига келадилар.

Абд ал-Ваҳҳобнинг вафотидан сўнг Саудлар ваҳҳобийларнинг диний раҳбарига ҳам айланиб, ўз ғоялари ва ҳокимиятларини бошқа

¹ Абд ал-Ваҳҳоб тарафдорлари ўзларини ҳеч қачон ваҳҳобийлар деб атамайдилар, оддийгина қилиб мусулмон деб атайдилар. Ваҳҳобий атамасини 1814–1815 йиллари Арабистонга келган машҳур саёҳатчи И. Бухардт киритган. Ваҳҳобийларнинг таълимотида ахлоқ нормаларига жуда катта эътибор берилганлиги ва бу нормаларга қатъий риоя этилганлиги сабабли дастлаб уларни «сахро пуританлари» ҳам деб аташган.

худудларга ҳам ёйиш учун кураш бошладилар. XVIII аср охири – XIX аср бошларида улар Форс кўрфази ва Қизил денгиз қирғоқларидаги ерларни бўйсундирди, Ҳасу, Уммоннинг катта қисми, Баҳрайн, Қувайт, Ҳижоз (Макка шаҳри билан) ни ҳам бирлаштириб, шу тариқа деярли бутун Арабистон ярим оролини ўз ҳокимияти остига олдилар. Кейин Сурия ва Ироқ учун уруш бошланди. Ваҳҳобийлар турк пошоларининг кўшинларини тор-мор қилдилар, аммо Сурия ва Ироқда аҳоли уларни Арабистондагидек қўллаб-қувватламади.

Яман. XVII асрдаёқ Яманда турк босқинчиларига қарши кўзғолон бошланди. Бу кўзғолонга зейд мазҳаби раҳбарлари, хусусан, имом Ал-Мансур Қосим бен Муҳаммад бошчилик қилиб, бу айти найтда майда амирликларни бирлаштириш учун ҳам қилинган уриниш эди. Зейдлар VIII асрда яшаган Зейд ибн Алининг издошлари бўлиб, улар суннийлар билан шиалар оралиғидаги оқим эди. Кўзғолончилар 1613 йили Ал-Куфла яқинида бўлган жангда турк кўшинларини мағлубиятга учратиб, мамлакатнинг шимолини тўлиқ озод қилдилар.

Зейдлар туркларни қувиб чиқаргандан сўнг мустақил Яман имомлигини ташкил қилди. Уларнинг раҳбари – имом диний ва дунёвий ҳокимиятни ўз қўлида бирлаштирган эди. Бу давлатнинг барқарор чегаралари мавжуд эмасди.

1620 йили Қосим вафот этгандан сўнг имом қилиб унинг ўғли Ал-Муайяд Муҳаммад сайланди. 1638 йили унинг кўшинлари Санани камал қилиб, шаҳар остоналарида турк кўшинларини тор-мор келтирди ва Яман худудини Ҳижоздан Аденгача озод қилишди.

Маълум муддатга мамлакатда барқарорлик ўрнатилиб, хўжалик ва савдонинг ривожланиши учун имкониятлар пайдо бўлди. Бироқ дастлабки имомлар даврида вужудга келган нисбатан тинчлик ва барқарорлик узоққа чўзилмади. Имом ҳокимияти унинг шахсий обрўсига ва аскарларининг кучига таянган эди. Турклар қувиб чиқилиши билан аҳолини зейдлар байроғи остига бирлаштирган сабаб ҳам йўқ бўлди.

Турли вилоятлардаги феодаллар ўртасида айирмачилик ҳаракатлари кучайди; имомнинг доимий содиқлар тизимини йўлга қўйиш учун қилган ҳаракати қабилалар ўртасида норозилик келтириб чиқарди. Айрим худудларда сохта имомлар найдо бўлди. Имом Муҳаммад ал-Маҳди ҳукмронлиги даврида (1687–1718) марказий ҳокимиятга қарши бени хушейш, ҳамдан, бени харис қабилалари-

нинг кўзғолони бошланди. Кўзғолон кейинги имомлар даврида ҳам давом этди. 1728 йили Лахеж ноиб имом ҳокимиятини тан олишдан бош тортди. Кейин Яфа, Аулак, Аудали, Дала ва бошқа бир қатор ҳудудлар ҳам имом ҳокимиятини тан олмай қўйдилар.

XVIII аср охири – XIX аср бошларига келиб имомлар фақат Санада реал ҳокимиятга эга эди. Шунда ҳам давлат ишлари билан имомнинг қудратли вазирлари шуғулланар, имомлар эса улар қўлида борган сари кўғирчокқа айланиб бораётган эди.

Уммон. Арабистон ярим оролининг жануби-шарқида жойлашган Уммон қадимдан Буюк Ипак савдо йўлининг муҳим тармоғи ҳисобланган. 1453 йили Константинополнинг турклар томонидан забт этилиши натижасида европаликлар Осиё билан янги савдо йўллари излашга мажбур бўлдилар. 1507 йили адмирал Альфонсо де Албукерка бошчилигидаги португал денгиз кўшини Уммоннинг қирғоқ бўйи шаҳарларини забт этди. Бир неча ой ичида қирғоқ бўйини талаб, Ормуз оролида ўрнашиб олдилар. XVII аср биринчи чорагида Эрон шоҳи Аббос I Англиянинг Ост-Индия компанияси ёрдамида португалияликларни Ормуздан қувиб чиқарди. Эроннинг ғалабаси маҳаллий аҳолига португалияликларнинг ночорлигини кўрсатиб берди. Бундан илҳомланган қабила бошлиқлари 1624 йили Уммон имоми қилиб Носир бин Муршид бин Султон ал-Ярибни сайладилар. У европаликларга қарши муваффақиятли кураш олиб борди. Бироқ мамлакат ичкарасида қабилалар ўртасида ҳокимият учун кураш тўхтамади. Натижада ўзаро урушлардан толиққан Уммонга 1738 йили эронликлар бостириб кирдилар. Улар Маскат ва муҳим стратегик шаҳар Сохарни эгаллаб олдилар. Шунингдек, Ал-Хоса ва Баҳрейн ҳам эронликлар қўлига ўтди. Эронликларга қаршилик ҳаракатига Соҳа ҳокими Аҳмад бин Саид ал-Бу Саид бошчилик қилди. У йўқотилган ерларнинг катта қисмини қайтариб, 1749 йили янги имом қилиб сайланди. Шу тариқа Ал-Яриба сулоласи ўрнига Бу Саид сулоласи келиб, то ҳозирги кунгача ҳукмронлик қилмоқда.

XVIII аср 40-йилларида эронликлар зулмидан озод бўлиб, ўз мустақиллигини тиклаган Уммон қисқа вақт ичида нисбатан катта ва кучли имомликка айланди. Унинг ҳокимияти Уммондан ташқари Занзибар оролига (Шарқий Африка) ва Форс қўлтиғининг шарқий ҳудудларига ҳам жорий қилинди.

1783 йили Баҳрайн оролларида эронликлар қувилгандан сўнг бу ерда ҳам мустақил араб давлати юзага келди. Ҳокимиятга келган Аҳмад бин Муҳаммад ал-Халифа (1782–1790) Баҳрайндаги Ал-Халифа шайхлар сулоласига асос солган бўлиб, бу сулола ҳозиргача ҳокимиятда турибди.

XVIII аср биринчи ярмида Арабистон ярим оролида турклар зулмидан озод бўлган яна бир мустақил давлат – Қувайт амирлиги пайдо бўлди. Унинг биринчи сайланган амири шайх Сабах ибн Жабар ас-Сабах (1756–1762) ҳозирги Қувайт ҳудудидаги барча қабилаларни бирлаштириб, Қувайт амирлигини тузди. Ас-Сабахлар хонадони бугунги кунда ҳам амирликни бошқармоқда.

XXIX боб бўйича саволлар

1. Янги давр бошларида Суриянинг демографик ҳолати ва диний таркиби қандай ўзига хос жиҳатларга эга эди?
2. Суриянинг усмонийлар томонидан забт этилиши иқтисодий ва ижтимоий муносабатларда қандай ўзгаришларга олиб келди?
3. Усмонийлар Сурия вилоятларини бошқариш тизимида қандай ўзгаришларни амалга оширди?
4. Ироқ Усмонийлар империяси таркибига кирганидан сўнг уни бошқариш тизимида қандай ўзгаришлар юз берди?
5. Усмонийлар даврида Ироқда ерга эгалик қилиш ва солиқ тизими қандай ташкил қилинган эди?
6. Арабистон ярим оролининг бирлашишида нега ваҳҳобийлик ғоявий асос бўлиб хизмат қилди?
7. Яман имомлигининг давлат тузилишида қандай ўзига хос жиҳатлар ва муаммолар мавжуд эди?

VI БЎЛИМ

XVI–XVIII АСРЛАРДА АФРИКА ХАЛҚЛАРИ

XXX БОБ. АФРИКАДАГИ АРАБ МАМЛАКАТЛАРИ

Миср. XVI асрда кўпчилик араб мамлакатлари усмонийлар томонидан босиб олинди. Мамлуклар ҳукмронлиги остида бўлган Миср ҳам биринчилардан бўлиб ўз мустақиллигини йўқотди. 1517 йилнинг бошида Қоҳирани эгаллаган Салим I армияси Миср пойтахтини талади ва вайрон қилди.

Турклар истилоси мамлакатдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатларга катта ўзгариш киритмади. Фақат мамлукларнинг сиёсий ҳокимияти ағдарилиб, барча феодаллар ўз мулклари ва имтиёзларини сақлаб қолдилар. Миср алоҳида пошоликка ажратилган бўлиб, амалда ярим мустақил давлат эди. Олий ҳукмдор Истамбулдан тайинланадиган пошо ҳисобланарди. У мамлакатни ўз девони ёрдамида бошқарарди. Девон таркибига давлат аппаратининг йирик амалдорлари, мамлук амирлари, олий мансабдаги руҳонийлар, турк гарнизонининг кўмондонлари, шариат судининг раиси кирарди. Девоннинг энг ҳурматли аъзоси мамлук зодагонларининг раҳнамоси бўлган мамлакат шайхи ҳисобланарди.

Маҳаллий бошқарув ҳокимияти тўлиқ мамлук амирларининг кўлида сақланиб қолди. Турклар мамлукларнинг бошқарув маҳорати, маҳаллий шароитни, аҳолининг урф-одатларини яхши билишидан ўз манфаатларида фойдаландилар.

Барча ерларнинг олий мулкдори деб турк султони эълон қилинди. Бу ҳуқуқ барча ҳайдаладиган ерлардан солиқ йиғишда ўз ифодасини топди. Баъзи ерлар хазина фондига киритилди ёки султон мулкига айлантирилиб, махсус вакиллар томонидан бошқариладиган бўлди. Бу ерлардан олинadиган барча даромад султон саройининг харажатлари учун сарфланарди. Хазина фондига киритилган ерлардан олинган даромад муқаддас шаҳарлар – Макка ва Мадинага ва бошқа хайрия мақсадларига ҳам сарфланади.

Мисрда ер эгаллиги ва олинадиган солиқлар миқдорини белгилайдиган ҳужжат – «Қонунномаи Миср» 1525 йили қабул қилиниб, унда деҳқонлар ва йирик ер эгалари бўлган мамлук амирлари, бейлар, мултазимлар ва мулгозимларнинг мақомлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилди.

Мултазимлар дастлаб ерни тўрт йил муддатга сотиб олиш ҳуқуқини олган бўлсалар ҳам, аслида ерларини ҳақиқий мулкка айлантириб олдилар. Улар хазинага маълум миқдорда пул тўлаб, эвазига деҳқонлардан олинадиган барча йиғимларни ўзлари олишарди. Айрим тарихчиларнинг ҳисоб-китобига қараганда мултазимлар хазинага тўлайдиган пул улар деҳқонлардан йиғиб оладиган пулнинг 4 фоиздан 40 фоизгачасини ташкил қилган. Солиққа тортиш ва солиқларни йиғиб олиш тизими қишлоқ хўжалигининг ривожланганлик даражасига мослаштирилган эди. Экин мавсуми, ернинг сифати, суғорилиш ва етиштириладиган экинлар ҳисобга олинар эди.

Асосий қишлоқ хўжалик экинлари буғдой, арпа ва бир қатор дуккакли экинлар ҳисобланарди. Турклар истилосидан сўнг Миср деҳқонларининг (уларни фаллах деб аташган) асосий экини маккажўхори бўлиб қолди. Бу даврда Нил дарёсининг ҳавзасида шולי экиладиган майдонлар ҳам анча кенгайди, шакарқамиш майдонлари эса қисқартирилди. Миср қишлоқ хўжалигида пахтанинг ўрни ҳам катта эди. Деҳқонлар қишлоқ хўжалик экинларидан ташқари мевали дарахтлар, хурмо ва узумлардан ҳам солиқ тўлашарди.

Ҳунарманд ва савдогарлар ҳам солиққа тортилди. Ҳунармандлардан устахона оқсоқоллари солиқ йиғишарди, давлат солиги умумий маҳсулотнинг 5%ни ташкил қиларди. Савдогарлар савдо корхоналари, кемалари, карвонлари ва бозорлар учун солиқ тўлашарди. Турклар ҳокимияти ва маҳаллий зодагонлар аҳоли фаолиятининг ҳамма жабҳаларини ҳисобга олар ва барчасини солиққа тортишга ҳаракат қиларди. Шоир ва ёзувчилар фаолияти деярли даромад келтирмасида, 1568 йили улар ҳам солиққа тортилди.

Усманийлар империясининг кучсизланиши аста-секин Мисрда мамлуклар сиёсий ҳокимиятининг тикланишига олиб келди.

XVII асрдан бошлаб Мисрнинг иқтисодий тараққиётида бир қатор янгиликлар кўзга ташланади. Саноатнинг баъзи, айниқса, экспортга ишлайдиган тармоқларида мануфактура ишлаб чиқаришига ўтила бошлади. Айрим шаҳарларда тўқимачилик саноатида ману-

фактуралар ташкил қилинди. Маҳалла-Кубр шаҳридаги энг йирик мануфактураларда 800 тадан 1000 тагача ёлланма ишчилар ишларди. XVIII аср охирига келиб Қоҳирада 15 минг ёлланма ишчи ва 15 минг ҳунарманд фаолият кўрсатарди. Ёғ ва қанд ишлаб чиқарувчи заводларда ҳам ёлланма меҳнатдан фойдалана бошлади.

Ишлаб чиқариш техникаси ҳали ўта оддий бўлса-да, мануфактуралардаги ички меҳнат тақсимоти маҳсулотларнинг кўпайишига олиб келди. Натижада ички ва ташқи савдо тез ривожланди. Миср Европа ва қўшни Осиё давлатлари билан қизғин савдо муносабатларини олиб борди. XVIII аср охирига келиб фақат Қоҳирада чет эллар билан савдо қиладиган 5 мингта савдогар фаолият юритарди.

1769 йили, рус-турк урушидан кейин вужудга келган муҳитдан фойдаланган, мамлук ҳукмдори Алибей Мисрнинг Усманийлар империясидан мустақиллигини эълон қилди, ҳамда «Миср ва иккала денгизнинг султони» унвонини олди. Дастлаб Алибейнинг ҳаракатлари муваффақиятли давом этди, аммо мамлук бейлари билан бўлган қуроли тўқнашув Алибейнинг мағлубиятига олиб келди. Натижада турклар ҳокимияти қисман тикланди.

Мамлук зодагонларининг ўзаро урушлари Мисрнинг иқтисодий аҳволига ёмон таъсир кўрсатди. Уларнинг ўзбошимчалиги, деҳқон ва ҳунармандлар устидан қилган золимликлари мамлакатда норозлиқни кескин кучайтирди. Айниқса деҳқонларнинг аҳволи оғирлашди. XVIII аср охирида француз тадқиқотчиси Эстев Миср қишлоқларидан бирида 70 дан зиёд солиқ турини санаган. Турк ҳукмронлиги ва мамлукларга қарши мамлакатда бошланган халқ ҳаракатига Қоҳирадаги Ал-Азҳар масжидининг таниқли шайхлари бошчилик қилдилар. Уларнинг чақирғига биноан 1795 йил ёзида Қоҳиранинг ҳунармандлари ва савдогарлари ўз дўконларини ёпдилар. Мамлук ҳукмдорлари шайхлар билан музокара бошлашга, зўравонлик ва қонунсизликларга чек қўйилишига ваъда беришга мажбур бўлдилар.

Ал-Азҳар масжиди шу даврда бошланган француз босқинига қарши халқ ҳаракатининг ҳам марказига айланди. 1798 йили Қоҳирани забт этган Наполеон Бонапарт «Аллоҳ, унинг пайғамбари ва Қуръонни ҳурмат қилиши»ни айтиб, Мисрни мамлуклар зулмидан озод этувчи халоскор қилиб ўзини кўрсатишга ҳаракат қилган бўлса-да, шаҳар ва қишлоқларга французлар солган солиқ

мамлукларникидан анча юқори эди. Шу сабабли 1798 йил 21–23 октябрь кунлари Қоҳирада Ал-Азҳар масжидининг шайхлари бошчилигида французларга қарши кўзғолон кўтарилди. Наполеон жуда қийинчилик билан бўлса-да, кўзғолонни бостирди. Мисрда француз армиясининг келажаги йўқлигини ва мамлакатда сиёсий аҳволнинг бетайинлигини тушунган Наполеон бу ерни тарк этди. Унинг ўрнига келган генерал Клебер 1800 йили 24 январда Ал-Ариш деган жойда турклар билан сулҳ имзолади. Аммо Англия туркларни бу келишувдан воз кечишга мажбур қилди. Бунга жавобан генерал Клебер бошчилигида француз қўшинлари Гелиополис ёнидаги жангда туркларни тор-мор қилди. Шу пайт Қоҳирада халқ кўзғолони кўтарилиб, шаҳардаги турклар ва мамлук бейлари томонидан қўллаб-қувватланди. Бир ой давом этган шиддатли жанглардан сўнг Клебер кўзғолонни бостиришга муваффақ бўлди. Шу даврда Ўрта Ер денгизида ҳаракат олиб бораётган адмирал Ушаков бошчилигидаги рус флотининг фаолияти туфайли Мисрдаги француз армиясининг ҳолати анча сусайди. Бунинг устига 1800 йил 14 май куни турклар томонидан жўнатилган қотил Клеберни ўлдирди. Унинг ўрнига келган генерал Ману Мисрга туширилган инглиз экспедицияси билан бўлган муваффақиятсиз жанглардан сўнг, 1801 йил баҳорида таслим бўлиш ҳақида актни имзолашга мажбур бўлди. Шу йили сентябрда француз армиясининг қолдиқлари Мисрни тарк этди.

Жазоир. XIII асрдан бери Ўрта Мағрибда ҳукмронлик қилиб келган Зайянийлар Саҳрои Кабир атрофидаги кўчманчилар билан ҳамда кучлироқ бўлган қўшнилари – тунислик ҳафсидлар ва марокашлик меринидлар билан узоқ давом этган курашдан сўнг XV аср охирида ўз ҳокимиятларини йўқотдилар. Тўхтовсиз ўзаро урушлар оқибатида Жазоирда савдо, деҳқончилик, хунармандчилик ва шаҳарсозлик инқирозга юз тутди.

Шунга қарамасдан Европа мамлакатларида Жазоир ҳали ҳам жанговар мамлакат сифатида донг таратган ва обрўга эга эди. Жазоир корсарлари (қароқчилари) Европа давлатларининг кемаларини қўлга олар ва, ҳатто, Испания ва Италиянинг портларига ҳужум уюштирарди, бу эса христианларнинг савдосига ва хавфсизлигига катта путур етказаётган эди. Аслида каталониялик, генуялик ва сицилиялик корсарлар ҳам араблардан ортда қолишмаётганлиги ту-

файли бутун Ўрта Ер денгизининг Ғарбий қисми тинимсиз денгиз жанглари майдонига айланган эди.

XVI аср бошларида Арагон ва Кастилиянинг қироли Фердинанд II «Африкага салиб юриши»ни ташкил қилди. Мусулмонларнинг Испаниядаги таянч пункти – Гранада амирлигининг тор-мор қилиниши (1492) бу юришга имконият яратиб берди. 1505 йилиёк испанлар Жазоирнинг қирғоқ шаҳри Мерс ал-Кабир портини, 1508 йили йирик Оран портини, 1510 йили қароқчиларнинг Беджай республикасини забт этдилар. Шу йиллари испанлар Жазоирнинг яна бир қатор портларини ўлпон тўлашга мажбур қилди.

Испанлардан озод бўлишга ҳаракат қилган Жазоирнинг қирғоқ бўйи аҳолиси жиҳод («муқаддас уруш») байрогини кўтарган мусулмон корсарларни қўлладилар. Улар ичида усмонийлардан чиққан ғози (дин йўлида курашчи) Аруж қатта обрўга эга эди. Асли Митилин (Лесбос) оролидаги славян-грек оиласидан чиққан бу шахс ғарбий Ўрта Ер денгизида қароқчилик билан шуғулланган, испан кемаларини талаган ва минглаб морискларни Мағрибга олиб кетган. Унинг гуруҳига юзлаб авантюристлар келиб қўшилади ва эскадраси 20 та кемадан ошиб кетади. 1516 йили Жазоир шаҳрини эгаллаб, бутун ғарбий Жазоирни ўзига бўйсундирди. Аммо 1518 йили Телемсен қалъасини испанлардан ҳимоя қилиш чоғида ҳалок бўлди.

Аруж вафотидан сўнг Жазоир корсарлари унинг укаси Хайридин Барбароссани (Сарик соқол) ўзларига бош деб тан олишдилар. Хайридин испанларга қарши курашда ёрдам сўраб усмонийларга мурожаат қилди. Туркия султони Салим I Ёвуз Шимолий Африкада ўрнашиб олиш учун жиҳоддан фойдаланишга уринди ва Хайридинга бейларбейи унвонини берди, Жазоирга йирик яничарлар корпусини, ҳарбий кемалар, артиллерия ва молиявий ёрдам жўнатди.

Туркларнинг ёрдамига таянган Хайридин бирин-кетин Жазоир шаҳарларини испанлардан озод қилди, ҳукмронлик йилларида Испания қирғоқларига етита экспедиция уюштириб, у ердан мажбуран христианликка ўтказилган 70 минг андалусиялик мусулмонларни (морисклар) Жазоир ва Тунисга олиб келди.

Хайридиндан кейин Жазоирни бошқарган Ҳасан пошо (1544–1552) ҳам отасининг сиёсатини давом эттирди. Жазоир Истамбулга расман бўйсунса-да, Ҳасан пошонинг ўзи деярли мустақил

сиёсат олиб борди. Порт-қалъа Оран XVIII аср охиригача испанлар қўлида сақланиб қолди.

Хайриддин ва унинг ворислари даврида шаклланган Жазоирнинг ҳарбий-сиёсий тизими XIX аср бошларигача ўзгармасдан қолди.

XVII аср инкирозлар, корсарлар билан яничарлар ўртасида тинимсиз курашлар, ғалаёнлар, фитналар билан ўтди. Аср бошида бейларбейи лавозимининг қисқартирилиши яничарларга корсарлардан ўч олиш имконини яратди. Истамбулдан жўнатилган пошолар яничарлар қўлида кўғирчоқ эди, холос.

Бироқ яничарларнинг ҳокимияти кўпга чўзилмади. 1671 йили қароқчилар тоифаси ҳокимиятни қайтариб олишга эришди. Корсарлар раиси навбатдаги фитнани уюштириб, яничарлар оғасини ҳокимиятдан ағдарди ва корсарлар ўзларига янги раҳбар – дей¹ сайладилар. Ҳар икки ойда алмашган яничар оғадан фарқли равишда дей бир умрга сайланди ва айнан шу ҳол Жазоирда ҳокимиятнинг барқарорлашувига олиб келди. 1689 йили яничарлар девони ва корсарлар раислари ўзаро келишувга эришиб, биринчи марта биргаликда дей сайлайдилар. 1711 йили дей Боба Али Шауш Порта жўнатган навбатдаги пошони Жазоирдан чиқариб юборди ва пошо унвонини унинг ўзига бериш лозимлигига Истамбулдагиларни ишонтирди. Айна пайтда Жазоир султонга доимий ўлпон тўлашни ҳам тўхтатди.

XVII аср 60-йиллари XVIII аср бошлари Жазоир минтақада гегемонлик учун Марокаш султонлари ва Тунис бейлари билан кураш олиб борди. Бу урушлар доимий бўлмасдан Шимолий Африканинг сиёсий харитасига деярли таъсир қилмади.

Жазоирнинг XVII асрдаги иқтисодий ривожланиши халқаро алоқалари деярли тўлиқ қароқчилик фаолияти билан боғлиқ эди. Бу давр ғарбий Ўрта Ер денгизи ҳудудида денгиз қароқчилиги энг авжига чиққан пайт эди. Биргина мисол, 1613 йилдан 1621 йилгача, яъни 9 йил ичида жазоирлик корсарлар ўзларининг тунислик «ҳамкасблари» билан бирга голландларнинг 447 та, французларнинг 193 та, испанларнинг 120 та, инглизларнинг 60 та кемаларини қўлга олганлар. Бу ёқиб юборилган ва чўктирилган кемаларни ҳисобга олмаганда. Албатта савдода асосий «товар» қўлга олинган европаликлар эди. Масалан, Жазоирда доимий ваколатхонасига эга бўлган тринитарийлар монахлик ордени XVII аср давомида 30

¹ Дей – Усманийлар армиясида яничарлар корпуси – ожақларда қуйи поғона командирлар таркиби шундай деб аталган.

минг европаликни сотиб олган. Мамлакат пойтахтининг 100 минг аҳолиси бўлиб, бундан ташқари 25–30 минг христиан асирлар ҳам сакланарди. Қарокчилик ҳисобидан шаҳар жуда тез кенгайиб ва бойиб борарди.

XVIII асрда ҳам Жазоир Усманийлар империясининг эйалети ҳисобланар, амалда суверен давлат эди. Бу аср нисбатан барқарор ҳокимият тизими билан характерланади. 1710 йилдан 1798 йилгача ҳокимиятда бўлган 10 та дейдан фақат учтаси сарой тўнтаришларида ўлдирилган. Аср охирларига келиб корсарлар яна фаоллашди. 1775 йили Испания томонидан амалга оширилган ҳужум европаликларга ҳеч қандай наф келтирмади. Испанлар бир неча муваффақиятсиз уринишлардан сўнг 1786 йили Жазоир дейи Муҳаммад бен Осман билан тинчлик сулҳи тузишга, 1792 йили эса Ғарбий Жазоирнинг бош шаҳри Оранни жазоирликларга топширишга мажбур бўлди.

Испания билан тузилган тинчлик шартномаси Жазоирда қарокчилик анъаналарининг жонланишига олиб келди. Жазоир корсарлари Италия давлатлари, Пруссия ва АҚШнинг кемаларига қатор ҳужумлар уюштирдилар. Мустақиллик учун урушда ғалаба қозонган АҚШ ҳукумати 1795 йили Жазоир билан тинчлик шартномасини имзолашни, корсарларга навигация¹ асбобларини етказиб бериш ва контрибуция тўлаш мажбуриятини олишни маъқул топди.

Ливия. «Ливия» тарихий географик атамаси ҳозирги маъносида XIX асрнинг охирида италиялик олимлар томонидан муомалага киритилган бўлиб, улар антик давр олимларидан олишган. Қадимги даврларда бутун Шимолий Африка Ливия деб аталган.

Ливиянинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси қўшни Миср ва Тунисга нисбатан паст эди.

XVI асрдан Ливияга европаликларнинг ҳарбий экспансияси бошланди. 1510 йили Триполи испан армияси томонидан забт этилди, яна 20 йилдан сўнг эса испанлар шаҳарни Мальта ордени рицарларига топширишди. Улар ўз ҳудудларини тобора кенгайтириб боришди.

Арабларнинг маҳаллий бербер қабиласи доимий қаршилик кўрсатса-да, Триполини христианлардан озод қилишга қурблари етмасди. Шу сабабли улар 1519–1520 йиллари ёрдам сўраб усмонийлар султони Салим I га мурожаат қилдилар. 1517 йили Мисрни забт этган турклар Шимолий Африкадаги позицияла-

¹ *Навигация* – кемалар юриши, қатнови, кема юргизиш санъати, фани.

рини мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлганликлари учун Триполига Мурод ога бошчилигида унча катта бўлмаган кўшни жўнатишди. Фақат XVI аср 30–40-йилларида Жазоир ва Тунисда муваффақиятли ўрнашгандан сўнггина турклар Триполи учун испанларга қарши уруш бошлади. 1551 йили усмонийлар кўшини ва маҳаллий қабилалар шаҳардаги мальталиклар гарнизонини таслим бўлишга мажбур қилди. Кейин мусулмонларни озод қилиш шиори остида ҳаракат қилган турклар бутун Ливияни империяга қўшиб олдилар. Тарихий Ливия худуди Триполи эйалетига бирлаштирилди. Эйалет учта санжаклик – Триполи, Мисурат, Бенғози санжакликларига бўлинди.

Усмонийлар ўрнатган тартиб дастлаб хўжаликнинг ривожланишига олиб келди. Испанларга қарши узоқ йиллик урушлардан сўнг одамлар ўз яшаш жойларига қайтиш, вайрон қилинган хўжаликни, ирригация иншоотларини тиклаш, ерларга ишлов бериш имкониятига эга бўлдилар. XVI аср ўрталарига келиб Триполи Ўрта Ер денгизининг йирик порти, кул савдоси бозори ва Сахрои Кабирдан ўтадиган савдо йўлидаги чорраҳа мақомини қайтариб олди.

Аммо XVI аср 70-йилларидан Триполида бошқарув пошолардан яничарбошилар ва қароқчилар тўдабошиларига ўтгандан сўнг эйалетдаги ички аҳвол кескин ёмонлашди. XVII аср биринчи чорагида Жазоир ва Тунисдаги сингари Триполида ҳам яничарлар томонидан сайланадиган дейлар ҳокимияти ўрнатилди. Бутун аср давомида Триполи дейлари билан усмонийлар ўртасидаги муносабатлар зиддиятли ва нобарқарор бўлди. Дейларнинг 108 йиллик бошқаруви даврида 25 та ҳукмдор алмашди. Улардан баъзиларнинг ҳолатни барқарорлаштиришга қилган уринишлари яхши натижа бермади. XVIII аср бошларига келиб дейлар на мамлакат манфаатлари билан, на усмонийлар билан ҳисоблашмай кўйди. Улар асосан денгизда ва қуруқликда ҳарбий ҳаракатларни ташкил қилиш билан банд бўлди. Натижада мамлакат иқтисодий, ижтимоий ва маданий таназзулга юз тутди.

XVIII аср бошларида усмонийлар ўрнатган тартиблар бекор бўлиши билан ижтимоий ва сиёсий ҳаётда маҳаллий анъаналарнинг тикланиши бошланди. Триполида бу анъаналарнинг давомчилари ўзига хос этник қатлам вакиллари – «қул ўғли»лар¹, отаси турк,

¹ Бу ерда кул одатдаги маъносида эмас, балки давлатнинг одами, давлат хизматчиси маъносида қўлланилган.

онаси араб бўлган, ўзлари ҳарбий мажбуриятни бажарадиган аҳоли эди.

XVIII аср бошларида яничарларнинг ўзбошимчилигига қарши тура оладиган куч бўлиб кулўғлилар отряди шаклланди. Уларнинг сардори Аҳмад Караманли бадавий қабилалари ёрдамида яничарларга қарши кураш бошлади. У дей Маҳмуд Абу Мувайсни ағдариб, 1711 йил 28 июлда ҳарбий тўнтариш ташкил қилди ва 300 нафар яничарлар сардорлари қириб ташланди. 1713–1716 йиллари бутун мамлакат Аҳмад Караманли ҳокимияти остида бирлаштирилди. Порта мавжуд ҳолатни тан олиб, 1722 йили Аҳмад Караманлини империянинг Триполидаги вакили қилиб тайинлади, унга бейларбейи ва пошо унвонларини берди.

XVIII аср бошидаги воқеалар натижасида Триполи эйалети мустақил давлатга айланиб, Истамбулга номинал бўйсунадиган бўлди, мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб борди. Янги сулоланинг биринчи вакили Аҳмад Караманли (1711–1745) давридаёқ эйалетнинг янги ижтимоий-сиёсий тузилиши шаклланди. Сулоланинг ижтимоий таянчи кулўғли жангчилари жамоаси бўлиб қолди. Яничарлар ожаки эса тарқатиб юборилди ва ҳарбий аҳамиятини йўқотди.

Кулўғлилар мамлакатда ҳарбий деспотия тузумини ўрнатдилар, маъмурий бошқарув ва солиқ тизимини мустаҳкамлади. Мустақил ташқи сиёсат олиб бориб, усмонийларнинг руҳсатисиз 1729 йили Франция билан, 1716 ва 1730 йиллари Англия билан, 1728 йили Голландия билан ва 1726 йили Австрия империяси билан тинчлик шартномаларини имзолади. Бироқ XVIII аср иккинчи ярми молиявий ва ижтимоий инқирозлар даври бўлди. Натижада 1793 йили грек авантюристи Али Жазоирли 300 кишилик ёлланма қўшин билан ҳукмрон сулола вакили Али Караманлини ҳокимиятдан ағдариб, оиласи билан Тунисга қочишга мажбур қилди. Турклар томонидан ўрнатилган қатағон ва террор муҳити аҳолини уларга қарши қўйди. Натижада Али Караманлининг кичик ўғли Юсуф Караманли (1795–1832) тунисликлар ёрдамида 1795 йил январда яна ҳокимиятни эгаллаб олди ва эйалетда аввалги тартибларни тиклади.

Тунис. XV аср охири – XVI аср бошларида Тунис чуқур инқироз даврига кирди. XIII асрдан бери Мағрибнинг ўрта ва шарқий қисмини бирлаштирган Ҳафсидлар давлати таназзулга юз тутди. 1488 йили султон Усмон вафот этгандан сўнг олти йилда тўртта ҳукмдор

алмашди. Янги султон Абу Абдуллоҳ Муҳаммад V нинг бадавий қабилаларни бўйсундириш учун қилган ҳаракати ҳафсидларнинг мағлубияти билан тугади.

XV аср охири – XVI аср бошларидаги шиддатли воқеалар сабабли Тунисда сиёсий тарқоқлик бошланди ва мамлакат Ўрта Ер денгизининг ўша пайтдаги кучли давлатлари – Испания ва Усманийлар империясининг сиёсий манфаатлари тўқнашган жойга айланди. Бу икки давлат ўртасидаги кураш XVI аср 30-йилларида кескин тус олди. Усманийлардан ёрдам олган Жазоир корсарлари Хайриддин Барбаросса бошчилигида Тунисга бостириб кирдилар. Тунис султони Мулай Ҳасан жанубга қочиб, Испания қироли Карл V га ёрдам сўраб мурожаат қилди. Бу ҳол шусиз ҳам обрўси тушиб кетган ҳафсидлар сулоласини «ислом манфаатларига хоинлик»да айблаш учун асос бўлди. Испанлар 400 та кемадан иборат жуда катта флот билан Тунис қирғоқларига келди. Бироқ Карл V учун Тунисни эгаллаш катта таваккалчилик бўлиб туюлди ва у қирғоқ бўйида Ла Гулетт қалъасини қуришдан нарига ўтмади. Шу орада усманийлар султони Сулаймон I ва Мурод III Тунис тақдири билан жиддий қизиқдилар. Натижада 1574 йили 320 та кемада Тунис қирғоқларига тушган 40 минг кишилик турк қўшинлари бу ерда испанлар ҳукмронлиги ва ҳафсидлар сулоласи ҳокимиятига хотима ясади.

Туниснинг турклар томонидан забт этилиши бу ерда усманийлар сиёсий тартибининг ўрнатилишига олиб келди. Бироқ Африканинг бошқа жойларида бўлгани каби Тунисда ҳам Портанинг ҳокимияти расмий характерга эга эди, холос. Амалда мамлакатни дейлар ва яничарлар бошқарар эди.

XVII асрдан Тунисда маҳаллий бейларнинг роли кучая бошлади. Ҳокимият бей Мурод Корсо (1612–1631) ва унинг ворислари муродийлар қўлига ўтди.

Бироқ XVIII аср бошларида турк сипоҳийларининг сардорлари кучаяди. 1702 йили ҳарбий фитна оқибатида муродийлар ҳокимияти ағдарилди ва сипоҳийлар сардори Иброҳим аш-Шариф янги ҳокимиятни ташкил қилди. У 1704 йили дейлик унвонини ҳам олди. 1705 йили Жазоир ва Триполи билан бўлган урушда Иброҳим мағлубиятга учради, аммо бу ҳол тунисликларни мустақиллик учун интилишдан қайтара олмади. Жазоирликларга қарши зарбани муваффақиятли уюштирган сипоҳийларнинг янги сардори Ҳусайн

ибн Али Тунисда янги монархияга ва хусайнийлар сулоласига асос солди. Бу сулола вакиллари Тунисни 1957 йилгача бошқардилар.

Судан. Ўрта асрларда ҳозирги Судан худудида бир неча христиан давлатлари мавжуд бўлиб, улардан энг каттаси Донгола давлати эди. 1317 йили мисрликлар Донголанинг охириги христиан шоҳини ағдариб, тахтга унинг исломни қабул қилган қариндошини ўтказдилар. Шундан сўнг Нубиянинг (Суданнинг қадимги номи) тезликда «араблашиш» ва «муслмонлашиш» жараёни юз берди.

Суданнинг чўл ва саванналарида истиқомат қиладиган бадавий араблар ислом дини, араб маданияти ва араб тилининг тарқалишига катта ҳисса қўшдилар. Суданнинг минг йиллар давомида шаклланган маданий қиёфаси бир неча аср ичида кескин ўзгарди. Бирок бадавийлар янги сиёсий тузумнинг асосини ташкил қила олмадилар. Бу ролни иккита ҳосилдор деҳқончилик вилоятлари – Фунг ва Дарфур уддалади. Фунгнинг пойтахти Сеннар шаҳри эди. Шу сабабли 1504 йили ташкил топган давлат Сеннар султонлиги деб аталди.

Сеннар султонлигининг шаклланиш жараёни султон Дакин даврида яқунланди. У ёш давлатнинг суд ва маъмурий тизимини ислоҳ қилди.

Сеннарнинг сиёсий тарихини унинг геосиёсий жойлашуви белгилаб берди. Сеннар Усманийлар империясининг жанубий чегараларидан Эфиопия ва Борна империяларига элтувчи йўлда жойлашган эди. Сеннар ҳукмдорлари усманийлар билан ҳам, Эфиопия билан ҳам (1611–1641 йиллардаги уруш ҳаракатлари олиб борилди) тинчлик алоқаларини сақлаб келди.

XVII аср охири – XVIII аср бошларида Сеннарда ҳам, Эфиопияда ҳам марказий ҳокимиятнинг инқирози бошланди. Иккала кучсизланаётган монархлар – султон Бадиг IV Абу Шиллук (1723–1762) ва император Иясу II (1730–1755) ўзаро урушга киришдилар. Натижада Сеннарда султон ҳокимияти тўлиқ инқирозга юз тутиб, ҳокимият Хамаж вазирлар сулоласига ўтди. Бу сулоланинг асосчиси эфиоплар устидан ғалабанинг асосий ташкилотчиси Муҳаммад Абул Кайлак Камтур (1710–1776) бўлди.

Бу даврда Суданнинг энг кучли ва бой давлати Дарфур султонлиги эди. Дарфур савдо айланмаси бўйича Сеннардан кўп марта олдинга ўтиб кетди. Энг катта фойда келтирадиган асосий товар куллар бўлиб қолди.

Марокаш. XVI аср бошида Марокаш жанубида шарифлар (ўзларини Муҳаммад пайғамбар авлодлари деб ҳисобловчилар) юксала бошлайди. Уларнинг ичида саъдийлар уруғи ўзининг жипслиги ва интилиши билан ажралиб туради. Португаллар ҳужуми пайтида саъдийлар йирик бербер қабилаларини бирлаштиришга эришди. Уларнинг йўлбошчиси Муҳаммад ибн Абдурахмон 1511 йили португалларнинг Санта-Крус портини қамал қилди. Бу уриниш муваффақиятсиз чикиб, Абдурахмон ўлдирилгандан сўнг унинг ўғиллари бутун эътиборини жиҳодга эмас, мамлакат ичкарасида ўз мавқеларини мустаҳкамлашга қаратди.

Шарифлар империяси катъий марказлашмаган, аниқроғи, шаҳарлар федерациясидан иборат эди. XVI асрда Марокашнинг юксалишига энг катта ҳисса қўшган султон Аҳмад ал-Мансур (1578–1603) бўлди. У савдони ривожлангирди, қўшни давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатди. Унинг ташқи сиёсати анча кенг қамровли эди. 1590–1591 йиллари Ғарбий Судан ҳудудида жойлашган Сонгай давлатини босиб олишни ташкил қилди. Марокашликлар узок йиллар Сонгайдаги олтин ва туз конларини эксплуатация қилдилар. Бу ердан минглаб қора танли қулларни сотдилар. Марокаш хазинаси жуда катта даромад кўрди.

Аҳмад ал-Мансур вафот этгандан сўнг унинг ўғиллари ўртасида бошланган тахт учун кураш оқибатда сулоланинг тўлиқ инқирозига олиб келди.

XVII аср ўрталаридан бошлаб шарифлар авлодининг бошқа бир сулоласи Филалийлар Марокашда сиёсат майдонига чиқади. Сулоланинг асосчиси Муҳаммад Али аш-Шариф (1631–1635) ва унинг учта ўғли Мулай Муҳаммад (1635–1664), Мулай Рашид (1664–1672) ва Мулай Исмоил (1672–1727) мамлакат кудратининг юксалишига катта ҳисса қўшдилар. Айниқса, Мулай Исмоил 55 йил давлатни бошқарди, мусулмон ҳукмдорлари ичида жуда камлари Ғарбда унингдек шуҳрат топганди. У ярим асрдан кўпроқ вақт ичида бутун фаолиятини иккита мақсадга йўналтирди: турклар ва европаликлар таҳдидидан мамлакат мустақиллигини сақлаб қолиш; мамлакатнинг иқтисодий гуллаб-яшнашини таъминлаш. У қора танли қуллардан 150 минг кишилик мунтазам армия тузди. Ҳокимиятни марказлаштириб, катъий давлат тартиби ўрнатди. Исмоил ўрнатган тартиблар Мағрибнинг анъаналарига зид эди. Шу сабабли бу тартиблар Исмоил ўлиmidан сўнг дарҳол барҳам топди. Исмоилдан

кейин ўттиз йил ҳокимиятда барқарорлик бўлмади. Фақат унинг набираси Сиди Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (1757–1790) мамлакатда тинчлик ва тартиб ўрната олди. У давлатнинг ташқи салоҳиятини тиклаш йўлида ҳам катта ишлар қилди. 1751 ва 1765 йиллари Дания билан, 1763 йили Швеция, 1767 йили Франция ва Испания, 1773 йили Португалия, 1786 йили АҚШ ва бошқа бир қатор давлатлар билан савдо ва дўстлик ҳақида шартномалар имзолади. Ташқи савдо ҳажми 7 млн дан 17 млн ливргача ўсди. Мамлакатни ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасидаги ишлар Сиди Муҳаммаднинг ўғли Мулай Слиман (1792–1822) томонидан муваффақиятли давом эттирилди.

* * *

Европа ва Шимолий Америка халқлари тарихига нисбатан қўлланилган «янги давр», «маърифатчилик», «индустриал цивилизация» каби тушунчаларни ва «янги давр»нинг даврий чегараларини бошқа халқлар, хусусан, Африка халқларининг тарихига нисбатан шартли равишдагина қўллаш мумкин. Ўрганилаётган даврда бу халқлар тараққиётнинг бошқа босқичида бўлиб, илғор Европа давлатлари томонидан босиб олинди ва мустамлакаларга айлан-тирилди. Узоқ давом этган мустамлакачилик даврида бу халқлар тараққиётида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди: табиий бойликларнинг европаликлар томонидан жадал ўзлаштирилиши натижасида саноат пайдо бўлди; пул-товар хўжалиги кенгайиб, бозор муносабатлари таркиб топди; кишиларнинг кундалик ҳаёти ва дунёқарашида янги тамойиллар шаклланди, Европа маданияти билан миллий маданиятларнинг уйғунлашуви бўлган маданият ривожланди.

Шу билан бирга ушбу асрлар Африка халқларининг ўз озодликлари учун тўхтовсиз кураш даври ҳам бўлди. Бу кураш давомида миллий онг ривожланди, кишиларда тенглик, озодлик, мустақиллик каби тушунчалар ривожланиб, улар курашининг мазмунига айлан-ди.

XXX боб бўйича саволлар

1. Усманийлар истилосидан сўнг Мисрни бошқаришда ва иқтисодий тизимида қандай ўзгаришлар юз берди?
2. Жазоирда шаклланган ҳарбий-сиёсий тизимнинг ўзига хос жиҳатлари нимада ва у Жазоирнинг ривожланишида қандай роль ўйнади?

3. Ливиядаги қулўғлилар ҳокимияти билан Порто Уртадан қул савдоси ба- батларнинг ўзига хос томонлари нимада эди?
4. Янги даврда Тунисда барқарор ҳокимиятнинг бўлмаганлиги қул савдо- сига қандай таъсир кўрсатди?
5. XVII аср охири – XVIII аср бошларида Сеннар султонлигида бош- ланган инқирознинг сабаби нимада эди?
6. Филалийлар сулоласининг қандай тадбирлари Мароканнинг тоқо- лишида асосий роль ўйнади?

XXXI Б О Б. XVI–XVIII АСРЛАРДА ҒАРБИЙ АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ

Ғарбий Африкада қул савдоси ва европаликларнинг кириб келиши

Европаликларнинг, асосан, португалияликлар ва испанларнинг Ғарбий Африка ҳудудларига кириб келиши XV аср иккинчи чора- гида бошланди. 1434 йилдан 1482 йилгача португаллар ва испанлар Бахадур бурнидан Конго дарёсигача бўлган қирғоқ ҳудудларининг барчасини кезиб чиқишди.

1460–1469 йиллари португаллар томонидан мустамлакага ай- лантирилган Яшил Бурун ороли Ғарбий Африкада қул савдосининг дастлабки базасига айлантирилди. 1475 йили лиссабонлик савдо- гар Фернандо Гомеснинг экспедицияси Анкобра ва Вольта дарёла- рининг оралиғида кўп миқдорда олтин қазиб оладиган ва Ғарбий Суданнинг шимолий ҳудудлари билан савдо қиладиган мамлакат- ни кашф этганларидан сўнг португалияликларнинг бу ҳудудларга қизиқиши айниқса кучайди. Бу ҳудудда яшовчи фанти қабилалари Африка халқлари ичида биринчилардан бўлиб португалиялик қул савдоси билан шуғулланувчиларнинг қурбони бўлди.

Португалияликлар Олтин Қирғоқда тезлик билан ўз мавқела- рини мустаҳкамлашга ҳаракат қилдилар ва 1482 йили бу ерда Сан Хорхе да Мина фортини (ҳозирги Элмина) бунёд этдилар. Қисқа муддатга португалияликлар бу ердан олиб чиқиб кетадиган маҳ- сулот олтин бўлиб қолди. Қул савдоси дастлаб унчалик ривожлан- мади, чунки Европа бозорларида бу «товар»га эҳтиёж йўқ эди.

Америка қитъасини мунтазам равишда мустамлакага айлан- тиришнинг бошланиши ва бу ердаги маҳаллий аҳолининг турли сабаблар билан кирилиб кетиши натижасида ишчи кучига катта

эхтиёж пайдо бўлди. Бу эхтиёж, айниқса, плантацияли хўжалик пайдо бўлган ҳудудларда жуда кучли эди. Бундай ишчи кучининг манбаи Африканинг, айнан Ғарбий Африканинг маҳаллий аҳолиси бўлиб, кейинги бир неча юз йил мобайнида бу ерлар жуда катта қул бозорига айлантирилди.

XVI аср охиригача Ғарбий Африка қирғоқларида ўрнашиб олган ягона давлат Португалия эди. Қул савдоси билан шуғулланган биринчи европаликлар ҳам португалияликлар бўлди. Ғарбий Африка қирғоқларининг кўплаб жойларида португалияликларнинг фортлари бўлишига қарамасдан улар Сенегал ва Гамбия оралиғидаги ерлардан ташқари қитъа ичига киролмасдилар. Бу дарёлар португалияликларга қитъа ичига анча чуқур кириб бориш имкониятини берди: улар 1534 йили Мали, 1565 йили эса Томбукту ерларигача етиб бордилар. Сенегал ва Гамбия дарёлари орқали португалиялик савдогарлар Кантар ва Бамбукнинг ички бозорларига кириб бордилар. Маълумки, бу ерларда кенг ҳудудли катта давлатлар мавжуд бўлиб, португалияликлар ўзларини истилочилардек тута олмасдилар. Шу сабабли португалияликлар асосий эътиборини Қуйи Гвинеяга (Сьерра-Леонедан Камерунгача бўлган қирғоқ бўйи ерларига) қаратди. Улар соҳил бўйларини тўртга зонага ажратиб, бу зоналарни улардан олинадиган асосий товарнинг номи билан атадилар. Ҳозирги Шимолий Либериянинг қирғоқлари Қалампирли қирғоқ, Фил суяги қирғоғи, Олтин қирғоқ, Вольта ва Нигер дарёлари оралиғи Қул қирғоғи деб аталган.

Фил суяги қирғоғи ва Қалампирли қирғоқ ҳудудларида табиий бухталар ва йирик дарёларнинг йўқлиги сабабли португалияликларнинг бу ерлар билан алоқаси ниҳоятда чекланган эди. Португалиялик савдогарлар асосан Олтин қирғоқ ва Қул қирғоғида фаол ҳаракат қилишарди. Улар Элминадан ташқари Аксумда, Шамада ва бошқа қирғоқ ҳудудларида бир қатор янги фортлар барпо қилдилар. Бу ерларда португалияликларнинг бутун савдоси тўпланган эди. Бу савдонинг ҳажми ҳам анча катта бўлиб, XVI аср бошларида бутун дунёда олинадиган олтиннинг 1/10 ни португалияликлар шу ерлардан олиб кетарди. Қирғоқбўйи халқлари португалияликлар билан тез савдо алоқаларига киришар, аммо бу савдо тенг эмасди, олтин деярли текинга сотиларди.

Жанубий Нигериянинг қирғоқлари (Қул қирғоғи) дастлаб португалияликларнинг эътиборини жалб қилмади. Йорубларнинг

кучли давлатлари португалияликларнинг ички хуудларга кириб бориши йўлида ишончли тўсиқ эди. Бенин давлати португалияликларнинг товарларига алмаштириш учун анчагина миқдорда калампир таклиф қилиши мумкин эди. Ушбу ҳол португалияликларни 1486 йили Гватода савдо нуқтасини барпо қилишга мажбур қилди. Бу савдо нуқтаси Бениннинг экспорт портига айланиб қолди. Аммо 1506 йили португалияликлар портни ташлаб кетдилар, чунки Африка қалампери (малагета) билан савдо қилиш ҳинд қалампери ва мурч билан савдо қилишга нисбатан анчагина кам даромад келтирарди. Бундан ташқари португалияликлар таклиф қиладиган одатдаги моллар (металл ва ойна буюмлари) хунармандчилик анча юқори бўлган бенинликлар орасида харидорғир эмасди.

Фернандо-По ва Сан-Томе оролларида мустаҳкам ўрнашиб олиб плантация хўжалигини йўлга қўйилиши (шакарқамиш етиштириллар эди) ишчи кучига бўлган талабни оширди ва бу ҳол кул савдосини авж олди. Бенин Нигер дарёсининг қирғоқларида ва Жанубий Нигериянинг бошқа хуудларида яшайдиган майда қабилалар билан бўладиган доимий урушларда асир олинганларни сотиш имкониятига эга эди. Португалиялик савдогарлар бу кулларни шакарқамиш плантацияларининг эгаларига ва Олтин қирғоққа олиб бориб олтинга алмаштирар эди. Португалияликларнинг кул савдоси XVI аср охирида Бразилиянинг мустамлакага айлантирилиши билан айниқса кучайди.

Бу даврга келиб Американинг Испания, Англия ва Франциянинг мустамлакаларига айлантирилган бошқа хуудларида плантацияли хўжалик кенг ривожлантирилди. Натижада куллар меҳнатига эҳтиёж ҳам ортиб борди. Африкадаги ишчи кучи бозорини эгаллаш учун Европа давлатлари ўртасида кучли кураш бошланди. Бу курашда Португалия анча кучлироқ Европа давлатлари билан тўқнаш келди. Аммо бу курашда энг катта жабр тортганлар африкаликлар бўлди. XVII асрдан Африка ерларида кулларни овлаш учун ҳеч қанақа қонунлар билан чекланмаган чинакам қароқчилик урушлари бошланди. 1530 йилдан 1600 йилгача бўлган 70 йил ичида фақат португалияликлар томонидан Америкага 1 млн га яқин куллар олиб кетилди.

1610 йилга келиб кул савдосидаги португалияликлар монополиясига голландияликларнинг рақобати туфайли путур етди. Айниқса, Голландиянинг Вест-Индия компанияси тузилгандан сўнг Ғарбий Африка қирғоқларидаги португалияликларга қарашли савдо

нукталарини эгаллаб ола бошлади. 1642 йилга келиб Аргуин, Гори, Сан-Томас портлари энди голландияликларга карашли эди. Олтин кирғоқдаги барча Португалия портлари ҳам улар томонидан забт этилган эди. 1648 йили португалияликлар Сан-Томасни яна эгаллашга муваффақ бўлишди, аммо уларнинг Атлантик океани оша кул савдосига бўлган монополияси бир умрга йўқотилган эди. Португалиянинг ўрнини Голландия эгаллади ва XVII аср биринчи ярмида Америкадаги испан мустамлакаларига африкалик кулларни улар етказиб берди.

Куллар бозорида Голландиянинг ҳукмронлиги ҳам узоққа чўзилмади. XVII аср иккинчи ярмидан мустамлака бозорларини эгаллаш учун курашга Англия ва Франция кўшилди. Инглиз ва француз плантаторлари ўз хўжалиklarининг кенгайиши туфайли кулларнинг меҳнат бозорини ўзлари эгаллашга, ўз товарларига олтин ва кумуш билан ҳақ оладиган португал ва голланд савдогарларининг хизматидан воз кечишга ҳаракат қилдилар. Кул савдосига Англия ва Франция билан бир қаторда Швеция, Дания, Бранденбург каби бошқа Европа давлатлари ҳам кўшилди. Кул савдосида монополия ўрнатиш учун кураш XVII аср иккинчи ярми ва бутун XVIII аср давомида йирик Европа давлатлари ўртасидаги кескин рақобатнинг асосий мақсадини ташкил қилди. Бу кураш майдони Африка қитъаси, айниқса, Ғарбий ва Марказий Африка бўлди.

Англия ва Франция йирик савдо компаниялари ташкил қилиб, уларга африкалик куллар билан савдо қилишнинг монопол ҳуқуқини берди. Булар 1664 йили ташкил қилинган француз компанияси ва 1672 йили ташкил қилинган Англиянинг «Қироллик Африка компанияси» эди.

Текин ишчи кучига бўлган юқори талаб, кул савдоси ҳажмини ниҳоятда кенгайтириб юборди. XVII асрда Америкага 2 млн 750 минг кул олиб кетилди. Бу кулларнинг учдан икки қисми Ғарбий Африкадан олиб кетилди ва Африка халқларининг ривожланишига жуда катта, тўлдириб бўлмайдиган зарар етказди. Урушлар, кул савдоси, кулларни океан орқали Америкага етказиб бориш шароитининг ўта оғирлиги миллионлаб кишиларнинг ўлимига олиб келди. Замондошлар қолдирган кўплаб далиллар шуни исботлайдики, очлик, касаллик, савдогарларнинг ғайриинсоний муомаласидан ҳар олтинчи африкалик йўлда ўлиб кетган. Кул савдосининг даҳшатли оқибати ҳақида шоир Лонгфелло:

*Тубсиз денгиз қиргоқларида,
Ялтираган қумлар остида,
Ўтибди хўрланган ва унутилган
Занжирбанд қулларнинг жасади.* —

деб ёзган эди.

Қулчилик Африкада европаликлар келишидан олдин ҳам маъжун бўлса-да, унда патриархал, хонаки кўринишда эди. Европаликлар келиши билан одам савдоси мисли кўрилмаган даражада кенгайиб, даҳшатли тус олди. Қул савдоси энг ривожланган XVII–XVIII асрларда Ғарбий Европанинг деярли ҳамма давлатлари очик ёки яширин равишда бундай фойдали «хунар» билан шуғулланишган. Африка халқларининг миллионлаб одамларни йўқотиши ишлаб чиқарувчи кучлар ривожига салбий таъсир кўрсатди. Қул савдоси Африка халқларининг сиёсий тараққиётига ҳам жуда ёмон таъсир қилди. Мустамлакачиликдан олдин қуллар қаторини асосан ҳарбий асирлар ташкил қиларди. Қул савдосининг оммавий тус олиши ўзаро урушларнинг кескин кучайишига олиб келди. Бу урушлар ва улар оқибатида қуллар сонининг кўпайишидан, асосан европалик мустамлакачилар манфаатдор эдилар. Энди қабила бошлиқлари одам овлаб кўшни қабилаларга тўсатдан юришлар уюштирар ёки ўз қабиладошларини сотар эди.

Фақат XIX аср бошларидагина ривожланган Европа мамлакатларининг қул савдосига қизиқиши сусайди. 1807 йили Британия парламенти ўз фуқароларига қул савдоси билан шуғулланишни тақиқловчи қонун қабул қилди. Аммо яна узоқ вақт қул савдоси тўхтамади. Илгариги очик савдо энди контрабандага айланди. Қуллар юкланган кемалар Британия ҳарбий флотининг патруль кемаси билан тўқнаш келганда, савдогарлар далилларни йўқотиш мақсадида бечора қулларни шафқатсизлик билан океанга улоқтиришар эди.

Эфиопия. Аҳолисининг асосий қисмини амхара ва галла қабилалари ташкил қиладиган Эфиопия Шимолий Африканинг энг ривожланган (араблардан ташқари) ҳудудларидан эди. Давлат аслида мустақил бўлган бир нечта князликлардан ташкил топган бўлиб, бу князликлар негус (шоҳ)нинг ҳокимиятига номигагина бўйсунарди. Ҳукмрон сулоланинг асосчиси Қуддус шоҳи Сулаймон ва малика Савскаяларнинг ўғли — Менемис I ҳисобланарди. Аслида худди

Япониядаги сингари Эфиопияда ҳам ҳақиқий ҳокимият император тахтига ўзига маъкул кишини ўтказа олган феодаллар кўлида эди. Кўпинча бундай император «Сулаймонлар сулоласи»дан бўлган ёш бола ёки жуда кекса киши бўларди. Япониядан фарқли ўлароқ бу ерда амалдаги ҳокимият авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтмаган.

Ерларнинг катта қисми император оиласига, черковга ва феодалларга тегишли эди. Дехқонлар уларнинг ерида ишлаб бериши ва ҳосилнинг бир қисмини ёки маълум бош молларни бериши лозим бўлган. Айти пайтда дехқонларнинг ердан фойдаланиши жамоа характерида эди. Эфиопияда қулчилик ҳам сақланиб қолганди. Аҳолининг асосий қисми христиан динига (православ мазҳабига яқин) сиғинишарди.

XVI аср бошларида Эфиопияга усмоний турклар бостириб кирди. Туркларни Эфиопияга вассал қарамликда бўлган ва мустақиллик олиш учун узоқ вақтдан бери кураш олиб бораётган Ифат ва Адал мусулмон султонликлари ҳам қўллаб-қувватлади. Адал қўшинларининг қўмондони Аҳмад ибн Иброҳим ал-Ғозий билан бир вақтда жанубдан галла қабилалари ҳам Эфиопияга бостириб кирди. Эфиопия хукмдорлари ёрдам сўраб Португалияга мурожаат қилишга мажбур бўлдилар. Эфиопия ва Португалиянинг бирлашган қўшинлари мамлакатдан туркларни қувиб чиқаришга ва галла қабилаларининг бир қисмини бўйсундиришга муваффақ бўлдилар. Турклар қувиб чиқарилгандан сўнг Эфиопияда мустаҳкамланиб олишга ва хўжайинлик қилишга ҳаракат қилган португалияликларнинг сиёсати қаршиликка учради, улар XVII аср ўргаларида Эфиопияни тарк этишга мажбур бўлишди. Бироқ ташқи хавф бартараф этилгандан сўнг тўхтовсиз давом этган ички ўзаро урушлар XVIII аср охири – XIX аср бошларига келиб марказий ҳокимиятнинг сусайишига олиб келди. Бу даврда Эфиопия энди ўз қўшини ва мустақил бошқарув тизимига эга бўлган бир қанча князликлардан иборат давлат эди. Бу князликларнинг (Шоа, Аҳмара, Тигре, Годжам ва бошқ.) мустақиллиги шу даражада эдики, уларни кўпинча «қироллик» ҳам деб аташарди. Эфиопия нгусэ нэгсэтининг (шоҳлар шоҳи) ҳокимияти рамзий бўлиб қолди, холос.

Ички аҳволнинг оғирлигидан фойдаланган европаликлар, биринчи навбатда Англия ва Франция, алоҳида князликларнинг хукмдорлари билан «дўстлик тўғрисида шартнома» туза бошладилар ва бу князларга бошқа князларга қарши курашда ёрдам ваъда

қилдилар. Бу ҳол Эфиопияда вужудга келаётган тарқоқлик ҳолатини янада кучайтирди.

Тропик ва Жанубий Африка. Европаликларнинг мустамлакачилик босқинлари ва қул савдоси Тропик ва Жанубий Африка халқлари ривожланишида маълум турғунликни вужудга келтирди. Олдинги даврлардан сақланиб келаётган турли халқлар ва ҳудудлар тараққиётидаги нотекислик ҳам бу ҳолатга катта таъсир кўрсатди.

Қадимги ва ўрта асрлардаги давлатлар ва давлат бирикмалари Тропик ва Жанубий Африканинг ҳамма ҳудудини эгалламаган эди. Катта ҳудуддаги, асосан ўрмонларда, ҳозирги Нигерия ва Камерун давлатлари, Убанги дарёси ҳавзаси ва Конго дарёсининг ўрта оқими, Шарқий Экваториал Африканинг қатор вилоятлари, китъанинг бутун жанубидаги аҳоли ибтидоий шароитда яшашни давом эттираётган эди. Калахари чўлларида яшайдиган айрим бушмен қабилалари, ҳатто, юқори палеолитга мос келадиган тараққиёт босқичида эдилар. Бир пайтлар кучли ва нисбатан тараққий этган давлатларнинг таркибига кирган ерлар (асосан Ғарбий Судан) яна сиёсий тарқоқлик ҳолатига қайтдилар.

XVIII–XIX аср бошларида янги давлат ва сиёсий бирикмаларнинг вужудга келиши қийин ва мураккаб кечди. Шунга қарамасдан Тропик Африкада ва қисман Жанубий Африкада бир қатор давлат ва давлат бирикмалари мавжуд эди.

Қул савдоси камроқ етиб борган Конго дарёси ҳавзасининг ички ҳудудларида Луба, Лунда ва Куба (уларни баъзан яшайдиган халқларнинг номи билан Балуба ва Бакуба деб ҳам аташарди) давлатлари XVII–XVIII асрларда нисбатан қисқа бўлсада, гуллаган даврни бошидан кечиришди. Бу даврда Тропик Африканинг ғарбий ва шарқий соҳилларини бир-бири билан боғловчи савдо йўли Луба ва Лунда орқали ўтади. Бу ерда, Конго ва Катанга дарёлари ҳавзасида, қадимдан ўзининг туз ва мис конлари билан машҳур бўлган, иқтисодий жиҳатдан нисбатан тараққий этган ҳудуд ҳам жойлашган эди.

XIV асрда Чад кўли атрофида вужудга келган Вадан давлати ҳам XVIII асрга келиб кучаяди. Гвинея қўлтиғи (ҳозирги Нигериянинг қирғоқбўйи ҳудудлари) қирғоқларида жойлашган Йоруба давлатлар федерациянинг сиёсий маркази XVIII асрда ҳам Ойо бўлиб қолаверди. Бу ерда Йорубанинг бошлиғи – алафиннинг қароргоҳи жойлашган эди. Алафин олий зодагонларнинг етита вакилидан

иборат кенгаш томонидан ҳукмрон сулола вакилидан сайланар эди. Озод аҳолининг кўнлаб кулга айлантрилиши, кўшнилар билан доимий урушлар, шимолдан Фульбеларнинг бостриб келиши натижасида XVIII аср охири – XIX аср бошларида Ойонинг инқирози бошланади.

Ойонинг сусайишига кўшниси, XVIII асрда кичкина Абомей князлиги асосида шаклланган кучли Дагомей давлати билан бўлган урушлар ҳам қисман сабаб бўлди. Дагомей жанговар армияга эга бўлиб, унинг асосини доимий кўшинлар, шу жумладан жангчи-аёллар ташкил қиларди.

XVII аср охири – XVIII аср бошларида Олтин қирғоқдан шимол томонда Ашанти давлати ташкил топди. Бу кучли Кумаси князлиги атрофида бирлашган князликлар федерацияси эди. XIX аср биринчи ярмида Ашанти Гвинея қўлтигининг марказий ва ғарбий қисмидаги халқларни ўз таъсири остида бирлаштиришга ҳаракат қилади.

XVIII аср охирида Шарқий Африканинг (Эфиопиядан ташқари) энг йирик давлати Буганда эди. Унинг этник асосини баганда халқлари ташкил қилади. Давлат тепасида «кабака» деб аталувчи монарх туради.

Тропик Африкада юқорида айтилганлардан ташқари қатор давлат ва давлат уюшмалари мавжуд эди.

Тропик Африкадаги давлат уюшмаларининг ижтимоий-сиёсий тузуми ҳали яхши ўрганилмаган. Уларнинг иқтисодий тизими ҳам турлича бўлиб, феодал муносабатлардан уруғ-қабилла тузумигача мавжуд эди. Бунда феодал муносабатлар, одатда, барқарор ва кучли кулчилик муносабатлари билан бирга мавжуд бўлган, бу ҳол эса мустамлакачиларнинг кул савдосини авж олдириши учун ҳам қулай шароит яратган. Олимларнинг тахмин қилишларича, Гвинея қирғоқларидаги давлатлар – Ойо, Дагомея ва Ашантининг юксалиши, ҳукмрон доираларнинг бойиб кетиши ҳам европаликларнинг кул савдоси билан боғлиқ бўлган.

* * *

Тропик Африкадаги барча давлатларнинг, уларда феодаллашув жараёни қайси даражада бўлишидан қатъи назар, фарқли томони кўплаб уруғ-қабилла институтларининг сақланиб қолишидир. Ҳамма жойда феодал рента билан жамоа ер эгалиги ва ерга ишлов беришнинг жамоа усули бирга мавжуд эди. Уруғчилик қолдиқлари ижти-

мой ҳаётни ташкил қилишга катта таъсир кўрсатди. Уруғчилик ўз-ўзини бошқариш органлари кўпинча давлат аппаратининг функциясини бажарарди. XVIII аср охиридан қабилаларнинг давлатларга бирлашиш жараёни кучаяди (масалан, Жанубий Африкадаги зулус қабилалари). XIX аср бошларидан мустамлакачиларга қарши курашиш эҳтиёжи бу жараённи янада кучайтирди.

XXXI боб бўйича саволлар

1. Янги давр бошларида Африкадан қуллар нима учун асосан Америкага олиб кетилар эди?
2. Португалияликлар билан африкаликлар ўртасидаги савдода асосий товарлар нималардан иборат эди?
3. Қул савдосини монополия қилиш учун Европа давлатлари ўртасидаги бошланган рақобат қандай мудҳиш натижаларга олиб келди?
4. XVII асрда Африкадан қанча қул олиб кетилди ва бунда қайси давлатлар асосий роль ўйнади?
5. XVII–XVIII асрларда Эфиопиянинг ўз мустақиллигини сақлаб қолишида қандай факторлар асосий роль ўйнади?
6. Янги даврда Тропик ва Жанубий Африканинг ижтимоий тузуми ва иқтисодий ривожланиш даражаси қандай эди?

ХУЛОСА

Европа ва Шимолий Америка мамлакатларида ўрта асрчилик аста-секин янги давр билан, феодал тартиблар янги, буржуача ҳаёт тарзи билан алмашганлигини кўриб чиқдик.

Иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий ва маданий ҳаётда янги жиҳатлар пайдо бўлди.

Ўрта аср кашфиётларидан кенг фойдаланиш билан бирга янги давр руҳига мос кашфиётлар пайдо бўлди. Ишлаб чиқаришнинг бутун ўрта асрларда ҳукмронлик қилиб келган цех тизими ўрнига мануфактуралар келиб, улар ҳам тез орада фабрикаларга ўз ўрнини бўшатиб берди. Саноат тўнтариши илдам қадамлар билан олдинлаб борди. Савдонинг қизғин ривожланиши товар-пул хўжалигини мустаҳкамлади.

Жамият ҳаётида шаҳарларнинг роли ортиб борди. Янги даврда айнан шаҳарлар ишлаб чиқариш ва савдонинг, шаклланаётган янги маданиятнинг марказига айланди.

Тадбиркорлик ва ёлланма меҳнат ривожланиб қишлоқ хўжалигига ҳам кириб борди. Деҳқонлар шахсий эркинликни қўлга киритишди, қишлоқда бозор муносабатлари таркиб топди, янги типдаги, ёлланма меҳнат ва бозор муносабатларига асосланган корхоналар пайдо бўлди.

Сиёсий соҳада катта ўзгаришлар – абсолют монархия ва миллий давлатларнинг шаклланиши ва мустаҳкамланиш жараёни юз берди. Айни пайтда Ғарбий Европа ва Шимолий Америка мамлакатларида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг дастлабки белгилари пайдо бўлди. Бу жараёнлар шиддатли кураш орқали ўзига йўл очиб борди. Абсолют монархия келишувга бориш, ислоҳотлар ўтказиш лозимлигини ҳис этмаган жойларда халқ ғзабининг тўлқинлари абсолютизмни ва эски тартибларни ағдариб ташлади, буржуа инқилоблари юз берди.

Ўзгаришлар натижасида аҳолининг таркиби ўзгарди, буржуазия ва ёлланма ишчиларнинг овози тобора кучлироқ эшитилиб, ўз сиё-

сий ҳуқуқларини талаб қила бошлади, интеллигенциянинг сони ва сифати ўсиб борди.

Буржуазиянинг бойлиги ошиши билан унда инсоний қадр-қиммат туйғуси ҳам ўсиб борди. Бу ҳол буржуазияни инсоннинг табиий ҳуқуқлари – Яшаш, Озодлик, Тенглик ва Мулк учун курашга чорлади. Бу йўл оғир, аммо муваффақиятли, зафарли кураш йўли эди.

Инсоннинг маънавий дунёсида ҳам ўзгаришлар юз берди. Онгнинг «дунёвийлашув» жараёни бошланиб, кишилар аста-секин диннинг таъсиридан озод бўла бошлади. Диний онгнинг ҳукмронлиги сақланиб қолган жойларда ҳам энди кишилар уни ислоҳ қилиш тарафдорлари эдилар.

Фан ва маданиятнинг янги ютуқлари кишилар ҳаётига кириб борди. Университет ва мактабларнинг сони кўпайди, хонадонларда китоблар, газеталар пайдо бўлди.

Кишиларнинг дунёқарашида юз берган тўнтаришга дунёда адолат ўрнатишга интилган, инсоннинг ҳаётини илоҳийлаштирган буюк гуманист-ёзувчилар улкан ҳисса қўшдилар.

XVII–XVIII асрларнинг дунёқараши сифатида Гуманизм, Реформация ва Маърифатчилик ғоялари бир-бирини алмаштирди. Ҳар бир кейинги таълимот ўзидан олдингисининг илғор ғояларини асраб қолди ва уларнинг ҳаммаси инсоннинг «яшашга, озодликка ва мулкка» бўлган ҳуқуқини ўрнатишга интилди.

XVI–XVIII асрлардаги янги давр тараққиёти XIX асрда юз берган индустриал цивилизациянинг ғалабаси учун асос яратди.

Айни пайтда Лотин Америкаси мамлакатларида анъанавий цивилизациянинг кўплаб белгилари сақланиб қолаётган бўлса-да, у ерда ҳам капиталистик муносабатларнинг ривожланиши учун имкониятлар пайдо бўлаётган эди.

Осиё мамлакатларида, айниқса, Ҳиндистон, Хитой ва Японияда анъанавий цивилизациянинг ҳукмронлиги тўлиқ сақланиб қолаётган эди. Бу ҳол мамлакатлар ва қитъалар ҳар хил суръатлар билан ривожланганлигини, халқлар тараққиётнинг турли босқичини бошидан кечираётганлигини кўрсатади. Айниқса, Африка халқларининг ривожланиш даражаси инсоният тарихидаги энг шармандали ва аянчли ҳодиса – кулчиликнинг янги даврда ҳам сақланиб қолиши учун шароит яратди.

Аммо Лотин Америкаси, Осиё ва Африка халқларининг ҳам ўз озодликлари, кадр-қиммати ва мустақиллиги учун кураши, уларда ушбу демократик тушунчаларининг шаклланиши ҳам айнан янги даврда бошланди.

Шу маънода, Европа ва Шимолий Америка мамлакатларида XVI–XVIII асрларда шакллана бошлаган, XIX асрда галаба қозонган индустриал цивилизация ва унда мужассамлашган умуминсоний қадриятлар дунёдаги барча халқлар курашининг мазмунига айланди.

ХРОНОЛОГИЯ

- 1418–1460 – Географик кашфиётларнинг биринчи, португал босқичи.
1420–1430 – Мадейра, Канар ва Азор ороллари кашф этилди.
1434 – Гвинея ва Яшил бурун ороллари кашф этилди.
1462 – Сьерра-Леоне кашф этилди.
1477 – Стокгольм университети ташкил этилди.
1479 – Копенгаген университети ташкил этилди.
1480 – Рус ерларини бирлаштириш бошланди.
1485–1603 – Англияда Тюдорлар даври.
1486 – Бартоломео Диаш томонидан Эзгу Умид бурни кашф этилди.
1492 йил 12 октябрь – Колумб экспедицияси Гуанахани оролига етиб келди. Америка кашф этилди.
1494 – Испания ва Португалия ўртасида Америка ва Жануби-Шарқий Осиёда таъсир доираларини белгилаш бўйича Тордесильяс шартномаси имзоланди.
1497–1498 – Васко да Гама экспедицияси Ҳиндистонга янги денгиз йўлини очди.
1497 – инглиз денгизчиси Жон Кабот Ньюфаундленга етиб келди.
1501 – Америго Веспуччи Бразилия қирғоқларини тадқиқ этди.
1501–1722 – Сафавийлар сулоласи Эронда ҳукмронлик қилди.
1509–1547 – Англияда Генрих VIII ҳукмронлиги йиллари.
1516 – Усманийлар султони Салим I ўзини халифа деб эълон қилди.
1517 – Мартин Лютернинг 95 тезислари, Германияда Реформация бошланди.
1519 йил 20 сентябрь – 1522 йил 6 сентябрь – Ф.Магеллан экспедицияси Ер шарини айланиб денгизда сузиб ўтди.
1519 – Америка қитъасидаги биринчи шаҳар – Панамага асос солинди.
1520–1566 – Туркияда Сулаймон I Қонунчи ҳукмронлиги даври.
1524–1525 – Германияда деҳқонлар уруши.
1526 – Ҳиндистонда Бобурийлар империясига асос солинди.
1526–1858 – Бобурийлар (Буюк мўғуллар) империяси мавжуд бўлган йиллар.
1526 – Мохич ёнида турклар томонидан венгерлар тор-мор қилиниб, Марказий ва Жанубий Венгрия Усманийлар империяси таркибига кирди.
1529 – Турклар томонидан Вена қамал қилинди.

- 1534 – Англияда дунёвий ҳокимиятнинг черковдан устунлиги тўғрисида қонун қабул қилинди, инглиз Реформацияси бошланди.
- 1543 – португалияликлар Японияга келди.
- 1547 – Иван Грозний Русда расман шоҳ унвонини қабул қилди.
- 1552–1594 – Европада диний урушлар даври.
- 1552 – Россия томонидан Қозон хонлиги босиб олинди.
- 1554 – Украина ва Шарқий Белорусия Россияга қўшиб олинди.
- 1556 – Россия Астрахань хонлигини босиб олди.
- 1556–1605 – Бобурийлар империясида Акбаршоҳ ҳукмронлиги даври.
- 1557 – Россия Бошқирдистонни босиб олишни якунлади.
- 1557 – португалияликлар Макоа оролини – европаликларнинг Хитойдаги биринчи ер мулкни ижарага олдилар.
- 1558–1603 – Англияда Елизавета I ҳукмронлик қилди.
- 1558–1583 – Ливония уруши.
- 1559 – Като – Камбрезия сулҳи имзоланди.
- 1564 – Иван Фёдоров Русда китоб чоп этишга асос солди.
- 1566–1609 – Нидерландия буржуа инқилоби.
- 1566 – Нидерландияда испанлар ҳукмронлигига қарши оммавий халқ ҳаракатлари бошланди.
- 1567 – Соломон ороллари кашф этилди.
- 1568–1582 – Японияда Ода Набунага ҳукмронлик қилди.
- 1569 – Люблин унияси имзоланди. Унга кўра Польша қироллиги ва Литва князлиги битта давлат – Речь Посполитага бирлашди.
- 1572 йил 24 август – Муқаддас Варфоломей тунида гугенотлар қирғин қилинди.
- 1573 – усмонийлар томонидан Кипр ороли босиб олинди.
- 1579 – «Утрехт унияси» имзоланди.
- 1581 – Нидерландиянинг шимолий провинцияларида Бирлашган Провинциялар Республикаси ташкил қилинди.
- 1592 – Кореяда Хитойнинг Япония билан биринчи жиддий тўқнашуви.
- 1595 – Жанубий Полинезия кашф этилди.
- 1598 – Францияда Нант эдикти чоп қилинди.
- 1600 – Ост-Индия компанияси ташкил қилинди.
- 1600 – Лондонда дастлабки биржа фаолият кўрсата бошлади.
- 1603–1867 – Японияда Токугавалар сёгунати даври.
- 1605 – Торрес Австралияни кашф этди.
- 1605 – Меланезия кашф этилди.
- 1609 – Испания Голландияни тан олганлиги ҳақидаги шартномани имзолади.
- 1613 – Россияда Романовлар сулоласи тахтга келди.
- 1618–1648 – Европада Ўттиз йиллик уруш.

- 1628 – Англияда «Хуқуқлар тўғрисида билль» эълон қилинди.
- 1636 – Гарвард университети ташкил қилинди.
- 1638 – Япония чет элликлар учун «ёпилди».
- 1640–1660 – Англияда буржуа инқилоби юз берди.
- 1640 – Португалия Испания таркибидан ажралиб чиқди.
- 1642 – А.Тасман Тасмания оролларида кашф этди.
- 1644–1911 – Манжурларнинг Цин сулоласи Хитойда хукмронлик қилди.
- 1648 – Вестфаль тинчлик сулҳи имзоланди.
- 1648 – Семён Дежнёв Осиё билан Шимолий Америка ўртасидаги бўғозни кашф этди.
- 1649 – Англия қироли Карл I Стюарт қатл қилинди.
- 1649 йил 19 май – Англияда республика эълон қилинди.
- 1653 – Англияда ҳарбий диктатура кўринишидаги Кромвель протекторати ўрнатилди.
- 1668 – Аахен сулҳи имзоланди.
- 1679 – Нимвеген сулҳи имзоланди.
- 1680 – Регенсбург келишуви имзоланди.
- 1689 – Нерчин рус-хитой шартномаси имзоланди.
- 1690 – Инглизлар бобурийлардан олган ерларида Калькутта шаҳрига асос солди.
- 1697 – Рисвик сулҳи имзоланди.
- 1698 – Карловица тинчлик сулҳи имзоланди.
- 1701–1714 – Европада испан тахти учун уруш бўлди.
- 1703–1721 – Россия ва Швеция ўртасида Шимолий уруш бўлди.
- 1703 – Россиянинг янги пойтахти Санкт-Петербург шаҳрига асос солинди.
- 1713 – Утрехт сулҳи имзоланди.
- 1714 – Раштадт сулҳи имзоланди.
- 1720 – Потсдам келишуви имзоланди.
- 1721 – Ништад сулҳи имзоланди.
- 1724 – Россия Фанлар академияси таъсис қилинди.
- 1731–1743 – Қозогистоннинг асосий қисми Россияга қўшиб олинди.
- 1733 – Жон Кей тўқув дастгоҳини ихтиро қилди.
- 1742 – С.И. Челоскин Осиёнинг энг шимолий чеккаси – Челоскин бурнини кашф этди.
- 1750–1850 – Европада «Оқ нон инқилоби» рўй берди.
- 1755 – Москва Давлат университети ташкил қилинди.
- 1756–1763 – Европада Етти йиллик уруш даври.
- 1757 – Хитойда Кантондан бошқа барча портлар европаликлар учун ёпилди.
- 1758–1759 – Жўнғор ва Қашқар хонликлари тугатилиб, Хитойга қўшиб олинди.

- 1763 – Губертебург сулҳи имзоланди.
- 1763 – Эрон билан Англия ўртасида биринчи шартнома имзоланди.
- 1763–1766 – И.И. Ползунов унверсиал буғ машинасини яратди.
- 1764 – П.К. Креницин экспедицияси Аляска қирғоқларига етиб борди.
- 1765 – Жеймс Хоргривс «Женни» урчуғини ихтиро қилди.
- 1767 – Хейс тўқув машинасини яратди.
- 1769 – Мисрнинг Усманийлар империясидан мустақиллиги эълон қилинди.
- 1771–1801 – Вьетнамда Тэйшенлар қўзғолони бўлди.
- 1772 – Европалик миссионерлар Хитойдан чиқариб юборилди.
- 1774–1792 – Францияда Людовик XVI ҳукмронлиги йиллари.
- 1774 – Жеймс Уатт буғ машинасини ихтиро қилди.
- 1775–1783 – АҚШда мустақиллик учун уруш йиллари.
- 1776 йил 4 июль – АҚШда Мустақиллик Декларацияси қабул қилинди.
- 1783 – Қрим Россияга қўшиб олинди.
- 1784 – Корб прокат станини ихтиро қилди, Т. Модели токарлик дастгоҳини яратди.
- 1787 – АҚШ Конституцияси қабул қилинди.
- 1788 – Жорж Вашингтон АҚШнинг биринчи президенти этиб сайланди.
- 1788–1790 – Хитой Вьетнамга бостириб кирди, Вьетнам Хитойга тобеликни тан олди.
- 1789–1799 – Буюк Француз инқилоби йиллари.
- 1789 йил 14 июль – Бастилиянинг олинishi, Франциянинг миллий байрами.
- 1789 – Францияда «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси» қабул қилинди.
- 1792 – Францияда Биринчи республика ўрнатилди.
- 1791 – АҚШда «Ҳуқуқлар тўғрисида билль» қабул қилинди.
- 1793 – Людовик XVI қатл қилинди.
- 1793–1794 – Парижда яacobинчилар диктатураси ўрнатилди.
- 1795 – Польшанинг учинчи бор тақсимланиши, Польша қироллиги ва Буюк Литва князлиги тугатилди.
- 1796–1797 – Наполеон Италияга юриш қилди.
- 1797 – Франция ва Австрия ўртасида Кампоформия тинчлик шартномаси имзоланди.
- 1798–1799 – Наполеоннинг Миср экспедицияси йиллари.
- 1799 йил 10 ноябрь – Францияда Директория кулади, Наполеон Биринчи консул бўлди, Буюк француз буржуа инқилоби якунланди.

ГЛОССАРИЙ

Абсолютизм	Давлат бошқарув шакли бўлиб, унда монарх ҳокимияти чекланмаган, давлат марказлашувининг, бюрократик аппарат бошқарувининг, доимий армия ва полициянинг юқори чўққисига эришилади.
Арендатор	Белгиланган аренда ҳаққи эвазига маълум ер участкасидан вақтинча фойдаланувчи киши, кўпинча деҳқон.
Аскетизм	Туйғу, истакларни ўз хоҳиши билан чеклаш ёки бостириш, жисмоний азобларни ўз истаги билан тортиш, ҳаёт қувончларидан воз кечиш.
Барокко – (итальян. барокко – мўъжизавий, ажойиб)	XVI–XVIII асрнинг ўрталарида Европа мамлакатларидаги санъат, архитектура, адабиёт ва мусиқада кенг тарқалган йўналиш.
Богдихон	Манжурия, Монголия, Тува, Олтой ва Бурятияда олий диний унвон, 1911 йилгача Цин сулоласидан бўлган Хитой императорлари ҳам шу унвонга эга бўлишган.
Бомбарда	XV–XVI асрларда тош ўқлар билан отадиган артиллерия қуроли.
Бусидо	Японияда самурайларнинг ахлоқ кодекси, дзен-буддизм ва синтоизм тамойилларига асосланган.
«Бред декларацияси» (1660 йил 14 май)	Унга биноан қирол Англия инқилоби пайтида янги зодагонлар ва буржуазия қўлга киритган барча имтиёзларни тан олди.
Варшава шартномаси (1768)	Православларнинг сиёсий ҳуқуқлари кенгайтирилиб, католикларники билан тенглаштирилди, Польша устидан Россия протекторати ўрнатилди.
Виглар	Англиядаги сиёсий партия, буржуалашган зодагон аристократияси, йирик савдо ва молия буржуазияси манфаатларини ифода этади, XIX аср ўрталарида либерал партияга асос бўлди.

Вестфал тинчлик сулҳи (1648)	Вестфалиянинг Мюнстер ва Оснабрюк шаҳарларида имзоланган. Реформация кучлари билан уларнинг душманлари ўртасидаги қарама-қаршиликни якунлади.
Готика – (итал. Gotiko – готларга хос)	XII асрнинг иккинчи ярми – XV асрлар Ғарбий Европа санъатига хос услуб. Уйғониш даври гуманистлари ўзларидан олдинги санъатнинг «ёввойи» характерици таъкидлаш учун шундай аташган.
Гугенотлар	XVI–XVIII асрларда Францияда протестант-кальвинистлар шундай деб аталган.
Гуманизм	Инсон шахсининг қадрини, унинг ҳуқуқ ва эркини, бахтга интилиш ва ўз имкониятларини ривожлантириш ҳуқуқини тан олувчи, тарихан ўзгарувчан қарашлар тизими.
Диггерлар	Левеллерлар ҳаракатидан ажралиб чиққан инқилобий демократиянинг ўта ўнг қаноти.
«Денгиз қатнови акти» (1651)	Унга кўра Англияга денгиз орти товарларини олиб кириш ҳуқуқига фақат инглиз кемаларигина эга эди.
«Диний бағрикенглик ҳақида Декларация» (1687 йил 2 апрель)	Яков II Англияда «Диний бағрикенглик ҳақида декларация»ни имзолади.
«Дўстлик ва Тижорат Битими» (1778 йил 6 февраль)	АҚШ ва Франция ўртасида имзоланган бўлиб, унга кўра Франция АҚШни тан олди ҳамда савдо-сотик шартномаларини тақлиф этди.
Инквизиция	Қидирув, суд ва жазо функцияларини бажарувчи католик черкови трибунали. 1229 йили Тулуза шаҳрида тузилган. 1233 йили Рим папаси Григорий IX нинг махсус булласи билан инквизициянинг қарори барча католиклар учун мажбурий бўлди.
Индепендентлар	Буржуазия радикал қанотининг ва шаклланаётган зодагонларнинг манфаатларини ифода этувчи Англиядаги сиёсий партия; 1649–1650 йиллар ҳокимиятда турган.
«Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси» (1789 йил 26 август)	Буюк Француз инқилоби даврида Таъсис мажлиси томонидан қабул қилинган ҳужжат.

Истамбул шартнома-си (1590)	Эрон билан Туркия ўртасида имзоланган. Унга кўра Шарқий Грузия, Шарқий Арманистон, Курдистон, Озарбайжон ва Луристоннинг бир қисми усмоний-ларга ўтди.
Икта	Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ҳукмдор то-монидан феодалга катта хизматлари эвазига инъом қилинган чек ер.
Индустриал цивили-зация	Саноатни ривожлантириш ва илмий-техник тарақ-қиётга асосланган цивилизация.
Кальмар унияси	1397 йили Швециянинг Кальмар шаҳрида Да-ния, Швеция, Норвегия ўртасида абадий бирлик тўғрисида тузилган акт. Дания қироли Эрик Поме-ранский уч давлатнинг қироли деб эълон қилинган.
Каравелла	XIII–XVII асрларда Ўрта Ер денгизида кенг тарқалган, баланд бортли, бир кема саҳнили елканли кема.
Консуллар	Қадимги Римда бир йилга сайланувчи олий лавозим-даги иккита шахс, улар олий фуқаролик ва ҳарбий ҳокимиятга эга бўлган. Буюк француз инқилоби йиллари Францияда уч консуллик жорий қилинган.
Картезианлик	XVII–XVIII асрларда фалсафа ва табиатшуносликда-ги йўналиш, Р. Декарт ғояларига асосланган.
Классицизм	XVII–XIX аср бошларида санъатдаги услуб, антик давр меросига идеал образ, норма сифатида қараган.
Конкистадорлар	Испан босқинчи-авантюристлари.
Либерал	Эркин фикрловчи одам, ҳурфикр, шаккок киши.
Ливеллерлар	Англиядаги радикал сиёсий партия.
Лютеранлар	Мартин Лютер таълимоти тарафдорлари, протес-тантлар.
Мангалур сулҳи (1784)	Иккинчи инглиз-майсур уруши даврида Типу султо-ни билан инглизлар ўртасида тузилган.
Масонлар	Инсониятни тинч йўл билан биродарлик иттифоқи-га бирлаштиришни мақсад қилган диний-этник яширин ҳаракат аъзолари.
Маърифатли абсолютизм	Моҳияти мавжуд абсолют монархияли давлат шак-лини ўзгартирмасдан эскириб қолган феодал тартиб-ларни янгилашга қаратилган иқтисодий, маданий ва сиёсий ислохотларни «юкоридан» ўтказиш сиёсати.

Маърифатчилик	XVII–XVIII асрларда Европа мамлакатларида содир бўлган маорифнинг кенг ёйилиши, фаннинг ривожланиши даври; «табiiй тартибни» англашда онг ва фаннинг ҳал қилувчи ролига асосланган, бу эса инсон ва табиатнинг асл моҳиятига мос келади, деб қаралган.
Меркантилизм (французча mercantilisme, лотинча mercante – сотувчи, савдогар)	Феодализмнинг инқирози ва капитализмнинг шаклланиши даврида савдо буржуазиясининг манфаатларини ақс эттирувчи иқтисодий таълимот ва иқтисодий сиёсат.
Монополия	Ишлаб чиқариш, савдо қилиш, кондан фойдаланишнинг бир шахсга, шахслар гуруҳи, давлатга бериладиган имтиёзли ҳуқуқ.
Мустақиллик Декларацияси	Америка Қўшма Штатларини демократик бошқаришнинг ҳуқуқ ва принципларига асосланган биринчи ҳужжат.
«Мэйфлауэр аҳдлашуви» (1620)	101 нафар пуритан (ота-пилигримлар)дан иборат гуруҳ «Мэйфлауэр» кемасида Виржинияга келди.
Нант эдикти (1598)	Унга биноан Францияда ҳукмрон дин бўлиб католицизм қолди, аммо гугенотларга эркин ибодат қилиш ҳуқуқи берилди (Париждан бошқа шаҳарларда).
Нидерланд	Ҳозирги Бельгия ва Голландия ҳудудларининг тарихий номи, таржимаси «паст ерлар» бўлиб, бу ҳудудлар денгиз сатҳидан пастда жойлашганлиги учун шундай дейилган.
Ништадт сулҳи (1721)	Сулҳга кўра Лифландия, Эстландия, Нидруж ҳамда Эдель ва Даго ороллари Россияга ўтди. Швецияга Финляндия қайтарилди ва эгалланган ерлар учун Россия ҳақ тўлаш мажбуриятини олди.
Обскурантизм (лотинча obscurantis – ёруғликни тўсувчи, қоронғи қилувчи)	Маърифат ва фанга ўта душманлик муносабати, жаҳолат.
Пожаревацк сулҳи	Австрия Босния ва Сербиянинг бир қисмини, Словения ва Валахиянинг қатта қисмини, шунингдек, Банатни ўз таркибига қўшиб олди.
Прагматик санкция (1723)	Унга биноан тахт ворислиги жинсидан қатъи назар, Габсбурглар сулоланинг ёши қатта вакилига ўтадиган бўлди.

Протекционизм (французча protectionisme логинча protection – панада сақлаш, ҳимоя қилиш)	Давлатнинг иқтисодий сиёсати бўлиб, мамлакатга киритиладиган чет эл товарларига юқори бож солиғи ўрнатиш, айрим товарларни киритишни чеклаш ёки тўлиқ тақиқлаш йўли билан миллий ишлаб чиқаришни чет эл рақобатидан ҳимоя қилишга қаратилган.
Протестантизм	Черковни ислоҳ қилиш учун ҳаракат.
Провинциялар интендантлари – (французча intendant – бошқарувчи)	XVII–XVIII асрларда Францияда мавжуд бўлган, провинцияларни бошқариш учун марказдан тайинланадиган махсус лавозимли шахс.
Пуританлик (инглизча «pure» – «тоза»)	Христиан динидаги мазҳаблардан бири. XVI асрнинг иккинчи ярмида Англияда кальвинизм ва анабаптизм асосида шаклланган, инглиз протестантизмига мухолифатда бўлган диний оқим. Пуританлар қатъий эътиқод ва оддий (тоза, номлари ҳам шундан келиб чиққан) черков маросими тарафдорлари.
Реформация	XV асрда Германияда пайдо бўлган ва Европанинг кўплаб мамлакатларига ёйилган, католик черкови таълимотига ўзгариш киритиш ташаббуси остида ўтган, моҳияти феодализмга қарши қаратилган ижтимоий ҳаракат.
Реституцион эдикт (1629)	Бу ҳужжат 1552 йилдан бери протестантлар томонидан эгалланган (секуляризация қилинган) ерларга католик черковининг ҳуқуқини тиклашни кўзда тутарди.
Саноат тўнтариши	Қўл меҳнатига асосланган мануфактура ишлаб чиқаришидан машиналар қўлланиладиган завод ва фабрика ишлаб чиқаришига ўтиш.
Сен-Жермен келишуви (1570)	Франциянинг Сен-Жермен шаҳрида қирол томонидан имзоланган эдикт. Унга кўра гугенотлар ҳам давлат мансабларини эгаллаш ҳуқуқига эга бўлдилар.
Секуляризация	Ижтимоий институтларни дин ва черковдан ажратиш.
Сёгун	Умумяпон ҳарбий бошлиғи, император номидан давлатни бошқарган.
Схоластика (грекча scholasticos – мактабга мансуб)	Ўрта аср «мактаб фалсафаси». Уларнинг фаолиятида универсалийлар ҳақида баҳс асосий ўрин тутарди.
Талер	Кумуш танга, XII–XVIII асрларда Европада кумуш стандарти бўлиб ҳисобланган.

Тортесильяс шартномаси (1494)	Унга мувофиқ Азор оролларида ғарбда жойлашган ерларга эгалик қилиш ҳуқуқи Испанияга, шарқда жойлашган ерларга эгалик қилиш ҳуқуқи Португалияга берилди.
Тоталитар (лотинча <i>totalitas</i> – яхлит, тўлиқ)	Жамиятнинг ҳамма жабҳаларини тўлиқ қамраб олган ҳукмрон ғоя, мафкура ёки сиёсий тузумга нисбатан қўлланилади.
Устурлаб (астролябия)	Денгизда географик кенглик ва узунликни аниқлашда ёрдам берадиган бурчак ўлчайдиган асбоб.
Утрехт унияси (1579)	Нидерландиянинг еттита шимолий вилоятлари ўртасида «худди битта вилоят каби абадий бирлашиш» тўғрисида тузилган иттифок.
Фатализм (лотинча <i>fatalis</i> – қисмат)	Антидиалектик дунёқараш концепцияси бўлиб, унга кўра оламдаги ҳамма жараёнлар зарурият тақозосига бўйсунди, эркин танлаш ва ижодга ўрин қолдирмайди, ҳаммаси олдиндан белгилаб қўйилган.
Фуқаролик жамияти	Озод, мустақил ва тенг ҳуқуқли инсонлардан ташкил топган жамият.
«Фуқаролар ҳақида патент» (1781)	Чехия, Моравия, Силезия ва Галицияда крепостной ҳуқуқ бекор қилинди.
Эпигенез назарияси – (юнонча <i>genesis</i> – келиб чиқиш)	Эмбриогенезда органлар, дастлаб структурасиз бўлган эмбрион массасидан аста-секин шаклланади деб тушунтирувчи назария.
Экстерриториаллик	Чет эллардаги дипломат ёки компаниянинг фақат ўз давлати қонунларига бўйсунishi.
«Эркинликнинг буюк хартияси»	1225 йили Англияда қабул қилинган қонун.
Ҳокимиятнинг бўлиниши	Ушбу принципга биноан давлатда ҳокимият учта мустақил қисмларга бўлинади (ижро, қонун чиқарувчи ва суд).
Ҳуқуқий давлат	Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда уларнинг ҳимояси амалда таъминланган давлат.

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати:

1. *Азархин В., Горский В.* Научная истина и судьба ученого: Коперник, Бруно, Галилей. М., 1984.
2. *Альбедиль М.Ф.* Индия: беспредельная мудрость. М., 2005.
3. *Бассан Ф.* Людовик XIV, король-артист. – М., 2002.
4. *Безотосный В.М.* Наполеоновские войны. – М.: Вече, 2010.
5. *Борзова Е.П.* История мировой культуры. СПб., Лань, 2002.
6. *Бродель Ф.* Материальная цивилизация, экономика и капитализм XV–XVIII вв. Т. 1. Гл. 1. – М., 1986 (биологический «старый порядок»); Т. 2. Гл. 5. – М., 1988. (общество и государство).
7. *Бродель Ф.* Что такое Франция? Кн. 1. «Пространство и история». – М.: Изд-во им. Сабашниковых, 1994; кн. 2. «Люди и вещи». Ч. 1. – М., 1995; Ч. 2. – М., 1997.
8. *Васильев Л.С.* Всеобщая история: Учеб. пособие: В 6 т. Т. 3. От Средних веков к Новому времени (XVI–XVIII вв.). – М.: Высшая школа, 2008.
9. *Васильев Л.С.* История Востока. – М., 2003.
10. *Вилар Пьер.* История Испании. – М.: АСТ-Астрель, 2006.
11. *Вебер М.* Протестантская этика и дух капитализма // М. Вебер. Избранные произведения. – М., 1990.
12. *Всемирная история. Весь школьный курс в таблицах / сост. М.Ю. Дуда.* – Минск: Современная школа: Кузьма, 2011.
13. *Всемирная история: учебник для вузов / Под ред. Г.С. Поляка, А.Н. Марковой.* – М.: ЮНИТИ, 2000.
14. *Всеобщая история / С.В. Новиков, А.С. Манькин, О.В. Дмитриев.* – М.: АСТ: СЛОВО: Полиграфиздат, 2012.
15. *Водарский Я.Е.* Население России за 400 лет (XVI – начало XX в.). – М.: «Просвещение», 1973.
16. *Гизо Ф.П.* История цивилизации в Европе. – М.: Территория будущего, 2007.
17. *Графский В.Г.* Всеобщая история государства и права. – М., 2000.
18. *Данилевский И.Я.* Россия и Европа. М., 1995.
19. *Дорогова Л.П.* Западноевропейская культура Нового времени. – М., 2001.
20. *Душенко К.В.* Всемирная история в изречениях и цитатах. – М.: Эксмо, ИНИОН РАН, 2008.
21. *Дэвис Н.* История Гирона. – М.: АСТ, 2006.

22. *Елисеєфф В.Д.* Цивилизация классического Китая. – М., 2007.
23. *Загладин Н.В.* Всемирная история: XX век: Учебник для 11 класса общеобразовательных учреждений. – 8-е изд. – М.: ООО «ТИД «Русское слово – РС», 2006.
24. Искусство нового времени. СПб., 2000.
25. История Австрии с древнейших времен до 1792 г.: *П.П. Митрофанов* – Санкт-Петербург, Краснодар, 2010.
26. История международных отношений: основные этапы с древности до наших дней: Учеб. пособие. – М.: Логос, 2007.
27. История мировых цивилизаций: учебное пособие / коллектив авторов; под науч. ред. *Г.В. Драча, Т.С. Паниотовой.* – М.: КНОРУС, 2012.
28. История России с древнейших времен до начала XXI века: учебное пособие для студентов вузов / *М.М. Горинов, А.А. Горский, А.А. Данилов* и др. 6-е изд., пересмотр. – М.: Дрофа, 2005.
29. История России с древнейших времен до конца XVII века / Под ред. *Л.В. Милова.* М., 2006.
30. История России XVIII–XIX вв. / Под ред. *Л.В. Милова.* – М., 2006.
31. История Средних веков: В 2 т. / Под ред. *С.П. Карпова.* Изд. 5-е. – М.: МГУ, 2005.
32. История США. В 4-х томах. – М., 1983.
33. История Франции / Ин-т всеобщей истории АН СССР; отв. ред. *А.З. Манфред.* В 3 т. – М.: Наука, 1972, 1973.
34. История южных и западных славян. Том 1. Средние века и новое время / Под ред. *Г. Матвеева.* Из-тво МГУ, 2001.
35. *Кантемирова Р.И.* Новая история стран Европы и Америки: Учебно-методические материалы для студентов 2–3 курсов по специальности «032600 – История». – Стерлитамак: Стерлитамакский гос. пед. ин-т., 2003.
36. *Карл Вацелка.* История Австрии. – М., 2007.
37. *Кастр Р. де. Мирабо.* – М., 2008.
38. *Кертман Л.Г.* География и культура Англии. – М.: «Высшая школа», 1979.
39. *Колесов В.П., Осьмова М.Н.* Мировая экономика. Экономика зарубежных стран. – М., 2000.
40. Контрольно-измерительные материалы. История Нового времени: 7 класс / Сост. *К.В. Волкова.* – М.: ВАКО, 2011.
41. Культурология: История мировой культуры. Учебное пособие / Под ред. *А.Н. Марковой.* – М., 1995.
42. *Лампрехт К.* История германского народа: пер. с нем. – М., 1995.
43. *Ларин Е.А.* Латиноамериканская цивилизация. – М., 2007.
44. *Ливи Баччи, Массимо.* Демографическая история Европы / Серия «Становление Европы» / Пер. с итал. *А. Миролобовой.* СПб., «Александрия», 2010.

45. *Мунчаев Ш.М.* История отечества. М., 1994.
46. *Мак-Нил У.* Восхождение Запада. История человеческого сообщества. Киев. – М., 2004.
47. *Манькин А.С.* Новая и новейшая история стран Западной Европы и Америки. – М.: Слово; Эксмо, 2004.
48. Национальная идея в Западной Европе в Новое время. – М., 2005.
49. Новая история стран Азии и Африки. XVI–XIX вв. : Учебник для студ. высш. учеб. заведений / (*А.М. Родригес* и др.); под ред. *А.М. Родригеса*: в 3 ч. – М.: Гуманитар. изд. центр ВЛАДОС, 2008.
50. Новая история стран Европы и Америки / (*Виноградов В.Н.* и др.) – М.: Дрофа, 2005.
51. Новая история стран Европы и Америки: Учебник для вузов / Под ред. *И.М. Кривогуза*. – М.: Дрофа, 2003.
52. *Понамарев М.В., Смирнова С.Ю.* Новая и новейшая история стран Европы и Америки: Практическое пособие: Учебное пособие для студентов высш. учеб. заведений: В 3 ч. – М.: Владос, 2000.
53. *Садохин А.П., Грушевицкая Т.Г.* Мировая художественная культура. – М., 2000.
54. Сборник документов по истории нового времени стран Европы и Америки (1640–1870 гг.). – М.: «Высшая школа», 1990.
55. *Сенченко А.И.* Государство и право, история и культура Великобритании и США. – М., 2005.
56. *Сурдель Д. и Ж.* Цивилизация классического ислама. – Екатеринбург, 2006.
57. *Тарле Е.В.* Политика. – М., 2011.
58. *Тарле Е.В.* Очерки истории колониальной политики западноевропейских государств (конец XVI – начало XIX в.). – М.–Л.: 1965.
59. *Теплянов С.* Век Наполеона. Реконструкция эпохи. – Барнаул: Изд-во «ИПП «Алтай». 2011.
60. *Тойнби А.Дж.* Постигание истории. – М., 1999.
61. *Трещёткина И.Г.* Всемирная история в таблицах и схемах. СПб., ООО «Виктория плюс», 2011.
62. *Тюлар Ж.* Наполеон, или Миф о «спасителе». – М.: Издательство АО «Молодая гвардия», 2012.
63. *Уэллс Г.Д.* Всеобщая история мировой цивилизации. 2-е изд. – М.: Эксмо, 2007.
64. *Фергюссон А.* Опыт истории гражданского общества. – М., 2002.
65. Философия истории: Учеб. пособие / Под ред. проф. *А.С. Понарина*. – М.: Гардарики. 1999.
66. *Фильштинский И.М.* История арабов и Халифата (750–1517 гг.). Изд. 3-е. – М.: АСТ: Восток-Запад, 2006.

67. *Фортуатов В.В.* История: Учебное пособие. Стандарт третьего поколения. Для бакалавров. – СПб.: Питер, 2012.
68. *Фортуатов В.В.* История мировых цивилизаций. – СПб., Питер, 2011.
69. *Хайдеггер М.* Бытие и время. – М., 2007.
70. *Хантингтон С.* Становление цивилизаций. – М., 2003.
71. *Хешнелл Н.* Миф абсолютизма. СПб., 2003.
72. Хрестоматия по новой истории. В 3-х томах. – М.: «Мысль», 1963–1965.
73. *Черкасов П.П.* Кардинал Ришелье. – М.: «Международные отношения», 1990.
74. *Чудинов А.В.* Французская революция. История и мифы. – М., 2007.
75. *Шпенглер О.* Закат Европы. М., 1993.
76. *Штакмар В.В.* История Англии в средние века. – М.: Из-тво Алатея. 2005.
77. *Шоню П.* Цивилизация Просвещения. Екатеринбург, 2008.
78. *Шоню П.* Цивилизация классической Европы. Екатеринбург, 2005.
79. *Элиас Н.* О процессе цивилизации. Т.1, 2. – М.: СПб., 2001.
80. *Якимович А.К.* Новое время. Искусство и культура XVII–XVIII веков. – М., 2004.
81. *Ян Мелин А.Ю., Альф В. Юханссон, Сюзанна Хаденберг.* История Швеции. – М.: Из-тво «Весь Мир». 2007.
82. *Ясперс К.* Смысл и назначение истории. – М., 1991.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I БЎЛИМ. ЕВРОПАДА ЯНГИ ДАВРНИНГ БОШЛАНИШИ	
I б о б. Буюк географик кашфиётлар ва мустамлака тизимининг шаклланиши	10
II б о б. Янги давр бошларида Европанинг ижтимоий-иқтисодий қиёфаси	26
III б о б. Уйғониш даврида Европа маданияти	56
IV б о б. XVI–XVII асрларда қироллик ҳокимиятининг кучайиши. Абсолютизм	83
V б о б. Реформация ва Европада абсолютизмнинг мустаҳкамланиши	91
II БЎЛИМ. ЕВРОПАДА ИНДУСТРИАЛ ЦИВИЛИЗАЦИЯНИНГ ШАКЛЛАНИШИ	
VI б о б. XVII–XVIII асрларда Англия	134
VII б о б. Маърифатчилик асри	165
VIII б о б. XVII–XVIII асрларда Франция	181
III БЎЛИМ. ЯНГИ ДАВРДА ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ	
IX б о б. XVI–XVIII асрларда Германия	218
X б о б. XVII–XVIII асрларда Габсбурглар империяси	234
XI б о б. XVI–XVIII асрларда Россия	243
XII б о б. XVI–XVIII асрларда Италия	264
XIII б о б. XVI–XVIII асрларда Испания	272
XIV б о б. XVI–XVIII асрларда Польша	280
XV б о б. XVI–XVIII асрларда Балқон халқлари	286
XVI б о б. XVI–XVIII асрларда Шимолий Европа мамлакатлари	294
IV БЎЛИМ. ЯНГИ ДАВРДА АМЕРИКА МАМЛАКАТЛАРИ	
XVII б о б. XVII–XVIII асрларда Шимолий Америка	305
XVIII б о б. XVI–XVIII асрларда Лотин Америкаси мамлакатлари	327
V БЎЛИМ. XVI–XVIII АСРЛАРДА ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ	
XIX б о б. Янги даврда анъанавий цивилизация мамлакатлари	335
XX б о б. XVI–XVIII асрларда Хитой	347

XXI б о б. XVI–XVIII асрларда Ҳиндистон	365
XXII б о б. XVI–XVIII асрларда Япония	380
XXIII б о б. XVI–XVIII асрларда Корея	393
XXIV б о б. XVI–XVIII асрларда Мўғулистон	403
XXV б о б. XVI–XVIII асрларда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари	406
XXVI б о б. Усманийлар империяси	426
XVI–XVII асрларда Усманийлар империяси	431
Усманийлар империяси инқирозининг бошланиши	440
XXVII б о б. XVI–XVIII асрларда Эрон	447
XXVIII б о б. XVI–XVIII асрларда Афғонистон	459
XXIX б о б. XVI–XVIII асрларда Араб мамлакатлари	467
VI БЎЛИМ. XVI–XVIII АСРЛАРДА АФРИКА ХАЛҚЛАРИ	
XXX б о б. Африкадаги араб мамлакатлари	486
XXXI б о б. XVI–XVIII асрларда Ғарбий Африка мамлакатлари	499
Хулоса	508
Хронология	511
Глоссарий	515
Тавсия этилган адабиётлар рўйхати	521